

1997 йил июндан чиқа бошлаган

№1 (80)

2004 йил, январ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
МАТБУОТ ВА АХБОРОТ
АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

МУНДАРИЖА

НАСР

ФРИДРИХ НИТШЕ. <i>Зардушт таваллоси. Насрий достон</i>	4
МАКСИМ ГОРЬКИЙ. <i>Егор Буличов ва бошқалар. Драма</i>	47
ВАЛЕРИЙ ЗАЛОТУХА. <i>Сўнги коммунист. Қисса</i>	91

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

ТЎҚТАҒУЛ. <i>Она халқим, омон бўл!</i>	83
ЛОЙИҚ ШЕРАЛИ. <i>Рубойлар</i>	87

ПУБЛИЦИСТИКА

ЗБИГНЕВ БЖЕЗИНСКИЙ. <i>Буюк шахмат тахтаси</i>	142
--	-----

ФАЛСАФА. МАДАНИЯТ. САНЪАТ

Е.КНЯЗЕВА, А.ТУРОБОВ. <i>Табиат тўғрисида ягона фан</i>	163
---	-----

АДАБИЙ ТАНҚИД

НУРБОЙ АБДУЛҲАКИМ. <i>Ҳижрон сели узра солинган кўприк</i>	179
--	-----

ТОШКЕНТ
ЯНВАР

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

БАҲОДИР ЭШОВ. Давлатчилик тарихи зарварақлари.....187

САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

ЭДГАР ПО. Морг кўчасидаги қотиллик. *Ҳикоя*.....190

Бош муҳаррир:
Озод ШАРАФИДДИНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Мирпўлат Мирзо
(Бош муҳаррир муовини)
Файзи Шоҳисмоил
(масъул котиб)
Амир Файзулла
Раҳматилла Иноғомов

Жамоатчилик кенгаши:
Қуддус Аъзамов
Одил Ёқубов
Рисбой Жўраев
Неъматулла Иброҳимов
Абдулла Орипов
Файрат Шоумаров
Рустам Шоғуломов
Тўлепберген Қайипберген
Баҳром Қурбонов
Саидахрор Ғуломов
Пўлат Ҳабибуллаев

Жаҳон адабиёти, 1. 2004.

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №172

Уч босма тобоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

Таҳририят манзили:
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Телефонлар: 144-41-60; 144-41-61; 144-41-62.

Навбатчи муҳаррир А.ФАЙЗУЛЛАЕВ
Рассом Ю.ГАБЗАЛИЛОВ
Техник муҳаррир М.НИЗОМОВА
Мусаҳҳиҳлар Д.АЛИЕВА, М.ҚОДИРОВА
Компьютерда саҳифаловчи Н.ҚОДИРОВА

Теринга берилди 10.12.2003 й. Босишга рухсат этилди 05.02.2004й. Бичими 70x108 1/16.
Газета қоғози. Офсет босма. Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.
Жами 1200 нусха. А-5262 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида териблиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Тошкент матбаа комбинатида чоп этилди.
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Жаҳон адабиёти, 2004 й.

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

**2004 йил — Меҳр ва
мурувват йили билан
барчангизни чин дилдан
қутлаймиз!**

**Сизларга бахт ва омад,
меҳнат фаолиятингизда улкан
зафарлар тилаймиз!**

Фридрих НИТШЕ

Зардўшт таваллоси*Насрий дoston**БИРИНЧИ ҚИСМ*

ДЕБОЧА

АЛО ОДАМ ВА ОХИРГИ ОДАМ ЗИКРИ

1

Зардўшт ўтгизга тўлганда ўз юртини ва ўз юртининг ойнакўлини тарк этди-да, тоғларга чиқиб кетди. Бу ерларда у ўз руҳи ва ўз ёлғизлигининг лаззатини сурди ва ўн йил ўз бахт-иқболидан ўсонмади. Лекин кунлардан бир кун унинг қалби мунқалиб бўлди — саҳар-мардон ўрнидан туриб, куёшга тўғри рўпара келди ва унга шундай сўзлар билан таваллю қилди:

“Эй, шаҳи ховар! Агар мунаввар шуълаларингта интизорлар бўлмаса, сенинг бахт-иқболнинг нимага ҳам арзирди!

Ўн йил мағорам узра балқиб турдинг: агар мен бўлмасайдим, менинг лочиним ва менинг морим бўлмасайди, сен ўз нуларингдан ва ўз йўларингдан ўзинг безган ва тўйган бўлардинг.

Лекин биз ҳар тонгда сенга мунтазир эдик, сенинг саховатингни жонимизга жойлардик ва сенга ҳамду сано ўқирдик.

Боқ! Мен ҳаддан ортиқ бол тўплаган асалари сингари ўз донолигимдан ўзим тўйиб кетдим; менга томон илтижо бирлан чўзилган кўллар бўлишлигини истайман.

*Иброҳим
ҒАФУРОВ
таржимаси*

Эпикур, Суқрот, Платон, Фалес, Пифагор, Будда, Моний, Зардўшгдан икки-икки ярим минг йиллар ўтиб, то буюк Мартин Хайдеггергача мислсиз шаън-шавкат билан намоён бўлиб келган олам ва одам ҳақидаги нодир фалсафа намоёндаларидан бири Фридрих Нитше. Нитше 1844 йилда Германияда туғилди. Бонн, Лейпцигга ўқиди. 22 ёшида “Марказий адабий газета”да адабий ходим бўлиб ишлади. 24 ёшида Базел университети томонидан профессорлик лавозимига ишга таклиф этилди. Лейпциг университети унга диссертация ёзиб, ҳимоя қилиб ўтирмасиданоқ, докторлик илмий даражасини берди. Германиянинг ўша даврдаги буюк мутафаккирлари Якоб Буркхардт ва Рихард Вагнер билан яқинлашди. Ўз эътирофича, Париж билан Петербург орасидаги барча фикр эгалари билан танишди, алоқалар боғлади. 1876 йилдан унинг соғлиги ёмонлашди. Бир йилнинг икки юз кунини у каттиқ бош оғриғи билан ўтказарди. Тўхтовсиз кўнгли озар, мислсиз азоб чекарди. Ўша пайтларда, Нитше руҳий касаллар касалхонасига ётқизилибди, у ақлдан озиб қолибди, деган миш-мишлар ҳам тарқалган эди. “Руҳимнинг балоғати худди мана шу пайтларга тўғри келади”, деб ёзган эди Нитше ўз

Мен қўш қўлаб тортиқ қилиш ва саховат ёғдиришни истайман, токи одамларнинг ақллилари ўз телбаликларидан қувониб юрсинлар ва қашшоқлари ўз бойликларидан шоду хандон ўлсинлар.

Шунинг учун мен пастга инмоғим керак: сен ҳам ҳар оқшом шундай қиласан, денгизга чўмасан ва дунёнинг у бетига ёруғлик элтасан, о зарафшон сайёра!

Мен-да худди сен каби ботмоғим керак. Мен ҳузурларига тушмоқчи бўлган одамлар буни шундай деб атайдилар.

Шунинг учун менга оқ фотиҳа бер, эй сокин чашм, сен ҳаду поёнсиз бахту иқболга ҳам ҳеч қачон ҳасад қилмайсан!

Тўкилай деб турган жомни алқа, токи шарбат оқиб, ҳар томонга сенинг шуқуҳинг шуълаларини ёйсин!

Боқ, жом яна бўшамоқчи ва Зардўшт яна одамга айланмоқчи”.

— Зардўштнинг боғиши ана шундай бошланди.

2

Зардўштнинг ёлғиз ўзи тоғдан тушди, унга йўлда ҳеч ким дуч келмади. Лекин у ўрмонликқа кирган чоғда, ўз муборак ҳужрасидан ўтин териш учун чиқиб келган қари чол йўлиқди. Пир Зардўштга шундай сўзларни айтди:

“Бу мусофирни мен танийман: бир неча йил илгари бу ердан у ўтган эди. Ўзини Зардўшт деб атаган эди; лекин ортиқ у ўзгарибдир.

Ўшанда сен ўз хокингни тоғларга олиб чиқиб кетган эдинг: наҳот сен энди ўз оловингни водийларга элтмоқни хаёл қиласан? Наҳот сен ўт қўйғувчиларга бериладиган жазодан қўрқмайсан?

Ҳа, мен Зардўштни танидим. Унинг нигоҳи тоза ва забонида нафрат йўқ. Шу боисдан эмасми, у худди рақс тушайётган каби елиб боради.

Зардўшт эврилмиш, болага айланмиш Зардўшт, хобидан Зардўшт уйғонмиш: уйқуда ётганлардан сен энди нима истайсан?

Сен ёлғизликда худди денгиз мисол яшадинг ва денгиз сени ўз

ҳаётномасида. Нитше оғир хасталикдан чиниқиб чиқди. У ҳар қандай қийинчилик ва касалликни матонат ва ирода билан енгиб ўтишни ўрганди. Нитшеннинг кекса университет устози Ричл у ҳақда ҳали ёшлигидаёқ, бу жуда ҳам нодир ҳодиса, у нимани истаса, ҳаммаси қўлидан келади, деб айтган эди. Навоийга сабий чоғларида Аттор қандай таъсир қилган бўлса, Нитшега ўзидан пича илгари ўтган файласуф Артур Шопенгауэр шундай таъсир кўрсатди. У Шопенгауэр асарларини ва айниқса, “Дунё ирода ва тасаввур сифатида”ни ёдлаб олиш даражасида севиб ўқиди. Бу ўқиш унинг ҳаёти ва тақдирида кескин бурилишлар ясади. 1872 йилда Нитше “Трагедиянинг музыка руҳидан туғилиши” деган асарини ёзди. Асар Германия ва Европада катта шов-шувларга сабаб бўлди. Бу китоб антик маданият ва антик тафаккурга қўйилган мислсиз ҳайкал каби қабул қилинди. Шундан сўнг Нитшеннинг бирин-кетин “Бевақт қораламалар”, “Инсонга хос, ҳаддан ташқари инсонга хос”, “Қувноқ билим”, “Аччиқ ҳикмат”, “Зардўшт таваллоси”, “Яхшилик ва ёмонликнинг нариги томонида”, “Ахлоқнинг келиб чиқиши”, “Санамларнинг шоми”, “Антихрист”, “ЕССЕ НОМО” деган йирик фалсафий-адабий асарлари дунёга келди. Нитше бу асарларда фикрлаш кенглигини катта миқёсларга кўтарди. Нитшеннинг сўзи билан айтганда, у ўзига тўла-тўқис ва ҳар томонлама Европа руҳини сингдирди. Нитше бу асарларда ақл бовар қилмас фикр чўққиларига кўтарилди. У инсон ҳаёти ва унинг маъноси ҳақидаги анъанавий қадриятларни сингдирди ва ҳаммасини қайта баҳолаб чиқди. У ўзигача бўлган бутун Шарқу Ғарбнинг фикр дунёсини бузди-тузатди, яна бузди ва яна тузатди. У одам боласида махлуқ ва холиқ бир бутун бўлиб бирлашиб кетган деб ёзди ва ўзининг бугун фавқулодда қудратли фалсафий тафаккурида одамни махлуқликдан қутқариб, холиқликка кўтаришни мақсад қилиб қўйди. Бу сўзлар бизга ўта шаккоклик бўлиб туюлади. Лекин бир замонлар Мансур Халложнинг ҳам “аналҳақ!” деган сўзи шундай шаккоклик каби қабул қилинган ва у қийнаб ўлдирилган эди. Инсон ўз махлуқлигидан халос бўла боришда охир холиқ даражасига етади. Холиқ даражасига етганда, у ало одамга, яъни энг баркамол одамга, одамдан юқорироқ одамга айланади.

тўлқинларида кўтариб юрди. Эвоҳ! Сен ахир қуруқликка чиқишни хоҳлайсанми? Сен яна ўз лошингни ўзинг кўтариб юрмоқчи бўласанми?”

Зардўшт жавоб берди: “Мен одамларни севаман”.

“Шунинг учун эмасми, — деб айтди пир, — мен ўрмон ва ёзига чиқиб кетмишдим? Ахир шунинг учун эмасми, одамларни шунчалар севганим?”

Энди мен худони суяман. Суймайман мен одамларни. Наздимда одам боласи бағоят чала. Одамга муҳаббат мени ўлдирган бўлур эди”.

Зардўшт жавоб айлади: “Муҳаббат ҳақида мен нима дебман?! Мен одамларга тортиқ олиб бораман”.

“Уларга ҳеч нарса берма, — деди пир. — Яхшиси, уларнинг бирон нимасини ечинтириб ол ва улар билан бирга кўтариб бор — уларга шундан кўра авлоси йўқ; магар сенга ҳам худди шу авлю бўлса!

Магар сен уларга тортиқ қилмоқчи бўлсанг, садақадан ортиқ тортиқ қилма ва яна мажбур қил, токи сендан тилаб олсинлар!”

“Йўқ, — деб жавоб айтди Зардўшт, — мен садақа бермайман. Бунинг учун унчалар қашшоқ эмасман”.

Пир Зардўшт устидан кулди ва шундай деди: “Унда бир илож қил, токи сенинг разналарингни қабул қилиб олсинлар! Улар дарвешларга ишонмайдилар ва бизни тортиқ қилишга келган деб ўйламайдилар.

Бизнинг йўллардаги қадам товушларимиз уларга ҳаддан ортиқ мискин эшитилади. Улар ўз тўшақларида ётиб, ҳали қуёш чиқмасдан бурун қадам сасларини эшитсалар, ўзларига ўзлари савол берадилар, қаерга бораяпти бу ўғри? — деб.

Ахир одамлар ичига борма, шу ўрмондаёқ қол! Яхшиси, махлуқлар билан бўл! Нега сен мендек бўлишни истамайсан — айиқлар аро айиқ, қушлар ичра қуш?”

“Пирнинг ўзи ўрмонда нима қиляпти?” — сўради Зардўшт.

Пир жавоб айлади: “Мен кўшиқлар тўқийман: мен кўшиқлар тўқиётганимда куламан, йиғлайман ва ўз-ўзимга шивирлайман: мен худога шундай ҳамду сано айтаман.

Бахши бўлиб, кулиб, йиғлаб, шивирлаб мен худога сано айтаман, худойимни улуғлайман. Лекин айт-чи, сен бизга нимани тортиқ қилмоқчисан?”

Нитшеннинг рус таржимонлари бу тушунчани “сверхчеловек” деб олганлар. Биз буни ало одам, яъни энг мукамал одам деб олдик. “Высший человек” тушунчаси ҳақида гап кетганда эса, буни “олий одам” деб талқин қилдик. Шундай қилиб, “ало одам” ва “олий одам” тушунчалари пайдо бўлди. Нитше ўзининг барча асарларини ҳикматлар усулида ёзди. Ҳикмат айтаётгандай сўйлади. Бу ҳикматларда фикр қўпиради, жўшади, ҳар қандай баланд қирғоқлардан ошади, тошади ва бутун оламга ўта кетган зиддиятли, қарама-қаршиликларга тўла руҳ бўлиб оқади, ёйилади, ўз эҳтирослари билан борлиқни қамраб олади. Борлиққа ўз ҳукмини ўтказди. Нитшеннинг ҳикматўй асарлари инсон ва унинг келажаги, олам ва унинг келажаги ҳақида оташин башоратларга тўлиб ётибди. Чиндан ҳам, Нитше дегани бу бошдан-охир башоратдир. У “Мен Европанинг Буддасиман”, деб бежиз айтмаган!

Нитшени бир ўқиган одам кейин ундан бош кўтаролмайди. Лекин Нитше бизнинг ҳаётимизга эндинга кириб келаётир. Тўқсонинчи йиллардан сўнг рус тилида Нитшеннинг асарлари, танланган асарлари нашр этилди. Булар бизга ҳам етиб келди. Мана энди Нитшени ўқиш, ўрганиш, таржима қилиш, яъни уни ўз фалсафий дунёимизга олиб кириш, ўз фалсафамизнинг узвий бўлагига айлантириш палласи елди. Зотан, Нитшедай озодликни, Нитшедай ахлоқийликни ва ғайриахлоқийликни тушунтирган одам йўқ.

Бир нарсага қатъий ишонч ҳосил қилмоғимиз керак: Европа фалсафаси миқёсида фикрлашга ўрганмасдан туриб, дунёнинг диққатини жалб қилиб бўлмайди. Биз Нитшедай улуг аллома, мутафаккир ва адиб билан танишувимизни унинг энг хориқулудда асарларидан бири, жаҳон фалсафаси ва тафаккурини ларзага солган асари “Зардўшт таваллоси”дан бошлашга қарор қилдик. Агар Нитше Европа бўлса, Зардўшт ҳар қалай Шарқ, катта Шарқ ва Зардўшт бундан икки ярим минг йиллар бурун бизнинг кенгликларда ўз башоратларини ёйган ва одамларга аҳком қолдирган сиймо... Нитшеннинг туғилган синглиси Елизавета Фёрстер-Нитшеннинг ўз хотираларида ёзишича, Нитше Зардўштни болалик чоғларида тушида кўрган. Нитше ўзининг илк

Зардўшт бу сўзларни эшитиб, пирга таъзим қилди ва шундай сўзларни айтди: “Сизга нимани ҳам берардим! Ижозат этинг, тезроқ кетайин, токим, сизнинг бирон нимангизни олиб кўймайин!” — Шундай деб улар — қари пир ва одам ўз йўлларига кетдилар ва худди болалардек кула-кула айрилдилар.

Лекин Зардўшт ўрмонда ёлғиз ўзи қолгач, дилининг тубида шундай деди: “Шундай ҳам бўлиши мумкинми! Бул пири муборак ўз ўрмонида юриб ҳали эшитмаган экан-да, ахир аллақачон худо ўлган!”

3

Ўрмон орқасидаги шаҳарга етиб келиб Зардўшт бозор майдонидида йиғилган жуда кўп одамлар устидан чиқди: зотан дор ва дорвоз ўйини ваъда қилинмиш эди. Шунда Зардўшт халойиққа қарата шу сўзларни айтди:

“Мен сизларга ало одам ҳақида таълимот келтирдим. Одам шундайин бир хилқатдурким, ундан ошиб ўтмоқ керак. Сиз уни ошиб ўтмоқ учун нима қилдингиз?”

Шу дамгача барча хилқатлар ўзларидан юқориюқориманидир яратдилар. Сизлар шу улуг тўлқиннинг қайтиши бўлиб ўтирдигизларми? Одамдан ўтиш ўрнига тезроқ яна ваҳший ҳайвон қиёфасига киришга ошиқдингизларми?

Одамнинг қошида маймун нима деган нарсадир? Кулги ёхуд азоби кўп шармандалик. Одам ало одам қошида худди мана шундай ҳолатдир: ё кулги ва ё азобангиз шармисорликдир.

Сизлар қуртдан одам бўлдингиз, лекин ҳали-ҳамон кўп ҳолда қурт қобигидан қутулмагансиз. Бир замон сиз маймун эдингиз ва ҳатто ҳозир ҳам аксар маймунлардан кўра кўпроқ маймундирсиз.

Ичларингизда бўлмиш энг ақлларингиз ҳам ҳатто ўсимлик билан хулио-шарпа ўртасида тебраниб турган нораво бир шаклдир. Лекин мен ахир сизларга ўсимлик ёки шарпа бўлингиз деб айтадирманми?

Қаранг, мен сизларга ало одам ҳақинда таълимот беражакман.

Ало одам — заминнинг мазмуни. Сизнинг иродангиз айтсин: “Майли, ало одам заминнинг мазмуни бўлсин!”

Биродарларим, мен сизга илгижо қилиб айтурман: заминга содиқ бўлингиз

асарларида “улуг одамни тарбиялаш”, “улуг шахсларни вояга етказиш” ғоясини илгари сурган ва кейинчалик бу ғоялар уни бутунлай ром этган ва “ало одам”ни яратиш фикрига айланган эди. “Алоҳида буюк одамларни яратиш учун инсоният тинимсиз меҳнат қилиши керак. Унинг вазифаси фақат мана шунда, бошқа нарсада эмас”, деб ёзган эди Нитше илк асарларидан бирида. Нитше ало одам деганда аввало ўз тили билан айтганда, ҳамма нарсани энгиб ўтувчи ва тенгсиз уйғунлик топгувчи “буюк соғломлик”ни тушунарди. Нитше “Қандай қилиб ўз-ўзини топмоқ ҳақида” деган асарида такрор-такрор Зардўштга тўхталади. Ўзи ва Зардўшт ҳақида бир бутунликда фикр юритади. Ўзи ва Зардўштни бир нарса, бир ҳодиса каби тушунтиришга майл билдиради. Яна шу асарида Зардўштни тушуниш ёки тушунмаслик тўғрисида фикр юритаркан, Нитше ёзади: “Кимда-ким Зардўштдан лоақал олтига сўзни ўзлаштириб ўқиган ва англаган бўлса, у албатта “ҳозирги” замон одамларига нисбатан бирмунча юқори поғонага кўтарилади”. Нитше, Зардўшт сиймоси бу — “бутун борлиқнинг энг олий суратда намоён бўлиши”, дейди ва уни “ало одам” деб атайди. Зардўшт номини Сезар, Шекспир, Данте, Рихард Вагнер, Байрон, унинг қаҳрамони Манфред, Генрих Гейне каби Европа цивилизациясининг энг улуг намоёндалари билан ёнма-ён қўяди. Уларда Зардўштдан ва Зардўштда улардан нималардир бор деб билади.

“Зардўшт таваллоси” буюк бир илҳом ва башорат қудрати билан ёзилган асардир, Зардўшт каломи ҳақида Нитшеннинг ўзи: “Ҳикмат бунда эҳтироснинг зўридан қалтирайди, нутқ мусиқага айланади”, деб ёзган эди. Бу асар кароматпўй Зардўшт ҳақида, ўша буюк соғломлик ҳақида. Ундан қадим донолик азоблари ва хирад изтиробларининг садолари янграб туради. Зардўшт бу асарда фавқулодда тиш, фавқулодда концепция, фавқулодда оламга қараш дастуридир. Қолаверса, у бошдан-оёқ Нитшеннинг ўзидир. Нитше асарнинг услубига жуда катта аҳамият беради, уни тинимсиз тўлқинли мусиқа каби яратади. Лекин бу мусиқа ўз-ўзидан туғилган эмас, Унинг асоси қадим Шарқ ва айниқса, паҳлавий ҳикматларига бориб уланади. Бу

ва ер узра умид тўғрисида сизга сўзлаётганларга ишонмангиз! Ўзлари биларларми-билмасларми, барибир, улар заҳарлагувчилардир.

Улар ҳаётдан нафратланурлар, улар ўзларини ўзлари заҳарламишлар ва ўлимлари сари йўл олмишлар, ер улардан чарчамишдир: ўлим уларга!

Аввалда худобезорилик энг мудҳиш безорилик эрди. Аммо худо ўлди ва у билан бирга бу худобезорилар ҳам ўлдилар. Энди ерни ёмонлаш — энг мудҳиш жиноятдир, баайни билиб бўлмаснинг моҳиятини ер мазмунидан юксак билмоқ ҳам худди шундайдир.

Бир замон дил вужудга шундай нафрат билан қараган эди: ўшанда шу нафратдан кўра юксакроқ ҳеч нарса йўқ эди; — у вужудни ориқ, манҳус ва оч кўришни истаган эди. У вужуд ва заминдан қочишни шундай кўзламиш эди.

У, бу дилнинг ўзи шунчалар ориқ, манҳус ва оч эди; шафқатсизлик бу дилнинг роҳати эди!

Лекин, эй биродарларим, айтингиз: сизнинг вужудингиз дилингиз ҳақида нималар дейди? Ахир сизнинг дилингиз қашшоқлик, лойқа сел ва ўз-ўзидан мамнунликдан ўзга нимадир?

Чиндан ҳам, одам бу — лойқа селдир. Бу лойқа селни ўзига ютиб, яна тоза қолмоқ учун фақат денгиз бўлмоқлик керакдир.

Қарангиз, мен сизга ало одам тўғрисида сўйляяпман: у — ўша денгиз, унда сизнинг улуғ нафратингиз чўкиб кетгай.

Сиз бошингиздан кечиришингиз мумкин бўлган энг олий нарса нимадир? Бу — улуғ нафрат соатидир. Ўша соатда сизнинг бахт-иқболингиз кўзингизга манфур бўлиб кўрингай, манфур бўлиб кўрингай сизнинг ақлингиз ва сизнинг яхшилигингиз ҳам.

Ўша соатда сиз айтурсиз: “Менинг бахтим нимадур? У — қашшоқлик, ифлослик ва ўз-ўзидан ожизона мамнунликдир. Менинг бахтим менинг бордигимни оқламоғи керак эди”.

Ўша соатда сиз айтурсиз: “Менинг ақлим нимадур? Арслон ўлжа қидиргандай, у ҳам билим қидирармикин? У — қашшоқлик, ифлослик ва ўз-ўзидан ожизона мамнунликдир!”

яхшироқ тушунилиши ва тасаввур қилиниши учун мен икки ярим минг йиллик бир матнга эътиборингизни тортмоқчи эдим. Қадим паҳлавий матнларида Адурбод Зардўшт ўлининг шундай сўзлари ёдгор бўлиб қолган: “Ва у айтди: “Мен давлатмандлик, қашшоқлик ва ҳукмфармолик йўлларида ўтдим. Давлатманд бўлган чоғимда мен саховат қилдим, кўлим очиқ бўлди; тахта ўтирдим — камгар ва шафқатли бўлдим; қашшоқлигимда — ҳамма нарсани тиришқоқлик билан меъёрида қилдим, Тинчликни сақлаш — жанг қилгандан афзалдир. Нафрат сақлагандан кўра умид билан яшаган афзалдир. Хотиржамлик топмоқ ва ғабдан сақланмоқ — яхшидир. Мол-мулкингнинг бир қисмини бўлишмоқ ва ёлгон гувоҳга ўтмаслик — яхшироқдир. Сўраган адашмайди, қулоқ солган хато қилмайди, кенгаш қилган алданмайди. Кимда-ким шуни тушунган бўлса, ундан кўра мамнунроқ кимса йўқдир. Кимгаки худо мадаккор бўлса, барча кулфатлардан озоддир...” Шунга ўхшаш сўзларни Нитшеннинг Зардўшти айтган муқаддас сўзлар билан андак қисслаб кўрсак, буюк муаллиф ўз ижодий интилишларида қанчалар Шарққа қараб силжиганлиги ва Шарқ дунёсига қанчалар ёриб кирганлигига гувоҳ бўлаемиз. Ва шу бекиёс силжишларда Европа ва Шарқ тафаккурининг синтези юзага чиққанлигини англаб етамиз. Яна шуни ҳам айтиб ўтайликки, улуғ башарни Европада Зороастр ва Заратўштра деб атардилар. Қадим матнларда эса Зардўшт деб келинган. Биз ҳам Зардўшт деб олдик. Шундай қилиб, мана сизга Европа орқали келаётган Зардўшт Спитома ва унинг ўтли башоратлари. Бу асар — қутилмаган фикр тошқинлари, гирдибодлари. Улар ўзбек тафаккури учун бошдан-охир янгилик. Уни фалсафий шоирона дoston дейиш мумкин. Биз унинг оҳанглариини ўзидай сақлашга интилдик.

“Зардўшт таваллоси” таржимасига мен 1994 йилда киришгандим, унинг илк “Дебоча” қисми “Тафаккур” журналининг 1995 йилги биринчи сонида босилиб чиққан эди. Орадан ўтган йиллар Нитшега янада яқинлашиш, уни чуқурроқ англашга интилиш йиллари бўлди. “Жаҳон адабиёти” журналининг жуда катта далласи билан асарнинг ўзбекча таржимаси 2003 йилнинг ёзида яқунланди.

Таржимон.

Ўша соатда сиз айтурсиз: “Менинг яхшилигим нимадур? У мени телбавор қилмади. Мен қанчалар толдим ўз яхшилигимдан ва ўз ёмонлигимдан! Буларнинг бари қашшоқлик, ифлослик ва ўз-ўзидан ожизона мамнунликдур”!

Ўша соатда сиз айтурсиз: “Менинг адолатим нимадур? Кўрмайман мен — аланга бўлдимми ё чўғ бўлдим. Одил эса бу — аланга ва умрдир!”

Ўша соатда сиз айтурсиз: “Менинг шафқатим нимадур? Ахир шафқат — одамларга муҳаббат қўйганлар миҳланадурган салиб эмасми? Лекин менинг шафқатим хочга миҳланиш эмасдир”.

Сиз аввал шундай сўйлаганмисиз? Сиз аввал шундай нидо қилганмисиз? Оҳ, қанийди, сизнинг шундай нидоларингизни эшитган бўлсам!

Сизнинг гуноҳингиз эмас — сизнинг такаббурлигингиз кўкларга фарёд соладур; гуноҳларингизнинг тубанлиги кўкларга фарёд кўтарадур!

Лекин сизни ўз тили билан ялайдирган чақмоқ қани? Сизга эм қилинадурган телбалик қани, қайда?

Қарангиз, мен сизга ало одам ҳақида сўйлаб турибман: — У чақмоқ, у телбалик!”

Зардўшт шуларни айтarkan, аллаким издиҳом ичидан қичқирди: “Биз дорвоз ҳақида кўп эшитганмиз; бизга унинг ўзини кўрсатсинлар!” Бутун халойиқ Зардўшт устидан кулгани турди. Дорвоз эса бу гапларни ҳойнаҳой менга айтишандир, деб ўртага тушди.

4

Зардўшт эса халойиққа қараб таажжубга ботарди. Кейин у шундай деди: “Одам бу — ҳайвон билан ало одам ўртасида тортилмиш арқон, — у тубсиз чоҳ узра осилиб туради.

Ўтмоқ хатарли, ярим йўлда қолмоқ хатарли, орқага ўтирилиб қармоқ хатарли, кўрқиш ва тўхташ хатарли.

Одам мақсад эмас, кўприқдир, ана шуниси муҳим: одам ўтиш ва маҳв бўлишдир, одамнинг шунисинигина севиш мумкин.

Мен ҳалок бўлишдан ўзгача яшай билмайдиганларни севаман.

Мен буюк манфурларни севаман, зотан улар ўзга соҳилларга буюк иштиёқманд ва истакнинг ўқидирлар.

Мен шундайларни севаманки, улар ҳалок бўлиш ва маҳқумлик учун юлдузлар ортидан асос изламайдилар: аксинча, замин қачонлардир ало одам заминига айланмоғи учун ўзларини ерга қурбон қиладилар.

Мен шундай одамни севаманки, у билиш учун яшайди ва қачондир ер юзида ало одам яшамоғи учун билишни истайди. Зотан у шу тарзда ўз ҳалокатини истайди.

Мен шундай одамни севаманки, у ало одамга макон қурмоқлик учун заҳмат чекади ва ихтиролар қилади ва унинг келмоғи учун ер, маҳлуқлар ва набототни ҳозирлаб қўяди: зотан у шу тарзда ўз ҳалокатини истайди.

Мен шундай одамни севаманки, у ўз яхшилигини севади: зотан яхшилик ҳалокатининг иродаси ва ўзга соҳиллар истакларининг ўқларидир.

Мен шундай одамни севаманки, у ўзи учун бир қатра руҳ асрамайди, лекин ўзи бутунлай ўз яхшилигининг руҳи бўлмоққа интилади: зотан у худди мана шундай руҳ сингари кўприқдан ўтиб боради.

Мен шундай одамни севаманки, у ўз яхшилигидан ўз интилишлари ва ўз толеини ясайди: зотан у худди мана шундай ўз яхшилиги учун яшашни истайди ва бошқа яшашни истамайди.

Мен шундай одамни севаманки, у ҳаддан ташқари кўп яхшиликларга эга бўлишни истамайди. Бигта яхшилик яхшидир иккита яхшиликдан, зотан у толени тутиб турувчи тугундан кўра катгароқдир.

Мен шундай одамни севаманки, у қалбини тортиқ этади, у миннатдорчилик кутмайди ва миннатдорчилик қилмайди: зотан у мудом ўзини тортиқ этади ва аямайди ўзини.

Мен шундай одамни севаманки, у ўйин омади ўзига келганда бундан уялмай ва ўз-ўзидан сўроқлагай: “Наҳот мен фирром ўйинчи бўлсам?” — зотан у ўз ҳалокатини истагай.

Мен шундай одамни севаманки, у ўз амалидан бурун олтин сўзларни айтади ва доимо айтганидан кўра кўпроқ ишни қилади: зотан у ўз ҳалокатини иштайди.

Мен шундай одамни севаманки, у келажак одамларни оқлайди ва ўтмиш одамларни халос этади: зотан у ҳозирнинг одамларидан ҳалокат иштайди.

Мен шундай одамни севаманки, у ўз худосини суяди ва ўз худосига жиддий қарайди: зотан у ўз худосининг қаҳридан ҳалок бўлмоғи керакдир.

Мен шундай одамни севаманки, унинг қалби ҳатто жароҳатларда ҳам терандир ва у салгина синовдан ҳалок бўлмоғи мумкин: шу боис у ўзи хушлаб кўприқдан ўтиб боради.

Мен шундай одамни севаманки, унинг қалби лиммо-лимдир, шу боис у ўз-ўзини унутади ва барча нарсаларни ўзида сақлайди: ана шундай қилиб барча нарсалар унинг ҳалокатига айланади.

Мен шундай одамни севаманки, унинг руҳи озоддир ва унинг қалби озоддир: зотан унинг боши қалбининг ичгинасидир, унинг қалби эса уни ҳалокатга етаклайди.

Мен шундайларни севаманки, улар одамзод боши узра осилиб турган қора булутдан бирин-сирин сизилиб тушаётган оғир томчилардирлар: чақмоқ яқинлашаётир, деб башорат қиладилар ва худди кароматгўйлар сингари ҳалок бўладилар.

Қарангиз: мен чақмоқ даракчиси ва булутдан томаётган оғир томчиман: лекин бу чақмоқнинг номи ало одамдир”.

5

Зардўшт шу сўзларни айтиб, яна халойиққа қаради ва жим бўлиб қолди. “Мана, улар қараб турибдирлар, — деди у ўз дилига, — мана, улар кулиб турадирлар: улар мени тушунмайдилар, менинг сўзларим уларнинг гўшига кирмайди.

Наҳот улар кўзлари билан тингламоқлари учун аввал уларнинг қулоқларини чўзиш керак бўлса? Наҳотки ногора қоқмоқ керак ва наҳот тавбаларга таянтирмоқ керак? Наҳот улар фақат дудуқларгагина ишонадилар?

Уларнинг бир нималари бор, шу бир нималари билан гурурланадилар. Лекин уларни мағрур қилган воситани улар нима деб атайдилар? Улар буни маданият деб атайдилар, маданият уларни подачилардан ажратиб туради.

Шунинг учун улар ўзлари ҳақда “манфур” сўзини эпитетишни истамайдилар. Мен уларнинг гурурига сўйлайман.

Мен уларга энг манфур хилқат ҳақда сўйлайман: у хилқат энг охириги одамдир”.

Зардўшт халойиққа яна шуларни айтди:

“Одам ўз олдига ўз мақсадини қўядиган вақт келади. Одам ўз умидининг энг олий донасини экадиган вақт келади.

Бунинг учун унинг замини ҳали етарлича бой. Аммо бу ер бир кун келиб ориқ ва беҳосил бўлиб қолгай ва унда битта ҳам баланд дарахт ўсмагай.

Вовайлато! Шундай бир вақт келаётирки, унда одам энди истак ўқларини одамдан кўра юқори отолмагай ва унинг камон ипи титраш нималигини билмаяжак.

Сизларга айтаман: рақс тушаётган юлдузни туғмоқ учун ўз жонингизда фазони олиб юрмоғингиз керак. Мен сизга айтаман: ҳали сизда фазо бор.

Вовайлато! Одам энди юлдуз туғмайдиган замонлар келаётир. Вовайлато! Энг манфур одамнинг замонаси келаётир, у энди ҳатто ўзини ўзи нафратта ботирилмайди.

Қарангиз! Мен сизларга энг охириги одамни кўрсатаман.

“Муҳаббат нимадир! Яратмоқлик нимадир? Интилмоқлик-чи? Юлдуз дегани

нимадир?” — охирги одам ана шундай деб сўраб туради ва кўзларини пирпиратади.

Ер кичкина бўлиб қолди ва ер узра ҳамма нарсани кичкина қилиб қўйгувчи кичкина одам сакраб-сакраб юрибди. Унинг уруғи суварак каби қирилиб битмагай; охирги одам ҳаммадан кўпроқ яшайди.

“Бахт-саодатни биз топганмиз”, — дейдилар охирги одамлар ва кўзларини пирпиратадилар.

Улар яшашга совуқ мамлакатларини тарк этдилар: зотан уларга ҳарорат керак. Улар қўшнилари ҳам суядилар ва унга суйкаладилар: зотан уларга иссиқ керак.

Касалланмоқ ва шубҳаланиб юрмоқни улар гуноҳ санайдилар: зотан улар эҳтиёткорона қадам босадилар. Фақат телбаларгина одамлар ва тошларга қоқилиб юрадилар!

Вақти-вақти билан андак заҳар ютадилар: шундан яхши тушлар кўрадилар. Охирида заҳарни кўпроқ ютмоқ керак: ўлим қийин бўлмагай.

Улар ҳали меҳнат қиладилар, зотан меҳнат — роҳат. Лекин улар роҳатдан чарчаб қолмаслик чорасини кўрадилар.

Энди бошқа бойлар ҳам, камбағаллар ҳам бўлмагай: униси ҳам, буниси ҳам анча оворагарчилик. Яна ким бошлиқ бўлишни хоҳлайди? Ким бўйсунини истайди? Униси ҳам, буниси ҳам анча овора қилади.

Чўпон йўқ, ҳаммаси пода! Ҳар ким тенглик истайди, ҳамма тенг: кимда-ким бошқача англаса, у ўз ихтиёри билан жиннихонага йўл олади.

“Илгари бутун олам телба эди”, — дейишади уларнинг энг ақллилари ва кўзларини пирпиратишади.

Ҳаммалари ақли ва улкан, ҳамма нарсаларни билишади: шунинг учун ҳеч тўхтамай кулавериш мумкин. Улар ҳали жанжаллашиб туришади, лекин тез ярашиб оладилар — бўлмаса, қоринлари оғриб қолади.

Уларнинг тунга аталган ўз кичкина роҳатлари бор, уларнинг кундузга аталган ўз кичкина роҳатлари бор: лекин соғлиқ — ҳаммасидан кўра афзал.

“Бахт-иқболни биз топганмиз”, — деб айтишади охирги одамлар ва кўзларини пирпиратишади”.

Шу ерда Зардўштнинг илк сўзи тутади, уни “Дебоча” деб ҳам атайдилар, зотан худди шу ерга келганда издиҳом шодиёна қичқириб унинг сўзини бўлди. “Бизга ўша охирги одамни келтириб бергил, о Зардўшт, — деб қичқирдилар улар, — бизни ўшал охирги одамларга ўхшатиб қўйгил! Ўшанда биз сенга ало одамни тортиқ қиламиз!” Бутун халойиқ шод-хуррам бўлиб, тилларини такиллатарди. Аммо Зардўшт маъюсланиб қолди ва ўз дилига ўзи шундай деди:

“Улар мени тушунмайдилар: сўзларимни қулоқларига олмайдилар.

Афтидан дарахтларга кўпроқ қулоқ тутганга ўхшайман: энди уларга мен худди подачиларга сўйлагандай сўйлайман.

Тонгги тоғлар каби дилим матонатли ва нурафшон. Лекин улар мени совуқ деб ўйлайдилар, гўё мен оғир ҳазил-мазахлар қиламан.

Кўрингиз: улар менга қараб туриб, куладилар: кулиб туриб яна мендан нафратланадилар. Уларнинг кулгилари музга ўхшайди”.

6

Шунда барчани ҳайрону лол қилиб қўйган бир воқеа рўй берди. Бинобарин, бу орада дорвоз ўз ўйинини бошлаган эди: у кичкинагина эшикчадан чиқиб келди-да, бозор майдони ўртасида икки минора аро халойиқ узра тортилган арқондан юриб кетди. У ўз йўлининг ўртасига етганда, кичкина эшик яна очилиб, ундан худди масхарабоз каби алвон либослар кийган барзанги кимса отилиб чиқди-да, шитоб билан биринчи дорвоз кетидан юрди. “Тез юр, чўлоқ,

— деб қичқирарди у ўзининг қўрқинчли овози билан, — тез-тез бўл, танбал қорамол, хуфия савдогар, башараси пес! Тезиб абжағингни чиқариб қўймай тагин! Сен бу миноралар орасида нима қилиб юрибсан? Сен минордан чиқдинг, сени ўша ерга қамаб қўйиш керак эди, сен ўзингдан кўра яхшироқнинг йўлини тўсаясан!” — У қичқира-қичқира дорвозга яқинлаб борарди: унга етишига бир қадамгина қолганда, жуда ҳам қўрқинчли бир воеқа бўлди, йиғилган барча халойиқ хангу-манг бўлиб қолди: у иблисона бир ҳайқирди-да, йўлини тўсиб турган дорвоз устидан сакради. Биринчи дорвоз рақибининг устун келаётганини кўриб, бошини йўқотиб қўйди, арқонни кўрмай қолди, у ўз лангарчўпини ташлади ва ўзи ҳам, лангарчўпидан ҳам тез пастга учиб кетди, оёқлари ва қўллари қуюндай чарх урди. Бозор майдони ва одамлар бўрон турган денгиз янглиғ чайқалдилар: ҳамма саросимада ҳар томонга қочди, қўллар ўзини дорвоз қулаётган ёққа урди.

Аммо Зардўшт жойидан қимирламади, дорвоз унинг оёқлари остига тушди, мажақланиб, далва-далва бўлиб кетди, лекин ҳали унинг жони узилмаган эди. Андак ўтмай бечора кўзини очди ва ўз олдида тиз чўкиб ўтирган Зардўштни кўрди. “Сен бу ерда нима қилиб юрибсан? — деб сўради у ниҳоят. — Мен аллақачон билардим жин чалишини. Энди у мени жаҳаннамга қараб судрашпти: уни бу йўлдан қайтаролмайсанми?”

“Виждоним-орим билан қасам ичаманки, эй биродарим, — деб жавоб қилди Зардўшт, — сен айтган нарсалар ҳеч қачон бўлган эмас: на жин бор ва на жаҳаннам. Тананг совумай туриб, руҳинг учиб кетгай. Ҳеч нарсадан кўрқма!”

Дорвоз унга ишонқирамасдан боқди. “Агар гапларинг рост бўлса, — деди у, — ҳаётимни йўқота туриб мен ҳеч нарса йўқотмайман. Оч қолдириб, калтакланиб ўйинга ўргатилган ҳайвонга қараганда, мен бироз каттароқман”.

“Унчалик эмас, — деди Зардўшт. — Сен хатардан ўзингга ҳунар ясагансан, бунинг нафратланидиган жойи йўқ. Энди сен ўз ҳунарингдан ҳалокатга учрадинг: шунинг учун мен сени ўз қўлларим билан ерга кўмишни истайман”.

Унинг бу сўзларига ўлаётган дорвоз ҳеч нарса демади, у қўлларини қимирлатди, миннатдорчилик билдирмоқчидай Зардўштнинг қўлларини қидирди.

7

Орада оқшом тушди ва бозор майдони тун зулматига фарқ бўлди: халқ тарқалди, зотан одам кўрқиб ва томоша қилиб ҳам ҳоради. Аммо Зардўшт ҳамон мурда ёнида ўтирар, ўз хаёлларига чўмган эди: у вақтни унутиб қўйган эди. Тун кириб, унинг совуқ шамоли ёлғиз ўтирган кимсага асар қилди. Шунда Зардўшт ўрнидан кўзгалди ва ўз қалбига ўзи деди:

“Чиндан ҳам, бугун Зардўштнинг ови бароридан келмиш. У одамни тутиб қололмади, бироқ у мурдани қўлга туширди.

Одамнинг туриш-турмуши безовталиқ ва боз устига, доимо бемаъни: унинг толеига масхаравоз бўлмоқлик ёзилмишдир.

Мен одамларга туриш-турмушнинг маъносини англаймоқчиман: бу маъно ало одамдир, қора булут ичидан чиққан чақмоқ-одамдир.

Лекин мен ҳали одамлардан узоқман ва менинг фикрим уларнинг фикрига сўзламай туради. Мен одамлар учун телба билан мурданинг нақ миёнасидадирман.

Тун қоп-қоронғу, Зардўштнинг йўллари қоп-қоронғу. Борайлик, совуқ, музқотган биродар! Сени кўмгали олиб борайин ва ўз қўлларим ила кўмайин”.

8

Буларни Зардўшт ўз дилига ўзи сўйлаб, мурдани елкасига олди-да, йўлга тушди. Лекин у ҳали юз қадам ҳам юрмаган эди, аллаким орқасидан биқиниб-пусиб келди-да, унинг қулоғига алланарсаларни шипший бошлади.

Шипшиётган минорада кўринган масхаравоз эди. “Бу шаҳардан жўнаб кеттил, о Зардўшт, — дерди у. — Сени кўплар бу ерда ёмон кўради. Яхшилар ҳам, ёмонлар ҳам ёмон кўради, улар сени ўзларига манфур душман деб билади; сени мўминлар ҳам ёмон кўрадилар, сени халойиқ учун хатарли деб билишади. Устингдан кулганлари сенинг бахтинг: чиндан ҳам, сен худди масхаравоз каби сўз айтдинг. Итнинг ўлигига дуч келганинг сенинг бахтинг; шундай таҳқирлаб сен ўзингни кутқардинг. Лекин бу шаҳардан тезда чиқиб кеттил — аке ҳолда мен эртага сенинг устингдан худди тирик ўликнинг устидан сакрагандай сакрагайман”. Шуларни айтиб, шарпа ғойиб бўлди; Зардўшт эса яна қоронғу кўчалардан йўлга тушди.

Шаҳар дарвозасида унга гўрковлар йўлиқди; қўлларидаги машғалани унинг юзига тутишди, Зардўштни таниб, анчагача уни масхара қилиб турдилар. “Зардўшт итнинг ўлигини олиб кетаяптими? Баракалла, Зардўшт энди гўрковликни касб қилибди-да! Зотан бизнинг қўлларимиз бундай ҳаром мурдадан ҳазар қилади. Зардўшт мабодо жиннинг лўқмасини ўғирлаб кетмоқчи эмасми? Майлига! Ишгаҳаси карнай бўлсин! Лекин жин ўғирликда ҳали Зардўштни ора йўлда қолдириб кетади! — у икковингни ўғирлаб кетади, у икковингни еб битиради!” Улар шундай деб кулишар ва бир-бирларига нималарнидир шишир эдилар.

Зардўшт уларга жавобан ҳеч нарса демади ва ўз йўлига кетаверди. У икки соат ўрмонлар ва ботқоқлардан ўтиб борди, қулоқларига тинмай бўриларнинг оч увилашлари эшитилиб турди. Ниҳоят у қаттиқ очқади. У жинчироқ шуъла таратиб турган ёлғиз бир кулба олдида тўхтади.

“Очлик менга худди қароқчидек ташланмоқда, — деди Зардўшт. — Ўрмонларда ва ботқоқларда ташланади менга бу очлик, зулматли кечаларда менга ташланади бу очлик.

Менинг очлигимнинг ажиб инжиқликлари бор. Кўпинча у тушдан сўнг мени ҳол-жонимга қўймайди, бутун эса кун бўйи мен очлигимни сезмадим: қайси гўрларда тенгиб юрган экан ул?!”

Шу сўзларни сўйлаб Зардўшт кулба эшигини қоқди, Қари чол чиқди, у қўлида чироқ қўтариб олган эди: “Келаётган ким ва ким менинг фаромуш тушларимни тўзғитган?”

“Тирик ва ўлик, — деб жавоб берди Зардўшт. — Нон-туз тотганим йўқ. Кундуз эсимдан чиқиб кетибди. Очни кимда-ким тўйғизса, ўз дилини тўйдирган кабидир: ҳикматда шундай келган”.

Чол ичкарига кириб дарҳол Зардўштга чавати нон ва шароб олиб чиқди. “Бизнинг томонларда очларнинг ҳоли ёмон, — деди у, — шунинг учун ҳам, мен бу ерда яшайман. Одам болалари ва махлуқлар менинг дарвеш кулбама келдилар. Бироқ чақир ҳамроҳингни, у ҳам есин, ичсин, у сендан кўра ҳам чарчаган кўринади”. Зардўшт бунга жавобан деди: “Ҳамроҳим ўлган, овқат егани кўндириш қийин”. “Бунинг менга дахли йўқ, — деб тўнғиллади чол. — Кимда-ким менинг эшигимни қоқиб келаркан, мен берган нарсани қабул қилмоғи керак. Енглар, ичинглар, салюват бўлинглар!”

Шундан сўнг Зардўшт юлдузларга қарай-қарай яна икки соат йўл босди: зотан, у кечалари йўл босишга ўрганган эди ва уйқуга чўмган нарсаларнинг юзига назар солмоқни яхши кўрарди. Лекин тонг ёриша турганда, Зардўшт ўрмоннинг энг хилват ерига етди, у ёғига йўл йўқолди. Шунда у мурдани одам бўйи баландлигидаги дарахтнинг ковагига ўрнатди-да, — бинобарин, уни оч бўрилардан сақлаган бўлди, — ўзи ерга, юмшоқ хас-хашак устига чўзилди. Шу заҳоти уйқуга кетди, унинг вужуди ҳорган, лекин юраги метиндай мустаҳкам эди.

9

Зардўшт узоқ ухлади, тонг ёришди, кун пешин бўлди, мана, ниҳоят у кўзларини очди: Зардўшт ўрмон ва сукунатта ҳайратланиб боқди, у ўз-ўзининг ички дунёсига ҳайратланиб қаради. Кейин у куруқликни кўрган маллоҳ каби шаҳд билан ўрнидан турди ва шодмон бўлди: зотан у янги ҳақни кўрмиш эди. Шунда у ўз-ўзининг дилига айтди:

“Рўшнолик нури тушди менга: менга изимдан борувчи муридлар керак, тирик муридлар керак, мурда муридларни не қилай, уларни елкамга кўтариб истаган еримга элгаман.

Менга изимдан эргашувчи тирик муридлар даркор, шундай қилсалар, улар ўзларига ўзлари эргашган бўлажаклар, улар мен истаган ёққа эргашиб боргайлар.

Менга рўшнолик нури тушди: Зардўшт халойиққа эмас, муридларга сўйламоғи керакдир! Зардўшт подачи ва поданинг ити бўлмагай!

Кўшларни мен подадан айириб олгани келдим. Халойиқ ва пода мендан норози бўлмай: Зардўшт подачилар ўртасида қароқчи деган ном қозонмоқчи.

Мен подачи деб айтганиман: лекин улар ўзларини яхши мўъмин одам деб атайдилар. Мен подачи деб айтганиман: лекин улар ўзларини имонли деб атайдилар.

Қарангиз: яхши ва имонли одамларга! Улар кимни ҳаммадан кўпроқ ёмон кўрадилар? Улар ўзларининг тош лавҳаларини синдирувчиларни, вайронгарчилик келтирувчиларни, жинояткорларни ёмон кўрадилар улар: — лекин шулар эмасми яратувчилар!

Қарангиз: мўъминларга! Ҳаммадан кўра кўпроқ кимни ёмон кўрадилар улар? Тош лавҳаларини синдирувчиларни, бузғунчилар, жинояткорларни ёмон кўрадилар: — лекин шулар эмасми яратувчилар.

Яратувчи мурдаларни эмас, шунингдек, подалар ва мўъминларни эмас, муридларни ахтаради. Яратувчи худди ўзига ўхшаш яратувчиларни ахтаради, янги тошбитикларда янги нарсаларни ёзадиганларни излайди яратувчи.

Яратувчи муридларни ахтаради ва яна ўзи билан бирга ўрим ўргувчиларни ахтаради яратувчи: зотан унинг ҳамма нарсалари ўримга келган. Лекин унга юз дона ўроқ етмайди: шунинг учун у бошоқларни қўли билан юлади ва газаб отига минади.

Яратувчи муридларни ахтаради ва яна ўз ўроғини яхши чархлайдиганларни ахтаради яратувчи. Уларни бузғунчилар деб атайдилар, яхшилар ва ёмонлардан нафрат қилувчилар деб атайдилар уларни. Лекин улар ҳосилни ўриб оладилар ва байрам қиладилар.

У билан бирга яратувчиларни ахтаради Зардўшт, у билан бирга ҳосил ўрадиганлар ва байрам қиладиганларни ахтаради Зардўшт: подалар, подачилар ва мурдалар билан бирга нимани яратарди Зардўшт.

Сен, эй, менинг тўнғич муридим, хуш қол! Мен сени дарахтнинг ковагига яхшилаб беркитдим, бўрилардан сақладим.

Биз айриламиз, вақт келди. Тонгдан тонгга қадар мен ҳақ нималигини билдим.

Мен на подачи ва на гўрков бўла билганиман. Мен энди ҳеч қачон халойиққа сўйламасман: мен сўнги марта мурда билан сўйлашдим.

Яратувчилар, ҳосил ўргувчилар ва байрам қилувчиларга қўшилгим келади: уларга мен камалакни кўрсатгим келади ва яна ало одамга етакловчи барча пиллапояларни кўрсатгим келади уларга.

Мен ўз қўшиғимни дарвешларга айтаман ва жуфт-жуфт бўлиб яшайдиганларга айтаман мен ўз қўшиғимни. Ҳеч эшитилмаган нарсаларни эшитишга қулоғи борларнинг юракларини мен ўз бахтим билан вазндор қилмоқчи бўламан.

Ўз мақсадим сари интиламан мен, ўз йўлимдан йўллаб бораман мен. Ивирсиғанлар ва ялқовланганлар устларидан сакраб ўтиб кетаман мен. Майлига! Менинг йўлим уларга ҳалокатли бўлмай!”

10

Ўз дили билан ўзи шундай сўйлашарди Зардўшт, чошгоҳ бўлди: шунда у осмонга ажабсиниб қаради — зотан, боши узра қушнинг қаттиқ қичқирганини эшитди. Кўз қирини ташлаб у лочинни кўрди: у кўкда кенг доира ясаб учарди, унинг билан бирга илон бор эди, лек ўлжа эмас, дугона эди: зотан, илон лочиннинг бўйнига маржондек ўралмиш эди.

“Мана менинг махлуқларим!” — деди Зардўшт ва кўнгли сурурга тўлди.

“Қурраи арздаги энг мағрур хилқат ва энг ақлли хилқат курраи арздаги — улар изкуварликка отландилар.

Улар Зардўшт тирикми-йўқми билишни истайдилар. Чиндан ҳам, мен ҳали тирикманми ўзи?

Ваҳшийларга қараганда одамлар орасида бўлиш хатарлироқ экан. Зардўшт хатарли йўллардан юради. Майлига! Мени менинг махлуқларим йўллаб борсинлар!”

Зардўшт шундай деб ўрмонда учраган пирнинг сўзларини эслади, хўрсинди ва ўз дилига ўзи шундай деб айтди:

“Қонқийди мен донороқ бўлсам! Мен худди менинг морим каби бирмунча доно бўлганимда эди!

Лекин мен ақл бовар қилмас ишни истайман: мен ўз ғуруримни ўз донолигим била бирга бўлишини истайман доим!

Агарда қачонлардир донолигим мени тарк эта кўрса: — оҳ, у учиб кетишни севади! — ана унда, майлига, менинг ғурурим менинг телбалигим билан бирга учиб кетсин!”

Зардўштнинг ботиши шундай бошланди.

ЗАРДЎШТ НОЛАЛАРИ

Уч бора эврилиши

Мен сизга руҳнинг уч бора эврилишини айтмай: руҳнинг туя, туянинг арслон ва ниҳоят арслоннинг болага айланишини айтиб берайин.

Руҳнинг қийинчиликлари кўп, теран ибодатга қобил, қавий ва чидамли руҳ учун мушкулликлар кўп: энг оғир ва энг қийин нарсаларга интилади унинг салоҳи.

“Оғир нарса нимадир?” — деб сўрайди чидамли руҳ ва худди туя сингари тиз чўкиб, устига яхшилаб юк ортишларини истайди.

“Энг оғир нарсанинг ўзи нимадир?” — деб сўрайди чидамли руҳ. Қаҳрамонлар, айтингиз, мен буни ўз устимга олай ва ўз кучимдан ўзим қувонай.

Қандай бўларкин бу: ўз кибрини азобга солиш учун ўзини ерга уриш, камситиш эмасмикин? Ўз донолигини масхаралаш учун ўз телбалигини кўз-кўз қилишга мажбурлаш эмасми?

Шундай эмасмикин бу: галабасини байрам қилаётганда бу ўз ишини ташлаб кетиш эмасми? Васвосни васвасага солиш учун баланд тоғларга кўтарилиш эмасми?

Шундай эмасмикин бу: болут ёнғоқлари ва билим ўт-ўланларини еб ҳақ учун кўнгли очлигига чидаш эмасмикин?

Шундай эмасмикин бу: касал бўлиб, таскин-тасалли берувчилардан воз кечиб, сенинг нима исташингни ҳеч қачон эшитмайдиган қар-гарантлар билан дўст туғиниш эмасмикин?

Ёхуд бу шундай эмасмикин: ҳақиқат сувига лойқа бўлса ҳам тушиб, олдига келган совуқ қурбақалар ва иссиқ чўл бақаларини эркалаш эмасми?

Ёки бу шундай эмасмикин: бизни ёмон кўрганларни севиб, бизни кўрқитмоқчи бўлган шарпаларни кучоқ очиб қаршилаш эмасми?

Матонатли руҳ ҳамма қийин нарсаларни ўз устига олади: устига юк ортилган, сахрога ошиққан туя сингари у ҳам ўз саҳросига чопади.

Лекин саҳронинг энг хилват ерида иккинчи эврилиш рўй беради: руҳ бу ерда арслонга айланади, озодликка эришмоқни ва ўз саҳросида ўзи эга ва хўжа бўлмоқни истайди. Бу ерда у ўзининг сўнгги хўжасини қидиради: унга ва ўзининг сўнгги худосига душман бўлишни истайди, зафар қозонмоқ учун ҳайбатли аждар билан жанг қилсам дейди у.

Руҳ боқий хўжа ва худо деб аташни истамаган ўша ҳайбатли аждарнинг ўзи ким? “Сен қилишинг керак”: ҳайбатли аждарнинг исми шундай. Бироқ арслоннинг руҳи айтади: “мен шуни истаيمان”.

Пустининг тангачалари ялтираган “Сен қилишинг керак” деган махлуқ олтин чизиқлари жимир-жимир этиб, унинг йўли устида ётади ва ҳар ярқироқ тилла каби тангачасига “сен қилишинг керак” деб ёзилган бўлади!

Минг йиллик қадрли нарсалар ярқирайди бу тангачаларда ва аждарларнинг ичида энг кучлиси шундай деб айтади: “Барча нарсаларнинг қадр-қиммати — менинг устимда ярқирайди”.

“Қадр-қиммати бор нарсаларнинг бари яратиб бўлинган ва ҳар қадр-қиммати бор нарса бу — менман. Чиндан ҳам, “мен истаيمان” деган нарса энди бўлмаслиги керак!” Шундай дейди аждар.

Биродарларим, инсон руҳига арслоннинг нима ҳождати бор? Тобе бўлган, тилини тийган ва тавозекор махлуқнинг нимаси қониқтирмайди?

Янги қадр-қимматлар яратишликми — бунга арслон ҳали қодир эмас. Аммо янги яратувчилик, эркинлик яратиш — бунга арслоннинг қудрати етади.

Курашиб эркин бўлиш ва ҳаттоки ўз бурчи қошида ҳам “йўқ” деб айтолмоқлик — бунинг учун, биродарларим, арслон бўлмоқ керакдир.

Ўзи учун янги қадр-қимматлар ҳақини қозониш бу чидамли ва тавозекор руҳ учун энг даҳшатли музаффариятдир. Чиндан ҳам, бу унга талончилик бўлиб туюлади, фақат ваҳший ҳайвонларгина бунга қодирлар деб ўйлайди.

У қачонлардир “сен қилишинг керак” деган нарсани ўз муқаддас саждагоҳи каби севарди: эндиликда шу саждагоҳда ҳам у бедодлик ва армонларни кўради. Ўз севгиндан ўз эркинни қозонмоқ истасанг, шу галаба учун арслон бўлмоғинг керакдир.

Лекин айтишлар-чи, эй менинг биродарларим, ҳатто арслон қилолмаган нарсани сабий бола қила олурми? Нега ваҳший арслон яна бола бўлмоғи керак?

Бола маъсумлик ва унутишдир, янги иш, янги ўйин, ўз-ўзидан гилдираб борувчи гилдирак, илк ҳаракат, тасдиқнинг муқаддас сўзи.

Шундай, биродарларим, яратувчилик ўйини учун тасдиқнинг муқаддас сўзи керакдир: энди руҳ ўз иродасини истайди, ундан ажралган ўз дунёсини топади.

Мен сизга руҳнинг уч эврилишини айтдим: руҳ аввал туя бўлди, туя арслонга айланди, ва ниҳоят, арслон бола бўлиб қолди.

Зардушт шундай деб тавалло қилди. Ўшанда у “Ола сигир” деб аталмиш шаҳарда тўхтаган эди.

ЯХШИЛИКНИНГ МЕҲРОБЛАРИ

Зардуштга бир донишмандни мақташди: у тушлар ва яхшиликлар ҳақида сўйлашни билар экан. Шунинг эвазига у бағоят ҳурмат-эътибор қозонган, тақдирланган ва барча ёш-яланглар унинг меҳроби атрофига йиғилиб тиз чўкишарди. Зардушт донишманд қошига йўл олди ва бошқа ёш-яланглар билан унинг меҳроби атрофига ўтирди. Донишманд шу сўзларни айтди:

“Уйку олдидан номус-ор бўлсин! Биринчи шарт шу! Ёмон ухлайдиганлар ва тунда кўз юммайдиганлардан қочинлар!

Уйку олдида ўғри ҳам уятлидир: тунда у жуда оҳиста қадам кўяди. Лекин тун қоровулининг уяги йўқ, уялмай ўз бурғусини чалади.

Ухлашни билиш — арзмаган нарса эмас: яхши ухлаш учун кун бўйи уйғоқ бўлишлик керак.

Кундуз сен ўн маротаба ўз-ўзингни енгмоғинг лозим: шундай қилсанг, яхшигина ҳорасан, бу кўнглининг банг лоласидир.

Ўн маротаба сен ўз-ўзинг билан муроса қилмоғинг керак. Чунки ўз-ўзини енгил хафагезаклик — шу боис муросага келмаган ёмон ухлайди.

Кундуз чоғи сен ўн ҳақиқатни топмоғинг жоиз: акс ҳолда сен тун чоғи ҳам ҳақиқат қидирасан ва шунда кўнглинг оч қолади.

Кундузи сен ўн маротаба кулишинг жоиз ва қувноқ бўл: акс ҳолда тун чоғи сени курсоғинг безовта қилгай, у эса қайғуларнинг отасидир.

Буни кўп одам билмайди. Лекин яхши ухлаш учун барча яхшиликларнинг эгаси бўлмоқлик керак. Ёлғон гувоҳликка ўтмадиммикин? Никоҳимга хиёнат қилмадиммикин?

Ўз яқинимнинг чўрисини хоҳлаб қолмадиммикин? Буларнинг бари яхши ухлагани халал беради.

Барча яхшиликларга эга бўлганда ҳам, яна бир нарсани унутмаслик жоиздир: барча яхшиликларни ўз вақтида уйқуга жўнатмоқ жоиз.

Бу дилбар аёллар бир-бирлари билан талашмасинлар, сени деб, эй бадбахт!

Худо билан ва қўшнинг билан яхши муносабат қил: яхши уйқу шунга талаб этади. Яна қўшнинг шайтони билан ҳам тотув бўл! Акс ҳолда у тунда сенинг ётоғингга киради.

Бошлиқларни ҳурмат қил ва уларга бўйинсун, ҳатто бошлиғинг чўлоқ бўлса ҳам, бўйинсун! Яхши уйқунинг шартини шу. Ахир менинг айбимми, агар бошлиқ чўлоқланиб юришликни ёқтирса?

Ўз подаларини бўлиқ ўтлоқларда боққан подачи энг яхши подачидир: бу ҳам яхши уйқунинг яна бир шартини.

Менга на катта шон-шараф ва на катта бойлик — ҳазина керак: униси ҳам, буниси ҳам қора талоқни гаш қилади. Бироқ нек номинг бўлмаса ва давлатинг етмаса, уйқунг ҳам етмайди.

Кўп ёмон ичида юргандан кўра оз яхшининг ичида бўлганинг маъқул. Лекин дўстларинг ҳам ўз вақтида келиб, ўз вақтида кетганлари соз. Бу ҳам яхши ухлашнинг бир шартини.

Менга яна руҳлари қашшоқ бўлганлар маъқул кўринади: улар уйқу келтирадилар. Агар ҳурматларини жойига қўйсанг, улар доим рози-ризоликдадилар.

Яхшилик қилувчи одамнинг куни шундай ўтади. Аммо тун кирганда, мен албатта, уйқунга чақиритилган ўзимни эҳтиёт қиламан! Уйқу ўзини чақиритилганини истамайди, ҳолбуки у барча яхшиликларнинг хўжасидир.

Лекин мен кун бўйи нима қилганим, нима тўғрисида ўйлаганимни фикрлайман. Худди ситир каби кавш қайтариб, мен сабр-тоқат билан ўзимдан сўрайман: бироқ сенинг ўн тўсиқдан ўтишинг қандай бўлди?

Ўша ўн мураса, ўн ҳақиқат ва ўн маротаба кулги қандай бўлди? Улар ахир юрагимнинг сурури эдилар.

Қирқ фикрни бундай мулоҳаза этганда ва тарозига солиб кўрганда мени дарҳол кутилмаган уйқу ўз забтига олади, ахир у барча яхшиликларнинг хўжасидир.

Уйқу менинг кўзларимга ниш уради: кўзларим оғир тортади. Уйқу лабларимга кўнади ва улар ланг очилганча қолади.

Ҳақиқатан ўғрилларнинг яхшиси товувсиз қадамлар билан менга яқинлашади ва менинг фикрларимни тортқилаб кетади: ўшанда мен худди мана шу меҳроб каби тўнгакка айланаман. Лекин мен бу аҳволда узоқ қолиб кетмасман: кейин мен чўзилиб ётаман”.

Хирадманднинг бу сўзларини эшитиб, Зардўшт кўнглида куларди: зотан унга рўшнолик нури тушган эди. У ўзига ўзи шундай дерди:

“Қирқ фикр ҳақида гап сотаётган бу донишманд чол менга телба бўлиб кўринади; лекин мен ишонаман, унинг уйқуси сокин ва осуда.

Бу донишманднинг ёнида яшамоқликнинг ўзи бахтиёрликдир! Бундай уйқу тез юқади. Ҳатто қалин деворнинг орқасидан ҳам юқади.

Меҳробининг ўзиёқ маҳлиё қилади. Ёш-яланг яхшилик жарчиси қошига йиғилишлари бежиз эмас.

Унинг ҳикмати шундай: шундай кўз очиқ яшамоқ керакки, уйқу ором келтирсин. Чиндан ҳам, агарда ҳаётнинг маъноси бўлмаганда эди ва мен бемаъниликни танлашга мажбур бўлганимда эди, унда худди мана шу бемаънилик танлаб олиш учун энг лойиқ нарса бўлиб кўринган бўларди.

Мен энди равшан тушундим, илгари ҳаммадан олдин бир нимани қидирган бўлсалар, аввало яхшиликнинг мураббийларини қидирган эканлар! Ўзларига яхши уйқу қидирганлар ва банг лолалардан чамбар тутган яхшиликни излаганлар!

Шон-шарафларга чулганган ушбу барча меҳроб донишмандлари учун донишмандлик тушсиз уйқу билан баробар бўлган: улар ҳаётнинг шундан ортиқ маъносини билмаганлар.

Ҳозирда ҳам мана шу яхшилик жарчисига ўхшаган одамлар учраб турадилар, бироқ улар ҳар доим ҳам ҳалол бўлавермайдилар: аммо уларнинг вақти ўтган. Улар кўп турмайдилар, дам ўтмай чўзилиб ётажаклар.

Уйқу босганлар фароғатдадилар: зотан, улар тезда ухлаб қолажаклар”.

Зардўшт шундай тавалло қилди.

НАРИГИ ДУНЁЧИЛАР ЗИКРИ

Бир куни Зардўшт ҳам барча нариги дунёчилар каби ўз хаёлларини одамнинг нариги дунёсига қаратди. Ушанда менга дунё азоб чекаётган ва абгор бўлган Худонинг аъмоли бўлиб туюлди.

Ушанда менга дунё туш ва Худонинг шоирона ижоди каби кўринди: илоҳий норизонинг кўз ўнгидаги ранго-ранг тутун мисоли гўё.

Яхшилик ва ёмонлик, шодлигу азоб, мену сен — бари менга Яратганнинг кўз ўнгидаги ранго-ранг дуд бўлиб кўринди. Яратган ўзидан ўз назирини эвиришни истади ва ўшанда у оламни бино қилди.

Азоб чекаётганга ўз азобидан юз эвириш ва ҳаммасини унутиш мастона шодиёна бўлиб хизмат қилади. Бир пайтлар менга дунё мастона шодиёна ва ўз-ўзини унутишдай кўринган эди.

Мангу зиддиятнинг акси ва нотамам тимсол, мангу нотамам бу дунё — унинг нотамам яратувчиси учун мастона шодиёна, — бир маҳаллар дунё менга шундай бўлиб туюлди.

Шундай қилиб бир куни мен барча нариги дунёдагилар мисоли ўз хаёлларимни инсоннинг нариги томонига йўлладим. Ростдан ҳам, одамнинг нариги томонигами?

Оҳ, биродарларим, мен яратган ушбу худо барча бошқа худолар сингари инсоннинг ижоди ва инсоннинг телбалиги эди!

У инсон эди ва бунинг устига инсоннинг ҳамда менинг менлигимнинг фақат қашшоқ бир бўлаги эди: Менинг ўзлигимнинг хоки туроби ва алангаи оташидан менга дуч келди ушбу хулиё шарпа! Чиндан ҳам, у менга нариги дунёдан кўрингани йўқ!

Нима бўлди ўзи, биродарларим? Мен азоб чекаётган ўзлигимни енгдим, мен ўзлигимнинг хоки туробини тоққа олиб чиқдим, ўзимга ортиқ нурафшонроқ аланга топдим. Қаранг энди! Шарпа мендан узоқлашиб кетди!

Энди бу менга азоб бўлмоғи мумкин ва соғаяётган одам учун қийноқ — шундай шарпаларга ишонинг; энди бу менга азоб ва хўрлик бўлиши мумкин. Мен нариги дунёчиларга қараб шундай нола қиламан.

Нариги дунёларнинг бари азоблар ва ожизликлардан яралган ва фақат ҳаммадан кўра кўпроқ азоб чекувчигагина муяссар бўладиган ўша қисқа бахт телбалигидан яралган.

Ўлимга сакраган каби бир сакраб сўнгги нуқтага етишни истаган чарчоқ, нима қилишини билмай қолган чарчоқ, бошқа ҳеч нарсани хоҳламаган чарчоқ; ана ундан туғилди барча худолар ва нариги дунёлар.

Менга ишонинглар, биродарларим! Жисмдан умидсиз бўлган жисм алданган руҳнинг сўнгги деворларини кўллари билан пайпаслар эди.

Менга ишонинглар, биродарларим! Заминдан умидсизланган жисм борлиқнинг комидан чиқаётган товушларни эшитар эди.

Ана шунда у охирги деворларни боши билан ёриб ўтишни истади ва “ўзга дунё”га алҳол бутун жисми билан ўтмакни истади.

Лекин самовий ҳеч нарсанинг таркибига кирувчи ўшал инсондан холи, одамликдан йироқ дунё, “ўзга дунё” инсонга бутунлай берк эди; борлиқнинг номи ҳам одамга фақат одам саси билан сўзлайди.

Ҳақиқатдан ҳам, ҳар қандай борлиқни далиллаш ва уни сас бермоққа мажбур қилиш қийин.

Биродарларим, менга айтинглари-чи, барча нарсалардан аёлроқ нарса энг яхши маънода исботини топган эмасми?

Ҳа, бу Мен ва унинг зиддиятлари ҳамда чалкашликлари ўз борлиғи ҳақида энг ҳаққоний сўзларни айтади, ҳа, бу ўша яратувчи, истовчи ва баҳолагувчи Мен — ҳар нарсанинг ўлчови ҳам қиммати.

Бу ҳаммадан ҳам ҳаққонийроқ борлиқдир. Мен — у ҳатто яратаётганда, орзуларга берилганда ва мажақланган қанотлари билан патирилаганда ҳам жисм ҳақида сўзлайди ва жисмга интилади.

Бу Мен тобора ҳаққонийроқ сўзлайди; у қанча кўп ўрганган сари жисм ва заминни улуғлашга шунча кўпроқ сўзлар топади.

Менинг ўзлим Мен мени янги ифтихорга ўргатди: уни мен одамларга ўргатаман: бошингизни самовий нарсаларнинг қум-тўзонига тикманг, ундан баланд тутинг заминий бошингизни, у ер-тупроқнинг мағзи-маъноси дейман!

Янги иродага ўргатаман мен одамларни: инсон кўзларини юмганча ўтиб бораётган йўлдан юринглари ва уни мадҳ айтинглари ва эндиликда мисоли беморлар ва ўлим ёқасида турганлар каби ундан четга чиқманглари асло дейман!

Тану тупроқни ёмон кўрганлар ва самою ва халоскор қон томчиларини кашф этганлар — улар беморлару ўлимни ёқалаб қолганлар эди; лекин ўшал ширин ва тунд оғуларни ҳам улар жисм ва тупроқдан олмишлар эди!

Улар ўз қашшоқликларидан қутулмоқчи бўлдилар, юлдузлар эса улар учун кўп йироқ эди. Ўшанда улар хўрсиниб ўкиндилар: “О, бўлсайди агар самовий йўллар, ўзга борлиқ ва бахт сари ўтмасмидик биз!” — ана ўшанда улар ўз чўпчакларию қонли аталаларини ўйлаб топдилар!

Ул ношукурлар хаёл қилдиларким, гўёким ўз жисмларидан ва ушбу тупроқдан воз кечдилар, лекин бу талвасалар ва воз кечиш фароғати учун улар ким олдида қарздорлар? Ўз жисмларию ушбу тупроқ олдида эмасми?

Зардўшт беморларга шафқатли. Чиндан ҳам, уларнинг бу каби тасалли излашларию бундоқ кўрнамакликларидан озурда эмас. Майли, улар соғаяувчию енгиб ўтувчилар бўла қолсинлар ва майлига ўзларига олий жисм ярата қолсинлар!

Соғайиб борувчидан Зардўшт хафа бўлмас, майли, соғаяувчи суйиб ўз орзусига тикилсин ва қоқ ярим тунда ўз Худосининг қабрига ўгринча пусиб ўтсин; лекин мен учун унинг кўз ёшлари касаллик ва носоғ жисм бўлиб қолаверади.

Хулиёларга берилган ва худога мафгун бўлганлар ичида доим бемор халқи кўп бўлган; улар билишни истаганга қаҳр қиладилар ва яхшиликларнинг ҳаққўйлик аталмиш энг кичкинасидан нафратланадилар.

Улар ҳар доим орқага, қоронғу замонларга қарайдилар: у замонларда ҳақиқатан ҳам орзу ва ишонч бошқа-бошқа нарсалар эди, онгнинг исёнкорлиги тангриёна эди, шубҳа эса гуноҳ саналарди.

Жуда яхши биламан мен бу тангриёналарни: уларга ишонишларини ва боз устига шубҳа гуноҳ саналишини хоҳлашади, яна уларнинг ҳаммадан кўра кўпроқ нимага ишонишларини ҳам яхши биламан.

Ҳақиқатан, нариги дунёлар ва халоскор қон томчиларига эмас, улар жисмга ҳаммадан кўпроқ ишонадилар ва ўз-ўзларининг жисмларига худди баайни нарса ўзида деб қарайдилар.

Лекин нарса ўзида уларга ғоятда касалманд нарса каби — шу боис улар ўз пўстларини жон-жон деб ташлаб чиқишни хоҳлайдилар. Шу боис улар ўлим тарғиботчиларига жон-жон деб қулоқ тутишади ва ўзлари ҳам нариги дунёларни тарғиб қилишади.

Яхшиси, биродарларим, соғлом жисм сасини тинглангиз: у ростўйроқ ва мусафороқ овоздир.

Баркамол ва тўғри бурчакли жисм, соғлом жисм ҳақ ва соф сўзлайди; у тупроқнинг маъноси ҳақида ҳикоя қилади.

Бу Зардўшг таваллоси.

ЖИСМДАН ЖИРКАНУВЧИЛАР ЗИКРИДА

Вужуддан нафратланувчиларга мен ўз сўзимни айтай. Улар мени қайта-қайта ўқиб, қайта-қайта ёдлаб олмасинлар, улар фақат ўзларига мансуб вужуд билан хайр-маъзур қилсунлар ва шу тариқа тилсиз гунгта айлансунлар.

“Мен тан ва жонман”, — деб айтмиш болакай. Нега энди худди болалар каби деб айтмаслик керак?

Лекин уйғоқ, билгич айтади: мен — танман, фақат тан, бошқа ҳеч нарса; жон эса тандаги нимадир ҳақида айтилган сўз, холос.

Тан — бу жуда катта ақл, бир онгдан кўпайган кўплик, уруш ва тинчлик, пода ва кўйчибон.

Танангнинг кичкина қуроли бу сенинг онгинг, укажон; сен бу кичкина аслаҳани “руҳ” деб атайсан, у эса сенинг каттакон онгингнинг ўйинчоғи.

Мен деб айтасан ва гурурга тўласан бу сўздан. Ундан каттароқдир. Сен балки бунга ишонмассан — сенинг каттакон онги бор танинг; у Мен деб айтмас, лекин Мен қилади.

Ҳис нимани ҳис қилар ва ақл нимани билар — ўзида ҳеч қачон ўз мақсади бўлмас. Лекин ҳис ва ақл сени ишонтирмоқчи бўлиб уринарларки, улар ҳамма нарсаларнинг мақсади деб: улар шунчалар худписандидирлар.

Ҳис ва ақл аслаҳа ва ўйинчоқдирлар: улар ортида яна ўзи ётади. Ўзи кўзлари билан ҳисни излайди, шу билан бирга ўзи руҳнинг қулоғи ила эшитади.

Ўзи мудом тинглайди ва қидиради. Ўзи қиёслайди, босиб олади, вайрон қилади, ўзи ҳукмрон, у ҳатто Меннинг ҳукмрони.

Биродарим, сенинг фикратинг ва ҳиссиётларинг узра янада қудратлироқ ҳукмдор, номаълум бир ҳақим қад ростлаб туради — унинг исми ўзидир. У сенинг танангда яшайди; у айнан сенинг вужудингдир.

Сенинг вужудингдаги онг сенинг олий ҳикматингдан кўра каттароқдир. Ва яна ким билсин, сенинг вужудингта сенинг олий ҳикматинг нимага ҳам керак?

Сенга тегишли ўзи сенга мансуб Мен устидан ва унинг мағрур (ҳақалак отишларидан) сакрашларидан кулади. “Нима менга бу сакрашлар ва фикр парвозлари, — деб айтади ўзига ўзи. — Менинг мақсадим сари айланма йўл. Мен Мен учун қайиш бўлиб хизмат қилади (чақимчиси) ва унинг тушунчаларининг муқаллидидир”.

Ўзи яна Менга айтади: “Бунда шодликни ҳис қил!” Мана, у хурсанд бўлур ва яна кўпроқ хурсанд бўлишни ўйлайди, — у худди мана шунинг учун ҳам ўйлаши керак.

Вужуддан нафратланувчиларга айтаман мен сўзимни. Улар нафратланган нарсаларини қўрғамасдан қўймаслар. Нима яратди қўрғамоқ ва нафратни, қадрият ва иродани?

Яраттирувчи ўзи ўзи учун қўрғаш ва нафратни тузди, у ўзига шодлик ва гамни яратди. Яраттирувчи вужуд ўзи учун руҳ яратди, мисоли иродасининг дастидарози каби.

Ҳаттоки ўз телбалигингиз ва нафратингизда ҳам, эй сиз тандан нафрат қилувчилар, сиз ўз ўзи учун хизмат этурсиз. Мен сизга айтурман: Сизнинг Ўзингиз ўлишни истайди ва ҳаётдан юз ўтиради.

У ўзи баридан кўпроқ истаган нарсани қилишдан ожиз, — ўзини бундан буён яратишдан ожиз. У буни баридан ортиқ истар, унинг бутун ҳирсу эҳгирози худди мана шунда.

Лекин энди унга ҳаддан зиёд кеч бўлди — шунинг учун сизга мансуб ўзи ўзига ҳалокат истайди, эй тандан нафрат қилувчилар.

Сизга мансуб ўзи ўлим истайди. Шунинг учун ҳам сизлар тандан нафрат қилувчи бўлдингиз! Зотан сиз бундан буён ўзингизни қайта яратолмассиз.

Шу боис ҳаёт ва еру тупроқдан сиз дарғазабсиз. Нафратингизнинг ғилай нигоҳида онгсиз ҳасад ғилғиллаб туради.

Сизнинг йўлингиздан юрмасман — эй тандан нафрат қилувчилар! Мен учун сиз кўприк эмасдирсиз ало одам сари олиб боратурғон!

Зардушт шундай зикру таваллю қилди.

ШОДЛИК ВА ЭҲТИРОСЛАР ЗИКРИДА

Биродарим, агар сенда яхшилик бўлса ва у сенинг яхшилигинг бўлса, унда сен бу яхшиликка бошқалар билан биргаликда эгалик қилолмайсан.

Албатта, сен унинг отини айтиб чақиришни истайсан, уни эркалагинг келади: сен унинг қулогидан тортиб, у билан ўйнашмоқни хоҳлайсан.

Ўзинг бир қара! Энди сен халқ билан бирга унинг номига эгалик қиласан, сенинг ўзинг ҳам ўз яхшилигинг билан биргаликда халқ бўлдинг, подага айландинг!

Сен, яхписи, шундай десанг маъқул эди: “Қалбимнинг азоби ва лаззати, шунингдек, курсоғимнинг очлигини ифодалашга сўз йўқ ва бунинг номи ҳам йўқ”.

Майлига, сенинг яхшилигинг шунчалар юксак бўлсин, унинг номига ишонайлик ва мабодо сен унинг зикрини қилмоқчи бўлсанг, унда гувраниб, бидирлаб сўзлашдан тортинма.

Гапир бидирлаб: “Бу менинг яхшилигим, уни қандай яхши кўрсам, қандай менга бошдан охир ёқса, уни фақат шундай истайман.

Мен уни илоҳий қонун бўлсин деб истамайман, мен уни инсоният низоми ва инсоният эҳтиёжи бўлсин деб истамайман: майлига, у менга кўкка йўл кўрсатмасин, майлига, у менга жаннатга йўл кўрсатмасин.

Мен фақат ердаги яхшиликни севаман: унинг донишмандлиги озроқ ва барча одамларнинг ақлу онгидан кўра кичикроқ.

Лекин бу қуш менда ўзига ин қўйди, шунинг учун уни севаман ва кўксимга босаман — энди у менда олгин моякларин босиб ўлтирар”.

Сен шундай бижирлашинг ва ўз яхшилигингни мақташинг керак.

Бир маҳаллар сенинг эҳтиросларинг бор эди ва сен уларни эзлим деб атардинг. Энди сенинг ёлғиз яхшиликларинг бор: улар сенинг эҳтиросларингдан ўсиб чиқдилар.

Сен бу эҳтиросларга ўзингнинг олий аъмолларингни қуйдинг: Мана энди улар сенинг яхшиликларинг ва сенинг шодликларинг бўлиб қолди.

Мабодо сен гув этиб ёнадиган тажанглардан ва ёхуд лаззатпарастлар уругидан ёхуд жаҳолатпараст ва ёхуд қасоскорлардан бўлганингда эди:

Барибир охир-оқибат сенинг эҳтиросларинг — яхшиликларга ва барча жину алвастиларинг — фаришталарга айланарди.

Бир маҳаллар сенинг қазноқларингда ёввойи итлар бўларди, лекин охир-оқибат улар қушлар ва хушлаҳжа қуйчиларга айландилар.

Сен ўз заҳарларингдан ўзингга малҳам тайёрладинг; сен ўз сигиринг — қайғу-ҳасратларингни соғдинг — энди сен унинг елинларидан ширин сутлар ичасан.

Энди сендан ҳеч қандай зулм ўсиб чиқмас, фақат сенинг яхшиликларинг ўртасидаги курашдан бошқа бир зулм ўсиб чиқур.

Биродарим, мабодо сен бахтиёр бўлсанг, бу сенда битга яхшилик борлигини англатади, бундан ортиқ эмас: унда сен кўприкдан оша-осон ўтиб кетасан.

Кўп яхшиликларга эгалик шарафли, лекин бу оғир қисмат, ва кўплар сахрога қочиб, ўзларини ўлдирдилар, зеро улар яхшиликларнинг жанги ва жанг майдони бўлмоқликда ҳолдан тойиб қолдилар.

Биродарим, уруш ва жанглар ёмонми? Лекин бу ёмонлик зарурат, сенинг яхшиликларинг аро ҳасад ҳам, ишончсизлик ҳам, тухмат-бўхтон ҳам зарурат.

Ўзинг қара: Сенинг ҳар бир яхшиликларинг олий бўлишни истайди: у

сенинг бутун руҳингни истайди, у менинг жарчим бўлсин дейди, у газаб, нафрат ва муҳаббатда сенинг бутун кучинг бўлишини хоҳлайди.

Ҳар бир яхшилик бошқасига нисбатан ўта рашкчи, рашкчилик эса ғоят ёмон нарса. Ҳатто яхшиликлар ҳам рашк боис ҳалокатга учрашлари мумкин.

Кимни-ким рашк ўти ёндирибди, у охир-оқибат худди чаён каби заҳарли нишини ўз-ўзига санчур.

Оҳ, биродарим, сен наҳот ҳеч қачон кўрмаган бўлсанг яхшиликнинг ўзига ўзи қандай тухмат қилганини ва қандай ўзига ўзи ниш урганини?

Инсон рўй бергувчи бир шай, шунинг учун сен ўз яхшиликларингни сев — зотан сен улардан ҳалок бўлурсен.

Зардўшт шундай зикр қилди.

БЎЗАРГАН ЖИНОЯТКОР ЗИКРИДА

Ҳей, сиз, қозилар ва қурбонлик келтирувчилар, ҳайвон ўз бўйинини тутмагунча сиз ўлдиришни истамайсизми? Кўринг, бўзарган жинояткор бошини куйи солди, унинг кўзларида улуғ нафрат сўйлаб туради:

Менга мансуб Мен рўй бергувчи алланарсадир; “менга мансуб Мен инсонга чексиз нафрат билдиришга хизмат қилади” — унинг кўзлари шундай деб туради.

Унинг ўзини ўзи қоралагани унинг энг олий дақиқаси эди; кимда-ким кўтарилган бўлса, унинг яна ўз тубсиз жарларига кулаб кетишига йўл қўйманг!

Ўз ич-этини еб азоб чекаётган одамга тез ўлимдан ўзга халос йўқ.

Қозилар, сизнинг қотилигингиз қасос-хусумат эмас, раҳм-шафқат бўлсайди. қатл қиларкан, буюринг, сиз ҳам ўз ҳаётингизни ўзингиз оқлангиз!

Ўзингиз ўлдираётган мақтул билан ярашиб олишингизнинг ўзигина етмайди. Сизнинг ғам-ҳасратингиз ало одамга муҳаббат бўлсин: шундагина сиз ўзингизнинг ҳамон ҳаёт деб аталувчи ҳаётингизни оқлайсиз!

“Золим” деб эмас, “душман” деб айтинг, “муттаҳам” деб эмас, “касал” деб айтинг, “гуноҳкор” деб эмас, “телба” деб айтинг.

Ҳей, сен, корафта қози, агар сен хаёлингда бўлса ҳам бажарган ишларни овозингни баланд чиқариб айтганинда эди, ҳар бир дуч келган бақириб юборарди: “Йўқотинг бу мурдорни, даф қилинг бу заҳарли илонни!”

Лекин фикр бошқа, иш бошқа, ишнинг кўзини билиш бошқа. Улар орасида сабабият дигирчаги айланмайди.

Ишнинг тимсоли бу бўзарган одамни бўзартирди. У ўз ишини адо этган чоғда юксакка кўтарилмиш эди, лекин иш рўй берганда, унинг тимсолини кўтаролмади.

У ҳамиша ўзига *битта* адо этиладиган ишнинг адо этувчиси деб қарарди. Мен буни телбалик деб атайман: истисно унинг учун моҳиятга айланди.

Чизиқ товукни ром қилиб қўяр; у ўзини бағишлаган шайтонийлик унинг шўрлик ақлини эласлаб қўяди — буни мен ишдан *кейинги* телбалик деб атайман.

Тинлангиз, ҳей қозилар! Яна бошқа бир телбалик ҳам бор — бу иш *олдидаги* телбаликдир. Оҳ, сиз бу жон ичига унчалар ҳам чуқур судралиб кирмабсиз!

Корафта қози шундай сўйлар: “Ахир нима учун ўлдирди бу жинояткор? У талончиликни истади”.

Лекин мен сизга айтай: унинг кўнгли талон-торожни эмас, қон тўкишни хоҳлади — у ханжар бахтига мушгоқ эди!

Аммо унинг шўрлик ақли бу телбаликни тушунмади-да, уни ишонтирди. “Қондан нима фойда! — дерди у. — Сен ҳеч бўлмаганда бу орада талончилик қилишни хоҳламайсанми? Ўч олмайсанми?”

Шундан сўнг у шўрлик ақлининг сўзига қулоқ солди: унинг сўзи қалбига кўрғошиндай ботди ва мана, ҳам ўлдирди, ҳам талади. У ўзининг телбалигидан уялиб ўтирмади.

Энди яна гуноҳининг қўрғошини унинг елкасидан босади ва яна унинг шўрлик ақли шундай суюлиб, шундай беҳол бўлиб, шундай оғирлашиб қолди.

Агарда у бошини бир силкита олганда эди, унинг оғирлиги пастга думалаб кетган бўлур эди; лекин ким ушбу бошни силкита олади?

Ушбу одам нима дегани ўзи? Руҳ орқали дунёга ўтиб борувчи бир талай касалликлар: улар бу ерда ўзларига ўлжа қидирадилар.

Нима дегани ўзи ушбу одам? Ваҳший илонлар ўрами, улар бир-бирларига ўралиб ҳеч тинч туrolмайдилар, — мана, улар ўрмалашиб бориб дунёдан ўз ўлжаларини излашади.

Бу шўринг қургур вужудга бир қаранг! Бечора бошига қандай азоблар тушгани ва нималарни устаганлигини бу шўринг қургур бечора кўнгил ўзига ўзи тушунтирмақчи бўларди — бунини у қотилликнинг шодийонаси ва ханжар бахтига бўлган чанқоқлик деб тушунтиради.

Кимки энди касал бўлса, унга ёмонлик хужумга ўтади, энди бу ёмонлик деб ҳисобланади: у ўзига азоб бераётган нарса билан азоб беришни истайди. Аммо бошқа замонлар эди ва бошқа эди ёмонлик ва яхшилик.

Бир маҳаллар шубҳа ва ўзингга қаратилган ирода ёмонлик эди. Унда бемор муртад ҳамда фолбинга айланарди: у бамисоли муртад ва фолбин каби азоб чекар ва бошқаларни азобга қўйишни истарди.

Лекин бу сизнинг қулоғингизга сиғмайди: бу сизнинг яхшиликларингизга зарар келтиради дейсиз менга. Аммо сизнинг яхшиликларингиз билан менинг нима ишим бор?

Сизнинг яхшиликларингиздаги кўп нарсалар менда нафрат кўзгайди, лекин ростини улардаги ёмонлик эмас. Ростини, мен уларнинг телба бўлиб қолишларини истардим, улар бундан ҳалок бўлур эдилар, худди анов бўзарган жинояткор каби!

Ростини, уларнинг телбалиги ҳақ деб ёки садоқат ва ёки адолат деб аталишини истардим. Ҳолбуки, ўз-ўзидан аянчли тарзда мамнун бўлиб узоқ умр кечирмоқлик учун уларнинг ўз яхшиликлари бор.

Мен олов оқим узра қурилган кўприк панжарасиман. Кимда-ким менинг этагимдан тутмоқчи бўлса, этагимдан тутсин. Лекин сизга қўлтиқтаёқ бўлмайман.

Зардўшт шундай зикр қилди.

МУТОЛАА ВА ХАТ ЗИКРИДА

Барча ёзилганлар ичида мен фақат қон била ёзилганини яхши кўраман. Қонинг била ёз — ва сен қон руҳ эканлигини билурсен.

Ўзганинг қонини билиш осон эмас: мен мутолаа қилаётган такасалтанларни ёмон кўраман.

Кимда-ким ўқувчини билса, у ўқувчи учун ҳеч нарса қилмайди. Ўқувчиларнинг яна бир юз йиллиги ўтиб — руҳнинг ўзи сассиқ тарқатади.

Ҳар бир кимсанинг ўқишни ўрганишга ҳақи борлиги узоқ замонларга битикларнигина эмас, шу билан бирга тафаккурни ҳам издан чиқаради.

Бир замонлар руҳ худо эди, кейин одам бўлди, эндиликда у ҳатто қора халққа айланмоқда.

Кимда-ким қони билан ёзса, ривоятлар келтирса, у ўзини ўқишларини эмас, ёдлаб олишларини истайди.

Тоғларда энг қисқа йўл чўққилардан чўққиларга ўтадиган йўл, лекин бунинг учун узун оёқлар керак. Ривоятлар чўққилар бўлсин: уларни тинглайдиганлар эса баланд бўйли ва йирик бўлсинлар.

Мусаффо ва сийрак ҳаво, яқинлашиб келаётган хавф ҳамда шодийна газабга тўлган руҳ, — булар бари бир-бировига ғоятда уйғун.

Менинг гир атрофимда тоғ руҳлари¹ бўлишини истайман, чунки мен мард одамман. Мардлик шарпаларни қувади, у ўзига ўзи қоболдларни яратади — мардлик қаҳ-қаҳ отиб қулишни истайди.

Мен ортиқ сиз билан қўшилишиб ҳис қилолмайман: остимда кўринган бу бир парча булут, бу рўйинган ва оғирлик — мен улар устидан қуламан, — сизнинг чақмоққа тўлган булутингиз ана шундай.

Сиз юқорига интилганда, юқорига қарайсиз. Мен эса пастга қарайман, зотан юқорига чиқиб бўлганман.

Қайси бирингиз бир пайтнинг ўзида ҳам қулиб, ҳам юқорида бўлолади?

Кимда-ким энг юксак тоғларга кўтарила олса, у саҳна ва ҳаётнинг ҳар қандай фожиаси устидан қула билади:

Беташвиш, қувноқ, кучли — бизни ҳикмат шундай кўргиси келади: у — хотин ва фақат муборизларни севади.

Сиз менга айтасиз: ҳаётни кўтариш қийин. Лекин унда сизнинг эрталаб тургандаги ғайратингиз ва кеч кирган чоғдаги таслимингиздан не маъно қолур?

Ҳаётни кўтариш қийин, лекин ўзингизни бунчалар нозик қилиб кўрсатманг! Биз баримиз жуда қойил юккаш эшак ва эшакваччалармиз.

Бизнинг қалтираб турган пушти гул япроғидан не фарқимиз бор, унинг вужудида бир томчи шудринг титрайди.

Рост биз ҳаётни севамиз, лекин ҳаётга эмас, севгига одатланиб қолганимиз учун уни севамиз.

Севгида доим андаккина телбалик бор. Лекин телбаликда ҳам доим андаккина ақллилик бор.

Мендек ҳаётга мойил кишига ҳам шундоқ туюладики, парвоналар ҳамда совун ҳубоблари ва одамлар орасида уларга ўхшайдиганлар бахт нима эканлигини ҳаммадан кўпроқ биладилар.

Шу ҳафиф, ўйинқароқ мўрт ва шўх маҳлуқчалар паршираб учганларини томоша қилиш — шулар Зардўштни кўшиқ ва кўзёш қадар масту мустағрақ қилур.

Мен фақат ўйин тушишни биладиган Худогагина ишонган бўлармидим балки.

Мен ўз жинимни кўрганда, уни жиддий, вазмин, тийран ва тантанавор ҳолда кўрдим, бу оғирлик руҳи эди, у боис барча нарсалар ерга томон қулайдилар.

Ғазаб билан эмас, қулги билан ўлдирадилар. Туринг, бизга оғирлик руҳини қуритишга кўмаклашинг!

Мен юришни ўргандим: шундан бери ўзимни югуришга шай тугаман. Мен учини ўргандим: шундан бери ўрнимдан кўзғалиш учун бировнинг туртишини қутиб ўтирмайман.

Энди мен енгилман, энди мен учаман, энди мен ўзимни ўз остимда кўраман, энди худо менинг вужудимда рақс тушади.

Зардўшт шундай зикр қилди.

ТОҒДАГИ ДАРАХТ

Зардўшт бир йигитча ундан ўзини олиб қочаётганини сезиб қолди.

Бир куни оқшом чоғи у “Оласигир” деб аталган шаҳар атрофини қуршаган тоғлар узра бир ўзи борарди. Шунда у йигитчани дарахт ёнида пастдаги водийга ҳорғин назар ташлаган ҳолда ерда ўтирганини кўрди. Зардўшт йигитча суяниб ўтирган дарахтга қўлини қўйди ва шундай деди:

¹ Тоғ руҳлари. Нитше бу ерда немисча қоболд тушунчасини келтиради. Қоболд тоғ руҳлари — улар тоғда юрганларга тўсиқ бўладилар (*таржимон*).

“Мабодо мен бу дарахтни кўлларим билан тутиб силкитмоқчи бўлсам, бу кўлимдан келмасди.

Лекин бизнинг кўзимизга кўринмас шамол уни истаган томонга қараб эгади ва юлқилайди. Шунда кўзга кўринмас кўллар қаддимизни букиб, не кўйларга солади”.

Шунда йигитча ўрндан турди ва хижолат чекиб, деди: мен Зардўштни эшитяпман, ҳозир уни ўйлаб ўтирган эдим.

Зардўшт шундай жавоб берди: “Сен нимадан чўчияпсан? Дарахтнинг бошига қандай иш тушса, одамнинг бошида ҳам шундай иш бор.

Дарахт қанчалар кўп баландга, ёруғликка интилса, унинг илдизлари ер қаърига, қоронғулик ва теранлик сари — ёмонлик сари шунча чуқур кетади”.

“Ҳа, бу ҳам бир бало! — Хитоб қилди яна йигитча. — Сен ҳақиқатни айтдинг, Зардўшт. Мен ўзим юқорига қараб бўй чўзганим сари ўзимга ўзим ишонмай кўйяпман ва бошқалар ҳам, ҳеч ким менга ишонмайди, — нега ахир шундай бўлди?

Мен жуда тез ўзгаришман: менинг бугуним, менинг кечаги кунимни инкор этипти. Юқорига кўтарилаётганда мен зиналардан сакраб-сакраб ўтаман, — бунинг учун мени биронта ҳам зина кечирмайди.

Юқорида турганимда мен доим ўзимни ёлғиз кўраман. Ҳеч кимса мен билан гаплашмайди, ёлғизликнинг қаҳратони мени қақшатиб қалтироққа солади. Юқорида туриб мен нимани истайман?

Нафратим ва дардим бир бўлиб бошимдан ошади; қанча кўп юқорига кўтарилсам, шунча кўп юқорига кўтарилаётган одамдан нафратланаман. У ахир юқорида нима қилади?

Қанчалар уяламан ўзимнинг бу юқорига кўтарилишим ва қоқилишларимдан! Ҳансираб-ҳансираб нафас олишимдан қанчалар заҳарханда қиламан! Учаётгани кўргани кўзим йўқ! Қанчалар чарчадим мен юқорида!”

Йигитча шундай деди-да, жим қолди. Зардўшт эса олдиларида турган дарахтга бир боқди-да, шундай деди:

“Бу дарахт тоғда ёлғиз ўсган, у одамлардан ва ҳайвонлардан баландда туриб кўқарган.

Агарда у сўйлашмоқликни истаганда эди, уни тушунадиган биронта ҳам одам топилмаган бўлур эди: у ўсиб шунчалар баландлаб кетган.

Энди унинг кутгани кутган, — нимани кутар у? Булулларга жуда яқин турар у: балки у илк момагулдиракни кутмоқдами?”

Зардўштнинг бу сўзларини эшитгач, йигитча қаттиқ ҳаяжонланиб хитоб қилди: “Шундай, Зардўшт, сен ҳақ сўзни айтдинг. Юксақларга талпиниб мен ўлим истадим, сен эса мен кутган ўша чақмоқсан! Қара, сен пайдо бўлгандан бери мен қандоқ ахволга тушдим? Сенга ҳасад қилдим ва вайрон бўлдим!” — йигитча шундай деб, аччиқ-аччиқ йиғлади. Зардўшт эса уни бағрига босиб, ўзи билан олиб кетди.

Улар бирга бироз юриб борганларидан сўнг, Зардўшт шундай сўз бошлади:

— Менинг юрагим ёрилди. Айтган сўзларингдан кўра кўпроқ сенинг нигоҳинг бошинг узра қандай хатар турганидан дарак бермоқда.

Сен ҳали озод эмассан. Сен ҳали озодликни изляяпсан. Бу излашлардан сен уйғоқсан, уйқунг қочди.

Эркин юксақларга талпинасан. Сенинг қалбинг юлдузларни истайди. Лекин сенинг ёмон одатларинг ҳам эркинликка интилади.

Сенинг ёввойи итларинг эркинликни хоҳлайди; руҳинг барча қоронғу зиндонларни очиб ташлашга уринаркан, итларинг ўз мағораларида қувониб акиллашади.

Менимча, сен зиндонда қамалиб ётибсан, эркинликни орзу қиляпсан; оҳ, бундай банди зиндонларнинг кўнгли донишманд бўлиб қолади, шу билан бирга айёр ва бузуқ.

Эркинликка чиққан руҳ ҳали тозармоғи лозим. Унга зах зиндон кўп сорабини ўтказган: тозармоғи даркор ҳали унинг нигоҳи.

Ҳа, мен биламан бошингдаги хатарни. Бироқ севгим ва умидим ҳақи, сендан ўгинаман: севгинг ва умидингдан ҳеч қачон жудо бўлма!

Сен ҳали ўзингни олижаноб санайсан, сени севмайдиганлар ва орқангдан ўкрайиб қарайдиганлар ҳам ўзларини олижаноб деб ҳисоблайдилар. Билиб қўй: олижаноб ҳаммининг йўлини тўсиб туради.

Олижаноб ҳатто яхшиларнинг ҳам йўлини тўсиб туради; ҳатто уни яхши деб айтсалар—да, бу билан уни йўлдан улоқтириб ташламоқчи бўладилар.

Олижаноб янгилик яратмоқчи, янги эзулик барпо қилмоқчи бўлади. Яхши эса эскини истайди, эскиликни сақлаб қолишни истайди.

Олижанобнинг яхши бўлиб қолиши хавfli эмас, унинг сурбет, масхарабоз ва бузғунчи бўлиб қолиши хавfli.

Оҳ, мен билар эдим ўз олий умидини йўқотган олижанобларни. Эндиликда улар барча олий умидларга туҳмат ёғдирадилар.

Энди ул сурбетлар ўткинчи лаззатлар ичра истиқомат қилурлар, мақсад-аъмоллар ҳам энди бир кундан нарига ўтмас.

“Рухнинг ўзи ҳам — лаззат”. Улар шундай дерлар. Шунда ул рухнинг қанотлари синди; энди у ҳар ерларда судралур ва ниманики ютса, уни ҳаром қилур.

Улар бир маҳаллар қаҳрамонликни орзулардилар; эндиликда улар — лаззатпараст бўлганлар. Қайғу ва қўрқув уларнинг қаҳрамони.

Лекин севгим ва умидим ҳақи, ўгинаман: ўз қалбингда қаҳрамонни қувиб чиқарма. Ўз олий умидингни муқаддас тут!

Зардўшт шундай зикр қилди.

ЎЛИМ ВОИЗЛАРИ ЗИКРИ

Ўлим воизлари бор; ер юзи ҳаётга нафратни ваъз қилувчилар билан тўлиб тошган.

Ҳаёт ортиқчаларга тўла, одамларнинг ҳаддан ташқари кўплиги боис, ҳаёт бузилган. О, “мангу ҳаёт” ваъдаси билан уларни бу ҳаётдан тортиб олиб чиқишнинг иложи бўлсайди!

“Сариқлар” ва “қоралар” — ўлим воизларини шундай аташади. Лекин мен сизга уларни бошқа рангларда ҳам кўрсатмоқ бўламан.

Мана улар, худди ваҳший ҳайвон монанд тасқаралар, уларнинг ҳирсу ҳаво ёхуд ўз-ўзини ўлдиришдан ўзга йўллари йўқ. Лекин уларнинг ҳирсу ҳаволари ҳам — худбинликнинг баафини ўзи.

Бу тасқаралар ҳали одам бўлиб улурган эмаслар; майли, улар ҳаётга нафрат деб тарғиб қилсалар қилаверсинлар ва ўзлари жўнаб кетаверсинлар!

Уларнинг юраклари — сил: туғилар-туғилмас улар жон таслим қила бошларлар ва ҳоргинлик ҳамда муртадлик таълимотига мукка кетурлар.

Улар жон-жон деб ўлик бўлишни хоҳлардилар ва биз уларнинг бу хоҳишларини маъқуллашимиз керак! Бу ўликлар тирилмасликлари учун ўзимизни эҳтиёт тугамиз ва бу тирик тобулларга зарар етказмаслик ҳаракатини қиламиз!

Уларга ким дуч келмасин, касалми, қари-қартангми, мурдами, дарҳол унга шундай дейдилар: “Ҳаёт рад этилди!”

Лекин фақат уларнинг ўзлари рад этилганлар ва борлиқда фақат *биттагина* қиёфани кўрадиган кўзлари рад этилгандир.

Тийран ҳасратга чўмган ўлим келтирадиган арзимаган тасодифларга ғоятда ташна бу кимсалар, — тишларини тишларига маҳкам босиб шундай кутадилар.

Ё бўлмасам: улар ширинликларга ёпишадилар ва яна ўзларининг бу болаликларидан кулиб ҳам кўядилар; улар ҳаёт бўйнида худди сомон парчасидек осилиб турадилар ва сомон парчасида ҳамон илиниб турганликларидан куладилар.

Уларнинг ҳикмати шундай: “Яшаш учун қолувчи — тентак ва биз ҳам шу қадар тентакмиз. Ҳаётда энг аҳмоқ нарсанинг ўзи ҳам шу!”.

“Ҳаёт фақат азобдан иборат” — бошқалар шундай дейдилар, бу гаплари рост: хўп, шундай бўлса, отингизни қамчиланг-да, сиз яшамоқни бас қилинг! Фақат азобдан иборат бўлган ҳаёт барҳам топсин, ҳаракатингизни қилинг!

Сизнинг эзулигингизнинг қоидаси шундай бўлсин: “сен ўз-ўзингни ўлдирishing керак! Сен ўзингни ўзингдан ўғирлашинг керак!”

“Лаззатпарастлик гуноҳ — ўлимни тарғиб қилувчиларнинг гапи шу, — қўйинг, биз бир чеккадан ўтиб кетайлик ва бола кўрмайлик!”.

“Туғиш қийин, — дейишади бошқалари, — яна туғишнинг нима ҳожати бор? Фақат бахти қароларгина туғиладилар!” Улар ҳам ўлим жарчиларидир.

“Бизга раҳм қилишсин, — дейдилар яна учинчи бировлар. — Менинг бор нарсамни олинглар! Менинг ўзимни олинглар! Ҳаётта боғлиқ жойим оз менинг!”

Агарда улар ҳаддан зиёд дардкаш бўлганларида, ўз яқинларини яшаш ишғиёқидан қайтарган бўлур эдилар. Золим бўлиш — уларнинг чин яхшилиги шу бўлур эди.

Бироқ улар ҳаётдан халос бўлишни истайдилар; ўзларининг кишанлари ва ҳадя-хайриялари билан бошқаларни янада маҳкамроқ боғлаб қўяётганликлари билан уларнинг нима иш-хушлари бор, ахир!

Ҳатто сиз, эй ҳаётни оғир меҳнат ва ташвиш деб биладиганлар, — ахир сизни ҳаёт унчалар чарчатмадими? Ахир сиз ўлим тарғиботи учун етилмадингизми? Машаққатли меҳнат ва барча шиддатли, номаълум, янги нарсаларни қадрлайдиган сиз ҳаммангиз, — ўзингизни сиз ёмон сезяпсиз; сизнинг амалингиз қочиб ва ўз-ўзини унутиш истагидан иборат, холос.

Агарда сиз ҳаётга кўпроқ ишонганингизда эди, унда сиз лаҳзаларга ўзингизни камроқ бағишлаган бўлардингиз. Лекин кутмоқ учун сизда мазмун етарли эмас — ва ҳатто танбалликка ҳам етарли эмас!

Ҳар томондан ўлимни тарғиб қилувчиларнинг саслари эшитилмоқда; ер ҳам ўлимни тарғиб қилиши керак бўлганлар билан тўлди.

Ё “абადий ҳаёт” деб тарғаб қиларлар: менга барибир, — мабодо улар у ерга жўнашни пайсалга солмасалар, бас!

Зардўшт шундай зикр қилди.

УРУШ ВА АСКАРЛАР ЗИКРИ

Биз энг саз душманларимиз ва шунингдек, дил-дилигимиздан яхши кўрган кимсаларимиздан шафқат кутмаймиз. Сизга бор ҳақ гапни айтишга изн беринг!

Бирга уруш қилган биродарлар! Мен сизни чин дилимдан севаман; ҳозирда ва аввалда мен сиз бирла баробар эдим. Шунингдек, мен сизнинг энг яхши душманингизман. Сизга чин ҳақиқатни айтишга рухсат беринг!

Мен юрагингиздаги нафрат ва ҳасадни биламан. Сиз нафрат ва ҳасадни билмаслик даражасида улуғ эмассиз. Шундай экан, ўзингиздан ўзингиз уялмаслик даражасида улуғвор бўлингиз!

Мабодо сиз билимнинг жонбозлари бўлмасангиз, лоақал унинг жангчилари бўлингиз. Улар мана шу жонбозликнинг йўлдошлари ҳам илк хабарчисидирлар.

Мен кўп аскарларни кўряпман; қанчалар истар эдим мен кўплаб жангчиларни кўрмоқни! “Сарбозий” дейилади уларнинг уст-боши; фақат унинг остида яширганлари ишқилиб сарбозий бўлмагай!

Нигоҳи ҳаммавақт ганимини қидирган — ўз ганимини қидирганлар каби бўлғайсиз. Сизнинг айримларингиздан бир қарагандаёқ нафрат ёғилиб туради.

Сиз ўз ганимингизни қидиринг, ўз урушингизни урушинг, ўз фикратингиз учун уруш қилинг! Ва мабодо агар фикрингиз дош бермай қўйса, ҳар ҳолда бу тақдирда ҳам сизнинг инсофингиз бундан устун чиқмоғи лозим!

Тинчликни янги урушларнинг воситаси каби севинг. Бунинг устига қисқа тинчлик — узоқ тинчликдан кўра ортиқроқдир.

Мен сизни ишга эмас, курашга чақираман. Меҳнатингиз сизнинг курашингиз ва тинчлик сизнинг зафарингиз бўлмай!

Кўлингизда камон ва ўқ бўлган чоғдагина тинч, жим ўтириш мумкин; акс ҳолда кўп сўйлаб, можаро қиладилар. Сизнинг тинчлигингиз галабангиз бўлсин!

Сиз мақсад яхши бўлса, уруш ўзини оқлайди деб ўйлайсизми? Мен айтаманки, урушнинг фойдаси ҳар қандай мақсадни оқлайди.

Уруш ҳамда мардлик ўз яқинингга меҳру мурувватдан кўра кўпроқ улуғ ишларни амалга оширди. Бахти қароларни шу пайтгача сизнинг раҳм-шафқатингиз эмас, балки жасоратингиз қутқариб келди.

Яхшининг ўзи нима? — деб сўрайсиз. Жасур бўлиш яхшидир. “Меҳр-мурувватли бўлишдан яхшироқ ва таъсирлироқ нарса йўқ” — сиз бундай гапларни ёш қизчаларга қўйиб беринг.

Сизни бағритош дейишади — лекин сизнинг қалбингиз самимийдир ва мен сиздаги самимиятнинг ҳаё билан омухта бўлганини севаман. Сиз ҳиссиётларингизнинг жўш уришидан тортинасиз, бошқалар эса уларнинг бўшлигидан уяладилар.

Сиз хунукмисиз? Нима қипти, ахир, биродарларим? Ўзингизни кўтаринки нарсалар билан чулланг, у хунукликнинг пардаўшидир!

Сизнинг кўнглингиз катта бўлса, у такаббур бўлиб қолади; шунингдек, сизнинг кўтаринкилигингизда кин-адоват мавжуд. Мен сизни биламан.

Такаббур ожиз кимса билан дуч келса қаҳру ғазабга минади. Лекин улар бир-бирларини тушунмайдилар. Мен сизни биламан.

Душманингиз шундай бўлсинки, сиз уни ёмон кўринг, лекин нафратланманг. Сиз душманингиз билан фахрланганингиз маъқул: шунда душманингизнинг ютуқлари сизнинг ҳам ютуқларингизга айланади.

Исён — қулнинг жасорати. Сизнинг жасоратингиз тобелигингиз бўлмай! Сизнинг амрингизнинг ўзи тобелик бўлсин!

Яхши жангчининг қулоғига “сен қилишинг керак” деган сўз “Мен шуни хоҳлайман” дегандан кўра ёқимлироқ эшитилади. Сиз нимани хуш кўрсангиз, уни аввало ўзингизга раво кўрмоғингиз керак.

Сизнинг ҳаётга муҳаббатингиз сизнинг энг олий умидингизга муҳаббат бўлмай — ҳаёт ҳақидаги энг олий фикрингиз мана шу олий умидингиз бўлмай!

Лекин сизнинг олий фикрингиз мен томонимдан амр этилган бўлур — у шундай жаранглайди: инсон ўзиши керак бўлган алланимадир.

Тобеликда ва уруш иштиёқида ўтқаринг ўз умрингизни! Узоқ умрдан нима фойда! Қай жангчи ўзига раҳм-шафқат қилишларини истайди!

Мен сизни аямасман, сизни бутун қалбим билан севаман, эй урушда топган биродарларим!

Зардўшт шундай зикр қилди.

ЯНГИ САНАМ ЗИКРИ

Аллақайларда ҳали халқлар ва подалар бор, лекин бизда эмас, эй биродарларим: бизда давлатлар бор.

Давлатми? У нима ўзи? Шундай қилиб, менга қулоқ солинг: энди мен сизга халқларнинг ўлими ҳақида ўз сўзимни айтаман.

Совуқ махлуқлар ичидан ҳаммадан ҳам совуқроғига давлат деб айтилади. У совуқ ёлғонлар тўқийди. Унинг комида “Мен давлатман, яъни халқман”, деган ёлғон ўрмалаб юради.

Бу — ёлғон! Халқларни бунёд қилганлар, уларга имон ва муҳаббат ато этганлар бунёдкор эдилар: улар ҳаётга шундай хизмат қилдилар.

Вайронкорлар — кўпларнинг йўлига тузоқ қўювчилар, бу тузоқларини улар давлат деб атайдилар: улар кўпларнинг бўйнига қилич осдилар ва уларга юзлаб хоҳиш-истакларни тикиштирдилар.

Қайда ҳали халқ бор бўлса, у давлат нималигини англамайди ва уни ёмон кўради, худди ёмон кўз каби ва худди одатлар ҳамда ҳақ-ҳуқуқларнинг бузилиши каби.

Мен сизга ушбу башоратни бераман: ҳар бир халқ ёмонлик ва яхшилик ҳақида ўз тилида сўзлайди — унинг бу тилини кўшниси тушунмайди. У одатлар ва ҳақ-ҳуқуқларда ўзи ўз тилига эга бўлди.

Бироқ давлат яхшилик ва ёмонлик ҳақида барча тилларда ёлғон гапиради; нима сўйламасин — ёлғон сўйлайди ва бор нарсаларининг барини ўғирлаб олан.

Унинг бари нарсалари ясама; унинг тишлари ўткир, ўғирлаб олган тишлари билан у тишлайди. Унинг ичидаги ашқол-дашқоллари ҳам ҳатто бари ясама.

Тилларнинг чатишиб, чалкашиб кетиши яхшилик ва ёмонликда: ушбу башоратни мен сизга давлат башорати каби бераман. Ҳақиқатан бу башорат ўлим иродасини билдиради! Ҳақиқатан, у ўлим тарғиботчиларига кўзларини қисмоқда!

Одамлар ҳаддан ортиқ кўп туғилмоқда: ортиқча одамлар учун давлат ўйлаб топилган!

Бу кўп ичидаги кўплик, қаранг, ўзига қандай жалб этмоқда! Кўринг, қандай уларни бўғяпти, чайнаяпти, кавш қайтаряпти!

“Ер юзида мендан кўра каттароқ ҳеч нарса йўқ: мен худонинг тартибга солувчи муҳрирдирман” — кўрқинчли махлуқ шундай деб ириллайди. Унинг олдида тиз чўкаётганлар ёлғиз узунқулоқлар ёки узоқни кўрмайдиган шабкўрларгина эмас!

Оҳ, эй улуглар, у ҳатто сизларга ҳам ўз нохуш ёлғонларини қулоғингизга шивирлаб туради! Оҳ, у тўлғин юракларини жон-дилдан дастурхондай очадиганларни дарров топиб олади!

У ҳатто сизларни дарҳол топиб олади, эй кўҳна худо устидан голиб чиққанлар! Сиз курашда ҳолдан тойдингиз, шунинг учун энди сизнинг ҳоринглигингиз янги санамга хизмат қилади!

Янги санам ўз атрофига қахрамонлар ва софдил одамларни жамлашни истар эди! У доғ тушмаган топ-тоза виждоннинг офтобида исинишни севади, — совуқ махлуқ-да!

Агар сиз унга таъзим-тавозе қилсангиз, янги санам сизга ҳамма нарсани беришга тайёр: у сизнинг яхшилигингизнинг нурлари ва гурур чақнаган кўзингизнинг нигоҳларини шундай қилиб ўзига сотиб олади.

У ўзига сизни оёдириб олмоқчи, эй сиз, кўнлаб кўпайганлар! Мана илоҳий шарафларнинг анжомларини шарақлатиб ўйнатган жаҳаннамий бир силоҳ, ўлим тушори ихтиро қилинди!

Ҳа, кўпчилик учун ўлим ўйлаб топилди, лекин у ўзига бамисоли ҳаёт каби мадҳу сано ўқийди: ҳақиқатан барча ўлим тарғиботчиларига чин юракдан кўрсатилган мурувват.

Яхшилар ҳам, бадтаринлар ҳам бари биргаликда оғу ичадиган ерни мен давлат деб атайман. Яхшилар ҳам, бадтаринлар ҳам биргаликда ўзларини йўқотиб қўядиган ер давлатдир; ҳамма ўз-ўзини аста-секинлик билан ўлимга маҳкум қиладиган ер давлатдир ва буни “ҳаёт” дейдилар.

Қаранг ўзингиз мана шу ортиқча одамларга! Улар ихтирочиларнинг асарларини ва донишмандларнинг хазиналарини ўғирлайдилар: ўз ўғирликларини улар маданият деб юритадилар — ва ҳамма-ҳаммаси улар қўл остида касаллик ва кулфатга айлланиб кетади!

Қаранг сиз мана шу ортиқча одамларга. Улар доим оғриб юрадилар, улар мудом сафро тупурадилар ва буни газета деб атайдилар. Улар бир-бирларини ютиб юборадилар ва ҳеч қачон ўзларини ҳазм қилолмайдилар.

Қаранг сиз мана шу ортиқча одамларга! Улар бойлик орттирадилару бундан янада қашшоқроқ бўлиб қоладилар. Улар ҳокимиятни ва ҳаммадан олдин ҳокимият дастагини истайдилар, кўп пул истайдилар ўша ипириқлар!

Кўринг уларнинг олғир маймун каби сакрашлари, осилишларин! Улар бир-

бирларининг устиларига сакрашурлар ва шунинг учун балчиқлару жарликларга йиқилиб, қулашурлар.

Ҳаммалари тахтга етишни кўзлайдилар: уларнинг ақдан озганликлари шундаки, гўё бахт-иқбол тахт узра қўниб ўлтиради! Ҳолбуки, кўпинча нажас тахтда ҳурпайиб ўлтирар — кўпинча эса тахтнинг ўзи нажас узра турадир.

Менимча, уларнинг ҳаммалари ақлу ҳушларидан жудо бўлганлар, худди шохдан-шоҳга сакраган маймунга ўхшайдилар ва тўхтовсиз алаҳсирайдилар. Менимча, уларнинг санамларидан, совуқ мудҳиш махлуқдан ёмон сассиқ уфунат тарқалади; менимча, санамнинг ушбу барча малайларидан ёмон ҳид анкиб туради.

Биродарларим, уларнинг сассиқ комлари ва ҳирсу ҳаволари уфунатида бўғилиб ўтиришни истармидингиз? Тезроқ деразаларни синдиригиз ва ўзингизни ташқарига отинг!

Ёмон ҳидлардан сақланигиз. Ортиқча одамларнинг бугпарастликларидан четланигиз!

Ёмон ҳидлардан қочинг! Инсон қурбонлиқларининг аччиқ сассиқларидан ўзингизни четга олинг!

Улуғ кўнгишлар учун озод замин ва озод ҳаёт бор. Ёлғизлар учун ҳали кўп озод жойлар бор, икковлон бўлиб ёлғизлашганлар учун ҳур маконлар ҳали қуриган эмас, у ерларда ҳали осуда денгизларнинг муаттар ислари таралиб турар.

Улуғ кўнгишлар учун ҳали озод турар озод ҳаёт! Ҳақиқатан, ким оз нарсага эга бўлса, у шунчалар оз эгалланур! Кичкина қашшоқликка мадҳу санолар бўлсин!

Давлат тутаган ерда ортиқча бўлмаган одам бошланади: у ерда зарур одамларнинг қўшиғи янграйди, бу бир мартагина янграйдиган ва қайтарилмайдиган қўшиқ бўлади.

Сиз давлат тутаётган ерга қарангиз, — ўша томонга қаранг, сиз биродарларим! Ахир, сиз кўрмаяпсизми ёйкамалаклар ва кўприкларни, ахир улар ало одам сари элтмайдими бизни?

Зардўшт шундай зикр қилди.

БОЗОР ПАШШАЛАРИ ЗИКРИ

Ўз хилватгоҳингга қоч, азиз дўстим! Кўриб турибман, сен улуғ кишиларнинг шовқин-суронидан гаранг ва кичикларнинг ниш-найзаларидан озурдадилсан.

Ўрмонлар ва қоялар сенинг-ла бирга виқор билан сукут қилиб тура билурлар. Сен яна шоҳу шаббаларин атрофга ёйган ўз севган дарахтинга монанд бўлгил: у сокин қулоқ тутиб денгиз узра бошин эгади.

Хилват тамом бўлган ерда бозор бошланади; бозор бошланган ерда эса улуғ масхарабозларнинг шовқин-сурони ва ниши заҳарли пашшаларнинг финғирлаши бошланади.

Агар кимдир танишгирмаса, дунёдаги энг яхши нарсалар ҳам ҳеч нарсага арзимайдигандек кўринур; халқ бу таништирувчиларни улуғ кишилар деб танийди.

Халқ улуғ, яъни яратувчи нарсани яхши тушунмайди. Лекин у улуғликнинг барча таништирувчилари ва масхарабозларини яхши кўради.

Янги нарсаларни кашф қилувчилар теварагида дунё айланади — кўзга кўринмай эврилади. Лекин масхарабозлар атрофида халқ ва шон-шўҳрат айланади — дунёнинг таомили шундай.

Масхарабозда руҳ бор, лекин унда руҳнинг диёнати камроқ.

У ҳаммадан кўпроқ ишонтиришга мажбур қиладиган нарсага доим ишонади, — у ўз-ўзига ишонади!

Эртага унинг ишончи янги, индин эса янада янгироқ. Худди халқ каби унинг ҳаёт отлари шиддаткор ва кайфиятлар ўзгарувчан.

Тўнтармоқ — у буни исботлаш, дейди. Жинни қилиб қўймоқ — у буни ишонтириш, дейди. Қон эса унинг учун энг яхши асос.

Жуда нозик қулоқларгагина етиб борадиган ҳақиқатни у ёлгонга чиқаради ва бу ҳеч вақо эмас, дейди. Чиндан ҳам, у дунёда иложи борича кўп шовқин-сурон кўтарадиган худоларгагина ишонади!

Бозор байрам масхарабозларига тўла — ва халқ ҳам ўз улуғ кишилари билан мақтанади! Унинг учун улар — шу лаҳзанинг хўжаларидир.

Лекин лаҳза қўймай уларни шоширади: шунинг учун улар сени шоширадилар. Чунки улар сендан ҳа ёки йўқ деган сўзни эшитмоқчилар. Аммо сен икки курси орасида ўтирмоқчимсан?

Сен, эй ҳақпарвар, бу шарт ийўқ, тўхтовсиз шоширувчиларга ҳавас қилма! Ҳақиқат ҳеч қачон шарт ийўқнинг қўлида осилиб қолган эмас.

Бу шиддаткорлардан ўзингни панага ол: фақат бозордагина ёпишиб олурлар: хўшми, йўқми?

Барча тийран булоқларнинг ҳаёти оҳиста милдирайди: улар ўз тубларига нима ташланганини билиш учун жуда узоқ кутадилар.

Барча улуғ нарсалар бозор ва шуҳратдан ташқарига қараб кетур: қадим-қадимдан янги нарсаларни кашф қилганлар бозор ва шуҳратдан ташқарида бўлганлар.

Ўз хилватингга қараб қоч, азиз дўстим, сени ниши заҳарли пашшалар чақиб ташлаган ҳолда кўрмоқдаман. — Шиддатли, тоза ҳаво сурон солган ерларга кет!

Ўз хилватингга қоч! Сен кичкина, майда одамларга ҳаддан зиёд яқин яшагансан. Уларнинг қасду багларида қоч! Сенга келганда улар фақат қасд қилурлар.

Уларга қўл кўтарма! Уларнинг сон-саногии йўқ, пашша ҳайдовчига елпигич бўлиш сенинг ишинг эмас.

Бу кичкина, бечора одамлар сон-саноксиз; ёмғирларнинг томчилари ва моғор пўпанакларидан заволга учраган гердайдан виқорли иморатлар битга-иккитагина эмас.

Сен тош эмассан, лекин сен жуда кўплаб томчилардан юпқа торгансан. Сен сонсиз-саноксиз томчилардан янада ёрилиб, чатнаб кетурсан.

Ниши заҳарли пашшалардан сени ҳолдан тойгандек кўрурмен, юзлаб ерларинг тирналиб, қон сизиб оққан ҳолда кўрурмен сени; сен эса мағрур, миқ этмай турурсен.

Ўшал маъсум жонлар қонингни тўкишни исташади, уларнинг қонсиз жонлари қонга ташна — шунинг учун улар маъсум кўринган ҳолда чақадилар.

Лекин сен тийрансан, сен ҳатто кичкина жароҳатлардан ҳам жуда чуқур азоб чекасан; ва сен ҳали даволаниб улгурмай туриб, худди шундай заҳарли қурт сенинг қўлингдан ўрмалаб борарди.

Сен бу ширинхўр қуртларни ўлдиршни ўзингга эп кўрмайсан, сен менга жуда ҳам мағрур кўринасан. Бироқ, эҳтиёт бўл, уларнинг заҳаролуд зўравонликларига чидаш пешонангга ёзилган вазифа бўлиб қолмасин!

Улар сенинг атрофингга тилёғламалик қилиб гўнғиллайдилар; уларнинг хиралиги — мақтови. Улар сенинг терингга ва қонингга яқин бўлишни истадилар.

Улар сенга худди худо ёки иблис каби ҳамду сано ўқийдилар; улар сенинг ҳузурингга худди худо ё иблис каби чийиллайдилар. На илож! Улар хушомадўйлар ва чийилдоқлар, бошқа ҳеч нарса эмас.

Улар кўпинча сенга илғифот қиладилар. Лекин бу ҳамиша кўрқоқларнинг муғамбирлиги, холос. Ҳа, кўрқоқлар ҳамиша айёр бўладилар!

Улар ўзларининг тор кўнгиллари билан сен ҳақингда кўп ўйлайдилар — уларга сен доим шубҳали бўлиб кўринасан. Кўп ўйланган ҳамма нарсалар шубҳали бўлиб чиқади.

Улар сени яхшилигинг учун жазолайдилар. Сенинг хатоларингигагина улар бир қадар кечирадилар.

Чунки сен ювош ва ҳаққўйсан, сен: “Улар ўзларининг кичкинагина туриш-турмушлари учун айбдор эмаслар”, дейсан. Лекин уларнинг тор қўнгли шундай ўйлайди: “Хар қандай улуг туриш-турмуш айбдор”.

Сен уларга илтифот қилсанг ҳам, улар барибир у биздан нафратланяпти, деб ўйлайдилар; ва шунда улар сенинг эзгу ишларингни хуфия ёвузликлар воситасида қайтардилар.

Сенинг сўзсиз гуруринг доим уларнинг дид-фаросатларига зид келади; сен сохта обрў талашинг ўрнига камтар-камсукум бўлиб юрсанг, улар бундан шоён хурсанд бўлурлар.

Биз одамда билан нарсамизни унда аланга олдирамиз. Кичкина одамлардан эҳтиёт бўл!

Улар сенинг олдингда ўзларини жуда кичкина ҳис қиладилар; уларнинг сенга қарши пастликлари сасиб чўғ олиб кўринмас адоватга айланади.

Ахир сен сезмаганмисан, уларга яқин борганинда кўпинча жим бўлиб қолганларини ва худди ўчаётган ўт тутунидан айрилгандай ўз куч-қувватларидан жудо бўлганликларини?

Ҳа, азиз дўстим, сен ўз яқинларинг учун виждон азобидирсан: зотан, улар сенга номуносибдирлар. Улар сени кўролмайдилар ва жон-жон деб қонингни ичган бўлур эдилар.

Сенинг яқинларинг доим заҳарли пашшадирлар; сенинг улуғворлигинг уларни янада заҳарлироқ қилиб, янада пашшага ўхшатиб кўяр.

Қоч, азизим, ўз хилватинга чекил, у ерда шиддатли, сарин ҳаво бор! Пашша ҳайдайдиган елпигич бўлиш сенинг ишинг эмас.

Зардўшт шундай зикр қилди.

ИФФАТ ЗИКРИ

Мен ўрмонни севаман. Шаҳарларда яшаш қийин: у ерда шаҳвоний ҳирсли одамлар жуда кўп.

Шаҳвоний аёл орзусига киргандан кўра қотил қўлига тушган афзал эмасми?

Манови эркакларни кўринг: уларнинг кўзлари айтиб турибди — улар ер юзида хотин киши билан ётишдан ўзга яхши нарсани билмайдилар.

Кўнгилларини кир босган; ва аламо, агар улар ифлосликларининг руҳи ҳам бўлса!

О, қани эди, сиз худди ҳайвонлар каби баркамол бўлсангиз! Лекин ҳайвонлар маъсум бўладилар.

Мен сизга ҳисларингизни ўлдиринг, дедимми? Мен сизга ҳиссиётларнинг маъсумлигини таклиф этаман.

Мен сизга ҳаёли бўлинг дедимми? Баъзиларнинг ҳаёси яхшиликдир, лекин кўпларда у бамисоли иллатдир.

Улар эҳтимол, ўзларини сақларлар, лекин улар нима қилмасинлар, қанжиқ-ҳаяжон ҳаммаси ичидан кек билан қараб туради.

Ушбу махлук ва унинг ғулувлари уларнинг ҳатто яхшиликларининг юксакликларию то шахд-шиддатли руҳларигача таъқиб этар.

Боз устига қанжиқ-ҳаяжон унга бир парча вужудни бермаганларидан устомонлик билан бир парча руҳ тилаб ялиниб-ёлворишларини кўринг!

Сиз фожиаларни ва юракни пора-пора қиладиган нарсаларни севадизми? Лекин мен сизнинг қанжигингизга ишонмайман.

Сизнинг кўзларингиз ҳаддан ташқари шафқатсиз ва сиз азоб ичида қолганларга ҳирса тўлиб қарайсиз. Сизнинг лаззатпарастлигингиз ўз либосини ўзгартирдимикин ва энди раҳму шафқат деб юритилмаётганмикин!

Мен сизга ушбу башоратни берурман: ўз шайтонини қувлашни истаган кўп кишилар шу аснода ўзлари чўчқаларга кирмадиларми.¹

¹ Матто баён этган Муқаддас Хушхабарда икки жин урган кишининг Исога рўбарў бўлиб: “бизни тўнғиз подасига юборгин” деб ёлворишлари ва Исо руҳат бергач, одамлар ўртасидан чиқиб, тўнғиз подасига кириб олишларига ишора (Матто-8, 28-32.)

Кимгаки ҳаё оғирлик қилса, ундан қайтармоқ даркор: токи у жаҳаннамга тушган йўл, яъники дилнинг кири ва ҳирсу ҳавосига айланмагай.

Мен палид нарсаларни сўзлаётманми? Фикримча, бу ҳали энг ёмони эмас.

Билишни истовчи ҳақиқатнинг сувига у ифлос бўлган чоғда эмас, балки тўпикқа чиқмаган пайтда тушишни истамайди.

Ҳақиқатан, юрагининг энг тубигача ҳаёли-иффатлилар бор: уларнинг қалблари майинроқ, улар сизга қараганда жон-жон деб ва кўп-кўп кула биладилар.

Улар ҳаё-ибо устидан ҳам кулоладилар ва шундай деб сўрайдилар: “Ҳаё ўзи нимадир?”

Ҳаё-ибо телбалик эмасми? Лекин бу телбалик бизга келган, биз унга борган эмасмиз.

Биз ушбу меҳмонга кўналга ва қалб бердик: энди у биз билан яшашпти — майли, хоҳлаганча қолаверсин!”

Зардўшт шундай зикр қилди.

ДЎСТ ЗИКРИ

“Доим ёлғиз бўлиш мен учун кўплик қилади” — шундай деб ўйлайди дарвеш. “Ҳамиша биттаю-битта — вақти келиб иккита бўлади.”

Мен ва мени ҳар бир гапда ғайрат отига минади; агар дўст бўлмаса бунга қандай чидаш мумкин?

Дарвеш учун дўст доим учинчи; учинчи деганимиз икки ўртадаги гапнинг тубсизлик қаърига етиб боришига тўсқинлик қилувчи тиқиндир.

Оҳ, барча дарвешлар учун ҳаддан ташқари кўп тубсиз қаърлар мавжуд! Шунинг учун ҳам улар дўстга ва унинг юксаклигига ташнадирлар.

Бизнинг бошқаларга ишончимиз биз қайда ўзимизга ишонч ҳосил қилиш истагида бўлганимизни ошкор этади. Бизнинг дўстни соғинишимиз бизнинг сотқинимиздир.

Кўпинча севги ёрдамида ҳасад устидан сакраб ўтишни истайдилар, кўп маҳал ҳужум қилиб, ўзларига душман орттирадилар, буни сенга ҳам ҳужум қилишлари мумкинлигини яшириш учун қиладилар.

“Жуда бўлмаганда менинг душманам бўлгил!” — бу ҳақиқий ҳурмат белгиси, у ўзига дўст бўлишни сўрашга журъат этмайди.

Агар сен дўстинг бўлишни истасанг, сен уни деб жанг қилишинг керак, жанг қилишни билиш учун эса душман бўла билиш лозим.

Сен ўз дўстинг сиймосида душманни ҳам эъзозламоғинг керак. Ахир сен ўз дўстингга яқинлашиб боролмайсанми ва унга айланолмайсанми?

Ўз дўстинг сиймосида сен ўзингнинг энг яхши душманингга эга бўлишинг керак. Сен унга қаршилик кўрсатаётган чоғингда унга чин қалбдан ҳаммадан кўра яқинроқ бўлмоғинг керак.

Сен ўз дўстинг қошида кийимлар кийишни истамайсанми? Сен қандай бўлсанг шундай ўзингни дўстга бағишлаётганинг дўстинг учун шараф бўлмоғи даркор эмасми? Лекин у бунинг учун сени лоақал сариқ чақага ҳам олмайди!

Кимки ўзини яширмаса, бу билан бошқаларни норози қилади: шунинг учун яланғочликдан шу қадар асосли тарзда қўрқасиз! Ҳа, мабодо сиз худо бўлганингизда эди, сиз ўз либосларингиздан уялган бўлур эдингиз!

Сен ўз дўстинг учун яхшилаб ясаниб кийинолмайсан: зотан сен унинг учун ало одамни соғиниш ва ўқ-ёй бўлишинг керак.

Сен ўз дўстингни ухлаб ётганда кўрганмисан, унинг қандайлигини биланмисан? Дўстингнинг юзи ўзи нимадир? У нотамом, дағал ойна юзидаги сенинг ўз аксингдир.

Сен ўз дўстингни ухлаб ётганда кўрганмисан? Сенинг дўстинг шундай кўринганидан қўрқиб кетганмисан? О, азиз дўстим, одам шундай бир нимадирки, у ўзидан ўзмоғи даркор.

Дўст кўнгил топиш ва жим туришнинг устаси бўлсин: Ҳамма нарсани кўзинг билан ишора қилишинг шарт эмас. Сен уйқуда, дўстинг уйғоқ ҳолда нима қилаётганлигини билишинг керак.

Сенинг дардкашлигинг сезгир бўлсин: сен аввал билмоғинг лозим: дўстинг сенинг дардкашлигингни истайдими, йўқми? Балки у сенинг ўқдай нигоҳинг ва мангулик назарини севар?

Дўстга дардкашлик қалин пўстлоқ остида яширинган бўлсин, сен шу қаттиқ пўстлоқни тишларинг билан кемир. Ана шунда дардкашлик инжа ва лаззатли бўлур.

Сен ўз дўстинг учун мусаффо ҳаво, ёлғизлик, ризқ-рўз ва дори-дармон бўлоласанми? Баъзи бировлар ўз кишан занжирларидан қутулолмайдилар, лекин дўсти учун халоскор бўлишлари мумкин.

Қул эмасми? Қул бўлсанг дўст бўлолмайсан. Золим эмасми? Золимнинг дўстлари йўқ.

Ортиқ кўп замонлар аёл киши сиймосида қул ва золим яшириниб келди. Шунинг учун аёл киши дўстликка қодир эмас: у фақат муҳаббатни билади.

Аёлнинг севгисида у яхши кўрмайдиган барча нарсаларга нисбатан адолатсизлик ва кўр-кўроналик бўлади. Лекин аёл билиб севганда ҳам, бунинг замирида қутилмаганлик ҳам, чақмоқ ҳам, зиё билан ёнма-ён қоронғу тун ҳам бор.

Аёл ҳали дўстликка қобил эмас: аёллар ҳамон мушук ва қушдирлар. Жуда нари борганда сигирдир.

Аёл ҳали дўстликка қобил эмас. Лекин сиз, ҳей эркаклар, менга айтингиз, сизнинг ичингизда ким бор дўстликка қобил?

О, эркаклар, сиз қашшоқсиз ва кўнглингиз жуда тор! Сиз дўстингизга қанча берсангиз, мен ҳатто душманимга ҳам шунча бераман ва бундан молу давлатим камайиб қолмайди.

Дўстлик удумлари бор; майли, дўстлик ҳам бўлсин!

Зардўшт шундай зикр қилди.

МИНГ БИР МАҚСАД ЗИКРИ

Зардўшт кўплаб мамлакатлар ва кўплаб халқларни кўрди — у шу тариқа кўплаб халқларнинг яхшилик ва ёмонликларини кашф қилди. Зардўшт ер юзида яхшилик ва ёмонликдан кўра каттароқ давлатни топмади.

Ҳар қандай халқ олдиндан баҳоламасдан туриб яшай олмасди; агарда у ўзини сақлашни истаса, у худди кўшни баҳолагандай баҳоламаслиги зарур.

Бир халқ учун яхшилик бўлган кўпгина нарсалар бошқа бир халқ томонидан майнавозчилик ва шармандалик деб қаралган — мен шундай топдим. Мен топган кўп нарсалар бу ерда ёвузлик деб аталиб, бошқа бир жойда эса шон-шарафнинг қирмизи алвонлари билан чулганган.

Ҳеч қачон бир кўшни иккинчисини тушунмаган; унинг қалби ҳар қачон кўшнининг ҳамоқат ва кин-адоватидан лол қолган.

Яхшиликнинг сафҳаси ҳар бир халқ узра осилиб туради. Кўр, бу унинг ўз-ўзини енгиб ўтиши саҳфаларидир; кўр, бу унинг ҳукм суришга бўлган иродаси овозидир.

Унга қийин бўлган нарсалар мақтовга лойиқ; у барча муқаррар ва оғир нарсаларни яхшилик деб атайди; энг оғир муҳтожликдан халос этгувчи ўша — энг ноёб ва энг мушкул нарсани у муқаддас деб атайди.

Унинг ҳукмронлиги, ғалаба қилиши ва порлашига хизмат қилувчи, кўшнисининг кўрқинч ва ҳасадини кўзгатувчи ҳамма нарсалар — шубҳасиз, унинг ўзи учун юксаклик, ибтидо, барча нарсаларнинг мезони ҳамда маъно-мазмунини англатади.

Ҳақиқатан, азиз биродарим, агар сен халқ, мамлакат эҳтиёжларини, осмоню кўшнисини билган бўлсанг, сен ҳеч шубҳасиз, унинг енгиб ўтиш

қоидаларини ҳам илғаб олдинг, нима учун у ўз умиди сари мана шу шотидан чиқиб бораётганлигини фаҳмлаб етдинг.

“Сен доим биринчи бўлмоғинг ва ҳаммадан олдинда турмоғинг даркор; сенинг қизганчиқ қалбинг дўстдан ўзга ҳеч кимсани севмасин” — бу сўзлар грекнинг қалбини титроққа соларди; ва у ўз улугворлик йўлидан борарди.

“Ҳақ гапни айт ва ўқ ёйни бошлаб от”, менинг номим келиб чиққан халққа бу бир пайтнинг ўзида ҳам маъқул тушади, ҳам оғир туюлади, — мен ҳам ўз номимни бир пайтнинг ўзида ҳам ёқимли, ҳам оғир деб биламан.

“Ота-онангни эъзозла ва уларнинг амру иродаларини чин дилдан адо эт”, энгиб ўтишнинг бу саҳфасини бошқа бир халқ ўз бўйнига тақиб олди ва худди шу боис қудрат ва бақо топди.

“Садоқат сақламоқ ва садоқат учун шаън-шавкатинг ҳамда қону жонингни ҳағтоки нолюйиқ ва хатарли ишлар бўлса ҳам тик” — мана шундай ўтиб олиб, бошқа бир халқ ҳам ўзини энгиб ўтди ва шундай ўз-ўзини энгиб ўтароқ буюк умидлар-ла пойдор бўлди.¹

Чиндан ҳам, одамлар ўзларига барча яхшилик ва барча ёмонликларини бердилар. Чиндан ҳам, улар буларни қарзга олганлари ёки кўчадан топиб олганлари йўқ ва булар уларга худди самодан сас каби нозил бўлгани ҳам йўқ.

Инсон аввалда ўзини сақлаш учун азизлаганларини нарсаларга қўйди, — у аввалда нарсаларга маъно бахш этди, инсоний маъно! Шунинг учун у ўзини “инсон” деб атади, яъники “баҳо берувчи”!

Баҳолаш — демак, яратиш: эшитинг, эй сиз яратувчилар! Баҳолаш — бу барча баҳоланган нарсаларнинг жавоҳир ва биллурларидир.

Баҳолашдан биринчи бора қиммат келиб чиқади; ва баҳолаш бўлмаса борлиқнинг ёнгоғи пуч бўлиб чиқарди. Эшитинг буни, сиз, яратувчилар!

Қадрларнинг ўзгариши — бу яратувчиларнинг ўзгариши. Бунёд қилиши керак бўлган зот доимий суратда барбод қилиб боради.

Аввалда фақат халқлар бунёдкор эдилар, кейинроққа бориб алоҳида кимсалар ҳам бунёдкор бўлдилар; чиндан ҳам, алоҳида шахснинг ўзи бунёд бўлган нарсалар орасида энг навқиронидир.

Халқлар бир маҳаллар бўйниларига яхшилик саҳфасини осдилар. Ҳукмронлик қилишни истаган севги ва бўйсунлишни хоҳлаган севги биргаликда ушбу саҳфаларни яратдилар.

Тўдага бўлган интилиш *менга* бўлган интилишдан қадимроқдир; ҳамонки тоза виждон тўда деб аталаркан, фақат кирлаган виждон айтади: *мен* деб.

Ҳақиқатан, севгидан Мосуво, ўз фойдасини кўпларнинг фойдасидан қидирган айёр *мен* — тўданинг бошланиши эмас, балки ҳалокатидир.

Севишганлар ҳаминша ҳам бунёдкор бўлишган, улар яхшилик ва ёмонликни яратишган. Барча эзуликларнинг исмларида севги ҳамда газаб ўти ёнади.

Зардўшт кўп мамлакатлар ва кўп халқларни кўрди. Зардўшт ер юзида севишганларнинг ишларидан ортиқ давлатни топмади: “яхшилик” ва “ёмонлик” — уларнинг исмларидир.

Бу мақтов ва бу тақдирларнинг кучи ҳақиқатан ҳам баҳайбатдир. Айтингиз, эй биродарлар, ким *менга* уни энгиб беради? Айтингиз, ким бу махлуқнинг мингта бошига занжир солади?

Шу пайтгача мингта мақсад бор эди, зотан мингта халқ мавжуд эди. Ҳали мингта бошга занжир етишмайди, ягона мўлжал етишмайди. Ҳали одамзодда мақсад йўқ.

Лекин *менга* айтингиз, биродарларим: агар одамзодга мақсад етишмаётган бўлса, унда балки унинг ўзи ҳам ўзига етишмаётгандир?

Зардўшт шундай зикр қилди.

¹ Ушбу уч тизмада форслар, яҳудийлар, немислар назарда тутилади.

² Грек тилида одам “яшноқ юз”, “нурли нигоҳ” маъноларини англатади; ивритда эса “одам” — “ер, замин” маъносида келади; ҳиндгерман истилоҳида у “фикратли руҳ соҳиби” деган маъноларни билдиради. Нитшеннинг “баҳоловчи” тушунчаси шунга яқин, шундан келиб чиқади.

ЯҚИНЛАРГА МУҲАББАТ ЗИКРИ

Сиз яқинингизга суянасиз, бунинг учун сизда энг чиройли сўзлар бор. Лекин мен сизга айтаманки: сизнинг ўз яқинингизга бўлган муҳаббат сизнинг ўз-ўзингизга бўлган ёмон муҳаббатдир.

Сиз ўзингиздан қочиб яқинингиздан паноҳ излайсиз ва бундан ўзингизга меҳру мурувват ясамоқчи бўласиз. Лекин мен сизнинг “беғаразлигингизни” беш бармоғимдай кўриб турибман.

“Сен” “Мен”дан кўра ёши каттароқдир. Ҳали “Мен” эмас, “Сен” муқаддас деб тан олинган. Шунинг учун ҳам одам ўз яқинига суянади.

Ахир мен сизга яқинингизни севинг деяпманми? Ундан бурунроқ мен сизга яқинингиздан қочинг ва узоқдагини севинг деб айтмоқчиман.

Узоқдагига ҳамда келгусидагига муҳаббат яқинингизга муҳаббатдан юқорироқ туради. Одамга бўлган муҳаббатдан нарсалар ҳамда шарпаларга муҳаббатни мен юқорироқ қўяман.

Сенинг ҳузурингизда чарх урган бу шарпа, биродарим, сендан кўра гўзалроқдир. Нега энди сен унга ўз лошинг ва ўз сингирларингни бермайсан? Аммо сен кўрқасан ва дарров ўз яқинингизга чошиб борасан.

Сиз ўз-ўзингизга тоқат қилолмайсиз ва ўзингизни унча ҳам яхши кўрмайсиз, шунинг учун яқинингизнинг муҳаббатини қозонмоқчи ва унинг хатоси билан ўзингизни зийнатлашни истайсиз.

Мен барча яқинлар ва уларнинг қўшниларидан сиз озурдадил бўлмоғингизни истардим; шунда сиз ўз-ўзингиздан юраги тўлиқиб тошган дўстингизни яратишингизга тўғри келарди.

Сиз ўзингизни мақтамоқчи бўлсангиз ҳузурингизга гувоҳ чорлайсиз ва уни сиз ҳақингизда яхши фикрда бўлишга кўндирганингизда, ўзингиз ҳақингизда яхши ўйлаган бўласиз.

Ўз билимига зид ўлароқ сўзлаётгангина ёлгончи эмас, ўз билимсизлигига зид ўлароқ сўзлаётган ундан ортиқроқ ёлгончи. Бошқалар билан муомалангизда сиз ўзингиз ҳақингизда худди мана шундай сўзлайсиз ва ўзингизни кўшинингизга бошқача қилиб кўрсатасиз-да, алдайсиз.

Тентак шундай сўзлайди: “Одамлар билан муомала феълни бузади ва айниқса феълнинг ўзи йўқ бўлса”.

Биров ўзи англашни истагани учун яқини қошига боради, бошқа биров — ўз-ўзини йўқотиш учун шундай қилади. Сизнинг ўз-ўзингизга нобон муҳаббатингиз сиз учун ёлғизликдан қамоқ ясаydi.

Узоқдагилар сизнинг яқинингизга бўлган муҳаббатингизнинг товонини тўлайди ва башарти сиз бешовлон йиғилсангиз, олгинчи доимо ўлиши керак.

Мен сизнинг базмларингизни севмайман; у ерда жуда кўп мунофиқларни кўрганман ва ҳатто томошабинлар ҳам ўзларини мунофиқ каби тутганлар.

Сизга яқинингиз ҳақида эмас, дўстингиз ҳақида ўргатаман. Майли, дўст сизга ердаги ҳаёт байрами ва ало одамнинг дебочаси бўлсин.

Мен сизга дўстни унинг қалби тўлиқиб тошган ҳолда ўргатай, лекин башарти қалби тўлиқиб тошганларнинг муҳаббатига манзур бўламан десангиз, ўзингизни ҳавол тутишга ўрганмоғингиз даркор.

Мен сизга дўст ҳақида ўргатаман, унда дунё яхшилик косаси каби баркамол кўринади, у — бунёдкор дўст — доим етук дунёни тортиқ қилишга ҳозир туради.

Мисоли яхшилик ва ёмонликнинг туриши каби — мисоли ҳодисотдан мақсаднинг униб чиқиши каби у худди дунё унга эврилганидай у яна шундай дунё билан бирга эврилиб ўралади.

Келарлар ва энг узоқ-узоқдаги сенинг бугунингнинг сабаби бўлсин, сен ўз дўстинг сиймосида ало одамни худди ўз сабабинг каби сева бил.

Биродарларим, яқинингизга муҳаббатни сизга маслаҳат кўрмайман — мен сизга узоқ-узоқдагига муҳаббатни маслаҳат кўраман.

Зардўшт шундай зикр айлади.

БУЊЁДКОРНИНГ ЙЎЛИ ЗИКРИДА

Биродарим, сен хилватга чекилишни истайсанми? Сен ўз-ўзинг сари олиб борар йўлни излайсанми? Яна андак сабр қил ва менга кулоқ сол.

“Ким изласа, ўзи осонгина йўқолиб қолади. Ҳар қандай хилват — гуноҳ” — тўда шундай сўйлайди. Сен ҳам узоқ замон тўда ичида бўлдинг.

Тўданинг саси сенда ҳамон янграб туради! Сен: “Менинг энди биргина виждонимгина сиз билан бирга эмас”, — деб айтсанг, бу нолиш ва азоб-укубат бўлур эди.

Қарагил: мана шу азоб-уқубатни *ягона* виждон ҳам туғдирди: ушбу виждоннинг сўнгги чатноқлари сенинг кадаринг ичра ҳам ёнмоқда.

Лекин сен ўз кадаринг сасига кулоқ солмоқчи бўласанми, наҳот бу ўз-ўзинг сари йўл бўлса? Бунга ўз ҳақинг ва куч-қувватинг борлигини менга намоён қил!

Ўзингни янги куч ва янги ҳақ сифатида кўрсата оласанми? Ҳаракатнинг ибтидосими? Ўз-ўзича жилган ғилдиракми? Сен юлдузларни ўз атрофингда айлантира оласанми?

Оҳ, юксақларни алқайдиганлар мунча кўп! Шухратпарастликнинг тиришишлари шунчалар бисёр! Сен менга алқовчилар ва шухратпарастлардан эмаслигингни кўрсат!

Оҳ, улуғ фикрлар нечоғлик кўп, улардан ҳаво тўлдирилган мешчалик ҳам наф йўқ: улар ҳаво пуркайдилару яна олдингидан бешбаттар бўм-бўш қилиб кўядилар.

Сен ўзингни эркин деб ҳисоблайсанми? Сенинг ўз устингдан олаҳуржунни улоқтириб ташлаганингни эмас, сенинг ҳукмпармо фикрингни эшитсам дейман.

Сен ўз елкасидан олаҳуржунни улоқтириб ташлашга *ҳақи борлар* сирасига кирасанми? Кулликдан озод бўлганда ўзларининг энг охириг қадрларини йўқотиб қўйганлар оз эмас.

Нимадан эркин? Бу билан Зардўштнинг нима иши бор! Лекин сенинг тиниқ нигоҳинг менга айтсин: эркинлиги *нима учунлигини*?

Сен ўзингга ўз яхшилигинг ва ёмонлигингни бероласанми ва ўз бўйнингга ўз эркингни қонун каби илиб кўя оласанми? Ўзингга ўзинг қози бўлоласанми, ўз қонунингдан ўзинг қасос оласанми?

Ўз қонунингнинг қозиси ва қасоскори билан юзма-юз туришдан ёмони йўқ. Юлдуз бўм-бўш хувиллаган маконлар ва ёлғизликнинг замҳарир комига шундай ташлаб кетилур.

Сен ҳали кўнлагандан азоб чекурсан, сен ёлғиз: сенинг ҳали барча матонатинг ва сенинг умидларинг бордир.

Лекин бир кунмас бир кун ёлғизликдан чарчайсан, бир кунмас бир кун сенинг ғуруринг эгилур ва матонатинг сарсилур. Бир кунмас бир кун сен нидо қилгайсан: “Мен ёлғизман!”

Бир кунмас бир кун сен ўз баланглигингни бошқа кўрмайсан; сенинг пастаринлигинг сенга жуда яқин бўлиб қолади; сенинг кўтаринкилигинг сени худди шарпа янглиғ кўрқитур. Бир кунмас бир кун сен хитоб қилурсан: “Бари — ёлғон!”

Ёлғизнинг жонига қасд қилувчи ҳислар бор; агар буни эпюломасалар; ўзлари жон таслим қилсинлар. Лекин сен қотил бўлишга қодирмисан?

Биродарим, сен энди “нафрат” деган сўзни билиб олдингми? Сен энди билиб олдингми ҳақўйлигинг азобини — сендан нафратланувчиларга адолатли бўлишни?

Сен кўшларни сен ҳақингда фикрларини ўзгартиришга мажбур қиласан — улар буни сенинг жуда катта айбинг деб қарайдилар, сен уларга жуда яқин бординг ва бари учун сени улар ҳеч қачон кечирмайдилар.

Сен улардан юқорироқ кўтарилдинг; лекин сен қанча юқорига кўтарилганинг сари ҳасаднинг кўзларига шунча кичик бўлиб кўринасан. Аммо парвоз қилаётган одамни ҳаммадан кўра кўпроқ ёмон кўрадилар.

“Сиз менга қай тарзда адолатли бўлмоқчи эдингиз! — деб айтишинг керак. — Мен сизнинг адолатсизлигингизни менга ажратилган қисмат улуши деб сайлаб оламан”.

Ёлғизнинг изидан улар ноҳақлик ва ифлосликларни итқитадилар; бироқ азиз биродарим, башарти сен юлдуз бўлишни истасанг, ҳеч нарсага қарамасдан уларнинг йўлларини ёритишинг керак!

Яхшилар ва порсолардан эҳтиёт бўл! Улар ўзига ўз яхшиликларини бунёд этганларни тепкилаб босиб ўтишни хуш кўрадилар, — улар ёлғизни чиқишгирмайдилар.

Яна муборак соддаликдан эҳтиёт бўл! Унинг наздида содда бўлмаган ҳамма нарса макруҳдир; у олов билан ўйнашмоқни — гулханларни суяр.¹

Яна эҳтиёт бўл ўз муҳаббатинг қўзғалишларидан! Ёлғиз одам йўлда дуч келган кимсага шошиб-пишиб кўлини узатади.

Баъзиларга сен кўлингни эмас, фақат панжангни чўз — мен сенинг панжаларингда ўткир тирноқлар бўлсин дейман.

Лекин сен учратишинг мумкин бўлган энг хатарли душман бу доим сенинг ўзинг; ўрмонлару ғорларда сен ўзингни ўзинг пойлаб ётасан.

Сен ёлғизсан, сен ўз-ўзинга олиб борувчи йўлдан кетяпсан!

Йўлинг сенинг ўзингдан ва сенинг етти иблисингдан олдинда борар!

Сен ўз-ўзинг учун ҳам даҳрий, ҳам фолбин, ҳам башоратгўй, ҳам тентак, ҳам бадфаҳм, ҳам бетавфиқ, ҳам ёвуз бўласан.

Сен ўзингни ўз аланганда қовурмоғинг даркор: сен кулга айланмай туриб қандай янгилишинг мумкин!

Сен ёлғизсан, сен бунёдкор йўлидан боряпсан: Сен ўзингнинг етти иблисингдан ўзинга худо ясамоқчи бўласан!

Ёлғиз одам, сен севгувчи одамнинг йўлидан бормоқдасан: сен ўз-ўзингни севасан ва шунинг учун ўз-ўзингни ёмон кўрасан, худди фақат севгувчилар шундай ёмон кўради.

Севгувчи бунёд қилмоқни истайди, зотан у ёмон кўради! У севган баайни шу нарсани ёмон кўрмаслиги керак, аллаким севги ҳақида нимани ҳам биларди дейсиз!

Ўз муҳаббатинг ва ўз бунёдинг билан, биродарим, сен хилватга чекилгил, фақат сал кейинроқ сенинг ортингдан чўлоқланганча адолат етиб боради.

Менинг кўз ёшларим билан ўз хилватингга чекилгил, биродарим. Мен ўзидан кўра узоқроқ ва нарироққа бунёд этишни хоҳловчи ҳамда шундай ҳалок бўлувчинини севаман.

Зардўшт шундай зикр қилди.

ҚАРИ ВА ЁШ АЁЛЛАР ЗИКРИДА

Кеч қоронғусида нега сен бунчалар юрак бетламай кўрқа-пуса ўғринча қадам босадурсан, о Зардўшт? Ўз либосинг остида нимани бунча эҳтиётлаб яширмоқдасан?

Сенга тортиқ қилинган хазина эмасми бу? Ёким у сенинг янги туғилган гўдагингдир? Ёким эндиликда сен ҳам ўғрилар йўлидан борадурсанми, сен эй, ёвузларнинг дўсти?

— Ҳақиқатан ҳам, биродарим! — жавоб берди Зардўшт. — Бу менга аталган хазина: бу мен элтаётган кичкинагина ҳақиқат.

Лекин у сабий бола каби безовта; агарда мен унинг оғзини ёпиб турмасам эрди, у худди гўдак каби оламни бошига кўтариб қичқирарди.

Мен бугун бир ўзим қуёш уфққа бош қўйган оқшом чоғи ўз йўлимга кетаётган чоғимда, менга бир кампир дуч келди ва дилимга шундай сўзларни деди:

¹ Ян Гуснинг гулханда ёндирилганига ишора.

“Хатто биз аёлларга ҳам Зардўшт кўп нарсаларни гапирди, лекин у бизга ҳеч қачон аёл ҳақида сўйламади”.

Мен кампирга эътироз билдирдим: “Аёл ҳақида фақат эркаклар сўйласинлар”.

“Менга ҳам фақат аёл ҳақида гапиришинг мумкин, — деди кампир. — Мен анча қариб қолдим, ҳаммаси дарров эсимдан чиқиб кетади”.

Мен кампирнинг сўзини ерда қолдирмай, шундай дедим:

Аёлда ҳамма нарсалар — жумбоқ, аёлда ҳамма нарсаларнинг битта ечими бор: унинг номи ҳомиладорлик.

Эркак аёл киши учун восита: мақсад фақат бола кўриш. Лекин эркак учун аёл ўзи нимадир?

Ҳақиқий эркак иккита нарсани хоҳлайди: хавфу хатар ва ўйин. Шунинг учун у аёлни энг хатарли ўйинчоқ каби истайди.

Эркак уруш учун тайёрланган, аёл эса жангчининг эрмаги, овунчоғи бўлиши керак; бошқа бариси — аҳмоқлик.

Жангчи ҳаддан ташқари ширин меваларни хушламайди. Шунинг учун у аёлни севади; энг лаззатли аёлда ҳам яна аччиқ нимадир бор.

Аёл болаларни эркакдан кўра яхшироқ тушунади. Лекин эркак аёлга қараганда кўпроқ болага ўхшайди.

Ҳақиқий эркакда бола яширинган, у ўйин истайди. Қани-эй, аёллар, эркакда болани топингиз!

Майли, аёл ўйинчоқ бўлсин мусаффо ва мунир, худди олмосдай яшнасин ҳали мавжуд бўлмаган дунёнинг эзуликлари мисол.

Сизнинг муҳаббатингизда юлдуз нури порласин! “О, мен ало одамни туғиб оламга келтира олганимда эди!” — ушбу сўз сизнинг умидингиз бўлмай.

Майли сизнинг муҳаббатингиз жасоратли бўлсин! Юрагингизга кўркув солган кимсага сиз муҳаббатингиз билан ҳужум қилмоғингиз даркор.

Сизнинг муҳаббатингизда номусингиз бўлсин! Умуман аёл номус деган нарсани тушунмайди. Лекин сизнинг номусингиз севилишда эмас, балки кўпроқ доим севишда бўлмай ва ҳеч қачон иккинчи бўлмамай.

Эркак аёл севгисидан кўрқсин: зотан, у ҳар қандай курбонликка тайёр ва ҳар қандай бошқа нарса унинг учун арзимас.

Эркак аёлнинг нафратидан кўрқсин: зотан, эркак юрагининг тубида фақат аччиқланади, аёл бунинг устига тубандир.

Аёл ҳаммадан ортиқ кимни ёмон кўради? — Темир оҳанрабога деган экан: “сени жинимдан ҳам ортиқроқ ёмон кўраман, чунки сен ўзингга тортасан, лекин бутунлай тортиб олишга ожизлик қиласан”.

Эркакнинг бахт-саодати: мен хоҳлайман демоқликда. Аёл кишининг бахт-иқболи: у хоҳлайди деб аталади.

“Қарагил, дунё фақат эндигина баркамол бўлди!” — ўзининг бутун муҳаббатига бўйсуниб, ҳар бир аёл шундай деб ўйлайди.

Аёл бўйсунмоғи ҳам керак ва ўз сатҳида теранликни топмоғи керак. Юза — аёлнинг жону дили, у юза сув сатҳидаги қимирлаб турган серғулув пардага ўхшайди.

Аммо эркакнинг қалби теран: унинг тўполон оқими ер остидаги мафораларда шовқин-сурон солади — аёл унинг кучини ҳис қилиб туради, лекин бу куч нималигини тушунмайди”.

Шунда кампир менга эътироз билдирди: “Зардўшт кўп илтифотли сўзларни айтди, айниқса бу нарсаларга ҳали ёшлиқ қиладиганлар учун бунинг нафи тегади.

Ажабо, Зардўшт аёлларни кам билади, шунга қарамасдан, унинг улар борасидаги сўзлари ҳақ. Бу нимадан бўларкин, аёл кишидан истаган нарсани кутиш мумкинлигиданмикин?¹

¹ Лука баён этган Муқаддас хушхабарда “Зеро худонинг бирон каломи пучга чиқмас” сўзларига ишора (Лука 1-37. Иброҳим Абоев таржимаси).

Энди миннатдорчилигим рамзи ўлароқ ушбу ҳақ сўзни тингла! Мен бу ҳақиқат учун анча қариб қолдим.

Уни яхшилаб ўраб ол ва унинг оғзини беркит: акс ҳолда бу кичкина ҳақиқат овозининг борича қичқириб айпоҳаннос сола бошлайди”.

“Хой хотин, ўша кичкина ҳақиқатингни менга бер!” — дедим мен. Кампир мана шундай деди:

“Хотинлар олдига борясанми? Қамчининг эсиндан чиқмасин!”

Зардўшт шундай зикр қилди.

ИЛОН ЧАҚИШИ ЗИКРИ

Бир кун Зардўшт анжир дарахти соясида пинакка кетди, кун жуда иссиқ эди, у қўлини юзи устига қўйди. Буни қарантки, илон судралиб келиб унинг бўйнидан чақди, Зардўшт жони оғриб қичқириб юборди. У қўлини юзидан олиб илонга қаради, шунда илон Зардўштнинг кўзларини таниди, ўнғайсизланиб юзини тескари бурди-да, судралганча қочишни кўзлади. “Шошмай тур, — деди Зардўшт, — мен ҳали сенга миннатдорчилик билдирганим йўқ! Сен мени ўз вақтида уйғотдинг, менинг йўлим ҳали узоқ”. “Сенинг йўлинг энди қисқарди, — деди ғамгин бўлиб илон, — менинг заҳарим ўлдиради”. Зардўшт табассум қилди. “Аждарҳо илоннинг заҳридан қачон ўлган? — деди у. — Бироқ ўз заҳарингни қайтариб ол! Сен унчалар ҳам бадавлат эмассанки, уни менга тортиқ қилсанг”. Шунда илон яна унинг бўйнига чирмашди-да жароҳатни сўра бошлади.

Бир куни Зардўшт бу воқеани шоғирдларига ҳикоя қилиб берганида, улар сўрашди: “Сенинг бу ҳикоянгни маъноси нима, о Зардўшт?” Зардўшт бунга шундай жавоб берди:

— Мени яхши ва порсо одамлар ахлоқ бузғунчиси дейдилар: менинг ҳикоям ғайриахлоқийдур.

Агар сизнинг душманингиз бўлса, унинг ёмонлигига яхшилик билан жавоб қайтарманг: зотан, бу уни уятга қўйган бўларди. Аксинча, сиз унга тушунтиринг: сен менга бир яхшилик қилдинг денг.

Яхшиси, хафа бўлинг, лекин уялтирманг! Сизни қарғаганларида ҳам, сиз қарғовчилар ҳақида дуо қилмоқчи бўласиз, бу менга ёқмайди. Яхшиси, сиз ўзингиз ҳам андаккина лаънатлаб қўйинг!

Агарда бошингизга катта тўхмат тушса, сиз тезроқ беш бора кичкина адолатсизликлар қилиб қўя қолинг! Во ҳасрато, аллакимнидир ёлғиз бир ўзини адолатсизлик эзиб ётган бўлса, буни кўриш қагчалар оғир!

Сиз буни билармидингиз ахир? Бошқалар билан бирга баҳам кўрилган адолатсизлик энди нақ ярим адолатнинг ўзгинаси. Елкасига юк қилиб кўтара оладиган одам ноҳақликни ўз бўйнига олсин!

Кичкинагина қасос ҳар қандай қасоснинг йўқлигига қараганда анча одамийроқдир. Агар жазо бир пайтнинг ўзида бузғунчи учун ҳам ҳақ, ҳам номус бўлмаса, унда мен сизнинг жазоларингизни хоҳламайман.

Ўзни ноҳақ деб билиш ҳақ бўлиб чиқишга қараганда олижаноброқдир ва айниқса сен ҳақ бўлсанг. Фақат бунинг учун етарлича бадавлат бўлмоқ керак.

Мен сизнинг совуқ адолатингизни истамасман: қозиларингизнинг кўзларида менга доим жаллоуд ва унинг совуқ пичоги кўринади.

Айтинг менга қайда у адолат, ўша кўзлари равшан кўрувчи муҳаббат?

Тоғиб беринг менга ҳар бир жазони кўтарадиган ва ҳар бир гуноҳни ташийдиган ўша муҳаббатни!

Тоғиб беринг менга ҳукм ўқувчидан бошқа ҳаммани оқлайдиган ўша адолатни.

Сиз яна буни ҳам эшитишни хоҳлайсизми? Кимда-ким бутунлай адолатли бўламан деса, унинг ҳатто ёлғони ҳам одамга муҳаббатга дўнади.

Лекин мен қандай қилиб бутунлай адолатли бўлоламан! Қандай қилиб ҳар бир одамнинг ҳақиға риюя қилоламан! Ҳар бир кимсага мен ўзимдан бир нима берсам, шу менга кифоя.

Ва ниҳоят, азиз биродарларим, дарвешларга адолатсизлик қилишдан эҳтиёт бўлгайсиз! Дарвеш буни унутиши мумкинми! Қасдини олмаслиги мумкинми! Дарвеш теран булоқ мисолидир. Унга тош отиш осон; лекин тош булоқнинг энг тубига чўкса, айтинг, ким яна уни қайтариб ола билар?

Дарвешни ранжитишдан ҳазар қилинг. Лекин сиз буни қилган бўлсангиз, унда яхшиси, уни ўлдиринг!

Зардўшт шундай зикр қилди.

БОЛА ВА НИКОҲ ЗИКРИ

Менинг сенга саволим бор, биродарим; бу саволимни худди аллақандай лот¹ каби сенинг қалбинга ташлайман, зеро қалбинг қанчалар теран эканлигини билгим келади.

Сен ёшсан, никоҳ ва бола истайсан. Лекин мен сендан сўрайман: болалик бўлиш ҳақини қозонмоқ учун сен ҳақиқий одам бўлганмисан?

Сен зафар қозонганмисан, ўз-ўзингни енгиб ўтолганмисан, ҳиссиётларингга ҳокиммисан, ўз яхшиликларингнинг хўжаси бўлаоласанми? Мен сендан шуларни сўрайман.

Ёки сенинг истақларинг бари ҳайвоний ва қорин ғамидами? Ёхуд ёлғизлик? Ва ё ўз-ўзингдан норозилик?

Мен шуни истайманки, сенинг зафаринг ва сенинг эркинг жон-дилдан болани истасин. Сен ўз зафаринг ва ўз озодлигинга тирик ҳайкаллар қўймоғинг керак.

Сен ўзингдан узоқни кўзлаб қургил. Лекин ундан аввалроқ вужудинг ва қалбинга нисбатан сенинг ўзинг тўғри бурчакли қилиб қурилмоғинг даркор.

Сен фақат кенгайибгина қолмай, балки яна юксалгил! Бунда сенга эр-хотинлик боғи мададкор бўлмай!

Сен олий вужудни бино қилмоғинг, илк ҳаракат — ўз-ўзидан гилдираб борувчи гилдиракни — бино қилувчини бино қилмоғинг керак.

Никоҳ — икковлоннинг бировлонни яратишга иродасини мен шундай атайман. Лекин бировлоннинг ўзи уни яратганлардан кўра катгароқдир. Ўзаро жуда чуқур ҳурмат-эътиборни мен никоҳ деб биламан, никоҳланганлар бир ирода эгаларидир.

Бу сенинг никоҳингнинг маъноси ва адолати бўлмай. Лекин кўплаган кўпчилик — ўша ортиқчалар никоҳ деб билган нарса — оҳ, мен буни нима деб атасам экан?

Оҳ, бу икковлон қалбининг қашшоқлиги! Оҳ, бу икковлон қалбининг ифлослиги! Оҳ, бу икковлон биргаликдаги аянчли мамнунлик!

Буларнинг барини улар никоҳ деб атайдилар; улар никоҳларини кўкларда ўқилган деб ҳисоблайдилар.

Майлига, лекин мен ортиқча одамларнинг бу осмонини истамайман. Йўқ, керакмас менга улар, ўша кўкнинг тўрларига тушиб чалкашган махлуқлар!

Худо мендан нарироқда бўлсин, у ўзи боғламаган нарсага фотиҳа бериш учун оқсоқланиб боради.

Бу никоҳлар устидан кулман! Қайси бир бола фақирда ўз ота-онаси важдан кўз ёшлари тўкмоққа асос йўқ дейсиз?

Менга бу одам жуда муносиб ва ердаги ҳаёт маъносини уқишга етилгандай туюлган эди; лекин унинг хотинини кўргач, ер юзи менга телба-тескарилар уйи бўлиб кўринди.

Ҳа, мен шуни истардимки, бобаракат бир зот кеккайган ғоздек аёлга уйлангунча еру замин ларзага тушсин.

Биров ҳақиқатни излаш учун қаҳрамон каби йўлга чиқди, оқибатда эса у ўзига кичкинагина безанган ёлгонни топди, у буни ўзининг никоҳи деб атайди.

¹ Л о т — денгизнинг чуқурлигини кема сатҳдан туриб ўлчайдиган асбоб.

Бошқаси муомалада талабчан ва сайлаганда гоётда инжиқ эди. У бирдан ва бирваракай ўз жамиятини расво қилган: у бунини ўз никоҳи деб атайдди.

Учинчи биров фариштаннинг хислатлари бўлган чўрини қидиради. Лекин у бирданига чўрининг чўрисига айланди, мана энди унинг ўзи фаришта бўлиши керак.

Мен барча харидорларни эҳтиёткор каби кўрдим, уларнинг ҳаммаларининг кўзлари айёрона боқади. Лекин улар ичида ҳатто энг айёрининг ҳам ўзга хотинни қанорга солинган ҳолда сотиб олишга ақли етади.

Жуда қисқа телбаликларингиз кўп — бунини сиз муҳаббат деб атайсиз. Сизнинг никоҳингиз битта узун ақлсизлик каби жуда кўп қисқа телбаликларга барҳам беради.

Сизнинг хотинингизга муҳаббатингиз ва хотиннинг эрта муҳаббати — оҳ, бу ҳаммаси азоб-укубат чекаётганлар ҳамда яширилган илоҳларга шафқат бўлсайди! Лекин ҳаммаша икки махлуқ бир-бирлари билан топишиб оладилар.

Сизни ҳатто энг яхши муҳаббатингиз ҳам фақат кўтаринки тимсол ва оғриқ хирсдир. Муҳаббат — энг олий йўлларда нур сочиб турувчи машъаладир.

Бир кунмас бир кун сиз ўзингиздан илгарини севмоғингиз керак бўлади! Севишни ўрганишни бошланг! Шунинг учун ҳам сиз муҳаббатингизнинг аччиқ шаробини ичишга мажбур эдингиз.

Энг яхши муҳаббат косасида ҳам аччиқ бўлади: у ало одамни шундай соғинтиради, у сени шундай ташнаком қилади, эй бунёд қилувчи!

Бунёд қилувчида ташналик, ало одамни соғиниш ва ўқ-ёй — биродарим, айт, сенинг никоҳга ироданг шундайми?

Мен учун шундай никоҳ ва шундай ирода — муқаддас.

Зардўшт шундай зикр қилди.

ЭРКИН ЎЛИМ ЗИКРИ

Кўплар жуда кеч, айримлар эса жуда эрта ўладилар. “Ўз вақтида ўла бил!” — деган ҳикмат ҳамон ғалати эшигилади.

Ўз вақтида ўл — Зардўшт шундай таълим беради.

Албатта, ўз вақтида яшамаган кимса борки, у қандай қилиб ўз вақтида ўлсин? Унинг ҳеч қачон туғилмагани яхши эди! — Мен ортиқча одамларга шундай ўтиг айтаман.

Лекин ҳатто ортиқча одамлар ҳам ўз ўлимлари билан керилдилар ва ҳатто ичи пучдан-пуч ёнроқ ҳам ўзини чақиб ейишларини хоҳлайди.

Ҳамма ўлимга жиддий қарайди; лекин ўлим ҳали байрам эмас. Одамлар ҳали энг ёрқин байрамларни эъзозлай билмайдилар.

Сизга комил ўлимни кўрсатай; у яшаётганлар учун ниш ва қутлуғ қасамга айланади.

Ўз йўлини ўтаб бўлган ўз ўлими билан ўлур, у умидли ва қутлуғ қасам ичганлар томонидан қуршалган ҳолда голибона ўлур.

Ўлишни ўргана билмоқ жойиз эди; шундай ўлаётган кимса яшаётганларнинг қасамларини қутлуғ қилиб бермаган ерда байрамнинг бўлиши мумкин эмас!

Шундай ўлиш — ҳаммадан яхши; ундан кейин турадигани — жангда ўлмоқ ва буюк кўнглини сарфламоқдир.

Лекин қурашаётган учун ҳам, голиб чиққан учун ҳам сизнинг ўлимингиз баб-баробар нафратга сазовор, ҳар ҳолда бу ўлим тишини гижирлатади ва ўғридай пусиб кириб келади, — айни чоқда у ҳукмдордай кирур.

Мен ўз ўлимимни, эркин ўлимни сизга мақтайман, у менга келади, чунки мен шунини истайман.

Мен қачон бунини истайман? — Кимнинг мақсади ва вориси бўлса, у мақсад ва ворис учун ўз вақтида ўлимни истайдди.

Мақсад ҳамда ворисга чуқур ҳурмати бўлгани учун у ҳаёт маъбадгоҳига қуриган шодагуларни осиб ўтирмас.

Ҳақиқатан, мен арқон эшадиганларга ўхшашни истамайман: улар арқонларини олдинга торта туриб, ўзлари орқага қараб тисланадилар.

Айримлар ўз ҳақиқатлари ва ғалабалари учун ўта қартайиб бормоқдалар: тиши қолмаган оғизнинг энди ҳамма ҳақиқатларга ҳақи йўқ.

Ва ҳар бир шараф қозонишни истаган ўз вақтида шон-шараф билан хайрлашмоқ ва жуда ҳам қийин ҳунарни — ўз вақтида кетмоқликни билиши керак.

Сени жуда ҳам ширин озуқ деб билишса, сен ўзингни еб қўйишларига йўл қўйма, — буни узоқ севилишни истаганлар билладилар.

Албатта, қимизак олмалар бўлади, улар кузнинг охирги кунини кутадилар; шу вақтга келиб улар сарғайиб, тарам-тарам бўлиб пишиб етиладилар.

Айримларнинг аввал юраги, бошқаларнинг эса — ақли қарийди. Баъзилар ёшликдан қаримсиқдир; лекин ёшлигини узоқ йўқотмаган, узоқ замонлар ёшшир.

Аллакимнинг ҳаёти ўнғалмайди: заҳарли қурт унинг юрагини кемириб ётади. Ундан кўра яхшироқ ўлим мўяссар бўлсин, у шунга ҳаракат қилсин.

Аллаким ҳеч қачон ширали бўлмайди: ёз келгандаёқ чирийди. Бутоқда уни фақат кўрқоқликкина туғиб туради.

Қўшлар яшаб юришади ва ўз бутоқларида ҳаддан зиёд узоқ осилиб туришади. Майлига бўрон гурулласин ва дарахт устидан барча чириган, қуртлаган меваларни қоқиб туширсин!

Оҳ, қани эди тез ўлим тарғиботчилари келсалар эди! Улар ҳақиқий бўрон бўлиб ҳаёт дарахтларини бошлаб силкитур эдилар! Лекин мен оҳиста ўлиш тарғиботини, барча “тириклик” ишларига сабр-тоқат қилишликни эшитаман.

Оҳ, сиз барча тириклик ишларига сабр-тоқат қилишни тарғиб этасизми? Лекин ушбу тириклик сизга узоқ вақт сабр-тоқат қилиб келяпти, эй сиз гийбатчилар!

Ҳақиқатан ҳам, оҳиста ўлиш тарғиботчиларининг ҳурматини қозонган ўша яҳудий тез ўлиб кетди; ўшандан бери унинг жуда эрта ўлиб кетгани кўшлар учун ёмон қисмат аломати бўлиб қолди.

У фақат яҳудийнинг кўз ёшлари ва қайғуларини, яхшилар ҳамда порсоларнинг қаҳру ғазаблари билан бирга биларди ўша яҳудий Исойи Масих; шунда уни ўлим қайғуси эгаллаб олди.

Нега у яхшилар ва порсолардан узоқда, саҳрода қолиб кетмади! Балки у яшашни ўрганармиди ва балки ерни севишни ўрганармиди — ва шу билан бирга қандай кулишни ўрганармиди.

Менга ишонинглар, биродарлар! У жуда эрта ўлиб кетди; агарда у менинг ёшимга етганда эди, унинг ўзи ўз таълимотидан воз кечган бўлурди! У воз кеча оладиган даражада олижаноб эди!

Лекин у ҳали етилмаган эди. Навқирон йигитнинг муҳаббати гўр, у инсон ва ерни ҳам гўрлик билан ёмон кўради. Унинг дили ва тафаккури қанотлари ҳали оғир ва боғланган эди.

Лекин балоғатга етган ер ҳали ўсмирдан кўра кўпроқ бола ва унинг қайғуси камроқ; ўлим ва ҳаётни яхшироқ тушунади.

У ўлим учун озод ва ўлимда ҳам озод. Ҳа деб айтишга вақт ҳам қолмаганда у муқаддас Йўқ сўзини айтади, у ўлим ва ҳаётни шундай англайди.

Сизнинг ўлимнингиз, дўстларим, инсон ва заминга қарғиш бўлиб тушмасин: Сизнинг қалбингиз асалидан мен шунга сўрайман.

Худди ер юзиде ёнган кечки шафақ алангасидай сизнинг ўлимнингизда руҳингиз ҳамда эзгулигингиз ёнмоғи даркор, — акс ҳолда сиз ўлимни эшполмаган бўласиз.

Дўстларим, сиз мени деб ерни янада ортиқроқ севмоғингиз учун мен ўзим шундай ўлмоқчиман; мен яна тупроққа айланишни истайман, токи мени туққан ҳузурида сокин бўлмоқчиман.

Чиндан Зардуштнинг ўз мақсади бор эди; у коптокни итқитди; энди сиз дўстларим, менинг мақсадимга ворислик қилингиз, сиз учун мен олтин коптокни ошираман.

Сиз олгин қоптокни оширган чоғингизда сизга қарашни мен ҳаммадан ҳам яхши кўраман, дўстларим! Шу боис мен ер юзида яна бироз вақт елвагайлаб тургайман; маъзур кўргайсиз мени!

Зардўшт шундай зикр қилди.

ЭҲСОН ҚИЛУВЧИ ЭЗГУЛИК ЗИКРИ

1

Зардўшт “Ола сигир” деб аталган ўзи жондан севган шаҳар билан хайрлашиб чиққач, ўзларини унга шогирд деб атагувчилар орқасидан туя бўлиб эргашиб бордилар. Улар йўл тўрт томонга айрилган чорраҳага етиб келдилар; шу ерда Зардўшт уларни тўхтатиб, буёғига ўзи ёлғиз кетажагини билдирди. У ёлғизликда йўл босишни севарди. Шунда шогирдлари унга асо совға қилдилар. Асонинг олгин дастасига кўён атрофини ўраб олган илон ишланган эди. Зардўшт асони кўриб хурсанд бўлди. Унга суяниб турди, кейин шогирдларига шундай деди:

— Менга айтинг: олгин қандай қилиб энг олий қадр топди? У ноёб ва бенаф, ўз порлоқлигида ёрқин ва сўлим нарса; у доим ўзини тортиқ қилади.

Фақат олий эзгуликнинг тимсоли каби олгин юксак қадр топди. Эҳсон қилаётган кишининг нигоҳи олгин каби нурланади. Олтиннинг товланиши ой билан кўёш ўртасида тотувликка сабаб бўлади.

Олий эзгулик ноёб ҳамда бефойда, ўз ёрқинлигида у порлоқ ва сўлимдир: эҳсон қилувчи эзгулик энг олий эзгулик.

Чиндан, мен сизни сезиб турибман, азиз шогирдларим: сиз худди мен каби эҳсон қилувчи эзгуликка интиломқдасиз. Сизнинг мушуклар ва бўриларга қандай яқинлигингиз бор?

Сиз ўзингиз қурбон ва ҳадя бўлишни ташналик билан истайсиз. Шунинг учун сиз бугун бойликларни қалбингизда йиғишга муштоқсиз.

Сизнинг қалбингиз барча хазина-дафиналарга кўзи очлик билан интилади, зотан тортиқ қилиш истагида сизнинг яхшилигингизнинг кўзи очдир.

Сиз барча нарсаларни ўзингизга зўрлаб яқинлаштирадиз ва ичингизга киритасиз, кейин улар сизнинг булогингиздан муҳаббатингизнинг ҳадялари каби оқиб чиқишини истайсиз.

Чиндан, бундай эҳсон қилувчи муҳаббат барча қимматбаҳо нарсаларнинг талончисига айланмоғи даркор; лекин бу ўз-ўзини севишни мен соғлом ва қутлуғ деб атаган бўлурдим.

Яна бошқа бир ўз-ўзини севиш ҳам бор, у ҳаддан ташқари қашшоқ ва доим оч, у мудом ўғирлик қилишни хоҳлайди, — бу беморларнинг худбинлиги, оғриган худбинликдир.

У барча порлоқ нарсаларга ўғринча кўз билан қарайди; у ризқ-рўзи тўкин-сочин бўлганларни гоҳ очлик кўзи билан ўлчаб кузатади; У доим эҳсон қилувчиларнинг дастурхони атрофида ўрмалаб юради.

Бу очкўзликда касаллик ва кўзга кўринмас айниш бор; бу худбинликнинг ўғринча очкўзлиги вужуднинг илвираётганидан дарак беради.

Айтингиз менга, биродарларим: нима бизда ёмон ва жуда ёмон ҳисобланади? Бу айнишнинг ўзгинаси эмасми? — Эҳсон қилувчи қалб бўлмаган жойда биз доим айниш ҳодисасига дуч келамиз.

Бир уруғдан иккинчи, янада юксакрок уруққа ўтамиз ва бизнинг йўлимиз шундай юқорилаб боради. Аммо “ҳаммаси меники” деган айниган ҳиссиёт биз учун мудҳишдир.

Бизнинг ҳиссиётимиз юксакларга парвоз қилади: бу ҳиссиёт вужудимизнинг тимсоли, юксалишнинг тимсоли. Бу юксалишларнинг тимсоли яхшиликлар номларининг мағзидир.

Тикланиб ва курашиб бораётган вужуд мана шу тариқа тарих оралаб ўтади. Рух-чи? — у вужуд учун нимадир? Унинг жанглари, зафарларининг жарчиси, биродари ва акс садосидир.

Барча тимсоллар — яхшилик ва ёмонликнинг отларидир: улар ҳеч нарсани

билдирмайдилар, улар фақат кўз қисадилар. Улардан билишни талаб қилувчи кимса телбадир.

Сизнинг руҳингиз тимсоллар билан сўзламоқчи бўлган ҳар бир соатга диққат билан қарангиз, азиз биродарларим: шунда сизнинг яхшиликларингиз туғилади.

Шунда сизнинг вужудингиз юксалади ва қайта тирилади, у ўз қувончига руҳи эргаштиради ва натижада у барча нарсаларнинг қадрига егувчи, ижодкор, севгувчи меҳрибонига айланади.

Сизнинг қалбингиз худди тугёнли оқим каби ёйилиб ва тўлиқиб тўлқин урганда ва бу соҳилда истиқомат қилувчилар ҳаёти учун хавфу хатар ҳамда рўшнолик келтирганда — ана шунда сизда эзгулик бунёд бўлади.

Сиз мақтов ва сўкишдан юксак кўтарилганингизда ва сизнинг муҳаббатли иродангиз ҳамма нарсаларга амр этишни истаганда — худди ана шунда сизда эзгулик бунёд бўлади.

Сиз қулайлик ва юмшоқ ўринлардан юз ўтирганда ва юмшоқ баданлардан унча узоқ бўлмаётганда, — ана ўшанда сизда эзгулик бунёд бўлади.

Сиз ягона ирода бўлишни истаганда ва сиз барча эҳтиёжларни айланиб ўтишни зарурат деб атаганда, — ана ўшанда бунёд бўлади эзгулик.

Чиндан, бу янги яхшилик ва янги ёмонлик! Чиндан бу — янги теран шаддираш ва янги чапманинг овози!

Бу янги яхшилик давлат бўлади; у ҳукмдор фикр ва унинг атрофида оқил қалбдир: олтин куёш ва унга чирмашган билиш илони ана шундайдир.

2

Шу ерда Зардўшт бир зум жим қолди ва шогирдларига меҳрибонлик билан қараб турди. Кейин у гапини шундай давом эттирди ва унинг овози ўзгарди:

— Ердан ҳеч қачон оёғингизни узманг, биродарларим, яхшиликларингизнинг бутун кучини кўрсатинг! Сизнинг эҳсонкор муҳаббатингиз ва билимларингиз ернинг маъноси-мазмунига хизмат қилсин! Сиздан шунга сўрайман ва сизни шунга йўллайман.

Яхшиликларингиз ердан узилишига йўл қўйманг, улар мангу деворларга бош уриб қанотларини яраламасинлар! Оҳ, доим шундай кўп бўлган учиб кетган яхшиликлар!

Худди мен каби учиб кетган яхшиликларни ернинг ўзига қайтаринг: ҳа, улар яна вужуд ҳамда ҳаётга қайтсин: ўз маъносини, одамий маъносини ерга бахшида қилсин!

Шу пайтгача руҳ ва яхшилик юзлаб марта учиб кетиб, адашиб юрдилар. Оҳ, сизнинг вужудингизда ушбу ёлғон ва янглиш ҳали ҳамон яшайди: улар энди тан ва иродага айландилар.

Шу пайтгача руҳ ҳам, яхшиликлар ҳам юзлаб мартаба уриниб кўрдилар ва адандилар. Ҳа, одам уриниб кўриш эди. Оҳ, жуда кўп жаҳолат ва адашишлар бизнинг танамизга айланди!

Минг йилларнинг онгу идрокигина эмас, шунингдек, уларнинг телбаликлари ҳам бизда ёрилиб чиқажак. Ворис бўлмоқ хатарли.

Биз яна паҳлавон тасодиф билан қадам-бақадам кураш олиб борамиз ва бугун инсоният узра шу пайтгача бемаънилик, беҳудалик ҳукмрон бўлиб келди.

Биродарларим, сизнинг руҳингиз билан сизнинг яхшиликларингиз заминнинг маъноси-мазмунига хизмат қилсин: барча нарсаларнинг қиммати майли яна сиз билан барқарор бўлади! Шунинг учун сиз курашувчилар бўлингиз! Шу боис сиз бунёдкор бўлингиз!

Вужуд билиш билан тозаланади; билишга интилиб юксалади; билишни истаганча барча майллар қулғудир; юксалганнинг кўнгли шодумон бўлади.

Ҳаким, ўзингни давола, шунда сен ўз беморингни ҳам даволай биласан. Ўзини ўзи даволаётгани ўз кўзи билан кўриши унинг учун энг яхши мадад бўлиши мумкин эди.

Шу кунгача ҳеч қачон юрилмаган минглаб сўқмоқлар, минглаб соғломликлар ва ҳаётнинг яширин ороллари мавжуд. Ҳали шу кунгача инсон ва инсон замини охиригача билиб етилмаган, охиригача очилмаган.

Уйғоқ бўлинг ва қулоқ солинг, эй ёлғизлар! Истиқболдан қанотларини сассиз қоқиб шамоллар эсади; ва ўткир қулоқларга хушхабар етказди.

Эй, сиз олисда истиқомат қилаётганлар, сиз ҳали ҳозир ёлғизсиз, сиз бир

куни халқ бўлурсиз: ўз-ўзини сайлаган сизлардан сайланган халқ вужудга келажак ва бу халқдан ало одам бунёд бўлажак.

Чиндан ер ҳали яна соғаймоқ маконига айланажак! Мана унинг теҗрасида шифобахш янги хушнасимлар эса бошгади ва янги умид бош кўгармоқда!

3

Ушбу сўзларни айтиб Зардўшт жим бўлиб қолди, у ҳали ўзининг сўнги сўзини айтмагандай эди; у ҳассани қўлида ушлаб узоқ тайсалланиб турди. Ниҳоят у яна шундай тилга кирди ва унинг овози ўзгарди:

— Шогирдларим, энди мен бир ўзим йўлга тушаман! Энди сиз ҳам битта-битта бўлиб йўлга тушинглар! Менинг истагим шу.

Сизга чиндан айтаман: мендан нари кетингиз ва Зардўшддан ўзингизни химоя қилингиз! Яна ҳам яхшиси: ундан уялинг! Балки, у сизни алдагандир.

Билик кишиси ўз ганимларини фақат севибгина қолмай, ҳатто ўз дўстларини ёмон кўра билмоғи даркор.

Бир умрга фақат шогирд бўлиб қолган кимса ўз устози олдидаги қарзини ёмон ўтаган бўлур. Нима учун сиз менинг гулчамбаримни юлиб-юлиб ташламайсиз?

Сиз мени эъзозлайсиз; лекин бир кунмас-бир кун келиб сизнинг ҳурмат-эйтиборингиз йўқолса, нима бўлади? Ўзингизни эҳтиёт қилинг: ҳайқал сизни ўлдириб қўямасин!

Сиз Зардўшгга ишонамиз дейсизми? Лекин Зардўшддан нима фойда! Сиз — менга ишонувчиларсиз; лекин бу барча ишонувчилардан на фойда?

Сиз мени топаннингизда ҳали ўзингизни қидирмаган эдингиз. Барча ишонувчилар шундай қиладилар; чунки ҳар қандай ишончдан маъни жуда оз.

Энди мен сизга буюраман: мени йўқотинг ва ўзингизни топинг; фақат сиз ҳаммангиз мендан юз ўгириб тонганингизда, мен яна сизга қайтурман.

Чиндан, биродарларим, мен ўшанда ўз йўқотганларимни бошқача кўз билан излайман; бошқача муҳаббат билан севаман мен сизни ўшанда.

Бир кун келиб сиз яна менинг дўстларим ва ягона умид фарзандлари бўлишингиз керак, ўшанда мен яна учинчи маротаба сизнинг ичингизда бўлишни истаيمان, ўшанда сиз билан бирга улуг чошгоҳни байрам қилурмиз.

Улуг чошгоҳ — инсон ҳайвон билан ало одам ўртасидаги ўз йўлини қоқ ярмида туриб шом сари йўлини худди ўз олий умиди каби байрам қилмоғидир: зотан бу янги тонг йўлдир.

Ва ўшанда ботаётганнинг ўзи ўзининг ўткинчи эканлиги учун хайрбод этур; ва унинг билик кўёши чошгоҳда турган бўлур.

“Барча худолар ўлдилар, энди биз фақат ало одам яшагини истаймиз” — улуг чошгоҳ чоғида бизнинг иродамиз шундай бўлмоғи даркор!

Зардўшт шундай зикру тавалло қилди.

Давоми бор.



Максим ГОРЬКИЙ

Егор Буличов ва бошқалар

Драма

Уч пардали кўринишлар

ЧЎЛПОН таржимаси

АРАЛАШУВЧИЛАР:

Егор Буличов.
Ксения — унинг хотини.
Варвара — унинг Ксениядан бўлган қизи.
Александра (Шура) — Буличовнинг никоҳсиз туғилган қизи.
Мелания — сўфий хотинлар бошлиғи, Буличовнинг қайсинглиси (ё қайнэгачиси).
Звонцов — Варваранинг эри.
Тятин — унинг ўғай укаси (ё акаси).
Мокей Башкин.
Василий Достигаев.
Елизавета — унинг хотини.
Антонина — } биринчи хотинидан бўлган болалари.
Алексей — }
Павлин — поп.
Доктор.
Карнайчи.
Зобунова — эмчи аёл.
Пропотей — девона одам (авлиё).
Глафира — оқсоч аёл.
Тайся — Меланиянинг хизматчиси.
Мокроусов — миршаб.
Яков Лаптев — Буличовнинг крестниги (ота-бола тутушгани).
Донат — ўрмончи.

БИРИНЧИ ПАРДА

Бой бир “купец”нинг ҳовлисида емак уйи. Оғир ва катта-катта жиҳоз (мебел)лар. Тери қошланган катта диван, унинг ёнида болохона зинаси. Ўнг бурчакда ўроқ: боқчага чиқиладиган эшикни кўрсатади. Очиқ ҳаволи қиш қунаридан бири. Ксения ўтириб, стол устидаги идишларни ювмоқда. Глафира “фонар” (меҳроб сингари жой)да гуллар билан овора. Кеча чопон кийган Александра (Шура) кириб келади, яланг оёғига туфли кийган, сочлари таралмаган, сочлари Буличовники сингари малла.

Ксения. Оҳ, Шурка, кўп ухлайсан-да...
Шура. Вайсаманг, фойдаси йўқ. Глаша, кофе! Газет қани?
Глафира. Болохонада, Варвара Егоровнага олиб чиқиб бердим.
Шура. Олиб туш. Шундай катта хонадонга биттагина газет ёздиришади, пеллар!

Ксения. Кимни айтаётирсан — “пеллар”, деб?

Ш у р а. Отам уйдами?
 К с е н и я. Ярадорларнинг ёнига кетди. “Песлар”, деб Звонцовларни айтасанми?
 Ш у р а. Ҳа, ўшаларни. *(Телефонни олади.)* 17-63.
 К с е н и я. Нималар деб сўкканингни Звонцовларга бир айти!
 Ш у р а. Тоняни чақириб қўйинг!
 К с е н и я. Бу кетишда нима бўлар экансан, билмадим?
 Ш у р а. Ҳей, Антонинамисан? Муз тийғонишамизми? Йўқ? Нега? Театрга бораман? Бормай қўяқол! Эҳ, тўйидан бурун тул қолган бечора!.. Хўп, яхши қол.
 К с е н и я. Бу нимаси — қиз нарсани “тул” дейсан?
 Ш у р а. Куёви ўлганми, ахир, йўқми?
 К с е н и я. Ҳар нима бўлганда ҳам қиз нарса.
 Ш у р а. Сиз кўриб қўйибсизми?
 К с е н и я. Вой бешарм, беҳаё!
 Г л а ф и р а *(кофе беради)*. Газетни Варвара Егоровна ўзи келтириб беради.
 К с е н и я. Ҳалитдан мунча маҳмадана бўлибсан. Билиб қўй: камроқ билсанг — тинчроқ ухлайсан. Сендай вақтимда мен ҳеч нарса билмас эдим..
 Ш у р а. Сиз ҳали ҳам..
 К с е н и я. Илоҳим тилинг узилсин!
 Ш у р а. Ана, олифга қадам қўйиб, синглинг келаётир. Бонжур, мадам! Комман са ва?¹
 В а р в а р а. Соат ўн бир бўлиб қолди, сен ҳали ҳам ювиниб-таранмагансан.
 Ш у р а. Бошланди яна.
 В а р в а р а. Отам эркалатади, деб ундан кейин... унинг касаллигини билиб, борган сари ҳалдингдан ошаётирсан..
 Ш у р а. Тамом бўлай дедими?
 К с е н и я. Отаси касал бўлса, парво қиладими бу?
 В а р в а р а. Сенинг бу кирдикорларингни бир-бир айтиб бераман отамга..
 Ш у р а. Ҳозирдан раҳмат айтиб қўяман. Бўлдими энди?
 В а р в а р а. Сенда эс йўқ ўзи!
 Ш у р а. Ишонгим келмайди! Эси йўқ бошқалар бўлса керак.
 В а р в а р а. Тариқча эсинг йўқ!
 Ш у р а. Варвара Егоровна, сиз беҳуда зўр берасиз.
 К с е н и я. Мунга насиҳат қор қилса экан!
 Ш у р а. Ундан кейин қонингиз бузилади.
 В а р в а р а. Хўп... хўп, жоним! Ойи, юринг, ошхонага чиқиб келайлик — ошпаз инжиқлик қиლაётир..
 К с е н и я. Ошпазнинг ақли жойида эмас шу топда: шўрликнинг ўелини ўлдириптилар.
 В а р в а р а. Йўқ, бу нарса инжиқликка баҳона бўлмайди. Ҳозир шундай қираётирларки...

Чиқадилар.

Ш у р а. Ўзининг чиройлик Андрюшасини ўлдирсалар эди, кўрардингиз қиёматни!

Г л а ф и р а. Уларнинг гашига тегиб нима қиласиз? Кофеингизни ичинг тезроқ, шу уйни йиғиштириш керак менга. *(Самоварни кўтариб чиқиб кетади.)*

Шура курсининг кетига ўзини ташлаб, кўзларини юмган, қўлларини малла ва пахмоқ сочли бошининг орқасига қўйгани ҳолда ўтиради.

З в о н ц о в *(туфли кийган, зинадан шарпасизгина тушиб келиб, Шуранинг орқасидан қучоқлаб олади)*. Нима хаёллардасан, малла кўзичоғим?

Ш у р а *(кўзини очмай, қилмирламай)*. Тегманг менга.

З в о н ц о в. Нега? Ўзингга хуш ёқади-ку? Шундай эмасми? Хуш ёқади, дегин!

¹ Салом, хоним! Ишларингиз қалай? *(Франц.)*.

Ш у р а. Йўқ.

З в о н ц о в. Нега?

Ш у р а. Кўйинг. Алдайсиз. Сиз мени ёқтирмайсиз.

З в о н ц о в. Ёқтиришимни хоҳлайсан-а, шундайми?

Зинада Варвара кўринади.

Ш у р а. Варвара билиб қолгудай бўлса...

З в о н ц о в. Жим... (*Орқароқ чекилиб, насихат бошлайди.*) Ҳа. Албатта...

Ўзингизни қўла олишингиз керак... Ўқингиз керак...

В а р в а р а. Бу, Антонинага беадаб сўзларни айтиб, у билан совун кўпиги сингари, бўш гапларни гаплашиб юришни яхши кўради...

Ш у р а. Ҳа, айтганларинг рост, мен шунақа совун кўпиги сингари гапларни яхши кўраман. Сенга нима, совунни қизганасанми ё?

В а р в а р а. Сени қизганаман мен. Билмадим: сен қандай қилиб кун кўрар экансан? Гимназияда сенга: “Марҳамат қилиб йўқолинг”, дегдилар...

Ш у р а. Бекор гап.

В а р в а р а. Сенинг у ўртоғинг — жинни нарса.

З в о н ц о в. Музыка илмини ўқимоқчи.

В а р в а р а. Ким?

З в о н ц о в. Мана бу — Шура.

Ш у р а. Бекор гап. Мен музыка илмини хоҳламайман.

В а р в а р а (*Звонцовга*). Сен қаердан билдинг муни?

З в о н ц о в. Шура, сен ўзинг айтмадингми — музыкага ўқимоқчиман, деб.

Ш у р а (*чиқиб бораркан*). Сира ундай деганим йўқ.

З в о н ц о в. Ҳм... Қизиқ. Мен ичимдан чиқариб айтаётганим йўқ-ку! Сен, Вара, унга жуда қаттиқ муомала қиласан.

В а р в а р а. Сен ортиқча юмшюк муомала қиласан.

З в о н ц о в. “Ортиқча” деганинг нимаси? Сен, ахир, менинг ниятимни биласан-ку...

В а р в а р а. Ният ўз йўлида, аммо-лекин сен гумонсирайдиган даражада юмшюк муомала қиласан.

З в о н ц о в. Миянг айниб қолипти сенинг...

В а р в а р а. Шундайми? Миям-а?

З в о н ц о в. Ўзинг ўйлаб кўр: шундай қалтис бир замонда рашк ғалвалари ярашадими?

В а р в а р а. Сен ўзинг нега тушдинг бу ерга?

З в о н ц о в. Менми? Бу ерга... газетда бир эълон бор экан. Ундан кейин ўрмончи Донат келган экан, “Қишлоқда одамлар бир айиқни қамаб олишди”, дейди...

В а р в а р а. Донат ошхонада ўтирипти. Газетдаги нима эълон экан?

З в о н ц о в. Жонини чиқарасан одамнинг! Шунақа гаплашасанми мен билан? Нима, ёш боламанми мен? Азбаройи худо, бу...

В а р в а р а. Қизим-а! Отам келди, шекилли. Сен бўлсанг бу аҳволдасан.

З в о н ц о в шошилиб болохонага чиқиб кетади. Варвара отасини қарши олади. Устида кўк иссиқ кофта, бошига кўк қалшоқ кийган Ш у р а телефонга томон югуриб боради,

Б у л и ч о в уни йўлда тугиб олиб, индамасдан бағрига босади, Буличов кетидан бинафша ридо кийган П а в л и н киради.

Б у л и ч о в (*Шуранинг белидан қучоқлагани ҳолда стол кетига ўтиради; Шура эса, унинг оқ тушган малла сочларини силайди*). Одамларни бузиб, шу даражада одамликдан чиқарганларки, қарағали кўрқасан киши...

П а в л и н. Гуллаб ётибсизми, Шураҳон? Кечирингиз, салом ҳам бермапман...

Ш у р а. Йўқ, мен салом беришим керак эди, тақсир, отам қўймади — худди айиқдай ёпишиб...

Б у л и ч о в. Шошма! Тек тур, Шурка! Қаерга кетаётир яна мунча халқ?

Фойдаси йўқ одамлар урушдан бурун ҳам кўп эди бизда. Бекор аралашдик шу урушга...

П а в л и н (*оғир нафас олиб*). Олий ҳокимиятнинг бир мулоҳазаси бордир...

Б у л и ч о в. Япон уруши вақтида ҳам беҳуда мулоҳазаларга бориб, бутун дунёга шарманда бўлган эдик.

П а в л и н. Ва лекин уруш деган нарса фақат вайрон ва хароб қилмасдан, балки катта фойда ҳам беради. Чунончи, унинг орқасида катта тажрибалар ҳосил бўлади ва шу миқдорда...

Б у л и ч о в. Баъзилар урушади, баъзилар ҳамёнга уришади.

П а в л и н. Ва боз устига, дунёда ҳеч бир нарса Оллоҳнинг иродасидан хориж бўлмайди, бас, бу нолишларга нима ҳожат бор?

Б у л и ч о в. Сен, Павлин Савельев, амри-маъруфингни қўй... Шуражон, сен муз тийғонишга бормоқчимисан?

Ш у р а. Ҳа, Антонинани кутиб ўтирибман.

Б у л и ч о в. Хўп... бўпти! Кетиб қолмасанг, бирор беш минутдан кейин ўзим чақиртираман.

Ш у р а югуриб чиқиб кетади.

П а в л и н. Бўйига етган қизлардай қадди-қомати тоза жойига келипти.

Б у л и ч о в. Гавдаси яхши, енгилгина-ю — юзи ўхшамайди. Онаси чиройлик эмасди. Ўзи жуда эслик хотин эди-ю, чирой хусусида камчилиги бор эди.

П а в л и н. Бу Александра Егоровнанинг юзи аллақандай бошқача ўзи... Жозибадан ҳам маҳрум эмас. Онаси қаерлик эди?

Б у л и ч о в. Сибирлик. Сен — олий ҳокимият... худодан... казо ва казо, дейсан; хўш, “Дума” нима, Дума, у қаердан бўлади?

П а в л и н. Дума, чунончи, масалан, ҳокимиятнинг қадрини кетказиш учун ўша ҳокимиятнинг ўзи томонидан йўл қўйилган бир нарса. Кўплар уни ҳокимиятнинг шумлик бир хатоси, деб биладилар; лекин, муқаддас бир муассаса бўлган ибодатхона аҳлига бу хил сўзлар хусусида муҳокама юргизиш дуруст эмас. Бунинг устига бу нозик замонда руҳонийлар тоифасининг зиммасига одамларнинг руҳларини кўтармак ва уларда тожу тахт ва ватан муҳаббатини оловлантирмак вазифаси юклатилган...

Б у л и ч о в. Яхши оловлантирдингиз, яъни бечора халқни оловда ёндирдингиз...

П а в л и н. Ўзингизга маълум бўлса керакки, мен ўз ибодатхонамизнинг мутаваллисини қироатчилар тўдасини кўпайтиришига унатдим ва яна янги солинаётган ибодатхонанинг жоми учун муқаддас зотларимиз номларига иона ва ҳая тарихида мис сўраб, генерал Бетлинг билан гаплашдим...

Б у л и ч о в. Ибодатхона жоми учун мис бергали унамадими?

П а в л и н. Унамади ва ҳатто хунук бир ҳазил ҳам қилди. Аскарний музыканинг карнайларидаги мисни кўргали ҳам тоқатим йўқ, дейди. Мана, сиз, хаста ва ногуб бўлганингиз важдан, ибодатхона жомига бир нарса иона берсангиз яхши бўларди.

Б у л и ч о в (*ўрнидан туриб*). Жом овози билан дардни тузатиб бўлмайди.

П а в л и н. Қайдан биласиз? Фан дарднинг сабабидан беҳабар. Баъзи бир ажнабий хастахоналарда дардни музыка билан даволар эканлар, эшитиб эдим. Бизда ҳам бир ўт ўчирувчи бор, карнайи билан иш кўради...

Б у л и ч о в (*кулиб*). Қанақа карнай?

П а в л и н. Мис карнай. Жуда катта, дейдилар.

Б у л и ч о в. Катта карнай бўлса, тузатар эканми?

П а в л и н. Обдон тузатади, дейди! Мумкин, ҳурматли Егор Васильевич, мумкин! Ҳар нарсанинг бўлиши мумкин. Сирру асрор ичида, кашф этилмаган беҳисоб сирлар ичида яшаймиз. Бизнинг кўзимизга бир ёруғлик, бир равшанлик кўринади ва шу ёруғлик бизнинг ақлимиздан келади, ҳолбуки, у ёруғлик бизнинг жисмоний кўзимиздаги ёруғликдир, руҳимиз эса, эҳтимол ақл туфайлидан бадгар хиралашади ва ҳатто ўчиб қолади.

Б у л и ч о в (*оғир нафас олиб*). Оббо, мунча гапинг кўп экан сенинг...

П а в л и н (*борган сари авж олиб*). Чунончи, масалан, Прокопий азизларни олинг, авом томонидан девона деб юритилган у зот қандай бир саодат ичида яшайдилар...

Б у л и ч о в. Сен яна амри-маъруфга тушдинг-ку! Хайр энди, чарчадим мен.

П а в л и н. Чин кўнгилдан саломатлигингизни тилайман. Камина дуоғўйингиз... (*Чиқиб кетади.*)

Б у л и ч о в (*ўнг биқинини уқалай-уқалай диваннинг ёнига келади ва ўзича ғудурланади*). Тўнғиз, ибодатхонанинг муқаддас майлларини ва кулчаларини еб, тоза бўкипти, Глафира!.. Ҳей...

В а р в а р а. Нима дейсиз?

Б у л и ч о в. Ҳеч. Глафирани чақириб эдим. Оҳ-ҳо, тоза ясенибсан! Қаерга бормоқчисан?

В а р в а р а. Тузалган ярадорлар спектаклига...

Б у л и ч о в. Бурнингга ойнак ҳам кўндирдинг? Кўзнинг талаби, деб бекор айтасан, моданинг талаби бу...

В а р в а р а. Сиз, отажон, Александрани тергаб қўйсангиз бўларди, унинг муомаласи жонга тегаётир, ҳеч тоқат қилиб бўлмайди.

Б у л и ч о в. Ҳамманг ҳам яхшисан. Бор! (*Ғудурланади.*) Чидаб бўлмайди. Шошма... мен бир тузалиб олай, ҳаммангга кўрсатаман!

Г л а ф и р а. Чақирдингизми?

Б у л и ч о в. Ҳа, чақирдим. Эҳ, Глаха, мунча яхшисан! Бақувват, пишиқ! Менинг Варварам — бир чўп!

Г л а ф и р а (*зинага қараб олиб*). Бахти бор унинг. Агар чиройлик бўлса, сиз уни ҳам каравотингизга тортардингиз...

Б у л и ч о в. Ўз қизимни-я? Билиб гапир, тентак! Нима деб ётирсан?

Г л а ф и р а. Биламан нима деганимни! Шурани, худди ёт қиздай... соллот сингари тортасиз...

Б у л и ч о в (*ҳайрон*). Сен, Глафира, жинни бўлиб қолибсан. Бу нима қилганинг: ўз қизимга кунлайсанми? Сен Шура хусусида ундай хаёлларга бора қўрма. Соллот сингари... Худди қиздай! Ҳа, сен соллотнинг қўлига тушган экансан-да! Хўш?

Г л а ф и р а. Ҳеч тегишлиги йўқ... Жойи эмас мунақа гапларнинг. Нега чақирдингиз?

Б у л и ч о в. Донатни чақир. Шошма! Қўлингни бер! Яхши кўрасанми ишқилиб? Касал бўлсам ҳам?

Г л а ф и р а (*унинг ёнига тиз чўкиб*). Оҳ, шўрлик бошим... Йўқ, сен оғримагин. Оғримагин... (*Кўлидан чиқиб қочади.*)

Буличов тундик билан кулади, лабларини ялайди. Бошини чайқайди. Ётади.

Д о н а т. Омонмисиз, Егор Васильевич!

Б у л и ч о в. Шукур! Қани, нима топиб келдинг?

Д о н а т. Яхши хабар топиб келдим: айиқни қамадик.

Б у л и ч о в (*оғир нафас олиб*). Э, бу хурсандлик келтирадиган хабар эмас, рашк келтирадиган хабар. Энди айиқ билан менинг кўнглим очилмайди. Дарахт кесилаётирми?

Д о н а т. Оз-моз. Одам йўқ.

К с е н и я киради. Ясанган. Қўлларида узуклар.

Б у л и ч о в. Сен нима дейсан?

К с е н и я. Ҳеч. Сен, Егорий, айиққа қизиқмасанг бўларди, сен ов қиладиган ҳолдамидинг?

Б у л и ч о в. Сен жим тур, одам йўқ, дедингми?

Д о н а т. Қари чоллар билан ёш болаларгина қолишди. Князга асирлардан эллик кишини юборитгилар, лекин улар ўрмонда ишлаёлмас экан.

Б у л и ч о в. Бўлмаса улар хотин-халаж билан ишлаёлса керак.

Д о н а т. Ҳа, бу бўлаётир.

Буличов. Ҳа, албатта... Хотин-халаж шу топда оч.

Ксения. Демак, қишлоқда ёмон бузуқчилик бошланаяпти-да...

Донат. Нега бузуқчилик бўлсин, Аксињья Яковлевна? Эркаклар ҳаммаси қирилиб кетди, бола туғиш — керак нарса. Энди бундан чиқадики, ўша эркакларни қирган энди келиб бола ясаши керак...

Буличов. Шунақа, шекилли...

Ксения. Ана холос, асирдан қандай бола туғиларди. Ундай десам, бардам эркак бўлса... албатта...

Буличов. Бизнинг хотин-халажнинг эси паст, шу учун ундан фарзандлик бўлишни асир хоҳламайди ҳам.

Ксения. Йўқ, бизнинг хотинлар — эслик. Бардам эркакларнинг ҳаммасини урушга ҳайдаб кетдилар, уйда фақат... зақунчиларгина қолди...

Буличов. Кўп одамни ишдан чиқардилар.

Ксения. Энди қолганлар тўкроқ яшайдилар.

Буличов. Топдинг!

Донат. Подшоларнинг қорни фуқарога ҳеч тўймайди.

Буличов. Нима дединг?

Донат. Подшоларнинг қорни фуқарога ҳеч тўймайди, дейман. Ўзимизникиларни боқолмаймиз-у яна икки кўзимиз бировларнинг ерида.

Буличов. Рост, бу рост!

Донат. Бундан бошқа нима деса бўлади: нима учун урушаётирмиз бўлмаса? Шундай қилиб, очкўзлигимиздан калтак еб ётамиз.

Буличов. Рост айтсан, Донат! Менинг “крепостнигим” Яков ҳам шундай дейди; ҳамма балонинг боши очкўзлик, дейди. У ўзи қалай?

Донат. Уми? У ёмон эмас. Эслик нарса.

Ксения. Хўб топибсан эси борни! Эслик одам эмас, жуда кўрс одам.

Донат. Кўрслиги эси борлигидан келади, Аксињья Яковлевна! У у ерда, Егорий Васильевич, ўнтача аскарликдан қочган йигитларни тўшлаб ишга солди, балодек ишлаб ётирлар. Бўлмаса ҳаммаси ўғирлик қиларди.

Буличов. Йўқ, бўлмайди... Муни Мокроусов билиб қолса — тўпаланг қилади.

Донат. Мокроусов билади. У ҳатто хурсанд. Унга осон бўлди.

Буличов. Эҳтиёт бўл, лекин...

Юқоридан Звонцов тушди.

Донат. Шундай қилиб айиқни...

Буличов. Айиқ — сенинг бахтинг.

Звонцов. Рухсат этсангиз, айиқни Ботлингга тутсак. Биласизми, у бизга катта ёрдам...

Буличов. Биламан, биламан! Майли, унга тут. Бўлмаса архиерейга тут.

Ксения (кулиб). Архиерейнинг айиққа қараб ўқ отишини томоша қилиш керак эди!

Буличов. Хўш, мен чарчадим. Хайр энди, Донат! Ишларнинг мазаси йўғ-а? Мен нотобланишим билан ишлар ҳам бузила бошлади...

Донат индамасдан таъзим қилиб чиқади.

Буличов. Аксињья, Шуркани айтиб юборгин. Сен нимага эсанкираб турасан, Андрей? Гапиравер!

Звонцов. Мен Лаптев тўғрисида гапирмакчи эдим...

Буличов. Хўш?

Звонцов. Мен эшитдимки, у ишониб бўлмайдиган кишилар билан алоқа қилиб, Копосов ярмаркасидаги қишлоқ одамларига ҳукуматга қарши гапларни гапирган эмиш...

Буличов. Гапирма! Шу замонда ярмарка бор эмишми? Қандай қишлоқ одамлари экан? Нега ҳаммангиз Яковдан нолийсиз?

Звонцов. У, ахир, ҳар нима бўлганда ҳам, оиламизнинг бир аъзоси эмасми?..

Югуриб Ш у р а кирлади.

Б у л и ч о в. Ҳар нима бўлганда ҳам... Сиз уни кўп ҳам ўзингизники, деб билмайсиз-ку... Мана, якпанба кунлари овқат қилпали ҳам келмай қўйди... Бор энди, Андрей... Кейин гапириб берарсан...

Ш у р а. Яковни ёмонладими?

Б у л и ч о в. Сенинг ишинг эмас. Қани, ўтир. Сендан ҳамма дод деб ётир.

Ш у р а. Ким у, ҳамма?

Б у л и ч о в. Аксинья, Варвара...

Ш у р а. Бу ҳали ҳамма эмас.

Б у л и ч о в. Мен жиддий айтаман, Шуражон.

Ш у р а. Жиддий гапирсанг, бундай бўлмайди.

Б у л и ч о в. Ҳамма билан муомаланг кўрс, ҳеч нарса қилмайсан...

Ш у р а. Ҳеч нарса қилмасам, қаердан кўрс бўламан.

Б у л и ч о в. Ҳеч кимнинг гапига кирмайсан.

Ш у р а. Ҳамманинг гапига кираман, ҳамманинг гапига киравериб безор бўлдим, маллавой!

Б у л и ч о в. Ўзинг малласан, мендан бадтар. Мана, мен билан ҳам тўғри гаплашмайсан! Сени сўкиш керак эди-ку, кўнгил унамайди.

Ш у р а. Кўнгил унамаса, демак, сўкиш керак эмас.

Б у л и ч о в. Ҳа, муни қара! Кўнгил унамаса — қилма эмиш. Унда жуда осон бўлар эди-ку-я, лекин мумкин эмас!

Ш у р а. Мумкин эмас, дейсиз, ким моне бўлаётир?

Б у л и ч о в. Ҳамма... Ҳамма моне бўлаётир. Сен буни англамайсан.

Ш у р а. Сен ўргатгин, мен ўрганай, менга моне бўлмасинлар...

Б у л и ч о в. Э, буни ўргатиб бўлмайди! Сен нима дейсан, Аксинья? Нима бу, ҳеч тинмайсан? Нима излайсан?

К с е н и я. Доктор келди, ундан кейин Башкин кутиб ўтирипти. Александра, кўйлагингни тузат, бу қанақа ўтириш?

Б у л и ч о в (ўрнидан туриб). Қани, чақир докторни. Ётиш менга зарар қилади, ётаверсам оғирлашаман. Эҳ, уч энди, Шуражон! Оёгинг чиқмасин, эҳтиёт бўл!

Д о к т о р. Салом! Хўш, аҳволлар қалай?

Б у л и ч о в. Маза йўқроқ. Унча яхши қарамайсан, дейман, Нифонт Григорьевич.

Д о к т о р. Қани, бўлмаса, у уйга ўтайлик-чи...

Б у л и ч о в (унинг ёнида кетаркан). Сен менга энг ўтқир, энг қиммат дориларни бер: мен дўстим, бир иш қилиб тузалмасам бўлмайди! Тузатиб юборсанг — касалхона солиб бераман, унинг каттаси бўлсанг, ундан кейин билганингни қилиб ётасан...

Чиқадилар. К с е н и я, Б а ш к и н.

К с е н и я. Доктор нима дейди?

Б а ш к и н. Рак касали, дейди, буйракда рак бор, дейди...

К с е н и я. Вой, худойим-эй! Нима балолар дейди булар!

Б а ш к и н. Бу дард — оғир дард, дейди.

К с е н и я. Ҳа, албатта! Ҳар ким ўз ишини ҳаммадан қийин, деб билади.

Б а ш к и н. Бевақт оғриди! Ҳаммаёқдан, тешилган халтадан ёққандай, пул ёғеди, гадойлар ҳам минг сўмлик бўлишди, бу бўлса...

К с е н и я. Ҳи, ҳи! Одамлар шундай бой бўлишаётирки, нимасини айтасан!

Б а ш к и н. Достигаев шундай семириптики, тугмасини солмай юрадиган бўпти, гапирса фақат миндан гапиради. Егор Васильевичнинг бўлса, шу тобда, миясини бир пардага ўхшаган нарса босаётир. Тунов кун — мен, дейди, асл ишининг кўчасига ҳам кирганим йўқ, дейди. Бу нима дегани?

К с е н и я. Вой, мен ҳам сезаётирман: аллақандай хунук гапларни қилади.

Б а ш к и н. У, ахир, сен билан опангнинг пулига катталиқ қилади-ку. Кўпайтириши керак эмасмиди?

К с е н и я. Адашпанман мен, Мокей, аллақачонлар билдимки, адашпанман. Приказчикка эрга тегдим-у, билиб тегмадим. Сенга теккан бўлсам, яхши кун кечирар эдим! У бўлса... э, ҳудойим-эй! Жуда айниган одам! Унинг қўлида нима кунларни кўрмадим. Уйнашдан қиз топиб, яна уни менинг елкамга миндириб қўйди. Ярамас, паст одамни куёв қилди... Кўрқаман мен, Мокей Петрович. Бу куёв билан Варвара мени давлатдан қуруқ қолдириб, бор-йўгимни шилиб, гадоЙлик қўйига солишади...

Б а ш к и н. Ҳар нарса мумкин. Уруш вақти! Урушда на шарм-ҳаё бўлади, на раҳм-шафқат!

К с е н и я. Сен бизнинг эски хизматчимизсан, сени одам қилган менинг отам, сен менинг тўғримда ўйлагин...

Б а ш к и н. Ўйлаб ётирман... *(З в о н ц о в кириб кела бошлайди.)*

З в о н ц о в. Хўш, доктор келдими?

К с е н и я. Йўқ, у уйда.

З в о н ц о в. Мокей Петрович, мовут нима бўлди?

Б а ш к и н. Бетлинг олпали унамайди.

З в о н ц о в. Унга қанча бериш керак ўзи?

Б а ш к и н. Энг ками бирор беш минг...

К с е н и я. А, ўғри-ей! Ўзи тагин кекса чол-а!

З в о н ц о в. Жанна орқалими?

Б а ш к и н. Ҳа, ўша белгиланган тартиб билан.

К с е н и я. Беш минг! Нимага бу? А?

З в о н ц о в. Ҳозир пулнинг қадри йўқ.

К с е н и я. Бировнинг чўнтагида бўлса-да...

З в о н ц о в. Қайнота розими?

Б а ш к и н. Мен мана шуни билгани келдим-да...

Д о к т о р *(чиқиб келиб, З в о н ц о внинг қўлидан ушлайди.)* Хўш, гап шуки...

К с е н и я. Вой, бизни бир севинтирсангиз-чи...

Д о к т о р. Касалнинг мумкин қадар кўп ётиши керак. Ҳар қандай иш, бесаранжомликлар, хафа бўлишлар — унга жуда ёмон, зарарлик. Ишқилиб, тинчлик, хотиржамлик! Ундан кейин... *(З в о н ц о внинг қўлига ишвирайди.)*

К с е н и я. Нега менга айтмайсиз? Мен хотиниман-ку?

Д о к т о р. Баъзи бир хусусларда хонимлар билан гаплашув ярамайди. *(Яна пичирлаб гапирди.)* Бугун кечкурун қиламиз.

К с е н и я. Нима қилмоқчисиз?

Д о к т о р. Консилиум, яъни докторлар кенгаши.

К с е н и я. Вой, шўрим...

Д о к т о р. Унинг кўрқинчли жойи йўқ. Хўш, хайр бўлмаса! *(Чиқиб кетади.)*

К с е н и я. Мунча кўрс бу одам... Уни ўчсин! Беш минутда беш сўлкавой олади. Бир соатда 60 сўм... Буни қаранг!

З в о н ц о в. Операция қилиш керак, дейди.

К с е н и я. Ёришми? Йўқ, бу бўлмайди! Ёришга мен йўл қўймайман...

З в о н ц о в. Менга қаранг, бу нодонлик бўлади! Хирургия, яъни жарроҳлик — бу бир илм...

К с е н и я. Илминг бошингдан қолсин! Тузукми! Сен ҳам менга дағал гапирадиган бўлдинг...

З в о н ц о в. Мен сизга назокат қодаларини ўргатаётганим йўқ, сизнинг нодонлигингизни айтаётгирман...

К с е н и я. Сен ўзинг ҳам жуда аллома бўлиб кетганинг йўқ!

З в о н ц о в қўл силтаб йироқлашади. Г л а ф и р а югуриб ўтади.

К с е н и я. Қарга?

Г л а ф и р а. У уйдан чақирдилар...

К с е н и я у билан бирга эри ёнига кириб кетади.

З в о н ц о в. Қайнота бевақт касал бўлди.

Б а ш к и н. Рост, яхши бўлмади. Шундай замон келдики, эсли одамлар, худди найрангбоз сингари, ҳаводан пул топаётгирлар...

З в о н ц о в. Ҳа, албатта, ундан кейин инқилоб бўлиши аниқ.

Б а ш к и н. У менга маъқул эмас. Бешинчи йилда бир бўлди. Ҳеч нарса чиқмайди.

З в о н ц о в. Бешинчи йилда инқилоб эмас, бир тўпаланг бўлди. У вақтда деҳқонлар билан ишчилар уйларида эдилар. Энди улар уруш майдонида. Эндиги инқилоб тўралар, губирлар, вазирларга қарши бўлади.

Б а ш к и н. Ундай бўлса — берсин худо! Тўралар фуқаронинг баданига, худди канадай ёпишган, узиб олиб бўлмайди...

З в о н ц о в. Оқ подшонинг ишга ярамаслиги кундай равшан бўлиб қолди.

Б а ш к и н. Купецлар орасида ҳам шу гап бор. Аллақандай бир қишлоқи подшонинг хотини тасарруф қилади, дейди.

В а р в а р а зинада қулоқ солмоқда.

З в о н ц о в. Рост. Григорий Распутин деган одам.

Б а ш к и н. Жодугарлик бу! Ишонгим келмайди.

З в о н ц о в. Ўйнаш бўлса-чи? Унга нима дейсиз?

Б а ш к и н. Бу ҳам чўпчакка ўхшайди. Подшонинг хотинига генераллар қаҳатмиди?

В а р в а р а. Йўқ ердаги гапларни гапираётирсиз?

Б а ш к и н. Ҳамма шуни гапиради, Варвара Егоровна, ҳар қалай, менинг фикримча, подшо бўлмаса бўлмайди.

З в о н ц о в. Петроградда ўтирган подшо эмас, фуқаронинг миясига кириб ўтирган подшо. Спектакль тамом бўлдими?

В а р в а р а. Бошқа кунга қолдирилди, аллақандай терговчи келиб: “Кечкурун ярадорлар келади”, деди. Уларга жой йўқ эмиш.

Г л а ф и р а. Мокей Петрович, сизни чақираётирлар.

Б а ш к и н стол устида иссиқ картузини қолдириб, кетади.

В а р в а р а. Нега сен бу билан сир отишасан? Ўзинг биласанки, бу одам биздан гап олиб, ойимга етказида! Шу картузини ўн йилдан бери кияди. Бу — мумсик! Яғири чиқиб кетишти. Ҳайронман, нега сен бу ўғри билан...

З в о н ц о в. Э, кўйсанг-чи! Мен мундан Бетлинга пора бериш учун қарз сўрамоқчиман...

В а р в а р а. Мен, ахир, сенга айтмоқчиманки, у ишларнинг ҳаммасини Жанна орқали, Лиза Достигаев эплайди, деб! Унда арзон ҳам тушади...

З в о н ц о в. Елизаветта сени ёмон туширади...

К с е н и я (*эрининг уйидан туриб*). Бир иш қилиб унатиңг муни: тек ётсин! Ҳалеб юради, зўр бериб Мокейни сўкади... Эй, худойим!..

З в о н ц о в. Борсанг-чи сен, Варя...

Б у л и ч о в (*узун чопон кийган, оёғида кигизли туфли*). Хўш, қани: яна нима дейсан? Уруш ёмонми?

Б а ш к и н (*унинг кетидан келаркан*). Ким бир нарса дейди?

Б у л и ч о в. Ким учун ёмон?

Б а ш к и н. Биз учун.

Б у л и ч о в. “Биз” деганинги ким? Сен ўзинг айтасанки, уруш орқасида одамлар миллион-миллион пул топишаётир. Хўш?

Б а ш к и н. Демак... халқ учун ёмон...

Б у л и ч о в. Халқ деганинги — қишлоқ одами, унга барибир: хоҳ яшасин, хоҳ ўлсин, мана сен айтган ҳақиқат.

К с е н и я. Жаҳлинг чиқмасин, дейман! Сенга зарар қилади...

Б а ш к и н. Нега ундай дейсиз? Шу ҳақиқат бўлдими?

Б у л и ч о в. Асл ҳақиқат, дейсанми? Мана шу — асл ҳақиқат. Мен ростини айтавераман: менинги ишим — пул топиш, қишлоқ одамининг иши — галла етказиб бериш, мол сотиб олиш. Бундан бошқа ҳақиқат борми?

Б а ш к и н. Бу-ку, албатта, шунда-я, лекин шунда ҳам...

Б у л и ч о в. Хўш, гапир: “Шунда ҳам” деганинги нима энди? Менинги давлатимни ўғирлаган вақтингда нима ўйлайсан ўзинги?

Б а ш к и н. Нега мени хўрлайсиз?

К с е н и я. Ҳой, Варя, нимага қараб турасан, ахир? Тинчитсанг-чи отангни. Тинч ётмаса бўлмайди.

Б у л и ч о в. Сен ҳали халқни ўйлайсанми?

Б а ш к и н. Яна тағин кўпчилик олдида хўрлайсиз! Ўғирлаган эмиш! Бунни исбот қилиш керак!

Б у л и ч о в. Исбот қилиб ўтириш керак эмас. Ҳамма биладикки, ўғрилиқ — қонунга сиғадиган иш. Сени хўрлаш ҳам даркор эмас. Хўрлаш билан сен тузалмайсан, балки бадгар бўласан. Ўғрилиқ қилган ҳам сен эмассан, пул ўзи ўғрилиқ қилади. У ўзи каттакон ўғри.

Б а ш к и н. Мунақа гапларни фақат Яков Лаптев гапирарди.

Б у л и ч о в. Ҳали ҳам ўша гапирарди. Бўпти, чиқ энди, Бетлингга пора берманглар. Ҳали ҳам жуда кўп олди; кафанига ҳам, товутига ҳам етади — беимон чолнинг. Сиз нега йиғилдингиз бу ерга — нима ишингиз бор?

В а р в а р а. Ҳеч бир ишимиз йўқ.

Б у л и ч о в. Ҳеч гап ҳам йўқ. Ундай бўлса, ўз ишингизга борингиз. Ўз ишингиз бордир-ку? Аксинья, буюргин, менинг уйимни жиндак шамоллатишин. Жуда ҳавоси бузилди, аччиқ дориларнинг ҳиди босиб кетган. Ҳа, ундан кейин Глафирага айтгин, клоква квасидан олиб келсин.

К с е н и я. Сенга квас ёқмайди-ку?

Б у л и ч о в. Бор, бор! Нима ёқади, нима ёқмайди — ўзим биламан.

К с е н и я (*чиқаркан*). Билсанг эди...

Ҳ а м м а ч и қади.

Б у л и ч о в (*қўли билан столга таянгани ҳолда унинг теғрасини айланади. Ойнага қараб туриб, товушини тўла— деярлик чиқариб сўзланади*). Ишинг ёмон, Егор, афтинг ҳам ўзи, биродар... сира ўзингникига ўхшамайди!

Г л а ф и р а (*патнисда бир стакан сув билан*). Мана, сут.

Б у л и ч о в. Мушукка бер уни. Менга квас бер. Клоква квасидан.

Г л а ф и р а. Сизга квас беришга рухсат этмайдилар.

Б у л и ч о в. Улар рухсат этмайди, лекин сен олиб келавер. Шошма! Сен нечук ўйлайсан: мен ўламанми?

Г л а ф и р а. Бекор гап, ўлмайсиз.

Б у л и ч о в. Нега?

Г л а ф и р а. Ишонмайман.

Б у л и ч о в. Ишонмайсан? Йўқ, азизим, менинг ишим ёмон! Ўзим биламан: жуда ёмон!

Г л а ф и р а. Мен ишонмайман.

Б у л и ч о в. Қайсарсан, қани, квасдан бер! Арақ томизиб ичаман... У фойдалиқ нараса. (*Буфетга томон боради*.) Беркитиб қўйпти, лаънатилар. Чўчка болалари! Сақлаганлари-да. Худди бандига ўхшайман. Қамалган ҳисобида...

П а р д а.

ИККИНЧИ ПАРДА

Буличовнинг меҳмонхонаси. Бурчакда, кичкинагина думалоқ стол теғрасида З в о н ц о в билан Т я т и н ўтирадилар. Столда май шишаси.

З в о н ц о в (*папирос туташтириб*). Уқдингми?

Т я т и н. Инсоф юзасидан айтганда, Андрей, у менга ёқмайди.

З в о н ц о в. Пули-чи, пули ёқадими?

Т я т и н. Афсуски, пули ёқади.

З в о н ц о в. Кимни аяйсан бўлмаса?

Т я т и н. Ўзимни, албатта...

З в о н ц о в. Хўп одамни аяр экансан!

Т я т и н. Ҳарҳолда, биродар, ўзимнинг бирдан-бир дўстим — яна ўзим бўламан.

З в о н ц о в. Сен файласуфлик қилмасдан ўйласанг бўларди.

Т я т и н. Ўйлаб ётибман. У эрка ўсган қиз, у билан умр қилиш қийин бўлади.

З в о н ц о в. Унда ажраласан-кетасан.

Т я т и н. Пул яна ўзига қолади-да...

З в о н ц о в. Биз шундай қиламизки, пул сенда қолади. Шуркани мен ўзим йўлга соламан.

Т я т и н. Инсоф билан айтганда...

З в о н ц о в. Шундай қилиб, уни эрга беришга ошиқадилар-у қалинини кўпайтирадилар.

Т я т и н. Тоза топибсан-да, лекин! Қалини қанча бўлади?

З в о н ц о в. Элик минг...

Т я т и н. Сўмми?

З в о н ц о в. Тугма.

Т я т и н. Ростми?

З в о н ц о в. Аммо сен менга ўнталлик вексель берасан.

Т я т и н. Ўн мингликми?

З в о н ц о в. Йўқ, ўн сўмлик. Эси паст!

Т я т и н. Кўп бу...

З в о н ц о в. Ундай бўлса, бу суҳбатни тўхтатамиз.

Т я т и н. Бу гапларинг... ҳазил эмасми?

З в о н ц о в. Пул устида аҳмоқ одамларгина ҳазиллашади...

Т я т и н. Аммо-лекин... ажойиб маслаҳат топибсан.

Д о с т и г а е в кирди.

З в о н ц о в. Мен шунга хурсандманки, сен ўзинг ҳам унча-мунча тушуниб қолдинг. Сен пролетардан чиққан бир зиёлисан, бу оғир кунларда сенга...

Т я т и н. Ҳа, ҳа, албатта! Мен энди судга жўнайин.

Д о с т и г а е в. Степаша, нега таъбинг хира?

З в о н ц о в. Биз Распутиндан гапириб ўтирган эдик.

Д о с т и г а е в. Толеини айтаман-а? Сибирдан келган оддий бир қишлоқи катта руҳонийлар, вазирлар билан ҳамтовоқ бўлишса! Юз минглаб пулларни ўйнатса! Ўн мингдан кам порани олмаса! Жуда ишончли жойдан эшитдим: ўн мингдан кам бўлса, олмас экан! Нима ичаётирсиз? Бургон майими? Бу ўткир нарса, овқатдан кейин ичиш керак эди, э, маданиятсиз халқ!

З в о н ц о в. Хўш, қайнотангизни топдингизми?

Д о с т и г а е в. Уни топиш нега керак? У ҳеч эрга қочгани йўқ. Сен, Степаша, менга ҳам битта стакан келтирсанг бўлар эди.

Т я т и н шошилмасдан чиқиб кетади.

Д о с т и г а е в. Буличов тўғрисига келсак, гапнинг рости, унинг кўриниши ёмон. Оғир ҳолда шу тобда...

З в о н ц о в. Менинг фикримча ҳам, у энди...

Д о с т и г а е в. Ҳа, ҳа! Шунақа. Ундан кейин ўзи ҳам ўлимдан жуда кўрқади, шу учун ўлмай қолмайди. Сен ҳам шу жиҳатдан бохабар бўлиб тур. Бу замонда оғизни очиб ўтириш бўлмайди, икки қўлни белга қўйиб туриш ярамайди. Давлат биносини, ҳар томондан чўчқалар келиб, ағдарилш ҳаракатида, инқилоб бўлишини губернаторнинг ўзи ҳам билади...

Т я т и н. Егор Васильевич овқат уйига чиқди.

Д о с т и г а е в (*стаканни олиб*). Раҳмат, Степаша! Овқат уйига чиқди, дедингми? Биз ҳам ўша эрга ўтайлик.

З в о н ц о в. Саноатчилар, афтидан, ўз ролларини яхши тушунадилар...

В а р в а р а билан Е л и з а в е т а кириб келишади.

Д о с т и г а е в. Масков саноатчиларими? Улар тушунмаса, ким тушунади!

Е л и з а в е т а. Булар бу ерда бемалол ичишиб, кайф қилиб ўтирипти, у ерда бўлса, Буличов шундай сўкинаётирки, гап эшитиб бўлмайди!

Д о с т и г а е в. Нега Америка ҳадеб гуллайди? Сабаби шуки, у ерда хукумат тепасида хўжайинларнинг ўзлари ўтиради...

В а р в а р а. Жанна Бетлингова Америкада оқсоч хотинларнинг автомобилда бозорга қатнашларига астойдил ишонади.

Д о с т и г а е в. Албатта, мумкин. Фақат, эҳтимолки... Ёлғон бўлса. Хўш, Варвара, сен ҳали ҳам аскарӣй одамлар билан ўралашасанми? Подполковник бўлгинг келадими?¹

В а р в а р а. Ейилиб кетган гаплар! Хўш, Тятин, сиз нима тўғрисида ўйланаётирсиз?

Т я т и н. Шундай... ўзимча... бекор...

Е л и з а в е т а (*ойна олдида*). Кеча Жанна менга бир ажойиб латифа айтиб бердики, худди панд берган гулдай!

Д о с т и г а е в. Қани, қани, эшитайлик-чи?

Е л и з а в е т а. Эркаклар олдида айтиб бўлмайди!

Д о с т и г а е в. Яхши гул экан!

Варвара Елизавета қулоғига бир нарса дейди.

Е л и з а в е т а. Ҳой, эр! Шишанинг қуйқумини ялаганча ўтирасанми бу ерда?

Д о с т и г а е в. Кимга халақит бераётирман?

Е л и з а в е т а (*Т я т и н г а*). Сиз, Стёпочка, муқаддас китобнинг мана бу оятини биласизми: “Оллоҳнинг раҳматига бўлур ул эрким, фосиқлар суҳбатига юрмаса ва гуноҳ қўчаларига кирмаса”?

Т я т и н. Ҳа, шундай бир нарсани хотирлайман...

Е л и з а в е т а (*унинг қўлидан олади*). Мана булар ҳаммаси ўша гуноҳкор фосиқлар-у, сиз ой, севги ва бошқа шу сингари нарсаларни ахтарувчи мўмингина бир йигитсиз — шундай эмасми? (*Олиб чиқиб кетади*.)

Д о с т и г а е в. Ҳа, лақма!

В а р в а р а. Василий Ефимович, онам билан Башкин Мелания холамни чақирдилар.

Д о с т и г а е в. Сўфий холангними? У ҳадик қилса бўладиган даррандалардан! У Достигаев ва Звонцовлар ширкатига қарши, у муни хоҳламайди! У Ксения Буличова ва Достигаев ширкати бўлсин, дейди...

З в о н ц о в. У дастмоя қилиб берган пулларини ҳам қайтариб сўраши мумкин.

Д о с т и г а е в. Меланиянинг қанча пули бор ўзи? Етмиш мингми?

З в о н ц о в. Тўқсон минг.

Д о с т и г а е в. Ҳарҳолда оз маблағ эмас! Ўз пулими ё монастирникими?

З в о н ц о в. Муни қайдан биламан?

Д о с т и г а е в. Билиш мумкин. Ҳамма нарсани билиш мумкин! Мана, немисларни ол: улар уруш майдонидаги аскарларимизнинг ададинигина эмас, уларнинг ҳар бирида нечта бит борлигини ҳам биладилар.

В а р в а р а. Сиз жиддийроқ бир нарса десангиз бўларди.

Д о с т и г а е в. Севимли Варюша, кармонингдаги пулнинг ҳисобини билмасанг, на олди-сотти қилиб бўлади, на уруш. Меланиянинг пулини мана бу йўл билан билиш мумкин. Секлетей Полубояринова деган бир хоним бор. У Никандр ҳазратнинг тунги бедорликларига шерик; ҳазрат бўлсалар пул деган нарсани, кимники бўлса бўлсин, яхши кўрадилар. Ундан ташқари, епархия идорасида бир одам бор, лекин уни запасга сақлаймиз. Сен, Варюша, ўша Болубояринова билан гаплашувни бўйнингга ол, агарда пул монастирники бўлиб чиқса борми, ундан нарисини ўзинг биласан! Шошма, ҳали менинг гўзалим қаерга йўқолди?

Г л а ф и р а. Овқат уйига чиқасизлар экан.

Д о с т и г а е в. Ҳозир. Хўш, қани, кетдикми?

В а р в а р а (*гўёки этаги курсига ялашиб қолгандай*). Андрей, чиқаришиб юборсанг-чи! Сен унга ишонасанми?

¹ Полковникнинг остида бўлгинг келадими, деган қочирим чиқади. — (*Чўлпон эскартиши.*)

З в о н ц о в. Аҳмоқ бормиди?

В а р в а р а. Қандай мутгаҳам нарса экан бу! Холам тўғрисида топган маслаҳатим чакки эмас. Тягинни қандай қиламиз?

З в о н ц о в. Уни ўзим йўлга соламан.

В а р в а р а. Тезроқ бўлиш керак...

З в о н ц о в. Нега?

В а р в а р а. Кўмгандан кейин, ахир, кўп кутишга тўғри келмайдими? Отамнинг юраги ҳам сууст... Ундан кейин, мен билган бошқа сабаблар ҳам бор.

Чиқадилар. Қаршиларидан Г л а ф и р а кириб келади. Уларга хитлик билан қараб қолади, сўнгра столдан идишларни йигади. Л а п т е в кирди.

Г л а ф и р а. Кеча сени қамалган, деб эшитган эдим.

Л а п т е в. Йўғ-е? Эҳтимол, нотўғри гапдир.

Г л а ф и р а. Ҳали ҳам ҳазилни қўймайсан.

Л а п т е в. Егани ҳеч нарса йўқ, кўнгили ўлгур тоза шод!

Г л а ф и р а. Ҳазил-ҳазил билан бошинг кетмасин.

Л а п т е в. Яхши ҳазил бўлса — урмайдилар, балки мақтайдилар. Демак, мен яхши ҳазилга гўшг ошайман, ёмон ҳазилга мушт ошайман...

Г л а ф и р а. Ҳа, сайра, майнам, сайра! У ерда, Шуранинг ёнида Тонька Достигаев ўтирипти.

Л а п т е в. Э, кўй: унинг кераги йўқ!

Г л а ф и р а. Шуранинг ўзини шу ерга чақираман шекилли?

Л а п т е в. Топдинг! Буличов қалай?

Г л а ф и р а (*аччиқланиб*). Нега уни Буличов дейсан? Сенинг отахонинг-ку!

Л а п т е в. Қўйинг, Глаша хола, аччиқланманг!

Г л а ф и р а. Унинг аҳволи оғир.

Л а п т е в. Оғир! Шошма, шошма! Менинг энг яқин ўртоқларим оч ўтиришипти, Глаша хола, икки пудгина, иложи бўлса, бирор қоп ун топиб беролмайсанми?

Г л а ф и р а. Нима қилай: сенга деб хўжайинларимникидан ўғирлаб берайми?

Л а п т е в. Ахир, бир бўлаётган иш эмас-ку! Барибир, илгари ҳам қилгансан бу гуноҳни, гуноҳи менинг бўйнимда! Бечора болаларнинг қорни ўлгудай оч! Бу даргоҳда қилган хизматларинг учун сенга тегадиган ҳақ хўжайинларга тегадиганидан ортиқ бўлиши керак.

Г л а ф и р а. Мунақа афсоналарингни кўп эшитганман! Эртага эрта билан Донатга ун жўнатадилар, бир қоп ўшандан оларсан. (*Чиқади*.)

Л а п т е в. Ҳа, раҳмат! (*Диванга ўтириб, жуда қаттиқ— кўзидан ёш чиққунча эснайди, сўнгра кўзини артиб, у ёқ-бу ёққа қарайди*.)

К с е н и я (*сўзланиб киради*). Ажина исириқдан қочгандай қочишади...

Л а п т е в. Омонмисиз?

К с е н и я. Вой, ўлай! Ҳой, бу ерда нима қилиб ўтирибсан?

Л а п т е в. Ўтирмасдан юрсам бўлармиди?

К с е н и я. Излаганда ҳеч қайдан топилмайсан, изламаганда шунақа бирваракайсига оёқ остидан чиқиб қоласан! Худди бекинмачоқ ўйнагандай. Отахонинг оғриб ётипти, сен бўлсанг ҳеч парво қилмайсан...

Л а п т е в. Мен ҳам касал бўлайми йўқаса?

К с е н и я. Сиз ҳаммангиз жинни бўлибсиз, бошқаларни ҳам жинни қиласиз. Ҳеч нарса тушуниб бўлмайди! Мана энди оқ подшоҳи ҳам, Пугачев сингари, қафасга қамамоқчи эмишлар. Хўш, доно йигит, ёлғонми бу гаплар?

Л а п т е в. Мумкин, ҳар нарсанинг бўлиши мумкин!

Г л а ф и р а. Аксинья Яковлевна, бир нафасга.

К с е н и я. Яна нима дейсиз? Бир нафас тиним йўқ... Э, худо... (*Чиқади*.)

Ш у р а (*югуриб киради*). Омонмисан?

Л а п т е в. Ҳа, Шурочка! Мен Масковга кетаётирман, пулим йўқ, бир иложини қилпин!

Ш у р а. Менинг ўтгиз сўм пулим бор, холос.
 Л а п т е в. Эллик сўм бўлсайди-а?
 Ш у р а. Топаман.
 Л а п т е в. Кечкурун, поезд вақтигача? Бўладими?
 Ш у р а. Ҳа. Менга қара, инқилоб бўладими?
 Л а п т е в. Ҳа, бошланиб кетди-ку! Нима бало, газет ўқимайсанми?
 Ш у р а. Газетга тушунмайман мен.
 Л а п т е в. Тушунмасанг, Тятиндан сўра.
 Ш у р а. Яков, инсоф билан айт, Тятин қанақа одам?
 Л а п т е в. Ана, холос! Сен, ахир, ярим йилдан бери ҳар кун кўришиб турасан-ку.
 Ш у р а. Номуслик одамми?
 Л а п т е в. Ҳа... дуруст, номуслик.
 Ш у р а. Нега чучмалланиб айтасан?
 Л а п т е в. Бўшанг нарса. Таъби тиррикроқ. Бир нарсадан озурдами, дейман.
 Ш у р а. Нимадан?
 Л а п т е в. Дорилфунуннинг иккинчи синфидан ҳайдаптилар. Ўз акасига мирзалик қилади, акаси бўлса...
 Ш у р а. Нима, Звонцов ярамас одамми?
 Л а п т е в. Либерал ҳам кадет, улар умуман ярамас одамлар бўлади. Пулни сен Глафирага тошширгин, у менга етказди.
 Ш у р а. Глафира билан Тятин сенга ёрдам қилишадими?
 Л а п т е в. Нима хусусда?
 Ш у р а. Гўликни қўй, Яшка! Ўзинг биласан. Мен ҳам ёрдам қилмоқчиман, билдингми?
 Л а п т е в (*ҳайрон бўлиб*). Нима бўлди сенга, қизгина? Энди уйқудан уйғондингми?
 Ш у р а (*аччиқланиб*). Мени хўрлай кўрма! Аҳмоқсан сен!
 Л а п т е в. Эҳтимол, аҳмоқдирман, лекин ҳарҳолда мен сени англамоқ истар эдимки...
 Ш у р а. Варвара келаётир.
 Л а п т е в. Мен уни кўргим йўқ.
 Ш у р а. Кетдик бўлмаса... Тез.
 Л а п т е в (*қўлини унинг елкасига ташлаб*). Чинакам, сенга нима бўлди?

Чиқиб, эшикни беркитадилар.

В а р в а р а (*Эшик қулфининг шарақлаганини эшитади, эшикка яқин келади, қабзасини айлантириб кўради*). Ҳи, Глафирамисан? (*Пауза.*) Биров борми у ёқда? Қизиқ... (*Тезгина чиқиб кетади.*)

Ш у р а Д о н а тни етаклаб киради.

Д о н а т. Ҳой, Шуражон, қаерга судрайсан мени?..
 Ш у р а. Тўхта! Айтиб бер менга: отамни шаҳарда иззат қиладиларми?
 Д о н а т. Бой одамни ҳар қайда иззат қиладилар. Шўхлигинг қолмайди сира...
 Ш у р а. Иззат қиладиларми ё кўрқадиларми?
 Д о н а т. Кўрқишмаса, иззат қилишармиди?
 Ш у р а. Нимага яхши кўрадилар?
 Д о н а т. Яхши кўрадилар? Унисини билмайман.
 Ш у р а. Яхши кўрганларни биласанми?
 Д о н а т. Уними? Қайдам? Извошчилар уни яхши кўришадирганга ўхшайди, нега десанг, у извошга баҳолашмасдан тушар экан-да, сўраганларини берар экан. Извошчи халқи шунақа: бири-бирига айтади-ю шу билан...
 Ш у р а (*ер тепиниб*). Масхара қиლაётирсанми?
 Д о н а т. Нега? Мен ҳақ гапни айтаётирман.
 Ш у р а. Сенинг феълинг айнипти. Сен бутун бошқа одам бўлиб қолибсан!

Д о н а т. Э, бизга бошқа одам бўлиш қаёқда? Вақтим ўтган менинг.

Ш у р а. Отамни мақтаган ўзинг эдинг.

Д о н а т. Уни ёмонлаганим ҳам йўқ. Ҳар ким ўз қадрича...

Ш у р а. Ҳаммангиз ёлғончисиз!

Д о н а т (*бошини қуйи эгиб, қаттиқ нафас олиб*). Аччиғинг келмасин, ачиқ билан ҳеч нарса уқтиролмайсан.

Ш у р а. Бор, йўқол! Менга қара, Глафира... Биров келаётганга ўхшайди... (*Эшик пардасига беркинади.*)

А л е к с е й Д о с т и г а е в киради; олифта, бўқоқ, шим, исвес (швед) курткаси; ҳаммаёғи қайиш билан кармон.

А л е к с е й. Борган сари очилаётирсизми, дейман, Глаша?

Г л а ф и р а (*қовоғи солиқ*). Хуш ёқадиган гаплар...

А л е к с е й. Аммо менга хуш ёқмайди. (*Глафиранинг йўлини тўсади.*)
Ўзимники бўлмаса, ҳар қандай яхши нарсани ҳам ёқтирмайман.

Г л а ф и р а. Йўл беринг, яхши йигит...

А л е к с е й. Марҳамат қилинг. (*Бир эснаб олиб, соатига қарайди.*)

А н т о н и н а киради, бир оз кейин — Т я т и н.

Ш у р а. Сен, афтидан, оқсоч хотинларга ҳам хушомад қила берасан?

А н т о н и н а. Мунга барибир: балиқларга ҳам хушомад қила беради.

А л е к с е й. Оқсоч хотинларнинг кийимларини ечиб қўйсанг, танноз оймлардан қолишадиган жойи йўқ.

А н т о н и н а. Эшитаётирсанми? Бу энди, қачон кўрсанг, шундай гапларни гапирадиган бўлиптики, эшитган одам буни уруш майдонига борган, демайди, бузуқхонада яшаган, дейди...

Ш у р а. Бу илгари ҳам шунақа эринчоқ нарса эди-ку, лекин сўзга мунча дадил эмас эди.

А л е к с е й. Мен ишга ҳам дадилман.

А н т о н и н а. Вой, мунинг ёлғон айтишини-ей! Бу, қўрқоқ, жуда ёмон қўрқоқ. Бирорта ўтай она йўлдан урмасин, деб шунақа қўрқадик!

А л е к с е й. Бунча тўқийсан! Эси паст қиз!

А н т о н и н а. Ундан кейин, ўлгудек очкўз! Биласанми, хунук гап гапирмайдиган, бирорта кунингта деб унга бир сўму йигирма тийин берсам, шуни олади.

А л е к с е й. Тятин! Антонина сизга ёқадими?

Т я т и н. Ҳа, жуда.

Ш у р а. Мен-чи?

Т я т и н. Гапнинг ростини айтсамми..

Ш у р а. Ҳа, албатта, ростини!

Т я т и н. Сиз унча ёқмайсиз.

Ш у р а. Шундайми? Ростми?

Т я т и н. Ҳа.

А н т о н и н а. Ишонма! У худди орият ҳақида гапиргандай қилиб айтди.

А л е к с е й. Сиз, Тятин, Антонинага уйлансангиз бўлар эди. У менинг жонимга теккан...

А н т о н и н а. Унинг ўчкур! Тур, йўқол! Бўғоз бўлган кирчи хотинга ўхшайсан.

А л е к с е й (*унинг белидан қучоқлаб*). Оҳ, қандай бегойим! Димоғингизни мунчалар минора айламайгайсиз, тақсирим.

А н т о н и н а. Йўқол, дейман!

А л е к с е й. Жоним билан. (*У билан ўйинга тушади.*)

Ш у р а. Мен, балки, сизга сира ёқмасман, Тятин?

Т я т и н. Нега сиз мени билмакчи бўласиз?

Ш у р а. Керак. Қизикаман.

А л е к с е й. Сен нега имиллайсан? У ўзи сенга тегаман, деб олиб кетаётир. Шу топда ҳамма қизлар уруш қаҳрамонларига тегиб, тул қолишни орзу қиладилар. Нега десанг: паёғи, шуҳрати, нафақаси бор.

А н т о н и н а. У ўзи шу гап билан қойил қилдим, деб ўйлайди!
А л е к с е й. Кетдим энди. Ўз йўлимга, Таня, эшик олдигача узатиб қўй мени.

А н т о н и н а. Хоҳламайман!

А л е к с е й. Керагинг бор менга. Жиддий айтаман, юр!

А н т о н и н а. Бўлса-мўлса бир бемаъни гапдир.

Ш у р а. Тятин, сиз ҳаққоний одамми сиз?

Т я т и н. Йўқ,

Ш у р а. Нега?

Т я т и н. Зарарлик.

Ш у р а. Модомики, шундай дейсиз, демак, ҳаққоний одам экансиз. Хўш, энди дарҳол жавобини беринг: менга уйланинг, деб сизга кенгаш берувчилар бўлдимиз?

Т я т и н (*папиросини чека-чека, тихир қилиброқ*). Бўлди.

Ш у р а. Бу маслаҳатнинг ярамаслигини ўзингиз биласизми?

Т я т и н. Биламан.

Ш у р а. Ҳа, сиз... Қутмаган эдим, лекин! Мен ўйлаган эдимки, сиз...

Т я т и н. “Ёмон одам”, деб ўйлаган бўлсангиз керак?

Ш у р а. Йўқ, сиз... жуда яхши экансиз! Балки, биз айёрдирмиз, шундайдир? Ўзингизни ҳаққоний кўрсатадигандирсиз? Менинг бошимни айлантириш учун.

Т я т и н. Бу нарса менинг қўлимдан келмайди. Сиз — эслик, узиқора, шўх қизсиз; худди отангизга ўхшайсиз. Гапнинг рости, мен сиздан кўрқаман ҳам. Егор Васильевичга ўхшаб сариқсиз. Ўт ўчирувчиларнинг машъали сингари.

Ш у р а. Сизга, Тятин, ё офарин ўқиш керак, ё бўлмаса мунча айёрлигингизга тан бериш керак...

Т я т и н. Сизнинг юзингиз ҳам алланечук — ҳеч кимда кўрилмайдиган юз...

Ш у р а. Юз тўғрисидаги бу сўзлар, ҳалиги калтак зарбасини юмшатиш учун бўлса керак. Йўқ, сиз айёр одамсиз!

Т я т и н. Хоҳлаганингизни ўйланг. Менингча, сиз, албатта, бир ёмон иш қилиб қўясиз! Мен бўлсам, бир хил айбдор кучукларга ўхшаб, оёғимни юкори кўтариб ётишга ўрганганман, билсангиз...

Ш у р а. Айбдор, дейсиз, айблари нима?

Т я т и н. Билмайман, айблари шуки, ўзлари кучук бола, ундан кейин тишлари йўқ, бировни тишлай олмайдилар.

А н т о н и н а (*кириб келади*). Анови тентак Алёша қулоғимни шундай ёмон бурадики, худди ўт чиқиб кетди, дедим. Кисовурга ўхшаб бор пулимни пилиб олди! Бу бола ичкиликка берилиб расво бўлади, бу турган гап! У билан сиз шунақа — ҳеч нарсага ярамайдиган “купец” болаларимиз. Сен куладигандирсан?

Ш у р а. Тоня, мунга ёмонлаб мен сенга нима деган бўлсам, ҳаммасини унут!

А н т о н и н а. Тятин тўғрисидами? Нималар деб эдинг? Эсимда йўқ менинг.

Ш у р а. Унинг менга уйланмакчи бўлиб юрганини.

А н т о н и н а. Мунинг нимаси ёмон?

Ш у р а. Пул учун.

А н т о н и н а. Ҳа, дуруст! Бу, лекин, ҳайвонликдан бошқа нарса эмас, Тятин!

Ш у р а. Эссизки, сен мен берган саволларга мунинг қандай жавоблар берганини эшитмадинг.

А н т о н и н а. Варумники сингари сўзлардир. Шубертнинг “Варум”и эсингда борми?

Т я т и н. Ростдан Шубертникими?

А н т о н и н а. Варум марабу деган қушга жуда ўхшайди, у қуш жуда тунд нарса бўлади, ўзи... Африкада яшайди.

Ш у р а. Нималарни тўқиб ёгирсан?

А н т о н и н а. Менинг ваҳималик нарсаларга борган сари ҳавасим ортади.

Ваҳималикки бўлди, зерикмайсан киши. Қоронғи-зимистонда ўтириб, каттакон бир илоннинг вишиллаб кириб келишини кутиб ўтиришдан завқ олардим..

Т я т и н (*кулиб*). Беҳишга кирган илоннингми?

А н т о н и н а. Йўқ, қўрқинчроғининг.

Ш у р а. Сен антиқа нарсасан. Ҳаммавақт янги-янги нарсаларни топиб гапирасан. Бошқалар бўлса ҳадеб бир нарсани қайтара беришади. Уруш, Распугин, оқ подшонинг хотини, немислар, уруш, инқилоб...

А н т о н и н а. Сен ё актриса бўласан, ё сўфий хотин.

Ш у р а. Сўфий хотин? Беҳуда нарса!

А н т о н и н а. Сўфий хотин бўлиш жуда қийин, доим бир ролни ўйнаш керак бўлади.

Ш у р а. Мен Золянинг Нанаси сингари сатанг бўлсам, дейман.

Т я т и н. Ҳали сиздан чиқадиган гап шуми? Бўлган экан!

Ш у р а. Мен одамларни йўлдан урсам, сузсам, ўч олсам, дейман.

Т я т и н. Нима учун?

Ш у р а. Мен сариқ туғилиб қолганим учун, отам касал бўлгани учун...

Ҳаммаси учун! Инқилоб бошлангандан кейин мен қанот ёяман! Кўрасан!

А н т о н и н а. Инқилоб бўлишига ишонасанми сен?

Ш у р а. Ҳа! Ҳа!

Т я т и н. Инқилоб бўлади!

Г л а ф и р а. Шура, Мелания, ана, келдилар. Егор Васильевич уни шу ерда қабул қилмоқчи.

Ш у р а. Вой, холам келипти. Қочингиз, болалар, менинг ёнимга! Тятин, сиз акангизни жуда яхши кўрасизми?

Т я т и н. У менинг ўтай акам.

Ш у р а. Бу жавоб эмас.

Т я т и н. Умуман, ҳамма қариндошлар ҳам бир-бирларини унча яхши кўрмасалар керак.

Ш у р а. Сиз жуда ғалати одамсиз, Тятин!

Т я т и н. Қандоқ қилай?

Ш у р а. Кийим кийишларингиз ҳам ғалати.

Чиқадилар. Г л а ф и р а парда кетида кўринмай турган эшикни очади. Ёшлар чиққан эшикда Б у л и ч о в кўринади. Сўфий хотинлар бошлиғи М е л а н и я, қўлида ҳассаси, аста-секин ва сиполярча қадам қўйиб кириб келади. Г л а ф и р а бошини қуйи эгиб, пардани ушлаган ҳолда туради.

М е л а н и я. Сен, ҳали ҳам шу ерда сурканиб юрибсанми? Сени ҳайдаб юбормадиларми? Хайр, яқинда ҳайдайдилар.

Б у л и ч о в. Унда сен мени сўфийликка олгин, пули бор.

М е л а н и я. Ҳа, сен шу ердამисан? Вой, Егор, одамлик тусинг қолмапти сенинг! Ё парвардигор-а!

Б у л и ч о в. Глаха, эшикни ёп, ундан кейин бу ерга ҳеч кимни киргизма. Ўтир... эшонойим! Қандай ишлар хусусида гаплашамиз?

М е л а н и я. Докторларинг фойда бермадимми? Ҳа! Кўрасанми, худованди карим кун чидайди, ой чидайди, йил чидайди...

Б у л и ч о в. Худованди карим тўғрисида — кейин, кел, илгари иш тўғрисида гаплашайлик. Мен биламан: пулинг тўғрисида гаплашгани келгансан.

М е л а н и я. Пул меники эмас, монастирники.

Б у л и ч о в. Барибир эмасми: монастирники, яъни хонақонники, хонақонники — талаганники. Нега пулнинг ташвишини қиласан? Мен ўлсам, куйиб кетади, деб қўрқасанми?

М е л а н и я. Улар куйиб кетмайди-ку-я, бировларнинг қўлига тушмасин, дейман.

Б у л и ч о в. Бўлмаса, ишлаб турган жойидан тортиб оламан, дейсанми. Менга барибир, олавер. Лекин, билиб қўй: бой берасан! Сўм деган нарса шу тарзда соллотнинг битидай бири минг бўлаётир. Мен бўлсам, унақа ўладиган касал эмасман...

М е л а н и я. Ўлимнинг вақти-соати бандасига маълум эмас. Дин амрига мувофиқ васиятингни ёздингми?

Буличов. Йўқ!

Мелания. Вақти келди. Ёзиш керак! Бирдан худованди карим чақириб қолса...

Буличов. Нима керагим бор унга?

Мелания. “Астафурullo”, де! Унақа куфур хатони эшитгани тобим йўқ, ундан кейин менинг мана бу руҳонийлик рутбам ҳам кўтармайди...

Буличов. Э, бас қил мунақа гапларни, Мелания! Биз бир-биримизни кўриб биламиз, синаб ҳам биламиз. Пул керак бўлса, олавер, Буличовда пул деганинг кўп!

Мелания. Дастмоя солиб ишлаб турган пулни олмоқчи эмасман, аммо векселларни Аксинья номига ёздириб қўймоқчиман. Мана шу сени огоҳлантирганим бўлади.

Буличов. Шундай, дегин. Ҳай, майли: бу иш — сенинг ишинг! Аммо-лекин, мен ўлганимдан кейин Звонцов Аксиньяни туширади. Варвара бу тўғрида Звонцовга ёрдам беради...

Мелания. Ҳа, тилинг бошқача айланиб қолдими?

Буличов. Менинг бошқа нарсага жаҳлим чиқади. Қани, кел, энди худо тўғрисида, руҳ тўғрисида гаплашайлик.

Йигитлик, ёшлик чоғимда кўп журму хато бўлди,
Қарилик вазмини чўккач, керакдир тавбалар қилмоқ.

Мелания. Хўш, қани... гашир!

Буличов. Мана сен кеча-кундуз худонинг қуллигини қиласан, чунончи, масалан, Глафира менинг қуллимни қилгандай.

Мелания. Куфурга кетма! Эсингни едингми? Глафира кечалари сенга қанақа қулик қилади?

Буличов. Айтиб берайми?

Мелания. Куфурга кетма, дейман! Эсинг кирсин!

Буличов. Ушқирма! Мен содда қилиб гапирарман: сертакаллуф дуолар тили билан эмас, одамзод тили билан. Сен Глафирага: “Яқинда сени ҳайдайдилар”, дединг. Демак, тезда ўлиб кетишимга ишонар экансан-да? Бу нега керак? Ана, Вовка Достигаев, мenden тўққиз ёш катта, муттаҳамликда мени қочиради, аммо ўзи сошпа-соғ, ҳали кўп умр кўради. Хотини бўлса — уччига чиққанлардан! Албатта, мен гуноҳкор бир бандаман, одамларга озор берганман, ишқилиб... Ҳар тўғрида... гуноҳкорман. Ундай десак, озор бермаган ким бор? Бошқа иложи ҳам йўқ, дунё шу ўзи.

Мелания. Сен менинг олдимда, одам болалари олдида тавба қилмасдан, худонинг олдида тавба қил. Бандаси кечиролмайди, худо бўлса — ёрлақовчи. Ўзинг биласан: бурун замонларда ўғрилар гуноҳни қилиб-қилиб худога бир тавба-тазарру қилишар экан-да, шу билан гуноҳларидан покланишиб кетар экан!

Буличов. Ҳа, албатта, ўғирлаб-ўғирлаб ўша ўғирлик пул билан ибодатхонага шам ёқиб қўйсанг — сендан яхши ким бўлади?

Мелания. Его-ор! Ёмон айнидинг, қулоқ солмайман! Сен эси йўқ одам эмассан, тушунинг керакки, худонинг изни бўлмаса, шайтон йўлдан уролмайди.

Буличов. Ҳа, баракалла, раҳмат, раҳмат!

Мелания. Бу нима тагин?

Буличов. Тинчитиб қўйинг. Мундан чиқадики, шайтон одамларни йўлдан ураман, деса, худо бемалол йўл қўяр экан, демак, ҳалиги гуноҳ ишларда шайтон билан менга шерик экан-да?..

Мелания (*ўрндан туриб*). Бу гапларинг... Сенинг бу гапларинг шундай гапларки, руҳоний улугимиз Никандрга етгудай бўлса...

Буличов. Менинг хатом қайда?

Мелания. Зиндиқсан сен! Ўзинг ўйла: Айниган миянгга нималар келиб кетмапти? Ўзинг тушунасан-ку: шайтоннинг сени йўлдан оздиришига худо изн берган бўлса, демакки, у сендан юз ўгирипти.

Буличов. Юз ўгирипти? Нима учун? Пулни яхши кўрганим учун,

хотинларни яхши кўрганим учун, сенинг эси паст синглингга — пулига қизиқиб уйланганим учун, сен билан ўйнашиб юрганим учун — мана шулар учун юз ўтирдими? Э, сен ўзинг бир гўнг қарғага ўхшайсан, ҳадеб ғағиллайсан, маъни деган нарса йўқ!

Мелания (ўзини *йўқотар даражада*). Сенга нима бўлди, Егор? Жинни-минни бўлдингми? Ё Оллоҳ...

Буличов. Жом остида кечаси-ю кундузи ибодат қиласан. Кимга ибодат қилганингни ўзинг билмайсан.

Мелания. Егор! Ҳалокатга учраётирсан! Дўзах қаърига... Шундай нозик замонда... Дунё бузилаётир, қанча подшолардан қолган тахтни ёмонлар тебратиб ётир. Дажжолли лаъин замони... Эҳтимол, қиёмат-қойим яқиндир...

Буличов. Эсингга тушди ҳаммаси! Охир замона.. Қиёмат-қойим... Ҳаммаси! Эҳ, қарға! Аллақайдан учиб келиб, тоза ғағилладинг! Бор энди, ўз чилтонхонангга бориб, ўша сўфий қизларинг, тақводор кампирларинг билан ўпишиб ёт! Пул ўрнига мендан мана буни оласан, ма! ("*Қукиш*" *кўрсатади*).

Мелания (*хайрон, креслога худди йиқилгандай бўлиб ўтиради*). Вой, муттаҳам — ўғри!..

Буличов. Глафира — зониями? Сен ўзинг-чи? Ўзинг нимасан?

Мелания. Ёлғон... ёлғон... (*Ўрнидан ирғиб туриб кетади*.) Муттаҳам! Яқинда жувонмарг бўласан! Ҳашорат!

Буличов. Йўқол! Йўқол шу ердан! Бекорга...

Мелания. Илон... иблис...

Буличов (*ўзи ёлғиз, бақиради, ўнг биқинини силайди, қичқиради*). Глафира! Ҳой!

Ксениа. Нима дейсан? Мелания қани?

Буличов. Учиб кетди!

Ксениа. Оббо, яна уришдингизми?

Буличов. Сен қачонгача ўтирасан шу ерда?

Ксениа. Бир оғиз гапимга қулоқ сол, ахир, Егор! Мен билан ҳали ҳам сира гаплашмай кўйдинг, жони йўқ маймунманми мен! Бу қандай муомила, ахир?

Буличов. Бўл, бўл, гапингни гапир!

Ксениа. Нима балолар бошланди бизникида? Ё қиёмат-қойим бўлдимми? Куёвимиз юқорида ўз уйида ишратхона очипти, эртадан-кечгача одамлар йиғилиб мажлис қилишар экан. Кеча етти шиша қизилдан ичиптилар, яна қанча арақ... Дарвозабонимиз Измоил келиб "дод" деди: миршаблар келавериб жонига тегипти, ҳадеб бизникига кимлар келганини сўрармиш. Улар бўлса у ерда ҳадеб оқ подшо тўғрисида, вазиру вазаролар тўғрисида гапиришармиш. Ҳар кун шу ишрат, дёйди. Нега бошингни куйи солиб олдинг?

Буличов. Бўл, бўл, гапингни тугат! Ёшлигимда мен ҳам шунақа чолғу билан ишрат қилишни яхши кўрардим.

Ксениа. Малаша нега келган экан?

Буличов. Сен, Аксинья ёлғонни эплаёлмайсан! Мунга аҳмоқлик қилиб қоласан.

Ксениа. Қачон мен ёлғон айтибман, қаерда?

Буличов. Шу ерда. Мелания сен билан гапни бир жойга кўйиб, пул тўғрисида гаплашгани келган.

Ксениа. Мен қачон у билан гапни бир жойга кўйибман; шу ҳам гапми?

Буличов. Ҳа, бўпти. Оғзингни юм...

Достигаев, Звонцов ва Павлинлар жонланган бир ҳолда келадилар.

Достигаев. Егор, гапга қулоқ сол: Павлин домла Масковдан ғалати гаплар топиб келипти...

Ксениа. Сен ётиб ором олсанг бўларди, Егор!

Буличов. Ҳўп, қулоғим... домлада!

Павлин. Гаширадим яхши гашим жуда оз, ундан кейин, менинг фикримча, шу замоннинг яхши нарсаси ҳам — ёмон, чароки уруцдан бурунги маишат энди бир ҳаёл бўлиб қолди...

Достигаев. Йўқ, мен мунга норозиман! Йў-ўқ!

Звонцов қайнонаси билан пичирлашади.

К с е н и я. Йиғлаяптими?

Д о с т и г а е в. Ким йиғлайди?

К с е н и я. Сўфий кампиримиз.

Д о с т и г а е в. Нима бўлипти унга?

Б у л и ч о в. Қани, чиқиб хабар олинглар-чи, нимадан қўрқди экан? Қани, домла, ўтиринг. Гапни эшитайлик.

Д о с т и г а е в. Қизиқ, бу Мелания нимасини қизғониб йиғлар экан?

П а в л и н. Масковда катта ҳаяжон бор. Ҳатто ақли ҳуши жиҳатидан солиҳ саналган одамлар ҳам — “Оқ подшо мамлакат идорасини эплотмаяпти, уни тушириш керак!” дейдилар.

Б у л и ч о в. Йигирма йилдан бери эшлаб келган эди.

П а в л и н. Умрнинг ўтиши билан одамнинг қуввати камаяди.

Б у л и ч о в. Ўн учинчи йилда Романовлар хонадони уч юз йиллик байрамини ўтказган вақтда, Николайнинг ўзи келиб, менинг қўлимни сиққан эди. Ҳамма халқ, бутун Кострома хурсандлик қилган эди.

П а в л и н. Бу рост. Чинакам, халқ хурсандлик қилган эди.

Б у л и ч о в. Энди нима бўлипти? Мана, Думамиз ҳам бор... Йўқ, гап подшога эмас... Гап туб негизда...

П а в л и н. Ўша туб негиз — подшо идорасида.

Б у л и ч о в. Ҳамма нарса бир кучга... ўз кучига таяниб туради... Хўш, қани энди ўша куч? Уруш майдонида биз уни кўрмадик...

П а в л и н. Дума кучларнинг тўзишига сабаб бўлди.

Е л и з а в е т а (*остонада туриб*). Домла, тақсир, сиз ваъз-насиҳат билан машғулмисиз?

П а в л и н. Хўш, нима гапинглар бор эди?

Е л и з а в е т а. Менинг эрим қани?

П а в л и н. Шу ерда эди!

Е л и з а в е т а. Букун мунча заптига олибсиз, домла тақсир? (*Кўздан йўқ бўлади.*)

Б у л и ч о в. Тақсир...

П а в л и н. Нима дейсиз?

Б у л и ч о в. Биз ҳаммани “ота” деймиз. Бизда: худо — ота, оқ подшо — ота, сиз — ота, мен — ота. Аммо-лекин, кучимиз йўқ. Ҳаммамиз ўлим учун яшаймиз. Мен ўзимни айтаётганим йўқ, мен уруш тўғрисида, у улгуржи ўлим тўғрисида гапираётгирман. Худди от ўйинидаги сингари, катақда ётган йиртқич арслонни одамлар устига қўйиб юборганлар.

П а в л и н. Сиз тинчланинг, Егор Васильевич...

Б у л и ч о в. Нечик? Ким мени тинчитади? Нима билан? Хўп, тинчитинг мени сиз... домла! Тинчитадиган кучни кўрсатинг!

П а в л и н. Китоби муқаддасни ўқинг, чунончи, масалан, Исо Навиннинг Тавротини хотирлаш яхши бўлади... Уруш — китобда бор...

Б у л и ч о в. Гапирма! Қандай китоб у? Китоб эмас, афсона. Офтобни тўхтагиб бўлмайди. Ёлгон!

П а в л и н. Норози бўлиш, нолиш — зўр гуноҳ. Ўзимизнинг гуноҳлар билан тўлиб-тошган бу ҳаётимиз учун юборилган илоҳий жазони мулойим бир кўнгил билан бўйин эгиб қарши олишимиз керак.

Б у л и ч о в. Оқсоқолимиз Алексей Губин сизга озор еткизганда сиз ўзингиз бўйингизни эгиб бердингизми? Сиз уни судга бериб, Звонцовни закончиликка ёлламадингизми? Сизни бош руҳоний ёқлаб чиқмадимми? Хўш, қани: мана бу дардим устидан кимга ариза бераман? Вақтидан бурун ўлиб кетишим тўғрисида кимга “дод” дейман? Сиз ўзингиз индамасдан ўлиб кетасизми? Мулойим кўнгил билан? Йўқ, бир ўкирасиз, бир “дод-вой” қиласизки!

П а в л и н. Менинг руҳоний мансабим менга мунақа гапларни эшитишга йўл қўймайди. Чароки, булар шундай сўзларки...

Б у л и ч о в. Қўйинг, тақсир! Сиз ҳам одамсиз. Бу ридо — бир парда,

холос, у бўлмаса сиз менга ўхшаган оддий бир одамсиз. Доктор бўлса, юрагинг ёмон, ёғ босган, дейди...

П а в л и н. Бундай гаплардан нима чиқади? Ўзингиз ўйланг-у ваҳм қилинг! Неча минг йиллардан бери қарор топиб қолганки...

Б у л и ч о в. Қарор топишти-ю, лекин мустаҳкам бўлмапти.

П а в л и н. Лев Толстой зиндиқ одам эди, беимонлиги важдан диндан мардуд бўлаётган эди; аммо ўлимдан, худди дарранда сингари, ўрмонларга қочди.

К с е н и я. Егор Васильевич, Мокей келипти. Яковни кечаси жандармалар қамоққа олиб кетишипти, шунга сўрайдики...

Б у л и ч о в. Хўш, қуллуқ сизга, домла Павлин... насиҳатларингиз учун! Сизга яна... заҳмат берарман! Башкинни чақир, Аксинья! Глафирага айт: ширбиринчини олиб келсин. Анави дорини ҳам.

К с е н и я. Арақ сенга ёқмайди...

Б у л и ч о в. Ҳамма нарса ёқади! Бор! (*Кулимсираб, у ёқ-бу ёққа қарайди, ғудуранади.*) Домла Павлин... лан... Сен, Егор, папирос чексанг бўларди. Тугун бўлса яхши, кўп нарсани беркатади... Хўш, Мокей, нима гап?

Б а ш к и н. Қалайсиз. Егор Васильевич?

Б у л и ч о в. Тузалиб келаётирман. Яковни қамоққа олдиларми?

Б а ш к и н. Ҳа, бугун кечаси. Ёмон бўлди!

Б у л и ч о в. Ўшанинг ўзиними?

Б а ш к и н. Айтишларидан аллақайси бир соатсозни, ундан кейин қизингиз Александрани ўқитган Калмикова деган муаллимани, машхур тўполончилардан کوچегар Ериховни. Ўнтача бор эмиш.

Б у л и ч о в. Ҳаммаси ўша: “Оқ подшо йўқ бўлсин!” деганларданмикин?

Б а ш к и н. Улар бу тўғрида... ҳар хилга бўлинармиш: баъзилари: “Оқ подшо йўқ бўлсин!” дермиш, баъзилари бўлса — “Ҳамма бойлар ҳам йўқ бўлсин, юртни ишчилар ўзи сўрасин”, дейдимиз...

Б у л и ч о в. Беҳуда гап!

Б а ш к и н. Албатта.

Б у л и ч о в. Бугун мамлакатни ичиб битирадилар.

Б а ш к и н. Бошқа нима бўларди!

Б у л и ч о в. Ҳа... Борди-ю ичиб битиришмадими?

Б а ш к и н. Улар, ахир, хўжайинсиз нима қила олардилар?

Б у л и ч о в. Рост. Сен бўлмасанг, Василий Достигаев бўлмаса, яшаб бўладими?..

Б а ш к и н. Сиз ўзингиз ҳам хўжайинсиз-ку...

Б у л и ч о в. Бўлмасам-чи? Мен ҳам. Нима деб ашула айтар эмиш?

Б а ш к и н. “Эски дунёларни ташлаймиз биз...”

Б у л и ч о в. Хўш?

Б а ш к и н. “Чангини қўймайин артамыз...”

Б у л и ч о в. Сўзлари ибодатга ўхшайди.

Б а ш к и н. Ибодатга ўхшаш қаёқда? “Подшони... ўрдани ёмон кўрамыз” эмиш...

Б у л и ч о в. Шундайми! Хоҳ-қо... А, шайтонлар-эй!.. (*Ўйлаиб.*) Хўш, сен нима дейсан?

Г л а ф и р а ширбиринч билан арақ келтиради.

Б а ш к и н. Менми? Ҳеч нима?

Б у л и ч о в. Нега кирдинг бўлмаса?

Б а ш к и н. Яковнинг ўрнига кимни қўямиз? Шуни сўрамоқчи эдим.

Б у л и ч о в. Потаповни, Сергейни.

Б а ш к и н. У ҳам шу йўлдаги одамлардан: на худога унайди, на подшога...

Б у л и ч о в. У ҳам-а?

Б а ш к и н. Рухсат берсангиз: Мокроусовни қўйсак. Бизникига киришга жуда талабгор. Ўзи саводлик, абжир одам.

Г л а ф и р а. Ош совийди.

Б у л и ч о в. Миршабни айтасанми? Анави ўғрини-я? Хўш, у нима дейди?

Б а ш к и н. Шу тобда миршаб бўлиб хизмат қилиш хавфлик, кўплар чиқишиб кетаётир.

Б у л и ч о в. Хўп. Хавфлик эмишми? Эҳ, куёнлар... Яхши, Потаповни юбор. Эртага эрта билан... Бор Глаха, карнайчи келдими?

Глафира, овқатни еб бўлганимдан кейин олиб кир уни. Нима бало: уй жимжит бўлиб қолди?

Г л а ф и р а. Ҳамма юқорида.

Б у л и ч о в. Ҳа, бўпти. Хўш... Нега қовоғинг солиқ?

Г л а ф и р а. Ичма, ўзинга-ўзинг қилма, касалингни орттирма, ахир! Ташла буларни, кет бу ердан. Булар, зулук сингари сўриб қўйишади сени... Тириклай сўриб қўйишади! Кетайлик... Сибирга...

Б у л и ч о в. Қўйвор, оғриб кетди...

Г л а ф и р а. Сибирга кетайлик, мен ишлайман... Хўш, нима қиласан сен бу ерда, нима керагинг бор? Ҳеч ким сени севмайди, ҳамма ўлишингни кутади...

Б у л и ч о в. Бас қил, Глаха... Кўнглимни бузма. Мен ҳаммасини кўриб билиб тураман! Сенинг менга қанча жонкуяр эканингни ҳам биламан... Сену Шурка, бор-йўғи икковингни орттирдим, холос... Бошқалар мени бошидан ошириб ташлаган... Балки, ҳали тузалиб кетарман... Карнайчини чақир-чи, қани...

Г л а ф и р а. Овқатни есанг-чи.

Б у л и ч о в. Олиб бор овқатингни, овқатинг курсин! Шуркани чақир. *(Ўзи ёлғиз қолгач, қадаҳни бирин-кетин кўтаради.)*

К а р н а й ч и киради. У — арвоҳ, аянч ва кулги бир одам; елкасида қайиш билан осилган қоп, ичида карнайи.

К а р н а й ч и. Сизга баланд даражаликда саломатлик тилайман.

Б у л и ч о в *(ҳайрон)*. Муни қаранг! Ўтир. Глаха, эшикни беркит. Ҳа, карнайчи сен экансан-да...

К а р н а й ч и. Шундай.

Б у л и ч о в. Э-э, хашаки бир одам! Қани, гапир: қанақа қилиб даволайсан?

К а р н а й ч и. Менинг даволаш йўлим содда, эй баланд даражалик; лекин одамлар аптоқ дориси билан даволанишга ўрганиб қолганларидан менга ишонмайдилар, шу учун пулни олдин бериб қўйишингизни сўрайман.

Б у л и ч о в. Мана бу усулни яхши топибсан, лекин! Фақат шуниси бор: тузата оласанми, йўқми?

К а р н а й ч и. Юзларча одамни тузатдим.

Б у л и ч о в. Аммо бой бўлолмапсан.

К а р н а й ч и. Ҳалол иш қилиб бой бўлиш мумкин эмас.

Б у л и ч о в. Хоҳ-қо, шунақамисан сен ҳали? Қандай касалларни даволайсан?

К а р н а й ч и. Ҳамма дардлар одамнинг қорнида ёмон ҳаво тўпланиб қолганидан пайдо бўлади, шу сабабдан мен ҳар қандай касални даволайман...

Б у л и ч о в *(кулиб)*. Баракалла, ботир! Қани, карнайингни кўрсат-чи...

К а р н а й ч и. Бир сўм бера оласизми?

Б у л и ч о в. Бир сўм. Бўлади. Глаха, сенда борми? Ана, ол. Арзон экан.

К а р н а й ч и. Бу ҳали бошланғичи. *(Халтани очиб, йўғон овозли карнайни олади.)*

Ш у р а югуриб киради.

Б у л и ч о в. Катта бир самовар-а... Шуражон, қалай бу эм-чи? Қани, пуфла-чи!

К а р н а й ч и йўталади, кўп ҳам қаттиқ пуфламасдан чалади, яна йўталади.

Б у л и ч о в. Шу холосми?

К а р н а й ч и. Ҳар куни тўрт марта беш минутдан пуфласангиз — бас!
 Б у л и ч о в. Овози бўғилиб ўлади-қолади, дегин?
 К а р н а й ч и. Асло! Юзларча одамни тузатганман!
 Б у л и ч о в. Хўп. Хўш, энди ростини айт-чи: сен ўзинг нимасан —
 девонами — одам алдовчими?
 К а р н а й ч и (*уҳ тортиб*). Мана, холос: сиз ҳам бошқаларга ўхшаб
 ишонмайсиз.
 Б у л и ч о в (*кулмсираб*). Карнайингни йиғиштириб тур ҳали! Ростини
 айт: девонамисан, алдамчимисан? Пул бераман!
 Ш у р а. Ота, бечорани хафа қилманг!
 Б у л и ч о в. Хафа қилаётганим йўқ, Шуражон! Отинг нима, эшони
 ҳақим?
 К а р н а й ч и. Исрофил Увеков¹...
 Б у л и ч о в. Исрофил? (*Кулади.*) Оббо... худо урди... Чинакам Исрофилми?
 К а р н а й ч и. Тўғри бир от... Ҳеч куладиган жойи йўқ!
 Б у л и ч о в. Хўш, сен ким бўлдинг энди: тентакми ё ёлғончими?
 К а р н а й ч и. Ўн олти сўм берасизми?
 Б у л и ч о в. Глаха, олиб кел! Нариги уйда... Нега ўн олти сўм, дейсан,
 Исрофил?
 К а р н а й ч и. Адашибман! Кўпрак сўрасам бўларди.
 Б у л и ч о в. Демак, тентак экансан-да?
 К а р н а й ч и. Йўқ-э, мен телба эмасман...
 Б у л и ч о в. Ундай бўлса, одам алдовчи экансан-да?
 К а р н а й ч и. Одам алдовчи ҳам эмасман... Ўзингиз биласиз, алдамасанг
 кун кўролмайсан киши.
 Б у л и ч о в. Мана бу гапинг рост! Бу — яхши эмас-ку, лекин ҳақ гап!
 Ш у р а. Алдаш айб эмасми?
 К а р н а й ч и. Ҳамма ишонгандан кейин нега айб бўлсин?
 Б у л и ч о в (*руҳланиб*). Бу ҳам рост! Англадингми, Шура? Бу ҳақ гап!
 Павлин домла бу гапни айтмайди! У айтолмайди!
 К а р н а й ч и. Ҳақ гапни айтганим учун ошириб беришингиз керак. Мен
 сизга қарганиб айтаманки, бу карнайнинг баъзиларга фойдаси тегади.
 Б у л и ч о в. Йўқ, қуллук! Эҳ, Исрофил, Исрофил! (*Кулади.*) Ҳой...
 Менга қара... бир кўрсат, қани, мунингни. Қани, пуфла! Қаттиқроқ, дейман!

К а р н а й ч и зўр бериб, дунёни бузиб чалади.

Г л а ф и р а Б у л и ч о в га ташвиш билан қарайди. Ш у р а қулогини беркитиб
кулиб туради.

Б у л и ч о в. Ҳа, пуфла, жонинг борича!

Эр-хотин Д о с т и г а е в, З в о н ц о в л а р, Б а ш к и н, К с е н и я югуриб
киришади.

В а р в а р а. Нима бўлди сизга, отажон?
 К с е н и я. Егор, бу нима қилганинг тагин?
 З в о н ц о в (*карнайчига*). Нима бало: мастмисан?
 Б у л и ч о в. Тегма унга! Тегма кўрма! Бостириб юбор, Исрофил, буларнинг
 овозини! Бу — Исрофил алайҳиссалом бўлади, қиёмат суруни чалаётир! Замона
 охир бўлди!..
 К с е н и я. Вой, ўла қолай, жинни бўлиб қолипти...
 Б а ш к и н (*З в о н ц о в га*). Кўрдингизми энди?
 Ш у р а. Ота, буларнинг гапини эшитсанг-чи! Сени жиннига чиқариб
 ўтиришипти! Чиқиб кетинг, ҳой, карнайчи, чиқиб кетинг!
 Б у л и ч о в. Йўқ, кетма! Ҳамма овозларни бостир, Исрофил! Қиёмат-
 қойим! Дунё — тамом... Чал карнайингни...

П а р д а.

¹ Русча “увечье” сўзи майиблик маъносига келади. (*Чўлтон эскартиши.*)

УЧИНЧИ ПАРДА

Овқат уйи. Ҳамма нарса ўрнидан жилгандай. Стол устида йиғиштирилмаган идиш-товоқ, самовар, магазиндан келган нарсаларнинг халгачалари, шишалар. Бурчакда чемоданлар, уларнинг бирини монастир ходималаридан Т а и с ь я деган қиз йиғиштириб туради; у учлик кулоҳ кийган. Унинг ёнида, қўлида падноси билан, Г л а ф и р а туради. Стол устида чироқ ёниб туради.

Г л а ф и р а. Мелания онамиз кўп турармикин бу уйда?
Т а и с ь я. Мен билмайман.
Г л а ф и р а. Нега ўз кўшхоналарига тушмапти?
Т а и с ь я. Билмайман.
Г л а ф и р а. Ёшинг нечада?
Т а и с ь я. Ўн тўққизда.

Зинада З в о н ц о в кўринади.

Г л а ф и р а. Ҳеч нарса билмас экансан! Нима бало, Дашти саҳродан келганмисан?
Т а и с ь я. Бизни дунё одамлари билан гаплашгали қўймайдилар.
З в о н ц о в. Сўфий она чой ичдимиз?
Г л а ф и р а. Йўқ.
З в о н ц о в. Самоварни олиб чиқиб, яна қўй бўлмаса, балки чой керак бўлар.

Г л а ф и р а самоварни олиб чиқади.

Нима қилди сизга у ерда: соллотлар кўрқитдимиз?
Т а и с ь я. Ҳа, соллотлар кўрқитди.
З в о н ц о в. Қанақа қилиб кўрқитди?
Т а и с ь я. Сигиримизни сўйиб ейишди, монастирга ўт қўймоқчи бўлишди. Кечирингиз. *(Бир тўда ювилган кирни олиб чиқади.)*
В а р в а р а *(даҳлиздан)*. Вой, бу лойгарчилик-эй! Ҳа, сен бу ерда сўфий қиз билан гурунглашиб ўтирибсанми?
З в о н ц о в. Сўфий онанинг бизникига келиб қолиши яхши эмас, биласанми?
В а р в а р а. Бу уй ҳали бизники бўлганича йўқ... Хўш, Тятин унадими?
З в о н ц о в. Тятин деган нарса ё эшак, ё бўлмаса ўзини номусли кўрсатмакчи бўлади.
В а р в а р а. Шошма, ота яна қичқириб ёттанга ўхшайди... *(Эшик олдига бориб, нариги уйга кулоҳ беради.)*
З в о н ц о в. Докторлар ақли жойида, деб айтишса ҳам, ҳалиги карнайчи билан бўлган жинниликдан кейин...
В а р в а р а. Э, у ундан ҳам ғалати жинниликларни кўп қилган. Шура билан Тятин иккаласи бир-бири билан қалинлашганга ўхшайдими?
З в о н ц о в. Ҳа, лекин, менингча, мундан ҳеч қандай хайрият чиқмайди. Сенинг у синглинг шайтон нарса, ундан... анча хунук ишларни кутиш мумкин.
В а р в а р а. Афсуски, у сенга қош-кўзини сузиб гапирган вақтларда буни ўйламаган эдинг. Ундай десам, у нарсалар сенга хуш ёқарди-да!
З в о н ц о в. У менга қош-кўзини сузган бўлса, сенинг гашингни келтирмак учун қилган.
В а р в а р а. Шунга хафамисан? Ҳой, Павлин келаётир. Тошиб олди тоза!
З в о н ц о в. Руҳоний тоифаси ўзи ачиб кетди бизда.

Ўзаро гап талашиб, Е л и з а в е т а билан П а в л и н, сўнграқ М о к е й киришади.

П а в л и н. Газетлар шунақа. Аксари ёлғон ёзишади! Тун ойдин!
Е л и з а в е т а. Мен сизга дейманки, бу бекор гап!
П а в л и н. Ҳоят равшан маълум бўлганки, оқ подшо ўз ихтиёри билан

тахтдан кечган эмас, балки Петроградга кета туриб йўлда кадет партиясининг аъзолари қўлига тушганда зўрлик билан бу ишга мажбур қилинган... Шундай!

З в о н ц о в. Бундан нима чиқади энди?

Е л и з а в е т а. Павлин домла инқилобга қарши-ю, урушга тарафдор, мен бўлсам — урушга қаршиман! Мен Парижни соғинганман... Бас, энди уруш! Сен ҳам кўшилисан-а, Варя? Жанри Катрнинг мана бу сўзи эсингдами: “Урушдан Париж яхши”. Биламан: у худди шундай деб айтмаганку-я, фақат у хато қилган.

П а в л и н. Мен ҳеч нарса устида қаттиқ туриб оладиган киши эмасман, чароки ҳеч нарса устувор эмас.

В а р в а р а. Ярашув керак, домла Павлин, ярашув! Бу қора халқнинг авзойини кўраётирсизми?

П а в л и н. Эвоҳ, кўраётирсан! Хўш, беморимиз қалай? Бу жиҳатдан аҳвол қандай? *(Қаншарини бармоғи билан босади.)*

З в о н ц о в. Докторлар унда мия айниш аломатини топмаганлар.

П а в л и н. Муниси яхши! Фақат бу докторларнинг адашмай топадиган биргина нарсаси бор, у ҳам бўлса: ўзлари оладиган ҳақ.

Е л и з а в е т а. Мунча заҳар тилингиз! Варя, Жанна бизни кечки овқатта таклиф қилаётир.

Б а ш к и н. Қамоқдагиларни қўйиб юборишипти, миршаблар бўлса балога қолди.

П а в л и н. Ҳа, ҳа... Ажойиб замон! Хўш, Андрей Петрович, бутун бу ҳодисалардан сиз қандай хайрият кутасиз?

З в о н ц о в. Ижтимоий қувватлар қонуний йўл билан ташкил топадилар ва тез фурсатда ўз сўзларини айтадилар. Менинг ижтимоий қувватлар демакдан мақсадим шундай одамларки, улар ижтимоий жиҳатдан маҳкам негизга эга...

В а р в а р а. Менга қара, Жанна бизни таклиф қилаётир... *(Эрини бир чеккага олиб чиқиб, шивирлаб гапира бошлайди.)*

З в о н ц о в. Биласанми, бу нарса мени анча ўнғайсиз ҳолга тушириб қўйди! Бир томон — сўфий хотин бўлса, яна бир томон — бир сатанг...

В а р в а р а. Секин гапирсанг-чи!

Б а ш к и н. Андрей Петрович! Мокроусов келипти, биларсиз: приставнинг муовини бор-ку?

З в о н ц о в. Ҳа, нима дейди?

Б а ш к и н. Мана бу замондан хавф олиб, хизматидан чиқаётир; бизнинг ўрмонга — дарахт кесишга кирсам, дейди.

З в о н ц о в. Қандай бўлар экан?

В а р в а р а. Шошмай тур, Андрей...

Б а ш к и н. Қандай бўларди: жуда яхши бўлади. Энди Лаптев думини қимтиб ишдан бўйин товлайди. Донат бўлса, ўзингиз биласиз, қобил одам эмас, боз устига, у ҳақиқат ахтарадиганлардан, узун кун ҳақиқат деб сўзланиб юради... Ўзингиз кўриб турибсиз, шу замонда ҳақиқат нима қилсин!

З в о н ц о в. Бу беҳуда гап! Биз бор-йўғи, ўша ҳақ-ҳақиқат...

В а р в а р а. Шошмасанг-чи, ҳой, Андрей.

З в о н ц о в. Ва ҳам адолат ҳукмрон бўладиган бир даврнинг бошланишида турибмиз-да...

В а р в а р а. Сиз ўзингиз нима дейсиз, Мокей?

Б а ш к и н. Мен Мокроусовни олайлик, дейман. Егор Васильевичга айтиб эдим.

В а р в а р а. У нима деди?

З в о н ц о в. Қовоғини солиб бир четга чекилади.

Б а ш к и н. Аниқ бир нарса дегани йўқ.

В а р в а р а. Мокроусовни олинг.

Б а ш к и н. Ўзини бир кўрсангизмикин?

В а р в а р а. Нима кераги бор?

Б а ш к и н. Танишмоқ учун. Ўзи шу ерда.

В а р в а р а. Ҳай, майли...

Б а ш к и н даҳизга чиқиб кетади. Варвара қайд дафтарчасига алланималар ёзади.
 Б а ш к и н М о к р о у с о в ни бошлаб киради. У — думалоқ юзли, қошлари таажжуб
 билан керилган, юзи кулимсираган бир одам, фақат, афтидан, қаттиқ бир сўкинмакчи
 бўлиб тургандай кўринади. Миришаб кийимида, ёнида тўппончаси, оёғини
 жуфтлаштириб, аскарый таъзим қилади.

М о к р о у с о в. Ҳурматларимни арз қиламан. Сизга хизмат қилиш
 шарафини бахш этсангиз, бениҳоя миннатдор бўламан.

В а р в а р а. Жуда хурсандман. Яна формангиз ҳам устингизда; менинг
 эшитишимча, миришабларнинг яроқ-аслаҳаларини олаётган эмишлар.

М о к р о у с о в. Жуда тўғри айтдилар: ўзимизга хос кийимимиз билан
 биз кўчага чиқиб юролмаймиз; шу учун, мен, гарчи ёнимда яроғим бўлса
 ҳам, росмана пальто кийиб олдим. Аммо, ҳозир асосиз баъзи бир умидлар
 пайдо бўлганлигидан, қора халқ бир озроқ босилиб турипти, шу сабабдан...
 шопимни тақмадим...

В а р в а р а. Бизнинг хизматимизга қачон бошламоқчисиз?

М о к р о у с о в. Ўз ўйимда мен аллақачондан бери сизнинг камтарин
 хизматчингизман. Ўрмонга, эртага десалар ҳам, жўнашга тайёрман, негаки,
 мен ўзим ёлғиз одамман ва ҳам...

В а р в а р а. Сиз қандай ўйлайсиз? Бу нарса — шу тўпаланг кўпга
 кетармикин?

М о к р о у с о в. Менинг чамамда, бутун ёз ичи чўзилар. Ундан кейин
 ёмғирлар, совуқлар бошланиб қолиб, кўча айланиш оғирлашса керак.

В а р в а р а (*кулимсираб*). Фақат бир ёзгинами? Қайдам, инқилоб об-
 ҳавога қарармикан?

М о к р о у с о в. Албатта-да! Бўлмасам-чи? Қиш — совутагитан нарса.

В а р в а р а (*кулимсираб*). Сиз оптимист экансиз.

М о к р о у с о в. Полиция — умуман оптимист.

В а р в а р а. Шундайми?

М о к р о у с о в. Албатта. Бу — ўз кучига ишонганидан келади.

В а р в а р а. Сиз кўшинда хизмат қилганмисиз?

М о к р о у с о в. Худди айтганлари. Бузовлиқ¹ резерв батальониданман,
 даражам “подпоручик”.

В а р в а р а (*қўл узатиб*). Хўп, ҳар тўғрида яхши тилаклар тилаб қоламан.

М о к р о у с о в. Чин кўнгилдан миннатдорман. (*Оёқ депсаниб,
 орқамачасига юриб, чиқиб кетади.*)

В а р в а р а (*Б а ш к и н г а*). Шу — аҳмоқ одамга ўхшайди-ку...

Б а ш к и н. Зарари йўқ. Эсликларни ҳам кўраётирмиз-ку... Уларга эрк
 бериб қўйсанг, бутун ер юзини ағдар-тўнтар қилиб ташлашади... Худди бир
 халгадай...

П а в л и н (*Б а ш к и н ва Е л и з а в е т а г а*). Руҳоний тоифасига,
 албатта, очиқ амри-маъруф қилиш ҳуқуқини бериш керак, бўлмаса, ҳеч нарса
 чиқмайди!

Г л а ф и р а билан Ш у р а Б у л и ч о в ни қўлтиқлаб олиб чиқадилар. Ҳамма унга
 тикилиб, жим қолади, у қовоғини солади.

Б у л и ч о в. Хўп? Нега жим бўлдинглар? Шунча вақт чувулландинг,
 чувулландинг-да...

П а в л и н. Шошиб қолдик... Тушпа-тузук одамни бирданига бу хилда...

Б у л и ч о в. Хўп?

П а в л и н. Қўлтиқлашиб чиққанларига...

Б у л и ч о в. Қўлтиқлашиб чиққанларига! Одамнинг оёғи жонсиз бўлиб
 қолгандан кейин қўлтиқлашади-да! Қўлтиқлашиб чиққанларига эмиш...
 Мокей, Яшуткани бўшатдиларми?

Б а ш к и н. Ҳа, ҳамма бандиларни бўшатдилар.

З в о н ц о в. Сийсий бандиларни.

Б у л и ч о в. Яков Лаптевни озод қилиптилар-у, оқ подшони қамоққа
 олиптилар! Шунақа гаплар, домла Павлин! Нима дейсиз бунга, хўп?

¹ Рус тилида Бузулук деб аталган шаҳарча.

П а в л и н. Бу хусусда омил эмасман... Лекин менинг ақли қосиримча, шу одамлар нималар дейди ва нималар қилмоқчи бўлади — энг аввал шуни бир билиш керак эди...

Б у л и ч о в. Бир подшо сайлаш керак. Подшо бўлмаса, ҳамма бир-бирининг гўшгини еб қўяди...

П а в л и н. Бугун юзларингизда бир жонланиш кўрулади, дардни енгаётганга ўхшайсизми?

Б у л и ч о в. Ҳа, ҳа... Енгаётирман! Сиз, эру хотинлар, ундан кейин сен ҳам, Мокей, Павлин домла билан икковимизни ёлғиз қолдиринг. Сен, Шуражон, чиқиб кетма.

Б а ш к и н даҳизга чиқиб кетади, З в о н ц о в л а р билан Д о с т и г а е в л а р юқорига чиқиб кетдилар. Икки минутча ўтач, В а р в а р а юқорилан зинанинг ярмигача тушади.

Ш у р а. Ётсанг-чи!

Б у л и ч о в. Ётгим келмайди. Хўш, домла Павлин, жом тўғрисида келдингизми?

П а в л и н. Йўқ, сизни анча сермалган бир ҳолда кўрарман, деган умид билан кириб эдим, хато қилмаган эканман. Албатта, иккинчи томондан, сизнинг шаҳримиз ва ибодатхонамиз учун кўрсатган ҳимматларингиз ва қилган хайру саховатингизни ўйлаб...

Б у л и ч о в. Сиз менинг ҳақимда астойдил хайри дуо қилмайсиз шекилли, дардим кундан-кун кучайиб бораётир. Энди худонинг йўлига бир нарсга бергим ҳам келмайди. Нима учун бераман? Ҳали ҳам жуда кўп бердим, ҳеч бир фойдаси йўқ.

П а в л и н. Сизнинг садақаларингиз...

Б у л и ч о в. Шошманг, домла! Бир саволим бор: худо уялмайдими? Нега менга ўлим юборади?

Ш у р а. Ўлимдан гапирма, ота, қўй.

Б у л и ч о в. Сен жим тур. Сен қулоқ сол. Мен ўз тўғримда гапираётганим йўқ.

П а в л и н. Сиз бундай фикрлар билан ўзингизга беҳуда ташвиш берасиз. Руҳ абадий ҳаётга эга бўлгандан кейин ўлимнинг нима аҳамияти бор?

Б у л и ч о в. Нега, ахир, ўша руҳ ифлос ва тор жасадга қамаб қўйилади?

П а в л и н. Бу масалага, дейин, ҳазилакам бир масала, деб қаралмайди, балки...

В а р в а р а зинада, овзига рўмолчасини тўсиб кулади.

Б у л и ч о в. У “балки”ларингизни қўйинг! Тўғри гапира беринг. Шура, карнайчи эсингда борми-а?

П а в л и н. Александра Егоровнанинг ҳузурларида...

Б у л и ч о в. У гапингизни қўйинг! Бу — яшайди ҳам, билади ҳам! Мен бўлсам, мана, шунча йил яшадим, энди сиздан сўрайман: сиз нега яшайсиз?

П а в л и н. Ибодатхонада худога қуллуқ қиламан...

Б у л и ч о в. Биламан мен қуллуқ қилганингизни, биламан! Бир кун бориб сиз ҳам ўласиз-да. Бу нима, ахир? Бизга келадиган ўлим қандай нарсга ўзи, домла Павлин?

П а в л и н. Ҳадеб сўрайсиз... Бари мантиқсиз ва фойдасиз саволлар! Кечирингиз: сиз энди нариги дунёни кўпрак ўйласангиз бўларди...

Ш у р а. Унақа деманг!

Б у л и ч о в. Мен бу дунёнинг одамиман! Мен тамом шу дунё кишисиман!

П а в л и н (*ўрндан туриб*). Бу дунё ер юзидан иборат, ер юзи эса, бир тупроқ, холос...

Б у л и ч о в. Тупроқ? Ундай бўлса, сиз, имм... Ундай бўлса, сиз ернинг тупроқлигини ўзингиз ўйлашингиз керак! Тупроқ дейсиз-у, устингиздаги ридо — зарбофдан! Тупроқ дейсиз-у, зуннорингизга тилла суви юритилган! Тупроқ дейсиз-у, кўзингиз тўйишни билмайди...

П а в л и н. Болига бир қиз олдида беҳуда ва ярамас гапларни гапирасиз...

Б у л и ч о в. Болиға, асалиға...

В а р в а р а шошилиб юқорига чиқиб кетади.

Биз, аҳмоқларни, итни қуёнга алкишлаб ўргатгандай, ўргатадилар... Бир гадой сингари бўлган Исони долвой қилиб, тоза бойидингиз...

П а в л и н. Дард сизнинг жаҳлингизни қўзғотади, сиз жаҳлингизга чидолмасдан, даррандалардек бўкирасиз...

Б у л и ч о в. Йўқолаётирсизми? Хоб-баракалла...

Ш у р а. Бекор ташвиш қиласан, отажон; мунинг сенга зарари бор. Жуда бесаранжом одамсан, лекин...

Б у л и ч о в. Майли! Куядиган жойим йўқ! Ёмон кўраман бу попни! Сен диққат қил, кулоқ бер, мен атайлаб сенга кўрсатаётирман...

Ш у р а. Ўзим ҳаммасини кўриб турибман... Ёш бола эмасман... Эсим бор — биламан!

Зинада З в о н ц о в.

Б у л и ч о в. Улар ҳалиги карнайчи воқеасидан кейин мени жиннига чиқариб қўйдилар; шу докторлар бўлса — бекор дейди! Сен докторларга ишонасан-ку, Шура? Докторларга?

Ш у р а. Мен сенга ишонаман... Сенга...

Б у л и ч о в. Хоб-баракалла! Йўқ, менинг эсим жойида! Докторлар билишади. Дарҳақиқат, мен нозик масалани кўзгаб қўйдим. Ахир, ўлим нима деган масалага ҳамма қизиқмайдимми? Ё бўлмаса, ҳаёт нима деган масалага? Тушунасанми?

Ш у р а. Сенинг қаттиқ касал бўлганинга ишонмайман мен. Сенинг бу уйдан кетишинг керак. Глафира рост айтади! Астойдил даволаниши керак. Сен ҳеч кимнинг гапига кирмайсан.

Б у л и ч о в. Ҳамманинг гапига кираман! Энди, мана, кампирни чақириб кўрамиз. Балки, фойдаси тегарди? Унинг келадиган вақти бўлди. Бу оғриқ еб битиради мени... Кўп оғир!

Ш у р а. Қўй, отажон! Ундай дема, жоним! Ётиб ором ол...

Б у л и ч о в. Ётсам бўлмайди. Ётсам, дардга унаб берганим бўлади. Мушглашганда паст келгандай гап. Менинг гапиргим келади. Баъзи нарсаларни сенга айтиб беришим керак. Биласанми, нима гап? Гап шуки, мен ўз кўчамда эмасман! Мен ўзимдан ётлашиб кетдим, ўтгиз йилдан бери доим ёт одамлар орасида яшаб келаман. Мен сенга муни асло раво кўрмайман! Менинг отам умри сол оқизиб ўтган эди. Мен бўлсам, мана... Муни сенга айтиб ҳам беролмайман.

Ш у р а. Шошмасдан, тинчгина, секингина гапиргин... Бурунлари қандай чўпчаклар айтиб берардинг... Ўшанақа қилиб гапир...

Б у л и ч о в. Мен сенга чўпчак эмас, ҳаммавақт ҳақиқатни айтганман. Биласанми... Бу поплар, подшолар, вазирлар... Нима кераги бор уларнинг менга? Худога ишонмайман. Худо қаерда ўзи? Ўзинг кўриб турибсан... Яхши одам ҳам йўқ. Яхши одамлар, қалбаки пул сингари, ноёб! Одамларнинг нималигини кўриб турибсан-ку! Мана энди улар ҳаммаси бир-бирининг бўғзига ёпишиб, бир-бирини қочириб... расво бўлдилар! Аммо менинг нима ишим бор улар билан? Менга, Егор Буличовга, уларнинг нима кераги бор? Сенга ҳам... Фақат сен қандай яшайсан улар орасида?

Ш у р а. Сен менинг ташвишимни қилма...

К с е н и я (*кираркан*). Александра, Тоня акаси билан бирга сени йўқлаб келипти, ундан кейин акаси...

Ш у р а. Ўлгириб туришар.

К с е н и я. Сен чиққин-а! Отанг билан пича гаплашмакчи эдим...

Б у л и ч о в. Мен хоҳлайманми?

Ш у р а. Сиз гапни кўп чўзманг...

К с е н и я. Ўргат-а, ўргат менга! Егор Васильевич, Зобунова келди...

Б у л и ч о в. Шуражон. Сен кейин яна кирарсан. Ёшларни ичкарига олиб кир... Ҳой, чақир Зобуновани!

К с е н и я. Ҳозир. Мен шуни айтмакчи эдимки, бу Александра анави ярамас бола билан, Андрейнинг ўғай укаси билан қалинлашипти. Ўзинг биласан: у мунга тенг эмас. Битта гадойга чой бериб эдик, энди елкамизга миниб олди.

Б у л и ч о в. Сен, Аксинья, гапнинг рости: ёмон тушга ўхшайсан!

К с е н и я. Майли, хўрлай бер: худодан кўрдим! Сен қизингга “Тятин билан ўйнашувни бас қил!” десанг бўларди.

Б у л и ч о в. Яна нима дейсан?

К с е н и я. Мелания келди...

Б у л и ч о в. Нега?

К с е н и я. Бошига ёмон ишлар тушипти. Қочқин соллотлар монастирға босқин қилишиб, бир сигирни сўйишипти, икки болга, бир курак, бир болам канопни ўғирлаб кетишипти; мана шунақа ҳодисалар! Ўрмончимиз Донат бўлса, ёмон одамларни ёнига тўшлаб: дарахт кесилаётган ерда ўшалар билан алланималарни қилиб ётипти.

Б у л и ч о в. Маълум ўзи: менга маъкул бўлган одам бошқа ҳеч бир кимсага маъкул бўлмайди.

К с е н и я. Анави билан ярашиб олсанг, яхши бўларди...

Б у л и ч о в. Мелания биланми? Нима учун?

К с е н и я. Нима учун бўларди? Дардинг оғир...

Б у л и ч о в. Бўпти. Ярашай... Мен унга: “Қарзимизни ўз зиммамизда қолдиргин”, дейман.

К с е н и я. Юмшоқроқ гапиргин. (*Чиқиб кетади.*)

Б у л и ч о в (*сўзланади*). “Қарзимизни зиммамизда қолдир!”.. “Биз ўзимиз ҳам қолдирган сингари!”... Ҳаммаси ёлгон... Оҳ, лаънатилар...

В а р в а р а. Отажон! Ойимнинг Степан Тятин тўғрисида гапириб турганини эшитиб қолдим...

Б у л и ч о в. Ҳа, қизим... Сенинг эшитмаганинг ҳам йўқ, билмаганинг ҳам йўқ...

В а р в а р а. Тятин — қаноатликкина бир одам, Александра учун анча кўп қалин ҳам сўрамайди, ундан кейин Александранинг худди ўз тенги.

Б у л и ч о в. Жуда гамаҳўрсан, қизим...

В а р в а р а. Мен Тятинни хўп кўриб билдим...

Б у л и ч о в. Сен ўзинг кимнинг гамини еб ётирсан? Эҳ, бу... шайтон болалари!

М е л а н и я ва К с е н и я киришади; хизматчи хотин Т а и с и я эшик олдида тўхтайтиди.

Б у л и ч о в. Хўш, Мелания? Ярашадиган бўлдикми?

М е л а н и я. Шунақа. Полвон! Бекордан-бекорга, ҳеч нарсдан-ҳеч нарса йўқ... ҳамманинг дилини оғритасан...

Б у л и ч о в. “Ўз қарзимизни ўз бўйнимизда қолдир”, Мелаша!

М е л а н и я. Гап қарзда эмас. Шўхлигингни қўй! Қанақа ишлар бўлиб кетаётир... Оллоҳнинг бир сояси бўлган подшоҳни тахтдан туширдилар. Бу, ахир, қандай гап? Худованди карим ўз бандаларининг бошига тоғдай фитна-фасодларни сочиб юборди, ҳамма жинни бўлди, ҳамма ўзига-ўзи қандақ ковлаётир. Қора халқ бош кўтара бошлади. Копосовдаги қишлоқ аёллари менинг юзимга: “Биз халқ бўламиз!” деб ўшқиривади. “Бизнинг эрларимиз — соллотлар ҳам халқ!” деб бақиривади. Буни кўрдингми! Ўзинг ўйлаб кўр: соллот қачон одам қаторига қўшилипти экан?

К с е н и я. Буларнинг ҳаммасини Яков Лаптев гапириб, ўша маъқуллайтиди...

М е л а н и я. Губирни ишдан тушириб, унинг ўрнига Осмоловский деган бир нотариусни ўтқазиб қўйишти...

¹ Шу тирноқ орасида Буличов томонидан айтилган сўзлар, муқаддас китобни ўқиган сингари, қироат билан айтилади. (*Ўзлон эскартиши.*)

Б у л и ч о в. У ҳам семиз қоринлардан...

М е л а н и я. Кеча Никандр ҳазрат мундай дедилар: жуда катта ҳодисалар арафасидамиз; ая, фуқародан ҳукумат тузиб бўладими? То ўша Таврот замонларидан бери халқларни қилич ва хоч ушлаган бир қўл идора қилиб келади...

В а р в а р а. Таврот замонларида хочга топиниш йўқ эди.

М е л а н и я. Сен, маҳмадона, жим ўтир. Инжил билан Таврот бир муқова қилинган-ку. Хоч демак — қилич демак. Барибир, қай замонда нимага топинганларини ҳазрат сендан яхшироқ билади-ку! Сиз, нафс деган бандалар, тахтнинг ағдарилганига хурсандсиз. Бу хурсандлигингиз аччиқ кўзёшига айланиб қолмасин. Егор, мен сен билан юзма-юз ўтириб гаплашмакчи эдим...

Б у л и ч о в. Шундай қилиб, яна бир сўкишайлик, дейсанми? Майли, гаплашсак — гаплашайлик, лекин, ҳозир эмас! Ҳозир эмчи хотин келади. Бир соғайиб олай, дейман мен, Малаша!

М е л а н и я. Бу Зобунова кампир жуда донгдор эмчи. Докторларга қарда, дейсан, мунга етиши! Ундан кейин сен Прокопий авлиё билан ҳам гаплашсанг бўларди...

Б у л и ч о в. Болалар Пропотей деб атайдиган авлиёми? Мутгаҳам нарса, дейдиларми?

М е л а н и я. Гапирма-ей, гапирма! Шу ҳам гапми? Сен уни чақиртиргин-а...

Б у л и ч о в. Уни ҳам чақирайлик, букун, негадир аҳволим яхши... Фақат мана шу оёқларим... Кўнглим очилгандай. Негадир, ҳадеб... ҳар нарсадан кулгим келади! Чақир, Аксинья, эмчи хотинни.

К с е н и я чиқиб кетади.

М е л а н и я. Э, Егор, сенда ҳали... тўлиб ётипти!

Б у л и ч о в. Шуни айтаман-да: тўлиб ётипти, тўлиб...

К с е н и я. У — ҳамма чиқиб турсин, дейди...

М е л а н и я. Хўп, майли, чиқайлик...

Ҳамма чиқиб кетади. Буличов кулиб, биқини ва кўкрагини уқалайди. З о б у н о в а киради, лекин, билдирадиган қилиб — оғзини қийшайтиргани ҳолда ўнг томонига қараб дам солади, ўнг қўли кўкрагига қадалган; чап кафтини, балиқ думи синтари, силкитиб “елпинади”. Тўхтаб, ўнг қўли билан юзини силайди.

Б у л и ч о в. Ҳа, нима бало: жинга чўқинаётирсанми?

З о б у н о в а (*куйлаб*). Э, дардлар, оғриқлар; тандаги, жондаги иллатлар, ҳордиқлар! Чиқинглар, кетинглар; худонинг бандаси, бунга раҳм этинглар! Бу кунда, шу дамда, шу топда ҳайдайман; сизларни шу ерда бир нафас қўймайман! Ассалом, ассалом, айланай, ўргулай; қалайсиз, бормисиз, тинчмисиз, Егорбой!..

Б у л и ч о в. Омонмисан, хола! Ҳа, ажиналарни ҳайдадингми?

З о б у н о в а. Йўқ, болам, улар билан борди-келди қилиб бўладими?

Б у л и ч о в. Керак бўлса қиласан-да! Худога поплар сиғинади, сен поп эмассан, ажиналарга сиғинишинг керак.

З о б у н о в а. Вой, ўлай, нега мунақа қўрқинч гапларни қиласан? Мени ажиналар билан борди-келди қилади, деб эси паст одамлар гапиришади.

Б у л и ч о в. Ундай бўлса, хола, сендан ҳеч нарса чиқмайди! Поплар мен учун худога кўп ёлвордилар, худо қабул қилмади, менга ҳеч бир ёрдам қилмаётир!

З о б у н о в а. Сен, яхши болам, ўйнашаётирсан, шу ишонмаганингдан келади.

Б у л и ч о в. Сен агар ажиналардан муваккил бўлиб келган бўлсанг, мен ишонардим. Сен ўзинг билсанг керак, эшитгансан, албатта — мен бузуқ одамман, йўлдан озганман; одамларга ёмон муомала қиламан; пулни, дунёни ўлудек яхши кўраман...

З о б у н о в а. Эшитганман-у, аммо, худо йўлида менга жиндак бир нарсани қизғанарсан, деб ўйламайман.

Б у л и ч о в. Мен, хола, жуда ёмон, йўлдан озган кишиман, худонинг мен билан асло иши йўқ. Худо Егор Буличовдан юз ўтирган. Шундай бўлгандан кейин, сен ажиналар билан улфат бўлмасанг — бор, ёш қизларнинг муҳлати етмаган болаларини тушур. Сенинг касбинг шу эмасми-а?

З о б у н о в а. Вой, шўрим! Сени юзи қора, ўжар одам, дер эдилар, рост экан-да!

Б у л и ч о в. Нима? Нега ёлгон гапирасан? Йўқол!

З о б у н о в а. Ёлгон айтишни билмайман. Сен менга айтиб бергин: қаеринг оғрийди, қани?

Б у л и ч о в. Қорним. Жуда ёмон оғрийди. Мана шу ери.

З о б у н о в а. Менга қара... Аммо-лекин, ҳеч кимга айта кўрма. Йўқ, йўқ, йўқ!..

Б у л и ч о в. Кўрқма. Айтмайман.

З о б у н о в а. Сарик дард бор, қора дард бор. Сарик дардни доктор ҳам тузата олади, аммо қора дардни поп ҳам тузата олмайди, ундан каттаси ҳам. Қора дард инсу жинсдан бўлади, унинг фақат биргина иложи бор...

Б у л и ч о в. Ишқилиб, дарров бир ёқлик бўладими? А?

З о б у н о в а. Бу илож, лекин жуда қиммат!

Б у л и ч о в. Албатта, тушунаман.

З о б у н о в а. Мунда, албатта, инсу жинс билан тўқнашмаса бўлмайди.

Б у л и ч о в. Шайтоннинг худди ўзи билан-а?

З о б у н о в а. Ўзи билан бўлмаса ҳам ишқилиб...

Б у л и ч о в. Қўлингдан келадими?

З о б у н о в а. Аммо-лекин, сен ҳеч кимга оғиз очмайсан...

Б у л и ч о в. Йўқол кўзимдан, кампир!

З о б у н о в а. Шошма...

Б у л и ч о в. Йўқол, дейман, бўлмаса, таёқ ейсан...

З о б у н о в а. Менга қарасанг-чи...

Г л а ф и р а (даҳлиздан). Сенга айтаётир, йўқол!

З о б у н о в а. Нима бало бўлди сизларга...

Б у л и ч о в. Ҳайда буни, ҳайда, дейман!

Г л а ф и р а. Муниси ҳам бор экан! Ажинага ўхшайди!

З о б у н о в а. Ўзинг ўхшайсан! Афтинг кўрсин, илоҳим... Одам бўлмай ўлинглар... Илоҳим, роҳат юзини, бахт юзини кўрманглар! (Чиқиб кетади.)

Б у л и ч о в (қайрилиб қарайди). Ф-фу...

М е л а н и я билан К с е н и я киришади.

М е л а н и я. Ҳа, Зобунова ёқмадими, маъқул бўлмадими?

Буличов унга тикилган, жим.

К с е н и я. Зобунова ҳам кўрс нарса. Мақталдим деб ёмон ҳайдалиб кетишти.

М е л а н и я. Нима деб сўкади?

Т а и с ь я. Ўгри, муттаҳамлар, дейди.

М е л а н и я. Нега сўкади, ахир?

Т а и с ь я. Тушпа-тузук одамни жинни қилмоқчисиз, дейди...

М е л а н и я. Сенга шундоқ дедими?

Т а и с ь я. Йўқ, Пропотей авлиёга айтди.

М е л а н и я. У нима деди?

Т а и с ь я. У бўлса ҳадеб алмойи-алжойи гапларни гапиреди...

М е л а н и я. Алмойи-алжойи гапларни? Э, нодон! У одам — авлиё, арвоҳлар билан гаплашган у, тентак! Даҳлизда ўтириб тур, ҳеч қаерга жилма... Ошхонада яна кимлар бор эди?

Т а и с ь я. Мокей...

М е л а н и я. Ҳа, бор. (Б у л и ч о в хонасининг олдига бориб тақиллатади.) Егор, авлиё келди.

К с е н и я ва Б а ш к и н билан бирга П р о п о т е й кириб келади; оёғида чипта ковуш, устида — тўпуққача тушадиган узун, дағал бўз кўйлак; кўкрагида жуда кўп бутлар ва муқаддас суратлар. Қўрқинч башарали; қалин пахмоқ сочлар; узун ва сийрак соқол, ҳаракатлари кескин ва тутқалоқ асари борлай.

П р о п о т е й. Уҳ, дунёнинг пошироси шу ерда чекилипти! Жон бўғилаётир...

К с е н и я. Бу ерда, тақсир, поширос чекадиган одам йўқ.

Пропотей изгиринга тақлид қилиб овоз чиқаради.

М е л а н и я. Шошмай тур, касал чиқсин аввал...

Б у л и ч о в (*Г л а ф и р а қўлтиқлагани ҳолда чиқади*). Оббо... Қандай нарса бўлди, бу!

П р о п о т е й. Қўрқма. Ваҳима қилма! (*У яна ўша овозни чиқаради.*) Ҳамма нарса фоний: ўтади-ю кетади! Бир Гриша бор эди, катталарга ёр эди, кўплар унга зор эди, қоқилди-ю йиқилди, жаҳаннамга тикилди!..

Б у л и ч о в. Распугинни айтасанми?

П р о п о т е й. Ана, тушди оқ подшо, феълимизга яраша; бола келди осмондан; мулку давлат пуч бўлди, дунё фасодга тўлди! Фисқу фасод авж олди, одам не кунга қолди! (*Яна ўша овозни чиқаради.*) Хотин, дейсан ўйингда, шайтон минган бўйнингга; турмасин бу жойда, тез ҳайда-ю тез ҳайда!

Б у л и ч о в. Ҳайдаб кўр, қани! Ҳар қанча валақласанг ҳам ҳаддингни бил. Мелания сен ўргатдингни бу гапшарни?

М е л а н и я. Бекор гапни гапирма! Жинни одамга гап ўргатиб бўладими?

Б у л и ч о в. Бўладиганга ўхшайди... Хўш, Мелаша, нима дейсан: худонинг қорни оғирмикин?

М е л а н и я. Айнима...

Б у л и ч о в. Мосихники оғриган бўлса керак. Унинг овқати балиқ эди...

М е л а н и я. Бас қил, Егор, нега менинг гашимга тегасан?

Г л а ф и р а. Кампир қилган хизматига пул сўраб ётир.

Б у л и ч о в. Бер, Аксинья! Мелаша, сен мени кечиргин: мен чарчадим, ўз уйимга кираман. Аҳмоқлар билан иш кўрганда одам ёмон чарчайди, лекин. Қани, Глаша, йўлашиб юбор-чи.

Г л а ф и р а уни олиб чиқиб кетади. К с е н и я қайтиб келиб, синглисига — савол сўрагандай қараб туради.

М е л а н и я, Ўзини жўрттага жинниликка солади! Жўрттага...

К с е н и я. Йўт-ей! Унақа қилгундай ҳоли борми!..

М е л а н и я. Униси ҳеч гап эмас! Майли, ўйнай берсин. Агар васиятнома масаласи судга тушадиган бўлса, бу ўйинлари ўз зарарига ишлайди. Таисия ўтади гувоҳликка; Зобунова, Павлин домла, анави карнайчи, ҳоҳ-ҳо, гуноҳи оз, дейсанми? Васият қилувчининг ақли жойида бўлмаганини собит қилиб юборамиз.

К с е н и я. Вой, бу ишни қандай қилишга ҳайронман...

М е л а н и я. Шу учун сенга ўргатаётирман-да! Ҳа-а сен, лип этиб тега қолдинг! Мен сенга айтиб эдим. Башкинга теккин, деб.

К с е н и я. А-а... Қачонлар бўлган гап-у! Бу ўзи ҳам бургутдай эмасмиди?.. Ўзинг ҳам кунилаб ўлгансан...

М е л а н и я. Мен-а? Нима бало: жинни бўлдингми?

К с е н и я. Эслагиб ўтириш нега керак...

М е л а н и я. Ё Оллоҳ! Кунилаган эмишман! Мен-а?

К с е н и я. Прокофини нима қиламиз? Унинг кераги йўқдир энди?

М е л а н и я. Нега кераги бўлмасин? Чақирдик, гапни бир жойга қўйдик — энди керак эмас эмиш! Сен менга халақит берма! Бор, уни тайёрлаб олиб кир. Таисья!

Т а и с ь я даҳлиздан чиқиб келади.

Т а и с ь я. Ҳеч нарса билолмадим.

К с е н и я ч и қ и б к е т а д и .

М е л а н и я . Н и м а г а ?

Т а и с ь я . Ҳеч нарса гапирмайди у кампир.

М е л а н и я . Нега гапирмасин? Ўзинг яхшилаб, гапиртира олмагандирсан?

Т а и с ь я . Йўқ, мен гапиртиришга ҳўп уриндим, у бўлса, худди мушукка ўхшаб, ҳадеб фикир-фикир кулади. Ҳаммани сўкади.

Зинадан югуриб Ш у р а туша бошлайди, унинг кетидан А н т о н и н а , Т я т и н .

Секин-секин юқоридан З в о н ц о в л а р в а Д о с т и г а е в л а р тушиб келишади.

П р о п о т е й индамасдан таёқ билан кўкка ва ерга чизиклар тортади. Сўнгра бошини куйи солиб, ўйчан тўхтади.

Ш у р а (*отаси унга югуриб келиб*). Бу нимаси тағин? Бу қандай томоша?

М е л а н и я . Сен жим тур!

П р о п о т е й (*қийналгандай*). Худодан тонган одам роҳат қилмайди бир дам! Унинг кўнгли ғаш, сиқик; соат бўлса — тик, тик, тик!.. Агар кудратим бўлса, ҳар иш кўлимдан келса! Оҳ, оҳ, оҳ, озод бўларди даргоҳ! Ундан ўзга демасдан, мен... Менми? Мен... ёмон одам эмасман! Кимга келишти бало? Биламиз, иншолло! Ўйна, шайтон, ҳўп ўйна, эркинг бор, тошиб қайна! Ярим кечалар ўтди, сахар вақти ҳам етди! Хўрозлар чақиринди, ўликлар бақиринди! Чақиринди қулоқ солсин, худодан қайтган борсин! Ернинг қорнини ёрсин, дўзахдан ўрин олсин!..

Б у л и ч о в . Яхши ўргатиптилар сени...

М е л а н и я . Халақит берма, Егор, халақит берма!..

П р о п о т е й . Энди нима қиламиз? Нимага қоқиламиз?

А н т о н и н а (*афсусланиб*). Мунинг ҳеч бир кўрққулиги йўқ!

П р о п о т е й . Фалон-пистонлар ўлди, жанозаси ўқилди! Йиглаб кўзни ёшлайми ё бир ўйин бошлайми? Қани энди ўйнайлик, ўйнаб-ўйнаб тўймайлик! (*Илгари депсиниб туриб, аста-аста ашула бошлайди, кейин ашулани борган сари авж олдириб, охирида ўйнаб кетади.*) Ё Халил, ё Залил, ё Жалил, ё Далил! Ё ёмон, ё сомон, ё қулоқ, ё сулоқ! Ё у кун, ё бу кун, ҳой!.. Чор-чор, шаҳриёр, тошга ур, бошни ёр! Дўст қани — йўқланса, ҳидлари қўланса! Жинг, жинг, жинг. Бир кўринг! Жим, жим, жим, ўзи ким? Худодан айрилган, қаноти қайрилган; гўрларда дайдиған, мияси айниған; шайтонга эрганған, ҳақ йўлдан адашған; минг қарич пошнаси, алвасти — ошнаси; захарлар — ошида, Азроил — бошида; вой-вой, ҳой-ҳой, шуми, бу Егорбой!..

Ш у р а (*қичқириб*). Ҳайданг бун!

Б у л и ч о в . Бу нимаси... Итлар... Сиз мени кўрқитмоқчи бўласизми?

З в о н ц о в . Бу шармандаликни бас қилиш керак.

Г л а ф и р а П р о п о т е й нинг ёнига югуриб боради, у ўйнашдан тўхтамай, Глафирага таёқ ўқталади.

П р о п о т е й . Тин, тин, зин, зин; ёмон жин, ёмон жин!..

Унинг кўлидаги таёгини тортиб олади.

М е л а н и я . Сен кимсан? Ким бўлдинг сен?

Ш у р а . Отажон, ҳайдаб юбор ҳаммасини... Нега индамайсан?

Б у л и ч о в (*кўлини тўлғайди*). Шошма... шошма...

Пропотей ерга ўтириб, яна ҳалиги овозини чиқаради, ҳўштак чалади.

М е л а н и я . Унга тегиб бўлмайди. Унинг шу тобда жазаваси тутиб қолди! Унинг кайфи баланд!

Д о с т и г а е в . Мунақа кайф қилганларни, онажон, тутиб олиб урадилар.

З в о н ц о в . Тур ўрнингдан... Йўқол дарров!

П р о п о т е й . Қаерга? (*Яна ўша овозни чиқаради.*)

Ксения йиғлайди.

Елизавета. Мунинг усталигини қаранг... Икки хил овоз чиқаради!
 Буличов. Йўқол ҳамманг... Шунча кўрганинг етар...
 Шура (*авлиёга қараб ер депсиниб*). Йўқол, афтинг курсин! Стёпа,
 хайдасанг-чи мун!

Тятин (*Пропоте йни ёқасидан олади*). Қани, туринг, авлиё...
 Кетдик!

Тайсья. У бугун унча кўрқинч бўлгани йўқ... Мундан ҳам кўркунчроқ
 бўлишга ярайди бу... Агар арақ ичириб қўйсак борми?..
 Мелания. Сен нега жавраб ётирсан? (*Бетига уради*).
 Звонцов. Уят эмасми?
 Мелания. Кимдан уяламан? Сенданми?
 Варвара. Тинчланинг, хола..
 Ксения. Э, худойим... Бу қандай аҳвол бўлди?

Шура билан Глафира Буличовни диванга ётқизадилар, Достигаев диққат билан уни қарайди. Звонцовлар Ксения билан Меланияни олиб чиқиб кетадилар.

Достигаев (*хотинига*). Юр, Лиза, уйга қайтайлик! Буличовнинг аҳволи ёмон! Жуда ёмон... Ундан кейин намоийш кетаётир... Қўшилмоқ лозим.

Елизавета. Ғалати овоз чиқаришини айтаман-да! Одамнинг ақлига ҳам келмайдиган овоз...
 Буличов (*Шурага*). Шу ҳаммаси — сўфий хотиннинг иши...
 Шура. Аҳволинг оғирлашдими?
 Буличов. Бу... ўлмаган одамнинг жанозасини ўқиганга ўхшайди.
 Шура. Сен айтгин: аҳволинг оғирми? Докторга одам юборайликми?
 Буличов. Керак эмас. Подшо билан подшолик тўғрисидаги гапни у девона ўзидан қўшди... “Агар қудратим бўлса, ҳар иш қўлимдан келса!” дейди. Эшитдингми? Қўлидан келмайди!
 Шура. У гапларни унутиш керак...
 Буличов. Унутамиз! Сен бохабар бўлиб тур. Улар тагин у ёқда Глафирага озор бериб юришмасин... Кўчада қандай ашула?
 Шура. Сен ўрнингдан турма!
 Буличов. Дарҳақиқат, фисқу фасод уяси бўлган бу мулку давлат маҳв бўлади. Ҳеч нарса кўролмаман... (*Ўрnidан туриб, столга таянгани ҳолда кўзларини уқалайди*.) Сенинг мулку давлатинг эмиш... Мулку давлат бўлдими шу? Йиртқичлар! Мулку давлат... Поку парвардигор эмиш... Йўқ, бўлмайди! Мени бемаҳал ўлимга ҳукм қилиб қўйибсан, парвариш қиладиган парвардигор бўласанми? Нима учун ўлимга ҳукм қилдинг? Ҳамма ўлади? Нега, ахир? Ҳамма ўлса ўлаверсин! Мен нега ўламан? (*Тебраниб олади*.) Хўш, Егор нега ўлади? (*Хирқироқ овоз билан қичқиради*.) Шура... Глаха! Докторни чақир! Ҳой... Ким бор? Мальунлар! Егор Буличов... Егор!..

Шура, Глафира, Тятин, Тайсья киришади; Буличов уларнинг оёғига деярлик йиқилади. Дераза ташида қалин ашула овози. Глафира билан Тятин Буличовни турғизишади. Шура деразани очади, ташқаридан ашула оқини гуруллаб киради.

Буличов. Нима гап бу? Жаноза такбири... Яна жаноза! Шура! Кимлар улар?
 Шура. Бери кел, берироқ... Ана, кўр!
 Буличов. Эҳ, Шура...

П а р л а.

“ЕГОР БУЛИЧОВ ВА БОШҚАЛАР” ЧЎЛПОН ТАРЖИМАСИДА

Чўлпон адабий меросида Шарқ ва Ғарб халқлари адабиётидан қилинган таржималар гоят катта мавқени эгаллайди.

Чўлпон қисқа ижодий ҳаёти мобайнида шу қадар кўп асарларни ўзбек тилига таржима этганки, агар унинг тўла асарлар тўплами нашр этилгудек бўлса, бу нашрнинг тенг ярмини, балки ортиқроқ қисмини таржима асарлар ташкил этган бўларди. Атоқли шоир ҳаётининг авжи ширага тўлган, самарали, ўн йилдан зиёдроқ вақти ўзбек театр санъати билан боғлиқ кечганлиги сабабли у рус ва жаҳон драматургларининг талайгина асарларини ўзбек тилига ўтирди ва бу асарларнинг аксарияти ўзбек драматудияси, собиқ Ҳамза номидаги драма театрида саҳна юзини кўрди. Аммо, афсуслар бўлсинки, Чўлпон қаламига мансуб бу таржима асарлардан фақат “Ҳамлет” билан “Борис Годунов” гина нашр этилди ва бизга қадар омон-эсон етиб келди. Лекин унинг бошқа қарийб барча таржима асарлари ё куйдириб ташланди, ё кимнингдир қўлида қолиб йўқолди.

1937 йилда Чўлпон “халқ душмани” сифатида қатагон этилиши билан унинг собиқ Ҳамза номидаги драма театри саҳнасида ўйналаётган ёхуд саҳнага чиқиш арафасида турган “Маликаи Турандот” (Карло Гоцци асари), “Ўсиш”, “Зағмуқ” (ҳар иккаласи А.Глебов асари), “Ҳужум” (В.Ян ва Чўлпон асари), “Сигнал” (С.Поливанов ва Л.Прозаровский асари), “Бағоват” (Дм. Фурманов ва С.Поливанов асари), “Бронепоезд 14-69” (Вс.Иванов асари), “Ҳайқир, Хитой!” (С.Третьяков асари), “Пўртана” (В.Биль-Белоперковский асари), “Ҳамлет” (У.Шекспир асари), “Егор Буличов ва бошқалар” (М.Горький асари) ҳамда “Борис Годунов” (А.Пушкин асари) спектакллари театр репертуаридан олиб ташланди.

Кези келганда айтиш жойизки, Ҳамза театри, бу асарлардан ташқари, айрим манбаларга қараганда, Лопе де Веганинг “Қўзи булоқ”, К.Голдонининг “Икки бойга бир қарол”, Мольернинг “Хасис”, Н.Гоголнинг “Ревизор” (“Терговчи”), А.Файконинг “Портфелли киши”, С.Левитинанинг “Хукм” пьесаларини ҳам Чўлпон таржимасида саҳнага қўйган. Бинобарин, Чўлпондек “халқ душмани”га лаънат тошлари отилиши билан бу барча таржима асарлар ҳам яшашга ҳақсиз, деб топилди. Бошқача

айтганда, Чўлпон ижодий меҳнатининг самараси бўлган асарлар 37-йил гулҳанида ёндириб кул этилди.

Камина узоқ йиллардан бери олиб бораётганим изланишлар натижасида яқинда Ўзбекистон Президенти девони архивидан Максим Горькийнинг Чўлпон таржимасидаги “Егор Буличов ва бошқалар” асари матнини топишга муваффақ бўлдим. Махфий архивларнинг бирида сақланаётган ҳужжатларга кўра, Чўлпон 1935 йилда “Егор Буличов ва бошқалар” пьесасининг таржимаси учун театр кассасидан 1000 сўм олган. Тахмин қилиш мумкинки, Чўлпон бу қалам ҳақини таржимани узил-кесил тугатгандан кейин бир йўла олган. Бинобарин, биз М.Горькийнинг бу асари Ҳамза театри учун ва шу театрнинг буюртмаси билан 1935 йилда ўзбек тилига ўтирилган, деб ҳисоблашимиз мумкин.

Шубҳасиз, савол туғилиши мумкин: нима учун Ҳамза театри ўтган асрнинг 30-йиллари ўргатарига М.Горькийнинг “Егор Буличов ва бошқалар” асарини саҳнага қўймоқчи бўлган? Гап шундаки, биринчидан, М.Горький 1934 йилда СССР Ёзувчилар уюшмасининг биринчи раиси этиб сайланган ва у СССР таркибига кирган кўп миллатли адабиётнинг байроқдори бўлган. Ўзининг 15 йиллик юбилейига тайёргарлик кўра бошлаган Ҳамза театри эса шонли санани жаҳон драматургиясининг шоҳ асарларидан бири — У.Шекспирнинг “Ҳамлет” ва совет драматургиясининг етук намуналаридан бири “Егор Буличов ва бошқалар”ни саҳнага қўйиш билан нишонламоқчи бўлган. 1938 йилда нишонланажак М.Горький туғилган куннинг 70 йиллиги бу режанинг кучга киришига сабабчи бўлган.

Рус адабиётшунослари М.Горький драматургик ижодини икки босқичга ажратадилар. Агар “Менчанлар”, “Тубанликда”, “Душманлар” сингари драмалар М.Горький ижодининг биринчи босқичга оид бўлса, “Егор Буличов ва бошқалар” ҳамда “Достигаев ва бошқалар” драматург ижодининг иккинчи, гуллаган босқичининг мевалари ҳисобланади.

Чўлпон Москвада кечган ҳаёти (1924-1927, 1931-1934) давомида рус адабиёти ва рус театрини яқиндан ўрганди. М.Горькийнинг “Она” романи, “Илгаклар” ва “Тонг” ҳикояларини ўзбек тилига маҳорат билан ўтирди. Шунинг учун театр М.Горькийнинг “буличовнома”си-

ни таржима қилишни ҳам Чўлпонга топширди ва Чўлпон буюртмани тахминан шартномада кўзда тутилган муддатда (1935) бажарди.

Мазкур таржима лотинча шрифтли машинкада кўчирилган бўлиб, 72 саҳифадан иборат. Ахён-ахёнда учраб турувчи тузатишлар 1936 йил 3 июлда, яъни рус адабининг вафоти (1936.18.VI) дан кейин бошқа бир кишининг қўли билан киритилган. Тахминимизга кўра, таржима матни нашр этилиш мақсадида машинкаланган. Буни ўша кезлардаги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раҳбарларидан бири — Қурбон Берегиннинг Ўзбекистон Давлат нашриёти номига ёзган хатидан ҳам билса бўлади. Мазкур шахс асарнинг унвон (титул) варағига қуйидаги сўзларни ёзган:

“ЎзГИЗ.

Мени вақтим йўқ. Бошқага беринг. Сўнгга, бошқа таржимон топилмадими? Нега Чўлпонга таржимага берилди?

Қ.Берегин имзоси.

10/IV”.

Қурбон Берегиннинг бу ёзуvidан шу нарса аён бўладики, биринчидан, таржима муҳокама этилмоқчи ва ҳатто Қ.Берегиннинг ўзи муҳокама мажлисига раислик қилмоқчи бўлган, иккинчидан, у таржимадан қаноат ҳиссини туймаган, учинчидан ва энг муҳими, у таржиманинг Чўлпонга берилганидан норози бўлган.

Маълумки, Ўзбекистон компартиясининг ўша пайтдаги раҳбари Акмал Икромов Чўлпонга, Файзулла Хўжаев сингари, хайрихоҳлик билан қараган. Қ.Берегиннинг сўнгги сўзлари эса унинг Чўлпонга нисбатан қарши қутбда турганидан ва ҳатто Чўлпон масаласида Марказком икки гуруҳга ажралиб кетганидан дарак беради.

Шубҳасиз, “Егор Буличов”нинг таржимаси “Ҳамлет”нинг таржимаси даражасида эмас. Бунинг сабаби, бизнингча шундаки, Чўлпон гарчанд М.Горькийнинг “Она” романини ўзбек тилига меҳр билан ўгирган бўлса-да, бу асарга нисбатан ўзида катта қизиқиш кўрмаган, уни маҳорат билан таржима қилиш учун ўзида етарли даражадаги руҳий кучни, рағбатни, илҳомни тополмаган.

Чўлпоннинг 1937 йил 7-8 апрель кунлари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган йиғилишдаги нутқидан шу нарса маълумки, у мусофирликдан қайтгач, она юртида илиқ бир муносабатни кўрмаган. Қанд қасаллигига мубтало бўлган адиб мойнаги иш билан таъмин этилмагани учун оғир иқтисодий аҳволда яшаган. У ана шундай шароитда, икки йил ичида “Она”нинг иккинчи бўлимини, “Егор Буличов”ни, Пушкиннинг “Дубровский” ва “Борис Годунов”, Лохутийнинг эса “Оврупо сафари” асарларини таржима қилган, “Жўр” номли шеърлар китобини нашрга тайёрлаган. Шунга қарамай, уни “Москвадан келгач, ўзини кўрсатмади”, деб айблаганлар. “Ҳамлет”нинг Чўлпон қаламидан чиққан доҳиёна таржимасига матбуот совуқ муносабат билдирган, театр афишаларида ҳатто таржимон номи қайд этилмаган. “Она”нинг нашрида эса таржимон номи техник муҳаррирнинг исми-шарифи билан бир жойда ёзилган.

Чўлпон зикр этилган нутқида мажлис раиси Қурбон Берегинга мурожаат этиб, яна бундай деган: “Ҳамлет” мендан илгари бошқа бировга берилган экан, лекин у истамаган (тўғрироғи, эшлолмаган — Н.К.) экан, сўнгга, “Ҳамлет”нинг таржимасини менга берганлар. Биз уни Уйғур билан бирга ишладик. Охирида газетада чиқдики, “Ҳамлет”нинг таржимаси Чўлпоннинг ҳеч бир иштирокисиз театрга чиқди”, деб.

Ана шундай муҳитда яшаган Чўлпоннинг “Егор Буличов”ни биз кутган ва орзу қилгандек катта маҳорат билан таржима қилиши маҳол эди.

Шунга қарамай, ушбу таржима улғу Чўлпон ижодий меҳнатининг самараси сифатида катта адабий-тарихий аҳамиятга молик. Қолаверса, Чўлпон М.Горькийнинг 1917 йил инқилоби арафасидаги рус халқи турмушидан олинган асарини аниқ ва ёрқин тил билан таржима қилган.

Ниҳоят, М.Горькийнинг мазкур асари 1939 йил 10 мартда Ҳамза театрида режиссёр И.Илёсов томонидан саҳналаштирилган.

Наим КАРИМОВ, профессор.



ТЎҚТАҒУЛ

Она халқим, омон бўл!

ЯРАШАР

Тасир-тусир чоғгириб,
Тулпор минсанг ярашар.
Дилларни қувонтириб,
Асилни кийсанг ярашар.
Баҳорда бўлиқ адирдан
Ҳайдасанг мол ярашар.
Тошилса, жўмард йигитга
Кўзгудай ёр ярашар.

Чақиндай отни ўйнатиб,
Юракни қушдай сўйлатиб,
Ярашимли кийиниб,
Қўшиққа созлаб тилингни,
Зангори ипак кўйлакли,
Сулувни боссанг бағринга,
Ёшлигинг ҳам ярашар.

Меҳнат қилиб ёшлиқдан,
Элга ёқсанг ярашар.

Ошиқ-маъшук чирмашиб,
Эркалашсанг ярашар.
Ёринг билан сўйлашиб,
Тенг ухласанг ярашар.
Эл йиғилиб келганда,
Мен қуйласам ярашар.

Сўлқилдоқ қиз-келинга
Ипак-пийи ярашар.
Чол-кампирга қанти бор
Памилчойинг ярашар.
Эрмак учун болаларга
Кўғирчоқ той ярашар.

Ажалингдан аввал ҳеч
Ўлмаганинг ярашар.
Олганинг яхши ёр бўлиб,
Кучоқлашиб ухласанг,
Оқ ойдин тун ярашар.

ЎЙНАМА

Қувнинг бошин ўйнама,
Йигит бўлсанг, йигит бўл,

Ҳеч нарсани ўйлама,
Қувнинг бошин ўйнама,

*Шавкат РАҲМОН
таржималари*

“Шарқ юлдузи” ойномасининг 2000 йил, 5-китобида иқтидорли шоир Шавкат Раҳмонни хотирлаб ёзган мақоламда таъкидланганидек, Гарсиа Лорка, Роберт Бёрнс каби шоирлар ижодига қизиқиш 1970 йилларда қирғиз адабиётига кириб келган Жўлон Мамитов, Марқабой Ааматов каби ёшлар учун ҳам характерли эди. Жўлон Ушдаги “Катталлик” хўжалигида зоотехник бўлиб ишларди. Марқабой эса Ўш Давлат олийгоҳида ўқирди. Шавкат босмахонадан вилоят газетасига хизматга ўтгач, мен уни Ж. Мамитов, Қ. Тошбоев ва М. Ааматовлар билан таништириб, турли тадбир ва учрашувларга жалб этдик. Тақдирнинг тақозоси билан Шавкат Раҳмон Жўлон Мамитов билан Москвадаги адабиёт олийгоҳида бирга ўқиди. Худди шу ерда у Қизилқия шаҳридан келган шоир ва талаба Эгамберди Эаматов билан дўстлашди. Кейинчалик, у Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ишлаб юрган кезларда, хизмат сафари билан Бишкекда бўлган пайтларида, Суюнбой Эралиев, Совранбой Жусуев сингари қирғиз адабиётининг етуқ вакиллари билан

Деб кўшларга сўйлайман.
 Йўлни қўйиб, дўнгни бос,
 Дўнгни қўйиб, йўлни бос,
 Тенг-тўшингга қўшилиб,
 Ҳайаб-ҳайаб кўнгил ёз.
 Кампир билан чол ётар,
 Уруш билан тонг отар,
 Куёв билан қиз ётар,
 Кулгу билан тонг отар,
 Уйғотса ҳам уларни
 Фақат ёшлик уйғотар.
 Отинг дулдуд бўлсаям,
 Тўй ошидан кеч қолсанг,
 Дулдудлиги не фойда?
 Олганинг сулув бўлсаям,
 Ҳадеб бетга чанг солса,
 Сулувлиги не фойда?

Қарағайнинг шохини
 Қайирмагин, не фойда?
 Ҳалиб кетсанг, хотининг
 Ариллайди, не фойда?
 Кесилган терак қуласа,
 Кесинди қолур, не фойда?
 Келининг, ўлсанг, бошингда
 Айҳаннос солур, не фойда?
 Камзулинг мўйна бўлмаса,
 Тўн-чопондан не фойда?
 Чопқир от минган кунда маст,
 Кўшган бўйдоқ тунда маст,
 Сўзамол одам тўпда маст,
 Йўрға минган йўлда маст,
 Чевар хотин ишда маст,
 Бузуқ хотин тушда маст.

ЗАМОНА

Сон-саноқсиз одамларни,
 Зор қилгансан, замона.
 Камбағални бойларга
 Хор қилгансан, замона.

Бечорага бу фалакни
 Дор қилгансан, замона.
 Золимларга аждрҳодай
 Авратгансан, замона.
 Ночорларни пулдорларга,
 Ямлатгансан, замона.

Оч бургутга тулкидай
 Олдиргансан, замона.
 Жез тирноғин захарга
 Қондиргансан, замона.
 Айриб ақл-ҳушидан,
 Ганг қилгансан, замона.

— Аттанг, дунё! — дегизиб,
 Танг қилгансан, замона.
 Бировга — йўқ, бировга
 Бор қилгансан, замона.
 Бойларга кенг, камбағалга
 Тор қилгансан, замона.
 Элга қиммат, — бойга арзон
 Мол бўлгансан, замона.
 Хизматкорга ёвгон шўрва,
 Бол бўлгансан, замона.
 Бойга буюдой, қаролга
 Чор¹ бўлгансан, замона.
 Элга қаттиқ, бойларга
 Шар² бўлгансан, замона.

Бойни эркин, ночорни
 Ҳайлатмаган, замона.
 Бой устидан камбағални

¹ Ч о р — буюдойнинг чала янчилган қолдиги.

² Ш а р — силлиқ, сипо, юмшоқ.

яқиндан танишди. Шунингдек, Ҳрозбой Кўчканов, Мелис Абакиров ва Анатай Ҳмирқонов каби ўзига тенгдош ижодкорлар билан дўстлашди. Ҳз навбатида Қаримшоқ билан Жўлон Ш. Раҳмон шеърларини қирғиз тилига маромига етказиб ўгиришди.

1989 йилнинг сентябр ойида Бишкек шаҳрида ва Кетмонтепа қишлоғида (ҳозирги Тўқтагул тумани) халқ оқини Т.Сотилганов туғилган кунга 125 йил тўлиши муносабати билан бир ҳафта давомида юбилей тантаналари бўлиб ўтди. Бу маросимда ёзувчи Тоҳир Малик, адабиётшунос олим З.Исомиддинов, Ш.Раҳмон ҳамда камина иштирок этдик. Сафар чоғида Шавкатнинг илтимосига кўра, қирғиз мумтоз шеърятининг Тўқтагулдан ташқари Женгижўқ, Барпи каби буюк оқинларнинг шеърлари ҳақида сўзлаб, аслиятдаги оҳанг ҳамда қиёсий таржималар тўғрисида суҳбатлашдик. Т.Сотилгановнинг ижодига бағишланган тантаналарнинг яқунловчи оқшомида замонамизнинг етук адиби Чингиз Айтматов қирғиз адабиётининг асосчиси Тўқтагул тўғрисида мазмунли нутқ сўзлади. Хайрлашув чоғида барчамизга

Сўйлатмаган, замона.
Элни тобе, маноларни
Ҳоким қилган, замона.
Қарол — тулки, пулдорни
Лочин қилган, замона.
Бойни — чинор, камбағални
Чирпиқ¹ қилган замона.
Бойни — янги, камбағални
Йиртиқ қилган замона.

Бойни бўри, камбағални
Қўй қилгансан, замона.
Эл қасдида фикр билан
Ўй қилгансан, замона.
Мослаб бойга-бойваччага
Тўй қилгансан, замона.
Камбағалнинг сўнгги молин,

Сўйдиргансан, замона.
Қаро ерни шуларга
Ўйдиргансан, замона.
Бойни юртнинг бошига
Қўйдиргансан, замона.
Камбағални жонидан
Тўйдиргансан, замона.

Элни — ночор, бойни қайсар —
Қийиқ қилган, замона.
Бойни — мерган, камбағални
Кийиқ қилган замона.
Мен юртимнинг булбули,
Толиқмасдан сайрагум.
Она халқим, омон бўл,
Даврон сургин, яйрагин!

БОЛАЛИК²

Терманинг аввал-боши
Подшолик — болалик.
Қирғизимнинг орасига
Сўзим етсин таралиб.
Мени туққан волидам,
Қайтиб келмас яралиб.
Билганимни айтмасам,
Дилда қолгай қамалиб.
Тутқич бермай ёшлигим,
Ўтиб кетди саналиб.
Авжи икки ёшида,
Ота-она қошида,
Одамни кўзга илмасдан,
Меҳмонни писанд қилмасдан
Қочиб юрар болалик.
Олис кетмас беш қадам,
Қиблагоҳи пешқадам
Босиб юрар болалик.

Ёши учга чиққанда,
Ҳа, билсангиз ўшанда
Тўрғай каби “вижирлар”
Онаси дер пичирлаб:
“Ўргилайин тилингдан!”
Меҳрибони эмизиб,
Алдаб овқат егизиб,
Дер: “Айланай гулимдан”
Беданадай тонг чоғи
Сайраб турар болалик.
Тенг-тўшларин гиж-гижлаб,
Қайраб турар болалик.
Ғайратига чидамай,
Қайнаб турар болалик.
Ёши бешга чиққанда,
Шўхликни қилмай канда,
Яйраб турар болалик.

¹ Ч и р п и қ — шох-шабба.

² Шеър қисқартирилиб таржима қилинди (тарж.)

оқиннинг “Сайланма”си ва эсдалик нишонлари топширилди. Тошкентга қайтгач, Шавкат менга кўнғироқ қилиб, Тўқтагулнинг “Сайланмаси”ни таржима қилсак, — деб қолди. Биз бу савоб ишнинг баъзи бир жиҳатлари бўйича келишиб олдик. 1990 йилнинг куз ойларида қўлёзма тайёр бўлди. Шавкатнинг илтимоси бўйича унинг таржималарини аслиятга чоғиштириб, айрим аниқликлар киритдим. Истеъдодли шоир Муҳаммад Юсуф эса икки ҳафта давомида уни таҳрир қилди. Минг афсуски, бозор иқтисодиёти муносабати билан Тўқтагулнинг “Сайланма”си босилмай қолди. Айни кунларда Қирғизистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси мазкур қўлёзмани босмадан чиқариш бўйича ҳомийлик қилмоқчи.

Муҳтарам шеърият шайдолари!
Бетакрор шоир Шавкат Раҳмон томонидан ўгирилган улуғ оқин Тўқтагулнинг эътиборингизга ҳавола қилинаётган термалари она тилимизга қай даражада ўгирилганлигига ўзингиз холис баҳо берасиз.

Турсунбой АДАШБОЕВ.

Айтганимни “топгин” деб,
 Бозорларга “чопгин” деб,
 Аввал ота-онасин,
 Уйдаги парвонасин
 Қийнаб турар болалик.
 Сўзга қулоқ солмасанг,
 “Буюрганин” олмасанг,
 Йиғлаб турар болалик.
 Қелинчак кийган атласга,
 Ётсанг келмас болалик.
 Ялиниб, ятлоқданиб,
 Айтсанг келмас болалик.
 Роса уч ой тўққиз кун
 Пойласанг келмас болалик.
 Бор бисотни сарф этиб,
 Жойласанг келмас болалик.
 Олти ёшга чиққанда
 Олишиб ўйнар болалик.
 Сал нарсага аразлаб
 Нолишиб йиғлар болалик.
 Капалакни қувалаб,
 Чошиб ўйнар болалик,
 Ҳар нарсдан завқу шавқ,
 Тошиб ўйнар болалик.
 Етти ёшга чиққанда
 Уст-бошини лой қилиб,
 Чивик миниб, “той” қилиб,
 Сакраб юрар болалик.
 Саккиз ёшга етганда
 Йиқилиб тушиб “ҳирқираб”,
 Оёғи қонаб зирқираб,
 Ҳатлаб юрар болалик.
 Тўққиз ёшга чиққанда,
 Инсоф бериб, тўхталар,
 Қўпол гапга ўхталар.
 Ўн-ўн бирга етгани,
 Ўсмирликка ўтгани.
 Ўн беш ёшга борганда,
 Ўзга ишга ортинар,
 Қиз-келиндан тортинар.
 Ўн саккизда ўйланар,
 Ўқилондай тўлғонар.
 Йигирмага чиққанда
 Уйқу деган йўқ бўлиб,
 Қиз зогини кўрганда,
 Юраги ёниб, чўғ бўлиб,
 Йигирма бешга борганда,
 Уқриқ¹ солган от бўлар,
 Курашга тўймай эрта-кеч,
 Соврин олмоқ ёд бўлар.
 Кўпкари чошиб, улоқни,
 Олгинг келар болалик.
 Шундай ёшда, муаллақ
 Қолгинг келар болалик.
 Ўн саккиз-у, йигирма беш,
 Ўйласанг ортда қолганда.

Ўйнаб-кулинг, болалар,
 Яна қолманг армонда.
 Қирқ бешга чиққанда
 Сигинсанг келмас болалик.
 Турли-туман матодан
 Қийинсанг келмас болалик.
 Ёшлар билан баҳслашиб,
 Югурсанг келмас болалик.
 Олтмиш ёшни алмашгани,
 Улгурсанг келмас болалик.
 Ойдин кўлни кўриқлаб,
 Бўйласанг келмас болалик.
 Саксон ёшда қизлар билан,
 Ўйнасанг келмас болалик.
 Бозордаги савдонинг
 Нархин билмас болалик.
 Фойда билан зиёнинг
 Фарқин билмас болалик.
 Қўл-оёқни қақшатиб,
 Ювганин билмас болалик.
 Тоқати йўқ, бир ерда
 Турганин билмас болалик.
 Қон-қариндош, уруғни
 Тўққанни билмас болалик.
 Айтганингта маъқул деб,
 Уққанни билмас болалик.
 Ўз тафтига билганча
 Исиниб турар болалик.
 Жаҳли тезни кўрганда
 Қисиниб турар болалик.
 Икков бўлса, бирини
 Уриб турар болалик.
 “Олиб қочиб” пайида
 Кулиб турар болалик.
 Ошиқ берган одамни,
 Ёқлаб турар болалик.
 Ота-она ҳурматин
 Сақлаб турар болалик.
 Олти ойлик норасида
 Эди боя болалик.
 Кўп ўтмайин қарабсиз
 Тетапоя болалик.
 Қариликка етмоқ учун
 Зинапоя болалик.
 Қайта чиқиб бўлмайдиган
 Юксак қоя болалик...
 Болаликда гул чайнаб,
 Полапон қушдай тўларсан,
 Умр ўтгач, “атган” деб,
 Қайта келмай кўярсан.

Арғимоқ бўлсанг, биродар,
 Бир кун чарчаб, толарсан.
 Ортга қайтмас олгин умр,
 Пўлатдай занглаб қоларсан.

¹ Ў қ и р и қ — асов отларни совитишга мосланган арқон.

Лоиқ ШЕРАЛИ

Рубоийлар

* * *

Дарё, дарё, сен ўхшайсан бизларга,
Сен кирмайсан онанг айтган сўзларга.
Тоғ бағрида туғилиб сен, чашма, сўнг
Йўл оласан боқмай тоғу тузларга.

* * *

Хайём, сенинг мадҳинг эрур бетакрор,
Ўткир жоминг балқиб ўйнар шуълавор.
Жомингдан май тотмаганлар маст эрур,
Кимки ичса бўлур оқилу ҳушёр.

* * *

Мен ўтсам, руҳимни эслаб шод айла,
Номимни ёд ол-у, сўнг фарёд айла.
Май жоми қўлингдан тушиб синса гар,
У синиқ дил жоми менман, ёд айла.

*Тожик тилидан
НАЗАРМАТ
таржимаси*

У ловуллаб ёниб турган ижод соҳиби эди. У қардош тожик халқининг эъзозига лойиқ шоир эди. Мен бу ифодаларни уни кўрганимдан, 1984 йил гўзал баҳор фасли — апрель ойида Суғд вилоятида қардош адабиётлар кунлари ўтганида ҳамроҳ бўлганимдан сўзлаётиман. Бир ҳафта давом этган бу дўстлик мушоирасида Тожикистон пойтахти Душанбедан атоқли қалам соҳиблари Миршакар, Фотиҳ Ниёзий, Атохон Сайфуллаев, Лоиқ Шерали, Камол Насрулло, Бозор Собир, Қутби Киrom, Маҳкам Пўлатлар келишди. Тошкентдан тожик тилида ижод этувчи ёрқин ижод соҳиби Жонибек Қувноқ ва мен қардош адиллар билан бирга бўлдик. Вилоят марказига келганимизда икки гуруҳга бўлиниб, бир гуруҳ вилоятнинг шарқий районларига, иккинчи гуруҳ ғарбий районларига йўл олдик. Мен ва Жонибек Атохон Сайфуллаев бошиқ ғарбий гуруҳга қўшилдик. Дастлабки мулоқот вилоят маркази Хўжанд шаҳрида ўтди. Буюк Ипак йўлидаги қадимий улкан шаҳар китобхонлари икки қардош халқ ёзувчиларини қизғин кутиб олдилар, вилоят театрида, билимгоҳ ва корхоналарда икки тилда шеърлар янгради. Ҳофизлар шоирларнинг шеъри билан айтиладиган кўшиқларни зўр маҳорат билан ижро этдилар, адабий учрашувлар катта байрамга айланди. Ижодий сафар

* * *

Онамдан ўзга ном бермаган менга,
 Меҳнатдан ўзга ком бермаган менга.
 Тинчлигим, бари бу нотинчлигимдан,
 Тинчлигим ҳеч ором бермаган менга.

* * *

Шеъримда то оташ қалбим намоён,
 Этарманми мангу ҳаётни армон.
 Деҳқон экинидан мангулик қутмас,
 Мен ҳам ашбор айтгум мисоли деҳқон.

* * *

Қайғу селдир, шодлик чапмаю шабнам,
 Шодлик қазо элтмас, адо айлар ғам.
 Шодлик ўз жойига қайтмайди зинҳор,
 Қайғу эса қайтар манзилга ҳар дам.

* * *

Қалбим оромида мавж урса туғён,
 Шодликдан май ичиб, топгайман дармон.
 Дўстларни ёд айлаб, қадаҳ кўтарсам,
 Азиз чехралардан дил бўлур шодмон.

* * *

Ҳаёлинг тун бўйи кўнглимни тутди,
 Кўйингда жоним дор тагидан ўтди.
 Не қилай, муҳаббат ношукурликмас,
 Ишқ олис йўл босиб, вақтидан ўтди.

* * *

Ҳайём, дилинг дилимдан огоҳдир,
 Ҳар сўзинг тарона ҳам дард-у оҳдир.

бошланди. Ёзувчиларни Пролетар, Нов, Фончи, Ўратепа, Зафаробод, Мастчоҳ районлари меҳнаткашлари қизгин кутиб олдилар.

Бу ижодий сафарда мен барча қардош ҳамкасб биродарлар, шу жумладан, Лоққ Шерали билан қадрдон дўст бўлиб қолдим. Лоққ ижоди билан олдиндан таниш эдим, ўзи билан ҳам Душанбега акам Аширматни кўришга борганимда ёзувчилар уюшмасига кириб, танишган эдим. Унинг шеърлари, унинг ўзи ҳам гуркираб турган баҳор нақшига ўхшарди. У билан ижодий сафарда бўлар эканман, ҳамма ерда Лоққ тожик қардошлар билан бирга яшаб келаётган ўзбек, қирғиз китобхонларига ҳам, улкан истеъдодли шоири азиз эди. Унинг ҳар бир шеърини шеърят мухлислари гулдурос қарсақлар билан кутиб олардилар.

Лоққ китобхонлар билан бирга дилкаш суҳбатлашиб, уларнинг саволларига бажонидил жавоб қиларди:

— Мен Самарқандга қўшни Панжакент районидаги қадимий тожик қишлоғи Мозори Шарифда деҳқон оиласида туғилганман, олий маълумотни пойтахтимиз Душанбедаги Педагогика институтининг адабиёт факультетида олганман, — дерди.

Лоққ Тошкентда яшаб ижод этган таниқли Жонибек Қувноқ билан оға-инидек қадрдон дўст эди. Улар бир-бирлари билан доимо хабарлашиб, ижодий ҳамкорлик қилар эдилар.

Байтинг дил каъбасига қопқа эрур,
Шеъринг умримиздай қисқа-кутоҳдур.

* * *

Хайф эрур дайди, ёт бўлса ўй-ҳаёт,
Дарду ғам-ташвишдан бўлса ғар озод.
Юрмоқ недур ҳаёт сўқмоқларидан,
Қадамни санамоқ эрур айб, у-ёт.

* * *

Бу юпун дунёнинг бунёдкори биз,
Не асли бу жаҳон, унинг бори биз.
Ёт эмасмиз бизлар, йироқ бўлсак-да,
Биз Одам, Ҳавонинг ёдгорларимиз.

* * *

Дарё, нега мендек мунча жўшқинсан,
Қалбим каби паришону тошқинсан,
Сўз кор қилмас ошиқдай сен савдойи,
Жойинг ташлаб чопоғону шошқинсан.

* * *

Ҳар тонг мен жаҳонга янги келурман,
Ўзимни муҳаббат марди билурман,
Ҳар тунки, одамдай жаҳондан ўтса,
Ўрнига тенг бўлиб пайдо бўлурман.

* * *

Мен дўстлар дилига баҳор келтиргум,
Ошиқлар дилига хумор келтиргум.
Ёрдан айриларга, фироқ даштида,
Хушхабар, салому ёдгор келтиргум.

Жонибек бевақт вафот этганда Лоиқ азиз дўстини ёд олиб жуда қайғурди, Жонибек оиласига ҳамдардлик билдириб, унинг шеърларини тўплам қилиб, Душанбеда чоп эттиришда бошчилик қилди. Лоиқ Шерали мен билан ҳам яқин дўст эди. 1984 йилда Нов шаҳрида бирга бўлганимизда, у билан бирга акам Аширмат қабрини зиёрат этиб, гулчамбарлар қўйдик, унутилмас хотирасини ёдга олдик. Лоиқ “Мужда” шеърлар тўпламини “Назармат ака, Сиз доим бизнинг назаримиздасиз”, деб, “Соҳиллар” тўпламини “Муҳтарам Назармат ака! Ҳамиша сарбаланд бўлинг” деган дастхати билан менга такдим этганди.

Лоиқ Шералининг дастлабки шеърлари 1962 йилда матбуотда, шунингдек, “Садои Шарқ” журналида эълон қилинганди. Шоирнинг 1963 йилда “Мужда”, 1965 йилда “Гулдаста”, 1972 йилда Душанбедаги “Ирфон” нашриётида “Соҳиллар” шеърый тўпламлари, рус тилига таржима этилган шеърый китоблари, Есенин ва бошқа мумтоз шоирлардан таржималари китобхонларнинг юксак баҳосига сазовор бўлди.

Лоиқ Шерали ловуллаб ижод оламига кириб келди-ю, бу маърифат оламида 2000 йилда орамиздан тез кетди. Лекин у ўзининг ўлмас асарлари билан барҳаёт бўлиб қолди. Муҳтарам шеърхонларимизга унинг рубоийлари таржимасидан намуналар ҳавола этмоқдамиз.

НАЗАРМАТ.

* * *

Тупроқ, сени кўз ёш ила нам айладик,
Бошингда кўп туриб биз мотам айладик.
Доғ хокингни ювдик дил қонимизга,
Тошинг йўниб ҳайкали одам айладик.

* * *

Бу хок оналардай чекиб ғам йиғлайди,
Ётганларга тутиб мотам йиғлайди.
Йўлларига ёмон нигоҳлар тушиб,
Нокаслар унга қўйса қадам йиғлайди.

* * *

Кўчамиздан келин-куёв ўтишди,
Хурсанд бўлиб ошиқ икков ўтишди.
Ажиб бир ҳол кечиб шу чоғ дилимдан,
У ёшлик йилларим бир ров ўтишди.

* * *

Жаҳонда токи сен бўлибсан пайдо,
Ҳаёт ишқи билан маст бўл, ҳувайдо.
Сино бўлмасанг-да, чиқма измидан,
Мажнун бўлмасанг-да, шайдо бўл, шайдо!

* * *

Менинг кафтларимга осмон жойлашар,
Муштдек юрагимга уммон жойлашар.
Аммо мен жаҳондин тўймасман асло,
Кўзим қароғига жаҳон жойлашар.

* * *

Бу кенг даштдан мудом қарвон ўтади,
Ҳамма кўриб фойда-зиён — ўтади.
Ҳамма бу дунёдан ўтади ҳарчанд,
Бадбахт кимки — у бенишон ўтади.



Валерий ЗАЛОТУХА

Сўнгги коммунист

Қисса

Биринчи боб

МАНА БИЗ ҚАНДАЙМИЗ!

1

Тайёра паст сузиб юрган булутлар орасидан сассиз-садосиз тушиб келди-да, мушук панжаларини ёзгандек, филдиракларини тушириб қўна бошлади. Филдираклар намиққан бетонга урилгач, зўриқиб кучанди-да, овози ўчди, ажабтовур тайёра оддий темирга айланди-қолди.

Бирпасда унинг қапшайган биқнига икки трап келиб ёпишди. Орқа эшикдан, ёшлари ўтган бўлишларига қарамай, яхшигина кийинган, хушқомат, сертабассум кишилар тушиб келишди. Уларни узун аэропорт автобуси кутиб турарди. Олдинги трап эса бўшлиғича қолаверди. Биринчи салоннинг очиқ эшигидан чиқиши керак бўлган одамга мўлжалланган ҳашамдор пушти «Роллс-ройс» зинапоёга қадалиб турарди.

Лекин негадир биринчи салондан ҳеч ким чиқмасди...

«Роллс-ройс»нинг орқасидан каттакон, ойналари зим-зиё қора «Шеврале-Субурбан» турарди. Машина атрофида қора костюм кийган, сочлари калта олинган, бўйни йўғон, кенг елкали тунд йигитлар ўралашарди. Чор тарафга кўз-қулоқ бўлиб турган бу барзангиларнинг қарашлари совуқ эди. Уларнинг бошлиғи - кекса, оқ соч (лақаби ҳам Оқ соч-Седой эди), юзлари қип-қизил киши «Субурбан» зинасига оёғини тираганича уяли телефонга нималарнидир бақириб гапирарди. У бақирган сари юзи баттар қизариб борарди.

Биринчи салондан эса ҳануз ҳеч ким чиқмасди...

Седой бақирар, йигитлар асабийлашар, аҳвол танглашиб борарди. Фақат иккинчи салондаги кишилар ҳамон тиржайганча бўм-бўш турган зинапоёга қарашар, йигитлар «Роллс-ройс»дан кўз узишмасди. Ажнабийлар ҳатто Седой телефонга қараб кимнидир бўралаб сўкса ҳам кулиб тураверишди...

Худди шу пайт тайёра эшигида боядан бери кутишаётган кимса пайдо бўлди. У бола эди... Пуштиранг «Роллс-ройс» унга ажратилганди. Шоввоз йигитлар ўшани кўриқлаши керак эди. Қўлида каттакон гулдаста тутган Седой унга қараб чошди...

У тайёрадан ғалати тарзда, ёнбоши билан, худди буни хоҳламаган ҳолда чиқиб келди. Уни орқа томондан сочлари калта олдирилган, кичкинагина қора кўзойнак тақиб олган баҳайбат кўриқчи тўсиб келарди.

Ҳалиги бола, тўғрироғи, болага ўхшаш ўсмир йигитча паст бўйли, нозиккина, лекин чиройликкина эди. Агар ёшига мос келмайдиган жиддий ва ҳорғин

Файзи ШОҲИСМОИЛ
таржимаси

Валерий Александрович Залотуха 1954 йили Тула областида туғилган. Москва Давлат университети журналистика факультетини ҳамда сценарийчилар ва режиссёрлар олий курсини тугатган. Унлаб бадиий фильмлар сценарийси муаллифи.

кўзларини ҳисобга олмаганда бу болани бемалол мишиқи деса ҳам бўлаверарди. У кўкрак чўнтагига зар ип билан учта тоғ чўққиси акси тикилган кўпол қизил куртка кийиб олганди. Тор ва калта шимда, масхарабозникига ўхшаш каттакон ботинкада йигитча чиндан ҳам ғалати кўринарди.

Сирли йигитча зинанинг юқори майдончасида тўхтаб қолди, ёнган керосин ҳиди анқиб турган нам ҳаводан нафас олди, ғалати жилмайди-да, пастга қараб енгилгина тушиб кетди.

2

Аэропорт дарвозаси ғийқиллаб очилди. Дарвоза ортида уларни давлат автоназоратига тегишли “Форд” кутиб турарди. У ялтироқ машъални ёқди-да, чинқирганича “Роллс-ройс”ни бошлаб кетди. Сафнинг охирида “Субурбан” борарди. Унда ўтирган йигитлар автоматларини шай тутганча жим боришарди.

Седой «Роллс-ройс»да, ҳайдовчи ёнида ўтирарди. У формали камзул кийиб олган, лакланган соябонли фуражкада эди. Плашининг тугмаларини ечиб, дастрўмол билан тез-тез юзи ва бўйнини артиб кўярди. У ҳазиллашиб кўяр ва ўзи ҳам завқ билан куларди. Ҳайдовчи эса, аксинча, вазмин, йўлдан кўз узмай машинани ҳайларди.

Йигитча бурчакда жимгина ўтирарди, унинг борлиги сезилмасди ҳам. Ўртада ойна — тўсиқ бўлгани учун у Седойнинг ҳазил-мутойибасини эшитмасди, афтидан, қизиқмасди ҳам. Кўзларидан ҳорғинлиги сезилиб турган йигитча бепарво эди.

Улар Москвага киришмади, ҳали кўздан ғойиб бўлмаган шаҳарни жимгина, диққат билан кузатиб боришарди. Куролли йигитлар, Седой, ҳатто «Роллс-ройс»нинг ҳайдовчиси ҳам ўтирилиб, орқага қараб кўйишди.

Москва жуда катта, ваҳимали, тетик эди.

Йигитча эса бепарво эди, уни Москва қизиқтирмасди.

Симферопол тош йўлида «Форд»ни ДАНнинг «Волга»си алмаштирди ва улар жанубга қараб йўл олдилар.

Йигитча ҳар замон-ҳар замонда кўзини очиб, теваракка лоқайд қараб кўярди. У машина ойнаси ортидан лип-лип этиб ўтиб турган Россия ҳаётининг фақирона манзаралари: нурсиз қишлоқларга, кимсасиз ҳувиллаб ётган овулларга, йўл четида туриб, ўтган-кетганга, йўловчиларга чойнак, сочиқ ва балиқ таклиф қилаётган аёлларга ҳиссиз қараб кўярди.

Бир жойда машиналар сафи секинлашди. Йўлда тўнтарилган машина ёнаётганди. Машиналар тўхтаб қолган, ташвишга тушган кишилар уймалашганди. Седой тўсиқ ойнани тақиллатиб, йигитчага ёнаётган машинани кўрсатар, худди болага ўхшаб ҳалоқатдан қувонаётганини яширмасди. Йигитча у қўлини чўзган томонга бир нигоҳ ташлади-ю, кейин диққат билан Седойга тикилди, ғазаб билан лабини жийриб кўйди.

Улар тун бўйи жанубга қараб йўл босишди, фақат йўлда бошлаб борувчи ДАН машиналари алмашиниб турди, холос. Ғарибона ўрта-рус манзаралари энди кимсасиз бўм-бўш чўллар билан алмашинди. Седой ухлар, боши кўксига осилиб тушганди. Йигитча эса, аксинча, жонланганди. У кимсасиз кенг далаларни диққат билан кузатиб торарди...

3

Тонг ғира-ширасида «Роллс-ройс» ва «Субурбан» машиналари «янги рус» мулки кенг кўрғонининг ланг очик дарвозасидан кириб келишди. Улкан данғиллама уйнинг ҳашаматли устунлари олдида, кўплаб хизматкорлар қуршовида кўрғон соҳиблари - эр-хотин Печенкинлар - Владимир Иванович ва Галина Васильевна серрайиб туришарди. Эр баҳайбат, кучли, ёрқин спорт кийимида, шудринг тушган совуқ майса устида ялангоёқ турарди.

Аёл - жуда дид билан кийинган, худди ҳозир тонготар палласи эмас, балки киборлар зиёфатига таклиф этилгандай ҳаяжонда.

Эркакнинг кўзида қувонч ва қувноқлик, аёлни кўзларида ғам ва алам...

- Ойижон, - деди бола ва тўхтаган машинадан тушиб аёл томон югурди. Аёл йигитчани бағрига босди.

- Болагинам... Ильющажон... Жажжигинам... - шивирлади Галина Васильевна. Унинг киприклари узун-узун чиройли кўзларидан икки томчи тиниқ ёш юмалади.

- Қўйсанг-чи, онаси. Кўз ёшита бало борми? - деди қувноқ оҳангда Владимир Иванович. У ўглининг елкаларидан ушлаб ўзига тортди, кўзларига тикилди. Бола ҳам унга диққат билан қаради. Бирдан отаси уни иккала қўлтигидан ушлади-да, худди гўдакка ўхшатиб осмонга иргитди ва бор овози билан:

- Мана биз қандаймиз! - деди қичқириб. - Кўриб қўйинглар! Ҳавас қилинглар! Биз - Печенкинлармиз!

У шундай деди-да, болани худди каттакон латта қўғирчоқдай силкита бошлади.

- Володя! - қичқирди Галина Васильевна ҳовлиқиб, - Қўйиб юбор, майиб қилиб қўясан!

- Майиб қилмайман! - кулди Владимир Иванович. - Унинг ўзи мени майиб қилади ҳали! - Лекин гапга кирди - ўглини ерга қўйди.

Сочлари ҳурпайиб, енг-боши гижимланган ва қип-қизариб кетган йигитча ўзини йўқотиб қўйган, ҳайратда эди. Уни ҳар томондан сон-саноксиз оқсоч ва уй хизматкорлари ўраб олишганди. Боғбонлар ва ошпазлар, фаррошлар ва сартарошлар, массажчилар ва экстрасенслар бошларини этанларича бўйинларини чўзиб, бир-бирига гал бермай кўндан бери кутилган ёш соҳибни олқишлай кетдилар:

- Ассалому алайкум, Илья Владимирович!

- Ҳуш келибсиз, Илья Владимирович!

- Йўлда толиққандирсиз, Илья Владимирович?!

- Меҳмонда яхши-ю, уйга нима етсин!

- Илья Владимирович...

Йигитча бошини лиқиллатар, жилмаяр, ҳар бир олқишга мулозамат билан жавоб қайтарарди. Лекин унинг ҳайрат тўла кўзлари уни ўраб олган одамлар орасидан чиқиб кетишга жой қидиарди. Нарироқда нимадир гумбурлади, тонгги нам ҳавода бўғиқ портлаш эшитилди, бола шундай кўрқиб кетдики, бир сакраб тушди. Отаси «хо-хо»лаб юборди, ўлига бармоғини ниқтаб кула бошлади, уларни ўраб турганлар ҳам кулиб юборишди. Фақат онаси, бир сесканиб тушди-да, болани бағрига босди. Бола ҳозир йиғлаб юборадигандай зўр-базўр тиржайиб қўйди.

Агрофлагилар эса «ура» дея қичқириб тушишди. Ҳаммадан кўра уй соҳибни қаттиқроқ қичқирарди. Болани шунчалик кўрқитиб юборган портлаш унинг қайтиб келиши шарафига махсус уюштирилган мушакбозликнинг биринчи ёлқини эди. Ўтлар орасидан учиб чиққан думли ракеталар оппоқ осмон бағрига сингир ва оловли учкунлар сачратиб, гужгон ўйнади. Мушакбозлик боладан ташқари ҳаммани ўзига жалб қилди. Йигитча қовоғини уйди, баланд ва жаҳддор овоз билан қисқа ва тушуниб бўлмас сўзни айтди:

- КЯЖ!

Бироқ уни ҳеч ким эшитмади, ҳатто онаси ҳам - Галина Васильевна барча қатори мушакбозликни томоша қиларди.

Ёш йигит, Илья Владимирович Печенкин олти йиллик айрилиқдан сўнг юртига қайтиб келди. У Швейцарияда сараланган бадавлат оилалар фарзандлари учун махсус «Труа сомэ», яъни «Уч чўққи» деган коллежда ўқиб қайтди.

Иккинчи боб

КАРАВОТ ТАГИГА ЯШИРИНИШНИ ЯХШИ КЎРАРДИ

Йўлдан чарчаб келганлигини айтиб, Илья дарҳол ўрнига кириб ётиб олди, ота-онаси бўлса ётишга шошилмасди. Улар нимқоронғу ётоқхонада, пастақина тор диванда бир амаллаб ўтиришгунча ўзларининг ухлаётган болажонларидан кўз узиша олишмасди. Афтидан, меҳри жўш уриб кетди шекилли, ота бирдан

кафтини она тиззасига қўйди ва аста-секин қўйлагини қўтара бошлади. Лекин Галина Васильевна унинг бу ноўрин ҳаракатини қатъият билан тўхтатди. Бироқ у эрининг бу қилигидан сираям хафа бўлгани йўқ, балки унинг чайир елкасига янада яқинроқ сурилди.

- У шунақаям фаросатли, ҳозиржавобки, - шивирлади Галина Васильевна. - Мен ундан: «Ҳаммадан кўра нимани яхши кўрасан?» - деб сўрадим. Нима деганини биласанми? «Ленин ва пепси-колани... дейди». - У жилмайганча нима дер экан деб эрига қаради.

«- Янги авлод...» - изоҳлади Печенкин ва елкасини қисди.

Қўпчилик эркаклар сингари у шивирлаб гапиришни билмасди. Унинг овози жуда баланд чиқди. Галина Васильевна кўзларини олайтирди, Владимир Иванович гуноҳкорона бошини елкалари орасига тортди.

- Мен фақат бир нарсадан кўрқаман, — ҳаяжон билан пичирлади онаси. - У қизлар ҳақида умуман гапирмайди.

- Нима қилибди? - ҳайрон бўлди Печенкин. - Ҳали ёш-ку! Мен ҳарбий хизматдан қайтгач қизларга айланишганман.

- Унда замон бошқа эди. Ҳозир бўлса... Эсингдами, Сан-Францискода кўрганамиз? Ўша даҳшатли сафлар...

- Нима деяпсан, Галя? Менинг ўғлим-а? Печенкин-а?

Галина Васильевна хижолатомуз жилмайди-да, шивирлаб деди:

- Йўқ, яхшиямки, биз Придонскда яшаяпмиз ва ўша мараз бизгача етиб келгани йўқ...

Илья қимирлади, юзи билан деворга ўтирилиб ётди. Ота-онаси нафасларини ичларига ютганча унга қараб жим қолишди.

Илья кафларини чаккасига қўйганча худди мурғак гўдаклардай ухлаб ётарди. Лекин нафас олиши катталарникига ўхшарди- текис ва бир маромда.

Ота-онаси бир-бирига қараб олишди.

- Мен ундан «ёдладингми?» деб сўрайман, - дея гап бошлади Печенкин, лекин хотини гапини бўлди:

- Нимани ёдладинг?

- Лотин... Лотинни ёдладингми?

- Ёдлади, барини ёдлади, - эрини тинчлангирди Галина Васильевна. - Кунига иккита шеър...

- Нима, кунига иккита шеър? - сўради у тушунмай.

- Ильяша кичиклигида мен уни кунига иккита шеър ёдлашга мажбур қилардим. Эсингдами? Эрталаб битта, кечқурун битта. «Труа сом»га кираётганда улар менга айтишганди: «Ўёлингизнинг хотираси жуда зўр экан». Биласанми, уларга нима деб жавоб бердим?

Печенкин савол назари билан хотинига тикилди.

Галина Васильевна жилмайди, мағрур ҳолда бундан олти йил бурун нима деганини такрорлади:

- Ўзим биламан.

Печенкин «ҳа» дегандай бошини эгди. Орага жимлик чўкди. Болакай бир текис ва чуқур нафас оларди.

- Эсингдами, бизни кўрқитишни яхши кўрарди? - шивирлади Галина Васильевна.

- Ўшанда тўрт ёшларда эди... Кетиб бораётсам бурчакдан - «вов!» деб қолса бўладими! Бирам кўрқиб кетдимки... эсингдами?

Владимир Иванович эшлашга уринди ва тан олди:

- Негадир эсимда йўқ...

- Ана холос, - ҳафсаласи пир бўлди Галина Васильевнанинг, - ахир бу одатини ўзинг ташлаттиргандинг-ку! Ўзинг деворнинг нариги томонидан унга вовуллаб ташландинг. У шунақаям кўрқиб кетдики! Ҳўнграб йилаганди... Шундан кейин ҳеч қачон кўрқитмайдиган бўлганди. Эсингдами?

- Эсимда шекилли, - деди хижолат бўлиб Печенкин. - Лекин камарга ёпишганим эсимда - у электр устарамқи бузиб қўйганди. Бир адабини бериб қўяй деб камарни қўлга олдим-у, бундоқ қарасам, жойида йўқ! Осмонга учдим, ерга кирдим, ҳайронман... Ҳеч қаердан тошиб бўлмади! У бўлса, каравотнинг

остига беркинган экан, вой тентак-эй! Каравот остига яширинишни яхши кўради... Вой, мишиқи-ей...

Галина Васильевна қошларини чимирди ва тергагандай:

- Володя! - деб қўйди.

Печенкин жилмайганча ўша воқеа учун озор чеккандай бошини сарак-сарак қилди ва соатига қаради.

- Бўлди, туриш керак, - деди у қатъият билан. - Кун жуда тигиз бўлади. - У бир оз ўйлаб турди-да, такрорлади: - Тигиз кун.

Галина Васильевна эрининг кафтини ўз кафтлари орасига олди:

- Яна бир оз, Володя! Болаликда ҳар бир сония уйқу нақадар ширин бўлганини эслаб кўр...

Владимир Иванович, болаликдаги уйқунинг нақадар ширин бўлганини эслади, шекилли, чуқур хўрсинди, ҳа-а, дегандай бошини лиқиллатиб, иқрор бўлди.

Ва улар шу кўйи, пастаккина, ноқулай диванда яккаю ёлғизгина болажонларига анчагача термулиб ўтиришди.

Агар шу топда, Владимир Иванович билан Галина Васильевна ўғилларининг ухламаётганини билиб қолганларида борми, ҳайратдан лол қолишлари ҳеч гап эмасди... Илья уйғоқ эди. У кўзлари очиқ ётарди. Нималарнидир ўйлаётганди...

Учинчи боб

ТИГИЗ КУН

1

Владимир Иванович айтганидай, кун жуда тигиз бўлди. У этик кийган мушук ва қирол саёҳати ҳақидаги эртакни эслатарди. Фақат фарқ шунда эдики, Печенкинга ўғлини алдашнинг ҳожати йўқ эди. Унинг кўрсатганлари чиндан ҳам ўз мулки эди: фермалар, улкан элеватор, учта завод, иккита фабрика, тўртта банк ва «Печенкин» компаниясининг марказий идораси. Бу идора Придонскдаги энг баланд - йигирма қаватли бинода жойлашган эди. Аммо ушбу саёҳатнинг ўша эртакдаги саргузаштдан яна бир фарқи бор эди: эсингизда бўлса, қирол кўрган нарсаларидан ҳайратга тушарди. Ёш Печенкин бўлса индамас, отасининг мол-мулкларига совуққина назар ташларди. Владимир Иванович бунга унча парво ҳам қилмас, чунки ўзи болалардек қувониб бораётганди. Ниҳоят ўқ ўтмас қора «Мерседес» ичида қўриқчилари бўлган «Субурбан» кузагувида Придонск аэродромининг бир чеккасида тўхтаганида, машинадан биринчи бўлиб сакраб тушди-да, бадий ҳаваскорлик тўрагининг кўзбойлоғичидай қувноқ ҳайқирди:

- Хоп-ля!

Занглай бошлаган «кукурузник»лар ва парраксиз вертолётлар орасида Печенкиннинг шахсий самолёти - «Фалкон» яққол кўзга ташланиб турарди. Унинг учувчиси ҳам тайёрага жуда мос - хушбичимгина, оппоқ кийинган, кўккўз маллавой, иккинчи жаҳон уруши даври Германия «Люфтвафф»ларининг моҳир учувчиларини эслатарди.

Владимир Иванович ўғлининг елкаларини қучди-да, ўзига тортди.

- Учамиз, Илья! Шундай ўтирамыз-у учамиз! Қаерга десанг, ўша ерга... Уни сотиб олганимга бир ҳафта бўлди. Сени олиб келиши учун Швейцарияга юбормоқчи эдим-у, Москва рухсат бермади.

- Учин сертификатни ҳамда парвоз қилиш учун уни олдиндан расмийлаштириш зарур, - тушунтира кетди Печенкиннинг ёнида турган котиб-референти Прибиловский. Ўттиз ёшлар чамасидаги бу жаноб жуда пўрим кийинган, ўзини бемалол тугар, гапини дона-дона, қатъий гапирарди.

Печенкин қовоғини солиб, қўлини силтади:

- Э-э, биламан ўша Москва текинхўрларининг сертификатини! Менинг оёғимга болта урмоқчи бўлишяпти! - У яна жилмайди ва ўғлига мурожаат қилди: - Учувчини бўлса тўғридан-тўғри Германиядан сўраттириб олдим. Учувчи

немислардан бўлиши керак. Биласанми, нима учун? Улар рулни болаларга бериб қўйишмайди! - Печенкин хохлаб қулганича учувчининг елкасига қоқиб қўйди: - Хўш, нима дейсан Фриц, Москвани бомбалашга учамизми?

- Ха, ха, - деди қулиб немис.

- Ха, ха - қониқиш билан такрорлади Владимир Иванович ва ўйчан нигоҳ билан ўғлига қаради. Ўғил эса қимматбаҳо бу ўйинчоққа лоқайдгина қараб турарди.

2

Тигиз кун дастурининг амалий қисмида ПКЗ - Придонск кемасозлик заводи цехига саёҳат режаси ҳам бор эди. Бу корхонани кейинги пайтларда Печенкин кемасозлик заводи деб атайдиган бўлишганди.

Шамол тўлқинларни авж олдиран, уч рангли байроқни ҳилпиратар ва Печенкин нутқини юлиб-юлқиб, пастда тўпланиб турган юзлаб кишилар устидан учуриб ўтарди. Бу талотўнда унинг сўзлари маъносини йўқотар, лекин унинг оҳанги ўзгаришсиз қоларди.

Оҳанг эса тантанавор эди:

- М-е-н!

- Ме-е-нн!

- М-е-е-н-н!

Илья отасидан сал нарида, фахрий меҳмонлар тўдасида турарди. Улар учун махсус қурилган баланд ёғоч минбар, анчагина нозик эди, гичирлар, чайқалиб турганга ўхшарди. Лекин буни ҳеч ким сезмасди. Барча гоҳ пастга, гоҳ узоқ-узоқларга тикилганча жилмайишиб туришарди. Фақат Ильягина минбарнинг сезилар-сезилмас чайқалишига диққат билан қулоқ соларди. Афтидан, у кўрқатганга ўхшарди...

Владимир Иванович бўғизидан ип боғланган шампан шишасини оҳиста пастга туширди-да, уни ярим доира шаклида айлантириб яп-янги танкер сағринига урди. «Дарё-денгиз» типидagi танкер танасида кўпикли из қолди. «Придонский-1» деб аталган янги танкер оҳиста сузиб сувга кирди, ҳамма бараварига «ура» деб қичқирди, пастда турганлар эса қалпоқларини осмонга отишди.

- Энди ёқаяптими?! - бақирди Печенкин ўғлига, унинг кўзларидаги кўркунни ҳайрат деб ўйлаб.

Ҳарбий оркестр Россия мадҳиясини чалди.

Владимир Иванович бир оз қулоқ солиб турди-да, хўрсиниб қўйди ва ташвишли оҳангда:

- Мадҳия бизларда, ҳалигидай... Сўзлари йўқ, куйи ҳам унчамас...

Лекин шу заҳоти оғзининг таноби қочиб, тиржайди. Бу билан у буни тузатса бўлади, ҳаммаси ўз қўлимизда, демоқчи бўлди. Кейин ҳаммани таклиф қилди:

- Қани, энди балиқ шўрва ичгани борамиз! Шоҳона! Қўлбола балиқ шўрва...

Тўртинчи боб

ТИГИЗ КУН

(Давоми)

1

«Надежда» деб ёзилган мағрур қайрилма бурунли ва баланд куйруқли ажойиб оқ катер Дон сувини иккига ёриб, жадал сузиб борарди. Унинг бурун қисмидан Печенкинларнинг бахтли оиласи жой олишганди. Владимир Иванович олға интилганча шиддатли салқин шамолпа кўксини тугиб борарди. Эрининг орқасини пана қилиб турган Галина Васильевна ўғлини бағрига босганича, уни ўзининг иссиқ нимчаси билан ўраб олган эди.

Печенкин бошини хотини томон бурди:

- Мен бу ерда бир гапни эшитдим... Фақат тушунолмайд қолдим, лагифами

бу ёки ҳақиқат. Дўхтир бир эркакка меъданг яллиғланибди деган экан, у бўлса уйига келиб ўзини осиб қўйибди...

- Албатта, латифа-да. Ким ҳам меъдаси яллиғланса ўзини осаркан? - деди Галина Васильевна кулиб. - Бизнинг адамиз, Ильюша, болалигида қандай бўлса, шундайлигича қолган. Турмуш курганимизнинг йигирма йиллигида менга нима совға қилганини биласанми? Кинотеатр! Яна қанақа дегин, худди бир вақтлар иккаламиз танишган кинотеатрга ўхшаганидан. Ўшанда у ўтирволиб писта чақар ва ерга туфлаб ташларди.

Печенкин шўхлик билан Ильяга қаради:

- Ўзи бўлса менга танбех бериб ўтирди!

- Ҳаммаси шундан бошланган эди, - Галина Васильевна ўглини бағрига маҳкамроқ босди. - Энди бўлса, Ильюша, даданг ҳар куни кечкурун ўша ерда ҳадеб битта фильмни кўраверади...

- Қўйсанг-чи, ҳар кунимас, - норози бўлди Печенкин, ўзини ҳимоя қилгандай.

- Ҳар куни, ҳар куни, - туриб олди Галина Васильевна.

- Борди-ю, мен шу тариқа дам олсам-чи! - Ҳужумга ўтди Владимир Иванович. - Ахир, шундагина сал ўзимга келаман! - У орқага бурилиб ўғли томон бир одим ташлади, худди қўлида пичоқ борга ўхшағиб ҳаракат қилди-да, ҳазиломуз бақирди: - Агар Жагани алдайдиган бўлсанг, мана буни ейсан!

Галина Васильевна ўглини ўзига тортиб бир қадам орқага чекинди. Печенкин хохолаб кулди. Катер «Тинч» заводи бандаргоҳига яқинлашаркан, чинқириб овоз берди. Завод худуди ҳам Печенкинлар мулки доирасига кирарди. Илья эрталаб кириб келган уй тепада, тикка жарлик устида турар, яқиндагига қараганда узоқдан анча яхши кўринарди.

Бир томони майсазор яйловга бориб тақалувчи кенг қумлоқ қирғоқда одам кўп эди. Уртада ёрқин чодир савлат тўкиб турар, ёнида оқ дастурхон қўшланган столлар бор эди. Сал узоқроқда олов ёнар, унинг устида улкан дудловчи қозон осиелиқ. Унинг атрофида кўплаб ошпазу дастёрлар гирдиқапалак эдилар.

- Балиқ шўрва тайёрми? - Печенкиннинг соҳилга чиққан заҳоти биринчи сўзи шу бўлди.

- Тайёр, Владимир Иванович, дудлаш қолди, холос, - деди оппоқ кийиниб олган ошпаз.

Печенкин қўлларини ёйиб, ҳайқирди:

- Мана бу ҳаммаси меники!

Бу ерда содир бўлаётган воқеалар Пётр 1 атрофида уймалашаётган одамлар акс этган манзарани эслатарди. Печенкин бир қадам ташласа, ёнидагилар уч-тўрт одим қўйишарди. Унинг орқасидан эргашиб, югуриб бораётиб Владимир Ивановични олқишлашар, ҳазиллашишар, илтимослар билан мурожаат қилишарди. Владимир Иванович уларнинг гапига қулоқ солмас, эшитмаса ҳам, барибир, орқасидан югуришиб табриклашар ва илтимос қилишда давом этишарди.

- Маданий тарзда дам олаяпмиз! Шўх ва қувноқ, лекин муштлашувларсиз! - ҳазиллашарди Печенкин ҳамманинг кулгисига жўр бўлиб. Йўл-йўлакай ечинишга тушди. Ечиб отаётган қора ипак камзулини, оқ қўйлагини, ёрқин галстугини дуч келган одам илиб оларди. Фақат юмшоқ чарм филофли каттакон тўшпончасини Седой илиб олди.

- Патрик Лесаж, Владимир Иванович, «Экспресс» журнали. Интервью ваъда қилгандингиз. Эртага у учиб кетаяпти, - эслатди ёнига югуриб келган Прибиловский.

Печенкин ён томонига қараб чет элликни кўрди. Ажнабийнинг афт-антори, уст-боши шунақа аҳволда эдики, Владимир Иванович ижирганиб, референтидан сўради:

- Қайси мамлакатдан ўзи?

- Франциядан, - деди Прибиловский. Печенкин ҳиринглади:

- Дўстим Желудь айтганидай, Франция - энг сўнги буюк миллат, деб ўйлаётган сўнги буюк миллатдир. - У кулиб юборди. Унинг атрофидагилар ҳам кулиб юборишди. Ҳолбуки, унинг қандай пичинг қилганини кўпчилик эшитмаган ҳам эди.

Прибиловский ўзини кулгидан аранг тутиб турарди. Француз ер тагидан ижирганиб унга кўзини тикканди.

- У менинг дўстим, Владимир Иванович, - деди Прибиловский.

Печенкин узр дегандай елкаларини қисди:

- Агар дўстинг бўлса... Эркаклар дўстлиги мен учун муқаддас. Умуман олганда мен интервью бермайман. Онт ичдим. Ҳаммаси гапни олиб қочади, ёлғонни ошириб юборади. Бунинг устига, сизлар халажой ҳақида кўп ёзасизлар, бизларда ҳожатхоналар жуда ифлос бўлади... Шунчалар зарилмикан ўша ҳожатхоналар... Ҳаммага рад этаяпман! Фақат японларгагина йўқ демайман. Улар шунақа ёзишадики, ҳеч ким ўқий олмайди. - Владимир Иванович яна кулди. Унга кўшилиб атрофдагиларнинг ҳаммаси кулиб юборди.

Прибиловский французга унинг тилида нимадир деди ва яна Печенкинга мурожаат қилди:

- Жаноб Лесаж янги рус бизнесининг фалсафаси, аниқроғи, унинг мафкураси ҳақида катта мақола тайёрлашти...

- Мафкура? - унинг сўзини бўлди Печенкин янада жонланиб. - Мафкура - менга дахлдор эмас. Бу, ана, губернаторга тегишли. Бу соҳада у устаси фаранг, йигирма йил мафкура устида ўтирган.

Владимир Иванович гапираркан, яқинлашиб келаётган мўйловли кишини кузатарди. Ҳозиргина сувдан чиққан қалта ва қизил чўмилиш иштонидоғи бу одам типирчилаётган каттакон зоғора балиқни кўкрагига босиб олганди.

- Балиқлар Донга қайтиб келди, Иванич! - қичқирганча чопиб келарди губернатор. - Оддийгина олги метрли тўр билан тутдик! - У югуриб келди-да, ўлжани Печенкин оёқлари остига ташлади.

Владимир Иванович хоҳолаб юборди:

- Вой-бўй, совуқдан кўкариб кетибсан-ку, Павел Петрович! - Сал исиниб ол...

Губернатор бошини сарак-сарак қилди:

- Йўқ, Иванич, балиқни кўрсам ўзимни тутиб туrolмайман! - У қўлини силтади-да, қалтираганча тўр билан балиқ овлаётган югурдаклари олдига чопиб кетди.

Печенкин ниҳоят гулхан ёнига келиб тўхтади. Бу ерда ошпаз ва дастурхончилар саф тортиб уни кутишарди. Бош ошпаз махсус тайёрланган, куйдириб кўмирга айлантирилган ва ҳамон тугаб турган қозиқ-косовни ошпоқ сочиққа ўралган томонидан ушлаганича Печенкинга узатди. Печенкин эса жиддий қиёфага кириб, кўсовни боши узра баланд кўтарди-да, тантанавор вазиятда, шошилмасдан қозонда қайнаб турган балиқ шўрвасининг ўртасига санчди.

- Мана энди дудли бўлади! - деди у голибона, атрофдагилар унга жўр бўлишди, «ура» дея ҳайқиришди, бу ерда ёшлар кўп бўлганидан американча оҳангда «вау» деб қичқирувчилар ҳам топилди.

Шу билан тантанали қисм тугагани йўқ. Печенкин микрофон ёнига келди. Нарироқда турган хотини ва ўғлини нигоҳи билан ёнига чорлади-да, гапира кетди:

- Бундан олги йил аввал мен хотиним билан ўғлимизни Швейцарияга, машҳур «Три сома» коллежига юборганимизда...

- «Труа сомэ», - деб тўғрилади Галина Васильевна, кулиб. Лекин эри кувноқ ва уялиқираб қўл силтади:

- Буни мен ҳечам эслаб қололмайман... «Три сома»!

Атрофдагилар бир эрига, бир хотинига қараб кулиб юборишди.

- Мана, алашгирворди! - деди Печенкин Галина Васильевнадан ўпкалаб, нима демоқчи бўлганини эслашга уриниб. - Ҳа! Ўшанда мен унга: «Лотинчани ўрганиб, қайтиб келасан! Придонскда лотинчани биладиган фақат сен бўласан», - дедим. Бу бир телбалик эмас, агар маъқул кўрсангиз, бу принцип. Мен Швейцарияга телефон қилиб, ундан «Лотинчани ўргандингми?» деб сўрадим. «Ҳа», - деди у. «Қайтиб кел», - дедим мен. Ҳозир мени унинг уч тилни билиши, иқтисодиётни, ҳуқуқни ва бошқа нарсаларни ўргангани қизиқтирмайди. Мени лотин қизиқтиради!

Владимир Иванович жим бўлиб, жилмайиб қўйди. Ҳамма унга қизиқиб қараб турарди. Фақат, Илья, худди гап у ҳақда бормаётгандай, бепарво эди.

- Ҳозир биз имтиҳон қиламиз, - қичқириб юборди бирдан Печенкин. - Қани, текшириб кўрайлик-чи, лотинчани қанчалик ўрганган экан...

Уша заҳоти Печенкиннинг ёнида пайдо бўлган Прибиловский унга эски чарм ғилофли китобчани узатди.

- Мен ушбу китобчани атайлаб бугунги кун учун «Сотбис» кимошди савдосидан олганман, - тушунтира кетди Печенкин. - Қанчага олганимни айтмайман, барибир ишонмайсизлар. Бу Плиний Кенжатоининг китоби. У янги эранинг биринчи асрида яшаган. Фақат лотин тилида ёзган, ўзи у пайтда ҳамма лотинда ёзарди. Мана, мен битта саҳифани очаман, қарамасдан... Тахминан... Бир сатрни оламиз, буни ҳам тахминан... Қани, ўғлим, ўқи! Мана бу ердан бу ергача! - Илья китобчани кўлига олиб хира торган қадимий ҳарфларни кўздан кечирди, кейин бир оҳангда, паст овозда ўқий бошлади. Шамол тиғди ва Илья ўқийётган ўлик, сирли, хавfli тилни эшитаётган оммани ташвиш қоллади... Тушуниб бўлмайдиган қандайдир сўзлар Придонск кенгликлари узра акси садо берди:

- Timere potes... potes... potes...

... sed omnes timent... timent... timent...

... dolores mortis... mortis... mortis...

- Энди таржима қилиб бер, - бақирди Печенкин ўғлининг ўқишини бўлиб.

Илья «хўп бўлади» дегандай бошини силкиди ва тутила-тутила паст овозда таржима қила бошлади:

- Мен сендан қўрқмайман, маккор шоҳ Парсена, - хитоб қилди Муций Сцевола.

- Мендан қўрқмаслигинг мумкин, лекин ўлимдан ҳамма қўрқади. Айниқса, ўлим азоблари даҳшат солади! - деди Парсена ва қаҳ-қаҳ урди.

- Мен ўлимдан қўрқмайман! - шундай деганича жасур йигит кўлини ўт пуркаётган ўчоққа тутди.

- Қани кўрайлик-чи, - хитоб қилди шоҳ, лекин қўрқувдан биринчи бўлиб ўзи бақириб юборди.

Илья жим қолди ва кўзларини отасига қадади. Унинг бу қарашидан ҳар қандай имтиҳонга ҳам тайёр экани кўришиб турарди. Печенкин ўғлига гурур билан боқарди. Галина Васильевна дастрўмолининг учи билан намланган кўзларини артарди. Меҳмонлар қарсақ чалишга шай туришарди. Лекин Печенкин ҳайкалдай қотиб тургани учун богинолмай жим кутишарди. Владимир Иванович қимирлаб қўйди, елкаларини қимтиди, ўзини ўраб турган одамларга қараб чиқди. Унинг кўзидаги миннатдорлик завқи ғолиблик газаби билан алмашинди.

Бирдан ерга энгашди-да, каттакон тошни кўпориб олди, уни боши узра баланд кўтариб, шундай чинқирдики, бўйнидаги қалин томирлари кўкариб кетди:

- Мана бу тош! У жонсиз бир нарса, мен уни пойдеворга қўяман. Ана шу пойдевор устига уй қураман! Энг ажойиб уй! Бугун жонсиздан жонли вужудга келади!

Печенкин тошни оёқлари тагига ташлади, шунда ҳамма бирдан чапак чалиб юборди...

2

Она ва ўғил Печенкинлар дудли балиқ шўрва ичишдан иборат умумий байрамда ишгирик этишмади. Улар бошқалардан ажралиб чиқишди-да, мажнунтол шохлари осилиб турган жойдаги тахта билан тўсилган чўмилиш майдонига ўтишди. Галина Васильевна шундоққина сув бўйида турарди. Илья ундан орқароқдаги ёғоч панжарага омонатгина кўнди.

- Бу ер мен учун энг муқаддас жой, - деди Галина Васильевна, олисларга тикилиб. - Дилим қувонганда ва гамга чўмганда доим шу ерга келаман. Бу ерда қалбим ором олади. - У кўллариини ёйиб, баланд ва кўтаринки овозда, худди саҳнадаги актрисалардай гапира бошлади: - Нима учун одамлар учмайди! Нега одамлар қушларга ўхшаб учинмайди, дейман. Тоғ устига чиқиб турганингда, сени осмон ўз бағрига чорлайди. Шундай югуриб келсанг-у, кўлларингни ёйиб, учиб кетсанг!

Галина Васильевна бирдан кулиб юборди, бошини буриб елкаси оша ўзелига мулойим боқди-да, изоҳдай кетди:

- Ёшлигимда актриса бўлишни орзу қилардим. Мумтоз асарлардан парчалар ёдлардим. Айримлари ҳамон ёдимда сақланиб қолган.

Афтидан, онасининг гаплари Ильяни унчалик қизиқтирмади шекилли, ўзини ўнглаб нимадир демоқчи бўлган эди, панжара қарсиллаб синди ва болакайнинг сувга тушиб кетишига сал қолди.

- Вой! - дея чинқириб юборди Галина Васильевна ва болажонини маҳкам ушлаб бағрига босди.

- Ўрисона иш-да, - тўнғиллади Илья онасининг бағридан сирғалиб чиқаркан.

- Вой, худойим-ей, юрагим тарс ёрилаёзди... - пичирлади Галина Васильевна.

- Ўрисона иш-да, рус-ская рапота, - такрорлади Илья баланд овозда, ижирганиб ва негадир эстонча талаффузда.

- Вой, худойим-ей, шунақаям кўрқиб кетдимки, - хитоб қилди онаси ўглининг елкасидан қучиб, соҳилга бошларкан. - Кетайлик бу ердан, Ильяшажон. Бу ер салқин экан, шамоллаб қолишинг мумкин.

Она ва бола соҳил бўйлаб боришарди, уларнинг оёқлари ёнига копток юмалаб келди - нарироқда ёшлар волейбол ўйнашаётганди. Улар орасидан чиройли бир ёш қиз ажралиб чиқди-да, коптокни олгани югуриб келди. Илья коптокни олиб, унга иргитди. Қизча коптокни илиб олди-да, тиз букиб таъзим қилди.

- Яхши юрибсизми, Галина Васильевна? - кулиб салом берди қиз Ильянинг онасига.

- Эсонмисан, Дашажон, - бош ирғади Галина Васильевна. - Шамоллаб қолма тагин. Кун совуқ-ку.

- Йўғ-е, Галина Васильевна, иссиқ! - деди қиз. Ильяга уялинқираб қараб кўйди-да, югуриб кетди.

- Иссиқ эмиш, - гамгин жилмайди Галина Васильевна, чошиб бораётган қизнинг орқасидан қараб. Сўнг ўзелига мурожаат қилди: - Бу қиз Даша Канишева, чиндан ҳам зўр-а? Жуда андишали қиз. Унинг отаси шаҳардаги кир ювиш, кимёвий тозалаш масканлари ва ҳаммомларнинг хўжайини. Адажонимиз айтганидай, «энг тоза бизнес». Кулгили-а?

- Ойижон, шаҳарга боргим келяпти, - дабдурустдан деди Илья.

- Шаҳарга? - ҳайрон бўлди Галина Васильевна. - Қайси шаҳарга?

- Ўзимизнинг Придонска.

Бошини ёнга ташлаб, Галина Васильевна ҳузурли жилмайди.

- Придонскни ўзимизнинг шаҳар деб атаганинг қандай яхши... «Бу мамлакат... бу халқ» деганлари бирам гашимга тегадики. Бу бизнинг юртимиз! Бу бизнинг халқимиз!

3

Француз туркчасига чордона қуриб ўтирарди. Бенуқсон Прибиловский эса чўккалаб олган. Печенкин каттакан нақшндор гиламда разинчасига ёнбошлаб олганича ёғоч қошиқда чуқур сопол товоқдан балиқ шўрвани ичарди. Унинг тепасида билагига сочиқ ташлаб олган дастурхончи йигит шай турарди.

- Менинг мафкурам битта. Ишлаш! Елиб-югуриш! Тер тўкиш! Бор-йўғи шу... - Печенкин жим бўлиб қолди ва ўйчан жилмайиб кўйди: - Лекин, биласизми, нимаси қизиқ... Олдинлари - одамларга яхши ҳақ тўланса яхши ишлашади, деб ўйлашарди. Ҳечам-да! Олдин бир тийин учун тиниб-тинчимаган одам, ҳозир ҳам катта пул учун тиним билмай тер тўқади. Унга барибир, иш бўлса бас. Дангасалар эса ҳалиям ўшандайлигича қолмоқда. Унга қанча тўласанг ҳам дангасалик қилаверади. Шундай экан, меҳнатсевар одамга мен тан бераман. Дангасани эса кўргани кўзим йўқ! Қолганларининг ҳаммаси менга барибир. Миллати, диний эътиқоди ва бошқаси мени қизиқтирмайди... Мендаги директорлар кенгашида - битта чечен, иккита яхудий...

- Учта, - қутилмаганда аниқлик киритди Прибиловский.

- Ким у, учинчиси? - сўради Печенкин.

- Уралов. Отасининг дарағи чиқди. Исроилда яшаркан.

- Уралов яхудийми? - аввалига ҳайратланди Печенкин, кейин иқроор бўлиб кўя қолди:

- Ҳай, яхудий бўлса, яхудий-да. - Елкаси оша дастурхончига назар ташлади-да, илтимос қилди: - Барака топкур, яна суз. Лаққаси кўпроқ бўлсин.

4

Галина Васильевна эрига олисдан жуда ғамгин ва мулойим қараб турарди. Печенкин бўлса ёғоч қошиқни силкитганича диққат билан қулоқ солаётган французга сафсата сотарди. Прибиловский таржима қилишга зўрға улгурарди. Айни пайтда Галина Васильевна ўлига гап уқтирарди:

- Рус аёллари, Ильяюша, дунёдаги энг яхши аёллар бўлади. Эҳ-ҳе, бу ҳақда қанча айтилган, қанча ёзилган. Барча буюк одамларнинг хотини рус аёли бўлган. Сальвадор Дали, Пабло Пикассо, бу рўйхатни истаганча давом эттириш мумкин.

- Ойи! - кўпол оҳангда унинг сўзини бўлди Илья.

- Нима? - ҳайратланди Галина Васильевна.

- Придонскка бормоқчиман.

- Ҳа-а, - жилмайди она ўглининг илтимосини эслаб. - Биз у ерга, албатта, борамиз, сен ҳали она шахрингни танимай қоласан. Бунинг ҳаммасини бизнинг адажонимиз бунёд қилди. Узимиз билан бирга Даша Канишевани ҳам оливоламиз. - У бир зумга ўйланиб қолди. - Биласанми, нима учун бутун дунёда рус аёлини бунчалик қадрлашади? Чунки, рус аёли табиатан ўта фидойи бўлади. У севган киши учун жонини фидо қилишга тайёр бир хилқат.

Галина Васильевна яна эрига қараб қўйди. Чунки унинг қулоғига эрининг баланд овозда «ҳаёт» деган сўзи етиб келганди.

5

- Лекин ҳаёт - бу тирикчилик-да. Фақат ишлашнинг ўзи билангина яшаб бўлмайди! - дея Владимир Иванович борган сари илҳоми жўшиб ўз фаолияти фалсафасидан гап сўқарди. - Мана мен, масалан, балиқ шўрвани дудланиб турган ҳолда ичишни ёқтирмаман. Олдин ичиб турардим, лекин мана етти йилдирки, оғзимга ҳам олмайман. Ишлашга ҳалақит беради бу кургур... Мендан компаниям муваффақиятининг сири нимада деб сўрашганда, «Биз учун барча одамлар худоларга ибодат қилишади», деб жавоб бераман. Биз барча конфессияларга ёрдам берамиз. - У кулди: - Ҳалиги, бир сафар, тўғриси, пул сўраб келишди. Аввалига билолмай қолдик. Буни қарангки, шайтон малайлари экан. Ҳалиги, кўриқчи йигитларимиз, бошлаб адабларини беришди, албатта!

Француз шоша-пиша диктофондаги кассетани алмаштирди. Печенкин тагин жиддий қиёфага кирди.

- Бизнинг шахримизда Завод майдони бор. Айтишларича, ўша жойда бир вақтлар монастыр бўлган экан, кейин черков бўлибди. Ҳозир эса менинг биллур заводим... Ҳалиги, шу десангиз ҳозир ўша майдонда ибодатхона қураяман. Пайғамбар Илья номига... Ибодатхонамас, аниқроғи, бутхона... Аммо қанақа! Биллур бутхона! Бу дунёдаги етти мўъжизанинг бири бўлади. Ёки саккизинчиси? - котиб-референтга мурожаат қилди у.

- Саккизинчиси, - ўйлаб ўтирмай жавоб берди Прибиловский.

- Саккизинчи мўъжиза. Бунинг устига, яна ўша жойда, майдонда Лениннинг ҳайкали турибди. Кўпориб ташлаш керак, - деган гаплар ҳам бўлди. Лекин худого ишонмайдиган, аммо Ленинга ишонадиган одамлар ҳам бор-ку, ахир. Уларга нима деймиз? «Тураверсин!» дедим мен. Уни биз ўрнатганимиз йўқ - олиб ташлаш ҳам бизнинг ишимиз эмас! Кўпориб ташлашдан осони йўқ, қани бир қуриб кўринг-чи... - Владимир Иванович кулимсиради, елкаларини қисди ва яқун ясади: - Мана мафқуранинг турган-битгани...

Печенкин французнинг олдидаги товоққа қараб ҳайрон бўлди. У балиқ шўрвасини татиб ҳам кўрмаганди. Владимир Ивановичнинг пешонаси тиришди, гина қила кетди:

- И-е, бу нима қилиқ? Бизнинг овқатимиздан иргандингизми ҳали? Дудланган, ахир...

Француз ўзини оқлаш учун шоша-пиша шўрвани ичишга тутинди. Владимир Иванович бўлса, бошини чайқаганича тўнғилларди:

- Йўқ, биродар. Бунақаси кетмайди. Мен сени ҳурмат қилдимми, сен ҳам ҳурматимни жойига қўй...

6

- Ҳа, бу шаҳар ўзимизники, лекин сен у ерга кўриқчисиз, Ниличсиз боролмайсан... - дерди Галина Васильевна ўглининг кўзларига тикилиб.

- Ҳеч қанақа Ниличнинг кераги йўқ менга! - бақирди Илья.

- Ниличсиз сени қандайдир чеченлар ўғирлаб кетиши мумкин! - деди Галина Васильевна қатъий овозда.

Ильяннинг настки лаби титрарди. У ҳозир йиғлаб юборадигандай бир ҳолатда эди.

Онаси ҳамдардлик билан жилмайди, ўглининг елкасига қўлини қўйиб, таклиф этди:

- Келақол, яхшиси, сени Дашенка Канишева билан таништириб қўяман, майлими?

Бирданига байрамона майдонда талотўп бошланди. Кимдир жон аччиғида аянчли чинқириб юборди. Нарироқда турган «тез ёрдам» машинасидан иккита санитар сакраб тушди-да, замбилни кўтарганча югуриб қолишди.

- Нима? Нима бўлди? - ташвишланиб сўради Галина Васильевна югуриб кетаётган одамлардан.

- Француз! Француз журналистига балиқ қилганоғи тикилиб қолибди!

Галина Васильевна бўйинини чўзганича чопаётган одамлар орқасидан эргашди. Лекин, бирдан тўхтади-да, қайрилиб ўглига қаради. Илья кулаётганди. У шу қадар яйраб кулардики, кўзларидан ёш чиқиб кетганди.

Бешинчи боб

ТИҒИЗ КУН

(Охири)

1

Кечаси тунда, кўча чироқлари ўчирилган бир пайтда, Придонск «Черемушка»сидаги беш қаватли панелли уйлардан бири олдида Печенкиннинг қора «Мерседес»и келиб тўхтади. Уйга кириш йўлаги олдида «Субурбан» ва қотиб турган кўриқчилар кўринарди. Бешинчи қаватнинг бурчакдаги ойнаси ёп-ёруғ эди. Владимир Иванович унга яна бир бор қараб олди-да, қоронғи йўлакка шўнғиди. Зинани иккиталаб ҳатлаб, у ўсмирлардай зумда бешинчи қаватга чиқиб олди. Эшик олдида малла соқчи турарди. Ильяни самолётдан шу йигит кузатиб тушганди. Печенкин нафасини ростлаб олди, маллавоёғга кўз қисди ва ҳазиломуз сўради:

- Хўш, самбочи, қачон беллашамиз?

Кўриқчи йигит уялинқираб жилмайди:

- Қачон десангиз, шунда, Владимир Иванович.

Печенкин қулоқ солди - тахта эшик ортидан гитара тинғир-тинғири эшитиларди. У эшикни аста итарди, эшик очилиб кетди.

2

Бир хонали уйнинг мўъжазгина ҳужрасида ердан шифтгача китобга лиқ тўла жавонлар қаланган. Шу ернинг ўзида қўшлаб майда буюмлар: ёғоч, лой ва металлдан ясалган одамчалар, кучукчалар, қушлар, кемачалар, фотосуратлар уюлиб ётарди. Энг катта фотография - Марина Цветаева сингари мардона боқишли сурат расм учун махсус ўйилган токчада турибди, унда қуриб қолган гулдаста ҳам бор. Телевизор турадиган бурчакда катта кути турарди. Кутининг устида эса чамадонча - эски патефон кути, унинг ёнида бир дунё пластинка.

Юқоридаги конвертда машҳур оркестрнинг машҳур дирижёри акс эттирилган. Печенкин унинг ёнидан ўтиб кетаётган тирноғи билан чертиб қўйди.

Қалин жун рўмол ёпилган каттакон эски тахта ёнида, энсасини деворга тираб, сочлари калта қилиб олдирилган, қирқ ёшлардаги аёл ёнбошлаб ўтирарди. У жуда одми кийинган, қўлидаги гитарани чертиб қандайдир куйни чалиш билан овора эди. Печенкин унга ҳадиксираб қаради.

Аёлни Геля, Ангелина, Ангелина Георгиевна Всеславинская деб чақирарди.

- Эшикни беркитиб олмаганинг яхшимас, - деди Печенкин паст, эҳтиёткор овозда.

Ёпиб юрманг эшикни ҳеч,
Эшик доим бўлсин очиқ,

- дея куйлади Геля мазах қилгандай.

Тахта ёнидаги учоёқда оғзи очилган арақ, қадаҳ, ёғоч тахтачада кесилган нон, талинкада колбаса ва тузланган бодринг бор эди. Печенкин ичимлик билан газакни кўздан кечириб чиқди-да, ҳайрон бўлди, лекин индамади, сўрашга ботинолмай турди. Геля сирли тиржаяр, ҳамон ўша куйни чалиш билан овора эди.

Печенкин столча ёнига келди, шишани кўтариб қаради, ёрликда ўз тасвирини кўриб бироз кўнгли жойига тушди. Арақ «Печенкин» деб аталарди. Шундан сўнг Владимир Иванович деразага нигоҳ ташлади, олис-олисда шаҳар устида қизил неон ҳарфларида ёзилган «Печенкин» сўзига кўзи тушгандай бўлди ва кўнгли бугунлай тинчиди. Елкаларини ғурур билан кериб хабар қилди:

- Туширилди.

- Қарга туширилди, нима туширилди? - қизиқсиниб сўради Геля.

- Танкер сувга туширилди, - деди Владимир Иванович ва мақтаниб қўйди:
- «Хоқоннинг ўзи табаррук қилди».

Геля истехзоли илжайди:

- «Хоқоннинг ўзи»... Қараб тур, Печенкин, пошлар сени бошлаб кетишмасин.

Геля гитарани бир четга қўйди, тахтанинг четига ўтирди, қадаҳга арақ қуяркан, гапира кетди:

- Мен «Литературка»да нижегородлик бир милиционер ҳақида ўқидим. Бойиб, бадавлат бўлганидан кейин ўзининг бор миллионларига ўрмонда монастир қурибди! Энди ўзи ўша монастирда оддий роҳибга шоғирд тушибди...

- Биламан мен уни. Ундан ёғоч сотиб олгандим. Фамилияси Белкин, - деди Печенкин, негадир тундлашиб.

- Сен шундай қила олармидинг? - сўради тиржайиб Геля.

Печенкин жавоб бермади, юзи баттар хира тортди.

- Қила олармидинг? - қайта сўради аёл.

Печенкин қовоғини уйди ва илтижолу оҳангда деди:

- Қўйсанг-чи, бунақа саволларингни...

Геля қадаҳни завқ билан кўтарди-да, бодрингни карсиллатиб тишлади ва мақтаниб қўйди:

- Мен бўлсам янги кўшиқ тўқидим. Биласанми, номи нима? «Кичкина одам» дейилади.

- Айтиб берасанми? - сўради Печенкин.

- Йўқ, албатта, - деди баттар ғурур билан Геля ва гитарани қўлига олиб, таниш оҳангни чалиб, куйлай кетди:

Келди кичкина одам -
Кўкда тонг юдузи порлагани дам.
Ким экан ўша инсон?
Дон-дили-дон! Дон-дили-дон!
Кичик одам, кичкина одам.

Демак, айтар гапи бор унинг,
Демак, бордир кўшиқлари ҳам -
Сену менга ҳар қачон.
Дон-дили-дон! Дон-дили-дон!
Кичик одам, кичкина одам.

Сайёрани чиқар айланиб,
 Ёғоч отин елдириб илдам -
 Ўша митти паҳлавон!
 Дон-дили-дон! Дон-дили-дон!
 Кичик одам, кичкина одам.

Ўз қўллари билан тутар у
 Ернинг оташ қалбини маҳкам.
 Ирғитар осмон томон!
 Дон-дили-дон! Дон-дили-дон!
 Кичик одам, кичкина одам.

Кувонинглар, яйранглар энди -
 Келди кичкина одам!
 Сену менга қадрдон
 Дон-дили-дон! Дон-дили-дон!
 Кичик одам, кичкина одам!

3

Ильянинг кўзи илинган ўша дамда унинг хонаси қуюқ қизил нурларга тўлиб кетди. У кўзларини очди ва яна беркитди. Чунки ҳеч қанақа қизил нур йўқ эди. Лекин яна ҳаммаёқ қизил бўлиб қолди... Илья қаравот чеккасига ўтириб, ҳайрон бўлганча деразага қаради. Хув наридаги қарағайлар ортида бирин-кетин йирик неон ҳарфлар ёнбошлади: Октябр.

Илья кувноқ ва босиқ ҳолда кулиб кўйди. Ҳарфлар ўчди. У шошиб-пишиб шишпақларини оёғига илди-да, балконга чиқди. Қизил сўзнинг пайдо бўлишини кузатди. Балконнинг шундоқ ёнгинасида қарағай ўсиб турарди. Илья пастга кўз югуртирди, чамалади, панжарага оёқ кўйди. Қарағайнинг қалин шохини ушлаб олди, тирмашиб танасигача етиб борди. Қарағай танасини маймунга ўхшаб қучоқлаб олди-да, сирғалиб пастга тушди...

Бу чиндан ҳам кинотеатр, ҳақиқий кинотеатр эди!

Илангоёқ, ёзги ич кийимида чиққан Илья кинотеатрнинг ёп-ёруғ ва бўм-бўш даҳлизидида турарди. Ҳайрат билан атрофга кўз югуртирди. Кинотеатрнинг ойнаванд эшиги очиқ эди. Ҳар тарафда чироқлар ёнар, даҳлиз деворларида вақт таъсирида ранги бўзарган совет киноси юлдузларининг суратлари осиелик турарди. Ана, хушруй Ивашов, гўзал Светличная... ҳамма ёқ жимжит. Илья атрофга аланглади ва ярим очиқ эшиқдан кинозалга кирди. Пушги ранга бўялган зал ҳам бўм-бўш эди. Илья опшоқ экранга қаради ва энг чеккадаги ўриндиққа ўтирди. Худди шу пайт қаердадир унинг орқа томонида кимдир гармонни чалиб юборди. Чалишни унча яхши билмаслиги сезилиб турарди. Товуши жуда баланд, кишининг гашига тегадиган даражада эди. Гармон овози кино кўйиладиган хона дарчасидан келарди.

- Тали, тали, тали, - дея куйларди кўринмас одам зўрма-зўраки. - Тали, тали, тали...

Илья жилмайди. Татар оҳангини эслатувчи жарангдор куй ҳиндча оҳангга ўтди.

О-во-ра-ман,
 Мен дай-ди-ман,

- дея куйлади ҳалиги одам.

Илья ўрнидан турди, билдирмасдан чиқиб кетмоқчи эди, лекин ўриндиқ гумбурлаб ағдарилди. Гармоннинг овози ўчди ва кувноқ қичқириқ эшитилди:

- Ёш барин!

Илья ҳайрон бўлиб орқага қаради. Тўртбурчак дарчадан кулаётган каттакон башара зўрға кўринарди.

- Кино кўргани келдингизми? - сўради баланд овозда киномеханик.

- Йўқ-йўқ, ўзим шундай, - бош чайқади Илья ва шошиб эшикка йўналди. Киномеханик Ильяга даҳлизда етиб олди. Оёқлари калта, тўладан келган, картошкабурун бу одам кичик-кичик думалоқ кўзлари билан кулиб, қараб турарди. Илья ҳам илжайди.

- Ёш барин, - эҳтиром билан такрорлади у.

Илья қовоқларини уйди:

- Мени бундай атаманг! Мен барин эмасман!

- Кимсиз бўлмаса? Эсингиздами, Никита Михалков «Шафқатсиз романс»да келгани? Ўшанда ҳамма бараварига «Барин келди! Барин келди!» деб қичқирганди. Бу ерда сизни ҳамма яхши кўради. Владимир Ивановични яхши кўришади... Галина Васильевнани қанчалар яхши кўришади! Улар бизни хафа қилишмайди. Яхши пул тўлашади. Сизларсиз хароб бўламиз. Мен тилла тиш кўйдирдим, кўраяпсизми? - Киномеханик оғзини катта очди. - Менинг тишимда тешик пайдо бўлганди. Владимир Иванович: - тиш кўйдириб олгин, Ноил, дедилар. «Қанақасидан? - дедим, - темирми ёки тилладан?» «Тилладан, албатта», - дедилар. Пул бердилар. Мен тиш кўйдирдим. Ойим касал бўлиб қолдилар. Владимир Иванович эшитибдилар: «Ноил, - дедилар, - хоҳласанг онангни даволаниш учун Москвага юборамиз, хоҳласанг чет элга. Пулини ўзим тўлайман». Онам рози бўлмади. «Ноил, менга татарча қўшиқ айтиб бер», - дедилар. «Мен татарча қўшиқ билмайман» дедим, «Бу нима деган гап, айтиб бер» дедилар.

Татар жим қолди, тиржайиб деди.

- Кундузи ухлайман. Кечаси ҳушёр тураман. Владимир Иванович сим қоқиб: «Ноил, қани кўйиб бер-чи», - деб қолиши мумкин.

4

Печенкин Геля билан ёнма-ён, индамай ўтирарди. Қўли аёлнинг тиззасида эди. Геля жим турарди. У кўзларини юмиб олганди.

- Бу сенинг энг яхши қўшигинг, - деди ишонч билан Печенкин.

У кўзларини очди, кинояли жилмайди.

- Сен менинг ҳар бир янги қўшиғимдан кейин шундай дейсан.

Владимир Иванович эшитмай қолди.

- Гель, айт-чи, сен нега қофияга қараб ёзмайсан? - қизиқсинди у.

Геля пешонасини тиришгирди:

- Чунки ҳамма қофияга қуй басталайди.

Печенкин «тушунарли» дегандай бошини эгди.

Геля жилмайди, унга эркалаб қаради-да, сўради:

- Сен яхшиси, айт, Илья қандай?

Владимир Иванович уни тиззасидан қўлини олди-да, бош бармоғини кўрсатди.

- Мен хурсандман, жудаям хурсандман, - деди у.

- Лотинчани ёдлади, - мақтанди Печенкин.

- Мен хурсандман. Жуда хурсандман, - такрорлади Геля.

У қўлини яна аёлнинг тиззасига қўйди. Улар яна жим бўлиб қолишди.

- Гель, ҳалиги кичкина одам - образми ёки аниқ биттасими? - сўради Печенкин.

- Образ... ёки аниқ, - маънос такрорлади Геля ва ўрнидан турмоқчи бўлди. Лекин Печенкин унинг туришига йўл қўймади. У ўзи учун ҳам қутилмаган бир ҳолатда аёлни тахтага ағдарди.

Геля сассиз, лекин жонҳолатда қаршилик кўрсатарди. Владимир Иванович бирдан чинқириб юборди, оёққа турди-да, оғриқдан гижиниб, тишланган бармоғига пуфлай бошлади.

- Вой қутурган-ей, - пишилларди Печенкин.

- Вой бемаза-ей, - деди унга жавобан Геля. Сакраб ўрнидан турди ва кўкрак тугмаларини қадай бошлади. У жавондан ниманидир қидиришга тушди.

- Бақириб юборганимда нима бўларди? Эшик орқасида соқчи турибди! - деди ғазаб билан Владимир Иванович.

- Унда мени отиб ташлашарди, - деди елкасини қисиб Геля, кўлидаги бинт билан унга яқинлашаркан.

- Кутуриб кетибсан-ку, - такрорлади у бармоғига бинт ўраётган Геляга қараб.

- Эмлаттириб ол, - ҳазилга йўйди аёл.

- Жудаям соғиниб кетдим, - ўзини оқламоқчи бўлди Печенкин.

- Тез-тез келиб тур бўлмаса, - деди Геля.

- Тез-тез келиб тур?! - Жаҳли чиқди унинг. - Ҳузурингга шошилаяпман-у, уйдамансан, йўқми, билмайман. Ҳатто телефон ҳам қилолмайман. Йўқ, уяли телефон ол деб неча марта айтдим!

Геля: «кераги йўқ» дегандай жилмайиб, бошини чайқади. Бундан Печенкиннинг баттар жаҳли чиқди, кўлини тортиб олди, бармоғига ўралган бинтни ечиб, ирғитди ва қичқирди:

- Хрущевкада яшяпсан!.. Ҳар куни ишга борасан!.. Тагин троллейбусда!... Шуям яшаш бўлди-ю...

- Нима қипти... Ахир, Швейцарияда ўқиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди, кимгадир Придонск тупроғини ялашга тўғри келади, - деди заҳархандалик билан Геля.

- Эс-хуши жойида одам бунақа яшамайди, - бақирди Печенкин.

- Аксинча, эс-хуши бор одамлар фақат шунақа яшашади, - биғиллади унга жавобан аёл ҳам.

- Сенингча, эс-хушли одамлар камбағалларми?

- Сенингча-чи, бойларми?

- Албатта, бойлар-да! Эс-хуши жойидаги одамлар - бойлар!

- Йўқ, эс-хушли одамлар - зиёлилар!

Печенкин телбаларча кулди:

- Зиёлилар? Қанақа махлуқлар улар? Ҳамма гапирари, лекин ҳеч ким кўрмайди уларни.

- Нега энди кўрмайди? - рад этди Геля. - Кўрган, кўришган. Мен кўрганман.

- Қанақа тоифа одамлар, ўзи ўша зиёлилар? Ўзлари ҳеч нарса қилишмайди, бошқаларга йўл беришмайди - ўшаларми? Демак, ҳўкиздай ишлайдиганлар, ўн олти соатлаб тер тўкадиганлар босқинчи ва ўғрилар, шундайми? Улар бўлса... Менинг ҳузуримга бу зиёлиларнинг ҳар куни қадам ранжида қилишади, биланлари шу: «бер-бер». Битгасига берсанг, бошқаси югуриб келади: «Сиз унга бериб нотўғри қилдингиз. У ёмон одам. Мана биз яхшимиз, бизга беринг». «Нима, мен ундан тортиб олиб, сизларга берайми?» дейман. «Беринг!» дейишади. Зиёлилармиш...

Печенкин ғижиниб сўкинди: «- Ленин тўғри айтгани: «Бизнинг зиёлилар зиёли эмас, тезак!» - деб.

Геля чидаб туролмади, ер тепиниб қичқирди:

- Печенкин, чиқиб кет синфдан!

- Қанақа синфдан! - кулиб юборди Владимир Иванович. У ярашишга тайёр эди.

Геля гапни чалкаштириб юборганини тушунди. Лекин ҳозир на ҳазиллашишга, на ярашишга мойил эмасди, Печенкинни эшикка қараб итараркан мингилларди:

- Бор, бора қол, Печенкин, чиқиб кет...

- Бўлди энди, Гель, нима бўлди сенга, - айбдорона тиржайиб, орқага тисарилди Печенкин.

- Бора қол, Володя, илтимос қиламан! - Геля меҳмонни эшикдан итариб чиқарди-да, бирдан хижолат ичида шивирлаб тезгина деди: - Мен ҳомиладорман.

- Нима? - у яхши эшитмагани.

- Мен ҳомиладорман! - деди Геля ва эшикни қарсиллатиб ёпти. Қулф чирқ этди.

Печенкин аёл айтган гапнинг маъносига энди тушунди. У ажабланганча тиржайди-да, эшикни аввал кўли билан, кейин елкаси билан итара бошлади.

- Ёрдамлашворайми, Владимир Иванович? - у елкаси оша эшитилган маллавоининг ҳамдарад товушидан ўзига келиб тўхтади ва ўйлиниб қолди.

Олтинчи боб

НИМАДИР КУЙДИМИ?

Орадан бир неча кун ўтгач, Печенкинлар уйида машҳур дирижёр раҳбарлигидаги Москва оркестрининг концерти бўлиб ўтди. Бу ўша Гелянинг уйида Владимир Иванович кўрган пластинкада тасвирланган ва у тирноғи билан чертиб қўйган дирижёр эди. Афтидан ўшанда у келажакда бўладиган маданий воқеани назарда тутган эди.

Машҳур ижрочилар ва муסיқий гуруҳларнинг концертлари Печенкинлар уйида мунтазам ўтиб турарди. «Камин олдида учрашувлар» номи остида ўтадиган бундай кўнгилочар тадбирлар ташкилотчиси Галина Васильевна эди. Томошабинлар ва тингловчилар - янги придонскликлар, шаҳар раҳбарлари, шунингдек, маҳаллий маданият арбобларини ҳам Галина Васильевна таклиф қиларди. Концертлар анъанавий тарзда Печенкинлар уйининг каминли залида ўтар, бу ерда артистлар учун махсус саҳна қурилган бўлиб, меҳмонлар ярим доира шаклида ўрнатилган стуллар, диванлар ва ўриндиқларда ўтирардилар. Тадбир олдида катта, малахит тош билан безалган камин, ҳатто ёзда ҳам ёқиларди.

Печенкинлар ҳамишагидай биринчи қаторда жойлашардилар, марказда - Владимир Иванович каттақон қўлтиқли ўриндиқда, унинг ёнида диванда Галина Васильевна ва Илья. Диванда учинчи бўлиб Дашахон Канишева ўтирибди. Чунки Галина Васильевна шундай бўлишини хоҳларди.

Дашахон Канишева ўзини жуда ноқулай сезарди - бошқа қизлар унга ҳасад билан қарашарди. Умуман, концертда ёшлар кўпчиликини ташкил қиларди. Қизиги шундаки, ёшлар худди катталардай кийиниб олишганди: ўсмирлар капалакли смокинг, қизчалар эса, тунги кўйлақда. Илья улар даврасида жуда галати кўринарди - у қип-қизил крассовка, сап-сарик жинси ва яшил свитер кийган эди. Бунинг устига тинимсиз сақич чайнарди.

Придонскликлар жим ўтирганча киприк қоқмай машҳур дирижёрдан кўз узишмасди. Машҳур дирижёр тинимсиз тиржаяр, албатта, опшоқ тишлари кўришиб кетар, сергайрат ҳаракати билан ҳамманинг кўнглини олишга интиларди. У худди юморчи-конферансьелар сингари тез-тез гапирар, томошабинларни жунбушга келтиришга ҳаракат қиларди:

- Моцартнинг, шунақа бир машҳур бастакор бўлган эди, шундай асари бор, унинг биринчи саҳифасида «тез чалинсин» деб ёзилган. Иккинчи саҳифасида «имкони борича тезроқ», учинчисида эса: «янада тезроқ» деб ёзилган. Хўш, биз қандай чалайлик? - сўради у томошабинлардан.

Придонскликлар нима дейишга ҳайрон эдилар.

- Яхши, биз бутун Моцартни ижро этмаймиз, - тинчлангирди уларни машҳур дирижёр. Бошқа, ундан кам эмас, балки машҳурроқ бастакор бор... Бу ўзимизнинг қизил Моцарт... Исак Осипович Дунаевский. Бу чинакам авлиё одам! У ўз хотинига битган мактубида шундай ёзганди: «Биз учун ўртоқ Сталин билан бир даврда яшаётганимиз катта бахтдир». Бизга эса, жин урсин, сира омад келмади! - Машҳур дирижёр жимиб қолди, қушларга ўхшаб бошини ён томонга эгиб, кулги кўтарилишини кутиб турди. Придонскликлар журъатсиз кулишди.

- Шундай қилиб Дунаевский! «Ўн беш ёшли капитан» фильмига увертюра! - дея хитоб қилди таниқли дирижёр ва оркестрга томон бурилди-да, тилла суви югуртирилган дирижёрлик таёқчасини силкий кетди.

Шунда ёшлиқдан таниш бўлиб қолган, гарчи ташвишли бўлсаям умид бахш этувчи оҳанг тарала кетди. Тингловчилар дарҳол танишди бу кўйни, бир-бирига қараб олишди, таниқли дирижёрга миннатдорлик билан боқиб, жилмайиб кўйишди. Галина Васильевна берилиб муסיқа тинглаётган меҳмонларга ҳомийона кўз билан қараб чиқди. Ниҳоят унинг нигоҳи ўелига келиб тўхтади. Илья ҳамон сақич чайнарди... Лекин бирдан кутилмаган воқеа юз берди: созандалар ўз чолгу асбобларини бир четга йиғиштириб қўйиб, увертюрани, оғиз ва лаблари ёрдамида чалишди давом этдилар: Ту-у-ду-у-ду-ду-ду...

Дастлаб тингловчилар ҳангу манг бўлиб қолишди, ўзларини йўқотиб қўйишди

ва қўрқиб кетишди, кейин бунинг ҳазил эканини билиб қолишди. Маҳаллий маданият ходимлари таниқли дирижёрнинг шунақа ҳазиллари борлигидан хабардор бўлишгани учун лабларининг таноби қочиб тиржая бошлашди. Ва фақат Владимир Иванович шўх, эркин ва қувноқ бир ҳолда қаҳқаҳа ургач - ҳамма кулишга тушди.

Биргина Галина Васильевна бу умумий қаҳқаҳада ишгирик этмади. Бу шодиёналикда нимадир унга ёқмади, нимадир уни ташвишга сола бошлади. Галина Васильевна бошини буриб, Дашахон Канишеванинг нигоҳи билан тўқнашди. Қизча ўзини йўқотиб, зўрма-зўраки жилмайди. Илья унинг ёнида йўқ эди.

- Ильяша қани? - сўради Галина Васильевна.

- Билмадим, - деди шикоятмуз Даша Канишева. У кўп ҳолларда Галина Васильевнага тақлид қилишга уринарди.

Муסיқачилар бўлса авжи пардаларда чалишарди. Таниқли дирижёр баланд сакраб тушиб, оёқларини чечетка рақсига мос ўйната бошлади. Бундан айримлар кулига зўр берса, айримлар чинқириб юборишдан ўзларини тийиша олишмасди.

Галина Васильевна аламли ютоқиб, чуқур нафас олди ва бирдан қандайдир галати, ёқимсиз ҳидни ҳис қилди. У яна ҳавони искаб кўраркан Даша Канишеванинг нигоҳига дуч келди. Қизчанинг бурун катаклари кенгайган эди. - Сезяпсанми? - сўради ундан Галина Васильевна.

- Нимадир куяяптими? - қўрқиб сўради Даша.

Галина Васильевна орқага ўтирилди: Унинг ётоқхонасида нима куйган бўлиши мумкин?

Қовурилган ҳид анқирди, бу аниқ, қовурилган ҳид анқирди, йўқ, яна аниқроғи, ҳид анқимасди, балки сасимоқда эди, и-е, бу қовурилган ҳид эмас, куйинди, чиндан куйган гўшт ҳиди келарди.

Таниқли дирижёр томошабинларга завқ беришда давом этаркан, ўтириб-туриб ўйинга тушарди. Бироқ негадир кулги пасая бошлади, чунки кўпчилик, айниқса, аёллар бадбўй ҳидни ҳис эта бошлагандилар.

Машҳур дирижёр тўхтади, қадини ростлади ва ҳайратдан қотиб қолди, ҳолбуки, унинг муסיқачилари зўр бериб чалишда давом этардилар. Дирижёр олдинга, томошабинлар оша гуриллаб олов ёнаётган камин томон қараб қолганди. Унинг юзида бирданга йирик-йирик тер томчилари пайдо бўлди. Дирижёр у ерда даҳшатли бир балони кўрган эди, шу қадар даҳшатли эдики, ўтирганларнинг ҳеч қайси бири ўтирилиб, орқага қарашга ботина олмасди. У қалтираётган қўлидаги дирижёрлик таёқчасини аста кўтариб камин томонни кўрсатиб, алам билан чинқириб юборди:

- Ёнаятти! У ёнаятти, ўртоқлар!

Ҳамма бараварига ўтирилди.

Камин олдига борган Илья қўлини чўзганича аланга устида тутиб турарди. Зални куйган гўшт ҳиди тутди. Илья йиқилди.

Еттинчи боб

МАВЗОЛЕЙ

1

Икки тавақали каттакон оқ эшикда «Жарроҳ» деб ёзилган шиша остида яланғоч малласоч қизнинг расми ёпиштирилган бўлиб, у ўзига чорлаб турарди. Буни тасдиқлагандай унинг тагига «Кириг!» деб ёзиб қўйилганди. Бироқ ичкарига ҳеч ким кирмасди. Елкаларига ошпоқ тиббий халат ташланган Печенкин, Галина Васильевна, Прибиловский, Седой - ҳаммаси эшик олдида турибди. Фақат Владимир Иванович мушти билан деворга бир маромда урмоқда. У ҳар урганда дераза ойналари зириллар, эшикдаги малласоч қизнинг расми шитириб қўяди. Прибиловский чарм жилддонини қўлтиғига қистирганча, бошлиғини диққат билан кузатарди. Седой яширинча сигарет чекар, тутунини елкаси оша пуфларди. Галина Васильевна қўлларини кўкси узра чирмаштириб, пастки лабини тишлаганча чанг босган дераза ойнасидан кўз узмасди.

- Мен чет элда бир ҳафтадан ошиқ туролмайман - ичкиликка берилишим ҳеч гапмас. У ердаги тозалиқдан бир жойга тузуролмайсан. Олти йил-а... Олти йил шундай шароитда яшаш ҳазилми, - деди Печенкин қутилмаганда.

- Мен ҳам шуни айтаяпман-да: олти йил - катта муддат! - қўшилди Седой. - Уйидан узоқда роса соғинган-да, болакай. - Менинг ўйлашимча, у ҳаддан ташқари кўп ўқиган. Уларнинг дастури билан танишиб чиқдим - жуда оғир экан, - деди Прибиловский.

Бу фикрга эр-хотин Печенкинлар ҳам, Седой ҳам қўшилди. Улар бу фикрни давом эттириш ва ривожлантиришга тайёр эдилар. Лекин Галина Васильевна уларни тўхтатди.

- Оркестрни чақиришнинг кераги йўқ эди, - деди у қутилмаганда ойнадан кўз узмай.

- Оркестрнинг нима алоқаси бор бунга, - тушунолмасди Владимир Иванович.

- Шунинг учун! - асабий хитоб қилди Галина Васильевна. - Шунинг учун алоқаси борки, мумтоз мусиқа устидан кулиш мумкин эмас! Ким қўйибди уларнинг мумтоз мусиқани майна қилишига... Дунаевский; билсангиз, биз учун ҳақиқий классика!

Жарроҳ қутилмаганда пайдо бўлди. У юришидан кўча безорисига ўхшарди. Ҳамма ҳаяжонда, ҳаракатга келди. Седой тутаб турган сигарет қолдигини қаерга ташласам экан деб олазарак бўлди. Юриб келаётган жарроҳ у билан тенглашгач, чала сигарет қолдигини Седойнинг қўлидан чаққонлик билан олди-да, кафтига яширди, эшикка, ундаги расм ва ёзувга ишора қилиб, таъна билан деди:

- Кирмайсизларми, нега кирмай турибсизлар?

2

У стол ёнига ўтирди, сигаретни узоқ ва мириқиб тортди-да, тутунини оғзидан ингичка ҳалқа қилиб чиқараркан, Печенкинга қатъий деди:

- Демак бундай... кўрпа-тўшак чойшаблари билан - уч юз дона. Йиғма тувак - эллик дона. Телевизор, ранглиси маъқул - бир дона. Катталар учун памперс - қанча олиб келолсангиз.

Прибиловский шошилиб ёзиб борарди.

- Эртага бўлади, - деди Печенкин.

- Эртага якшанба, - эслатди Прибиловский.

- Эртага бўлади, - такрорлади Печенкин.

- Эртага бўлади, - деди Прибиловский ҳам.

Жарроҳ сигаретни фильтригача чекиб, бармоғини куйдириб олди. Пешонасини тириштириб, паришонхотир ўз қўлига қараб қўйди-да, давом этди:

- Хўш, умуман бундай... Қўлни айтсангиз, ҳаммаси жойида. Лекин оғрийди. Чандиқ қолади. Балки кейин пластик операция қилинар. Бироқ бу бизда эмас. Австралияда, эшитишимча, пластик операцияни яхши қилишаркан...

Эркаклар енгил нафас олишди, Галина Васильевна ҳиқ-ҳиқ йиғлашга тушди. Лекин жарроҳ унинг бутунлай бўшашига йўл қўймади. - Хўш, кейин унга нима бўлди? - қутилмаганда сўради у.

Ҳамма тушунолмай унга қаради.

- Кимга? - сўради Печенкин.

Жарроҳ елкасини қисди:

- Ҳалиги, Муций Сцеволага-да...

Владимир Иванович тиржайди:

- У бу ёғига ўқмай қўйди... Мен тўхтатдим. Бу ёғида нима бўлганди...

- Нима, сиз тиббиёт олий илмгоҳида лотин тилини ўрганмаганмисиз? - қизиксинди Седой.

- Э, биз у ерда нима ҳам ўрганардик... - қўл силтади жарроҳ.

- Ҳа, биз Ильядан илтимос қиламиз, кейин нима бўлганини таржима қилиб беради, - деди Владимир Иванович.

- Кераги йўқ! - дея тўхтатди уни Галина Васильевна.

- Мен ҳам шуни айтаяпман-да, у кейин нима қилди, олдиндан билиш учун... бўлмаса... - Жарроҳ қутилмаганда жим бўлди ва энсасини қашиди.

Прибиловский чўнтагидан уяли телефонни олиб қандайдир рақамларни тера бошлади. Жарроҳ афғини буриштириб, сўзини тугатди:

- Акс ҳолда, у, ҳалиги... У Мавзолейни сўради...
 - Ким? - тушунмади Галина Васильевна.
 - Сизнинг ўглингиз.
 - Қанақа Мавзолей? - ҳайрон бўлиб сўради Владимир Иванович.
- Жарроҳ зўрма-зўраки жилмайди.
- Ҳалиги, бор-ку, Москвада... Бизда ҳали бошқаси йўқ...
 - Кремлда, - эслатди Седой.
 - Кремлда эмас, Кремлнинг ёнида, Қизил майдонда, - аниқлик киритди

Прибиловский.

- Мен ҳам шуни айтаяпман-да, - деди Седой.

Печенкин Прибиловскийга қаради:

- Кремлда ким ҳозир?

- Ҳозир Кремлда биздан Бусигин, Черевичко, Кац, - ахборот берди котиб-референт.

Жарроҳ кулиб юборди; «нега тушунмайсизлар» дегандай кўлини силтади.

- Ахир, Кремлга эмас, Мавзолейга деяпти!
- Мавзолейда ким ҳозир? - яна мурожаат этди Печенкин Прибиловскийга.
- Мавзолейда ҳозир Ленин, - деди котиб-референт.

Владимир Иванович Мавзолейда Ленин борлигини биларди, лекин юз ифодасидан ҳеч нарса тушунмагани кўриниб турарди. У шундай деб қўя қолди:

- Ҳеч нарса тушунмаяпман.

- Буни тушунмайдиган ҳеч жойи йўқ, Володя! - дея хитоб қилди бардоши тугаб Галина Васильевна. - Москвада мен бўлганман, сен ҳам бўлгансан, ҳамма бўлган у ерда...

- Мен тўрт марта бўлганман, - деди Прибиловский ва қандайдир рақамларни тера бошлади.

- Сен яхшилаб эслаб кўр, Москвага борганимизда биринчи бўлиб қаерга тушишга интилардик? Мавзолейга! - Тушунтиришга уринарди довдираб қолган эрига Галина Васильевна.

- У ерда, ўша Москвада кўрадиган яна нима бор? Фақат Мавзолей, - айтишга улгурди Седой, то Галина Васильевна нафасини ростлаб олгунча.

- Чет элликларни қаерга олиб боришарди? - давом этди Галина Васильевна. - Мавзолейга! Ильяўша бўлса, ахир, у чет эллик-ку! Мавзолейга олиб бориш лозим!

Прибиловский бармоғини кўтариб, «жиминглар» деган ишорани қилди, сўнгра телефон орқали айтилаётган гапларни баланд овозда такрорлай бошлади:

- «Гай Муций Сцеволе - римликларнинг этрускаларга қарши жангининг афсонавий қаҳрамони (янги эрагача олтинчи аср охири - бешинчи аср бошлари). Душман қароргоҳига кириб олишга муваффақ бўлган йигит этрускалар подшоҳи Парсенани ўлдирмоқчи бўлади, лекин асирга тушиб қолади. Узининг оғриқ ва ўлимдан қўрқмаслигини исботлаш учун Гай Муций кўлини ловуллаб турган оловга тикади ва панжалари кўмирга айлангунча миқ этмайди». Бўлди - Прибиловский гўшакни чўнтакка яширди.

- Хўш, Мавзолей ҳақида ҳеч нарса демадими? - сўради жарроҳ.

- Бўлди, - такрорлади Прибиловский.

- Мавзолейга! - деди Галина Васильевна эрига қараб.

- Мен Москвага бормайман, - тўнғиллади Печенкин.

- Мен бораман. - Галина Васильевна сўзида қатъий эди.

Печенкин Прибиловскийга қараб, амр қилди:

- Кацга сим қоқ.

3

Москвада ҳам, худди Придонскдаги сингари совуқ, изғирин эди. Шундоққина Мавзолей ёнида турган Седой кишлоқларга хос қизиқиш билан атрофга аланларди. Ёнида у ёқдан-бу ёққа юриб турган тунд юзли милиция полковниги шинелининг ёқасини ечиб олган, дам-бадам кўл соатига қараб кўярди. Шундоқ ёнгинасидаги курантлар занг уриб вақтни билдириб турарди, лекин, афтидан, полковник уларга ишонмасди.

Галина Васильевна Мавзолейнинг нариги томонида турар, қимир этмай Василий Блаженный ибодатхонасидан кўз узмасди. Унинг кўзи, юзи ва ҳатто

оёғини олдинга чиқариб, қўлларини орқасида бир-бирига чалиштириб туриши - буларнинг ҳаммаси адо этилган оналик бурчи ҳиссини ифодаларди.

Қизил майдон одамлар билан гавжум, чеҳралар гулгун. Мавзолей қаршисидан одамларни кулдириб масхарабозлар ўтиб бормоқда. Ранг-баранг бўялган кийимларга бурканган бу одамлар чиндан ҳам кулгилар эди. Гуё уларнинг бошлари ва қўллари пастда, оёқлари эса тепада. Биттаси худди оёғи билан ногора қоқатгандай, бошқаси эса папиросидан тутун пуркаб, ғалати овоз чиқариб бораёттир.

Седой уялиб жилмайди, полковникка қараб, сўради:

- Циркми?

- Ҳа, бу ерда ҳар куни цирк, - жавоб берди полковник норози оҳангда ва яна соатига қараб қўйди.

4

Оч пуштиранг нур ёришиб турган тиниқ биллур орқасида, чалқанча чўзилиб ётган Ленин мангу уйқуда. Илья унинг олдида узоқ ва қимир этмай турди. Ундан бир неча метр орқароқда иккигаси сабот билан кутарди: озгин ва қотмадан келган кекса прапоршик ялтироқ хром этикда, ёнидагиси бўлиқ сочли қирмиз юзли доктор.

Ильянинг бинт билан ўралиб, бўйнига осиб қўйилган қўлига қараб прапоршик доктордан шивирлаб сўради:

- Унинг қўлига нима қилган?

- Босқинчилар ўқи, - ҳазиллашди доктор.

Лекин прапоршик бунинг ҳазиллигини тушунмади шекилли:

- Барибир, борибди-да, а? - деди.

- Онаси унга ажратган пул учун-да, биз уйига элтиб беришимиз ҳам мумкин эди, - яна ҳазиллашди доктор.

Прапоршик бу ҳазилми ёки чин эканини ҳали англаб улгурмаган ҳам эдики, кутилмаганда Илья баланд овоз билан аниқ қилиб ғалати ва сирли сўзни айтди:

- КЯЖ!

Прапоршик билан доктор сесканиб тушиб, атрофга аланглаб олишди.

Илья ҳамон қотиб турарди. Афтидан, бу сўз унинг оғзидан чиқиб кетган бўлса керак.

- КЯЖ нима дегани? - сўради шивирлаб прапоршик.

Доктор ўйланиб қолди.

- Бирор қўмита бўлса керак, - деди прапоршик.

- Йўқ, шунақа бир дори бор, буйраги касаллар ичади, - дея изоҳ берди доктор.

- Қўйсангиз-чи, у «КЯЖ» деб айтди, - эътироз билдирди прапоршик. - КЯЖ - кўнгилчилар жамияти дегани...

Улар шу қадар шовқин кўтаришдики, Илья кескин бурилди ва зуғум билан қаради. Прапоршик билан доктор уялиб кетишди, хатто бироз кўрқинди ҳам. Прапоршик ўзини оқламоқчи бўлгандек, Ильяга далда берди:

- Ҳечқиси йўқ, сиз тураверинг. Яқинда Магадан комсомоллари делегацияси келганди. Улар ҳам мана шундай узоқ туриб қолишувди...

Бироқ Илья уни эшитмасди. У доҳийнинг ҳаракатсиз юзига тикилиб турарди. Унинг кўзларидан йирик-йирик тиниқ томчилар юмалади.

Саккизинчи боб

КОММУНИСТНИНГ САНДИҚЧАСИ

1

- Ойи, мен коммунистман, - деди қатъий Илья. Бу гап ошхонада бўлиб ўтди. Бу ерда Галина Васильевна оқсоч қиз билан бирга мураббо қайнатаётганди. Ошхона иссиқ, сершовқин, қувноқ вазиятда эди. Галина Васильевна чиройли пешбанд тутиб олганди. У қизариб кетган, терлаган пешонасига жингалак соч толаси ёпишиб турарди.

- Коммунист? - сўради аёл, унинг қўлида узун ёғоч қошиқ бор эди. - Коммунист, фақат шунинг ўзими? Бошқа ҳеч гап йўқми? Қани, кўзимга қара-чи...

Илья онасининг кўзига тик қаради.

Галина Васильевна енгил тортиб жилмайди.

- Нега дарҳол айта қолмадинг? Биз отанг билан не хаёлларга бормадик. Шунинг учун Мавзолейга бормоқчи бўлган экансан-да. «Ва Ленин жавоб беради. Ҳамма саволларга Ленин жавоб беради»? Шундайми? Янглишмадимми? Нима қилибди - бизлар ҳам коммунист бўлганмиз... Мен ҳам, отанг ҳам... Буванг ҳақида-ку, гапирмаса ҳам бўлади?

У қошиққа пуфлади-да, татиб кўриш учун ўғлига тутди:

- Қалай?

- Зўр! - деди Илья.

- Кўтариб оламиз ва совутамиз, - амр этди Галина Васильевна оқсочга. Сўнг яна ўғлига қаради. Онанинг кўзлари қувончли ва сирли ёришиб кетди.

- Биласанми, - деди Галина Васильевна, - ҳар бир коммунистнинг ўз сандиқчаси бўлиши керак.

- Нима? - тушунмади Илья.

- Ҳар бир коммунистнинг ўз сандиқчаси бўлиши керак! - шодон хитоб қилди Галина Васильевна. - Сенинг буванг ўлими олдидан шундай деганди, болам. Лекин у ҳозир қаерда экан?

- Ким? - яна сўради Илья тушунмай.

- Сандиқча! - тинчлангирди Галина Васильевна ва кулиб юборди.

2

Сандиқча тахгадан, қошқоғи бўртма, темир тутқичли, ўзи қачонлардир қизил рангга бўялган эди.

Илья сандиқча кулфидаги калитни буради ва қошқоғини кўтарди. Қошқоқнинг ички томонида Решетниковнинг «Таътилга келди» расмидан кўчирма ёпиштирилган эди. Унда меҳрибон бобо ва набираси - суворовчи талаба безатилган арча ёнида тургани акс этган. Қип-қизил ипак мато устида эски, вақт таъсирида сарғайиб кетган рангли очиқ хат, унда олға талпинаётган рус, хитой ва занжи тасвирланган. Унга «Яшасин коммунизм!» деган тагсўз ёзилган. Ундан пастроқда эса ажи-бужи ҳарфлар билан «XXI аср коммунистларига!» деган ёзув битилган. Илья мурувват билан жилмайиб қўйди. Очиқ хатнинг орқа томонига зич қилиб мактуб ёзилганди. Ҳарфлар сиёҳининг ранги ўчган, лекин Илья бир амаллаб ўқиди. «Шундай улғ даврда партиядан ташқарида қандай яшаш мумкин? Майли, кеч бўлса ҳам, майли, жанглар тутаган бўлса ҳам - лекин жанглар ҳали яна бўлади. ВКП (б)дан ташқари ҳаётнинг қандай қувончи бор? На оила, на муҳаббат - ҳеч нарса тўлақонли ҳаёт маъносини бермайди. Оила - бу бир неча одам, муҳаббат - бу битта одам, партия бўлса - бу 1. 600 000. Оила учун яшаш - бу махлуқларча манманлик, фақат ўзи учун яшаш - шармандалик».

Илья бир қўли билан совет байроғининг узун ипак матосини текислаётди, унга ўраллашиб йиқилишига сал қолди. Байроқ бошқача эди, балки циркникидир, олдинлари цирк саҳнасида чавандозлар шунақа байроқларни ҳипширатиб, от елдирардилар. Қизил ипакдаги ўроқ ва болга ҳақиқий тилладай жилоланарди.

Байроқ остида Хрушчев даврининг оғир мрамор-чўян сиёҳдони бор эди. Одатда, бунақа сиёҳдонларга қўшимча равишда пўлат пероли қаҳрабо ручка, чоракталик сиёҳди идиш, шунингдек кумушга бўялган ганч ҳайкалча - тўнкада ўтирган Ленин тасвири бериларди. Ленин ҳайкалчасининг тагида Ленин ва Сталин китоблари, сиёсий-оқаргув қўлланмалари ётарди. Энг охиригиси Николай Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди» - қаттиқ муқовали қизил китоби экан. Илья уни диққат билан кўздан кечирди ва бирдан лабларига босди.

У ерда яна ҳажми анча каттагина, ип билан боғланган латта қоп бор эди. Илья бир қўли ва тиши билан уришиб уни зўрға ечди, қуригилган нон бурдалари экан. Илья бир бурдани олиб кўрди, ҳидлади, ҳатто ялади ҳам, лекин ейишга ботинолмади. Ильянинг нигоҳини нон бурдаларидан чалғитган нарса сандиқчанинг энг тагидаги тиш ювадиган кукун қутиси бўлди. «Ичидаги нима

экан» деб қутини кўксига қисиб очаётганда, у қўлидан сирғалиб тушди ва ҳавода очилди. Ичидан чиққан ясама жағ ва тишлар сочилиб кетди. Илья уларга кўрқиб ва ирганиб қараб қолди.

3

Вокзал ёнидаги кечаси ишлайдиган мўъжазгина бозорчада жимлик ҳукм суларди. Бирдан сотувчилар кўзини чироғи нури билан қамаштириб қора «Мерседес» келиб тўхтади. «Мерседес»дан кейин «Субурбан» келиб, унинг орқасида тўхтади. Биринчи бўлиб машинадан Владимир Иванович чиқди. Кейин кўриқчилар, кечикиб чиқиб келишди. Бозор бирданига жонланди.

- Печенкин...

- Печенкин?

- Печенкин! - шивир-шивир ва хитоблар бошланди. Унга пиво ва арақ сотиб олишни таклиф қилишди. «Ичмайман - тўйганман, - ҳазил билан жавоб қилди Владимир Иванович; сигарета тутишди: - чекмайман - ташлаганман; тузланган балиқ кўрсатишди: - «Тузланганга - дўхтирлар йўқ деяпти». Ҳар бир бундай ҳазилга сотувчилар қувноқ қаҳ-қаҳа билан жавоб қайтардилар.

Печенкин писта сотиб ўтирган икки аёл томон дадил юриб борди. Бири кекса, иккинчиси ёш эди. Иккаласи ҳам пахталик кийиб олган, бошларида қалин рўмол, оёқларида - эркакларнинг кирза этиги. Улар яқинлашиб келаётган Печенкинга қараб жилмайишди: кексаси - ошқора қувониб, ёши эса уялинқираб, кўз остидан атрофга қараб.

- Негадир сени бу ерда кўрмасдим, - қувноқ ва дўстона мурожаат қилди Печенкин сотувчига. Унинг дермантин қоғидаги пистасидан бир нечта олиб, таъмини кўриши учун чақа бошлади. - Егоровна қани?

- Қазо қилдилар, - деди ёш аёл.

- Шунақами, афсус, - деди Печенкин у билан ёнма-ён, худди ўшандай қочда нараса сотаётган кампирнинг пистасидан татиб кўраркан.

- Бу Егоровнанинг келини, унинг ўрнига чиқаяпти, - тушунтирди кампир бадавлат харидорни зимдан кузатаркан.

- А-а, - деди Печенкин аёлга шўх қараб. - Эринг ичаяптими?

Аёл унга тик ва таънали қараб қўйди.

- Ичаяпти, бўлмасам-чи! - деди ва кўзини яна четга олиб қочди.

Владимир Иванович бир кампирнинг, бир ёш аёлнинг қоғидаги пистадан олиб чақиб кўрди. Лекин қайси бириники яхшилигини ҳеч аниқлай олмади. Сўнг гашида давом этди:

- Сен унга айт, айтки... Исми нимаиди?

- Витька! - деди ёш аёл.

- Ҳа, унга айт: «Вить, илтимос, ичмагин...». Ўзингнинг исминг нимаиди? - Печенкин пистадан икки бармоғи билан олди-да, чақиб кўрди, пўчоғини оёғи тагига туфлади, мағзини тишида майдалаб таъмини кўрди.

Ёш аёл қизариб:

- Лиза! - деди.

- Хўш, Лиза, унга айт: «Вить, илтимос ичмагин, хўпми?». У ичишни ташлайди.

- Ташлайди, - ҳорғин тиржайди аёл.

- Ташлайди, мен айтаяпман сенга - ташлайди! - унинг кўзига тикилиб ишонч билан гапирди Печенкин. - Мана, масалан, мен ҳам ичардим... Хотиним айтди менга: «Володь ичмагин, а?». Шундай қилиб ташладим ичишни.

Ёш аёл иккиланарди, ишонсинми, йўқми, билмасди.

- Э, кўйсанг-чи, у ҳазиллашяпти, - деди кампир. - Ўзи шунақа ҳазилкаш! - кулиб юборди у:

- А -ха-ха-ха!

Печенкин илжайди, бошини сарак-сарак қилди, баҳслашиб ўтирмади, кимнинг пистаси яхшилигини аниқлай ҳам олмади. Камзул чўнтагини очиб буюрди:

- Бўпти, бир стакандан солинглари-чи!

Илья ўз хонасида наридан-бери юрар, жароҳатли қўлини кўксига босганича оғриқдан афгини бужмайтирар, жиғибийрони чиқиб, ўзига ўзи гапирарди:

- Шундай улуг бир даврда партиядан ташқарида қандай яшаш мумкин? Майли, кеч бўлса, майли, жангдан сўнг, лекин жанг ҳали бўлади...

Бирдан у яқинлашиб келаётган отасининг овозини эшитди. У қандайдир сўзларни такрорлар, бунинг устига худди омма олдида нутқ сўзлаётгандек баланд овозда гапирарди.

- Экспорт - импорт! Бу буюмларни бу ёқдан у ёққа, у ёқдан бу ёққа! Экспорт - импорт! Бу буюмлар бу ёқдан у ёққа, у ёқдан бу ёққа! Экспорт-импорт!

Илья хонанинг у ёқ-бу ёғига кўз югуртирди, шошилиб чироқни ўчирди, ўзини диванга отди, жун рўмол билан бошини беркитди-да, жим ётди.

Владимир Иванович эшикни очди, чироқни ёқди, ўглини кўрмагач, ҳайрон бўлиб гулдурди.

- Экспорт - импорт...

Лекин, рўмол тагида ётган тана қиёфасини кўриб қолиб, жилмайди-да, унга яқинлашиб, шўх ва истеҳзоли сўради:

- У ерда нима қиляяпсан, ўғлим?

Илья индамади, шунда Печенкин рўмолни чеккасида ушлаб тортиди.

Йиғитча гужанак бўлиб ётар, қўлини кўксига босиб олганди.

- Оғришганими? - сўради отаси.

- Йўқ, - деди ўғли оғриқни енгиб.

- Йўқ, - норози оҳангда қайтарди отаси. - Агар оғримайётган бўлса афсус. Оғриши керак! Дуч келган ерга тикáverмаслигинг учун оғриши керак!

Владимир Ивановичнинг кўзи стол устида ёйилиб ётган сандиқчадан олинган нарсаларга тушиб, мавзунни бошқа ёққа бурди:

- Бугун онанг ишхонамга сим қоқди: «- Ҳаяжонланма, Володя, ўғлимиз коммунист!» деб. «Нега ҳаяжонланишим керак экан?! - дедим мен, - нега ҳаяжонланишим керак экан?! Ким бўлса бўлсин, фақат танасининг бирор жойини қасдан жароҳатламаса бўлгани...».

Печенкин столнинг ёнига келди, Ленин ҳайкалчасини тирноғи билан чертиб кўрди. Очиқ қопча ичидан қуритилган нондан олиб, оғзига солди. Касур-кусур чайнарган, сўради:

- Швейцарияда қуритдингми, хуфия ишлашга тайёрландингми?

Илья жавоб бермади. Диванда ўтирганча жим тураверди, лекин, афтидан, унинг жавоби Печенкинга ҳам керак эмасди.

- Мен сенга ҳозир айтаман, сен хафа бўлишинг турган гап, лекин барибир айтаман, - дея гап бошлади Владимир Иванович қатъият билан. - Бу ерда коммунистлар ҳам, демократлар ҳам йўқ! Менга Москвада, Кремлда «Россия бизнесининг рицари» совринини топширишганда, биласанми, нима деганимни: «Биз оқлар ҳам эмасмиз, қизиллар ҳам, биз придонскликлармиз!». Беш дақиқача қарсақ чалишди, олқишлашди...

Печенкин жим қолди, ҳовуридан тушди. Лениннинг гангдан ясалган қиёфасига диққат билан қаради-да, хитоб қилди:

- Ахир, бу Григоричнинг мероси-ку! Қаерда кўрган эканман деб бош қотириб юрибман-а? Бир тасаввур қилгин-а, биз бу уйни қурдик, кўчиб ўтишимиз керак, унга қандай айтишга ҳайронмиз! Дам олиш уйи деб айтдик. Бу ерларда роса айланиб юрди, маҳаллий партия ташкилотини излади. Ошхонада нон қуритди негадир...

У ўйчан бир ҳолатда қуритилган нон солинган қопчага назар солди, хотиралари ва бугунги ҳаётни таққослашга уринди, лекин янги хотиралари уни чалғитди:

- Ўз жағини яширгани-яширган эди.

Сандиқча пастда турарди, унинг ёнига ўтириб, Владимир Иванович яна хотираларига берилди:

Эрталаб чойга шакар солиш учун мундоқ қанддонни очсак - Григоричнинг ясама жағи ўша ерда ётипти... Ўлиб кетди бечора, жағини қаерга яширганини

эслолмай, янгисига буюртма ҳам бермадик, барибир... Шўрлик тобутда гўдакка ўхшаб ётарди, ўртоқ Губчека раиси...

Қизил ипак байроқни Печенкин бармоғи учидан елкасигача қўйиб ўлчаб кўрди.

- Бир... икки... уч... Худди ўшанинг ўзи... Бу ўша, Васил Григорич учинчи марта бева қолганда, тўртинчисига совчиликка борувди. Бурковская дегани бор эди, циркчи, Меҳнат Қаҳрамони. От циркида инқилобдан олдин иш бошлаганди. Бир куни кечаси Григорич кечаси билан йўқ бўлиб кетди. Эрталаб эса мана шу байроқни олиб келди.

Владимир Иванович шуларни шуларни гапириб бераркан, тиш кукуни қутисини очди ва қувончдан қичқариб юборди:

- А-ҳа! Тошдим! Тошдим... - марҳум қайнатасининг жағини кафтида кўтарганча заҳархандалик билан дерди: - Қабрингда тинч ёт, Василий Григорьевич, сенинг ишинг ишончли қўлларда! - Печенкин ўғли томон маъноли қараб қўйди-да, аниқлик киритди: - ...Қўлларда...

Ясама жағни кутига, кутини сандиқчага жойлаб, Владимир Иванович қаддини ростлади, елкаларини тўғрилади-да, сўзини якунлади:

- Бизда губернатор - коммунист! Хўш, уни ким губернатор қилганини биласанми? Мен! Мана шу қўлларим билан, ўз пулимга. У, албатта, аҳмоқнинг битгаси, лекин ишлага ҳалақит бермайди. Мана шунақа! Бу ерда ҳеч қанақа коммунист йўқ. Демократлар ҳам йўқ. Фақат ишлайдиганлар ва тилига эрк берувчилар бор...

Печенкин ўйланиб, жим қолди. Илья хўрсинди ва диванга чўзилди. Владимир Иванович бошини силкиди, ўз фикрларига ҳайратланиб сўзида давом этди:

- Биласанми, нимаси қизик! Олдинлари одамларга яхши ҳақ тўлашса, яхшироқ ишлайдиган бўлишади, деб ўйлашарди. Ҳечам-да! Олдин ким юз сўмга ўлиб-тирилиб ишлаган бўлса, ҳозир ҳам ишляпти... Хўш, биласанми, нима учун бу ерда мен энг бойман? Чунки мен ҳаммадан кўп ишляпман! Улар ухлаб ётишганида ёки гап талашиб ўтирганида мен ухлаганим ва гап сотганим йўқ, ишладим! Нима, булар ҳаммаси менга шундай, текинга келди дейсанми? Бу ерда шунақа даҳшат бўлгандики! Мерган том устида юрибди, мен эса пастда, қум уюмида ўйинчоқ белкуракча билан қовлаётиман, яшириниш учун. Ниличга раҳмат... Танкка қарши минани қўйиб кетишибди машина капотига, аблаҳлар... Гумбураб портласа бўладими! Орқамни кўрсатайми сенга? Кўрсатайми?

- Йўқ, керакмас, ота, - деди ҳорғин Илья рўмолни иягигача тортиб.

- Учтаси ўша ердаёқ жон берди. Фақат мен тирик қолдим, - давом этди Печенкин қизишиб. - Сен фақат ойингга айтиб юрма гапириб берганимни. Бизнинг ниятимиз нима эди. Биз сенинг ўша ифлосликларни кўрмаслигингни хоҳлар эдик! У-у, бу ерда шундай тўс-тўполон бўлган эдики... Юрка Желудь йўқолди! Юра амаки эсинглами? Бизнинг у билан биринчи хусусий бизнесимиз бўлганди. Придонскда - «Тугеза» компанияси. Даҳо эди ўша Юрка! Унинг мияси зўр ишларди, қолганининг ҳаммасини мен қилардим... У билан сал-пал ичиб олгандик... Шу менинг кўзим пинакка кетибди... Уйғонсам - Юра йўқ! На ерда бор, на кўкда. Уни қанча ахтарганимни билсайдинг? Қандай изладим? Менга қанчалик лой чаплашди ўшанда... Ҳали-ҳанузгача Придонскда баъзиларнинг ўйлашича...

- Ота, булар мени қизиқтирмайди, - эшитилар-эшитилмас гапирди Илья ва кўзларини юмди.

- Қизиқтирмайди? Қизиқтирмагани янаям яхши! Менга ҳам қизиғи йўқ... Менга қара, юр, кинога борамизми? Зўр фильм! Мен писта сотиб олганман... Илья жавоб бермади. У ухлаб қолганди.

5

Печенкин кинони яхши кўрарди. Болалигидан ҳавасманд эди у кинога. Касса дарчасидан кўринмас сотувчи қўли узатган кўк чипта, назоратда турган лоқайд-қаттиққўл холалар, кинотеатр даҳлизига илинган артистларнинг фотопортретлари, нимқоронғи залнинг сарин нафаси, тахта ўриндиқларининг ғичирлаши, оёқлар тапир-тупури, бўғиқ овозлар, опшоқ экран ва албатта, писта...

Кейин бунинг имкони бўлмай қолди. Чунки Придонскдаги барча кинотеатрлар эскирди. Шунда Владимир Иванович биттасини - «Центральный»ни таъмирлаттирди. Бугунлай янгилаб чиқилди, юмшоқ ўриндиқлар қўйилди, чет эл ашпаратлари олинди. Кинотеатрни тантанали очиб берди, икки-уч бор ўзи бориб кўрди, лекин негадир аввалги файзи йўқ эди. Бунинг устига, унинг кўриқчилари ҳам қоронғилиқдан хавфсираб, эътироз билдиришди. Шунда Печенкиннинг миясига ажойиб фикр келди... Бир сафар Америкага борганида бадавлат америкаликлар Европадан қадимий қасрларни сотиб олишаётганини эшитиб қолди. Уларни бузиб гиштларини ташиб кетишаётган экан... «Биз, албатта, америкаликлар эмасмиз, лекин барибир», - деди ўшанда Владимир Иванович ва ишни «Октябрь» кинотеатридан бошлади. Ёшлigidан энг сеvimли кинотеатри шу эди, «Фантомас» фильми учун милиционер билан жанжаллашиб қолган, Галина билан ҳам айни шу ерда танишпанди. Тўғри, қурувчилар унга тушунтиришди: кўчириб ўтказишдан маъно йўқ, худди «Октябрь»га ўхшатиб янгисини қурган афзал. Шундай қилишди. Шаҳардаги эски кинотеатрни эса бузиб ташлашди, чунки қулай-қулай деб турган эди. Худди кўчириб ўтказилгандай бўлди-қўйди! Бор-йўғи уч мирига шаҳар фильмотехникасини ҳам сотиб олди. Ундан кейин умри бўйи «Октябрь»да киномеханик бўлиб ишлаган Ноил ҳам келди...

Аввалига ҳамма фильмларни бир четдан кўра бошлади. Ниҳоят, бир вақтлар кўрган фильми «Дайди»га дуч келди. Яна қўйиб беришни сўради. Ва яна... шундан кейин фақат шу фильмни кўрадиган бўлиб қолди. Мириқиб кино кўриб, писта чақиб ўгиришга не етсин!

Владимир Иванович залда бир ўзи ўтирар, писта чақар ва завқ билан экрандан кўзини олмасди. Экрандан эса Раж Капур шўх иржайганча унга таъкидларди:

- Экспрот - импорт? Бу - буюмлар бу ёқдан - у ёққа, у ёқдан эса бу ёққа!

Тўққизинчи боб

САЛОМАТ БЎЛИНГ, АНГЕЛИНА ГЕОРГИЕВНА!

Геля бўлса чекишни ташлади ва эрталаблар соғломлаштириш югуришларини амалга ошира бошлади. Ана шундай эрталабларнинг бирида, бунақанги каллаи сахарда кўчада ҳеч ким бўлмаган бир пайтда йўлнинг қарши томонига милиция «уазиги»и келиб тўхтади. Ундан бир милиционер чиқди-да, Гелянинг олдида юуриб келди, қўлини чеккасига қўйиб саломлашди ва деди:

- Кечирасиз, хоним, сизнинг ёрдамингиз керак бўлиб қолди. Бизга шошилиш равишда гувоҳ керак.

Милиционер ёшгина эди, кўзлари тип-тиниқ, қоши чимирилган бўлса-да, юзи барибир, кулиб турарди.

Геля ташвишланиб сўради:

- Бирор жиддий гапми?

Милиционер жилмайди:

- Йўғ-е, ўғричани ушладик, куртка ўғирлабди. Хужжатлаштириш учун гувоҳ керак, одамларни эса ўзингиз биласиз, қандай бўлиб кетишган.

Геля ўйланиб қолди ва соатига қаради:

- Узоқдами?

- Йўқ, унчалик эмас, - деди милиционер ва яна жилмайди.

- Майли, бўлмаса, - рози бўлди Геля.

«Уазик»да ҳайдовчи ва ёшгина милиционердан ташқари яна бир киши бор эди. Олдинги ўриндиқда ўтирган бу милиционер гавдала, бўйни йўғон одам эди. Милиционерлар индамай боришарди. Гапни Гелянинг ўзи бошлади. У аёлларга хос қизиқувчанлик билан ёш милиционернинг погонига нигоҳи ила ишора қилиб сўради:

- Сиз кимсиз?

У кўз қирини ўз елкасига ташлади-да, жавоб берди:

- Лейтенант.

- Демак, икки юлдузча - лейтенант экан-да? Учта бўлса-чи? Ҳечам эслаб қоломайман, - ҳазиломуз шикоят қилди Геля.

Ёш милиционер кулди:

- Ҳамма аёллар шунақа, эслаб қолишолмайди. Менинг Веркам ҳам шунақа. Унга неча марта тушунтирдим: битта юлдузча - кичик лейтенант, икки юлдузча...

- А-ҳа, демак, сиз - кичик лейтенант экансиз! - Геля олдинда ўтирган милиционернинг елкасига туртди.

- Мен майорман, - хафа оҳангда Гелянинг хатосини тузатди майор йўғон бўйинини зўрға қайириб. Кўзлари чақчайган, юмалоқ бақбақали бу майорнинг мўйлови ҳам бор экан.

- Битта юлдузча-ку, ахир, - ҳайратланди Геля.

- Ахир у кичкина! - хитоб қилди қувнаб ёш милиционер. - Бу эса катта. Солиштириб кўринг!

- А-ҳа, демак, кичкинаси ҳам, каттаси ҳам бўларкан-да! - тушунгандай бўлди Геля.

- Кичиклари ҳам бўлади, катталари ҳам! - такрорлади ёш милиционер ва кулиб юборди, ҳамма кулди, ҳатто ҳайдовчи ҳам.

«Уазик» бўлса ҳамон елиб борарди. Шаҳар ортда қолди. Геля ҳайрон бўлиб машина ойнасидан ўрмон билан қопланган атрофга кўз ташлар экан, баланд овозда милиционерларга мурожаат қилди:

- Хўш, қани ўша бечора ўғри?

Милиционерлар жавоб беришмади. «Уазик» эса елиб бораёттир. Геля қўлини қорнига қўйиб, титроқ товушда сўради:

- Мени қаёққа олиб кетаяпсиз?

Лекин милиционерлар яна жавоб беришмади. Аёл бирдан букчайиб олди, кўрқиб кетди.

- Қаёққа... олиб...кетаяпсизлар... мени? - талаб қила бошлади Геля сўзларни бўлиб-бўлиб, бақририб ва аниқ-аниқ айтиб.

«Уазик» ўнқир-чўнқирга урилди, майор инқиллади, орқага ўтирилди ва мийиғида кулиб, гапира кетди:

- Наҳотки, Ангелина Георгиевна, сизга бирор нарса бўлади деб ўйласангиз?

Соқчилар турган жойдан ҳеч қандай қаршиликка учрамай ўтиб, улар шинам шаҳарча ҳудудига кирдилар. Бу ерда янги ниш урган кўм-кўк майсазор узра, қарағай ва арчалар орасида икки қаватли кўркем коттежлар саф тортиб турарди.

- Бу... «Царское село»ми? - сўради Геля, атрофга қизиқиш билан қараркан.

- Худди шундай, - деди ҳайдовчи.

Геля губерна бошлиқлари ва янги придонскликлар шаҳар ташқарисида янги қасаба курганликларини ва халқ уни дарҳол «Царское село» деб номлаганини эшитганди, аммо ҳали кўрмаган эди.

Негадир одамлар кўринмасди - уйлар ёнида ҳам, қизил гишт майдалаб сепилган йўлакларда ҳам ҳеч зот учрамасди.

Майор бурни билан тўйиб нафас олди-да, изоҳлади:

- Кислород!

«Уазик» пуштиранг, ўйинчоққа ўхшаган уй ёнида тўхтади. Ёш милиционер машинадан биринчи бўлиб сакраб тушди-да, тиржайиб, назокат билан Геляга қўлини узатди. Бироз уннаб қулфни очган мўйловли майор эшикни тортиди-да, тетик овозда:

- Марҳамат! Саломат бўлинг, Ангелина Георгиевна, - деди.

- Ҳм-м, - деди Геля чўзиб. У гап нимадалигини тушуна бошлаганди. У катта-катта ва дадил одим ташлаб нотаниш уйга кирди.

Уйга яхшигина замонавий мебель қўйилган, юмшоқ жун гиламлар тўшалган, ҳар бир хонада биттадан, ҳатто ошхонада ҳам телевизор; каттакон музлагич озиқ-овқат билан тўла, ҳаммомхонада қордай опшоқ сочиқлар ва пуштиранг пахмоқ халат.

- Ҳм-м! - дея қаттиқ ва жаҳл билан такрорлади Геля ва ёғоч нарвондан иккинчи қаватга чаққон кўгарилди. Бу ётоқхона бўлиб, уни улкан каравот тўлдириб турарди. Унинг кўринишиёқ одамни эсанкиратиб қўярди. Каравот ёнидаги юмшоқ ўриндикда гитара ётарди. Бу унинг, Гелянинг сеvimли гитараси эди...

Ташқарида жўнаб кетаётган «Уазик»нинг мотори гувиллади.

Геля бўшашиб каравот чеккасига ўтирди ва гитарасига қараб хўнграб юборди.

- Аҳмоқ! Вой аҳмоғ-ей, ё худойим! - деркан, чеккасига оқиб тушган кўз ёшларини арта бошлади.

Кўзи бирдан деразага тушди. Қаршидаги уйдан ёш, чиройли, яхшигина кийинган бир аёл болалар аравачасини гилдиратиб чиқиб кетаётганини кўрди. У қизил гишт майдалаб сепилган йўлак бўйлаб шошмасдан мамнун кетиб борарди.

Геля йиғлашдан тўхтади, унинг орқасидан кўз узмай, ўйланиб қараб қолди.

Ўинчи боб

МЕН ҚАНЧА БОЙ БЎЛСАМ, ХАЛҚҚА ШУНЧА ЯХШИ

1

Залдагилар бошловчининг қилиқларига кулар ва қарсак чалишарди. Бунга жавобан у микрофонни тишлаб олмоқчи бўлаётгандай кўрсатарди ўзини. Бошловчи гулдор қўйлак, карнай поча шим кийиб олганди. Саҳнанинг орқа томонини шиширилган оқ, мовий ва қизил ҳаво шарлари безаб турарди. Улар шундай шиширилгандики, ҳар бири аёллар кўкрагини эслагиб турарди.

- Ҳайъат аъзолари билан таништираман, - дерди бақириб бошловчи, саҳнанинг у бошидан-бу бошига югураркан, - гарчи биз придонскликларга уни таништиришнинг ҳожати бўлмаса ҳам. Ёзувчи! Мана, мен ёзувчи деб айтдим, сизлар кимлигини дарҳол тушундингиз. Чунки Толстой деганнинг ўзи тўртга бўлган эди. Бизнинг Эдуард Буқа эса - биттагина! Биз ўзимизнинг Придонск ёзувчиси билан фахрланамиз. Эдуард Буқа!

Зал қарсақдан ларзага келди. Ёзувчи Буқа нимчали костюмда, ўрнидан туриб, таъзим қилди. Ташқи кўринишдан у буқага жуда ҳам ўхшаб кетарди: девқомат, сочларига оқ оралаган, кўзлари кичик-кичик, қонталаш.

Бошловчи ҳамон саҳнада наридан-бери югурарди:

- Кеча мен китоб дўкончасида кўриб қолдим: уларнинг Агата Кристи си ётибди, унинг устида бўлса бизнинг Эдуард Буқа. Шунда ўйлаб қолдим: кампирнинг роса омади келибди-да!

Томошабинлар ҳазилни тушуниб, маза қилиб кулишди. Ҳатто ёзувчи Буқа ҳам кулиб юборди. Бошловчи югуришдан тўхтади, турган жойида у ёқдан-бу ёққа тебранаркан, ҳайъат аъзоларидан яна биттасини таништирди:

- Мана, мен унга қараяпман... жилмайиб турибди... Нега энди жилмаймас экан? Касби - врач-маммолог... Бу соҳада ҳамма эркалар мутахассис, лекин кунига саккиз соатлаб шу иш билан шуғулланиш, яна бунинг учун пул ҳам тўлашади. Унинг фамилияси шунга яраша - Бахтиёров.

Томошабинлар яна қийқириб қарсак чалишди, уялганидан қип-қизариб кетган мулойимгина кекса доктор таъзим қилди.

Бошловчи ликиллашини бас қилди, қаддини ростлади, юзи жиддийлашди.

- Владимир Иванович Печенкин! «Печенкин» конкурсимизнинг бош ҳомийси! - хитоб қилди у, қўли билан Печенкинни кўрсатиб.

Чапаклар гулдурос қарсакларга айланди, кўпчилик машҳур юртдошларини кўриш учун ўринларидан туришди. Биринчи қаторда ўтирган Владимир Иванович ўрнидан турди, залга қараб бурилди ва ҳаммангизни бағримга босаман, деган маънода қўлларини кенг ёйди. Унинг орқасида, иккинчи қаторда Илья билан Седой ўтирарди. Седой барча қатори қарсак чаларди, Илья бўлса, худди ҳеч нарсга эшитмаётгандай, қандайдир китобни ўқирди.

- Ҳаддан ташқари банд бўлишига қарамай, Владимир Иванович Придонск ҳаётидаги ушбу, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, жуда катта тадбирни пул билан таъминлабгина қолмай, юксак ҳайъатга бошчилик қилишга ҳам жон-жон деб рози бўлди. Энг сўнги дамдагина рози бўлди, ҳали кеча ҳам бунга рози бўладими-йўқми, биз буни билмасдик. Хабарингиз бор, Владимир Иванович Печенкин губернамиз аҳолисига ватанпарварлик даъвати билан мурожаат қилди: «Енглар! Ичинлар! Придонск маҳсулотларини истеъмол қилинлар! Нимаики Придонскники бўлса, эъзозланлар, севинлар!». Бугун

биз баралла айтамыз: Эъозлаймиз, севамыз! Шундай қилиб, конкурсимизни очик деб эълон қиламыз! Яна бир бор эслатаман: видео ва фотосуратта олиш қатъиян ман қилинади. Саҳнага биринчи рақамли қатнашувчи таклиф этилади! Мен демоқчиманки, биринчи рақамли эмас, балки биринчи рақам остидаги! Бошловчи маъноли кўз қисиб қўйди-да, кулги ва олқишлар остида саҳна ортига чошиб кетди.

Кулоқни қоматга келтирувчи Лотин Америкаси мусиқаси янгради ва саҳнага қизча югуриб чиқди. Устидаги кийими фақат калта иштон бўлиб, унинг ён томонига «1» рақамли қоғоз доира илиб қўйилган эди. Қизча шўх рақсга тушиб, томошабинларга ўз шакл-шамойилини намойиш қила бошлади.

Придонскликлар бирдан ҳайиқишгандай жим бўлишди. Печенкин мағрурона кулимсираб, ўтирилди ва ўғлига қаради. Илья ўқиётганди.

- Нима ўқияпмиз? - қизиксинди Владимир Иванович

Илья бошини кўтармай туриб муқовани кўрсатди. Китоб бувасининг сандикчасидан олинганди: «И.Сталин. «Иқтисодий сиёсат асослари».

- А-ҳа,- тушунаман дегандай бош ирғади Печенкин, ручкани олди, олдида турган стол устига энгашди, бир варақ қоғозга нималарнидир чизди, ёзди ва Ильяга узатди.

- Мен бу ҳақда кўп бош қотирдим, - жиддий тусга кириб тушунтира бошлади Печенкин. - Мана, нима ҳосил бўлди... Печенкин теоремаси.

Қоғозда эса қуйидагича ёзилганди:



Илья ҳайрон бўлиб, тушунмагандай қаради отасига.

- Мен қанча бой бўлсам, халққа шунча яхши. Бор иқтисодий сиёсат мана шундан иборат, - дея хулоса қилди ва елкасини қисиб қўйди.

Саҳнада иккинчи рақам соҳибининг чиқиши эълон қилинди. На ўғил, на ота у томонга қараб ҳам қўймади. Илья чўнтагидан ўз ручкасини олди, қоғознинг орқа томонини ўтирди, сўнг уни китобининг муқовасига қўйиб, чизди ва ёзди:



Владимир Иванович кудди:

- Бардош беролмайди! Ўша заҳоти кулаб тушади! Эҳ сен, Пифагор! Бойлар юқорида, улар озчилик, камбағаллар пастда, улар эса...

Қарагин - бу ерда мен ўзим бойман, ҳаммага яхши! Ҳамма хурсанд, ҳамма кулаятми - байрам! Байрам! - такрорлади Печенкин ва ўғлининг сочини тўзитди.

Ильянинг ранги қув оқарди, шоша-пиша қоғозга нимадир чизди, ёзди ва отасига чўзди:



Печенкин ҳайрон бўлиб ўғлига қаради,

- КЯЖ нима ўзи?

- КЯЖ - бу КЯЖ, - баттар ранги ўчиб жавоб берди Илья. Сўнг ўрнидан туриб, чиқиш йўлаги томон юрди. Лекин бир неча одим юргач, орқасига қайтди, отасига Сталин китобини узатди, сал илжайди-да, «Бўш пайтингизда ўқинг, унда сиз ҳақингизда ҳам ёзилган» деди.

Владимир Иванович лол қолганча ўғлининг ортидан қараб қолди.

Седой ўрнидан туриб, Ильянинг изидан тушди.

2

Маданият саройи даҳлизи кенгина ва бўм-бўш эди. Ильянинг орқасидан етиб келган Седой унга насихат қила кетди:

- Сен, бекорга, ўғлим, отанга кўполлик қилаяпсан. Сени шундай атаганимга жаҳлинг чиқмайдими? Менинг набирам ҳозир сендай келади. Мишка... исми унинг. Сенинг отанг зўр! Тузма талант соҳибби... Агар шунақадан юзгаси бўлганда эди, ҳозир бутунлай бошқа мамлакатда яшаётган бўлардик. Мен Россияни назарда тутаяпман, албатта...

Илья буфетга кирди ва мудраб ўтирган сотувчидан иккита гумма сотиб олди.

- Умуман, Галина Васильевна, - деди минғирлаб Седой, - шаҳардан ҳеч нарса олиб емасин деганди.

Илья намоийшкорона гуммадан тишлаб олди-да, ўзининг хос соқчиси кўзларига тикилганча кавшай бошлади.

- Менга ҳам иккита беринг! - буорди сотувчига Седой ва ҳазиллашди:

- Бирга ўла қоламиз.

- Сиз биринчи бўлиб, - аниқлик киритди Илья.

Седой тиқилиб қолди. Илья дарҳол икки шиша пепси-кола сотиб олди-да, битгасини Седойга узатди. Седой жилмайди.

- Кўрик-конкурса келганда эса, сен асло хафа бўлма. Сир бўлса ҳам айтиб қўяй, отангдан бунга Галина Васильевна сўраганди. Ҳалиги... сени яхши ривожлансин, камол топсин деб...

Пепси-коладан бир қулғум ютгач, Седой ичимликнинг ёрлиғига қаради, кулимсиради ва сўзида давом этди.

- Биласанми, Фидель Кастро бунга қандай атаганди? Империализмнинг оқава сувлари.

У кулди, бироқ Илья жиддийлигича қолаверди.

- У бунга кока-кола ҳақида айтганди, - деди норози оҳангда Илья.

Седой шишани столга қўйди, чекди, бироз асабийлашиб, лекин самимий гапирди:

- Сен, ўғлим, совет ҳокимияти даврида яшамаганман, деб ҳисоблайвер. Нимани ҳам тушунардиг - гўдак эдинг... Мен эса яшаганман, мен давлат хавфсизлик кўмитаси вилоят бошқармаси раисининг ўринбосари эдим. Катта бошлиқ, шундай эмасми? Хўш, нима кўрдим? Икки юз сўм маош ва ичбуруғ, ҳафтасига беш кун ичим кетарди. Дам олиш кунлари ҳаммаси жойида бўларди. Доимий руҳий ҳаяжонда юришни тушунасанми? Таътилга чиқсам бинойидек бўламан, ишга чиқдим дегунча яна бошланади.

Илья қоғоз сочикқа лаблари, бармоқларини артди, уни юмалоқлаб столга ташлади, янада самимийроқ бир тарзда деди:

- Сиз Ватанни кўриқлагансиз, жосусларни тутгансиз!

- Кўриқлаганман! Тутганман! - кўкариб қичқирди Седой. - Энди бўлса телевизорда ўша жосусларни кўраман. Жосуслар...

Илья уни эшитмасди. У кенг зинадан жадал тушиб борарди, Седой бўлса унинг ёнида бедана юриш қилиб, майда қадам ташларди, ниманидир тушунтиришга уринарди.

- Мен сизни бўшатаман, - деди Илья.

- Нега энди? - тушунмади Седой ва тўхтаб ўйланиб қолди.

Илья ҳожатхонага йўналди, Седой унинг кетидан югурди.

Ҳожатхона кенга, яқиндагина артиб чиқилган экан.

- Мен сизни бўшатаман, - деди баланд овозда, аниқ қилиб Илья ўтирган жойидан.

Седой асабий кулди-да, ёндаги хонага кирди.

Илья сувни туширди, сувнинг шариллаши остида хонасидан отилиб чиқди-да, деворга суяб қўйилган швабрани олиб, Седой кирган жойнинг эшигига тираб қўйди, ўзи бошқа хонага беркиниб олди.

Седой роҳатланиб ел чиқарди, хона эшигини итарди, очилмади, ҳайрон бўлиб сўради:

- Ўғлим!

Жавоб эшитмагач, эшикни оёғи билан тепди ва саросимага тушиб такрорлади:

- Ўғлим...

Ва ниҳоят тушуниб етди...

- Ўғлим! - бўқирди Седой қизариб, ўзини шиддат билан эшикка урди.

Швабра қарсиллаб синди. Тарақлаб очилган эшикдан Седой отилиб чиқиб, йиқилиб тушди. Қўллари ва тиззалари билан ҳўл тўшамада сирганиб бориб қаршидаги деворга урилди. Сўнг оёққа турди-да, Илья кирган хонага қаради ва кўзи очиқ турган деразага тушди. Гап нимадалигини дарҳол тушунди. Дераза раҳига чиқди-да, ўзини пастга ташлади...

3

Илья маданият саройи олдидаги майдонда тўхтади. У хайр дегандай киноя билан саройнинг даббали олд томонига нигоҳ ташлади. Унга «1-Бутунроссия конкурси: «Россия кўкраги» (Минтақавий босқич)» деган шиор ёзилган катгакон оқ-кўк-қизил алвон илинганди.

- Алвидо... ювуқсиз... Россия кўкраги! - кулиб қичқирди Илья ва ўз шаҳрига қараб чошиб кетди - бир ўзи!

Ўн биринчи боб

ИСМИНГ НИМА, ДЕБ СЎРА

1

Совуқ пўлат доира унинг чаккасига тиралиб, қимирлатмас эди, шунинг учун ҳам Илья қимир этмасди - у скамейкада ўтирар, сал туширилган қўлида ярми ейилган музқаймоқ ушлаб турарди. Чаккасига тиралган совуқ пўлат доира уни шу ҳолатда қўлга туширди... Орқасидан бўғиқ буйруқ берилди: «Овозингни чиқарма ва қимирлама!». Шу боис Илья жим турар ва қимир этмасди. Фақат музқаймоғи эриб оқа бошлаганди...

Воқеа бўм-бўш Воровский боғида юз берди. Бу ерга Илья дам олиш ва ёшлигидан яхши кўрадиган музқаймоқ ейиш учун кирганди. Бунгача у Придонск бўйлаб анча айланди, магазиндан шишали сиёҳ, газета дўконидан «Придонск ҳақиқати» ва «Придонск комсомоли» газеталарини сотиб олди. Лекин газеталарнинг биринчи саҳифаси сарлавҳаларини кўзлан кечирди-да, иккаласини ҳам ахлат қутисига ташлаб юборди. Илья ўзини Нилич қидириб юрганини билгани учун жуда эҳтиёт бўлиб, атрофни диққат билан кузатарди. У музқаймоқ сотиб олгач, сал бепарвороқ бўлиб, дарвозаси қийшайиб турган Воровский боғига кирди ва ифлос скамейкага ўтирди.

Унинг орқасидан писиб келган кимса чаккасига тўшпонча тираб, овоз чиқармасликни ва қимирламасликни буюрди. Ўзи ҳам жим турар ва қимир этмасди, асабини синаб кўриш ёки устидан кулиш, мазах қилиш учунми, ёхуд кимнидир кутиш ё бошқа нарса учунми, тушуниб бўлмасди. Жуда қўрқинчли эди, ҳеч нарсани тушунмасди. Шундан бўлса керак, Илья бирдан нафас ола бошлади. Нафас олиши тезлашиб, юраги гупиллаб ура бошлади. Унинг орқасида чеккасига тўшпонча тираб турган кимса ҳам нафас ола бошлади. Энди иккаласи барабар нафас оларди... Қизиқ, негадир бу ҳолат ҳаммага яхши таниш бўлган, одатда ширин интраш билан тугайдиган ишқий нафас олишни эслатарди. Лекин у ширингина «оҳ» дейиш билан эмас, тўшпончанинг «пақ» этиб отилиши билан ҳам тугаши мумкин эди. Аммо у жиринглаш билан тугади ва ҳар иккаласи кутилмаган бу ҳолдан - нафас олишдан тўхтади. Бу қўл телефонининг товуши эди. У қисқа куйни қайта-қайта такрорлади.

- Бу сендами? - сўради орқадан тўшпонча тираб турган кимса.

Илья саволни тушунмади ва қайта сўрашга юраги бетламай, жим тураверди.

- Бу сендами? - асабий ҳолда сўради яна орқадаги кимса ва қўлидаги тўшпонча билан туртиб қўйди.

Илья баттар саросимага тушди.

- Бу телефон, - деди у шивирлаб, - қўл телефони.

- Шунга айтгайман-да, сендами?

Илья энди тушунди ва шошиб жавоб қилди:

- Менда!

- Сенда бўлса, гапир! - буюрди орқадан тўшпонча тираб турган кимса.

Илья қўлини ёйиб, ниҳоят эриб битган музқаймоқдан халос бўлди, билдирмай кафтини скамейка тахтасига артиб олди ва чўнтагидан телефонни чиқарди.

- Ўғлим, бу сенмисан? - сўради Седой.

- Менман, - деди Илья.

- Менга қара, ўғлим, - Седойнинг овози ғазабнок ва асабий эди. - Сен ўғлим эмас, итвачасан! Бугун қўлимга тушасан, шимингни ечиб, орқангни бир тузламасамми?

Илья телефонни ўчирди-да, чўнтагига солмоқчи эди, орқада турган кимса ундан гўшакни тортиб оларкан:

- Бер буёққа, - деб ўшқирди.

Илья енгил тортиб жилмайди, бу оддий тунаш бўлса керак деб ўйлади.

- Буни қандай қилади? - кутилмаганда сўради нотаниш ва Ильянинг чаккасидан тўшпончани олди. - Қаерга босиш керак, кўрсат...

Илья эҳтиётлик билан бошини бурди, кўзини кўтармай, қўл телефонида қандай фойдаланишни кўрсатди. Тўшпончали кимсанинг қўллари кичкина, қорамағиз, ифлос тирноқлари эса турли рангда - оқ, яшил, сафсар лак билан бўялган эди. У керакли рақамларни териб, гўшакни қулоғига тутди. Шундагина Илья бошини кўтариб унга қаради...

У қиз, аниқроғи, қизча, мактаб ўқувчиси эди. Бошига телпак кийиб олган, шунинг учун қора жингалак сочлари бошини жуда катта кўрсатарди. У метис ёки мулат¹, танасининг ранги сутли қаҳва тусида, кўзлари қоп-қора, бурни япаски, лаблари қалин эди. Елкасига ёрқин мактаб сумкаси осиб олган, кўксига «Исминг нима, деб сўра» сўзлари ёзилган катта думалоқ нишон қадаб олган.

Афтидан, телефон уланмади шекилли, қиз норози тарзда рақамларни қайтадан тера бошлади, лекин ялтироқ калта оғизли тўшпончаси халақит берди. Шунда уни Ильяга узатиб, буюрди:

- Ма, ушлаб тур!

Илья қуролни олиб, ҳайрат билан қизга қаради:

- Але! - дея бақирди қиз гўшакка, одатда телефонда кам гаплашадиган одамлар шундай қилишади, - Але, Баран, сенмисан? Уйдამисан? Ўзим ҳам уйда бўлсанг керак, деб ўйловдим. Танидингни? Бу мен, а-ҳа... Нима қилаяпсан, чой ичаяпсанми? Мен ҳам чой ичаётган бўлсанг керак, деб ўйловдим... Мураббо биланми? Ўзим ҳам мураббо билан чой ичаётган бўлсанг керак, деб ўйловдим... Сенга Воровскийдан қўл телефонида гапираяпман... Нима бало, кармисан? Сенга ҳарфма-ҳарф қайтарайми? Қўл те-ле-фо-ни-дан! Баран, мен сенга анчадан бери айтмоқчи, ҳа, анчадан бери айтмоқчи эдим-у, ҳеч вақтим бўлмайди. Баран, сен эшшак-сан!

Қиз телефон гўшагини Ильяга тутқазди, у эса тўшпончасини қайтариб берди. Қиз тўшпончани қўлида бир айлантириб олди-да, бўшлиқни нишонга олиб «Ба-бах» деди ва ковбойларча унинг оғзига пуфлаб қўйди. Илья тиржайди. Бу қизчага ёқмади. У зарда билан қараб, тўшпончасини ўз кўксига нишонга теккизди. Илья тушунмай унга савол назари билан қаради.

- Қани! - талаб қилди яна нишонини кўрсатиб.

- «Исминг нима, деб сўра», - деб ўқиди Илья унда ёзилган сўзларни.

Қизча чуқур хўрсинди, елкаларини қисди, бирор ҳамдард излагандай агрофга кўз югуртирди.

- Нима бало, аҳмоқмисан? Ёки ойдан тушганмисан? - алам билан сўради қизча. - Сен буни сўрашинг керак, тушунаяпсанми? Нега уни кўксимга тақиб юрибман?

- Исминг нима? - сўради Илья.

- Менингни? - Қиз худди буни кутмагандай деди: - Снежана.

- Снежана? - самимий ҳайрон бўлди Илья.

¹ М е т и с , м у л а т - оқ ва қора танли ота-онадан туғилган аралаш, дурагай насл.

- Снежана, нима қипти? Нега ҳайрон бўляпсан? - деди қиз астойдил хафа бўлиб.

- Камёб исм, - тушунтирди Илья. - Камёб ва чиройли.

- Чиройли, албатта, - рози бўлди қиз. - Мен ўзим ҳам, биринчи бор эшитганимда... Сенинг исминг нима?

- Сергей.

- Серёжами?

- Сергей, - деди қатъий Илья.

- Фамилиянг-чи?

- Нечаев.

Қизча Ильяга бирор жумбоқни ечаётгандай тикилиб қаради.

- Биласанми, фамилиянгни нима учун сўрадим? Эҳтимол, сен унинг қариндоҳисан, деб ўйладим... Сен барибир унга жудаям ўхшаб кетасан. Биласанми, Баран кимга ўхшайди? Леонардога. Сен Леонардони яхши кўрасанми?

Илья қизга диққат билан қаради-да, жиддий оҳангда:

- Мен Рафаэлни кўпроқ яхши кўраман, - деди.

Қиз лабини буриштирди:

- Сен нима, чолмисан? Менинг онам Рафаэлни яхши кўрганми, ёшлик пайтида. Эчкига ўхшаб маърамай ўл... Мен «Титаник»ни тўққиз марта кўрдим. Верка бўлса ўн икки марта... Баран Леонардога ўхшаш эканини биринчи бўлиб Верка тушунди. Сен бўлсанг, биласанми, кимга ўхшайсан? Айтайми?

Илья елкаларини қисди.

- Владга ўхшайсан! - деди қиз. - Леонардогача мен Владни севардим.

- Ким у Влад? - жиддий тусда сўради Илья.

- Нима, ойдан тушганмисан?! - Қувноқ хитоб қилди қиз, - Влад Сташевский.

Қиз бу гапдан роса таъсирланса керак деб кутди. Лекин унақа бўлмади.

- Ростдан билмайсанми? - сўради қиз ҳайратланиб, ишонқирамай.

- Билмайман, - деди бамайлихотир Илья.

- Хонанда! - қутилмаганда қичқириб юборди қиз. - Зўр ашулачи! «Кечалар, оҳ, кечалар» ашуласини эшитмаганмисан?

Илья бошини лиқиллатди.

- Ойдан тушганмисан ўзи? - секин, жиддий сўради қиз.

- Йўқ, фақат мен жуда узоқда яшаганман, - тушунтирди Илья кулиб.

- Ўтириб чиққанмисан?

Илья бош иргади:

- Ўтирганман... Ётганман... Юрганман ҳам...

- Неча йил?

- Олти.

- Нима учун? Ойингнинг гапларига кирмадингми?

- Аксинча, кирганим учун.

Қиз кулиб юборди.

- Ҳозир ёнингда лойдан борми?

Илья ўйланиб қолди.

- Ҳалиги, мулла жиринг... пулдан борми, деяпман, - хитоб қилди қиз.

- Бор, - жавоб берди хотиржам Илья.

- Демак, сен ҳам Баран сингари чапсонлардан экансан-да, - хулоса чиқарди қиз ва томдан тараша тушгандай: - Демак, сен бугун мени пақиллатар экансан-да, - деди.

У Ильяга ғалати қараш қилди, гапим таъсир қилса керак деб ўйлади. Лекин у кутгандек бўлмади.

- Пақиллатасан! - дўқ қилди қиз ва тўшпончасини йигитнинг кўксига ниқтади.

- Нима учун энди мен сени пақиллатишим керак? - сўради у ачиниб.

- Э, ҳеч нарса учунмас! Шундай! Албатта, бирор нарса бўлиши шартми? Нима, шундай ўзинг қилолмайсанми? Яна эркак эмиш! Қанақа эркак ўзи булар, шундай пақиллата олишмаса! - дерди аччиқланиб қизча.

- Бекордан-бекорга бундай қилолмайман. Мен бекорга бировни ҳечам урмаганман. Бирор ёмон иш қилсайкин, урсам. Фақат шундагина уришим мумкин, - ҳаяжонланиб тушунтира кетди Илья.

Қизча унга ишонқирамай қаради, бир қадам ортга тисарилди, яна бир қадам чекинди ва бирдан хохолаб кула бошлади. У қорнини ушлаб, эгилиб куларди. Бу кулишида йиқилиши ҳам ҳеч гап эмасди. Илья ҳеч нарса тушунмай, ҳайрон бўлиб қараб турди, кейин бу ҳайрати газабга айланди.

- Нега кулаяпсан? - деди Илья кескин.

Қиз тўшпончали кўли билан ёш чиқиб кетган кўзларини артди.

- Йўқ, сен ойдан тушмагансан. Сен аҳмоқсан. Пули бор аҳмоқ! Худди менинг бувимга ўхшаб... Пақиллатиш нима эканини у ҳам билмасди. Ушанда мен сўровдим бувимдан: «Був, ҳой був. Ойим мактабга кетганда, уйда бувам билан қолгач, нима қилардинглар?» . Уйлади, ўйлади - эслади шекилли, кўлидаги чўмич билан пақиллатиб тушириб қолса бўладими! Нимани назарда тутганимни фаҳмладилар...

Снежана Ильяга жиддий қараб туриб сўради:

- Фаҳмладингми энди?

Илья бошини эгди.

- Пақиллатасанми?

Илья яна бошини эгди.

Снежана кудди:

- Ҳо-о, дарров-а?! Аввал «Макдональдс»га борайлик, Верка билан Баранга ўхшаб...

- Мен «Макдональдс»ни ёқтирмайман, - унамади Илья, лекин қиз унинг гагини бўлди:

- Лекин мен яхши кўраман! Мен «Макдональдс» дедимми, демак «Макдональдс»!

2

Бу ҳозирча Придонскдаги ягона «Макдональдс» эди. Снежана очқўзлик билан гамбургерларни паққос туширар, устидан қулупнайли коктейлдан ичар, атрофга кўз югуртирар ва тинимсиз гап сотарди:

- Менга яна Вера айтгандики, бу ердаги ҳожатхона жарроҳлик хонасидан тозароқ, яқинда унинг кўричагини олиб ташлашди. Бир бориб кўриш керак, а? Бир йўла ёзилиб ҳам олардик... И-е, ўзинг нимага ҳеч нарса емаяпсан? Пулни тежаяпсанми? Васька Огризковга ўхшаб... У ҳам пулни тежаб юрарди, «Макдональдс»га бориш учун... Кейин эса дарсда ҳушидан кетиб қолди - бабах!

- Қорним тўқ, - деди Илья.

- Уйда овқатланганмисан?

- Ҳа.

- Отанг борми?

- Бор.

- Онанг ҳамми?

- Онам ҳам.

- Улар бирга яшайдими?

- Ҳа.

- Вой, шўрлик, - деди заҳархандалик билан қиз.

- Қорнингни туйгазишибди-да. Ич, ҳеч бўлмаса.

- Мен фақат пепси-кола ичаман, бу ерда эса у йўқ, - тушунтирди Илья.

- Шунинг учун «Макдональдс»ни ёқтирмас экансан-да, - фаҳмлади Снежана.

- Ҳа.

Қиз ҳам жиддийлашди.

- Пепсини яхши кўрасанми?

Илья бошини эгди.

- Мен бўлсам қолани кўпроқ ёқтираман. Гарчи пепсини ҳам яхши кўрсам-да. Фантани ҳам. Лекин спрайтни кўргани кўзим йўқ!

- Мен фақат пепси ичаман, - деди Илья такрор.

Бундай қатъийлик қизда эҳтиром уйғотди.

- Қўлингга нима қилди? - қизиқсинди Снежана.

- Бандит ўқи ялаб ўтди, - деди Илья, қиз ҳазилни тушуниб, кулиб юборди.

Гамбургерлардан фақат қоғозлар қолди, коктейл трубкаси ҳам сўнги хуррагини олди. Қиз чуқур нафас олди, яйраб керилди, атрофга кўз югуртирди:

- Зўр-да, бу ер... Менга қолса-ку шу ерда яшардим: «Макдональдс» менинг жон-дилим.

Илья ижирғанди:

- Нимаси яхши бу ернинг..?

- Тоза, озода. Шинам... Овқатларининг мазалилигини айтмайсанми? Ҳеч ким сўкмайди, урмайди... Ҳатто кўчага ҳам чиққинг келмайди бу ердан. Башараларини кўришга тоқатим йўқ! Мен минг доллар ишламоқчи бўлдим. «Россия кўкраги» конкурсини эшитдингми?

Илья «ҳа» ишорасини қилди.

- Хайрият, эшитган экансан. Ҳалиги, шуни айтаман-да... Конкурса борсам, нима дейишди, биласанми? Улар менга: «Бу яхшимас, ватанпарварлик бунақа бўлмайди. Печенкинга бу ёқмаслиги мумкин. Печенкин буни тушунмайди!» дейишди.

- Ким у - Печенкин? - сўзини бўлди Илья.

- Биздаги энг катта бой. Бувим уни халқ қонини сўрувчи, дейди. Бувим заводда қоровул бўлиб ишларди. Печенкин заводни сотиб олиб, ҳамма қарияларни ҳайдаб юборди. Менга қолса-ку, уни ўз қўлларим билан бўғиб ташлардим. Унга нима ёқишини мен жуда яхши биламан. У бизнинг муаллимани уч йилдан бери пақиллатиб юрибди, у бечора бўлса ҳамон битта калта кўйлақда... Чеккани ҳам «Пегас». Ку-румсоқ! Барча бойлар қурумсоқ, хасис, тўғрими? Сенга менинг тўшпончам ёқдими? Буни менга битта чилангар - олгинчи тоифали уста газ ёққичдан ясаб берди, икки шиша араққа. Бўлмаса юриб бўлмай қолди. Утган ҳам ёпишади, кетган ҳам. Уйга борсам, бувим: «Қаердан бир тўшпонча топсам экан?» дейди. «Нима қиласиз, тўшпончани?» дедим. «Ўзимни отмоқчиман», дейди... Улар қариялар кенашида ҳаммаси ўзларини отишга қарор қилишибди...

- Нима учун?

- Нима учун деганинг нимаси? Улар мана шу юртни ҳимоя қилишган. Энди ундан нима яхшилик кўришяпти? Бувим нафақахўр... Чойчақа олади. Уни ҳам вақтида беришмайди. Ана шунақа. «Буви, дейман, сизга қанақа тўшпонча керак?». У бўлса: «ТТ рўйхатга олингани». «ТТ топишим мумкин, дейман, фақат рўйхатга олинмаган». «Йўқ, дейди кампир, фақат рўйхатга олингани керак». Мен: «рўйхатга олинмаган». Кампир: «Олинган». Мен: «олинмаган». Кампир қурмагур финжон билан бошимга тушириб қолди-ку: ба-бах! Бошимда гурра ҳалиям бор, ишонмасанг ушлаб кўр. - Қиз бошини энгаштириб, бўйнини чўзди. Илья бошига қўл теккизиб ўтирмади, сўради:

- Сен «Пўлат қандай тобланди»ни ўқиганмисан?

- Мен китоб ўқимайман, - деди қиз бепарво.

- Китоб ўқимаганинг яхши, лекин буни ўқийсан.

Снежана кулиб юборди:

- Жумбоқни еч-чи! Уч ҳарфли сўз, унда учта хатога йўл кўйиш мумкин, лекин маъно ўзгармай қолаверди!

Илья ўйга толди.

- Шаҳар берасанми? Рози бўлақол. Барибир тополмайсан! «Ишо» - деди қиз.

Илья тушунмади, боши қотди.

- Нима, ойда ҳамма шунақами? Шуниям тополмайсанми? - деди Снежана аччиги чиқиб.

- «Ешсё» - деди Илья.

Снежана маъқуллагандай тиржайди.

- Битта коктейль ва битта биг-мак! Йўқ, яхшиси, иккита коктейль ва иккита биг-мак!..

Илья ўрнидан туриб, емакхона томон йўналди. Шиша тўсиқ бўйлаб бораркан, пастда, хиёбонда юрган Седойни кўриб қолди. Кекса чекист сал оқсоқланиб боғ айланар ва атрофга аланларди. Илья чўнтагидан телефонни олиб, рақамларни терди. Седой шошиб кўлидаги телефонни қулоғига тутди:

- Ўғлим! - севинди Седой ва шикоят қила бошлади: - Бу нима қилганинг, болам?

Илья жилмайди:

- Яхши. Ҳозирча сизни бўшатмайман. Лекин менга ишлашингизни таклиф қиламан. Кейин бафуржа гаплашамиз. Ҳозир эса скамейкага ўтириб, кутиб туринг. Мен келганимдан кейин уйга бирга борамиз. Акс ҳолда, мен ёлғиз қайтиб бориб, ойимга мени йўқотиб қўйганингизни айтман, мени чеченлар ўғирлаб кетишига сал қолди, дейман.

Седой турган жойида айланди, бошини сарак-сарак қилди. Илья қаерда деб атрофга кўз югуртирди, ҳатто бошини кўтариб осмонга ҳам қараб қўйди.

- Ўтиринг, - буюрди қатъий оҳангда йигитча. Кекса чекист итоаткорона ёнидаги скамейкага чўқди.

Илья олиб келган патнисда иккитадан эмас, учтадан коктейль ва биг-мак бор эди. Қизча бахтиёр ва миннатдорона Ильяга қараб қўйди:

- Сен Баран каби эмассан. Сен Барандан ҳам зўрсан!

- Биласанми, сен кимга ўхшайсан? - сўради Илья.

- Биладан, - деди қиз, америкача бутербродни ғарчиллатиб тишларкан. - Маймунга. Буни менга кунига юз марталаб айтишади...

- Сен Анжела Дэвисга ўхшайсан, - деди қатъий Илья.

- Кимга дединг?

- Анжела Дэвисга.

- Ким у? Қўшиқчими?

- Америка коммунисти.

Қиз тиржайди:

- Буни бувимга айтишим керак. Роса хурсанд бўлади-да. Энди бизлар қаёққа борамиз: сеникигами, меникигами?

- Сеникига.

- Сеникига мумкин эмасми? Ота-онанг уйдами?

- Ойим.

- Демак, меникига. Фақат калитни бувимдан олиш керак, чунки улар менга ишонмайдилар. Калитни ёнларида олиб юрадилар.

3

Снежана яшайдиган уйга етиб боришгач, Илья эшикни тортиб кўрди ва савол назари билан ҳамроҳига қаради. Қиз кўлини силгади:

- Улар шу ерда, мен биладан! Фақат очишмайди, тақиллат, тақиллатма, барибир. Сир бой бергилари йўқ...

Илья тепароқдаги дераза ёнига тирмашди, ичкарига мўралади. Ичкарида, узун стол атрофида сочлари оқарган, кўксига орден ва медаллар тақиб олган фахрийлар ўтирарди.

- Кимнидир кўраяпсанми? - сабри чидамай сўради қиз.

Илья жавоб бермади.

- Ким бор у ерда?

- Битта чол, - деди Илья ичкаридан кўз узмай.

- Бу Коромислов! - деди қиз. - Уларнинг раиси. Ўзини отишни ўйлаб чиқарган ўша. Итдай қопогон.

Чол дароз, қоқшоқ, сочи оқарган, мўйловли киши эди. Столнинг тепа қисмида ўтирган бу чол зўр бериб ниманидир уқтирар, мушт бўлиб тугилган кўлини кўтариб, туширарди.

Уни тинглаб ўтирганлар, шубҳасиз, унинг гапларини маъқуллашар, қарсақ чалишга шай ҳолда, кафтларини бир-бирига ишқалаб ўгиришарди. Чанг бостан икки қават қалин шиша овозни ўтказмасди. Ичкари суви йўқ аквариумни эслатарди. Афтидан, қандайдир байрамни нишонлашга тўпланганга ўхшашарди.

- Кампирни кўраяпсанми? - бақирди қиз пастдан.

- Кўриниши қанақа?

- Кампирми? Кампирдақа кампир-да...

Илья дераза раҳидан пастга сакради.

- Қани, энгаши-чи! - талаб қилди қиз ва Ильянинг елкасига оёқ қўйиб, тепага кўтарилди. Илья уни орқасидан ушлаб турар, тепага қарамасликка ҳаракат қиларди.

- Був! - қичқирди қиз ойнани уриб. - Калитни беринг, був! Бугун эртароқ жавоб беришди. Мен бир ўзимман, рост! Эртага синов дарсимиз бор, тайёриланишимиз керак!

Иргитилган калитлар дарчадан ўтиб асфальтга тушди. Қиз тепадан пастга сакради, ердан калитларни олди, осмонга иргитиб, яна илиб олди ва ишбилармон одамлардай, мағрур бир оҳангда таклиф этди:

- Қани, кетдик! Цигель-цигель о-ля-ля!

4

Қиз билан бувиси барак типидagi эски икки қаватли уйнинг иккинчи қаватида яшашарди. Уйлари бир хонали бўлса ҳам ўртасидан чизиқ ўтказилгани учун икки хоналига ўхшарди. Хонанинг чап томони, чизиқдан нарёғи бувига тегишли эди: у ерда баланд темир каравот, комод, шифоньер, оёқли радиола ва сариқ фанер ғилофли тикув машинаси бор эди. Каравот тепасидаги деворда рамкали ва рамкасиз эски уруш фотосуратлари, ҳарбий саркардаларининг журналлардан қирқиб олинган фотопортретлари осиб турарди. Уларнинг ўртасида маршал Жуковнинг санамлардай безатилган сурати бор эди.

Жуковнинг рўпарасида - уйнинг набирага - қизга тегишли қисмида эса Леонардо ди Каприонинг ялтироқ плакати осиб қўйилганди. Унинг теварагига журналлардан қирқиб олинган артистлар, хонандалар, рок-муסיқчиларнинг фотосуратлари ёпиштириб ташланганди. Хонанинг бувига тегишли томонида саранжом-сарипталлик ва зимистон осойишталик ҳукмрон. Набира томонида эса ранг-баранглик ва ифлослик. Туширилган қизил диван-каравот устида гижимланган адёл ва чойшаблар қалашиб ётар, турли журналлар, резина сақичлар ўрамалари, магнитофон ва кассеталар, арзон атир-упалар, иккита талинка ёйиб ташланганди.

- Кампиршо томонига ўтма, - огоҳлантирди қиз йўл халтасидан ниманидир қидираркан.

- Нимага?

- Бувим ўлдиради. Ма...

У кафтида ниманидир узатаркан, тескари ўтирилди. Илья уни кўриб, уялиб кетди.

Қиз кулиб юборди.

- Ҳавфсиз секс! Фойдаланишни биласанми ёки ўргатайми? Олавер, кўркма!

Илья баттар уялди ва кўзларини яширди. Қиз ўтириб олиб, пастдан унинг кўзларига қаради.

- И-е, нима бало, ҳали боламисан? Ростини айт! Ҳали боламисан?

Илья бошини тебратди:

- Менинг қизим бор эди.

- Исми нима эди?

- Оксана.

Қиз киноя билан кулди.

- Эртасига у ҳалок бўлди, - деди Илья.

- Бунга анча бўлдими? - сўради қиз шивирлаб.

- Ўтган йили.

- Сен уни унута олмаяпсанми?

- Мен уни ҳеч қачон унутмайман. Унинг отаси - ишсиз кончи. Онаси касал. Яна учта кичкина болалари бор. Ҳаммасини Оксана боқарди...

- Унутмоқчи эмасмисан? Унда нега менга эргашиб келдинг? Нега пақиллатаман, деб ваъда бердинг? Баран уйида мураббо билан чой ичаяпти. Сен эса уни унутгинг келмаяпти. Мен Веркага нима дейман? Бугун ўзимга энг сўнги муддат белгилагандим. Синфдаги қизлар устимдан роса кулишадиган бўлди-да.

- Ахир, муҳими бу эмас-ку, - уни тинчлантиришга уринди Илья. Лекин қиз бунга жавобан унинг башарасига қўлидаги нарсани отди. Аммо теккиза олмади. Презерватив чизиқдан нарига бориб тушди.

- Муҳими бу эмасми? Нима муҳим бўлмаса? - деб сўради ғазаб билан қиз.

- У билан орамизда сен айтган нарса бўлгани йўқ. Биз гаплашиб ўтирдик. У менга ўзи ҳақида гапириб берди...

- Бўлгани йўқми? - хурсанд бўлди қиз. - Унда сен нега кўрқаяпсан? Балки, сен ҳалиги... эркакмасдирсан? Ҳа, тушундим, сен бесоқолсан!

- Йўқ, мен унақа эмасман. Умуман, бу муҳим эмас, - ҳамон тушунтиришга уринарди Илья.

- Мен биламан, нима муҳимлигини! - Қиз сумкасидан тўшпончасини олди, уни икки қўллаб маҳкам ушлади-да, Ильянинг кўкрагини мўлжаллади.

- Жим бўл ва қимирлама! - буйруқ берди қиз.

Илья ишшайди:

- Унда патронлар йўқ.

- Бор, - бақирди қиз. - Бир эмас, учта! Бозордан ўзим сотиб олганман!

Илья қўлини чўзиб, кафтини ёзди. Унда учта патрон бор эди.

Қиз ҳайрон бўлиб, бир Ильяга, бир унинг қўлидаги патронларга, бир ўз қўлидаги тўшпончага қаради.

- Ҳа-а, - ниҳоят тушунди қиз, - олиб қўйиб-сан-да... Мен Баран билан телефонда гаплашаётганимда олиб қўйибсан. Вой, ярамас-эй...

Қиз нима дейишини билмай унга қараб тўшпончани отди, лекин яна теккизолмади.

Илья тўшпончани ердан олиб, кўздан кечирди, сўнг ўқларини жойлай бошлади.

- Ҳаётда энг муҳими - кураш. Галабагача курашиш, - деди у ва жилмайди. - Мен сени пақиллатаман, албатта пақиллатаман. Лекин биз галаба қозонганимиздан кейин.

- Биз деганинг - кимлар? - ишонқирамай сўради қиз.

- Биз.

- Лекин кимни? Кимни биз енгшимиз лозим?

- Сенинг бувинг ўзини отмоқчи, чунки ундан ҳаёт маъносини тортиб олишди. Синфдошинг очлиги туфайли ҳушидан кетяпти. Ўзинг эса «Макдональдс»да яшашни орзу қилаяпсан. Бунинг учун кимлар айбдор, биз ана шулар устидан галаба қиламиз.

- Мен тушунмаяпман - кимни? Кимни биз енгшимиз лозим? Масалан! - сабри чидамай, асабий бақирди қиз.

- Масалан, Печенкинни.

- Печенкинни? Майли, мен розиман. Лекин қандай қилиб?

- Мен биламан қандай қилиб енгилни: Сен Тристан ва Изолда ҳақида эшитганмисан?

Қиз қошларини чимириб, эшлашга уринди.

- Иккови баравар заҳар ичганларми? Киносини кўрганман.

- Йўқ. Улар кўзларини боғлашиб, қип-яланғоч бўлишади-да, ёнма-ён ётишади.

Лекин бир-бирига тегилмайди.

- Нега бир-бирига тегилмайди?

- Тезроқ галаба қилиш учун.

Қиз тушунди ва маъқуллади:

- Зўр. Фақат мен рўмол ёпиб юрмайман-да. Бувимники бўладими?

- Бўлади.

Қиз хонанинг иккинчи ярмига ўтди. Комод тортмасини очди-да, ундан иккита рўмол олди.

Қип-яланғоч, кўзлари боғланган ҳолда, бўялган тахта полга ёнма-ён чўзилишди.

Худди Тристаннинг қиличи мисол ўртага қўйилган тўшпонча уларни бир-биридан ажратиб турарди.

- Исминг нима? - қатъий талаб қилиб сўради Илья ва қиз дарҳол жавоб қайтарди:

- Анжела Дэвис.

*Ўн иккинчи боб***БУ КИМГА КЕРАК?****1**

Прибиловский шошилиб Печенкин қабулига кирди, кўк халатдаги кекса фаррошга урилиб кетишига сал қолди. Унинг кўриниши ҳорғин, нигоҳи ташвишли кўринарди. Елкасига йўл сумка осиб олганди. Уни елкасидан олиб диванга ташлади ва котиб-референт чуқур «уҳ» тортиб, сумкасининг ёнига чўқди.

Ўз иш столида ўтирган котиба Марина - топ-моделга ўхшаш чиройли қиз - унинг келганига парво ҳам қилмади. Кўлидаги каттакон конвертни айлангириб турарди.

Фаррош ахлат кугисидagi нарсаларни қоғоз қошига ағдарди, у нимадир деб минғирлардимми ё хиргойи қилардимми - тушуниб бўлмасди.

Марина кўлида ўйнаб ўтирган конвертни бир неча дақиқа кузатган Прибиловский лоқайд қизиқсинди:

- Ўша менга эмасми, мабодо?

- Швейцарчасига «салом» қандай бўлади, - сўради Марина, кўлидаги конвертни айлангиришда давом этиб.

- Швейцарияликларнинг ўз тили йўқ, - тушунтирди Прибиловский.

- Вой бечоралар, улар тилсиз нима қилишади? - швейцарияликларга ачинди Марина.

Прибиловский илтифот билан табассум қилди-да, саволини яна такрорлади:

- Бу менга эмасми, деяпман?

- Сизга, - расмий оҳангда жавоб берди Марина ва конвертни стол четига қўйди. Уни олиш учун котиб-референт пастқам дивандан турди, икки катта одим ташлади.

- Очмадингми? - сўради у.

- Лекин яхшилаб елимладим, - деди Марина.

Прибиловский яна диванга ўтирди, конвертни йиртди. «Экспресс» журналининг янги сонини ярмигача чиқарди, муқовасига кўз югуртирди ва жойига қўйди.

- Франциядан саломми? - сўради Марина, ниманидир ёзаркан.

- Буни мен Цюрихдалигимда ўқиган эдим, - лоқайдгина жавоб берди Прибиловский.

- Владимир Иванович, Прибиловский келди, - деди Марина ички алоқа аппаратида.

- Кирсин бу ёққа! - буюрди Печенкин.

Прибиловский ўрнида аранг кўтарилди.

- Огоҳлангириб қўйсанг бўларди-ку, - танбеҳ берди у. Марина эса парво ҳам қилмади.

Котиб-референтнинг қарашларида саросималик пайдо бўлди, бунинг боиси бояж журнал жойланган конверт эди. Уни ўзи билан олиб киришни ҳам, қабулхонада қолдиришни ҳам билолмай ҳайрон эди.

Фаррош аёл қоғоз қошни судраб чиқиб кетаётган эди.

- Тўхтанг, - деди унга Прибиловский, югуриб бориб, журналли конвертни ахлатга ташлаб юборди.

Котиб-референтнинг яна кўзларида ишчанлик ва ижрочиликка хос совуқ қатъият пайдо бўлди. У ўз бошлиғи билан муомалага киришганда ҳаминша шундай бўларди.

- Менинг фамилиям «прибыл» феълидан эмас, балки «прибыль» отидан

ясалган, - киноя билан эслатди у котобага ва бошлиқ хонасининг чиройли қилиб:

ПЕЧЕНКИН
ВЛАДИМИР ИВАНОВИЧ

деб ёзиб, кумуш бурама миҳлар билан маҳкамланган зарҳал лавҳали оғир эшигини очиб, ичкари кирди.

2

Қимматбаҳо мебеллар билан жиҳозланган, лекин барибир дидсизлик уфуриб турган улкан хонада, каттакон узун стол теграсида «Печенкин» компанияси директорлар кенгаши мажлис қилаётган эди. Столнинг энг тўрида, чуқур ором курсида Владимир Иванович ўтирарди.

Кенгаш аъзолари - тахминан ўнтача киши - ҳаммаси эркаклар эди. Уларнинг бари гавдали, бақувват, ўртаёш, бир хил икки ёғи тугмали қора костюмда, бир хил ялтироқ бўйинбоғли, бир хил ишчан юз ифодали одамлар эдилар. Фақат иккитаси ажралиб турарди: биринчиси - девдай чечен, маъруза қиларди, иккинчиси пучуқ бурун, мовий кўзли рус, бошида яҳудий қалпоқ. Биринчини Лема дейишарди, иккинчининг фамилияси Уралов эди. Чечен тоза гапирар, фақат вақт-вақти билан баъзи ибораларни такрорлаб турарди:

- Хорга келсак... Хорга келсак... оқгвардиячиларнинг ворислари, принцип жиҳатдан қарши эмаслар, лекин казаклар авлодларидан кейин туришни хоҳлашмаяпти. Казаклар ҳам қарши эмаслар, лекин фақат оқгвардиячилар авлодларидан олдин туришларини талаб қилишяпти. Губернатор казакларга қарши эмас, ҳатто оқгвардиячиларга ҳам қарши эмас. Аммо... «Тангри, шоҳни асрагил»... «Тангри, шоҳни асрагил»га қатъиян қарши.

- А, ундан ким сўраб ўтирибди? - деди киноя билан Печенкин ва ором курси орқасида қотиб турган Прибиловскийга қаради.

Чечен жилмайди ва изоҳлади:

- Мен ундан сўраганим йўқ, унинг ўзи телефон қилди. Нима, сизлар монархияни ёқлашсизларми, дейди. Мен айтдим, конституцион монархияни деб... У яна қизилармиячилар будённийча қалпоқларда чиқишларини таклиф қилашпти.

Директор кенгаши аъзолари тиржайишди, Печенкин бўлса, негадир қовоғини уйди.

- Черков нима деяпти? - сўради у.

- Черков ҳеч нима демаяпти... Ҳеч нима демаяпти. Лекин у ерда бир киши: «Бу кимга керак ўзи?» деди.

Владимир Иванович чуқур хўрсинди ва елкаларини қисди.

- Кимга керак... - такрорлади у тиржайиб, кейин ўзи билан ўзи гаплашаётгандай секин давом этди:

- Кеча менинг «Мерседес»имнинг рамзини узиб олишибди... Ҳалиги, машинанинг олдида бўлади-ку, думалоқ, ялтироқ...

Директорлар кенгашининг аъзолари бош ирғашди, гап нима ҳақдалигини тушунишиб.

- Рамзий рулёкни узиб олишибди-я... - давом этди Печенкин шикоятмуз ва аламзада. - Биз Нилич билан қараб туриб, «Бу кимга керак экан?» ўйга толдик. Ростдан ҳам - кимга керак? Авваллари, эсингизда бўлса, кимнинг уйда машина бўлса, бир-биридан ўғирлашарди. У вақтлар топилмасди, камёб эди. Шунинг учун ҳам ўғирлашарди. Бу эса... Ахир бу кимга керак? Мен сира тушунмайман, ақлим бовар қилмайди... Кимдир «Мерседес» сотиб олса-ю, унинг рулёгига пули етмаса... бунинг учун бировнинг машинасиникини узиб олишса. Ҳеч тушунолмаيمان. Нима қилишади, ахир?! «Коллекция қилишади» дейди Нилич. Қанақасига коллекция қилишади, ахир, ҳаммаси бир хил-ку?

Печенкин аввалига ҳазил қилаётганга ўхшади. Кейин эса, жиддий гапира бошлади.

- Бунақа «Мерседес»да юролмаيمان, ахир, юролмаيمان! - Владимир

Иванович қўлларини силтаб гапирди. Унинг жаҳли чиққани шундоққина кўриниб турарди. «Бу кимга керак?» дея тутатди сўзини ҳаяжон билан ва оддий қилиб кўшиб қўйди: - Бугун янги «олтиюзинчи»ни ҳайдаб келишди.

Директорлар кенгаши аъзоларининг вазиятдан шу тарзда чиқиб кетишни маъқуллаганликлари кўриниб турарди.

- Давом эт, Лема, - буюрди маърузачига Печенкин. Кейин бошини кўтариб Прибиловскийга мурожаат қилди: - Қани гапир-чи, у ерда нималарни аниқлади? - Прибиловский энгашиб бошлигининг қулоғига пичирлай бошлади.

- Ҳаммаси ўтган йили бошланган экан. Уларнинг пансионига кечалари яширинча қандайдир Оксана Тупицина деган бир фоҳиша келиб тураркан. Ёш эрақлар унинг секс-хизматидан фойдаланиб туришаркан.

- Илья-чи? - қизиқиб сўради Владимир Иванович. - Чунки Галина бу борда жуда ташвишда.

Прибиловский уялиб жилмайди ва елкаларини қисиб қўйди.

- Тушунарли, - бош ирғади Печенкин. - Давом эт.

- Кимдир чаққан шекилли, уни полиция ушлаб кетибди. Бунинг учун Илья араб болани, шайх Маффуди ўғлини роса калтаклабди.

- Қойил, Илья! - маъқуллади ўғлининг ишини Печенкин. - Мен ҳам чақимчиларни ўлғудай ёмон кўраман.

- Маълум бўлишича, уни араб сотмаган экан...

- Янглишибди-да, шунақасиям бўлади, - деди Печенкин.

- Қиз полиция маҳкамасида ўзини осиб қўйибди, ўзининг пайпоғи билан...

- Осиб қўйибди? А-ҳа, кейин-чи, нима бўпти?

- Орадан бироз вақт ўтгач, - давом этди котиб-референт, - у ерда «Мен нечун севаман она юртимни?» деган мавзуда баҳс ўтказилибди. Илья бўлса, ўз ватанини кўргани кўзи йўқлигини айтибди.

- Россияними? - ҳайратланди Печенкин.

- Ҳа, Россияни. «Қайтиб бориш ўлимдан ҳам даҳшатлироқ бўлган мамлакатни қандай севиш мумкин», - деди у. Ана шунақа!

Владимир Иванович ишшайди.

- Нега бу ҳақда бизга ҳеч қандай хабар беришмабди?

- Афтидан, жанжални уйдан ташқарига чиқаришни исташмаган... - тахминини баён қилди Прибиловский.

- Биламан гап нимадалигини... Менинг пулим учун шундай қилишган. Яна нима бўлиши мумкин.

- Иқтисодиёт бўйича Ильянинг битириш реферати «Россияда янги капитализмнинг тараққиёти» деб аталарди.

- Ҳа, номи жуда қизиқарли, - маъқуллади Печенкин.

- Ўзиям жуда қизиқ эпиграф танлабди:

«Ўзгалар ҳисобига ҳалдан ташқари бойиб кетаётганларнинг шўри курсин, чунки бу узоққа чўзилмайди!».

- Бу кимнинг гапи?

- Бу «Библия»дан олинган.

- У ерда шундай ёзилганми?

- Балки. Умуман Илья динга жуда берилганди, черковга қатнарди. Католик динини қабул қилмоқчи эди. Аммо Аушвайцга саёҳат қилганидан сўнг унинг худо изловчилик майли сўнди.

- Аушвайц?

- Освенцим, - таржима қилди Прибиловский.

- Хўш, нима бўпти? - тушунмай сўради Владимир Иванович. - Освенцимни биламан, хўш, нима бўлибди?

Прибиловский елкасини қисди.

Печенкин жим қолди. Ўйлаб ўйига етолмасди.

- Тағин нима?

- Тағин реферат тўғрисида... - давом этди Прибиловский. - Илья шундай хулоса чиқаради: янги рус хусусий мулк эгалари, унинг айтишича, халқни

талаб тўплаган бойликларини, унинг айтишича, халққа қайтариб беришлари керак эмиш.

- Буни мен хоҳламасам-чи? - сўради Печенкин. Прибиловский ерга қаради.

- Унда халқ куч ишлатади. У ерда шундай ёзилган.

- Мен ундан ҳеч нарсани аямадим, сариқ касалини даволадик, хитой бўлиб чиқди-я. Хўш, у реферати учун нима олди?

- Олти балл олди. Бу уларда энг юқори баҳо. Гап шундаки, унга иқтисод ўқитувчиси Жереми Маркс...

- Нима дединг? - котибнинг сўзини бўлди Печенкин.

- Маркс.

- Маркс! - баланд овоз билан такрорлади Печенкин. Натижада маърузачи гапидан тўхтади, директорлар кенгашининг барча аъзолари бошлиқ томон ўтирилишди.

Печенкин ўрнидан турди:

- Мен бу фамилияни қаердадир эшитган эдим. Хўш, Энгельс йўқми уларда? Демак, мен уларга каттагина пул тўладим, улар эса ўелимни менинг бўйнимни синдиришга ўқитишибди-да? Маркс...

- Уни аллақачон бўшатиб юборишди, - деди Прибиловский.

- Бўшатилди! А-ҳа! Бўшатилди... Эҳ, бунақа ишлари учун у аблаҳни дабдала қилиш керак. Маркс, ҳм... - газабланган Печенкин ўрнидан туриб юра бошлади.

- Ҳозир Фарбда сўл гоюлар яна модага кираяпти, - тушунтиришга уринди Прибиловский.

- Фарбда модада, бизда эса тумшукқа туширяпти! - бақирди Печенкин. - Шундай тумшугимизга туширишяпти!

У пилдираб стол атрофида айлана бошлади. Ураловнинг ёнидан ўтаётиб Печенкин тўхтади. Унинг бошидаги қалпоқчага қараб сўради:

- Менга қара, Уралов, бошингдаги қанақа дўппи?

- Бу дўппи эмас, кипа! Отам яқинда Исроилдан келди. Кипа яҳудийларнинг миллий қалпоқчаси. Бошимга қўндириб, ечмаслигимни тайинлади.

Печенкин Ураловга узоқ вақт қараб турди. Кейин ўзига келди, жилмайди, ўз ором курсисига ўтираркан, маъқулади:

- Қойил, Уралов! Отанинг айтганини қилиш керак.

Директорлар кенгашининг мажлиси давом этди.

Ун учинчи боб

МЕН СЕНГА ЎРГАТИБ ҚЎЯМАН

1

Манзара ўта кулгили ва қўрқинчли эди. Йўлак бўйлаб юраётганлар тўхташар, катта йўл ўртасидан физилаб ўтаётган машиналар тўхташга мажбур бўларди. Чунки Илья Придонскнинг марказий Ленин кўчасидан бамайлихотир юриб борарди. Қўлида музқаймоқ, болаларча бегамик билан бир ялаб, бир атрофга қарайди. Айни шу пайтда уни қўриқлаб кетишяпти. Олдинда қора кўзойнак таққан малла соқчи, орқада яна бир барзанги. Ундан кейин бир гилдираги машина йўлида, иккинчи гилдираги йўлақда «Субурбан» аста ўрмалаяпти. Унинг қоронгиллашгирилган ойналаридан Седой аранг кўзга ташланади.

Музқаймоқ эриб, пастга оқа бошлади. Илья уни маза қилиб ялашда давом этарди. Ниҳоят, у музқаймоқни тутатди, лабларини дастрўмоли билан артди. Думалоқланган рўмолчани қаёққа отсам экан деб ўйлаб тургани «Субурбан»дан чиққан Седой унинг олдига югуриб борди. Ильядан расмий ва заҳархандалик билан сўради:

- Хўш, сайр қилиб бўлдингизми, Илья Владимирович? Энди уйгами? Онангиз ҳузурига?

Илья сурташвиш нигоҳини бош соқчига қаратди, ён томонга эгилиб, кутилмаган саволни берди:

- Энди сизга қанақа лақаб берамиз?
- Қанақа лақаб? - жаҳди чиқди Седойнинг. - Қани, машинага ўтиринг.
- Нима, сизни ёллаганим эсингиздан чиқдимми? - кулиб эслатди Илья.
- Сен мени ёллаганинг йўқ, - гижинди Седой.
- Ойим мени йўқотиб қўйганингизни билса борми...
- Ойингиздан ташқари отангиз ҳам бор, - унинг сўзини бўлди Седой ва буюрди. - Машинага, Иванич соат учгача рухсат берган.
- «Седойми!» Сизга қанақа?
- Ўтир машинага деяпман, - талаб қилди Седой.
- Парол-чи?
- Ўзинг ўтирмасанг, зўрлаб ўтқазамиз!
- Шундай бир парол бор, агар уни айтсам дарҳол қўйиб юборасиз, - деди кутилмаганда Илья.
- Унақа парол йўқ, Ўтир машинага!
- Бор. Музқаймоққа гаров боғлаймизми? - Илья уни мазах қилаётганди.
- Машинага, - бўкирди Седой ва Ильянинг билагидан ушлаб машинага тортган эди, йигит бирдан баланд овозда:
- Ангелина Георгиевна Всеславинская, - деди.
- Седой унинг тирсагини қўйиб юборди ва қотиб қолди.
- Илья унга ачинош ва киноа билан қараб турарди:
- Йўқ, мен сизни ёлламайман, яхшиси, бўшатаман.
- Седой кулоқ ҳам солмади, орқага бурилиб, машинага бориб ўтирди. Соқчилар нима қилишни билмай қолишди. Илья елкасини тўғрилаб, шошмасдан, астагина йўлнинг ўтиш жойига йўналди. Седой ойна орқали унинг изидан қараб қоларкан телефон гўшагига гапирди:
- Иванич, у қаердандир Геля ҳақида билиб қолибди. Ҳаммасини билади: исмини, отасининг исмини, фамилиясини.
- Печенкин узоқ жим қолди.
- У кетаяпти, Иванич! - эслатди Седой.
- Владимир Иванович асабий кулди:
- Масални биласанми: хотин ҳаммадан кейин билади...
- Ўзиям шундай бўлди, фақат эшитмаган Галина қолди! Нима қилайлик, Иванич? У кетаяпти!
- Билганини қилмайдимми? Майли, кетаверсин, - деди Печенкин.

2

Илья вокзал яқинидаги бозорни оралаб, қувноқ кетиб борарди. У чувиллашиб эътироз билдираётган кампирлар шовқинига эътибор бермас, йўл-йўлакай писгадан олиб, чақиб, пўстини туфлаб ташларди. У бир йигит корейсча савзи сотаётган пештахта олдида тўхтади. Тўладан келган, қисик кўз, ўта кулгили сотувчи йигит жойида турмас, тинимсиз ҳаракат қиларди: қўллари, оёқлари, бадани, боши ўйнар, лабидан каратэчиларнинг ашаддий ҳайқириклари учарди:

- Бум! Жи! Кия!

Улар бир-бирларига худди юз йилдан бери танишдай, лекин шу юз йил давомида кўришмаган ва энди кўришиб турган одамлардек қараб туришарди.

- Сен Ким, - деди Илья.

Корейс қошларини чимирди, қатъий қилиб:

- Мен - Брюс! - деди.

- Йўқ, сен Кимсан! - туриб олди Илья.

- Йўқ, мен Брюсман! Бум! Жи!

- Қанақасига Брюс бўласан, сен Кимсан? - Илья оққўнгилик билан жилмайди, лекин корейс бунга истеҳзо деб тушунди. У пештахта ортидан сакраб чиқди-да, жанговар ҳолатда турди. Лекин Илья бинг билан ўраб ташланган қўлини кўрсатди. Корейс йигит «нима бўлди» деб сўрагандай бошини ирғади.

- Бандит ўқи, - тушунтирди Илья.

Корейс йигит «тушундим» дегандай яна бош ирғади ва атрофни кузата бошлади. У ўзининг Брюс эканини исботлаш учун муносиб рақиб излаётганди.

Чой ичаётган кавказликлар, арақ қултиллатаётган пиёнисталар, автоматли омончилар ва қамчинли казаклар - булар унга рақиб бўлолмасди. Шунда корейс пештахтадан сабзи тўла челақни олди-да, станцияга қараб жўнади. Илья челақ дастасининг иккинчи томонидан ушлади ва улар бирга иноқ, қувноқ, баравар одим ташлаб йўлга тушишди.

Темирйўл изларидан ҳатлаб, вагонлар тагидан энгашиб ўтиб, йигитлар станциянинг нариги томонига чиқишди. У томон бўш ер, ўйдим-чуқур, ахлатлар тўкиб ташланган жойлар эди. Баланд бетон девор орқасидаги темир йўли омборларининг иморатларига каттакон қора-қизил расм-лавҳа осилган бўлиб, унда қора кўйлак, галифе шим ва этикда, қўлини қўтарганча фашистчасига саломлашаётган ҳужумчининг расми чизилган эди. Унинг устида худди нур таратаётган кўнша ўхшаб фашистлар рамзи ярқираб турарди. Пастдаги ваҳимали ёзув - «Рус тартиби кўриқлайди», дея огоҳлантириб турарди.

Берк темир дарвозалар олдида девқомат бир маллавоё наридан-бери юриб турарди. Қора кийим кийиб, енгига рамзли боғич боғлаган бу барзанги белига резина калтак осиб олганди.

Қисик кўзларини баттарроқ қисиб, корейс рақибига таҳдилли нигоҳ ташлади. Бу унга мос келарди.

- Мен - Брюсман, - деди корейс Ильяга ва челагини ерга қўйиб жангга отланди.

Фашист четэлликка ёввойиларга қарагандай тикилди. Унинг киприклари пирпиради.

- Ҳой, сен, чекишдан ол! - гижгижлаб хитоб қилди корейс ва жанговар ҳолатга кирди.

- Нима? Мен сента... - Фашистнинг газаби қайнаб олдинга ташланди, калтагини ёнидан оларкан: - Мен сени... - деб тўнғилади.

- Ки-я!! - дея ваҳимали қичқирганча корейс анча баланд сакради. У бир оёғини олдинга чўзган эди. Лекин зарба беролмади. Чунки рақибгача ҳали анча бор эди. Омадсиз каратэчи «шалоп» этиб ерга тушди. Лекин дарҳол ўрнидан туриб орқага чекинди. Илья аллақачон қочишга шай турарди. Қочаётиб челақни олишди-да, станцияга қараб чопишди. Барзанги етай деб қолди. У таёғини кўтарди, таёқ кимнингдир бошига тушиши аниқ эди. Лекин корейснинг сабзиси панд берди. Челақнинг дастаси чиқиб кетиб, ичидаги сабзи асфальтга тўкилди. Фашист уни босиб олди, оёғи сирпаниб, гурсиллаб йиқилди...

Илья билан корейс кутулдик деб ўйлашга ҳам улгуришмади, олдиларида уларга қараб иккита фашист югуриб келарди. Болалар бирданга иккови икки томонга бурилди ва тўхтаб турган вагонлар остига шўнғишди. Улар бир неча вагонлар тизимини кесиб ўтишди-да, юк вағони остига беркинишди.

- Унинг тумшугига туширишимга сал қолди! - дея шивирлаб мақтанди корейс.

- Нечта зарбани биласан ўзи, - сўради Илья.

- Олтита.

- Мен сени ўнга зарбага ўргатаман, - дея ваъда берди Илья ва қўшиб қўйди: - Ва сен енгилмас бўласан.

Корейс, миннатдор шоғирд ўз устозига қарагандек, Ильяга қаради.

Ялпиратиб артилган уч жуфт этик ва қора эсэсчилар галифесидаги фашистлар уларнинг рўпарасида тўхташди. Ҳозир худди совет киносига ўхшаб немисча буйруқ янграйдигандек кўринди.

Лекин немисча эмас, русча гаплар эшитилди:

- Ғайрируслар жа-а ҳаддидан ошиб кетишяпти!

- Мен иккаласини ҳам яхши эслаб қолдим. Топамиз.

Учинчиси бўлса вагон ғилдирақларига қарата чоғтириш билан машғул эди.

Илья астагина қўйнидан тўшпнчани чиқарди-да, тепкисини тайёрлади. Буни кўрган корейс шодлигидан қичқириб юбормаслик учун кафти билан ўз оғзини беркитди.

Худди ўзлари учун хавф борлигини ҳис қилгандек, фашистлар ҳам жўнаб қолишди.

Ўн тўртинчи боб

ҲОЗИРГИ ЁШЛАР ҚИЁФАСИ

1

- Қани, танишинглар бўлмаса! - баланд ва қувноқ овозда таклиф қилди Илья ва бир қадам орқага тисарилди.

Мулат қиз корейс болага яна бир қараб олди-да, зўрма-зўраки жилмайди ва истамайгина қўлини узатди:

- Анжела Дэвис.

Ҳаяжонланган корейс кафтини шимига артди, қизнинг қўлини қаттиқ қисиб, ўзини танишгирди:

- Ким Ир Сен.

Илья худди омадли чиққан болаларидан хурсанд отадек уларга ҳавас билан қаради..

Анжела Дэвис бошини Ильяга ўгирди, ғазабини яширмай, қизиқсинди:

- Сен атайлаб бизларни шундайлардан танляяпсанми?

- Қанақа - шундайлардан?

- Мен қоратанлиман, у бўлса қисик кўз.

- Қанақа? Қисик кўз? - такрорлади Илья ва кулиб юборди.

- Атайлаб шунақаларни танляяпсан?! - асабий бақирди Анжела Дэвис.

Илья кулгидан тўхтади.

- Атайлаб? Ҳа, атайлаб. Мен сизларни атайлаб танладим, - хотиржам ва

жиддий гапирди у, бир мулат қизнинг, бир корейснинг кўзига қараб. - Мен сизларни атайлаб танладим, чунки сизлар энг сўнгисизлар. Бугунги кунда сўнгилар биринчи бўлаяпгилар, биринчилар эса сўнгиларга айланишмоқда. Сизлар биринчилардан бўласизлар.. Мен сизларни атайлаб танладим..

- Биз сўнгилармиз, сен қанақасан? - дадил, янада қаттиқроқ бақирди Анжела Дэвис. - Сен ўзинг ким бўласан?

Илья ғамгин жилмайди, саволга жавоб бермади.

Ким энсасини қашиб, тортиниб сўради:

- Сен русмисан?

- У ойдан тушган, - деди ачитиб Анжела.

Илья яна жилмайди:

- Бу мамлакатда руслар ҳам, рус бўлмаганлар ҳам йўқ. Балки бойлар ва камбағаллар бор. Алданганлар ва алдаганлар бор.

- Бу қанақаси? Ҳеч нарса тушунмаяпман, - ошкора тан олди Ким.

- Тушунмаслик мумкин. Муҳими - ишониш. Сизлар менга ишонасизларми?

Илья Кимга қаради. У жавоб қилди:

- Ишонаман.

Илья Анжела Дэвисга қаради. У ҳам сал тортиниб жавоб қилди:

- Ишонаман.

- Унда мен сизларга айтаман, - давом этди Илья. - Сизлар КЯЖнинг биринчи аъзолари бўласизлар.

- КЯЖ нима дегани? - сўрашди баравар Ким билан Анжела Дэвис.

Илья яна бир бор уларнинг кўзларига қаради, айтсаммикин ёки айтмасаммикин деб ўйлаб кўрди-да, деди:

- КЯЖ - Коммунистларнинг Янги жамияти.

Ёшларнинг ҳафсаласи пир бўлди.

- Э-э, - деди Анжела Дэвис. - Ахир менинг бувим коммунист-ку! Бизнинг барақдагилар коммунистларга овоз беради.

- Бизда шаҳарнинг ярми коммунистлар, - деди Ким.

Илья бошини силкиди:

- Бу шаҳарда коммунистлар ҳам, демократлар ҳам йўқ.

- Кимлар бор, бўлмаса? - сўради Ким.

- Кўзи очилмаган мушукчалар бор, она мушук эса қаёққадир ғойиб бўлган. Бечора мушукчалар бошларини ҳар ён уришиб оналарини қидиришяпти.

- Мушукни сувга чўктиришган, - деди ачиниб Анжела Дэвис.

Ҳамма жим бўлиб қолди. Улар бир-бирига қарай олмасди.

Илья соатига қаради ва оҳиста йўлак бўйлаб юриб кетди. Ким билан Анжела Дэвис эсангираб, бир-бирига қарашди-да, унинг изидан тушишди.

- Биз уларнинг кўзлари очилишига ва ҳақиқатни кўришга мажбур қиламиз, - деди йўл-йўлакай Илья. - Ҳақиқат уларда яшаш иштиёқини уйғотади ва бу уларни бизга бошлаб келади. КЯЖ - бу адолат.

- Нима, унга ёзилиш керакми? - ташвишланиб сўради Ким.

- Аввалига сен ўнга зарба беришни ўрганиб оласан. Сен бўлсанг «Пўлат қандай товланди»ни ўқийсан. Кейин синаб кўриласизлар. Сўнгра қасамёд қиласизлар, - деди Илья, қадамни тезлаштириб.

«Профсоюз» ва Ленин кўчалари муюлишида мўъжазгина алмисоқдан қолган суратхона бор эди.

Илья унинг қаршисида тўхтади ва қатъий деди:

- Бу кунни умрбод ёдларингда сақлашларинг лозим.

2

Сураткаш жуда қартайган ва кулгили одам эди. У қаршидан оҳиста юриб келарди. Оёғидаги эски сариқ ботинкасининг «тақ-туқи» узоқдан қулоққа чалинарди. Сочи тўкилган, қуруқ қайрилма бурни ажралиб турарди. Айниқса, кўзлари бошқача эди: улардан кутилмаган қувонч ва мумкин бўлмаган некбинлик ёғилиб турарди. Чол яшаган сон-саноксиз йилларнинг ҳар бири унга қувонч ва умид бахш этгандек кўринарди.

- Нақадар гўзал ёшлар! - деди у завқланиб. - Мен кўндан бери бунақа хушрўй ёшларни кўрмаган эдим. Чехраларидан нур ёғди! Бунақа чехраларни мен сўнги бор минг тўққиз юз эллик олтинчи йили кўргандим. Улар кўриқ ерларни ўзлаштиришга отланишпанди. Сизлар ҳам кўриқ очгани кетаясизларми?

Ким билан Анжела кулиб юборишди - чол уларда завқ уйғотганди.

- Бизнинг жамоавий қиёфамизни яратинг, - деди Илья.

Қария қошларини чимирди:

- Жамоавий қиёфа дейсизми? Мен тўғри эшитдимми? Ё ҳазиллашяпсизми? Буни сўраётганимнинг боиси шундаки, ҳозир ҳеч ким жамоавий қиёфани хоҳламайди. Фақат фотосурат ва четга чиқиш паспорти учун расмга туширишимни сўрашади. Негадир ҳамма чет элга кетишга интиляпти. Мана мен, масалан, чет элда бўлмаганман ва кетишга заррача истагим ҳам йўқ. Нима кераги бор? Мен учун бу ер яхши! Ҳа, жамоавий портрет дедингизми?

-Жамоавий портрет, - такрорлади Илья.

Қария ўйланиб қолди, бошини ҳам қилди. Анжела Дэвис пиқиллаб кулди. Ким хижолатомуз жилмайди.

- Ҳозирги ёшларнинг жамоавий қиёфаси! - деди чол бошини сарак-сарак қиларкан, алланималарни минғирлаганча. Учоёқли фотоаппаратини тўғрилай бошлади: - Ҳозирги ёшлар менга жуда ёқди! Биласизми, нима учун? Шунинг учунки, улар қўрқув нималигини билмайди! Яқинда газетада ўқиб қолдим, биринчи синф ўқувчиларининг тўқсон тўққиз фоизи Ленин ким эканини билмаскан. Мен йиғлаб юбордим - нақадар бахтли болалар!

Фотоаппаратни созлаб бўлгач, чол орқада қия осилиб турган оқ чойшаб ёнига ўтди. Унинг тарам-тарам бўлиб турган тепа қисмини тўғрилашга тугинди.

- Нима деяётганимни мен яхши биламан, - деди сўзида давом этиб чол. - Менинг отам большевик эди. Унинг ўз укаси - менинг амаким эса, меньшевик. Отам амакимни отишга ҳукм қилди. Эсэр¹ онам бўлса, гоавий эътиқодига кўра отамдан ажраб, бир эсэрга тегиб кетди. Бундчи² бувам эса уларнинг ҳаммасини дуойибад қилди. Йўқ, улар ўзларини шундай тутишгани учун эмас, балки Бундга кирмагани учун лаънатлади. Ўшанда бувим шундай деганди: «Буларнинг ҳаммаси менга ёқмаяпти». Бекорга айтмаган экан бу гапни. Отамни отиб ташлашди, онам эса лагерда ўлиб кетди. Ўша пайтда бувим раҳматлик менга доно маслаҳат берганди: «Агар узоқ яшайман десанг, коммунистларга ишонма.

¹ Э С Э Р - социал-революционер.

² Б у н д - умумяхудий майда буржуа миллий социал-демократик партия.

Ҳатто оқни оқ десалар ҳам, ишонма, чунки у қора. Ҳатто сувни сув дейишса ҳам ишонма, чунки у тош. Ҳатто нонни нон деб аташса ҳам ишонма, чунки у - захар!». Мен ҳамиша бувимнинг маслаҳатига амал қилиб яшадим! Ҳозир ёшим нечадалигини биласизларми? Буни гапиришнинг маъниси йўқ, чунки барибир ишонмайсизлар!

Қария энди сурат учун яхши моҳият ахтариб ёшларнинг жойларини алмаштира бошлади. У қиқирлаётган Анжелани хижолат чекиб турган Кимнинг ўрнига, Кимни эса асабийлашган Ильянинг ўрнига ўтказди.

- Биласизми, яна қанча яшамоқчиман? - давом этди у. - Менинг ниятим бутун дунёда бор-йўғи биттагина коммунист қолгунга қадар яшамоқ, сўнги коммунист қолгунга қадар! Унга - сўнги коммунистга ҳеч ким ачинмайди! Аёллар у билан ўз наслини давом эттиришни хоҳлашмайди. Эркаклар у билан футбол ҳақида гаплашмайди, шахмат ўйнашмайди. Кичкина болалар бўлса, унинг орқасидан чопишиб, кўллари билан кўрсатишиб: «Коммунист! Коммунист!» дея масҳара қилишади. Бу энг даҳшатли, энг сўнги сўз бўлади!

Қария яна нимадир демоқчи эди, Илья уни тўхтатди:

- Демак, сиз ишонинингиз учун сувни кўрсатиб тош, нонни кўрсатиб бу захар дейиш керак экан-да? Оқни қора, десагина ишонаркансиз-да?

Илья сураткашга қараб турар, кўзларини пирпиратганча жавоб кутарди.

- Сен ақлли боласан. Сен балки жуда ҳам ақлли боладирсан, - деди у қисқичбақадай орқага тисарилиб. Ашпарат ёнида тўхтаб Ильяга яна бир бор қараб олди-да, фикрини давом эттирди: - Ҳамма фалокатлар қачон бошланади, битта жуда ҳам ақлли бола пайдо бўлганда бошланади...

Илья бунга жавобан нимадир демоқчи эди, лекин чол шошилиб қалин жун ёпинғич тагига кириб яширинди.

- Тайёрландик! - бақирди чол ёпинғич тагидан.

Илья шерикларига жўшқин бир нигоҳ ташлади ва шивирлади:

- Яшасин коммунизм!

- Яшасин коммунизм! - қўшилди Ким.

- Яшасин коммунизм! - такрорлади Анжела Дэвис.

Ўн бешинчи боб

МАНА БУ ЗҶР ЎЙЛАНИБДИ

1

Осмонда - қалин ва қора булутлараро момақалдироқ гумбурлади. Губерна бошлиқлари баланд минбарда туриб кўкка қарашар, жилмайишар ва бугунги тадбиримиз талада ҳам маъқул кўрилмоқда дегандай бир-бирига қараб бош иргашмоқда. Завод майдонига тўпланган придонсклик қизиқувчилар зич тўда бўлиб туришар, черковнинг биллур гумбазига ва тилларанг хочига, минбарда турган бошлиқларга ҳавас билан қарашарди. Бошлиқлар орасида ўртадаги оқ костюм , оқ куйлак ва ошпоқ бўйинбоғда турган Печенкин алоҳида ажралиб турарди. Ўртадаги майдонда эса казаклар авлодлари ва оқгвардиячилар ворисларидан тузилган кўшма хор «Тангри, шоҳни асрагил!»ни ажойиб ижро этишди.

- Йўқ, нима десангиз денг-у, будёновкали қизилармиячилар бу ерда етишмаётир, - деди дўстона оҳангда Печенкиннинг чап томонида турган губернатор. Унинг ўнг томонида зарбоф ридода соч-соқоли ошпоқ қария - ёшланувчи меҳрибон кўзли метрополит ўрин олганди.

Владимир Иванович губернаторнинг гапини эшитмади, чунки у ҳамон ҳозиргина ирод қилган нутқининг ҳаяжонини босолмаган эди. Одатда Печенкин қоғозга қарамасдан, яхши, тушунарли қилиб гапирарди. Лекин бу сафар у нутқ матнини ёзиб беринг, деб Прибиловскийга буюрганди. У бўлса, айтиш керакки, жуда бошлабди. Айниқса, ибодатхонага элтувчи йўл ҳақида жўшиб ёзибди. Энди бизда фақат йўл эмас, ибодатхонанинг ўзи ҳам бор. Бунинг устига денг, ибодатхона эмас, ростакан мўъжиза. Рус халқи ҳамиша мўъжиза ҳақида орзу қилиб келган. Мана, ўша мўъжиза - биллур ибодатхона. Бунақаси ҳеч қаерда йўқ! Оламнинг саккизинчи мўъжизаси! Придонск мўъжизаси!

Бўлди қарсак, бўлди қарсак, ўзиям ўн дақиқача чалишди-ёв... Ўн дақиқа бўлмаса ҳам, беш дақиқа чалишгани аниқ. Печенкин бахтиёр эди. Бугун унинг куни эди.

Тангри, шоҳни асрагил,
Тангри, шоҳни асрагил,
Умрини узоқ қилгил.
Ожизлар ҳомийсига,
Мағрурни букувчига -
Тинч кунларни ато қил, -

куйларди хор тантанавор.

- Мана буни мадҳия деса бўлади! - митрополитга қараб гапирди Печенкин. - Сўзи ҳам, мусиқаси ҳам зўр!

Митрополит оҳиста бош ирғаб қўйди.

- Лекин бизники ҳам ёмон эмасди, - гапга аралашди губернатор. - Эсингиздами, ўша куй янтраганда Роднина қандай йиғлаган эди? Бугун дунёга-я...

- Оҳанг яхши, сўзлари-чи? - эътироз билдирди Владимир Иванович.

- Сўзлари ҳам ёмон эмасди. - Губернатор ўзиникини маъқуллади.

Владимир Иванович бошқа баҳслашиб ўтирмади. Йўқ, кайфиятини бузмаслик учун эмас, бу мумкин эмасди. Балки нигоҳини биллур қуббадан Ленин ҳайкалига ўтказиб чалгигани учун индамади. У бир нарсада ҳақ эканига ишонч ҳосил қилди: бири иккинчисига халақит бермайди. Бунинг устига Ленин қўли билан ибодатхонани кўрсатиб турарди. Бунинг ҳам ўзига яраша маъноси бор эди. Ҳам авлодларнинг давомийлиги, ҳам тавба-тазарруси, ҳам сабр-қаноати - бу сўзларни Владимир Иванович унча яхши кўрмаса-да, унча яхши тушунмаса-да, улардан тортинарди. Лекин ҳозир буларнинг ҳаммаси Завод майдониди бор эди.

Осмон бирдан гумбурлади, зумда қоронғи чўкди. Пастдаги халқ ҳаяжонланди.

- Ёмғир ёғмайди! - деди баланд овозда Владимир Иванович, лекин ёнида қариндошлари ва яқинлари йўқлигини эслаб қовоғи солинди. Галина Васильевнанинг бош оғриғи тутиб қолди. Геляни у таклиф ҳам қилмаганди. Кейин билса, у барибир рад этаркан. Илья бўлса таклифни масҳара қилиб, отасини қаттиқ ранжитди.

2

- Вақти бўлди! - деди қатъий Илья узун ингичка ёғочга илинган қизил байроқни ёяр экан. Бу шойи мато - ўша бувасининг сандиқчасидан олинган, цирк байроғи эди.

Ким ва Анжела Дэвис Ильяга ҳайрат билан қараб туришарди. Афтидан, улар ўйлаган нарса юз берадиганга ўхшарди. Улар майдонга туташ, бўм-бўш торкўчада эдилар, у ердан хорнинг овози эшитилиб турарди. Илья шошилиб кўзлари кўрадиган қилиб тешилган омончилар қалпоғини бошига кийди-да, байроқни баланд кўтарганча олға - Завод майдониди тўпганиб турган кишилар томонга қараб чошиб кетди.

Қаршидан кучли шамол эсар, шу боисдан байроқ ёйилиб ҳилпираб борарди. Илья тўғри оломонга қараб югурди, оломон ундан кўрқиб, орқага тисарилди. У тўдани ёриб ичкари суқилди, оломон иккига ажралди. Шундай қилиб икки тўда ҳосил бўлди: бирининг тепасида Ленин, иккинчининг тепасида эса проваслав хочи савлат тўкиб турарди.

Бошлиқлар орасида бу вазиятни биринчи бўлиб губернатор баҳолади.

У қувониб кетди, маъқуллаб хитоб қилди:

- Мана буни яхши ўйлашибди!

Митрополит кўзларини қисди, жўжаникига ўхшаш ингичка бўйинини чўзди ва аччиқ дори ичган мисол йўталиб қўйди.

Печенкин байроқ кўтариб чопаётган йигитчани жим туриб, совуққонлик билан кузатиб турди.

Хор адашиб кетди: казаклар унча-мунча овоз чиқариб турарди, оқғвардиячилар оғизларини очганча қолаверишди.

- Яшасин коммунизм! - жарангдор бақриб кириб келди Илья. Шунда казаклар ҳам куйлашдан тўхташди. Завод майдони сув куйгандек жим-жит бўлиб қолди. Милиционерлар бошларини чайқашар, лекин чошиб келаётган йигитчани тўхтатишга уринишмасди. Ўзи шундай бўлса керак деб ўйлашарди, шекилли.

Илья оломон ичидан чиқиб, майдон чеккасидаги уй орқасига ўтиб, кўздан ғойиб бўлди.

- Вой тиррақи-ей, - тўнғиллади тишларини гижирлатиб Печенкин.

Ўн олтинчи боб

ҚОИДАСИЗ ЖАНГ

Ёшлигида Владимир Иванович бокс билан шуғулланарди ва ҳатто усталикка номзод ҳам бўлганди. У ўз унвони билан фахрланар, унга муносиб бўлиш учун спорт маҳоратини сақлаб туришга ҳаракат қиларди. Вақт-вақти билан кайфияти бўлган пайтларда бизнес бўйича ҳамкасблари ёки яқин доиралари, кўпинча кўриқчиларидан ким биландир олишувлар ўтказиб турарди. Бунинг учун «Октябрь» кинотеатри яқинида қарағайлар орасидаги майсазорда арқонлар тортилиб, боксёрлик ринги ясаларди. Седой камзулини ва бўйинбоғини ечиб, ҳакамлик кийимини кияр ва беллашувлар бошланарди.

Одатда, олишувлар қутилмаганда, эълон қилинмасдан, тигиз кунлардан сўнг кечаси юз берарди. Печенкин бирор муҳим нарсани амалга оширса ёки уддалай олмаса, шундай бўларди. Мана, ўша ибодатхона тантанали очилган кунда, уйга кечроқ қайтиб келгач, одатдагича кинога бориш ўрнига Владимир Иванович арқон тортишни буюрди.

Илья отасининг бу эрмагини билмас, аниқроғи, онасининг хатлари орқали хабари бор эди, лекин эсидан чиқиб кетган эди. Ҳозир уйига қайтаётиб ёритилган тўртбурчак жойни, олишаётган иккита кўнгилли гладиаторни ва рингни ўраб олган томошабинларни кўриб ҳанг-манг бўлиб қолди.

Илья аввалига малла соқчини, кейин отасини таниди. Бир оз иккиланиб турди-да, ўша ерга юрди.

Бу жуда ғалати жанг эди. Печенкин боксёр эди, малла эса самбочи полвон эди. Чиндан ҳам уларнинг олишуви ғалати эди: Печенкин уриб ағдарилш учун мушт туширса, малла йиқитишга уринарди. Седой ҳакамлик қиларди. Кўпчилик хўжайин учун жон куйдирарди:

- Қани, Владимир Иванович!
- Уринг, Владимир Иванович!
- Эҳ, Владимир Иванович!

Қаттиқ қичқиришар, самимий қувонишарди.

- Бўш келма, маллавой! Боксёрни эз! - қичқирарди Илья, рингга яқинлашиб.

Олдинроқда турган мухлислар ҳайрон бўлиб ўгирилишди, Ильяни кўриб, хижолат бўлиб саломлашишар, уни исми ва ота исми билан эъзозлар, олдинга ўтказиб юборишарди.

Боксёр ҳам, самбочи ҳам ростакамига чарчашганди, биринчисининг мушт туширишга, иккинчисининг йиқитишга ҳоли қолмаганди.

- Эз, маллавой, эз капиталистни! - чийилларди Илья.

Владимир Иванович эшитди, бир зумга товуш эгасига қаради ва бўйнига самбочининг темир панжаси маҳкам ёпишганини ҳис қилди.

Малла чиндан ҳам Печенкинни биқинига олди ва худди шу пайт Ильянинг овози яққаланиб қолди, бошқалар жимиб қолишганди.

Владимир Ивановични унинг бўйни ва малланинг кафти терлаб тургани кўтқарди. Шунинг учун у ағдарилиб тушмади, сирғалиб чиқиб кетди. Узини йўқотиб қўйган малла бир сонияга эҳтиётсизлик қилди ва жағига кучли ҳамда аниқ зарба тушди. Соқчи чалқанча ағдарилди.

Ҳамма қийқириб юборди, ғалаба билан табриклади. Фақат Ильягина кескин бурилди-да, қарши томонга қаради.

Печенкин рингда голибона айланар ва қичқирарди:

- Самбо! Сизнинг самбоингизга тупурдим! Каратэингизга ҳам тупурдим! Кун-фу, фу-сю го-мо-жо, по-мо-жо, ҳаммасига тупурдим! Сизларнинг ўша барча қора камарларингизга туф! СССР спорт устасининг майкаси олдида ҳаммаси бир тийин!

Владимир Иванович ўзининг спорт унвонини ошириб айтди, лекин ҳеч ким бунга эътироз билдирмади.

Голиб ва мағлубнинг қўлларини ушлаб турган Седой тантанали равишда эълон қилди:

- СССР спорт устаси, Придонскнинг «Трудовые резервы» спорт жамияти вакили Владимир Иванович ғалаба қозонди, - деб у Печенкиннинг қўлини юқори кўтарди. Томошабинлар қийқиришди, хуштак чалишди, олқишлашди ва совет мадҳияси чалинди - бу ҳам анъана эди.

Ильянинг кўзлари ёшланди.

- Эй, коммуняка, бу ёққа кел! - қувноқ ва дағдаға билан бақирди Печенкин. Илья ўрнидан жилмади.

- Нима, эшитмаяпсанми? - деди заҳархандалик билан Владимир Иванович баланд жаранглаётган СССР гимнини босиб кетадиган даражада бақириб.

- Сизни отангиз чақираяпти, Илья Владимирович, - дейишди унинг ёнида турганлар тирсагига туртиб.

Илья ўтирилди. У жилмайди, лекин ўрнидан қимирламади.

- Ке, кела қол, кўрқма. Кўксингга юлдуз расмини ўйдирмайман, - кўнглини кўтарди отаси. - Бир марта тушираман, холос!

- Мен кўрқмайман, - деди Илья ринг томон юраркан. У баланд овозда айтмоқчи эди, лекин зўрга эшитилди.

Атрофдагилар - эҳтиёткорона ва асабий кулишди. Илья энгашиб, арқон тагидан ўтди-да, отасининг қаршисида тўхтади. Владимир Иванович дик этиб ўрнидан турди ва қўлини кўтарди, Илья кўрқиб кўзларини қисди. Печенкин урмади, у урмоқчи ҳам эмасди, жаҳл билан бақирди:

- Ҳеч қачон бунақа қилма! Сенга мушт туширишаётганда кўзингни юма кўрма! Бу биринчи қойда! Биласанми, мен бундан қандай қутулганимни? Теннис коптокчаси бор-ку, ўшани ишга боғлаб, осиб кўясан-да, ўртада туриб оласан. Коптокча липиллаб бориб келаверади. Сен эса унга чап бериб, энгашасан. Лекин кўзингни юммайсан. Тушундингми?

Илья бош ирғади.

Печенкин қаҳқаҳа урди:

- Энди зарба ейишни ўрган! Лекин бунда ҳеч қандай назария кетмайди. Фақат уриш, жанг қилиш лозим! Қани, Нилич, унга қўлқоп кийдир-чи.

Седой заҳархандалик билан тиржайганча Ильянинг иродасиз ожиз қўлларига қўлқоп кийдираркан, Печенкин худди ғалабадан кейин қилганидай, рингни айланиб, томошабинларга гапирарди:

- Аср матчи! Бунақаси бўлмаган: капиталист-ота коммунист-ўғилга қарши! Жанг қойдасиз ва ғалабагача давом этади!

У Ильяга ўтирилди ва қотиб қолди. Ўғлининг орқасида Галина Васильевна турарди. У узун яшил халатда эди. Пешанасига ҳўл латта боғлаб олганди.

- Сен нима қилаяпсан, Володя! Қанақа томоша бу? - сўради Галина Васильевна секингина, таъна билан.

Печенкин хижолат бўлиб елка қисди.

Галина Васильевна гинаю аламзадалик тўла кўзларини атрофда турганларга бир-бир югуртириб чиқди. Одамлар аста-секин тарқала бошлашди.

- Нилич, - деб бақирди кетаётган Седойнинг орқасидан, - бир дўстлик хизматингни аяма, шундоқ вокзалга югуриб бориб, писта олиб кел, негадир кинога боргим келиб қолди.

- Сен нима томоша кўрсатаяпсан, Володя? - дея саволини такрорлади Галина Васильевна.

Галина Васильевна икки марта такрорлаган саволига жавоб кутарди, лекин Печенкин, афтидан, унга жавоб беришни лозим топмади. У энди хотинига

эътибор ҳам бермай қўйганди. Гарчи Галина Васильевна ўғлининг орқасида турган бўлса ҳам, унга қарамасди.

- Хўш, нима? - дағдага ва киноя билан гапирди Печенкин ўғлига. - Яшасин, хўш, нима? Мен сента айтгандим-ку, бу ерда коммунистлар ҳам, демократлар ҳам йўқ деб! Айтдимми? Айтдим! Биз оқлар эмасмиз, биз қизиллар ҳам эмасмиз, биз - придонскликлармиз! Одамларнинг байрам кайфиятини бузмоқчи бўлдингми? Улар ҳеч нарса тушунишмади, ахир! Маст бир омончи жинни бўлиб қолибди, деб ўйлашди! - Печенкин қаҳ-қаҳ уриб кулди. - Ҳеч ким ҳеч нарса тушунмади! Ёки газеталарда ёзиб чиқади деб ўйлайсанми? Йўқ, ёзишмайди! Ёки телевизорда кўрсатишадими? Кўрсатишмайди! Бунга мен кафолат бераман. Ҳеч ким ҳеч нарса билмайди, тушундингми? Мана, сенинг тиррақи бузоқ эканингни - ҳамма билиб олади.

- Володя! - тўхтатди Галина Васильевна эрини. У қўпол гапларни билмасди.

- Нима - Володя?! - бақирди Печенкин. - Унинг бугун нима қилганини биласанми, ўзи? У менинг қалбимга тупурди! Шундай кунда-я! Шу ибодатхонани деб нималар қилмадим, кучимни, пулимни аямадим. У бўлса?! - бўқирди Печенкин, бўйин томирлари бўртиб. - Тир-рақи.!

- Володя! - дадил унинг сўзини бўлди хотини. Печенкин жим қолди, кейин бирдан қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

- Коммунистмисан, коммунистларча яша! - У яна ўғлига гапирди: - Сен учун буванг нон қотириб қўйганди - ўшаларни кемириб юравер! Энди ҳеч қанақа соқчининг кераги йўқ - коммунистларни ўғирлашмайди.

- Володя...

- Истасанг - ўзинг қўриқлаб юр! Энди у менинг уйимда яшамайди! Бўлди, бас!

- Володя, тинчлан, - илтимос қилди Галина Васильевна.

- Мен хотиржамман, - бақирди Владимир Иванович. - Хотиржамман! Чунки бу менинг уйим ва бу ердаги ҳамма нарса меники. Сеники эса, ана «Октябрь» кинотеатри... Энди унга бир тийин ҳам бермайсан, кундузи ишласин, кечкурун эса ўқийди. Ишчи ёшлар мактабида, мен ўқигандай. Швейцарияда ўқитиша олмади, бу ерда ўқитишади! Тезда ўргатишади! Албатта, ўргатишади! Бўлди, етар! Янги ҳаёт! Нью Лайф! - Печенкин ринг арқони устидан ҳатлаб ўтди-да, узоққа бақирди:

- Нилич! Ёшиникидан олма, уники яхши қовурилмаган!

Давоми бор.



Збигнев БЖЕЗИНСКИЙ

Буюк шахмат тахтаси*Китобдан боблар*

МУҚАДДИМА

ҚУДРАТЛИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ

Тахминан 500 йил муқаддам қитъалар сиёсий жиҳатдан ўзаро алоқа қила бошлаганларидан бери Евросиё жаҳон қудратининг маркази бўлиб келди. Евросиёда яшайдиган халқлар, асосан, унинг Ғарбий Оврўпа қисмида истиқомат қилувчи халқлар турли замонларда турли йўллар билан дунёнинг бошқа минтақаларига кириб борганлар ва у ерларда ҳукмронлик қилганлар. Ҳолбуки, шу вақтнинг ўзиде айрим Евросиё давлатлари ўзлари учун алоҳида мақомга эришганлар ва жаҳоннинг етакчи давлатига хос имтиёзлардан фойдаланганлар.

XX асрнинг сўнги ўн йиллигида дунё ишларида кучли zilzilаларга ўхшаб кетадиган silжишлар содир бўлди. Тарихда биринчи марта ўлароқ Евросиёга мансуб бўлмаган давлат — АҚШ давлати нафақат Евросиё давлатлари орасидаги муносабатларда қозикалонлик вазифасини ўтади, балки жаҳондаги энг қудратли давлат ҳам бўлиб қолди. Совет Итифоқининг мағлубияти ва барбод бўлиши Ғарбий ярим шарда жойлашган Қўшма Штатларнинг ягона ва ҳақиқатан ҳам том маънода биринчи глобал давлат сифатида шохсурага кўтарилишида энг сўнги садо бўлди.

Лекин шунга қарамай, Евросиё ўзининг геополитик аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Нафақат унинг ғарбий қисми - Оврўпа жаҳоннинг сиёсий ва иқтисодий қудратининг катта қисми жам бўлган жой сифатида аҳамиятини йўқотгани йўқ, балки унинг шарқий қисми - Осиё ҳам сўнги вақтларда иқтисодий тараққиётнинг ва тобора ўсиб бораётган сиёсий таъсирнинг ҳаётий муҳим маркази бўлиб қолди. Шундай қилиб, глобал манфаатларга эга бўлган Америка Евросиё давлатлари ўртасидаги мураккаб муносабатларни қандай қилиб эшлайди ва, айниқса, у халқаро майдонда устивор ва антагонистик Евросиё давлатининг пайдо бўлишининг олдини ола биладими деган саволлар Американинг бутун дунё миқёсида ҳукмронлигини амалга оширишга қобиллигини аниқлашда марказий саволлар бўлиб қолмоқда.

Бундан келиб чиқадики, ўз қудратининг турли-туман янги қирраларини (технологиялар, коммуникациялар, ахборот тизимлари, савдо-сотиқ ва молиявий масалалар) ривожлантиришга қўшимча равишда Америка ўзининг ташқи сиёсатида геополитик вазиятни кузатиб боришни давом эттирмоғи керак ва ўзининг Евросиёдаги таъсирдан шундай фойдаланмоғи жоизки, бунинг оқибатида Қўшма

Збигнев Бжезинский (1929) Америка Қўшма Штатларининг энг йирик сиёсатшуносларидан бири.

У АҚШ президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлган. Совуқ уруш йилларида социалистик жамиятнинг тоталитар характерини фош қилувчи кўплаб мақолалар ёзган. Сўнги йилларда ҳам у бугунги дунёнинг турли геополитик масалаларига бағишланган кўплаб асарлар яратган. “Назоратдан ташқари”, “Буюк муваффақиятсизлик”, “Уйин режаси”, “Ҳокимият ва принцип” кабилар шулар жумласидан. Бугун айрим бобларини эътиборингизга ҳавола қилаётганимиз “Улуғ шахмат тахтаси” асари ҳам бугунги дунёнинг геополитик муаммоларини таҳлил қилишга бағишланган.

Албатта, айрим муаммоларга нисбатан муносабатларни муаллифнинг субъектив фикрлари тарзида қарамоқ жоиздир.

*Озод
ШАРАФИДДИНОВ
таржимаси*

Штатлар сиёсий масалаларда қозикалон сифатида иш юритаётган қитъада барқарор мувозанатни юзага келтириш мумкин бўлсин.

Бинобарин, Евросиё шундай бир шахмат тахтасики, унда жаҳонга ҳукмдорлик қилмоқ учун кураш давом этмоқда ва бу кураш геостратегияга ҳам дахлдордир, яъни геополитик манфаатларни стратегик бошқаришни тақозо этади. Шунини қайд қилмоқ керакки, қадим ўтган замонларда эмас, яқинда - 1940 йилда жаҳонда ҳукмдорлик қилишга даъвогар бўлган икки одам - Адольф Гитлер ва Иосиф Сталин - 1940 йилнинг ноябр ойидаги махфий музокаралар вақтида маъноси аён кўриниб турган битим тузишган эди. Бу битимга кўра Америка Евросиёдан четлатилиши керак эди. Уларнинг ҳар қайсиси шунини яхши тушунганки, Американинг қудрати Евросиёга ёйиладиган бўлса, бу икки арбобнинг жаҳонда ҳукмдорлик қилиш масаласидаги даъволарига чек қўяди. Уларнинг ҳар қайсиси Евросиё дунёнинг марказидир ва кимдаким Евросиёни назорат қилса, у бутун дунёнинг устидан ҳам назорат ўрната олади деган нуқтага назарга эга бўлган. Орадан ярим аср ўтгач, масала бошқачароқ тарзда қўйила бошлади: америкаликларнинг Евросиёдаги устиворлиги яна давом этадики ва ундан қандай мақсадларда фойдаланиш мумкин?

Америка сиёсатидан кузатилган пиروвард мақсад эзгу ва юксак бўлмоғи керак. Бу - инсониятнинг узоқ муддатли тамойиллари ва фундаментал манфаатларига мувофиқ тарзда чинданда ҳамкорлик қилишга тайёр бўлган жаҳон ҳамжамиятини барпо этишдир. Аммо бир нарсани назардан соқит қилмаслик керак - сиёсий майдонда Евросиёда ҳукмронлик қилишга қодир бўлган, бинобарин, Американи курашга чорлай оладиган рақибнинг пайдо бўлишига йўл қўйиб бўлмайди. Шу ваздан мазкур китобдан кузатилган мақсад - кенг қамровли ва изчил Евросиё геостратегиясини шакллантириб беришдир.

*Вашингтон, Колумбия округи,
1997 йил, апрел*

Збигнев Бжезинский

4-боб

“ҚОРА ЎПҚОН”

1991 йилнинг охирида ҳудуди жиҳатидан дунёда энг катта бўлган давлатнинг емирилиши Евросиёнинг қоқ марказида “қора ўпқон”нинг майдонга келишига ёрдам берди. Бу - қуруқликнинг марказий ва геополитик жиҳатдан муҳим қисмини ер юзидан супуриб ташлагандай бир воқеа бўлди.

Америка учун янги ва боши берк кўчага киритиб қўядиган бу янги геополитик вазият ғоятда муҳим ҳодисадир. Ўз-ўзидан тушунарлики, бунга дарҳол жавоб қайтариш вазифаси туғилди. Бу вазифа - иложи борича сиёсий бошбошдоқлик туғилиши имкониятини камайтиришдан ёхуд парчаланиб кетаётган бўлса-да, ҳали-ҳануз жуда қудратли ядровий арсеналга эга бўлган давлатда бирон-бир душманлик руҳидаги диктатуранинг тикланишига йўл қўймасликдан иборат эди. Узоқ муддатли вазифа эса қуйидагиларда намоён бўлади: қандай қилиб Россиядаги демократик ўзгаришларни ҳамда иқтисодий тикланишни қўллаб-қувватлаш керак-у, аynи чоғда Евросиё империясининг яна қайта тикланишига йўл қўймасликка эришса бўлади? Бундан империя Американинг геостратегик мақсадини рўёбга чиқаришга ҳалақат берарди. Американинг геостратегик мақсади эса ҳозиргидан йирикроқ янги Евроатлантик тизимни барпо этишдан иборатдир. Россия келажакда бу тизим билан мустақам ва ишончли тарзда боғланган бўлади.

РОССИЯНИНГ ЯНГИ ГЕОПОЛИТИК АҲВОЛИ

Совет Иттифоқининг ҳалокати қудратли Совет-Хитой коммунистик блокнинг аста-секин емирилишида сўнгги босқич бўлди. Бу блок нисбатан қисқа муддатда ўз ҳудудини Чингизхон тасарруфидаги ерларга тенглаштириб олди, баъзи бир зоналарда эса ҳатто ундан ошиб ҳам кетди. Аммо трансконтинентал характердаги Евросиё блоки унча кўп яшамади, Тито Югославиясининг ундан ажралиб чиқиши ва Мао Хитойининг итоатдан бош тортиши миллатчилик интилишлари қаршида коммунистик блокнинг ожизлигидан далолат берар эди. Миллатчилик интилишлари мафкуравий сиртмоқлардан кучлироқ бўлиб чиқди. Хитой-Совет блоки ўн йилга яқин умр кўрди, Совет Иттифоқи эса тахминан 70 йилча яшадди. Аммо геополитик жиҳатдан кўп асрлик тарихга эга бошқарув маркази Москвада бўлган буюк Россия давлатининг барбод бўлиши янада муҳимроқ ҳодиса бўлди. Бу империянинг парчаланиб кетиши совет тузумининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳалокати туфайли тезлашди. Шунини ҳам таъкидлаш керакки, унинг иллатларининг кўп қисми

мамлакатда мавжуд бўлган махфийлик тизими ва ўз қобига беркиниб олиш важидан деярли энг сўнгги дамларга қадар сақланиб қолганди. Шунинг учун бугун дунё Совет Иттифоқининг жуда тез содир бўлгандай кўринган емирилиши қаршисида лол қолди. 1991 йил декабр ойида атиги икки ҳафта мобайнида аввал Россия, Украина ва Белорусия республикаларининг бошлиқлари намоёншкорона тарзда Совет Иттифоқининг тарқаб кетганини эълон қилишди, кейин унинг ўрнига мужмал бир тузум барпо этишганини айтишди. Бу тузумга Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги деб ном қўйишди. У Болтиқбўйи республикалардан бошқа ҳамма собиқ Совет республикаларини бирлаштирди, сўнгра советларнинг президенти ўзи хоҳламайгина истеъфога чиқди. Кремл минорасининг тепасидаги совет байроғи эса, ими-жимиди туширилди ва ниҳоят, Россия Федерацияси пайдо бўлди. Ҳозирги пайтда кўпроқ рус миллий давлати бўлган бу давлат 150 миллион аҳолига эга. Бу давлат ўзини собиқ Совет Иттифоқининг де-факто вориси деб эълон қилди. Ҳолбуки, яна 150 миллион кишилик аҳолига эга бўлган қолган республикалар мустақиллик ва суверенитет соҳасида ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини турли даражада ажратиб олдилар.

Совет Иттифоқининг ҳалокати бугун дунёни ақл бовар қилмайдиган даражада саросимага солди. Россияликлар Совет Иттифоқининг яқинлашиб келаётган ҳалокати тўғрисида бошқа мамлакатларнинг одамларига қараганда камроқ маълумотга эга эдилар. У 14 кун мобайнида ўзлари учун қутилмаган ҳолда эндиликда ортиқ қитъалараро империянинг хўжайинлари бўлмай қолганларини кўриб ҳанг-манг бўлиб қолдилар. Бошқа республикаларнинг чегаралари Россия билан яна аввалги - эски чегаралар бўлиб қолди. Кавказдаги чегара 800 йиллар бошидаги аҳволга, Ўрта Осиёдаги чегара 1800 йилларнинг ўрталаридаги аҳволга қайтди. Бу воқеа Фарбда бир мунча галвалироқ ва серазиятроқ кечди - у ердаги чегаралар тахминан 1600 йилдаги, яъни Иван Грозний подшолик қилган замондаги аҳволга қайтди. Кавказдан маҳрум бўлиш дарҳол Туркия таъсири борасида стратегик хавотирларни майдонга келтирди. Ўрта Осиёдан маҳрум бўлиш жуда катта миқдордаги энергетик ва минерал ресурслардан ажралиб қолиш туйғусини қайта туғдирди, шу билан бирга, потенциал мусулмонлар муаммоси ҳам турли хавотирлар туйғусини туғдирмай қўймасди. Украинанинг мустақиллиги Россиянинг бутун панславия дунёсида байроқдор бўлишдек илоҳий вазифаси ҳақидаги даъволарини чипакка чиқарди.

Асрлар мобайнида чор Россиясига тобе бўлиб келган бир асрнинг тўртдан уч қисми мобайнида Совет Иттифоқи тасарруфида бўлган ҳудудда эндиликда ўн иккита давлат майдонга келди. Уларнинг кўпчилиги (Россиядан ташқари) ҳали чинакам суверенитет олишга унчалик тайёр ҳам эмас эдилар, бунинг устига бу давлатларда аҳолининг сони ҳам бир-биридан фарқланади: унда 52 миллион аҳолига эга бўлган Украина каби йирик давлат билан бир қаторда аҳолиси 3,5 миллион кишини ташкил қилувчи Арманистон ҳам бор. Улар кўп ҳам яшашга қобил эмасдай кўринарди, шу билан бирга Москванинг янги воқеликка доимо мослашишга тайёрлиги ҳам оқибатини аввалдан кўра билиш қийин бўлган воқеалар сирасига кирарди. Руслар бошидан кечирган тарихий ҳанг-манглик яна шу билан кучайдики, русийзабон 20 миллион одам ҳозирги пайтда доимий равишда хорижий давлатлар ҳудудида истиқомат қилмоқда. Бу жойларда сиёсий ҳокимиятни тобора миллатчилик кайфиятлари кучайиб бораётган кучлар ўз қўлларига олиб олган. Улар ўнлаб йиллар мобайнида давом этган озми-кўшми мажбурий руслаштириш сиёсатидан кейин ўзларининг миллий ўзига хосликларини қарор топдиришга аҳд қилган. Россия империясининг ҳалокати Евросиёнинг қоқ марказида кучлар борасида бўшлиқни вужудга келтирди. Заифлик ва парокандалик нафақат янги, эндигина мустақиллик йўлига қадам қўйган давлатларгагина хос эди, балки Россиянинг ўзида ҳам бу ларзали ҳодисалар жуда жиддий таназзулни туғдирди. Бу таназзул - “бугун тизимни ларзага солди, унинг таъсири, айниқса, сиёсий тўнтариш ёнига совет жамиятидаги эски ижтимоий-иқтисодий моделни кунпаякун қилишга уриниш қўшилганда янада кучлироқ сезилди. Миллат жароҳати Россиянинг Тожикистондаги можароларга ҳарбий аралашуви тўғрисида янада кучайди. Бундай аралашув эндигина мустақиллик йўлига қадам қўйган янги давлатни мусулмонлар босиб олиб қўймасмикин деган хавотир ҳам туғдирди. Аммо бундан ҳам ортиқроқ даражада вазият Россиянинг Чеченистонда ҳам сиёсий жиҳатдан, ҳам иқтисодий жиҳатдан фожеона, қонли, ҳаддан ташқари қимматга тушган мағлубияти билан янада кескинлашди. Аммо масаланинг энг оғриқли жиҳати - Россиянинг халқаро майдонда обрўи анча-мунча пасглаб кетганини идрок этиш эди. Бир вақтлар жаҳон миқёсидаги иккита энг қудратли давлатдан бири бўлган Россия бугун сиёсий доираларда кўшлар томонидан шунчаки “учинчи дунёнинг” минтақавий давлати сифатида баҳоланмоқда. Тўғри, у ҳали ҳам каттагина миқдордаги ядровий арсеналга эга, лекин бу арсенал тобора кўпроқ эскириб бормоқда.

Вужудга келган геополитик бўшлиқ Россиядаги ижтимоий таназзул қўламига

боғлиқ равишда кўпая борди. Коммунистик бошқарув чораккам бир аср мобайнида Россия халқларига мислсиз биологик зарар етказди. Жуда катта миқдордаги юксак истеъдодли ва кўлидан иш келадиган одамлар ГУЛАГ лагерларида ўлдириб юборилди ёки бедарак йўқолди. Уларнинг сони миллионларни ташкил қилади. Шунингдек, мамлакат биринчи жаҳон уруши йилларида катта талафот кўрди, давомли фуқаролар уруши йилларида беҳисоб қурбонлар берди, иккинчи жаҳон уруши йилларида кўпгина муҳожирликлар ва ваҳшийликларни бошидан кечирди. Ҳукмрон коммунистик кучлар бутун мамлакатта зўрлаб кишини бўғадиган ортодоксал назарияларни сингдирарди, бунинг устига уни бутун дунёдан ажратиб ташлади. Мамлакатнинг иқтисодий сиёсати замоннинг экологик муаммоларига мутлақо бефарқ қараган ҳолда олиб борилар эди. Бунинг натижасида теварак-атрофдаги муҳит ҳам анчагина зарар кўрди, одамларнинг саломатлиги ҳам ёмонлашди. Россиянинг расмий статистик маълумотларига қараганда 90-йилларнинг ўртасида янги туғилаётган чақалоқларнинг фақат 40 фоизгина соғлом туғилар экан, Россия мактабларида биринчи синфда ўқийдиган ё ҳамма болаларнинг 20 фоизи ақлий жиҳатдан ривожланишда орқада қолар экан. Русларнинг ўртача яшаш муддати 57,3 ёшга тушиб қолди, бундан ташқари, руслар ўртасида туғилишга қараганда ўлиш кўпроқ. Россиядаги ижтимоий шароитлар “учинчи дунёда”ги ўртача тоифадаги давлатликка мос келади.

Шу аср мобайнида рус одамлари бошига гоётада катта азоб-уқубатлар ва изтироблар тушди. Маданийлашган тарзда нормал ҳаёт кечириш имконига эга бўлган локал битга рус оиласини бемалол топиш анча мушкул иш. Куйидаги ҳодисаларнинг ижтимоий оқибатларини кўриб чиқайлик.

х) 1905 йилдаги Россия учун таҳқирли мағлубият билан тугаган рус-япон уруши;
х) турли шаҳарлар ҳудудларида сон-саноксиз зўравонликларни туғдирган 1905 йилдаги “пролетар” инқилоби;

х) 1914-1917 йиллардаги миллионлаб одамларнинг қурбон бўлишига ва иқтисодиётдаги кўп сонли қоида бузишларга сабаб бўлган биринчи жаҳон уруши;

х) 1918-1921 йиллардаги фуқаролар уруши. У ҳам яна бир неча миллион одамнинг ёстигини қурутган ва бутун мамлакатни қон-қақшатган;

х) Россиянинг мағлубияти билан тамом бўлган, 1919-1920 йиллардаги Россия-Польша уруши;

х) 20-йиллар бошида ГУЛАГ тизимини барпо этиш. Бунинг ёнига инқилоб арафасидаги зиёлилар вакиллариини маҳв этилиши ва уларнинг Россиядан оммавий қочишини қўшиш керак;

х) 30-йилларнинг боши ва ўрталарида амалга оширилган саноатлаштириш ва колхозлаштириш жараёнлари. Улар ҳам Украина ва Қозоғистонда оммавий очликни вужудга келтирди ва миллионлаб одамларнинг умрига зомин бўлди;

х) 30-йилларнинг ўрталари ва охирида амалга оширилган “улуғ тозалаш ва қирғин-барот”. Бунда миллионлаб маҳбуслар меҳнат лагерларига қамалган, миллиондан ортиқ одам отиб ташланган, бир неча миллионлаб одам шафқатсиз муомала натижасида нобуд бўлган;

х) 1941-1945 йиллардаги иккинчи жаҳон уруши. Бу урушда бир неча миллионлаб ҳарбийлар ва фуқаролар ҳалок бўлди. Уруш иқтисодиётта жуда катта вайронликлар келтирди;

х) 40-йилларнинг охирида Сталин қирғин-баротининг такрорланиши натижасида яна оммавий қамашлар ва қатллар бошланди;

х) 40-йилларнинг охирида бошланган ва 80-йилларнинг охиригача давом этган Кўшма Штатлар билан ўтган 44 йиллик қуролланиш пойгаси давлатни хароб этган асосий сабаб бўлди;

х) 70-80-йиллар мобайнида Кариб ҳавзасида. Яқин Шарқда ва Африкада мажбурлаб совет ҳокимиятини жорий қилишга уриниш бутун мамлакат иқтисодиётини буткул издан чиқарди;

х) 1979-1989 йиллар давомида Афғонистонда жуда чўзилиб кетган уруш ҳар жиҳатдан мамлакатнинг силласини қуритди;

х) Совет Иттифоқининг қутилмаган ҳалокати, у билан бирга содир бўлган фуқаролар ўртасидаги тартибсизликлар, машаққатли иқтисодий таназзул, Чеченистондаги қонли ва таҳқирли уруш...

Нафақат мамлакат ичидаги таназзул ва халқаро мақомнинг бой берилгани Россияни, айниқса, рус сиёсий доирасини қаттиқ изтиробга солади, балки Россиянинг ўта ноқулай геополитик вазиятга тушиб қолгани ҳам уларни ташвишлантиради. Совет Иттифоқининг емирилиш жараёни оқибатида Фарбда Россиянинг чегаралари тубдан ўзгариб кетди, ўзгарганда ҳам унинг учун ноқулай томонга ўзгарди, унинг геополитик таъсир доираси эса кескин равишда қисқариб кетди. Болтиқбўйи давлатлари 1700 йилдан бери Россиянинг назорати остида бўлиб келган, Рига ва Таллин каби портларнинг қўлдан кетиши Россиянинг Болтиқ

денгизига чиқишини анча чеклаб қўйди. Янги, расман мустақиллик мақомини олган, лекин жуда юқори даражада руслашиб кетган Белорусияда Россия сиёсий жиҳатдан устивор ҳолатини сақлаб қолишга муваффақ бўлган бўлса-да, ҳали бу ерда охир-пировардида нима бўлиши унчалик равшан эмас - бу ерда миллатчилик инфекциялари устун келиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Собиқ Совет Иттифоқи ҳудудларидан ташқарида Варшава шартномаси Ташкилотининг емирилиши шунини билдирадики, Марказий Оврупадаги собиқ сателлитлар (улар орасида Польша биринчи ўринга чиқиб олган эди) жуда тез суръатлар билан НАТО ва Европа Иттифоқи сари рўйиҳушлик билдирмоқдалар.

Бу ишлар ичида энг алам қиладигани Украинадан маҳрум бўлиш бўлди. Мустақил Украина давлатининг пайдо бўлиши нафақат ҳамма россияликларни ўзларининг сиёсий ва этник мансублиklarини қайта ёндрок этишга ундади, балки Россия давлатининг геополитик жиҳатдан жуда катта муваффақиятсизликка учраганини ҳам англатар эди. Украинаниннг мустақиллиги шунингдек, Россияни Қора денгиздаги устиворлик ҳолатидан ҳам маҳрум этди. Бу ерда айниқса, Одесса Ўрта денгиз мамлакатлари билан ва бутун дунё билан савдо-сотиқ ишларини олиб боришда ҳаёт-момот аҳамиятга молик порт вазифасини бажарарди. Украинадан маҳрум бўлиш геополитик жиҳатдан яна шу сабабдан муҳим аҳамиятга эга бўлдики, у Россиянинг геостратегик имкониятларини анча чеклаб қўйди. Россия ҳатто Болтиқбўйи республикаларисиз ва Польшасиз ҳам, Украина устидан назоратини сақлаб қолганда, қатъият билан ҳаракат қилаётган Евросиё империясида ўзининг етакчилик ўрнини сақлаб қолишга ҳаракат қилиб кўриши мумкин эди. Бу империя ичида Москва собиқ Совет Иттифоқининг жанубида ва жануби шарқда яшайдиган нославян халқларни ўз продасига бўйсундириб олмоғи мумкин эди. Аммо 52 миллион нославян аҳолига эга бўлган Украинасиз Москванинг Евросиё империясини тиклаш соҳасидаги ҳар қандай уриниши, афтидан, фақат бир нарсага олиб келиши мумкин эди, холос. Бу интилишлар Россиянинг ўз миллий ва диний манфаатларини ҳимоя қилишга бош кўтарган нославян халқлар билан ўта чигал ва давомли тўқнашувларда Россиянинг ёлғизланиб қолишига ёрдамлашарди. Чеченистон билан бўлган уруш бунинг биринчи мисоли бўлган бўлса ажаб эмас. Қолаверса, Россияда туғилишининг кескин камайиб кетганини ва Ўрта Осиё республикаларида туғилиш борасида бамисоли портлаш рўй бергандай кескин кўпайиш юзага келганини эътиборга олсак, фақат Украинасиз Россиянинг ўзининг ҳукмронлигига асосланган ҳар қандай янги Евросиё давлати ҳар бир йил ўтган сари муқаррар тарзда европачалиги камайиб, осиечалаги ортиб борарди. Украинадан маҳрум бўлиш нафақат марказий геополитик ҳодиса бўлди, балки шунингдек, геополитик катализатор ҳам бўлиб қолди. Айни Украинаниннг хатти-ҳаракатлари - 1991 йилнинг декабрида унинг мустақиллигини эълон қилиш, Беловеж ўрмонидаги жуда муҳим музокараларда Совет Иттифоқини анча эркинроқ бўлган Мустақил Давлатлар Ҳамжамияти билан алмаштириш масаласида қатъий туриш ва, айниқса, Украина заминида жойлаштирилган Совет Армияси қўмондонлигини мажбурий тарзда Украина ҳарбийларининг қўмондонлигига ўтказиш (бу ҳодиса анча ички ҳарбий тўнтаришга ҳам ўхшаб кетарди) - буларнинг ҳаммаси МДҲнинг бироз федераллаштирилган СССРнинг номи ўзгартирилган янги нуҳасига айланиб қолишга йўл қўймади. Украинаниннг сиёсий мустақиллиги Москвани ҳанг-манг қилиб қўйди ва шундай бир ибратга айландики, бошқа совет республикалари аввал ҳайқиброқ бўлса-да, кейинчалик комил ишонч билан ундан намуна олдидлар.

Россиянинг Болтиқ денгизидagi етакчилик маконидан мосуво бўлиши Қора денгизда ҳам такрорланди. Бунга сабаб — Украинаниннг мустақиллик касб этишигига бўлгани йўқ, балки Кавказнинг янги мустақил давлатлари ҳам Туркия учун бир вақтлар бу минтақада бой берган мавқеларини тиклаб олиш имкониятларини кучайтирди. 1991 йилга қадар Қора денгиз Россия учун ўзининг ҳарбий денгиз қудратини Ўрта денгиз районида йўналтирадиган манба бўлиб хизмат қиларди. Лекин 90-йилларнинг ўрталаридан бошлаб, Россия ихтиёрида Қора денгизнинг унча катта бўлмаган энсизгина соҳили қолди. Шунингдек, советлар Қора денгиз флотининг қолдиқларини Қримда жойлаштириш ҳуқуқи масаласида Украина билан олиб борилган музокаралар ҳам охирига етмай, чала қолди. Россиянинг ҳар қанча аччиги келмасин, энди Украина билан НАТОнинг биргаликда ўтказган ҳарбий денгиз ва денгиз десанти бўйича машқларини томошга қилиб туришдан бошқа иложи қолмади. Шунингдек, Россия Туркиянинг Қора денгиз минтақасида кучайиб бораётган ролида ҳам ҳеч нарса қилолмади. Шунингдек, Россия Туркиядан Чеченистондаги қаршилик кучларига самарали ёрдам кўрсатяпти деб гумон қиларди.

Геополитик тўнтариш жануби-шарқий зонада — Каспий ҳавзасида ва Ўрта Осиёда ҳам Россиянинг мақомида юқоридагиларга ўхшаш муҳим ўзгаришларни вужудга келтирди. Совет Иттифоқининг ҳалокатига қадар Каспий денгизи амалда Россиянинг ихтиёридаги қўл эди. Фақат унинг жанубий қисмигига Эрон чегарасида жойлашган

эди. Муस्ताқил ва қатъий миллатчилик руҳи билан сугорилган Озарбайжон (бу республикага шоша-пиша ҳовлиқиб етиб келган Ғарбий нефть инвесторлари унинг мавқеини бирмунча мустаҳкамлади), худди шунга ўхшаган муस्ताқил Қозоғистон ва Туркманистонларнинг пайдо бўлиши билан Россия Каспий денгизи бойликларига даъволик қилувчи бешта давлатнинг биригина бўлиб қолди. Россия бу бойликлардан ўз хоҳишига қўра истаганча истейфода қиламан деб ортиқ комил ишонч билан иш юрита олмасди.

Ўрта Осиёда муस्ताқил давлатларнинг пайдо бўлиши Россиянинг жануби-шарқий чегараларининг баъзи бир жойларда шимолӣ йўналишда минглаб миляга қисқариб кетишини англатар эди. Янги давлатлар ҳозирги пайтда минерал ва энергетик бойликлар чиқадиган жойларнинг кўп қисмини назорат қилмоқдалар. Табиӣйки, бу жойлар хорижий инвесторларнинг диққатини жалб қилмай қолмайди. Шу нарса муқаррар бўлиб қолмоқдаки, бу республикаларда нафақат юксак рутбали тоифаларнинг вакиллари, балки орадан кўп ўтмай, оддий одамлар ҳам тобора кўпроқ даражада миллатчилик кайфиятлари билан сугорилиб бормоқда. Афтидан, улар бундан кейин мусулмон динининг таъсирини кўпроқ берилсалар ажаб эмас. Қозоғистон жуда катта табиӣ бойликлар захирасига эга бўлган бепоён мамлакат. Шу бепоён ҳудудда салкам 20 миллион аҳоли яшайди, уларнинг тахминан ярими қозоқ бўлса, ярими славян миллатига мансуб одамлар. Менимча, улар ўртасидаги миллий ва лингвистик келишмовчиликлар кучайиши тамойилига эга қўринади. Тахминан 25 миллион аҳолига эга бўлган Ўзбекистонда аҳоли этник жиҳатдан яқранроқ ҳолатда. Унинг раҳбарияти мамлакатнинг тарихдаги улғурлигига кўпроқ диққатни жалб қилмоқда. Бу республика минтақанинг постколониал мақомини белгилашда тобора фаолроқ бўлиб бормоқда. Туркманистоннинг Россия билан қандайдир тарзда бевосита алоқа қилишига Қозоғистон ҳудуди ҳалақат бериб туради. Бу республика Эрон билан янги алоқаларини фаол ўрнатиб, ривожлантириб бормоқда. Бундан кўзланган мақсад эса жаҳон бозорларига чиқишда Россия тизимларидан ўзларининг аввалги қарамликларини заифлаштиришидир.

Туркия, Эрон, Покистон ва Саудия Арабистонидан мадад олаётган Ўрта Осиё республикалари Россия билан ҳатто фойдали иқтисодий интеграциялар эвазига ҳам ўзларининг сиёсий мустақилликларини чакана сотишни истамаяптилар, ҳолбуки кўпгина руслар ҳамон шунга умидвор бўлиб юришипти. Бу республикаларнинг Россия билан ўзаро муносабатларида жуда оз миқдорда бўлса ҳамки кескинлик ва душманлик нишонлари зуҳур этиши муқаррар, лекин Чеченистон ва Тожикистондаги ноҳус воқеаларни эътиборга олганда, тахмин қилиш мумкинки, воқеаларнинг янада ёмонроқ томонга ривожланиш имкониятини бутунлай соқит қилиб ҳам бўлмайди. Россиянинг бутун жанубий жабҳаси бўйлаб жойлашган мусулмон мамлакатлари билан (улар аҳолисининг сони Туркия, Эрон ва Покистон билан қўшиб ҳисоблаганда 300 миллион кишини ташкил қилади) юз бериши мумкин бўлган низо қирралари руслар учун доимий ташвиш манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ва ниҳоят, совет империясининг емирилиш пайтида Россия, шунингдек, Узоқ Шарқда ҳам янги таҳдидли геополитик вазиятга тўқнаш келди, лекин бу ҳол минтақада на ҳудудий, на сиёсий ўзгаришларни вужудга келтирмеди. Бир неча асрлар мобайнида Хитой Россияга қиёсан олганда лоақал сиёсий ва ҳарбий соҳаларда заифроқ ва қолоқроқ давлат ҳисоблаб келинарди. Ўз мамлакатининг келажагидан ташвишга тушган ва бу ўн йилликдаги кескин ўзгаришлар натижасида саросимага тушиб қолган руслардан ҳеч қайсиси ҳозирги пайтда Хитой ўзгариш ва ривожланиш йўлига кирганига ва бунинг оқибатида Россияга нисбатан ривожланганроқ, ҳаракатчанроқ, фаровонроқ бўлиб қолиши аниқ эканига бепарво қарай олмайди. Хитойнинг иқтисодий қудрати унинг 1,2 миллиардлик аҳолисининг тиниб-тинчимас ғайратига жамланган ҳолда икки мамлакат ўртасидаги тарихий тенгликни жуда жиддий ўзгартирмоқда. Яна шунини ҳам инобатга олмақ керакки, Сибирнинг одам яшамайдиган ҳудудлари гўё хитойларнинг ўзлаштиришига кўз тутиб ётгандай қўринаверади.

Бундай беқарор янги воқелик Узоқ Шарқдаги ҳудудлари масаласида Россиянинг ҳавфсизлик туйғусига таъсир кўрсатмай қолмайди. Россиянинг Ўрта Осиёдаги манфаатлари масаласида ҳам худди шу гапларни айтиш мумкин. Узоқ муддатли истиқбол нуқтани назардан бундай ўзгаришлар Россиянинг Украинадан маҳрум бўлишининг геополитик аҳамиятини янада чуқурлаштириши мумкин. Бундай вазиятнинг Россия учун стратегик оқибатлари тўғрисида посткоммунистик даврда Россиянинг Қўшма Штатлардаги биринчи элчиси, кейинроқ эса Давлат думасида ташқи ишлар бўйича Қўмитанинг раиси бўлган Владимир Лукин жуда яхши айтган эди: “Ўтмишда Россия гарчи Оврўпадан орқада бўлса-да, ўзини Осиёнинг бошида кўрмоқчи эди. Аммо кейин Осиё жуда тез суръатлар билан ривожлана бошлади ва биз ўзимизни ўзимиз “замонавий Оврўпа билан қолақ Осиё ўрталлигида эмас, балки

иккита “Оврўпа” ўртасида алланечук галатироқ бир мавқени эгаллаб турган ҳолда кўрдик.

Хуллас, Россия яқин-яқинларгача жуда катта ҳудудда улуг давлат барпо этган мамлакат эди. У сателлит давлатлар блокиннинг мафкуравий етакчиси эди. Бу блокнинг ҳудудлари Оврўпанинг салкам марказигача етиб борган ва ҳатто бир вақтлар Жанубий Хитой денгизигача чўзилиб кетган эди. Эндиликда у бошдан-оёқ ташвишларга ботган миллий давлатга айланиб қолди. Ҳозир у ташқи дунёга олиб чиқадиган эркин жўғрофий йўлга ҳам эга эмас. Ҳозир у ғарбдаги, жанубдаги ва шарқдаги қўшнилари билан ихтилофда анча ночор аҳволга тушиб қолиши, бу ихтилофлардан азият чекиши ва янада заифлашиши мумкин. Геополитик жиҳатдан фақат шимолӣ кенгликларгина Россия учун бехатар ва хавфсиз макон бўлиб хизмат қилиши мумкин. Лекин у ерларга етиб бориш жуда қийин, у ерлар ҳамisha музлар исканжасида қисилиб ётади, уларнинг устини доимо қор қоплаган. Шимолӣ кенгликлар яшаш учун мос эмас.

ОЛА-ҚУРОҚ ГЕОСТРАТЕГИК МАНЗАРА

Шундай қилиб кўрамизки, Россияда империя қулагандан кейинги даврда тарихий ва стратегик саросимали даврнинг вужудга келиши муқаррар эди. Совет Иттифоқининг кишини лол қолдирадиган даражада тарқаб кетиши ва, айниқса, улуг Россия империясининг одамни ларзага соладиган тарздаги, умуман олганда, кутилмаган емирилиши Россияда янги жараённинг бошланиб кетишига йўл очди. Бу - кенг кўламда қалбни қидириш жараёни эди. Ҳозирги пайтда Россия кенг кўламда тарихий маънода ўзлигини қандай аниқламоғи керак деган масалада қизгин баҳслар бошланиб кетди, шундай масалалар бўйича беҳисоб тарзда оммавий ва хусусий мулоҳазалар майдонга келдики, йирик мамлакатларнинг кўпчилигида бунақа масалалар ҳатто кўтарилмайди ҳам. Мана, ўша масалалар “Россия нима дегани? Қани Россия? Рус бўлмоқ қандай маънони англатади?

Бу саволлар шунчаки назарий саволлар эмас, уларга бериладиган ҳар қандай жавоб жуда муҳим геополитик мазмунга тўла бўлади. Россия миллий давлатми, йўқми? Агар миллий давлат бўлса, унинг асосини фақат руслар ташкил қиладими? Ёки Россия деб таърифланган нарса шу таърифлагидан каттароқми (масалан, Буюк Британияга ўхшаган — у Англиядан каттароқ)? Агар шундоқ бўлса, тақдирнинг ўзи унга империя бўлиши раво кўрганми? Тарихан, стратегик ва этник жиҳатдан Россиянинг ҳақиқий ҳудудлари қанақа? Мустақил Украинани ана шу тарихий стратегик ва этник тушунчалар доирасидаги вақтинча чекиниш деб қарамоқ керакми? (Кўпчилик руслар айнан шундай деб ҳисоблашга мойилдирлар). Рус бўлмоқ учун рус кишиси этник жиҳатдан рус бўлмоғи керакми ёхуд у сиёсий жиҳатдан рус бўлмоғи шарт-у, этник жиҳатдан рус бўлмаса ҳам бўлаверадими? (Яъни “россиялик” деганга тўғри келади. “Британиялик” дегани “инглиз” дегани эмас). Масалан, Ельцин ва яна баъзи бир бошқа руслар чеченларни рус деб ҳисобламоқ мумкин ва ҳатто зарур деб исботлашга уринишган эди (Тўғри, бу жуда хунук оқибатларга олиб келди).

Бундай чалкаш шароитда аввалдан тахмин қилиш мумкин бўлганидек, “Россия қайёқ кетяпти ва “Россия” деганининг ўзи нима?” деган саволга кўплаб хилма-хил жавоблар майдонга келади. Россия ва Евросиёнинг улкан масофалари кўндан бери элитанинг геополитик тарзда фикрлашига кўмак бериб келади. Постимпериалистик ва посткоммунистик Россиянинг биринчи ташқи ишлар вазيري Андрей Козирев янги Россия халқаро майдонда ўзини қандай тутиши кераклигини аниқлаш борасидаги дастлабки уринишларида шундай фикрлаш тарзини тасдиқлаб берган. Совет Иттифоқи емирилгандан кейин бир ой ўтиб улгурмай, у шундай деб ёзган эди: “Халоскорлик даввосидан воз кечиб, биз прагматизм йўлини тутдик. Биз жуда тез фурсат ичида геополитика мафкура ўрнини босар экан деган тушунчага келдик”. Умуман айтганда, Совет Иттифоқининг емирилишига реакция сифатида учта умумий ва бир-бири билан кесинадиган вариант майдонга келди. Буларнинг ҳар қайсиси охир-пировардида Америка билан таққослаганда Россиянинг ўз мақомини тушириб юбормаслик ҳақидаги ташвишлари билан боғланган ва улар баъзи бир ички вариантларга эга. Фикрлашдаги ана шу бир неча йўналиш қуйидагича тасниф қилиниши мумкин:

1. Америка билан “етук стратегик ҳамкорлик”нинг устиворлиги ҳақидаги фикрлар. Бу гоёнинг баъзи бир тарафдорлари назарида аслида бу атама замирида глобал кондоминизм яшириб ётадигандай кўринади.

2. Россиянинг манфаатларини ўзида жамлаган муҳим объект сифатида асосий эътиборни “яқин хорижа” қаратиш. Бунда баъзилар Москванинг устивор ролини таъминлаган ҳолда бирор иқтисодий интеграция моделини жорий қилишни ёқлашади, бошқа бировлар эса қай бир даражада империяга хос назоратни қайта

тиклаш имкониятидан умидвор бўлишади. Улар шу йўл билан Америка ва Оврўпа ўртасидаги мувозанатни сақлаб туришга кўпроқ қобил бўлган давлат тузишни уйлашади.

3. Америкага қарши йўналтирилган Евросиё коалициясига ўхшаган бирор бир аксилальянси барпо этиш. Бу аксилальянс Американинг Евросиёдаги устиворлигини камайтришни мақсад қилиб олади.

Гарчи биринчи ғоя даставвал президент Ельциннинг янги ҳукмдор командаси аъзолари ўртасида устивор бўлган бўлса-да, орадан кўп ўтмай, иккинчи ғоя сиёсий давраларда биринчи ғоядан кейин қисман Ельциннинг геополитик тамойилларининг танқиди сифатида шуҳрат қозонади, учинчи ғоя эса бироз кейинроқ - 90-йилларнинг ўрталарида постсовет Россиясининг геостратегияси аниқ эмас ва ишланаётгани деган кенгайиб бораётган кайфиятларга қарши реакция сифатида вужудга келган эди. Одатда бундай воқеалар тез-тез бўлиб туради - учала вариантнинг ҳаммаси ҳам тарихий нуқтаи назардан анча бесўнақай бўлиб чиқди ва улар ҳозирги Россиянинг қудратига, халқроқ миқёсдаги имкониятларига ҳамда хориждаги манфаатларига анча мужмал ва чалкаш қарашлар асосида юзага келган экан.

Совет Иттифоқи вайрон бўлиши биланоқ, дастлабки пайтларда Ельциннинг қарашларида ҳаммаша ардоқли бўлиб келган, лекин ҳеч қачон тўла муваффақиятга эриша олмаган рус сиёсий фикрининг бир концепцияси ўз инъикосини топган эди. Бу концепция “ғарбпарастлар” томонидан олға сурилган бўлиб, унга кўра, Россия ғарб дунёсига мансуб давлат, бинобарин, у Ғарбнинг бир қисми бўлиши керак ва ўз ривожланишида Ғарбга имкони борича кўпроқ тақдид қилмоғи керак. Бу нуқтаи назарни Ельциннинг ўзи ва унинг ташқи ишлар вазири қўллаб-қувватларди. Шуниси ҳам борки, Ельцин Россиянинг империялик даврларидан қолган меросни ошқора қораларди. Ельцин 1990 йилнинг 19-ноябрида Киевда нутқ сўзлади ва шундай фикрларни олға сурдики, кейинчалик украинлар ва чеченлар бу фикрларни унинг ўзига қарши қаратмоқлари мумкин бўлди. Ельцин бундай деган эди:

“Россия бирон бир янги империяга ўхшаган марказга айланишга интилмайди. Россия бунақа ролнинг ҳалокатли эканини бошқалардан кўра яхшироқ билади, негаки, айни Россия узоқ замонлар давомида шу ролни ўйнаб келган. Бу унга нима берди? Руслар эркинроқ бўлиб қолдиларми? Бахтлироқ бўлдиларми? Тарих бизга ўргатадики, бошқаларга ҳукмронлик қиладиган халқ ҳеч қачон бахтиёр бўлолмайди!”

Ғарб ва, айниқса, Қўшма Штатлар Россиянинг янги раҳбариятига нисбатан онгли равишда дўстона муносабатда бўлди. Бу эса шўролардан кейинги даврлардаги “ғарбпарастларни” Россиянинг ташқи ишлари борасида бирмунча фаол бўлишига далла берди. Уларнинг Америкага мойиллик кайфиятларини анча кучайтирди ва уларнинг қўйинини пуч ёнғоққа тўлдирди. Янги раҳбарлар дунёда ягона бўлган ўта қудратли давлатнинг сиёсатини шакллантирувчи олий рутбали мансабдор шахслар билан яқин бўлганларидан манмансираб кетдилар ва улар осонгина чалғиб, “ўзимиз ҳам ўта қудратли давлатнинг раҳбарларимиз” деган фикрга келишди. Америкаликлар Вашингтон билан Москва ўртасида “етук стратегик шерикчилик” ҳақидаги широрни муомалага киритишганда, русларга шундай туюлдики, гўё бу билан аввалги даврлардаги рақобатчилик ўрнига келган янги демократик Америка-Россия кондоминумига оқ фотиҳа берилди.

Бу кондоминиум кўламига кўра глобал бўлади. Шу тариқа Россия нафақат собиқ Совет Иттифоқининг ҳақ-ҳуқуқлар борасида қонуний вориси бўлади, балки де-факто (амалда) дунёни том маънода тенглик асосида қайта қуришда шерик ҳам бўлади. Бунинг оқибатида Россия раҳбарлари қўйидаги фикрни зўр бериб олға суришда давом этдилар: Россиянинг бунақа тенг ҳуқуқли шериклиги нафақат дунёнинг бошқа мамлакатларидан Россияни Америка билан тенг қўришни талаб қилади, балки биронта глобал муаммо Россиянинг иштирокисиз муҳокама ҳам қилинмайди ёки унинг ижозатисиз ҳал ҳам қилинмайди. Гарчи бу тўғрида ошқора гаширилмаса-да, бу хомхаёлга бошқа бир нуқтаи назар қўшилиб кетди. Бу нуқтаи назарга кўра, Марказий Оврўпа мамлакатлари қай бир йўсинда бўлмасин, сиёсий жиҳатдан Россияга жуда яқин минтақа бўлиб қолмоқлари ёки қолишга қарор қилмоқлари керак бўлади. Варшава шартномасининг ва УИЁҚ нинг тарқатиб юборилиши уларнинг собиқ аъзоларини НАТОга ва ёки ҳатто фақат Оврўпа Иттифоқига жалб бўлишларига олиб келмаслиги зарур.

Бу орада Ғарбнинг берадиган ёрдами Россия ҳукуматида мамлакат ичкарисиди ислоҳатлар ўтказишга, давлатнинг иқтисодиётга аралашмаслигига, демократик институтларни мустаҳкамлаш учун шароит яратиб беришга имкон беради. Россия томонидан иқтисодиётнинг тикланиши, унинг Американинг тенг ҳуқуқли шериги сифатидаги махсус мақоми ва унинг шунчаки жозибадорлиги яқинда ташкил топган мустақил давлатларни Россия билан яқиндан мулоқотда бўлишига ундайди. Бу давлатлар ўзларининг хавфсизликларига таҳдид солмаётгани учун Россиядан

миннатдор. Улар Россия билан иттифоқда бўлишнинг фойдали томонларини тобора кўпроқ англаб борадилар. Шунинг учун ҳам у билан иқтисодий муносабатга киришадилар, кейин эса сиёсий интеграция ҳам амалга оширилади. Шу тариқа бу мамлакатнинг ҳудудлари кенгайиб боради ва унинг қудрати янада кучаяди.

Масалала бундай ёндашувнинг муаммоли жиҳати шундаки, у ташқи сиёсий ва ички сиёсий реализмдан маҳрум. Гарчи “етук стратегик шерикчилик” концепцияси қулоққа яхши эшитилиб, кўзга ёқимли қўринса-да, аслида, у кишини алдаб қўйиши мумкин. Америка ҳеч қачон қурраи заминдаги ҳукмдорликни Россия билан баҳам кўриш ниятида бўлган эмас, ва мабодо буни хоҳлаганда ҳам бундай қила олмас эди. Янги Россия ҳалдан зиёд заиф эди. У 75 йиллик коммунистик бошқарув оқибатида ҳалдан зиёд талон-торож бўлган ва ижтимоий жиҳатдан ҳалдан зиёд қолоқ бир аҳволда эди. Шунинг учун у Американинг дунёдаги ҳамкори бўла олмайди. Вашингтоннинг фикрича, Германия, Япония ва Хитой ҳам кам даражада аҳамиятли эмас. Қолаверса, Оврўпада, Яқин Шарқда ва Узоқ Шарқда Американинг миллий манфаатлари ҳудудига кирадиган баъзи бир марказий геостратегик масалалар бўйича Америка ва Россиянинг интилишлари бир-биридан анча узоқ туради. Сиёсий қувват соҳасидаги, молиявий сарф-харажатлар, технологик янгиликлар ва маданий жозибадорлик борасидаги тафовутлар сабабли муқаррар тарзда ихтилофлар чиқа бошлаши биланоқ “етук стратегик шерикчилик” ғояси суъбий ва шиширилган бўлиб кўрина бошлади ва бу Россияни алдаш учун атайин ўйлаб чиқарилган деб ҳисоблай бошладим.

Эҳтимол, бундай кўнгилсизликларни четлаб ўтиш ҳам мумкин эди, аммо бунинг учун Америка аввалроқ - Америка-Россия муносабатларининг “асал оийи” кечаётган даврда НАТОни кенгайтириш концепциясини қабул қилмоғи керак эди ва муайян тарзда Россияга шундай бир битишувни таклиф қилмоғи шарт эдики, “ундан воз кечишнинг сира иложи бўлмасин”, яъни Россия билан НАТО ўртасида алоҳида ҳамкорлик муносабатларини жорий қилмоғи шарт эди. Агар Америка аниқ-равшан тарзда қатъият билан альянсни кенгайтириш концепциясини қабул қилса ва бунда Россиянинг ҳам қай бир тарзда шу жараёнга жалб қилинишини таъкидлаганида, афтидан, кейинчалик Москвада пайдо бўлган “етук шерикчилик” ғоясидан кўнгилсизлик туйғусини четлаб ўтиш, шунингдек, Кремлдаги “ғарбпарастлар”нинг сиёсий мавқеларининг тобора заифлашиб бораётганининг олдини олиш мумкин бўларди.

Бундай қилишнинг энг қулай вақти 1993 йилнинг иккинчи ярими эди. Ўшанда август ойида Ельцин Польшанинг трансатлантик альянсга қўшилишга интилиши “Россия манфаатлари”га зид келмайди деган фикрни баён этганди. Ўшанда темирни қизигида босиш ўрнига Клинтон маъмурияти ҳамон “Россияни афзал кўриш” сиёсатини олиб боришда давом этди ва яна икки йил давомида тараддудланиб юриди, бу вақт ичида эса Кремль “қўшиғини ўзгартириб олди” ва НАТОни кенгайтириш борасидаги Американинг энди туғилиб келаётган, лекин ҳали унча қатъий бўлмаган ниятларини тобора кучлироқ тарздаги душманлик руҳи билан қарши ола бошлади. 1996 йилда Америка НАТОни кенгайтиришни янада йирикроқ ва янада хавфсизроқ евроатлантик ҳамжамият барпо қилиш борасидаги ўз сиёсатининг марказий вазифасига айлантиришга қарор қилди. Руслар буни ўта нохушлик билан қарши олишди. Бинобарин, 1993 йилни бой берилган тарихий имкониятлар йили деб ҳисоблаш мумкин.

Россиянинг НАТОни кенгайтириш борасидаги ҳамма хавотирлари ҳам қонуний асослардан маҳрум эмаслигини тан олмаслик мумкин эмас. Бундай муносабат ҳамма вақт ҳам Россиянинг гайирлигидан туғилган эмас. НАТОни кенгайтириш ғоясининг баъзи бир душманлари ва, ўз-ўзидан аёнки, айниқса, Россиянинг ҳарбий доираларидаги одамлар совуқ уруш даврининг менталитетидан фойдаланишди ва НАТОнинг кенгайтирилишини Оврўпа тараққиётининг ажралмас қисми сифатида қабул қилишмади, балки Америка раҳбарлигидаги ва ҳамон душманлик руҳидаги альянснинг Россия ҳудудларига яқинлашиши деб қарадилар. Россиянинг ташқи сиёсат соҳасидаги раҳбариятининг баъзи бир вакиллари (уларнинг кўпчилиги аслида собиқ шўролар давридаги мансабдор одамлар эди) бир замонлардаги геостратегик нуқтаи назарга ёпишиб олганлар. Бу нуқтаи назарга кўра, Евросиёда Америкага ўрин йўқ ва НАТОни кенгайтириш кўп жиҳатдан Американинг ўз таъсир доирасини кенгайтириш хоҳиши билан боғлиқ. Қай бир даражада уларнинг муҳолифлиги кўнгилларидаги бир орзу-умид билан боғланган. Бу орзу шундан иборатки, Россия “тузалиб қолганда”, Марказий Осиёнинг ҳеч ким билан боғлиқ бўлмаган мамлакатлари бир кун келиб Москванинг геополитик таъсири доирасига қайтади.

Бироқ Россиянинг кўпгина демократлари шунингдек, НАТОнинг кенгайтирилиши Россиянинг Оврўпадан ташқарида қолишини англатади, Россия сиёсий жиҳатдан ёлғизланиб қолади ва уни Оврўпа цивилизацияси институтларига аъзо бўлишга арзитишмайди деб хавотир олишди.

Маданий хавфсизликнинг йўқлиги сиёсий хавотирларнинг янада кучайишига сабаб бўлди. Натижада НАТОнинг кенгайиши Ғарбнинг Россияга нисбатан юритган сиёсатининг авж нуқтасидай қилиб кўрсатди. Маълумки, бу сиёсат Россияни ёлғизлантириб қўйишга ва шу йўл билан уни турли-туман душманлари қаршисида ожизлантириб қўйишга йўналтирилган эди. Бундан ташқари, Россия демократлари на Марказий Оврўпа аҳолисининг Москванинг ярим асрдан ортиқроқ давом этган ҳукмронлигидан норозилигини, на уларнинг йирикроқ Евроатлантик тизимнинг узвий қисми бўлиш хоҳишини тушунмади.

Бошқа томондан олганда, Россия “ғарбпарастлари”нинг на кўнгиллари қолишининг, на заифлашишининг олдини олиб бўлмас эди. Ўз-ўзича олганда унча аҳил бўлмаган Россиянинг янги элитаси ва қатъий геостратегик раҳбарликни таъминлашга қодир бўлмаган президент билан унинг ташқи ишлар вазири янги Россиянинг Оврўпада нима истагини аниқ-равшан белгилай олмади, худди шунингдек, Россиянинг заифлиги билан боғлиқ бўлган мавжуд маҳдудликларни ҳам ҳаққоний тарзда баҳолай олмади. Узлуксиз сиёсий олишувлар билан банд Россия демократлари демократик Россиянинг трансатлантик демократик ҳамжамиятининг кенгайтирилишига қарши эмаслигини ва ўзи ҳам унга кириш истагида эканини ладиллик билан баралла айтишга ўзини ўзи мажбур қила олмади. Дунёда Америка билан бир хил мақомга эга бўлиш иштиёқи сиёсий элитанинг бир ғоядан воз кечишини қийинлаштирди. Бу - нафақат собиқ Совет Иттифоқи ҳудудида, балки Марказий Оврўпанинг собиқ сателит давлатларига нисбатан ҳам Россиянинг имтиёзли геополитик ҳолати ҳақидаги ғоя эди.

Шароитнинг бундай тус олиши миллатчиларга ва милитаристларга қўл келиб қолди. 1994-йилда яна миллатчиларнинг овози кўтарилиб қолди, милитаристлар эса бу вақтга келиб, мамлакат ичарисидида Ельциннинг муҳим танқидий тарафдорлари бўлиб олишганди. Уларнинг Марказий Оврўпа мамлакатларининг орзу-умидларига муносабати борган сари кескинлашиб, таҳдидли тус ола бошлади. Бу эса собиқ сателит мамлакатларнинг қарорини янада мустақамлади. Улар ўзларининг Россия ҳукмронлигидан вақтинчагина халос бўлишганини яхши билишди ва шунинг учун НАТО қаноти остида бехатарроқ паноҳ топишни орзу қилишарди.

Москва билан Вашингтон ўртасидаги жарлик Кремлнинг Сталин томонидан фатҳ этилган ҳамма ҳудудлардан воз кечишни истамаганлиги янада чуқурлаштирди. Ғарб жамоатчилигининг афкор оммаси ва, айниқса, Скандинавия мамлакатларидаги, шунингдек, Қўшма Штатлардаги жамоатчилик фикри Болтиқбўйи республикаларига нисбатан Москванинг мужмал муносабати вазидан анча ташвишда эди. Россия раҳбарияти уларнинг мустақиллигини тан олди ва уларни МДҲга аъзо бўлишга мажбур қилмади. Аммо Россиянинг демократик кайфиятдаги раҳбарлари ҳам Сталин ҳукмронлик қилган замонларда бу мамлакатларга атайин олиб бориб жойлаштирилган қўшлаб рус аҳолиси учун турли имтиёزلарга эришмоқ мақсадида вақт-вақти билан дўқ-пўписалар қилиндан ўзларини тиймадилар. Кремл Германия билан Совет Иттифоқи ўртасида 1939 йилда тузилган махфий битимни бекор қилишни истамаганини атайин ҳаммага кўз-кўз қилди ва бу шароитни янада мушкуллаштиришга олиб келди. Бу махфий шартнома Болтиқбўйи республикаларини мажбурий тарзда Совет Иттифоқига қўшиб олишга йўл очган эди.

Шўродан кейинги Россия элитаси очикдан-очик Ғарбнинг шўродан кейинги ҳудудда Россиянинг етакчилик ролини тиклашга ёрдам беради ёки жила бўлмаса, бунга ҳалақит бермайди деб қутган кўринади. Шунинг учун ҳам шўро замонидан кейин яқинда мустақиллик олган мамлакатларга ўзларининг янги тарздаги сиёсий ҳаётларида барқарор оёққа туриб олишларига Ғарбнинг ёрдам бермоқчи бўлгани Россия элитасини даргазаб қилди. Ҳатто “Қўшма Штатлар билан ошқора низолардан қочган маъқул” деб огоҳлантирилганда ҳам АҚШнинг олий сиёсати масалалари билан шуғулланувчи юксак рутбали Россия сиёсатчилари бир нарсани исбот қилишга уринишади. Уларнинг фикрича, “Қўшма Штатлар жамаки Евросиё бўйлаб, давлатларо муносабатларни қайта ташкил қилишга эришмоқни кўзлайди... Бунинг оқибатида улар қитъада биронта ҳам етакчи давлат бўлмадлигини, аксинча, кўпгина ўртача, нисбатан барқарор ва қуввати ҳам ўртача давлатлар бўлмоғини хоҳлашади. Бироқ бу давлатлар айрим-айрим олганда ҳам, ҳаммасини қўшиб олганда ҳам, албатта, Қўшма Штатларга қийсан олганда анча заифроқ бўлмоқлари шарт”. Бундай мулоҳазаларни олга сурадиган Россия сиёсатчилари ҳаммавақт ҳам хато қилган деб бўлмайди.

Бу жиҳатдан Украина бениҳоя муҳим аҳамиятга эга бўлди. АҚШнинг Америка-Украина муносабатларига алоҳида устивор характер беришга мойиллиги ва яқинда эришган миллий эркинлигини сақлаб қолишга ёрдам беришга интилиши Москвадаги кўпгина сиёсатчилар томонидан ва ҳатто “ғарбпарастлар” томонидан ҳам Россия учун ҳаёт-момот аҳамиятига молик бўлган, охир-пировардида Украинани умумий

ётоққа қайтариш билан боғлиқ бўлган манфаатларга дахл қилувчи сиёсат сифатида қаралди. АҚШнинг бундай майллари, айниқса, 1994 йилга келганда анча кучайган эди. Вақти-соати келиб, Украина қай бир тарзда бўлмасин яна “асл аҳволига қайтади” деган ишонч Россиянинг кўпгина юксак мартабали сиёсатчиларининг бугунги этиқодларида марказий ўрин тутаяди. Украинанинг мустақил мақоми масаласидаги Россиянинг геополитик ва тарихий шубҳа-гумонлари оқибатида АҚШнинг империалистик майлларга эга бўлган Россия демократик мамлакат бўлаолмайди деган нуқтаи назари билан тўқнаш келди.

Бундан ташқари соф ички далиллар ҳам бор эдики, уларнинг натижасида иккита “демократия” ўртасидаги “етук стратегик шериклик” хомхаёл бўлиб чиқди. Коммунистик бошқарув оқибатида Россия ҳаддан зиёд заифлашга қолган ва талон-торож қилинган эди. Шунинг учун у Қўшма Штатларнинг яшашига қобил демократик шериги бўлишга ярамас эди. Ва бу асосий ҳақиқатни шерикчилик ҳақидаги баландпарвоз сафсаталар яшириб кета олмас эди. Бундан ташқари шўролардан кейинги Россия ўтмиш билан алоқасини қисмангина узган эди, холос. Россиянинг деярли ҳамма “демократик” етакчилари - ҳатто улар ўтмишдаги шўролар тузумидан чин юракдан кўнгилсиз бўлиб қолган бўлсалар-да, нафақат совет тузумида тарбия кўриб кетишган эдилар, балки ўтмишда ҳукмрон элитанинг юксак мартабали аъзолари бўлган одамлар эди. Улар ўтмишда худди Польша ёхуд Чехия республикасидаги каби диссидентлар бўлган эмас. Шўро ҳокимиятининг руҳан пароканда аҳволдаги кошумшия ботқоғига ботган ҳамма муҳим институллари гарчи заифроқ шаклда бўлса-да, сақланиб қолди. Бу воқеликнинг рамзи, коммунистик ўтмишнинг исканжалари ҳамон улоқтириб ташланмаганининг рамзи - Москванинг тарихий марказидир - у ерда ҳамон Ленин мавзолейи қимир этмасдан ўз ўрнида туришти. Баайни қиёс қилинганки, напистлардан халос бўлган Германияда ўрта бўғинга мансуб собиқ напист “таулайтерлари ҳукмронлик қилади, улар оғизларини тўлдириб, демократик шиорларни айтишади ва айни чоғда Берлиннинг қоқ ўртасида Гитлернинг мавзолейи қандай турган бўлса, шундай тураверади. Россиядаги иқтисодий таназзулнинг қўланкаларининг ўзи янги демократик элитанинг заифлигини янада кучайтирди. Иқтисодиётдан давлатни мосуво қилиш йўлида кенг ислоҳотлар ўтказиш зарурияти Фарблан, айниқса, АҚШдан бериладиган ёрдамга ҳаддан ташқари катта умид боғлашга олиб келди. Бу ёрдам, айниқса, Германия ва АҚШ томонидан берилган ёрдам аста-секин ҳар қанча катта харжларни ташкил қилмасин, ҳатто жуда қулай шароитлар бўлган тақдирда ҳам, барибир, иқтисодий кўтарилишнинг тез суьратларини таъминлай олмас эди. Натижада юзага келган ижтимоий норозилик ҳафсаласи шир бўлган танқидчилар доирасининг кенгайишида кўшимча омил бўлди. Улар Қўшма Штатлар билан шерикчилик алдовдан ўзга нарса эмас эди, у АҚШ учун фойдали бўлган, Россияга эга катта зарар келтирган дея жар сола бошлашди.

Хуллас калом, Совет Иттифоқи емирилган дастлабки йилларда глобал тарздаги самарали шерикчилик учун на объектив, на субъектив шароит йўқ эди. Демократик кайфиятдаги “ғарбпараст”лар жуда кўп нарсани хоҳлар эдилар-у, лекин қўлларидан жуда оз нарса келди. Улар АҚШ билан тенгҳуқуқлилик асосида шерикчилик қилишни истар эдилар; улар МДҲ ичида нисбатан эркин ҳаракат қилишни хоҳлашарди ва геополитик нуқтаи назардан “ҳеч кимга қарашли бўлмаган” Марказий Оврўпада ҳам бемалол ҳаракат қилмоқни орзу қилишарди. Аммо совет тарихига мужмал муносабат, глобал ҳокимиятга қарашда реализмнинг йўқлиги, иқтисодий таназзулнинг чуқурлиги ва жамиятнинг ҳамма табақаларида ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг йўқлиги уларнинг барқарор ва том маънодаги демократик Россияни барпо этаолмасликларидан далолат берарди. Ҳолбуки, “тенгҳуқуқли шериклик” концепцияси айни ана шундай Россия мавжуд бўлишини тақозо қилади. Россия узоқ давом этадиган сиёсий ислоҳотлар жараёнини бошидан кечирмоғи керак, кейин демократиянинг барқарорлаши жараёнидан ўтмоғи лозим - бу жараён ҳам анча давомли бўлади, шундан сўнг янада давомлироқ ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар жараёни ўтилиши лозим. Шундан кейин империяпарастлик тафаккурдан миллий тафаккур томон анча жиддий қадам қўймоққа жаҳд қилмоқ зарур. Бу миллий тафаккур на фақат Марказий Оврўпадаги, балки ва, айниқса, балки собиқ Россия империяси ҳудудидаги янги геополитик воқеликни ҳам ҳисобга олмоғи лозим. Ана шундан кейингина Америка билан шерикчилик қилиш шароит ривожининг чиндан-да амалга оширса бўладиган геополитик вариантга айланади. Бундай шароитда “яқин хориж”га муносабатнинг устивор қўйилиши ғарбпараст кучларнинг танқидидаги асосий унсур бўлиб қолганида, шунингдек, илк ташқи сиёсат бобида бир муҳим йўл бўлиб қолганида ҳайрон қоладиган ҳеч нарса йўқ. У шундай бир далилга асосландики, унга кўра, “шерикчилик” концепцияси Россия учун ўта муҳим бўлган бир ҳолатга, аниқроқ айтганда, унинг собиқ совет республикалари билан муносабати масаласига этиборсиз қарайди. “Яқин хориж” муайян сиёсатни ҳимоя қилувчи мухтасар ибора

бўлиб қолди. Бу сиёсатда асосий эътибор бир вақтлар Совет Иттифоқи эгаллаб турган ҳудуддаги геополитик майдон доирасида бошида Москва турган ва қарорлар қабул қилишга қодир бўлган яшовчан тизим яратиш заруриятига қаратилган. Ана шу дастлабки шарт-шароитни инобатга олиб, жамиятнинг кенг қатламлари бир тўхтамага келишди. Бунга кўра, ҳамма диққатни Ғарбга ва, айниқса, АҚШга қаратиш сиёсати кам фойда келтиради, ҳолбуки, жуда қиммат туради. У Ғарб учун Совет Иттифоқининг емирилиши билан вужудга келган имкониятлардан фойдаланишни енгиллаштирди.

Аммо “яқин хориж” концепцияси шундай бир соябон эдики, унинг тагига бир қанча турфа хил геополитик концепциялар тўпланиши мумкин эди. Бу концепция ўз байроғи остига бир қанча иқтисодий функционализм ва детерминизм тарафдорларини тўшлади. Улар орасида “ғарбпарастлар” ҳам бор эди. Улар МДХнинг Оврўпа Иттифоқининг Москва раҳбарлигидаги варианты томон юксалишига ишонар эдилар. “Яқин хориж” концепцияси байроғи остига иқтисодий интеграцияда империяни тиклаш қуролинигина кўрадиланлар ҳам йиғилган эди. Бу қурол ё МДХ “соябони” остида ишланиши мумкин эди ёхуд 1996-йилда Россия билан Белорусия, сўнгра Россия, Белорусия, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида тузилган махсус битимлар доирасида фаолият кўрсатмоғи мумкин эди. Бунга романтик-славянпарастлар ҳам тарафдор эдилар. Улар Россия, Украина ва Белорусия ташкил қиладиган “Славян иттифоқи”ни ёқлаб чиқишган. Ниҳоят, яна бир гуруҳ бор эдики, улар қай бир даражада милтиқ характерга эга бўлган тасаввурлар тарафдори эдилар. Бу тасаввурларга кўра Евросийлик Россиянинг доимий тарихий миссиясидаги асосий белгилардан бирини ташкил қилади.

Унинг энг тор маъносида “яқин хориж”га муносабатдаги устиворлик жуда маъқул таклифларни ўз ичига оларди - Россия аввал яқинда ташкил топган мустақил давлатларга муносабат масалаларида ўз хатти-ҳаракатларини жамламоғи керак. Бунинг алоҳида сабаби шундаки, уларнинг ҳаммаси ҳам ўзаро иқтисодий қарамликларини рағбатлантирувчи совет сиёсати томонидан махсус қўллаб-қувватланган амалийлар орқали Россияга боғлиқ ҳолатда қолиб келмоқда эди. Бу ҳам иқтисодий, ҳам геополитик маънога эга. Россиянинг янги раҳбарияти тез-тез тилга олиб турадиган “умумий иқтисодий муҳит” шундай бир амалий эдики, яқинда ташкил топган мустақил давлатларнинг бошлиқлари унга беписанд қарашлари мумкин эмас эди. Кооперациялашиш ва ҳатто қай бир даражадаги интеграциялашиш жуда қатъий иқтисодий зарурат эди. Шундай қилиб, МДХ мамлакатлари учун муштарак институтлар барпо этишга ёрдам бериш, шу тарихқа Совет Иттифоқининг сиёсий емирилиши туфайли туғилган иқтисодий дезинформация ва иқтисодий парчаланаш жараёнига тўсиқ қўйиш шунчаки нормал бир ҳол эмас, балки анча-мунча зарурат ҳам эди. Шу тарихқа, баъзи бир руслар учун иқтисодий интеграцияга кўмаклашиш рўй берган ҳодисага функционал таъсирчан ва сиёсий жиҳатдан маъсулиятли реакция эди. Тез-тез Европа иттифоқи билан СССР емирилгандан кейинги вазият ўртасида таққослар қилиб турилди. Иқтисодий интеграциянинг энг муътадил тарафдорлари томонидан империяни тиклаш гоёлари қатъиян рад этилди. Масалан, 1992 йилнинг август ойидаёқ Ташқи ва мудофаа кенгаши томонидан эълон қилинган “Россия учун стратегия” деган муҳим докладда бир гуруҳ таниқли шахслар ва юксак мартабали давлат арбоблари “маърифатли постимпериалистик интеграция”ни анча-мунча пухта далиллар билан постсовет иқтисодий муҳити учун энг тўғри ҳаракат дастури сифатида ҳимоя қилинган эди. Бироқ “яқин хориж”га уруғ бериш - минтақавий иқтисодий ҳамкорликда сиёсий жиҳатдан беозор доктрина бўлган эмас. Унинг геополитик мазмуни замирида империяпарастлик майли бор эди. ҳатто 1992 йилда қилинган анча-мунча муътадил бўлган маърузада ҳам қаддини тиклаб олган Россия ҳақида гапирилади. Бу Россия, - дейилади маърузада, - охир-пировардида Ғарб билан стратегик шериклик ўрнатади, бу шерикликда “Россия “Шарқий Оврўпадаги, Ўрта Осиёдаги ва Узоқ Шарқдаги шароитни бошқариб боради. Бу устивор ташкилнинг бошқа тарафдорлари анча беҳаёроқ қизиқ қолишди. Улар уялмай-нетмай, очиқчасига постсовет муҳитида Россиянинг “фавқулудда роли” тўғрисида жар солдилар ва Ғарбни Россияга қарши сиёсат юритишда айблашди. Ғарб бу сиёсатни Украинага ва яқинда ташкил топган бошқа мустақил давлатларга ёрдам бериш йўли билан амалга ошираётган экан.

Гарчи унчалик галвали бўлмасда бунинг типик мисолини Ю.Анбарцумовнинг мулоҳазаларида кўриш мумкин. 1993 йилда у ташқи ишлар бўйича парламент кўмитасининг раиси эди. Ўша кезларда у шериклик гоёсининг устиворлиги тарафдори эди. У солиқ совет ҳудуди фақат ва фақат Россиянинг геополитик таъсир доирасини ташкил қилади деб астойдил исботлашга уринди. Авваллари ғарб билан шерикчилик устиворлигининг гайратли тарафдори, Россиянинг ташқи ишлар вазири Андрей Козирев 1994 йилнинг январидан уни қўллаб-қувватлади. У шундай деди: Россия

“юзлаб йиллар мобайнида ўзининг таъсир доирасида бўлиб келган минтақаларда ҳарбий кучларини сақлаб қолмоғи керак. Дарҳақиқат, 1994 йилнинг 8 апрелида “Известия” газетаси Россия яқинда мустақиллик касб этган давлатлар ҳудудидида камида 28 та ҳарбий базасини сақлаб қолишга муваффақ бўлгани тўғрисида хабар беради. Шунингдек, газетадаги мақолада Калининград вилояти, Молдова, Қрим, Арманистон, Тожикистон ва Курил оролларидаги ҳарбий базаларнинг харитада туташган чизиги собиқ Совет Иттифоқининг чегара чизигига мос келиши маълум қилинган.

1995 йилнинг сентябрида президент Ельцин Россиянинг МДХга нисбатан юритадиган сиёсати тўғрисида расмий ҳужжат эълон қилди. Унда Россиянинг мақсадлари шундай тасниф қилинган:

“МДХга нисбатан Россия сиёсатининг асосий вазифаси иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан бир-бирига интеграция қилинган давлатлар ҳамжамиятини барпо этиш бўлмоғи керак. У жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўринни эгаллашга даъвогарлик қилишга қодир бўлмоғи керак. Шунингдек, шўролардан кейинги ҳудудда давлатлараро сиёсий ва иқтисодий муносабатларнинг янги тизимини шакллантиришда Россия етакчи роль ўйнайдиган куч бўлмоғи керак. Бу интилишларнинг сиёсий қўламини алоҳида таъкидлаш лозим. Унда алоҳида ҳуқуққа эга бўлган субъект кўрсатилган. Бу субъект жаҳон тизимида ўзининг ўрнига даъвогарлик қилади, ана шу янги ҳуқуқ субъектнинг ичида Россиянинг етакчилик ролини ўйнашига даъво қилади. Шунга мувофиқ Москва Россия билан янги ташкил тошган МДХ ўртасида сиёсий ва ҳарбий алоқаларни мустақкамлашни талаб қилди, ҳатто ягона ҳарбий қўмондонлик тузиш зарурлигини, МДХ давлатларининг ҳарбий кучлари ўзаро расмий шартнома билан боғлиқ бўлиши кераклигини, МДХнинг “ташқи” чегаралари марказлашган назорат (“Москва назорати” деб ўқиса ҳам бўлаверади) остида бўлмоғи жоизлигини, Россия қўшинлари МДХ мамлакатлари ичидаги исталган тинчликпарварлик операцияларида ҳал қилувчи роль ўйнамоқлари шарт эканини, МДХ давлатларининг муштарак ташқи сиёсати шакллантирилиши зарурлигини, унинг институтлари аввал 1991 йил сентябрида ҳал қилинганидек, Минскда эмас, Москвада жойлаштирилиши лозимлигини ва ниҳоят, Россия президенти МДХ томонидан олиёй даражада ўтказиладиган ҳамма учрашувларда раислик қилмоғи шартлигини баён қилди

Буниси ҳали ҳолва экан. 1995 йил сентябрдаги ҳужжатда шундай деб айтилган:

“Яқин хориж” мамлакатларида Россия телевидениеси ва радиоси дастурларининг тарқатилиши кафолатланган бўлмоғи керак. Шунингдек, минтақаларда Россиядаги нашрларнинг тарқалишига ҳар томонлама кўмак берилиши шарт. Россия МДХ мамлакатлари учун миллий кадрлар тайёрлаб бермоғи лозим.

Постсовет ҳудудидида Россиянинг асосий маърифий марказ сифатида қайта тикланишига алоҳида аҳамият бермоқ лозим. Бунда МДХ мамлакатларида ёш авлодни Россияга нисбатан дўстлик руҳида тарбиялаш зарурлигини эътиборга олмақ лозим”.

Шундай кайфиятларни акс эттирган Россиянинг Давлат думаси бу масалаларда шу қадар чуқурлашиб кетдики, ҳатто 1996 йилнинг бошида Совет Иттифоқининг тугатилиши юридик жиҳатдан ноқонуний ҳаракат бўлган деб эълон қилди. Бундан ташқари ўша йилнинг баҳоридида Россия МДХнинг гапга кўнадиган баъзи бир мамлакатлари билан яқинроқдан, иқтисодий ва сиёсий интеграцияни таъминловчи битимлар имзолади. Битимлардан бири жуда катта дабдабаю аъясалар билан имзоланган бўлиб, Россия билан Белорусия ўртасида иттифоқ тузишни назарда тутган эди. Бу иттифоқ “Суверен республикалар ҳамжамияти” доирасида бўлмоғи лозим эди (Бу иборанинг русчасидаги сўзларнинг қисқартилишидан СССР” деган сўз келиб чиқади, у эса ўз навбатида маънодорлик билан “СССР” сўзини эслатиб туради). Иккинчи битим Россия, Қозоғистон, Белорусия ва Қирғизистон томонидан имзоланган бўлиб, келажакда “Бирлашган давлатлар ҳамжамияти”ни тузишни назарда тутар эди. Ҳар икки ташаббусда ҳам Россиянинг МДХ давлатлари ичида бирлашнинг секин суръатлар билан бораётганидан норозилиги ва бирлашиш жараёнига кўмаклашишга қатъий қарор қилгани акс этган эди.

Шу тариқа “яқин хориж”да МДХдаги марказий механизмларни кучайтиришга берилган урғуда объектив иқтисодий детерминизмга боғлиқликнинг баъзи бир унсурлари билан анчагина кучли субъектив империяпарастлик майллари бирлашиб кетди. Аммо на биринчи битим, на иккинчи битим “Россия нимадир ва унинг ҳақиқий вазифаси қандай, ҳақиқий ҳудудлари қанақа?” деган фалсафийроқ саволга жавоб бермади ва доақал бирон бир тузукроқ геополитик маслаҳат ҳам чиқмади.

Бу ҳамон ўша эски бўшлиқ эди. Бу бўшлиқни жозибадорлиги борган сари ортиб бораётган Евросиёчилик назарияси тўлдирришга ҳаракат қиларди, фақат энди бу назариянинг диққат-эътибори марказида “яқин хориж” турарди. Бу мўлжални белгилаб берувчи атамалар кўпроқ маданият соҳаси ва ҳатто мистика билан

боғлиқдир. Унинг бошланғич нуқтаси муайян бир қарашда ифодаланган. Бу қарашга кўра, геополитик ва маданий жиҳатлардан олганда Россия тўлалигича Оврўпа мамлакати эмас ва тўлалигича Осиё мамлакати ҳам эмас. Шунинг учун ҳам уни бус-бутун ҳолда Евросиё давлати деб қараган маъқул. Бу хусусият фақат унга хос. Бу - Марказий Оврўпа билан Тинч океан оралигидаги жуда катта ҳудуд устидан ғоятда ноёб назоратнинг Россияга мерос бўлиб қолганидир. Бу назоратни Москва ўзининг тўрт аср мобайнида шарққа силжиши натижасида барпо этган. Ана шу силжиш оқибатида Россия қўшдан-қўп рус бўлмаган ва оврўпали бўлмаган халқларни ўзига сингдириб олди ва бу йўл билан сиёсий ва маданий жиҳатдан яхлит индивидуаллик касб этди.

Евросиёчилик назария сифатида Совет Иттифоқининг емирилиши билан пайдо бўлган эмас. У биринчи марта XIX асрда пайдо бўлган эди, лекин XX асрда совет коммунизмига қарши аниқ шаклга кирган альтернатива сифатида ва ўёски Фарбнинг таназзулига реакция сифатида анча кенг тарқалди. Рус муҳожирлари, айниқса, шўро йўлига альтернатива сифатида бу назарияни фаоллик билан тарқатган эдилар. Улар Совет Иттифоқидаги рус бўлмаган халқларнинг миллий уйғониши миллийликдан юқори турадиган кенг қамровли назария талаб қилишини яхши тушунишган. Фақат шу йўл билангина коммунизмнинг узил-кесил ҳалокати Умумроссия империясининг емирилиб кетишига олиб келмаслигини улар билишган. Ўтган асрнинг 20-йилларининг ўртасидаёқ Евросиёчилик ғоясининг атоқли намояндаси Н.С.Трубецкий томонидан бу фикр жуда аниқ ифодалаб берилган эди. У шундай деб ёзди:

“Коммунизм аслини олганда европоизмнинг бузилган бир нусхасидир. У рус жамиятининг маънавий асосларини ва миллий ноёблигини барбод қилади, унда моддионлик меъёрларининг кенг тарқалишига йўл очади. Айни ана шу моддионлик меъёрлари амалда Оврўпани ҳам, Американи ҳам бошқариб туради.

Бизнинг вазифамиз буткул янги маданият яратишдир. Бу маданият ўзимизга хос ва ўзимизга мос маданият бўлмоғи керак. У Оврўпа цивилизациясига ўхшамаган бўлиши шарт. Шундагина Россия ортиқ Оврўпа цивилизациясининг айниган инъикоси бўлмайди, шундагина у яна қайтадан ўзлигини касб этади. Россия-Евросиё бўлиб қолади, Чингизхоннинг онгли меросхўри ва унинг улуғ меросини ўзига сингдириб олган ворис бўлиб қолади”.

Бу нуқтаи назар ўта чалқаш постсовет шароитида жуда яхши кутиб олинди. Бир томондан, коммунизм рус проваслав руҳонийлигига ва алоҳида мистикага яқин турувчи “рус ғояси”га сотқинлик, хиёнат сифатида қораланган эди, иккинчи томондан эса “ғарбпарастлик” ҳам рад этилган эди. Ғарб маданияти нуқтаи назаридан чиритган ва аксилрус йўналишга эга деб қараларди, шунингдек, у Россиянинг Евросиё ҳудудларини назорат қилишга бўлган тарихан ва жўрофий жиҳатдан асосланган даъволарини рад қилишга мойил деб ҳисобланарди.

Асарларидан тез-тез ва кўлаб иқтибос олиб туриладиган тарихчи, географ ва этнограф Лев Гумилев евросиёчилик концепциясига академик жило берди. У ўзининг “Ўрта асрлар Россияси ва Улуғ Дашт”, “Евросиё ритмлари” ва “Тарихий даврда этнос жўрофияси” деган асарларида Евросиё алоҳида рус этноси учун табиий жўрофий муҳит ҳисобланади, бу муҳит рус халқи билан дала-даштларда яшайдиган рус бўлмаган халқларнинг тарихан қоришиб кетуви (симбиоз) натижасида вужудга келган, бу қоришув охир-оқибатда ғоятда ноёб Евросиё маданияти ва маънавиятини вужудга келтирган деган қарашларга жуда бақувват назарий замин яратиб берди. Гумилев Ғарбга мослашиш рус халқини ўз “этносидан ва қалбидан маҳрум бўлиш хавфига дучор қилмоғи мумкин” деб огоҳлантирган эди.

Ғарчи Гумилевдан анча жўроқ бўлсада бу қарашларни Россиянинг турли-туман миллатчи сиёсатбозлари такрорлашди. Масалан, собиқ вице-президент Александр Руцкой шундай деган эди: “Мамлакатимизнинг жўрофий аҳволи шунга тақозо қиладики, Россия Осиё билан Оврўпани туташтириб турувчи ягона кўприқдир. Бу ҳудуднинг хўжайини бўлган одам бутун дунёнинг хўжайини бўлади”. 1996 йилдаги президент сайловларида Ельцинга рақиблик қилган Геннадий Зюганов марксизм-ленинизмга тарафдорлигига қарамай, Евросиёнинг бепоён ҳудудларида рус халқининг алоҳида маънавий ва миссионерлик роли масаласида евросиёчиликка берилётган мистик урғуни кўлаб-қувватлади. Зюганов шу тариқа Россия зиммасига жаҳонда раҳбарлик мавқеига эга бўлмоқ учун ғоятда ноёб маданий роль юкланган, шунингдек, унга бағоят қулай жўрофий вазият ато қилинган дея исбот қилмоқчи бўлади.

Евросиёчиликнинг бундан кўра ишончлироқ ва амалийроқ варианты Қозоғистон раҳбари Нурсултон Назарбоев томонидан олга сурилди. Назарбоев ўз мамлакатида туб аҳоли бўлмиш қозоқлар билан кўчириб келтирилган руслар ўртасидаги нифоққа дуч келди. Улар сон жиҳатидан деярли тенг эди. Назарбоев Москванинг сиёсий

интеграцияга йўналтирилган тазйиқини бирор даражада бўлса ҳамки бўшаштириш учун туссиз ва самарасиз МДХга муқобил вариант сифатида “Евросиё иттифоқи” концепциясини олдинга сурди. Тўғри, унинг вариантыда Евросиё борасидаги бундан кўра анъанавийроқ қарашларга хос бўлган мистика йўқ эди ва унга асос қилиб русларнинг Евросиёдаги алоҳида етакчилик роли ҳақидаги қараш асос қилиб олинмаган эди. У бошқа бир нуқтаи назарга асосланган эди. Бу нуқтаи назарга кўра, жўроғий жиҳатдан Совет Иттифоқининг аввали ҳудудларига мос келадиган ҳудудлар доирасида белгиланадиган Евросиё яхлит бир организм бўлмоғи керак ва у сиёсий ўлчовларга ҳам эга бўлмоғи шарт.

Россиянинг геополитик тафаккурида “яқин хориж”га олий мақом беришга уриниш маълум даражада ўринли эди. Постимпериалистик Россия билан яқинда мустақилликка эришган давлатлар ўртасида қай бир даражада тартиб ва муроа ўрнатиш хавфсизлик ва иқтисодий нуқтаи назаридан мутлақо зарур эди. Аммо бу мунозаранинг кўпгина қисми муайян даражада сюрреалистик жиҳодларга эга бўлди. Бунга сабаб собиқ империянинг “бирлашиши” тўғрисидаги анчадан бери давом этиб келаётган эски тасаввурлар бўлди. Бунга кўра, бундай бирлашиш ихтиёрий (иқтисодий сабаблар важидан) бўлганида ёки Россиянинг Евросиёдаги ёхуд славян дунёсидаги алоҳида роли тўғрисида гапирмаганда ҳам, унинг бой берилган қудратини тиклашнинг пировард натижаси бўлганида “бирлашиш”ни амалга ошириш анча осон кўчар ва маъқулроқ бўларди.

Бу жиҳатдан Оврўпа иттифоқи билан тез-тез қилиниб туриладиган таққосларда жуда муҳим бир тафовут инобатга олинмайди: Оврўпа Иттифоқида гарчи Германиянинг алоҳида таъсири сезилиб турса-да, унда бирорта давлат устиворлик қилмайди. Бирорта давлат Оврўпа Иттифоқининг ҳамма аъзоларининг ўрнини боса олмайди. Оврўпа Иттифоқи бирон-бир миллий империянинг вориси ҳам эмаски, унинг озодликка чиққан аъзолари “интеграция” деганда бу сўзнинг замирида тобелликни қайта тиклаш ётипти деб шубҳа қилинсин. Бу ҳолда осон тасаввур қилиш мумкин — агар Германия расмий равишда унинг вазифаси Оврўпа Иттифоқидаги раҳбарлик ролини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришдан иборатдир деб эълон қилса, Оврўпа мамлакатларининг муносабати шубҳасиз салбий бўлар эди. Ҳолбуки, 1995 йилда Россиянинг расмий баёнотида унинг МДХдаги роли тўғрисида худди шу гап аниқ айтилган. Буни биз юқорида келтирган иқтисоддан очиқ кўришимиз мумкин. Оврўпа Иттифоқи билан таққослаганда яна бир нуқсон бор. Ғарбий Оврўпа мамлакатларининг очиқ ва нисбатан иқтисодий жиҳатдан ривожланган тузумлари демократик интеграцияга тайёр эдилар ва ғарбий оврўпаликларнинг кўпчилиги бунақа интеграциянинг сиёсий ва иқтисодий фойдаларини аниқ сезиб туришарди. Ғарбий Оврўпанинг нисбатан камроқ даражадаги бой давлатлари ҳам катта-катта дотациялардан анча фойда кўришлари мумкин эди. Бунга қарама-қарши ўлароқ яқинда мустақилликка эришган давлатлар Россиянинг сиёсий жиҳатдан барқарор эмаслигини кўриб туришарди. Ҳали ҳам бошқаларга ҳўжайинлик қилиш ишгиёқда юрган Россия иқтисодий нуқтаи назардан қараганда уларнинг жаҳон иқтисодиётида ишгирик этишга ва улар учун ўта зарур бўлган хорижий инвестицияларга эришишда тўсиқ бўлиши мумкин эди.

Москванинг “интеграция” соҳасидаги гоъларига нисбатан муҳолифлик, айниқса, Украинада kuchли эди. Унинг раҳбарлари бунақа “интеграция”, айниқса, Россиянинг Украина мустақиллиги масаласидаги тархашлигини инобатга олса, охир-пировардида Украинанинг миллий суверенитетидан маҳрум бўлишга олиб келиши мумкин эди. Бундан ташқари янги Украина давлати билан муносабатда Россиянинг беписандлиги, унинг Украина чегараларини тан олиши истамаётгани, Украинанинг Қримга ҳақ-ҳуқуқи масаласидаги иккиланишлари, унинг Севастополь устидан яқка ўзи назорат ўрнатишни талаб қилиб туриб олгани - буларнинг ҳаммаси Украина уйғонган миллий туйғуларга ошқора аксилрус йўналишини берди. Шу тарихда янги украин давлатининг шаклланишида энг оғир босқичда ўз тақдирини ўзи белгилаш жараёнида анъанавий аксилполяк ёки аксилрумун мавқеидан Россиянинг исталган тақлифларига қарши туриш мавқеига ўтиб олди. Украина раҳбарияти МДХ давлатларини кўпроқ интеграция қилишга йўналтирилган, алоҳида славян ҳамжамиятини (Россия ва Белоруссия билан биргаликда) барпо этишни кўзда тутган ёки Евросиё иттифоқини тузишга ундовчи ҳар қандай тақлифини Россиянинг империяпарастлик бобидаги тактик усуллари сифатида фош қилиб борди.

Украинанинг ўз мустақиллигини сақлаб қолиш борасидаги қатъияти хориждан кўмак топди. Тўғри, аввалига Ғарб ва, айниқса, Қўшма Штатлар мустақил Украина давлатининг мавжудлиги геополитика нуқтаи назаридан гоъйда муҳим аҳамиятга эга эканини тан олишга кечикиб қолишди, аммо 90-йилларнинг ўртасига келиб, АҚШ ҳам, Германия ҳам Киев мустақиллигининг қатъий тарафдорлари бўлиб қолишди. 1996 йилнинг июнида АҚШнинг мудофаа вазири шундай деган эди: “Мен бутун

Оврўпанинг хавфсизлиги ва барқарорлиги учун Украинанинг мустақил давлат сифатида мавжудлиги жуда катта аҳамиятга эга деб биламан”. Уша йилнинг сентябрида эса Германиянинг канцлери Ельцинни ҳар қанча қўллаб-қувватлашига қарамай, бу масалада янада кескинроқ фикр айтди. У “Украинанинг Оврўпадаги мустақам ўрни ортиқ ҳеч ким томонидан шубҳа остига олиниши мумкин эмас. Ортиқ ҳеч ким Украинанинг мустақиллиги ва ҳудудларининг бутунлигига эгри кўз билан қараи олмайди”, деди. АҚШ сиёсатини шакллантирувчи одамлар ҳам Украина-Америка муносабатларини “стратегик шерикчилик” деб атай бошладилар. Улар бу масалада онгли равишда америка-россия муносабатларини белгиловчи ибораларни қўлай бошладилар. Юқорида қайд қилинганидек, Украинасиз империяни тиклаш иши на МДХ заминиди ва на евросиёчилик заминиди амалга ошмоғи жуда қийин иш эди. Украинасиз империя шундай маънони англатадики, Россия яна кўпроқ даражада Осиё давлати бўлиб қолади ва у Оврўпадан яна кўпроқ узоқлашади. Бундан ташқари евросиёчилик гоёсини шунингдек, яқиндагина мустақилликка эришган Ўрта Осиё давлатларининг фуқаролари ҳам унча хушламадилар. Фақат улардан айримларигина Москва билан иттифоқ тузишни хоҳладилар. Ўзбекистон Украинанинг МДХни ҳамма миллатлар устидан турадиган бир ташкилотга айлантиришга ва умуман, Россиянинг МДХни кучайтиришга қаратилган ҳар қандай ташаббусига қарши туришни қатъий равишда қўллаб-қувватлади.

МДХнинг бошқа аъзолари ҳам Москванинг ниятларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўдилар ва Ўзбекистон билан Украина тевагадига жипслашишга мойиллик кўрсатдилар. Шу тарзда улар Москванинг сиёсий ва ҳарбий интеграцияни янада жипслаштириш йўлидаги уринишларига қарши турдилар ва унинг тазйиқини четлаб ўтдилар. Бундан ташқари мустақилликка янги эришган давлатларнинг деярли ҳаммасида миллий онг туйғуси чуқурлашди. Унинг диққат марказида ўтмишдаги мустахлака шароитидаги тобеликни қоралаш ва эски даврнинг ҳар қандай меросини тубдан суғуриб ташлашга интилиб турарди. Моҳиятан олганда, 90-йилларнинг ўртасида Россиянинг МДХдан сиёсий интеграция соҳасида бир қурол сифатида фойдаланишга қаршилиқ кўрсатувчи норасмий бир блок юзага келди. Бу блокнинг бошида Украина турар, унинг аъзолари эса Ўзбекистон, Туркменистон ва Озарбайжон, баъзан эса Қозоғистон, Грузия ва Молдова эди.

Украинанинг чекланган ва асосан иқтисодий масалалар борасидаги интеграция учун қатъий туриши “Славян иттифоқи” деган тушунчани ҳар қандай маънодан маҳрум қилди. Баъзи бир славян нофинлар томонидан тарғиб қилинган ва Александр Сольженициннинг қўллаб-қувватлаши туфайли бирмунча шуҳрат қозонган гоё Украина томонидан рад қилиниши биланоқ, ўзининг геополитик маъносини ўз-ўзидан йўқотди-қўйди. Бу Беларусия билан Россия икковларини ёлғизлантириб қўйди, шунингдек, буида Қозоғистоннинг парчаланиб кетиш хавфи ҳам майдонга келди. Негаки, унинг руслар кўп яшайдиган шимолий қисмлари потенциал жиҳатдан бу иттифоқнинг бир қисми бўлиб олиши мумкин эди. Бундай вариант, табиийки, Қозоғистоннинг янги раҳбарларига маъқул бўлолмас эди. У қозоқларнинг миллий онгидаги аксилрус йўналишини кучайтирди, холос. Беларусия учун Украинасиз “Славян иттифоқи” Беларусияни тўғридан-тўғри Россия таркибига қўшиб олишни англатарди, холос. Бу эса миллатчиларнинг норозилигини туғдиришдан нари ўтмади.

“Яқин хориж” масаласидаги сиёсат борасидаги ташқи тўсиқлар анча-мунча даражада жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган ички чекловчи омиллар — рус халқининг кайфияти туфайли ҳам вужудга келди. Собиқ империя ҳудудида Россиянинг алоҳида вазифаси тўғрисидаги сафсаталар ва сиёсий элитанинг ҳовлиқишларига қарамай, рус халқи қисман ҳалдан зиёд толиққани учун ва айни чоғда соғлом ақлга амал қилиб империяни тиклаш дастурига нисбатан унчалик завқ-шавқ билан муносабатда бўлмади.

Руслар чегараларни очиб қўйишни, савдо-сотик эркинлигини, одамларнинг ҳаракат эркинлигини, рус тилининг алоҳида мақомини маъқуллади, лекин сиёсий интеграция, айниқса, у маблағ сарфлаш ёки қон тўкилиши билан боғлиқ бўлса, унчалик маъқул бўлмади. Анжуман аҳли Иттифоқнинг тарқаб кетганига таассуф билдиришди, уни тиклашга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлишди, аммо Чеченистондаги урушга жамоатчиликнинг муносабати шуни кўрсатдики, иқтисодий имкониятлардан ортиқча бирон нарсани қўллаш билан боғлиқ ҳар қандай сиёсат ёки сиёсий босим халқнинг маъқуллашига сазовор бўлмалиги аён бўлиб қолди.

Хулласи калом, “яқин хориж”га мўлжал қилишнинг устиворлиги геополитик жиҳатдан ночор аҳволда эди. Бу шунда кўринар эдики, Россия ўз продасини мажбуран ўтказмоқ учун сиёсий жиҳатдан етарли даражада бақувват эмас эди, янги давлатларни ўзига жалб қилмоқ учун эса иқтисодий жиҳатдан етарли даражада жозибадор эмас эди. Россия томонидан кўрсатилган босим кўпроқ хориж билан биринчи навбатда Фарб билан ва баъзи ҳолларда ҳатто Хитой билан ва жанубдаги ислом давлатлари

билан алоқа ўрнатишга ундади. НАТОни кенгайтириш гоёсига жавобан Россия “ҳарбий блок” тузамиз деган дағдага билан жавоб берганида, ўз-ўзига “ким билан?” деган аламли савол берган ва унга “Белорусия ва Тожикистондан бошқа ҳеч ким йўқ” деган янада аламлироқ жавоб олган.

Агар истасангиз, янги давлатлар тобора кўпроқ даражада Россия билан интеграциянинг авваллари ўзини оқлаган ва зарур бўлган шакллари ҳам ишонмасликка мойиллик билдирмоқдалар, негаки, улар сиёсий оқибатлар рўй берганидан қўрқишади. Айни чоғда гўёки Россияга хос бўлган евросиёчилик миссияси ва славянча сирлилик ҳақидаги гап-сўзлар Россияни Оврўпадан ва яхлит олганда бутун Ғарбдан янада кўпроқ ажратиб ташлади. Шу тарзда постсовет даврининг таназзули анча чўзилиб кетди ва рус жамиятини зарурий тарзда модернлаштириш ва вестернлаштириш ишини анча тўхтатиб қўйди. Ҳолбуки, Камол Отатурк Туркияда Усманийлар салтанати қулагандан кейин худди шу йўлдан борган эди. Шундай қилиб, “яқин хориж”га урғу бериш Россия учун масалани геополитик ҳал қилиш эмас, балки геополитик алашшиш бўлди.

1996 йилнинг бошида Ельцин ўзининг Ғарбнинг этагидан тутган ташқи ишлар вазири Козиревни тажрибаси анча бой, лекин ортодоксалроқ Евгений Примаков билан алмаштирди. Собиқ Коминтерн бўйича мутахассис бўлган бу одамнинг манфаатлари кўпдан бери Эрон ва Хитой билан боғлиқ эди. Баъзи бир Россия ижрочиларининг тахминига кўра, Примаковнинг бу мамлакатларга мойиллиги янги “аксилгегемонистик” коализияни тузишга уринишларни тезлаштириб юбормоғи керак эди. Бундай коалиция ана шу учта мамлакат атрофида бўлиб АҚШнинг Евросиёдаги жуда катта таъсирини чеклашга қаратилган жуда улкан геополитик мўлжалга эга бўларди. Примаковнинг баъзи бир дастлабки сафарлари ва шарҳлари бундай таассуротни кучайтиргандай бўлди. Бундан ташқари Хитой билан Эрон ўртасида қурол савдоси соҳасида мавжуд бўлган алоқалар, шунингдек, Эроннинг атом энергиясига кўпроқ эришиш борасидаги уринишларига ёрдам беришга Россиянинг мойиллиги, бир қарашда, янада яқинроқ сиёсий мулоқотлар олиб боришга ва охир-пировардида, альянс тузишга жуда ажойиб имкониятлар яратиб бералитгандай кўринган эди. Бунинг натижасида лоақал назарий жиҳатдан олганда дунёдаги етакчи славян давлатининг, дунёдаги энг жангари ислом давлатининг, аҳолисининг сонига кўра дунёдаги энг йирик ва Осиедаги энг бақувват давлатнинг бошлари бир-бирига қўшилмоғи ҳамда шу тарзда қудратли бир коалиция майдонга келмоғи мумкин эди. Бунга ўхшаш истаган аксилальянсни барпо этишнинг бошланиш нуқтаси икки томонлама Россия-Хитой муносабатларини қайтадан тиклаш бўлмоғи лозим эди. Бунга эса ҳар иккала давлат олий доираларининг АҚШнинг дунёда ягона ўта қудратли давлат бўлиб олганидан норозиликлари асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. 1996 йилнинг бошида Ельцин Пекинга давлат ташрифи билан борди ва у ерда декларацияга имзо чекди. Унда глобал “гегемонистик” тенденциялар очиқ-ойдин қораланган эди. Шу тариқа бу декларацияда Россия билан Хитой Қўшма Штатларга қарши иттифоққа киришишлари назарда тутилган эди. 1996 йилнинг декабрида Хитой бош вазири Ли Пен жавоб ташрифи билан Москвага келди ва ҳар иккала томон “битта давлат устиворлик қиладиган халқаро тизимларга қарши эканликларини яна бир бор тасдиқладилар. Лекин улар бу билангина чекланиб қолмасдан, мавжуд альянсларни ҳам маъқуллашларининг кучайтирилишини ҳам таъкидладилар. Россиянинг шарҳловчилари воқеаларнинг бундай ривожини жуда маъқулладилар, улар буни НАТОнинг кенгайтирилишини қўллаб-қувватлаётган Қўшма Штатларга қарши муносиб жавоб ва кучларнинг глобал нисбатини сақлашда ижобий бурилиш сифатида қарадилар. Баъзилар ҳатто Россия-Хитой альянси Қўшма Штатларга берилган муносиб зарба бўлди деб жуда хурсанд бўлдилар.

Аммо Россиянинг Хитой ва Эрон билан коалициясининг бир вақтда пайдо бўлиши унча осон эмас. Бунинг учун Қўшма Штатлар узоқни кўролмайдиган сиёсат юритишлари ва Хитой билан Эронда бир вақтнинг ўзида ўзларига қарши антогонизм туғдиришлари керак бўлади. Албатта, бунақа имкониятни истисно қилиб бўлмайдди ва АҚШнинг 1995-1996 йиллардаги ҳаракати Қўшма Штатлар Техрон билан ҳам, Пекин билан ҳам антогонистик муносабатларга киришмоққа интиляпти деган фикрни дезрли оқлади. Аммо на Эрон, на Хитой ўз тақдирларини глобал ва заиф Россия билан боғлашга тайёр эмас эдилар. Ҳар иккала давлат ҳам яхши билар эдиларки, муайян мақсадларни кўзда тутган тактик қўламдан жиндай чегга чиқишлари биланоқ, уларнинг анча ривожланган мамлакатлар билан муносабатлари хавф остида қолади. Бу давлатлар фавқуллодда катта инвестицион имкониятларга эга, уларда юсак технологиялар бор, булар Эронга ҳам, Хитойга ҳам жуда зарур. Бу билан ҳисоблашмаслик мумкин эмас. Аксилгегемонистик йўналишга эга бўлган коалицияда чинакамга муносиб шерик бўлмоқ учун Россиянинг имкониятлари жуда кам эди.

Муштарак мафкурадан маҳрум бўлган ва фақат “аксилгегеонистик” туйғулар вазидангина бирлашган бундай коалиция моҳиятан “учинчи давлатлар”нинг энг ривожланган давлатларга қарши йўналтирилган альянснинг бир қисмига бўлади, холос. Бунақа коалициянинг биронта ҳам аъзоси дурустроқ натижага эриша олмайди. Хитой эса, айниқса, дарёдай оқиб келаётган инвестициялар оқимидан маҳрум бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Россия учун ҳам худди шундай. Бундай иттифоқ оқибатда унинг ҳамма иштирокчиларини - улар иккита бўладими, учта бўладими, бундан қатъи назар, узоқ муддатга дунёдан ажралиб, яккаланиб қолишга ва улар учун муштарак қолоқликка маҳкум этади.

Бундан ташқари, бунақа “антигегеонистик” коалиция тузиш борасидаги Россиянинг ҳар қандай уринишида Хитой етакчи шерик бўлиб олади. Хитойнинг аҳолиси сон жиҳатидан кўпроқ, саноат масаласида у кўпроқ тараққий этган, у кўпроқ даражада новаторлик йўлидан боради, кўпроқ ҳаракатчан, дил-дилидан эса Россияга нисбатан муайян территориал режалари ҳам йўқ эмас. Шундай бўлгандан кейин Хитой муқаррар тарзда Россияни кичкина шерик мақомига тушириб қўяди, айни чоғда, Россияга унинг қолоқлигини энгиб ўтишга ёрдам учун воситачини намойиш этади. Шундай қилиб, Россия кенгайиб бораётган Оврўпа билан иштаҳаси зўр Хитой ўртасида бир ҳалқа ҳолига тушиб қолади.

Ва, ниҳоят, яна бир муҳим гап: халқаро ишлар бўйича баъзи бир россиялик экспертлар ҳамон бир нарсдан умидвор бўлишда давом этиб келмоқдалар. Оврўпа интеграцияси боши берк кўчага кириб қолган. Бунга, эҳтимол, НАТОнинг келажакдаги модели бўйича Ғарб давлатлари ўртасида мавжуд бўлган ички ихтилофларни ҳам қўшмоқ жоиздир. Буларнинг бари охир-пировардида Россиянинг Германия ёхуд Франция билан “ошиначилик” қилмоғи учун локал тактик имкониятларнинг вужудга келишига имкон туғдириши мумкин, лекин ҳар нима бўлганда ҳам бу Оврўпа билан АҚШ ўртасидаги трансатлантик алоқаларга мутлақо халал бермайди.

Шундай қилиб, бундай истиқбол алланечук кутилмаган бир янгилик бўлиши амримаҳол эди, негаки, бутун совуқ уруш йиллари мобайнида Москва вақт-вақти билан француз ёки герман картасини ўйинга солишга ҳаракат қилиб келган. Шунга қарамай, Москвадаги баъзи бир геополитиклар бир масалада ҳақли қарашга эга эдилар. Улар Оврўпа ишларининг боши берк кўчага кириб қолгани шундай бир қулай тактик шароитлар яратмоғи мумкинки, улардан АҚШнинг зарарига фойдаланса бўлади деб ҳисоблайдилар. Аммо бу — соф тактик вариантлардан ўзга нарса эмас. Германия ёки Франция АҚШ билан алоқаларидан кечини мумкин деб ўйлаш эҳтимолдан хийла узоқ. Кейинчалик бўлажак муайян “ошна-оғайнигарчиликлар”ни, айниқса, Франция билан бирон-бир торроқ масала юзасидан битишувга келишни истисно қилиб бўлмайди, албатта, аммо альянслар қурилмасини геополитик жиҳатдан ўзгартирмоқ учун аввал Оврўпа ишларида кенг қўламда тўнтариш юз бермоғи, Оврўпа бирлиги ва трансатлантик алоқалар барбод бўлмоғи керак. Бироқ шунда ҳам Оврўпа мамлакатларининг йўлини йўқотиб қўйган Россия билан чиндан-да жуда кенг қўламдаги геополитик иттифоққа кириш ниятини изҳор қилмоғи гоятда эҳтимолдан узоқдир.

Шундай қилиб, яқиндан синчиклаб қараганда, аксилальянс вариантларидан биронтаси ҳам муқобил вариант сифатида яшашга қобил бўлиб чиқмайди. Россиянинг геополитик дилеммаси на аксилальянсда, на АҚШ билан тенгҳуқуқли стратегик шериклик тўғрисидаги хомхаёлда, на собиқ Совет Иттифоқи худудларидаги бирон-бир янги сиёсий ёки иқтисодий “интеграллашган” қурилмада ўзининг ечимини топа олади. Уларнинг ҳеч қайсисида Россиянинг ихтиёрида мавжуд бўлган ягона ечим инобатга олинмайди.

ЯГОНА МУҚОБИЛ ЧОРА ДИЛЕММАСИ

Россия учун ягона геостратегик чора бор. Фақат ана шу бирдан-бир чора оқибатидагина у халқаро майдонда реал роль ўйнай олади ва ўз жамиятининг шаклини ўзгартириш ҳамда модернлаштириш борасида энг юксак даражадаги имкониятларга эга бўла олади. Бу — Оврўпадир. Оврўпа бўлганда ҳам, шунчаки аллақандай Оврўпа эмас, балки ўзининг кенгайиб бораётган Оврўпа Иттифоқига ва НАТОсига эга бўлган трансатлантик Оврўпадир. Бундай Оврўпа борган сари сезиладиган шаклга кириб бораётир ва бундан ташқари у аввалгидай Америка билан яқиндан боғлиқ бўлишда давом этади. Россия геополитик жиҳатдан хатарли яккаланиб қолиш хавфидан қутулишни истаса, ана шундай Оврўпа билан муносабатга киришишга тўғри келади.

Америка билан шерикчилик қилмоқ учун Россия ҳали бағоят даражада заиф,

лекин шунчаки унинг садақаси билан кун кўрадиган даражада ҳам эмас. Бунинг учун у аввалгидай бағоят кучли. Кўпроқ шундай бир вазиятнинг вужудга келиш эҳтимоли бор: Агар Америка бирон мавқени ишлаб чиқиб, унинг ёрдамида русларни уларнинг мамлакатини учун энг яхши йўл трансатлантик Оврўпа билан мустақкам алоқаларни ривожлантириш эканига ишонтира олмаса, Россия Америка учун муаммага айланади. Гарчи узоқ муддатли Россия-Хитой ва Россия-Эрон шартномаларининг стратегик иттифоқи тузилишининг эҳтимоли кам бўлса-да, Америка учун Россиянинг диққатини зарур бўлган геополитик танловдан чалғитадиган сиёсатни четлаб ўтиш гоятда муҳимдир. Шунинг учун ҳам имкони бор қадар Американинг Хитой ва Эрон билан муносабатлари шакллантирилар экан, бунда уларнинг русларнинг геополитик ҳисоб-китобларига таъсирларини ҳам инobatга олмақ керак. Улуг стратегик вариантлар ҳақидаги хомхасёлларнинг сақланиб қолиши оғир хасталикдан қутулиш учун руслар амалга ошириши лозим бўлган тарихий танловни орқага суриб юбориши мумкин, холос.

Оврўпанинг хоҳ иқтисодий аснода бўлсин, хоҳ геополитик аснода бўлсин, янги реалликларини қабул қилишни истаган Россиянинг Оврўпанинг савдо-сотиқ, коммуникация, сармоя ётқизиш ва таълим соҳаларида тобора кенгайиб бораётган қитъалараро ҳамкорлигидан халқаро устунликларга эришмоғи мумкин. Шунинг учун Россиянинг Оврўпа Иттифоқида иштирок этмоғи жуда тўғри йўналишда қўйилган қадамдир. У янги Россиянинг кенгайиб бораётган Оврўпа билан бўлғуси қўшимча институцион алоқаларидан дарак беради. Бу яна шундай маънони билдирадики, у Россия агар шу йўлни танлайдиган бўлса, охир-пировардида унинг Усмонийлар салтанати қулагандан кейин Туркия танлаб олган йўлдан боришдан ўзга чораси қолмайди. Маълумки, ўшанда Туркия ўзининг империяпарастлик даъволаридан кечиб, ҳамма нарсани синчиклаб ҳисоблаб кўриб, жамиятни модернлаштириш, оврўпалаштириш ва демократлаштириш йўлига кирган эди.

Америка билан боғлиқ бўлган замонавий, бадавлат, демократик Оврўпадан бошқа ҳеч нарса Россия қаршисида зарур устунликларни намoён қила олмайди. Бошқа давлатларга кўз олайтириб қарамайдиган демократик давлат бўлган Россия учун Оврўпа билан Америка ҳеч қанақа таҳдид туғдирмайди. Уларнинг Россияга ҳеч қандай худудий даъволари йўқ. Гўзал кунлардан бирида бундай даъво Хитойда пайдо бўлиб қолиши мумкин. Америка билан Оврўпа, шунингдек, Россия билан унча мустақкам бўлмаган, бир кун эмас бир кун порглаши мумкин бўлган муштарак чегараларга эга эмас. Ҳолбуки, Россиянинг жанубдаги мусулмон давлатлари билан этник ва худудий жиҳатдан олганда мужмал чегараларга эга. Аксинча, Оврўпа учун ҳам, Америка учун ҳам миллий ва демократик Россия геополитик нуқтаи назардан жуда маъқул субъектдир, ўзгарувчан Евросиё худудиди барқарорлик манбаидир.

Бинобарин, Россия иккита имконият қаршисида турипти — сезиларли устунликларга эга бўлиш мақсадида Америка ва Оврўпа сари олиб борадиган йўл танлана, бу биринчи навбатда ўтмишдаги империяпарастликдан сўзсиз воз кечишни талаб қилади; иккинчидан эса, Оврўпанинг хавфсизлик ва сиёсат бобида Америка билан кенгайиб борадиган муносабатлари масаласида ҳеч қанақа мужмаллик бўлмаслиги керак. Биринчи талаб — собиқ Совет Иттифоқи худудиди тарқалган геополитик плюрализмга кўнишни тақозо этади. Бундай розилик иқтисодий ҳамкорликни истисно қилмайди — бу ҳамкорлик эски Оврўпа зонасидаги эркин савдо-сотиқ модели асосида содир бўлса маъқулроқ бўлар эди. Лекин бу ҳамкорлик янги давлатларнинг сиёсий суверенитетини қай бир даражада чеклашни ўз таркибига ололмайди. Бунинг сабаби жуда осон — улар буни истамайди. Бу жиҳатдан Украинанинг алоҳида мавжудлигини, унинг чегаралари ва миллий ўзига хослигини Россия томонидан аниқ-равшан ва сўзсиз тан олинishi гоятда муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчи талабга кўниш, эҳтимол, янада қийинроқ бўлар. Трансатлантик ҳамжамиятлар билан ҳамкорлик қилишни бир принцип асосига қуриб бўлмайди, яъни Россиянинг хоҳиши билан ҳамжамиятнинг аъзоси бўлишни истаган Оврўпанинг демократик мамлакатларини кўкракларидан итариб, четга чиқариб қўйиб бўлмайди. Бу ҳамжамиятни кенгайтирилишида шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмайди ва табиийки, аксилроссия мавзусидан фойдаланган ҳолда буни қўллаб-қувватлаб бўлмайди. Бироқ бу жараёни сиёсий буйруқлар йўли билан тўхтатиш асло мумкин эмас ва тўхтатишнинг кераги ҳам йўқ. Сиёсий буйруқлар хавфсизлик борасида Оврўпа муносабатларидаги эски тушунчаларни ўзида акс эттиради. Оврўпанинг кенгайиш ва демократлашиш жараёни муддатсиз тарихий жараён бўлмоғи керак ва сиёсий жиҳатдан ҳар хил жуғрофий чеклашлар унга зўрма-зўракилик билан сингдирилмаслиги керак.

Кўпгина руслар учун бу ягона муқобил чоранинг икки муаммоси келгусида аввалига маълум вақт мобайнида ҳал қилиниши ҳаддан ташқари қийин бўлиб

кўриниши мумкин. Бунинг учун жуда катта сиёсий прода талаб қилинади. Бунинг учун, эҳтимол, шу йўлни танлашга қодир бўлган ва демократик миллий том маънодаги замонавий ва оврўпача Россияни қандай кўришини ифодалаб бераоладиган бақувват раҳбар ҳам керак бўлар. Бунинг яқин ўртада рўй бериши амримаҳол. Посткоммунистик ва империяпарастликдан кейинги таназзулни енгиб ўтиш учун Марказий Оврўпада посткоммунистик қайта қуришга кетгандан кўра кўпроқ вақт талаб қилинади. Бундан ташқари, узокни кўра оладиган, барқарор раҳбарият ҳам пайдо бўлмоғи керак. Ҳозирги пайтда уфқда ҳеч қанақа рус Отатурки кўринаётгани йўқ. Шунга қарамай, руслар охир-оқибатда Россиядаги миллий саришталаниш — таслим бўлиш эмас, халос бўлиш йўлидаги қадам эканини тан олиш керак бўлади. Уларга Ельциннинг 1990 йилда Киевда сўзлаган Россиянинг келажаги империяпарастликдан холи бўлажаги ҳақидаги нутқи мутлақо жоиз эканини маъқуллашга тўғри келади. Том маънода империяпарастликдан холи бўлган Россия улуг давлат бўлиб қолаверад ва улуг давлат сифатида Евросиёни бириштириб туради. Евросиё эса ҳамон дунёдаги энг катта худудий бирлик бўлиб қолади.

Ҳарҳолда “Россия нимадир ва Россия қайдадир?” деган саволларга жавоб излаш жараёни, афтидан, аста-секин содир бўлади ва бунинг учун Ғарб жуда доно ва қаттиқ мавқеда турмоғи зарур бўлади. Америка ва Оврўпа Россияга ёрдам бермоғи зарур. Улар Россияга махсус битим тузишни ёки НАТО билан харитани имзолашни таклиф қилиш билан чекланиб қолмасликлари шарт, айна пайтда улар Россия билан биргаликда келажақда амалга ошириш эҳтимол бўлган ҳамкорлик ва хавфсизлик қитъалараро тизимнинг бўлғуси шакллари ўрганиш жараёнини бошлаб юбормоқлари жоиз. Бу тизимнинг кўлами анча-мунча даражада Оврўпа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ОБСЕ)нинг ноаниқ доираларидан ташқарида яшайди. Агар Россия ўзининг ички демократик институтларини мустаҳкамласа ва эркин бозор иқтисодиётдан сезиларли ривожланишга эришса, унда Россиянинг НАТО ва Оврўпа Иттифоқи билан янада яқинроқдан ҳамкорлик қилиш имконини соқит қилиш керак эмас.

Айни вақтда Ғарб учун ва, айниқса, Америка учун Россияга ягона муқобил чора дилеммасининг ҳеч қачон йўқолиб кетмаслигига йўналтирилган сиёсат юргизиш Постсовет даврида пайдо бўлган давлатларнинг сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан барқарорлашуви Россиянинг тарихан ўз-ўзини қайта баҳолашини заруриятга айланттирувчи асосий омиддир. Бинобарин, собиқ совет империяси доирасида геополитик плюрализмни таъминлаш учун янги давлатларга мадад бериб туриш Россияни аниқ-таниқ Оврўпанинг этагидан ушлашга ундашга йўналтирилган сиёсатнинг таркибий қисми бўлмоғи лозим. Бу давлатлар ичида уч мамлакат — Озарбайжон, Ўзбекистон ва Украина алоҳида аҳамиятга эга. Мустақил Озарбайжон Ғарб учун энергетик ресурсларга бой Каспий денгизи ҳавзаси ва Ўрта Осиёга олиб борадиган йўлак бўлмоғи мумкин. Ва аксинча, Озарбайжон муте бўлса, бу Ўрта Осиёни ташқи дунёдан ажратиб қуйишга имкон туғдирад эди. Россия Ўрта Осиёни қайтадан қўшиб олиш мақсадида босим ўтказадиган бўлса, бу таҳдид қаршида у сиёсий жиҳатдан анча заифлашиб қоларди. Миллий нуқтаи назардан Ўрта Осиёдаги аҳолиси энг зич жойлашган мамлакат бўлган Ўзбекистон Россия томонидан минтақада назоратни тиклаш йўлидаги энг асосий тўсиқдир. Ўзбекистоннинг мустақиллиги Ўрта Осиёдаги бошқа давлатларнинг яшаб кетмоғи учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари у Россия учун босим ўтказишга энг қийин давлатдир. Лекин ҳаммасидан кўра Украина кўпроқ аҳамиятга эга. Оврўпа Иттифоқи ва НАТОнинг кенгайтирилиши билан боғлиқ равишда охир-пировардида Украина у ёки бошқа ташкилотнинг бир қисми бўлмоқни истайдими-йўқми — бунинг ўзи ҳал қилмоғи мумкин. Ўзининг алоҳида мақомини кучайтириш учун Украина ҳар иккала ташкилотга бирваракайига кирмоғи ҳам мумкин, негаки, улар Украина билан чегарадош. Шуниси ҳам борки, Украина ўзида содир бўлаётган ички ўзгаришлар оқибатида бу ташкилотларга аъзо бўлиш ҳуқуқини қўлга киритади. Лекин бунинг учун муайян вақт талаб қилинади. Киев билан иқтисодиёт ва хавфсизлик борасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш билан шуғулланадиган Ғарб Украинани юқоридаги ташкилотларга аъзо қилишни маъқул муддати сифатида 2005-2015 йиллар орасидаги ўн йиллик давр деб кўрсатса, бу Ғарб учун унчалик эрта муддат бўлмайди. Бунинг натижасида Украин халқида Оврўпанинг кенгайтирилиши Польша-Украина чегарасига келиб тўхтаб қолиши мумкин, деган хавотирнинг пайдо бўлиш хавфини камайтиради.

Норозликларга Россия дамини ичига ютиб, 1999 йилда НАТОнинг кенгайтирилишига кўнса керак ва Марказий Оврўпа мамлакатларидан бир қаторининг НАТО таркибига киришига индамаса керак. Коммунизм йиқилгандан бери ўтган вақт ичида Марказий Оврўпа мамлакатлари билан Россия ўртасидаги маданий ва ижтимоий айирманинг кенгайтирилиши шундай қилишга имкон туғдиради. Ва,

аксинча, Украинанинг НАТОга киришига Россиянинг розилик бериши беқидёс даражада қийин бўлади, чунки бунга рози бўлиш Украинанинг тақдирини Россиянинг тақдирини билан ортиқ чамбарчас боғлиқ эмас деган омилни тан олиш билан баробардир. Бироқ, Украина ўз мустақиллигини сақлаб қолишни истаса, унга Евросиёнинг эмас, Марказий Оврўпанинг бир қисми бўлишга тўғри келади ва агар борди-ю у Марказий Осиёнинг бир қисми бўлишни истаса, у Марказий Осиёнинг НАТО ва Оврўпа Иттифоқи билан алоқаларида тўла-тўқис ишгирик этишга тўғри келади. Шунда бу алоқалар Россия томонидан қабул қилинса, бу Россиянинг ҳам Оврўпанинг қонуний қисми бўлмоққа қарор қилишни белгилаб беради. Россиянинг бундан воз кечиши эса Оврўпадан воз кечиш билан баробар бўларди ва Россиянинг ўз қобиғига биқиниб олган “евросиёча” мустақиллик ҳамда ҳаммадан ажралган ҳолда ҳаёт кечириш йўлига юз бурганидан далолат беради.

Масаланинг қуйидаги асосий нуқтасини назарда тутмоқ керак: Россия Украинасиз Оврўпа таркибида бўла олмайди. Украина ҳам Оврўпа таркибига кирмоғи керак. Лекин Украина Россиясиз ҳам Оврўпа таркибига кирмоғи мумкин. Украина учун Россиянинг Оврўпа таркибига кирмоғи шарт эмас. Агар Россия ўз тақдирини Оврўпа билан боғлаш тўғрисида бир қарорга келди деб фараз қилсак, бундан кенгайиб бораётган Оврўпа тизимларига Украинанинг қўшилиши охир-пировардида Россиянинг туб манфаатларига мос келади деган хулоса келиб чиқади. Дарҳақиқат, Украинанинг Оврўпага муносабати Россиянинг ўзи учун бурилиш нуқтаси бўлиб хизмат қилиши мумкин эди. Бироқ бу яна шундай маънони ҳам билдирадики, Россия билан Оврўпа ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг руҳини белгилаш-аввалгидек келажакнинг иши бўлиб қолмоқда. Бу ўринда “белгилаш” шу маънода қўлланяптики, Украинанинг Оврўпа этагидан маҳкам тутиши - Россия томонидан унинг тарихий ривожининг навбатдаги босқичига тааллуқли қарорлар қабул қилишни диққат марказига чиқариб қўяди, яъни Россия ё Оврўпанинг бир қисми бўлмоғи керак, ёхуд Евросиёнинг бир қисми сифатида аройўлда қолиб кетавермоғи лозим, яъни том маънода на Оврўпага, на Осиёга мансуб бўлади-да, “яқин хориж” мамлакатлари билан низолар ботқоғига ботиб қолаверади.

Умид қилиш мумкинки, кенгайиб бораётган Оврўпа билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари икки томонлама расмий алоқалар доирасидан чиқиб, иқтисодиёт, сиёсат ва хавфсизлик борасидаги жуда маънодор ва масъулиятли вазифалар даражасига кўтарилади. Шу тариқа, навбатдаги асрнинг дастлабки йигирма йили мобайнида Россия ўз ичига нафақат Украинани қамраб олган, балки йўли Ўролгача етиб борган ва ҳатто ундан ҳам нарига ўтиб кетган Оврўпага тобора фаол интеграллашиб боради. Россиянинг Оврўпа ва трансатлантик тизимларга қўшилиши ва ҳатто уларга аъзоликнинг муайян шакллари ўз навбатида учта Закавказия мамлақати учун бу тизимларга кириш йўлини ланг очиб беради. Маълумки, бу мамлакатлар жон-жаҳдлари билан Оврўпага қўшилиш иштиёқида юрипти.

Бу жараён қанчалик тез содир бўлишини олдиндан айтиб бериб бўлмайди, лекин бир нарса аён: агар геополитик вазият тезроқ бир шаклга тушса ва Россиянинг бошқа томонларга чалғимай, шу йўналишдаги силжишларини рағбатлантириб турса, жараён тезлашиб кетади. Россия Оврўпа томон қанча тез ҳаракат қилса, тобора замонавийлашиб ва демократия принципларидан кўпроқ баҳраманд бўлиб бораётган жамият Евросиёдаги “қора ўпқон”ни шунча тез тўлдирди. Ва чиндан ҳам, Россия учун ягона муқобил чора дилеммаси ортиқ геополитик йўл танлаш муаммоси бўлмай қолади. Бу масала омон қолишининг ғоятда муҳим эҳтиёжидир.

Давоми бор.



Елена КНЯЗЕВА, Алексей ТУРОБОВ

Табиат тўғрисидаги ягона фан

СИНЕРГИЯ — ҲАМЖИҲАТ ҲАРАКАТ

Синергетика мустақил илмий йўналиш сифатида 1969 йили пайдо бўлган. Аини ўша йили немис физиги Герман Хакен Штутгарт шаҳри дорилфунунида лазер нурланиши назариясига оид машғулотида “синергетика” атамасини қўллаш бошлади. Юнонча бу янги атама ҳамкорлик, мувофиқлашган ҳаракатлар, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиш маъноларини билдиради.

Лазер нур тарамни шаклланиши жараёнида атомларнинг нурланишига мувофиқлашган ҳаракатларга қандай самарали таъсир кўрсатади? Хакен бу хусусда шундай ёзди:

“Лазерда аксарият атомлар, масалан, рубин сингари кристаллда фаол муҳитда бўлади. Ташқи кучайтирувдан кейин атомлар қўзғаладилар ва ёруғлик тўлқинларини айрим-айрим тарзда кетма-кет чиқара бошлайдилар. Шу асно ҳар бир атом сигнал чиқаради, яъни муайян ахборот ҳосил қилади, бу ахборот ёруғлик майдони орқали ўтказилади. Кетма-кет ёруғлик тўлқинлари лазер саҳнида бошқа қўзғатилган атом билан тўқнашиши мумкин, бу уларнинг яна ҳам кучли тўлқинлар чиқаришига олиб келади... Алоҳида атомлар бир-бирдан мустақил тарзда ёруғлик тўлқинлари чиқара олганликлари ҳамда бу тўлқинлар бошқа қўзғатилган атомлар воситасида яна ҳам кучайиши мумкинлиги боис, гарчи кучайтирилган бўлса-да, бироқ ўзаро мувофиқлашмаган кетма-кет ёруғлик тўлқинларининг фавқулодда мавқе ҳосил бўлади ва биз тамомла тартибсиз манзаранинг гувоҳи бўламиз.

Бироқ сигналлар қўламини етарли даражадаги катталиқ касб этгач, тамомла бошқача жараён бошланади. Атомлар ўзаро мутаносиб тебрана бошлайдилар, натижада майдоннинг ўзида ҳам ўзаро мутаносиб ҳаракатларнинг яхлитлиги кузатилади, яъни эндиликда бу майдон кетма-кет тўлқинлар тартибсиз ҳаракат қиладиган майдонга эмас, балки амалда ягона ўта узун синусоидага айланади.

Бу ўз-ўзини идора қилишнинг анъанавий намунаси бўлиб, тўлқинларнинг муваққат тартибсизлиги ташқи аралашувсиз юзага келади. Тартибсизликлар ўрнини муайян тартиб эгаллайди. Батафсил математик назариянинг кўрсатишича, ёруғлик тўлқинларининг юзага келган тартибсизлиги ўзига хос тартиб-интизом андозаси хизматини ўтаб, атомларни ўзига бўйсундиради”.

Хакеннинг мана шу мулоҳазаларида “ўз-ўзини идора қилиш” тушунчасига дуч келамиз. Аини шу тушунча синергетика моҳиятини англашда жуда қўл келади. Аслида синергетикани ўз-ўзини идора қилишга оид фан сифатида таърифлайдилар ёки батафсил баён қиладиган бўлсак, турли табиатларнинг очиқ нотекис тизимида тартибли муваққат ҳамда саҳли структураларнинг ўз-ўзидан пайдо бўлиш ўз-ўзини бошқаришига оид фан сифатида таърифлайдилар.

Хакен когерент ёруғлик тўлқинлари ҳосил бўлишини таърифлашда синергетиканинг қатор бошқа асосий тушунчаларини қўллайди. Қувват берилиши мазкур тизим очиқ хусусиятга эга эканини, яъни жадал суратда ташқаридан қувват берилиши, шунингдек, қувватнинг чиқиб кетишини билдиради. Юзага келувчи муваққат ёки саҳли структура фаол муҳитда шаклланади ҳамда ўзига ғоят хос дискрет ҳолат намоён бўлишидан иборат бўлади. Бу тизим тартибли хусусиятга эга

эмас, яъни атомларнинг тартибсиз ҳаракатларини улар нурланишларининг когерент ёруғлик тўлқинлари хусусияти касб этиши қувват кўпайишига мутаносиб равишда силлиқлик билан рўй бермайди, балки қувват муайян даражада ортган лаҳзадан эътиборан нотекис тарзда содир бўлади. Алоҳида атомларнинг тартибсиз ва турлича ҳаракатланиши тизимнинг бошбошдоқлик ҳолатига мос бўлиб, аини шу ҳолатдан босқичли ўтиш орқали тартиб юзага келади. Ҳар қандай тизим учун тартиблилик андозаларини белгиласа бўлади, натижада ҳар бир муайян тизимнинг мураккаб ҳолатини жуда осонлик билан таърифлаш, шунингдек, муайян назорат андозаларини танлаб олиш, ана шу андозаларни ўзгартириш ҳисобига тизимнинг макроскопик ҳолатини жиддий ўзгартириш мумкин. Тартиб андозалари тизимнинг айрим унсурлари хатти-ҳаракатларини бўйсундиради — аини мана шунда Хакеннинг бўйсундириш қондаси ўз ифодасини топади.

Янги “синергетика” атамасини яратишда ҳамда ўз-ўзини идора қилиш тартиботларини таърифловчи тушунчалар ва назариялар тизимини ишлаб чиқишда Хакен, шубҳасиз, салмоқли ўринни эгаллайди, лекин у ўз-ўзини идора қилиш ҳодисаларига оид тадқиқотлар масаласида кашшофликка даъвогарлик қила олмайди.

Ташқи жадал қувват бериладиган шароитда барқарор структуралар ҳосил бўлиши самараси физикада азалдан маълум. Жумладан, остидан қиздириладиган елимшак суюқликлардаги конвектив оқимлар келтириб чиқарувчи Бенар катакчаларини олиб кўрайлик. Бу тажрибани ҳар ким уйда синаб кўриши мумкин. Товага ўсимлик ёғини етарли миқдорда қуйиб, уни баланд оловга қўйишнинг ўзи кифоя. Ҳеч қанча ўтмай, ёғнинг қуйидаги, ўта қизиган қатлами ҳамда юқоридаги ҳали қизиб улгурмаган қатлами тик оқим бўйлаб мунтазам ўзаро жой алмашаётганининг гувоҳи бўлиш мумкин. Бундай қатламлар тартибсиз ёки бир йўла бутун това бўйлаб эмас, балки асалари хоначаларини эслатадиган олти қиррали тўғри хоначалар шаклида ўзаро жой алмашадиладар. Суюқлик қуйи ва юқори қатламлари ҳароратидаги фарқ муайян босқичли қиймат касб этганидан кейин ўз-ўзини идора қилишнинг бутун саҳн бўйлаб ёйилган структураси юзага келади. Суюқликнинг оқимлари тўсатдан, яъни ҳеч қандай ташқи ташкилий таъсирсиз тартибли хусусият касб этади, бундай ҳолат нисбатан барқарор ва геометрик тўғри шаклларга мос бўлади.

60-йилларда ўтказилган ҳисоблаш тажрибалари кутилмаган натижа берди: плазманинг ўта тез сиқилиш ва қизиш тартиби мавжуд бўлиб, бунда унинг ҳарорат кўрсаткичи жадалда деярли тик ҳолатда кўтарилади ва бу кўтарилиш тўхтовсиз лавом этаверади, муайян саҳн ҳажми, яъни иссиқлик оролчасининг совуқ муҳит билан қуршалган саҳни дастлабки чегаралари доирасидан чиқмасдан, ёйилмай қолаверади. Бу плазма ўз атрофида аини ўз таркибидан ҳимоя қобилини юзага келтиришини билдиради. Бундай нотекис самара термоядро синтези реакциясини ҳосил қилиш учун талаб қилинувчи қувватни ўн минглаб марта камайтириш имконини беради.

Плазма муҳитидаги мана шундай ҳолатнинг ўзига хослиги шундаки, ҳар қандай нормал шароитда “иссиқ-совуқ” нисбати ўзаро тенглашишга интилади, жумладан, қайноқ қаҳвага бироз совуқ суг аралаштирилиши натижасида бу ичимлик илиқ бўлиб қолади. Синергетика эса — бу фан ҳаммаша галати ҳолатларни ахтарувчилар учун мана шу хусусияти билан қизиқарли — қарама-қарши йўналишда ҳаракатланиш мумкинлигини исботлайди: иссиқлик ёлғизлатилишига силжишдан, мувозанатдан кучайиб борувчи мувозанатсизликка ва мувозанатдан йироқ структуравий ҳолатлар ҳосил бўлишига олиб келади.

Ёпиқ тизимларда тартибсизликнинг (энтропиянинг) ўсишига оид термодинамиканинг иккинчи бошланмаси назарияси синергетика ўрганувчи очиқ нотекис тизимларга нисбатан ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмай қолади. Ёлғизлатилган, тез авж олувчи структуралар муҳитда энтропия ҳосил қилиниши негизда бошбошдоқлик тартиб бориши ҳисобига мавжуд бўлади. Ёниш структуралари ўз атрофидаги муҳитни гўё жадаллик билан “ёндиради”. Уюшқоқлик (тартиблилик) ҳам, қовушмаганлик (энтропия) ҳам барабар ортади. Бироқ қизиш ва “саралаш” жараёни ўта кескин даражага етганида ҳарорат чегаралари фавқулодда заифлашиб, жараённинг кутилмаган кичик ўзгаришларига ҳам сезгир бўлиб қолади. Хусусан, мураккаб структуранинг емирилиши ёки қарама-қарши — ҳароратнинг пасайиши ва ҳароратнинг ёйилиши тартибини касб этиши мумкин.

ЗАМИНДАГИ ҲАЁТ НЕГИЗИ

Тартибли структураларнинг тўсатдан пайдо бўлишига оид муҳим натижалар 70-йилларнинг бошларида химия фанида ҳам олинади. Бу натижалар Брюсселнинг Озод дорилфунунида Илья Пригожин — келиб чиқиши рус, бельгиялик олим (1927 йили ўн яшарлигида уни ота-онаси Россиядан олиб чиқиб кетишган) раҳбарлиги остида олиб борилган тадқиқотлар билан биринчи навбатда боғлиқ. Илья Пригожин мувозанатсиз термодинамика соҳасидаги ишлари учун 1977 йили Нобель мукофотини олган.

“Турли тажрибавий шароитларда, — деб ёзади Илья Пригожин ва унинг ҳаммуаллифи Изабелла Стенгерс, — айна битта тизимда ўз-ўзини идора қилишнинг турли шакллари бўлиши мумкин”.

Химиявий соатлар — химиявий жараёнларнинг ўз-ўзини идора қила олишнинг энг ёрқин намунаси бўлиб, уни 50-йилларнинг бошларида россиялик олимлар Б.П.Белоусов ва А.М.Жаботинский кашф этган. Бу борада ҳосил бўладиган структура саҳни хусусиятга эмас, балки муваққат структура хусусиятига эга бўлиб, муайян даврийлик асосида тебраниб туради.

Белоусов-Жаботинский тажрибасини назарий изоҳлаш учун Пригожин ўз ходимлари билан Брюсселда дея номланувчи махсус модель яратди. Бу модель куйидаги кўринишга эга. Ўзаро химиявий реакцияга киришадиган моддалар мавжуд. Улардан биттасининг — “бошқарувчи” модданинг миқдори оҳиста кўпайтирилади. Унинг миқдори муайян даражага етгач, химиявий тизимнинг аввалги барқарор ҳолати беқарор тус олиб, бошқа иккита ўзаро таъсир қилувчи моддаларнинг миқдори сезиларли даврийлик асосида ўзгара бошлайди. Бундай ўзгариш айрим беқарор фокус атрофида бўй беради ва энг юқори маромга чиқиб олади, яъни барқарор даврий ҳаракатланиш йўлга қўйилади.

Мураккаб тизимнинг босқичли траекториявий муқаррар кесишадиган сўнгги соҳаси синергетикада аттрактор дейилади. Муайян нуқта (барқарор фокус) ёки бирмунча мураккаб ҳосила аттрактор вазифасини бажариши мумкин. Тизимларнинг траекториялари муайян соҳа ичкарисида тартибли тавсифлаб бўлмайдиган ихтиёрсиз хатти-ҳаракатлар қилганида ғалати аттракторлар вужудга келади. Пригожин таъбирига биноан ғалати аттракторни “жозибали бошбошдоқлик” дейиш мумкин.

Химиявий соат манзарасини ёрқин тасаввур қилиш, унинг ўзига ҳослигини эса таъсирли ифодалаш учун Пригожин билан Стенгерс реакцияда икки хил — “қизил” ва “яшил” молекулалар қатнашяптилар, дея шартли ҳисоблашни таклиф қилдилар. “Бошқарувчи” модданинг миқдори муайян даражадан кўпайишига қадар улар қовушмаган аралашма ҳолатида бўлди ва биз дастлабки ранглардан бири тартибсиз равишда хиёл устунлик қилишига мойил пробиркада аллақандай бинафша рангли суюқликни қузатамиз. “Химиявий соатга назар ташлаганда бошқача манзаранинг шоҳиди бўламиз: ўзаро реакцияга киришган аралашманинг ҳаммаси яшил рангда бўлади, кейин унинг ранги тўсатдан қизил бўлиб қолади, сўнг яна яшил тус касб этади ҳамда мана шу жараён давом этаверади. Аралашманинг ранги аниқ муайян даврдан кейин ўзгаргани туфайли, биз когерент жараённинг шоҳиди бўламиз. Миллиардлаб молекулаларнинг мувофиқлашган хатти-ҳаракатларига асосланувчи шу даражада юксак тартиблиликка ақл бовар қилмайди, шу боис, башарти, химиявий соатни қўлга олиб кўриш имконияти бўлмаганида, шундай жараён рўй бериши мумкинлигига ҳеч кимни ишонтириб бўлмасди. Ўз рангини баравар ўзгартира олиши учун молекулалар “қайсидир тарзда” ўзаро алоқада бўлишлари зарур. Тизим яхлит бир бутунлик сифатида фаолият юритиши даркор”. Химиявий тизимларда унсурларнинг когерент, ўзаро мутаносиб ҳаракатланишининг самараси шу мисолда ёрқин кўзга ташланаётир.

Химиявий жараёнлардаги ўз-ўзини идора қилиш ҳолатлари билан боғлиқ тадқиқотлар натижасида Пригожин ўз-ўзини идора қилишнинг умумлашма назариясини ҳам яратдики, бу назария химия фани чегаралари доирасидан бутунлай чиқиб кетади. У мазкур назариясини турлича атайди: нотекис мувозанатсиз термодинамика, мураккаблик тўғрисидаги фан, бошбошдоқликдан тартиблиликка ўтиш назарияси, лекин аксарият диссипатик структуралар назарияси деб атайди. Пригожин “синергетика” атамасини қўлламасликни афзал билади, аслида унинг тадқиқотлари ички мазмун-моҳиятига биноан, шубҳасиз, мураккаб тизимларнинг

эволюцияси ва ўз-ўзини идора қилишига оид синергетик назарияга тегишли ҳисобланади.

Бироқ Пригожиннинг мақсади ёлғиз ўз-ўзини идора қилиш назариясини яратилдан иборат бўлмаган. Унинг асосий диққат-эътибори — мазкур назариядан жонли мавжудот пайдо бўлишининг теран сир-асрорларини кашф этишда фойдаланишга қаратилганди. У жонли ва жонсиз табиатни тавсифлаш ўртасидаги сифат фарқланишларини бартараф этишга ёки камида — замонавий илм-фан уддасидан чиқа оладиган — жонли ва жонсиз табиат ораллигидаги жарлик узра олимлар азалдан қуришига уринаётган кўприкка яна бир неча қисмлар қўшишга интилди.

“Табиий тартиб-интизом доирасига кирувчи ҳаёт табиатда рўй берувчи ўз-ўзини идора қилиш жараёнларининг олий инъикоси сифатида намоён бўлади. Биз... башарти ўз-ўзини идора қилиш шартлари бажарилса, ҳаётни Бенарнинг беқарорлиги ёки эркин ташланган тошнинг ерга тушиши сингари ҳаётни ҳам олдиндан бемалол башорат қилиш мумкин, дея эътироф қиламиз”, — деб ёзди Пригожин ва Стенгерс.

Пригожин жонли ва жонсиз табиат ўртасидаги ўзаро боғловчи бўғинларни ахтаришда молекуляр биологиянинг икки соҳилини бир-биридан ажратувчи дарё ўзанининг гўёки ўртасида жойлашган маълумотларига таянади. Немис олими Манфред Эйгеннинг биологик ривожланишдан олдинги эволюция назариясига Пригожин юксак баҳо беради. Эйгеннинг тадқиқотларига биноан, полимер молекулалар тизими — ўз ҳолича олинган молекулалар анъанавий тасаввурга зид равишда “ҳаёт”нинг ҳатто “бир томчиси”га ҳам эга эмас, — улар ўз мавжудлигини ўз-ўзини қайта ишлаб чиқариш тизими орқали ва ташқи аксилтаъсирларга қарши таъсир кўрсатиш орқали сақлай оладилар. Уларнинг ўзини сақлаш ва ташқи муҳитга мослашиш механизми жонли мавжудотларнинг ДНК силсиласи орқали ҳаётини таъминлаш механизмининг айна намунаси ҳисобланади.

Пригожин жонли мавжудотларга ўтилишида ўз-ўзини идора қилишнинг қутилмаган оролчаларини тилга олади: “Чамаси, ҳаёт сари эволюциянинг айрим дастлабки босқичлари химиявий қувватни қабул қила олувчи ва ўзгартира олувчи механизмлар пайдо бўлиши билан боғлиқ, деган тахмин ҳақиқатдан холи эмас. Бундай механизм тизимни кучли мувозанатсиз шарт-шароитларга киришга мажбурлайди. Шу босқичдаги ҳаёт ёки “илк ҳаёт нишонлари” ноёб ҳодиса бўлиб, Дарвиннинг табиий танлаш таълимоти ана шу кезларда кейинги босқичлардагидек жиддий аҳамиятга эга бўлмаган”.

Табиатни жонли ва жонсиз мавжудотларга ажратмасдан яхлит талқин қилиш тамойили мутлоқ хусусиятга эга бўлмасдан, олам ҳақидаги тасаввурларимизнинг чеклангани билан боғлиқ. Башарият тафаккурига чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, шундай тамойил шарқ фалсафасига хос бўлиб, ғарбга ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Мана шундай нуқта назарни ёқлаганлар, қолаверса, моҳиятан олганда, синергетик дунёқарашнинг дастлабки тарафдорлари қаторида Шеллингни ҳам тилга олса бўлади. Унинг фалсафаси табиат ҳақида яхлит жонли мавжудот сифатидаги тасаввурларга асосланган. У: “Жонли ва жонсиз табиатнинг илдизлари яхлит ва ягона илдизларга эга” — деб ёзганди. Бунда муайян ижодий жараённинг “ташкилийлиги” ва ўз-ўзидан содир бўлишини ана шу яхлитликнинг негизи деб ҳисоблаган.

Шундай экан, синергетика қайси жиҳатлари билан янги фан саналади? Жонли ва жонсиз табиатнинг илдизлари ягона эканига оид кўҳна тасаввурларга нисбатан синергетиканинг янгиллиги ва олға ташланган қадам экани шундаки, синергетика, мураккаб тизимларнинг ўз-ўзини идора қилиш ва эволюция жараёнларининг универсал негизини ташкил қилувчи қонуниятларни муайян фанлар доирасида илмий ва назарий умумлаштириб ўрганади ҳамда ўз назарий хулосаларини жиддий илмий тадқиқотларнинг кўпдан-кўп тажриба маълумотлари билан мустаҳкамлаб боради.

ЯХЛИТЛИК СОҒИНЧИ

Антик даврларда фан, санъат ва фалсафа яхлит ва уйғун бўлиб, илмнинг фанларга бўлиниши сезилмасди. Бироқ Янги даврга келиб, илм-фан муайян соҳаларга ажралиб кетади. Фаннинг ҳар бир соҳаси табиат танасидан ўзига тегишли қисмини

кесиб олиб, уни эринмасдан яна нимталаб чиқди ва ҳар бир нимта-бўлак фаолиятини ёлғиз унинг ўзидан келиб чиқиб талқин қилишга зўр берди.

Сўнги даврда, айниқса XX асрнинг иккинчи ярмига келиб, дунёни яхлит тасаввур қилиш, сунъий равишда ажратиб юборилган соҳаларга жиддий муштараклик хослигини пайқаш ҳамда шуларнинг табиий яқуни сифатида фанларни бирлаштиришга, ягона ва яхлит табиат ҳақида ягона-яхлит фан яратишга мойиллик кучайгани бежиз эмас. Фанларнинг шу тариқа бирлаштирилиши самарасиз зўраки қўшилиш тарзида эмас, аксинча, улардаги муайян муштарак негизни юзага чиқариш ва фанларни фақат шартли бўлинган ягона тадқиқот майдонининг айрим қисмлари сифатида қайтадан бирлаштирилиши тарзида қаралмоғи даркор.

Синергетика даврнинг мана шу даъватига, айниқса, изчил жавоб бера олади. Синергетика аниқ ва қатор ижтимоий фанларни — уларнинг тенглигига ва ўзига хосликларини, албатта, сақлаган ҳолда — бирлаштириш усулларидан, шунингдек, фанлараро чамбарчас боғлиқликнинг истиқболлари, турли соҳа мутахассисларининг ижодий ҳамкорлигидан далолат беради. Муҳим мавзу — ўз-ўзини идора қилиш мавзусини ўрганиш борасида ҳам турли фанлар куч-гайратларини бирлаштириш мумкин. Фанларни яхлит тарзда эмас, балки муайян жиҳатлар нуқтаи назаридан — воқеликнинг турли даражаларидаги мураккаб тузилмалар (тизимлар)ни уларнинг эволюцияси ва ўз-ўзини идора қилиш механизмларини ўрганиш доирасидагина бирлаштириш ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

“Жонли — жонсиз” зиддияти фанларнинг бирлаштирилиши йўлидаги асосий, бироқ ягона муаммо деб қаралмаслиги керак. Микро ва макрооламларни, индивидуал психология ва ҳулқ-атвор олами билан оммавий ижтимоий жараёнлар оламини, ниҳоят инсоннинг ҳаётий олами, инсон экзистенцияси олами билан илм-фан оламини яхлит нуқтаи назардан тадқиқ қилиш ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга. Синергетика нафақат яхлит инсонни фанга қайтаришга, балки инсонга фанни қайтаришга, ҳаётий муаммолар ва мураккаб масалаларга бевосита назар ташлашга ундашга даъват қилинган.

Синергетика кашф этадиган қонуниятларнинг универсал хусусияти, бу демак, унинг доирасидаги тадқиқотларни заруриятга мос равишда фанлараро хусусият касб этиши синергетиканинг моҳиятига киради. Физикавий, химиявий, биологик, ижтимоий ва бошқа тизимларда мавжуд эволюция ҳамда ўз-ўзини идора қилиш жараёнларининг умумийлигини синергетика биринчи ўринга қўяди. Мана шу тизимларнинг ўзига хослиги, бир-бирига ўхшамасликлари эса изоҳловчи, муайян тузатишлар киритувчи сифатида талқин қилинади, қавсдан ташқарига чиқарилади. Бунда синергетиканинг вазифаси — шундай тизимлар хусусиятларининг ташқи аломатларини шунчаки қайд этиш эмас, балки ботиний хосса-сабабларини аниқлашдан иборат бўлади.

Синергетика аниқ тажриба маълумотларидан назарий ва муайян фанлар билан боғлиқ умумлашма хулосалар чиқаришга интилганидек, шунга барабар равишда аксилжараённи — назарий хулоса-счимлар ва ишлаб чиқилган моделлардан турли фанлар ҳамда амалий фаолият соҳаларидан бевосита қўлланилишини ҳам назарда тутати.

Биобарин, синергетикани икки: назарий ва амалий синергетикага ажратиш мумкин, бу жуда шартли ажратиш эканини унутмаслик лозим. Ўз соҳаларида аниқ бирон соҳа устида иш олиб бораётган олимлар синергетиклар ҳамжамиятига умумий тусга эга ғоялар ва тахмин-фаразларни тақдим этадилар, улар шундай вазифаларни ҳал қилиш давомида беихтиёр пайдо бўлади. Таклиф қилинган ғоя ва тахмин-фаразлар эса ўз навбатида тамомила бошқа фан соҳасида тадқиқотлар бошлаб юбориш учун туртки бўлади, бунинг натижасида илмий доираларда ғояларни мунтазам амалий айирбошлаш рўй беради.

Синергетиканинг қудрати ва самарадорлиги — фанларнинг бир-бирларини мунтазам ўзаро озиқлантиришларида, компьютер тили билан айтганда, фаннинг бирон-бир соҳасидаги мутахассис бошқа йўналишдаги фанларнинг маълумотлари хазинаси билан бевосита боғлиқ ҳолатида бўла олишида.

Синергетика айни шу жиҳати билан ўзидан аввал 50-йилларда пайдо бўлган кибернетикадан ҳамда 60-йиллардан анъанавий тус олган системали, яъни изчил ёндошувдан (тизимларнинг умумий назариясини яратишдан) афзаллик қилади. Дарвоқе, синергетикани кибернетика билан қиёслаш одатий тус олган.

Кибернетика ҳам, системали ёндошиш ҳам қуйидаги тарзда фаолият юритган: улар турли аниқ фанлардан аллақандай умумийликни зўрма-зўраки чиқариб олганлар, мавҳумлаштирганлар ва шундан сўнг мана шу аксарият мавҳумлашган эссенция устида иш олиб борган. Кибернетикада “кириш — чиқиш” ва “сигнал — жавоб”, системали ёндошувда эса “элемент — система”, “аксил алоқа — гомеостазис” метёрий мезонлар вазифасини бажарган. Олимлар мана шундай бир тутум эссенцияни олганлар ва уни ўзларининг фанлари қозонидаги “масаллиқларга” аралаштириб юборганлар, буни кибернетик гоёларни қўллаш ёки системали ёндашувни амалга ошириш ҳисоблаганлар. Фанларнинг бевосита бирлаштирилиши, бевосита ўзаро таъсир кўрсатиши эса бўлмаган. Ҳолбуки, фақат шундай бўлгандагина бирон мавҳум гоёга эга бўлиш мумкин. Шу йўл билан олинган гоёгина синергетика ҳамжамияти учун ҳаётий қиммат касб этади.

Бу борада физик олим мия фаолиятидаги галати аттракторлар тўғрисидаги нейрофизиологнинг китобини алоҳида иштиёқ билан мутолаа қилади, об-ҳавони ўрганувчи мутахассис эса гидродинамика ва ҳатто галактика астрономиясига оид илмий ишларни катта қизиқиш билан ўрганайди (бунинг ажабланарли жойи йўқ, чунки ҳар иккала ҳолатда ҳам турбулент оқимлардаги бўронли шаклий тузилмалар ҳамда нозик тартибсизликлар тизими ҳақида гап боради), аниқлик киритилган тартибсизликнинг эволюцияси баёнини ўрганар экан, психиатр ўз миждозларини даволашга оид қимматли маълумотларга эга бўлади ва уларнинг барчаси “аттракторлар”, “флуктуациялар” ва “бифукациялар”нинг ҳаммабон тилида бемалол муомала қиладилар.

Штутгарт дорилфунуни ҳузуридаги Назарий физика ва синергетика институти халқаро синергетика ҳамжамиятини вужудга келишида муҳим аҳамиятга эга бўлади. Унга Герман Хакен асос солган ва узоқ йиллар раҳбарлик қилган. Хакен 1997 йили таваллудининг етмиш йиллигини нишонлади ҳамда директор лавозимидан бўшади, лекин шу институтдаги Синергетика марказига ҳамон раҳбарлик қилаётир. Олимларнинг институт атрофида бирлашишлари мунтазам шахсий алоқалар йўлга қўйилиши ва фан оламида синергетика гоёлари кенг ёйилишига ёрдам берди.

“Синергетика” деган умумий ном остида туркум шахсий ва жамоа илмий асарларининг нашр қилиниши синергетиканинг обрў-эътибори ҳамда юқори даражада самарадорлигининг ёрқин намунаси бўлди. Бу асарларни Германиянинг етакчи “Springer” илмий нашриёти Хакен институти билан ҳамкорликда чоп этган. 70-йилларнинг ўрталаридан буён 70 жилддан зиёд асар чоп этилди. Бу туркумда йигирмадан ортиқ турли илмий соҳалар олимларининг асарлари дунё юзини кўрди.

Шу билан бирга синергетика мутахассислари орадан ўттиз йил ўтганига қарамасдан ҳамон ўзларини “синергетик” деб атамайдилар. Физик камтарлик билан: “Мен синергетика моделларини қўллаяпман”, — деса, синергетика билан қизиқувчи химик, биолог ёки замонавий география мутахассиси ҳам деярли айнан шундай дейди. Синергетикага биринчи илмий унвон бериш қийин масала. Бу нима: назариями? парадигмами? илми? фанми? Буларнинг ҳеч бири унга тўғри келмайдигандай. Синергетикани илмий йўналиш, яна ҳам аниқроғи — бамисоли сиёсий ҳаракат дегандай уни ҳам илмий ҳаракат деб аташ мақсадга мувофиқ бўларди. Синергетика доирасида ҳамфикр олимларнинг баҳамжиҳат фаолият юритиб, ҳар биттаси ҳаётнинг ҳайратланарли муаммоларидан бири — ўз-ўзини идора қилиш муаммосини ўзларининг илмий ихтисосликлари нуқтаи назаридан идрок қилиш имкониятига эга бўладилар.

ОЧИҚЛИК. НОТЕКИСЛИК. АТТРАКТОРЛАР.

Шундай қилиб биз, қувват оқими ёки бошқа бир етарли жадал ташқи таъсир учун очиқ тизимга эга бўлиб турибмиз. Бу мураккаб тизим бўлиб, жуда катта миқдордаги, баъзан жуда қийинчилик билан ҳисоб-китоб қилинадиган унсурлардан — лазер кристаллидаги атомлардан, химиявий аралашмадаги молекулалар, жамиятдаги одамлардан, миядаги нейронлардан таркиб топиб, улар бир-бирларига мураккаб ўзаро таъсир кўрсатадилар, — шу боис мазкур тизимдаги жараёнлар оммавий кооператив жараёнлар сифатида юзга келади.

Шу билан бирга тизимнинг мураккаблиги ва соддалиги — нисбий тушунчалар. Уларга ҳал қилувчи мейёр-мезонлар сифатида ёндошиш қутилган самара бермайди. Синергетика ҳар қандай тизимни бирваракайига яхлит бир бутунлик сифатида яхлит тарзда макродаражада ҳамда кўплан-кўп унсурларнинг ўзаро мураккаб таъсири сифатида микродаражада кўриб чиқа олади.

Масалан, аланга — ёнғиннинг кўзга кўринарли акси бўлгани ҳолда мустақил ҳосила, муайян шакли, ранги, ҳарорати, бошқа объектив хоссаларига кўра, аини аланга сифатида ҳам, шунингдек, батамом ёниб тугамаган кўплаб бўлақларнинг уйғунликдаги алангаси сифатида ҳам талқин қилиниши мумкин. Ниҳоят, алангани янада майда таркибий қисмларга ажратиш ҳамда қиздирилган, тез ҳаракатланувчи молекулаларнинг турбулент оқими сифатида ҳам талқин қилса бўлади.

Бирон-бир руҳий ҳолат, дейлик, инсон бошдан кечирган қаттиқ таъсирланиши ҳам турли даражаларда тасвирласа бўлади. Руҳий-психологик фан нуқтаи назардан талқин қилинганида, бундай ҳолат инсон маънавий оламига хос кечинма-туйғуларнинг қайта гуруҳланиши, табақаланиши — психологик ва ахлоқий атамаларда аксарият қайд этиладиган кўрсаткичлар (“Кўзим қайтадан очилгандай бўлди”, “Бугундай бошқа оламга айланган”) сифатида намоён бўлиши мумкин. Лекин аини шу муайян шахсга хос силжиш-ўзгариш психологик жараёнлар оқимини таъминловчи нейрон тўрларининг қайта жойлашуви даражасида талқин қилиниши мумкин. Шундай нуқтаи назарга биноан, амалда хилма-хил жараёнларнинг шохиди бўламиз.

“Тартибсизлик” ва “тартиб-интизом” тушунчалари борасида ҳам аини шундай фикрларни билдирса бўлади. Бу тушунчаларга синергетикада баъзан моҳиятган нотўғри аҳамият берилади. Чунки мулоқ тартибсизлик ва мулоқ тартиб-интизом бўлмайди. Шу боис, бирон-бир кўрсаткичга кўра, тартиблилик (ёки тартибсизлик) даражаси камайиши ҳисобига ёки унга зид равишда бирон-бир кўрсаткичга биноан тартиблилик (ёки тартибсизлик) даражаси ортгани ҳақида гапирилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Тартибсизлик жуда нозик, баъзан ташқи кузатувчи илғай олмайдиган тартиботга, масалан, турбулент оқимдаги тартиботга эга бўлади. Тартиб эса — муайян изга солинган тартибсизлик, холос.

Очиқлилик — мазкур тизим ўз-ўзини идора қилиши учун зарурий, бироқ кифоя қиладиган шарт эмас. Мазкур тизим яна нотекис ҳам бўлиши керак.

Математик нуқтаи назардан, нотекислик математик тенгламаларнинг муайян амалларнинг бир маромдаги эмас, балки сезиларли нотекис ўсиши ва бир неча сифат ечимларига эга алоҳида типини билдиради. Бунда нотекисликнинг физикавий моҳияти ҳам ойдинлашади: нотекис тенгламаларнинг ечимларини муайян мажмууга аини шу тенгламаларга хос тизим эволюциясининг кўплаб йўллари мос келади, тизимнинг ёки эволюция йўналишининг нисбатан барқарор ҳолати эса эгри чиқиқнинг алоҳида нуқталарига мувофиқ равишда сакраш тарзида содир бўлади.

Ифодали изоҳни хуш кўрувчиларга қуйидагича тушунтириш мумкин: ҳуштак ёки пуфлаб чалинадиган чолғу асбобини олиб, аввалига секинроқ, кейин эса тобора қаттиқроқ пуфлай бошлайсиз (қувват тизими ва оқимининг очиқлиги). Ҳаво оқими кучайишининг муайян даражасида мавҳум сас бирданга сакрагандек (нотекис равишда) ҳуштакка ёки куйга айланади — бу, аслида, ягона тонли резонанс товуш тўлқини, яъни тартибли тўлқин тартиботи ҳисобланади. Лекин сиз пуфлашга янада зўр берадиган бўлсангиз, кўнглингизни яйратаётган ҳуштак овози ёки куй тушук аралаш хирллашга (синергетикадан беҳабарлик оқибати) айланади.

Синергетикани кибернетика билан қиёслашга қайтайлик. Кибернетика ва тизим назариясининг турли кўринишлари техник, биологик ва социал тизимлардаги гомеостаз жараёнларини, мувозанатни сақлаш билан асосан машғул бўлган. Кибернетика мураккаб нотекис эволюция жараёнларини текис жараёнларга айлантиришга, кам деганда, имкон бўлган ўринларда шунга эришишга ҳаракат қилди. Бу фан тадқиқот қилса бўладиган нотекис тизимлар билан шуғулланди, яъни секинлик билан ўзгарувчи параметрларга эга текис тизимлар билан иш кўрди. Кибернетика алгоритмлар ва тизимлар устидан ташқи назорат усуларини ишлаб чиқди. Синергетика эса тизимларнинг ўз-ўзини идора қилиш жараёнларини, уларнинг ўзига хос ўз-ўзини назорат қилишини ўрганади, бунинг учун тизимларнинг нотекис хоссаси муайян асос яратади.

Шундай қилиб, башарти нотекис тизим очиқ бўлса ва унинг ички флукуациялари ёки ташқи таъсирлар бирон-бир даражадан ошса, бундай тизим тўсатдан янги макроскопик ҳолат касб этиши мумкин. Бироқ бу қандай ҳолат? Ва аслида қандай ҳолатлар юзга келади?

Мана шу жойда синергетиканинг марказий мезонларидан бирига яқинлашдик. Бу — муайян тизим ўз ривожига жараёнида касб этиши мумкин ҳолат-хоссаларнинг

дискретлиги бўлиб, айти пайтда улар сонининг муайянлиги, чекланганлигидир. Бошқача айтганда, ривожланишнинг эҳтимол тутилаётган тартиботлари — аттракторларининг хилма-хиллиги, яъни муайян тизимдаги ривожланиш жараёнлари касб этувчи тартиботлари яши тусга эга эмас. Ривожланиш жараёнида муайян тизим у ёки бу ҳолатни касб этади, лекин улар оралиғидаги бирон-бир ҳолатда қолиб кетмайди.

Муайян ривожланиш йўналишларигина мақсадга мувофиқ бўлиб, айти шу йўналишлар мажмуи кўриб чиқиладиган тизимнинг ички хоссаларига мос келади. Аслида, камида, масалан, плазма ўз-ўзини идора қилишининг нисбатан барқарор тартиботларини аниқлаш билан боғлиқ математик физика нуқтаи назаридан, бу йўналишлар мажмуини аниқласа бўлади.

Аксарият юзага келадиган ҳолатларнинг дискретлиги ва чекланганлигига оид тасаввурларни кўплаб мисоллар ёрдамида тасаввур қилса бўлади. Физикавий ва химиявий соҳаларда ҳал қилувчи феноменлар билан — атомдаги электронларнинг белгиланган айланма доираларига мос қувват даражаларининг дискретлигига дуч келамиз, бунда табиатда бўлиши мумкин атомларнинг мажмуи акс этади.

Жонли мавжудотларнинг ҳаракатларида ҳам дискретлик кузатилади. Отлар қадамлаб, йўртиб, йўргалаб юриши, шамолдай тезлик касб эта олиши бизларга азалдан маълум. Буларнинг ҳар бирида от аъзоларининг ҳаракатлари муайян қатъий қоилдаларга мос бўлади, қолаверса, бир шаклдаги ҳаракатлар бошқа шаклдаги ҳаракатга сакрама тарзда ўтилади. Заминдаги хилма-хил от зотлари айти бир хил ҳаракатлар қилади.

Айти пайтда фил хартуми, мушук ва ит думларининг муайян ҳолатдаги ҳаракатлари ҳам диққатга сазовор. Айти шу жониворларнинг мана шу аъзолари ҳаракатланишида муайян маъно мавжуд бўлиб, уларга мавҳум орилик ҳолати бегона.

Аттрактор тушунчасига мурожаат қилайлик. Аттрактор деганда тизимнинг муайян даража сари ривожланиш ҳолати тушунилади. Тизимда жиддий барқарор аттрактор-тартиботларнинг бир йўла бир нечтаси мавжуд экани дискретлик ғоясининг бўлакча, қайта шакл касб этган инъикоси ҳисобланади. Аттракторлар мажмуини стол ўйини саҳнидаги ўйиқлар мажмуи сифатида тасаввур қилиш мумкин, кўйиб юборилган пружинали металл шарча ана шу ўйиқлардан биттасига, албатта, тушади.

Аттрактор жадвал тарзида траекторияларнинг ягона нуқтада ёки ёпиқ ҳалқада туташини тарзида намоён бўлади, тизим ҳолати мана шу доирада мунтазам тебраниб туради. Туташув нуқтаси траектория жадвалнинг қайси жойидан чиққанига, яъни ҳаракатнинг бошланғич тарзига боғлиқ бўлмайди. Синергетикада аттрактор тортишувининг конуси ҳақида гаширилади, унинг мана шу оҳанрабо сингари тортиш хоссаси тизимнинг турли бошланғич шартлар тақозоси бўлган кўпдан-кўп траекторияларини ўзига тортиб туради. Тортиш гирдобни траекторияларнинг бошланғич тарқоқ чизиқларини муштгарак, тобора йиғноқ ҳолатга келтиради.

Аттракторлар ҳаракатларининг парадоксал хусусияти шундаки, унинг гўё тизимнинг бўлажак ҳолати детерминациялайди. Ҳали муайян ҳолат касб этилганича йўқ, бироқ аллақандай сирли ҳолатда келгусидан айти ҳозирги замонга тортиб олинади. Шу ўринда ноорганик табиатдаги мақсадга мувофиқлик эҳтимолга боғлиқ фалсафий муаммога дуч келамиз. Аттракторни тизим ҳаракатининг ўзига хос мақсади сифатида талқин қилиш мумкинми? Синергетика жавоб беради: онтологик нуқтаи назардан — даргумон. Лекин методологик жиҳатдан аттракторга мақсадга ўхшаш тарзда назар ташлаш, тизимнинг гўё бевосита ўзи танлаган мақсади сифатида қаралганда, аксарият амалий тусга эга бўлади.

“Траекториялар”, “тортиш гирдоблари”, “аттракторлар”ни одатдаги ҳаётга буғунлай бегона тушунчалар деб ҳисобламаслик керак. Шу нуқтаи назардан А.И. Герпен воқеаларини қандай идрок қилганини кўздан кечирайлик. “Кўплаб синовларни бошдан кечирган ҳар бир одам, — деб ёзганди у, — ҳаётида муайян бурилиш бошланувчи кунлар, соатлар, қатор сезиларсиз нуқта-нишонларни эсда сақлайди; бундай нуқта-нишонлар билан белгилаш ёки эҳтиёткорлик кутилмаган ҳолат эмас, улар — пинҳон ва аллақачоноқ мавжуд, ҳаётда рўёбга чиқишга шай бошланғич ўй-ниятларнинг пировард-натижасидир”.

Синергетикага хос дунёқараш ва услубий мазмун-моҳият билан илк танишайтганларда бу ҳақда илгари қаердадир эшитгандай тасаввур пайдо бўлиши мумкин. Ва ниҳоят: ахир бу диалектик материализм-ку, деган хулосага келинади.

Синергетиканинг асосий ғояларидан бири — бирон-бир етакчи мезон-ўлчовларга биноан силлиқ сифат ўзгаришлари ҳамда тизимнинг тўсатдан (аслида математик жиҳатдан таърифласа бўладиган) сифат жиҳатидан янги ҳолат касб этишини олиб кўрайлик. Кантпарастлик, К. Поппернинг мантиқий ижобийлик ёки танқидий рационализм руҳида тарбияланган ғарблик олим бу борада очиқ рўй-ростлик унсурларини кўриши эҳтимолдан ҳоли эмас, айни мана шунда синергетиканинг кашшофлик таълимоти сифатидаги обрў-эътибори қисман ўз ифодасини топади. Бироқ бутунлай бошқача руҳда тарбияланган бизнинг журналхонларимизга сон ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига айланиш қонунияти яхши маълум: жумладан, уларга марксистик нуқтаи назарга таянган ҳолда, материя ривожланишининг муайян босқичида ҳаёт пайдо бўлгани ҳамда онгнинг пайдо бўлгани-ю инсоният жамияти юзага келгани ҳамда бир ижтимоий-иқтисодий давр ўрнини бошқаси олгани сингдирилган.

Шу билан бирга синергетика билан диалектик материализм ўртасида жиддий фарқ бор. Жумладан, марксизм жамият ривожланишининг муқобилсиз манзарасини тақдим этади. Яъни феодализм ўрнини ҳаётий зарурият сифатида капиталистик тузум эгаллайди, шу асно капитализм ўрнини коммунизм эгаллаши керак. Тарихий ривожланишнинг олдиндан мана шу тарзда юксалишига оид таълимот синергетика учун бегона ҳисобланади. Хусусан, синергетик нуқтаи назарга кўра, гарчи ривожланишнинг эҳтимол тугилаётган йўллари чекланган бўлса ҳам қутилмаган омилларнинг таъсири оқибатида улардан бирортаси танлаб олинishi мумкин.

ФЛУКТУАЦИЯЛАР. БИФУРКАЦИЯЛАР.

Флуктуациялар ёки тизимдаги сезиларсиз, қутилмаган салбий ҳолатлар синергетика услубларига биноан, уч хил хусусиятга эга.

Биринчидан, улар бетараф омил хусусиятига эга бўлади. Бунда тизимнинг ташқи монеликлари ва ички шовқинларининг бутун мажмуи ўзаро мутаносиб бўлиб, тизимнинг сезиларли оғишига олиб келмайди. Ҳатто салмоқли флуктуация ҳам, башарти муайян даражадан ошиб кетмаса, бошқа барча “хотиржам” атомлар ва молекулалар салмоғи билан бартараф қилинади.

Иккинчидан, флуктуациялар янги ҳолат юзага келишида муайян аҳамият касб этиши мумкин: қулай шароитда айрим флуктуация аксилтаъсирни кучайтириши, бунинг оқибатида шундай аксилтаъсир тизим ичкарисида кучли тус олиши ва бутун тизим ҳолати ўзгариш учун шай хусусият касб этиши мумкин. Башарти тизимнинг сезгирлик даражасидан ўтилган бўлса, айрим флуктуациянинг таъсири сезиларли тус олиб, қулай шароитларда тизимни жиддий ҳаракатга келтириши ва ҳолатини ўзгартириб юбориши мумкин.

Учинчидан, юқори даражадаги мувозанатсизлик ва беқарорлик ҳукм сураётган тизимда флуктуация оловга ёғ куйгандек таъсир кўрсатиши мумкин. Бу ҳолат ўз-ўзини идора қилиш танқидийлиги феномени деб аталади.

Буларни муайян мисоллар билан тушунтиришга ҳаракат қилиб кўрайлик.

Дастлаб психологияга оид мисолни оламиз. Аврелий Августиннинг “Иқрорнома”сида қандай қилиб тақводорга айлангани тафсилотларини кўздан кечирамиз. Августин дастлаб узоқ йиллар мобайнида ичкиликка берилгани, маиший бузуқликка муккасидан кетгани ва IV асрда обрў-эътиборли хурофотчи-васвослар йиғинларида сафсатабозлик билан умрини беҳуда ишларга совурганини эслайлик. Мана шундай бемақсад ва бемаъни турмуш тарзи унинг меъдасига текканига қарамай, ундан узоқ вақт қутула олмаган. Бироқ вақт ўтгани сайин муҳим қарорга — зоҳидона ҳаёт йўлини танлашга тобора яқинлашиб борган.

“Ўзимни ўзим ишонтиришга ҳаракат қилдим: “Ҳозир, айни паллада шундай қилишим даркор”, — шу гапни такрор-такрор айтиб, ягона қарорга келдим ҳам, уни амалга оширишга чоғландим ҳам, бироқ амалда бунга журъатим етмади, бироқ яна аввалгидек шармандали турмуш кечиришга ҳам чек қўйдим: ўзимни тутиб олдим ва жиддий мулоҳаза юрита бошладим.”

Августин мана шундай изтиробли ўйлар оғушида қутилмаганда қаёқдандир ёш боланинг: “Китобни ол, ўқи! Ол қўлингга, ўқи!” деган даъватини эшитади.

“Ич-ичимдан келаётган фарёдни ютганча ўрнимдан турдим, бу нидони

Яратганининг даъвати сифатида қабул қилдим: китобни очиб, дуч келган жойидан ўқишга тутиндим”.

Августин Ҳаворийларнинг муқаддас китобини қўлга олганини ёзади: “Уни очиб, дуч келган жойидан ўқидим. “Маишатбозликка, ичкиликбозликка, бузуқликка ва фоҳишабозликка берилманг: Исойи Масихга юз тутинг ҳамда шайтоний нафсингиз измига тушиб, шаҳват қулига айланманг”. Мен давомини ўқий олмадим, давомини ўқишимнинг ҳожати ҳам йўқ эди: шунинг ўзи биланоқ қалбим нурга тўлиб, хотиржам бўлиб қолди — иккиланишларим зулмати ғойиб бўлди”.

Августиннинг самимий дил изҳорини қуруқ синергетика тилига таржима қилишимизнинг ҳожати бўлмаса керак — синчков китобхон ўзи уддалай олади.

Энди иқтисодийта муружаат қиламиз. Нью-Йорк Фонд биржасида акциялар баҳосининг ҳалокатли пасайиши, бу ҳолнинг тез-тез бўлмаса ҳам, узлуксиз давом этиши (бу вазият 1929 йилда, айниқса, даҳшатли тус олганди, 1987 ва 1998 йилларда эса нисбатан кучсизроқ шаклда такрорланди) кучайиб борувчи флукутацияларнинг синергетик услуби нуқтаи назаридан жуда яхши таърифланади.

Нохуш ахборотларнинг узлуксиз оқими атиги бир неча йирик компаниялар акцияларининг нархи кескин тушиб кетиши ва шунга мос равишда арзонлашишига олиб келади, бироқ айни шундай пасайиш бозордаги ҳар қандай тебранишларни, давлат молиявий мансабдорларининг фикр-мулоҳазалари ҳамда ҳаттоки фирмаларнинг молиявий аҳволига оид текширилмаган миш-мишларни ҳам жиддий қабул қилувчи брокерлар орасида саросиманинг тобора кучайишига сабабчи бўлади, — ва куннинг охирига келиб бинойидек фаолият олиб бораётган бошқа минглаб компанияларнинг акциялари нархи, улар билан биргаликда бугун биржа кўрсаткичларини кескин пасайтириб юборади.

Бу борада фалокатни, таъбир жоиз бўлса, йўқ жойдан чақириб олиш, ёмон ниятда бўлиш ҳам муайян аҳамият касб этади. 1998 йил октябр ойида Нью-Йорк биржасининг брокерлари аллақандай галати ва қайсарона қатъият билан акцияларнинг нархи 1987 йилдагидек яна тушиб кетади, дея ёмон ният қила бошладилар. 1987 йилнинг айни октябр ойида шундай кўнгилсизлик рўй берганди. (1998 йил ёзида Осиёнинг молиявий фондларида жиддий кўнгилсизликлар бўлгани, Россияда банклар фаолияти билан боғлиқ фожеали воқеалар рўй берганини ҳам эсга олайлик.) Бу қандай оқибатга олиб келди? Нью-Йорк фонд биржасида акцияларни нархи ҳақиқатдан ҳам тушиб кетди! Уларнинг нархи барқарорликка кўникиб қолган америкаликлар учун жиддий даражада, нақ 20 фоизга пасайди. Тўғри, Америка иқтисодиётининг барқарорлиги туфайли ярим йилдан кейин уларнинг нархи яна кўтарилди.

Турли аттракторлардан бирортасини танлаб олиш, ривожланиш йўлларининг туташуви синергетикада алоҳида аҳамиятга эга. Мана шу туташув палласини белгилаш учун бифуркация атамаси қўлланади. Фақат аттрактор гирдобига тушилганидан кейин ва бифуркация нуқтаси босиб ўтилгач, ривожланиш йўли қатъий белгилаб олинади. Лекин мана шу бифуркация нуқтасига яқинлашиш палласигача ва беқарорликнинг кучайиши арафасида флукутациянинг роли ўта ортиб кетади. Тасодифийлик омили майдонга чиқади.

Ҳар бир инсоннинг ҳаёт йўлида муҳим қарорлар қабул қилишдан иборат кўпдан-кўп паллалар, бифуркациялар силсиласи мавжуд. В.В. Набоков қуйидагиларни ёзarkan, аслида, ҳаётнинг синергетик манзарасини тасвирлайди: “Ўтмишга назар ташлаб, башарти бирон тасодифни бошқаси билан алмаштирилса, натижада сезиларсиз ва самарасиз кечган лаҳзалар ўрнида бир пайтлар ҳатто хаёлга ҳам келмаган антиқа воқеанинг юзага келишини тасаввур қилишининг ўзгача гапги бор. Ҳаётнинг мана шундай ғаройиб тармоқланиши, ортимизда қолган ҳар бир лаҳзада чорраҳаларнинг беҳисоблиги — рўй берганидан бутунлай бошқача воқеалар ҳам содир бўлиши мумкинлиги, — ҳуллас, ўтмишнинг зулматли қўйнидаги умидворлик нури билан ёритилган йўл-йўлаклар кўпайгандан кўпайиб бораверади”.

Тизим қанчалик беқарор, кескинлик палласига ёки бифуркация нуқтасига қанчалик яқин бўлса, турмушнинг ҳам қуйи, ҳам юқори қатламларидан киритиладиган жамики таъсирларга шунчалик сезгир бўлади. Флукутациялар ортиши, кучайиши самарадорлиги нотекис оламдаги арзимас сабаб-баҳоналар йирик оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигини билдиради. Микрорфлукутациялар макроскопик даражага ёриб кириши ва жараённинг макроманзарасини белгилаши

мумкин. Дунё тузилиши юқори қатламларнинг қуйи қатламларига акс таъсири учун ҳам мана шундай ҳолат хос.

Беқарорлик ҳолатларида инсон танасининг тизим ости фаолиятига радиация даражаси, ер магнит майдони қўзғалишлари, ҳатто сайёраларнинг жойлашувига мос равишда келиб чиқадиган энг кичик гравитация ўзгаришлари сингари самовий даражадаги омиллар ҳам суқилиб кириши мумкинлигининг ҳам илоҳиётга ҳеч қандай алоқадорлиги йўқ.

Муҳитнинг бир маромдаги ҳолатида турмушнинг турли даражалари бир-биридан ҳаддан ташқари йироқ бўлади. Атомлардан таркиб тошган молекулалар ўз навбатида тўқима-ҳужайраларнинг таркибий қисми ҳисобланиб, ҳужайралар инсон танасининг барча тўқималарининг энг содда бўлакчалари саналади, улар амалда инсон танасининг фаолиятига ҳеч қандай тарзда алоқадор эмас. Инсоннинг тириклиги ёки вафот этганини атомлар ҳатто пайқамайдилар. Нафас олишингиз ёки юрак уришини ўз билганингизча, ёхуд махсус тайёргарлик асосида муайян тартибга солишингиз мумкин, бироқ ўз танангиздаги лоақал ягона ўта майда атом зарраси ҳаракатини бошқариш қўлингиздан келмайди.

Синергетика эса — очик нотекис муҳит беқарорлигининг алоҳида ҳолатларида тананинг энг қуйи майда зарралардан тартиб, энг йирик аъзоларига ҳам таъсир кўрсатиш мумкинлигини эътироф этади. Шароит ғоят қулай бўлган ҳақиқатда атом заррачалари даражасидаги флукутуация авж олиши ва макродаражада алоҳида ҳолат сифатида мустақамланиши (айни сиз билан биз яшаб турган муҳитда) мумкин, бу макроҳолат эса ўз навбатида фазовий, мегодаражадаги жараёнларга ҳал қилувчи флукутуациялар сифатида қўшилиб кетиши мумкин. “Қутурган” атом ҳатто Коинотни ҳам алгов-далгов қилиб юборади — бу фантастик роман учун тайёр мавзу...

Тизимнинг мувозанат ва барқарорликдан холи экани, унда қўплаб бифуркация нуқталарининг мавжудлиги ҳар доим ҳам унинг емирилишига олиб келмайди. Аксарият ҳолларда, айниқса, юксак ташкилийлик даражасида ривожланиш йўллариининг хилма-хиллиги ва фаолият тартибларининг фавқулодда ўзгариши эҳтимоллари муайян тизим учун ҳаётий аҳамият касб этади. Тизимнинг эркинлик даражаси қанчалик йирик бўлса, ўзлигини “ўнглаб олишга” ва ўзлигини мураккаблаштиришга, тартибот даражасини оширишга шунчалик қобилиятли бўлади. “Тартибсизлик орқали тартибот касб этилади” қондасининг моҳияти айни мана шунда ўз ифодасини тошган. Бу борада табиат бамисоли шоирга (жаз созандасига ҳам деб қўшиб қўямиз) ўхшатишганки, айни шоир бошланғич материалдан фавқулодда, ўта тартибсиз муқоясалар, мазмун-моҳиятининг турлича талқин касб этиши, оҳанг ва қофияларнинг қалтис ранг-баранглиги воситасида пировард-натижада юксак даражада яхлит бадиий асар яратади.

Нейрофизиологларнинг аниқлашларича, одам мияси айни қалтис вазиятларда, тўлқинли тузилмалари фаолияти таъминланиши эвазига самарали ишлар экан. Инсон мияси “қалтис вазият бўсағасида”, бифуркацияларнинг кетма-кет зарбасига олдиндан шай ҳолатга келади. Худди шундай боксчилар ҳам рақибининг зарбаларига исталган ҳолатдан қўққисдан зарба бера олиш учун муттасил ҳаракат қиладилар.

Биологик мавжудлик арафасидаги ўз-ўзини идора қилиш ва ўз-ўзини шакллантириш негизлари макромолекулалар силсиласида оғир беқарорлик вазиятларида ўзларини тутиб тура олишлари билан боғлиқ бўлиб, бу қобилият уларни ганим муҳитнинг салбий таъсирини “ҳис этиш” ва муносиб жавоб беришга ундайди. Яна ҳам қизиқарли жиҳати шундаки, оғир вазиятдан тўлақонли барқарорлик томон силжиб борилган тақдирда атайин оғир вазият ҳолатини тиклайди. Мураккаб мослашувчан тизимлар муттасил равишда “қалтис тартибсизликлар” томон илгарилайди, гўё ўт билан ўйнашадилар.

Бу мулоҳазалар ҳозир ҳалокатлар назарияси ва оғир вазиятларни атайин юзага келтирилиши назарияси доирасида ўрганилмоқда. Кейинги назария АҚШнинг Нью-Мехико штатидаги Санта-Фе шаҳридаги мураккаб мослашувчан тизимларни тадқиқ этиш институти ходимлари П.Бак ва С.Кауфман томонидан ишлаб чиқилган. Улар ҳалокатчилик ғоясини ифодалаш учун кўргазмали мисол тарзида қум уюмидаги қум заррасининг ҳолатини оладилар. “Қум уюми мажозан мураккаб ҳодисаларга оид физикавий мушоҳадалар доирасидан анча чиқиб кетади, унда ҳамма қонуниятлар: қўплаб бўлакчаларнинг кооператив феъл-атвори, тасодифийлик, қутилмаганлик, тақдир мужассам. Бу — оламни идрок қилишнинг янгича услуби”.

Яна бир кашфиётни эслатиб ўтайлик. Бу ҳам табиат атайин флукуациявий тусга эга оғишлар келтириб чиқаришидан, улар пировард-натижада ҳаётий аҳамият касб этишидан далолат беради. Бунинг Барбара Мак-Клинтон ўсимликлар генетикаси соҳасида кашф этган бўлиб, шу кашфиёти учун 1983 йили Нобель мукофотида сазовор бўлган.

Маълум бўлишича, хромосомалар таркибида ҳаракатчан деб номланувчи генлар бўлиб, уларнинг вазифаси ДНК силсиласининг бир жойидан бошқа жойига сакраб ўтиб, генетик кодга атайин бузилишлар киритишдан иборат. Тана ўз хромосомасини шу асно қасддан “бузиши”дан кўзланган мақсад шундан иборатки, шундай бузилишлар ортиши эвазига кейинчалик табиий танлаш содир бўлади, яъни тана аста-секинлик билан кечаётган табиий жараённи кутиб ўтирмасдан, унга туртки бериб, тезлаштиради. “Эволюция, яъни ривожланиш — парвоз чоғида қўлга киритилмаган ноёб ҳодиса”. Француз олими Ж. Мононинг бу таърифи қутилмаган бузилишларнинг моҳиятини ақс эттиради. Бундай ҳолатнинг сир-асрорларини англашга ҳатто Ч.Дарвин ҳам уринган.

Бу ҳолат-ҳодисалар табиатда ҳолисона мақсадга мувофиқлик мавжудлигига оид масалани қайта-қайта қўтаришга мажбур қилади, табиат кетма-кет тасодифий воқеалар оралаб ўзи учун шунчаки йўл очмайди; табиат ривожланиб-равнақ топиши учун атайин, ҳаттоки қасддан ўзини галаёнга солади, фавқулотда вазиятларга дучор этади.

СУРЪАТЛИ ОЛАМЛАР. ОЛИС КЕЛАЖАККА ДОХИЛЛИК

Синергетика айрим бўлақлардан яхлит ривожланганликда юзага келтириш, нисбатан содда тузилмалардан мураккабларини шакллантириш, тизимларнинг биргаликда барқарор ривожланиши қондаларини кашф этади. Самарский-Курдюмов илмий мактабининг сезиларли ютуқларидан бири мана шу бўлди.

Мустақил, ҳали бирлашиб улгурмаган тузилмалар “бир-бирларини сезмаган ҳолда” мавжуд бўладилар. Уларнинг ҳар бири турли “суръат оламларида” яшайдилар, яъни ҳар бири ўзига хос суръат асосида ривожланади. Мураккаб тузилма “турли ёшдаги” — турли ривожланиш босқичларидаги тузилмаларнинг бирлашишини билдиради. Масалан, илмий мактаб олимларнинг турли авлодларини: ўқитувчиларнинг ўқитувчиларини, ўқитувчиларнинг ўзларини, фаол иш олиб бораётган шогирдларни ва умумий ишга эндигина қўшилган ёшларни бирлаштиради.

“Турли ёшдаги” тузилмаларнинг яхлит-ягона ривожланувчи бир-бутунлик касб этиши қоидасини синергетика куйидагича талқин этади. Нисбатан содда тузилмалар яхлитликнинг таркибий қисмига айланувчи барча айрим бўлақлар, содда тузилмалар ривожланишида умумий суръат қарор топиши орқали бирмунча мураккаб тузилмага бирикадилар. “Турли ёшдаги” тузилмалар ягона суръат оламига тушиб қолади ва бир хил суръат — тезлик билан ривожлана бошлайди. Айни умумий ривожланиш суръати шарофати билан хилма-хил тузилмалар яхлит тузилманинг ўзаро мос ва мутаносиб таркибий қисмларига айланади.

Ўзаро бирлашиб мураккаб тузилмани юзага келтирган тузилмаларнинг оқилона топологияси, яъни тўғри қиёфага эга бўлса, мураккаб тузилманинг ривожланиш суръати ортади. Мана шу яхлитлик таркибига кирган энг тез ривожланувчи тузилманинг суръатидан ҳам яхлит тузилманинг касб этган суръати тезлиги юқори бўлган. Биргаликда ривожланган фойдали, чунки бунинг натижасида моддий ва маънавий сарф-ҳаражатлар тежаллади. Шу боис, бирлашиш, яхлитланиш ўзини оқлайди. Ривожланганлик даражаси нуқтан назаридан мураккаб тузилмалар маҳобатли буюклик ва яхлит баркамоллик тимсоли бўла олади. Қадимий ҳиндлар тили билан айтганда, улар “Маъбуда қиёфасини касб этади”.

Синергетика ривожланиш асносида юзага келувчи мураккаб-тузилма — жисмларнинг яна бир ўзига хослигини кашф этади. Ривожланувчи мураккаб тузилманинг шакл-шамойили ахборот кўринишига эга. Бу тузилманинг муайян қисмларидаги жараёнлар илгари қандай кечган бўлса, айни пайтда ҳам шу суръат билан кечади, бошқа қисмларида эса жараёнлар бутун тузилмада келгусида қай суръатлар билан кечиши зарур бўлса, шунга мос равишда рўй беради. Шунинг учун ҳам шундай бўладикки, юзага келган жараёнлар, аттрактор-тузилмалар инвариант ечимларни ҳосил қилади, уларда макон ва замон эркин эмас, балки ўзаро чамбарчас

боғлиқ. Синергетика вақт машинаси калитини бамисоли қўлимизга тутқзади, натижада айни пайтда мозий ҳамда бевосита ҳаётий келажак эшиклари қаршимизда очилади. Бундай имкониятдан фойдалана билиш учун муайян уқув талаб қилинади. Фақат синергетика таълимоти билан қуролланган одамгина мана шундай неқбин фазилат касб этади.

Синергетик дунёқарашнинг зиддиятли оқибати эса мана бундай. Башарти тузилма сушт фаоллик ва чекланмаган тарзда ҳаракатланувчи тўлқинлар тартибда ривожланса, яъни гўё мураккаб тузилма “ҳордиқ” ва “уйқу” ҳолатида бўлса, шу тузилма марказидаги бугунги жараёнлар шундай кучга айланадики, ана шу куч таъсирида жуда олис келажакдаги жараёнлар содир бўлади. Бу — мураккаб ривожланиш тарзининг математик моделлари таҳлилининг натижаси.

Бундай тартиб, умуман, туш кўрмасдан ухлашга, айниқса, мос бўлиб, уни ҳиндлар азбаройи сирли ҳолат деб ҳисоблаганлар. “Одам уйқуга кетса-ю, ҳеч қандай туш кўрмаса, шундай ҳолатда яхлитликка эришади. Бутун исми шарифлар билан нуққ унинг танасига киради, барча тимсоллар билан нигоҳ жо бўлади, жамики товушлар билан қулоқ тўйинади, жамики фикр-мулоҳазалар билан тафаккур унда тажассумини топади. У уйғонганида, алангадан тўрт томонга оташ-учқунлар сачрагани каби, мана шу Атмандан ҳам ўз жойлари томон ҳаётий куч-қувват, ҳаётий куч-қувватдан — Тангрлардан эса — олимлар тарқалади”. Упанишада асариди Каушитакининг ҳолати мана шундай тасвирланган. Тетиклик ҳолатидаги ҳаётий куч-қувватнинг максимал юзага чиқини бошқа қутбдаги ғоят осойишта уйқуга мос бўлиши зарур. Уйқу ҳолатида куч-қувват аксарият пинҳона тарзда бўлакланмаган ва осойишта яхлитликда жамланган бўлади. Инсон шундай ҳолатда фазовий яхлитлик билан алоқага киришиб, универсал алоқалар тасарруфида бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Муайян уйғунлик, мавжуд жараёнларнинг мурод-мақсад, келажакдаги тартибот билан муқояса қилиниши рўй беради.

СИНЕРГЕТИК МУШОҲАДА — СИНЕРГЕТИКА ТАРЗИДА ЯШАШ

Синергетика ўз илмий мавқеи юксакликларидан инсонга шу асно панд-насихат қилади. Дунёда ҳамма нарса ўзаро боғлиқ; сен қўғирчоқ эмассан, бироқ ҳукмрон ҳам эмассан, сен ҳаёл этмас ибтидодан беадоқ интиҳо сари узанган универсум ривожланиш силсиласи мажмуидаги фаол тутунсан.

Бу анъанавий шарқона дунёқарашга ўхшайди. Синергетиканинг кўплаб ғояларини мазмун-моҳияти; ҳамма нарсанинг ҳамма нарса билан ўзаро боғлиқлиги, оламда ва жамиятда муайян поғоналарнинг мавжудлиги, унга хоҳласанг-хоҳламасанг амал қилиш кераклиги, томчида денгиз акс этганидек, денгиз ҳам миллиардлаб томчиларнинг тажассуми экани, қадимий Хитой рамзи — инь ва ян галма-гал алмашгани каби ҳаракатланиш суръатлари ва маромининг диалектик алмашуви, ҳамма нарсанинг йўқликдан пайдо бўлиши ва яна йўқлик қаърига сингиши, — синергетикани даосизм, индуизм, будда дини, конфуцийлик таълимотларига яқинлаштиради.

Синергетик дунёқарашнинг жиҳатлари атрофимиздаги оламга хос у ёки бу даражадаги қонун-қоидаларга мувофиқ талқин қилиниши мумкин. Уларни сирли тадқиқотлар билан машғул олимнинг ҳам, жамиятда олимларнинг фаровонлигига оид антиқа тасавурларини қарор топтириш учун ҳаракат қилаётган сиёсатдонлар фаолиятига ҳам, қолаверса, оддий инсон хатти-ҳаракатларига нисбатан ҳам талбиқ қилиш мумкин.

Биз шундай қонун-қоидаларни имкониятимиз даражасида тушунтиришга ҳаракат қилиб кўрайлик.

Биринчи қоида: “Қандай акс-садо бериши номаълум”. Илья Пригожин бу ғояни дунда, лекин жуда тушунарли изоҳлайди: “Табиат детерминистик оламда инсон томонидан тўла назорат қилинади, хусусан инсон истак-хоҳишларини инерт объектига айланади. Башарти табиатга моҳиятан беқарорлик хос бўлса, инсон теварак-атрофидаги оламга эҳтиёткорлик ва ҳушёрлик билан муносабатда бўлиши керак, — лоақал келгусида нималар содир бўлажagini аниқ башорат қила олмаслиги учун ҳам шундай қилмоғи зарур”. Бизлар яшаётган олам нотекис ва очик. Нотекис,

яъни беқарор оламда эса ҳатто эҳтимолдан йироқ ҳодиса-воқеалар рўй бериши ҳеч гап эмас.

Иккинчи қоида: “Зарур ҳолатларда ва зарур паллада ҳаракат қил”. Эрамизгача V асрга мансуб Хитой фалсафий ёдгорлиги — “Го Юй” воситасида бизгача етиб келган конфуцийшараст донишманднинг сўзларига қулоқ тутайлик. Аллома хонликлардан бирининг ҳукмронига шундай насиҳат қилади: “Ҳозир У (Само) сизни кузатаётир, шу боис режалар тузишга ошиқманг... Қулай фурсатни кутиш зарур, зеро зафарлар йўлида куч-қудратига ортиқча ишонадиган кимса мағлубиятга маҳқум... Қулай фурсатни қўлдан чиқармаслик керак, чунки бундай омад фақат бир марта келади. Башарти қулай фурсат келса-ю, ундан мақсадга эришиш учун фойдаланилмаса, Само юз ўгиради”.

Само тимсолида ялпи фаол муҳит, илоҳийлик нишонлари акс этган. Унда одамзотнинг муайян иштироки натижасида фаоллашадиган кўплаб йирик имкониятлар ўз тажассумини топган. Муҳитнинг ташқи таъсирга муносабати таъсирнинг муҳит имкониятларига мос келиши ва мос келмаслиги билан белгиланади. Табиий (Дао) йилига амал қил — ижобий натижага эришасан, башарти муайян муҳитга қарши иш тутадиган бўлсанг — мағлубиятга учрайсан.

Учинчи қоида: “Рўй бериши мумкин бўлмаган нарса, албатта, рўй бермайди”. Бунга Собиқ Совет Иттифоқида социализм қуриш учун ҳаракат бўлганлигини мисол қилса бўлади. Марксизм асосчилари ва инқилобнинг дастлабки “доҳийлари” тасавуридаги баркамол ижтимоий тузум, аслида, муайян ижтимоий муҳитнинг ички ўзига хосликлари ва имкониятларига мос келмади. Оқибатда қадимги Шарқ мустабид тузумларига хос белгиларга эга ижтимоий муҳит вужудга келди. “Муайян хонани мўлжаллаб қадам ташлай туриб, бутунлай бошқасига кириб қолинди”...

Башарти, аллақандай тараққиёт йўлини танлаб олар эканмиз, уни амалга ошириш эҳтимолдан йироқ эканини, эҳтимол тутилаётган ҳолатлар харитасида бундай йўл умуман йўқ эканини англаб етмоғимиз лозим. Бундай ҳолатларда тизимнинг ички хоссаларини ўзгартириш, мавжуд ҳолатларни ўзгартириш имкониятларини қидиришимиз, ёхуд муайян муҳитга мос келмайдиган тартиб-қондаларни зўр бериб жорий қилишга уринишлардан бутунлай воз кечиш даркор. Инсониятнинг келгуси ривожланиши режа-тарҳларини тузиш билан боғлиқ, замонавий кароматгўйлик фаолиятида мазкур қоидага амал қилиниши, айниқса, муҳим аҳамиятга эга.

Тўртинчи қоида: “Арзimas нарса билан йирик ютуқларни қўлга кирита оласан, бироқ салмоқни, йирик нарсалар билан ҳаммиша арзimas нарсаларга эга бўлмайсан”. Бу қоидада нотекислик, беқарорлик тамойили, айниқса, ёрқин акс этади. Нотекис тизимларда кўплаб куч-қувват сарфланиши мутаносиб натижа олишни кафолатламайди. Бошқа томондан эса, арзimas ёки баъзан бехосдан қилинган оқилона таъсир ҳам тизимни жиддий ҳаракатлантириши, унинг мудраб ётган имкониятларини уйғотиб юбориши мумкин. Башарти, муҳитнинг зарур нуқтасига тегишли тартибда таъсир кўрсатилса, қутилган самара қўлга киритилади.

АЙРИМ ТАХМИНЛАР

Синергетика ривожланишининг тажрибаси замонавий илм-фан йўлларига оид қандай муҳим ҳулосага олиб келади? Синергетиканинг келажаги қандай?

Синергетиканинг ўзига хослиги шундаки, у илмий англашнинг янги усулини юзага келтирди — бу тамомила бошқача, ҳатто қарама-қарши нарсалар билан қиёслаш орқали англаш ҳисобланади. Дарвоқе, Ғарб илм-фани асосан қайси мақсадга йўналтирилганди? Қатъий тахмин-фаразлар тизимини ва илмий амалиёт ичкарисидаги далил-исботларни ишлаб чиқишга, муайян мазмун-моҳиятни йўқотмаслик, хиралаштирмаслик учун бегона унсурлардан атайин воз кечишга йўналтирилган. Синергетика қарама-қарши йўлдан бориб, бутунлай бошқача махсус ечимларни, воқеликнинг ўта олис соҳаларидан изоморфизмларни топишга уринади. Лекин навбатдаги қадамни ҳам ташлаб, турли фанлар далилларини ўзаро бойитадиган тарзда таҳлил қилади.

Асосий фанларнинг муайян тармоқлари вақти-вақти билан ўзаро боғланади, бу ўзига хос катализатор вазифасини ўтайдики, мазкур ҳолат муайян фан ўрнини боса олмайди ва бунга қодир ҳам эмас, бироқ фанларни рағбатлантиради, тезлаштиради,

бойитади, уларда қарор топган ғояларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратади.

Фанлараро тадқиқотлар вақт ўтгани сайин муқаррар бирлашиб кетади, муайян муаммоларни ҳал қилишнинг бошқача усул ва воситалари уларнинг диққат-эътиборини жалб қилади. Яна чорак асрдан кейин бундай муаммога синергетика ҳам дуч келиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Лекин турли табиат жисм-тизимларининг мураккаб тартиботларини тадқиқ қилишга асосланувчи фанларнинг ўзаро боғлиқликдаги ёндошуви долзарб бўлиб қолаверади.

Мақолани ўқигандан кейин синергетиканинг ўттиз йиллик тараққиёти ҳам гўё қудратли “энг етакчи фаннинг” ғолибона юриши сингари муваффақиятли кечгандек, унинг содиқ тарафдорлари тобора кўпайиб бораётгандек таассурот пайдо бўлиши мумкин. Бунинг боиси, аввало, синергетиканинг ижобий жиҳатларини ва янгилигини ёрқин намойиш қилишга ҳаракат қилдик. Шу билан бирга синергетикага шубҳали назар билан ёндошувчи танқидий нуқтаи назарлар четда қолиб кетди. Аслида диққат-эътиборни оҳанрабодек жалб қилувчи янгиликнинг тарафдорлари билан биргаликда ҳамisha муҳолифлари ҳам бўлади.

Дастлаб синергетика билан илмий рақобатта ва унинг мантиқий танқидига тўхталамиз.

Барчага хос заифликлардан олимлар ҳам ҳоли эмас. Боз устига, ижодий шахслар сифатида рақобатлашиш, касбий шахсиятпарастлик каби сифат-хислатлар уларда кучлироқ бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас, — буларнинг барчаси халқаро илмий ҳамжамият фаолиятида ҳамisha намоён бўлиб келаётир. Бунинг нафақат психологик жиҳатлари, балки амалий-моддий сабаб-илдизлари ҳам бўлиб, улар сармоя ва яхши иш жойлари учун курашга бориб тақалади. Замоनावий илм-фанга синчиклаб назар ташлайдиган бўлсак, уни (башарти қалбан ҳамон идеалист бўлиб қолган тақдирингда ҳам) sanoat ёки тadbirkorлик турларидан бирига беихтиёр қийслаймиз. Илм-фан рақобат ва яшаб қолиш қонуниятларига бўйсуниб, тобора америкача хусусият касб этиб бораётир. Кимки жамоатчилик диққат-эътиборини жалб қилиб, олдинга чиқиб олса, у осонгина молиявий мададга эга бўлади, энг яхши дорилфунунларга таклиф қилинади, ниҳоят машҳурлик ва шон-шухратта ноил бўлади. Рақибни ундан хиёл орда қолса ёки деярли баравар бўлса ҳам бутун диққат-эътибор пешқадам деб топилган кимсага қаратилиши одатга айланган. Ғарб мамлакатларидаги китоб дўконларида бўлар экансиз, илмий адабиётлар бўлимидаги нашрларни кўздан кечириб, ҳатто илмий адабиётларнинг муқовалари ҳам ўта ёрқинлиги, боз устига детектив асарлар каби ғоят қизиқарли номланганининг шохиди бўласиз. Замонамиз олимлари оммавий шон-шухрат қозониш учун бамисоли рок — мусиқа юлдузлари сингари ўзларини “сотишлари”, “кўз-кўз қилишларига” тўғри келаётир.

Бу борада анъанавий фанлар билан анъанавий фанлар, айни пайтда анъанавий фанлар билан нисбатан навқирон фанлар, шунингдек, бевосита навқирон, ёш фанлар ҳам ўзаро беллашмоқдалар. И. Пригожин “синергетика” атамасини имкон борича қўлламасликка ҳаракат қилишини қайд этгандик. Хўш, нима учун? Асосан илмий биринчилик ва обрў-эътибор нуқтаи назаридан. Олий натижа — янги илмий йўналишни бошқалар эътироф этадиган ўз номланишини қарор топтиришдан иборат. Бизлар баҳс юритаётган илмий соҳанинг саккизта номланиши борлигига қарамасдан бирортаси ҳам умум томонидан эътироф қилинмаган. Улар орасида: мураккаблик тўғрисидаги фан, мувозанатсиз термодинамика, детерминлашган тартибсизлик назарияси, ўз-ўзини идора қилиш назарияси, нотекис динамика, мураккаб мослашувчан тизимлар назарияси қабилар бор. Бу йўналишларнинг ҳар биттасининг, албатта, муайян ўзига хосликлари бўлиб, у ёки бу ҳодисаларга алоҳида эътибор қаратади, лекин уларни алақандай муштараклик бирлаштиради. Натижада муайян айланани ҳосил қилувчи бўлақларнинг номлари аниқ, бироқ айни доиранинг номланиши номаълум бўлган манзара пайдо бўлади. Аксарият ҳолларда турдош илмий йўналишга мансуб ҳамкасбларнинг изланишлари ҳатто бирон марта эста олинмайди, гўё улар мутлақо йўқдай.

Шахсий ва гуруҳ-гуруҳ бўлиб инкор этиш ёнига географик камситиш ҳам қўшилмоқда. Шарқдагилар Ғарб томондагиларнинг илмий изланишларини кузатиб борадилар, Ғарбдагилар эса Шарқдаги ҳамкасбаларини ҳатто пайқамайдилар ҳам. Хитой ва Ҳиндистон каби мамлакатларда Россия, табиийки, Европа ва АҚШ илм-

фанида қилинаётган асосий изланишларни инобатта олишга уринадилар. Россия вилоятларида олиб борилаётган илмий ишларга Москвада етарли эътибор берилмайди. Дейлик, германиялик олим Россия, Хитой, ҳатто ўта ривожланган Япониядаги ҳамкасабаси фаолияти билан деярли қизиқмайди, бу борада, албатта, тил билмаслик ҳам тўсқинлик қилади. Германиялик олим ҳатто ҳамюртининг илмий иши, башарти, АҚШда нашр қилинган тақдирда ҳам, унга камдан-кам ҳолатда эътибор беради. Қолаверса, бизлар ҳамон шартли равишда синергетика деб номланаётган ғояларнинг асосий ташаббускорлари Фарбий Европа ва Россия олимлари эканидан қатъи назар, америкаликлар бу илмий йўналиш айна бизнинг ватанимизда юзага келган, дея комил ишонч билан даъвогарлик қилаверадилар.

Адолат юзасидан эслатиш керакки, синергетика асосчиси Г. Хакен 50-йилларда Москвада таҳсил олган, рус тилини билади ҳамда россиялик олимлар, жумладан, С.П. Курдомов ва назариётчи физик Ю.Л. Климентовичнинг илмий ишларидан яхши хабардор. У Штутгартдаги Илмий марказга раҳбарлик қилиш билан бирга Флориданинг Атлантика дорилфунунида Мураккаб тизимлар марказида мунтазам илмий иш олиб боради.

Мазкур йўналишдаги шахсий муносабатлар ва даъвогарликларнинг мазмун-моҳияти нималардан иборат? Уларни қисқача куйидагича ифодалаш мумкин.

Биринчидан, синергетика қамраб бўлмайдиган нарсани қамраб олишга бел боғлаган, қамров қагчалик кенг бўлса, аниқ натижа шунчалик ғариб бўлади. Фанлараро боғлиқлик — дея эътироф қилади унинг муҳолифлари: бир йўла бир неча ўринларга интилиш эмасми?

Иккинчидан, синергетика боғланмайдиган нарсаларни боғлашга ҳаракат қилади. У микро ва макро оламларнинг, физикавий ва биологик ҳодисаларнинг, психологик ва ижтимоий тартиботларнинг сифат жиҳатидан фарқланишини истисно қилади.

Учинчидан, синергетика аксарият кўҳна, азалдан маълум нарсаларга янги ёрлиқлар ёпиштиради. Ана шу ёрлиқ олиб ташланса, анъанавий фаннинг негизи очилиб қолади, унда гарчи янги фан етилиб келаётган бўлса ҳам, буни синергетика шарофати деб ҳисобламайдилар.

Тўртинчидан, синергетиканинг айрим амалий тавсиялари сеҳр-жодуга ўхшамайдими? Арзимас нарса билан жуда салмоқли натижаларни қўлга киритиш мумкинлиги жодугарликнинг бир кўриниши эмасми? Ахир синергетикани шундай талқин қилиш мумкинки, дейлик, афсунгарларга хос сеҳру жодуни ишга солиб, жуда катта ютуқ эгаси бўлиш мумкин.

Шуларга ўхшаган барча далилларни изоҳлаш учун яна битта мақола ёзиш керак бўлади. Табиий эътироф этиш зарур: синергетикада ҳақиқатдан ҳам тобора авж олиб бораётган ҳукмронлик тамойили мавжуд, бу хусусият, афсуски, ҳар доим ҳам унинг фойдасига хизмат қилмайди, аксинча иллат сифатида талқин қилинади. Синергетика ўз моҳиятига кўра қандай ишларга қодир эканини ойдинлаштириб олиши — шунингдек, қайси соҳалар ва масалалар билан шуғулланмаслиги зарурлигини ҳам аниқлаб олиши керак. Қолаверса, бунга оид баҳс-мунозара давом этади, деган умиддамиз. Зеро, ҳақиқат — баҳс-мунозараларда туғилади.

*“Новый мир” журналининг
2000 йил 3-сонидан олинди.*

*Абдуҳамид ПАРДАЕВ
таржимаси.*



Ҳижрон сели узра солинган кўприк

Фурқат Ёркент (ҳозирги Хитой Халқ Республикаси Шинжонг вилояти)га 1893 йил сентябри (ҳижрий 1311 йилнинг рабиъ ул-аввали)да келган. Бу ҳақда унинг ўзи “...рабиъ ул-аввал ойининг аввалида Ёркент вилоятига келдим”¹ деб ёзади.

Шоир ҳаёти ва ижодининг Ёркент даврига оид мавжуд тадқиқотларнинг фурқатшунослик ривожига аҳамиятини эътироф этган ҳолда таъкидлаш керакки, бу масала ҳанузгача етарли даражада тадқиқ этилмаган. Қолаверса, мазкур тадқиқотларда мустабид шўро мафқураси талаби билан шоир ҳаёти ва ижодининг айрим қирраларини тўла ёритиш имконияти бўлган эмас.

Фурқатнинг Шарқий Туркистондаги ҳаёти ва ижоди ҳақида энг кейинги тадқиқот профессор Н. Каримовнинг “Ёркент асири” мақоласидир. Мақолада Фурқат ҳаёти ва ижодини ўрганганининг муҳим жиҳатлари ҳақида эътиборли маълумотлар берилган. Фурқатнинг “Кажкул” деб номланган кундалик дафтари ҳақидаги фикрлар, Нурмуҳаммад Муҳаммадюсуфнинг шоир ҳаёти ва ижоди ҳақидаги хотиралари таҳлили шулар жумласидандир.

Лекин, мақолада келтирилган москвалик туркшунос Эдгем Тенишев китобидаги аксар фикрлар мунозарали. Жумладан, Фурқатнинг кичик ўғли Нодиржон 1956 йили 43 ёшга тўлганлиги, тикувчилик ширкатида тикувчи бўлиб ишлаши ҳақидаги Э. Тенишев маълумотининг ҳақиқатга мувофиқ эмаслигини профессор Н. Каримовнинг ўзи ҳам алоҳида таъкидлайди. “Олимнинг сўнгги маълумоти иштибоҳли, — деб ёзади Н. Каримов, — чунки агар Нодиржон 1956 йили 43 ёшга кирган бўлса, у ҳолда отаси вафотидан кейин, 1913 йилда туғилган бўлиб чиқади”.

Э. Тенишев хотираларида ёзилишича: “Зокиржон 22 ёшида қадрдон шахри Кўқондан чиқиб кетишга мажбур бўлади”. Ваҳолонки, Фурқатнинг ўзи “Аҳволот”да: “Чун ёшим соати умр шаб-рўзида йнгирма тўрт шуморига етти, ул вақт Хўқанд вилоятидаги фозилу расотабъ кишилар бирла иттиҳод айлаб, аларнинг суҳбатидин кўп баҳралар тошдим — деб ёзганки, унинг 22 ёшида Кўқондан чиқиб кетган бўлиши мумкин эмас.

Москвалик туркшуноснинг Фурқат “уч маротаба ҳажга бориб, икки йил Ҳиндистонда, бир йил Афғонистонда яшайди” деган фикрлари ҳам тўғри эмас. Архив маълумотлари шоирнинг ҳажга уч маротаба эмас, бир марта борганлигини, Ҳиндистонда икки йил эмас, Тибет сафарини ҳам қўшганда бир йилу бир ой яшаганлигини, Афғонистонга эса умуман бормаганлигини тасдиқлайди.

Бундан ташқари, Э. Тенишев Фурқатнинг хотини исмини Райҳон деб атайди. Ваҳолонки, Ёркентнинг расмий маъмурияти — Ёркент вилояти халқ комитетининг “Гулхан” журнали редакциясига 1958 йил 18 августда ёзиб юборган мактубида ҳам, кўп йиллардан буён Фурқат мероси устида илмий изланишлар олиб бораётган, Қашқар уйғур нашриётида шоирнинг “Танланма асарлари”ни чоп эттирган ёрқентлик олим Нейматулло Убайдулло тадқиқотларида ҳам Фурқатнинг хотини Раънохон исми аёл бўлганлиги таъкидланади.

Шуларнинг ўзиёқ кўрсатиб турибдики, Э. Тенишев келтирган маълумотлар Фурқатнинг ҳаётини ўрганишда асос бўла олмайди.

Ўзбекистон ФА Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи Фурқат фондида Шинжонг вилояти фуқароси Фирдавс Азизийнинг шоир ҳаёти ва ижодининг Ёркент даври ҳақида маълумот берувчи мактублари сақланади. Мактублар уйғур тилида ва араб ёзувида бўлиб, уларда муаллиф Фурқатнинг Ёркентдаги ҳаммаслақ дўстлари — Тажаллий, Шариф охун, Абдурахим охун, Бобожон ҳожи, Муҳаммад Қори ҳожи, Умар ҳожи, уларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида қимматли маълумотларни беради.

¹ Ўзбекистон МДА, фонд N 1009, 1-рўйхат, 115-иш (2-жузгир), 138-саҳифа.

Фирдавс Азизийнинг ёзишича: “Фурқат ҳар ҳафтанинг сешанба кунин Умар ҳожининг уйида ҳуснихат ҳаваскорларига таълим берган. Ҳар ҳафтанинг чоршанба кунин уфатлар йиғилиб, Умар ҳожининг боғида ёки шаҳар ичидаги бирор бошқа жойда кўнгил очиб қилиб, шеър ўқишиб, танбур чалишиб ўлтурганлар. Ҳар ҳафтанинг жума кунинда Фурқат оғайнилари билан шаҳар сиртидаги боғларга чиқиб, базм қилишиб ўлтуришган. Бошқа кунлари дўконда касал даволаш билан бўлган.

Жума кундаги ўлтуришларида форс тили, адабиёт ва диний масалалар тўғрисида муҳокама ва илмий баҳс-мунозаралар олиб борилган. Шундоқ суҳбатларда Фурқат янги ёзгон шеърларини ўқиб берса, кишилар кўчуруб олгон ва ашула қилиб ўқуғон. Фурқат форс адабиётининг тарихини ўқуғонлиги ва форс тилини мукаммал билганлигини шеърият ҳаваскорларига энг яқин шеърини китоб деб ҳисобланган “Девони Мирзо Бедил” деган китобнинг тушунолмаган ерларини Фурқатдан сўрашган. Фурқат уларга бутун тафсилли билан тушунтириб қўйган”.

Фурқатнинг Ёркентдаги илмий-ижодий фаолияти серқирра эканлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу шаҳарда яшар экан, у шоир ва носир, публицист ва хаттот, табиб ва олим сифатида шуҳрат қозонди.

I

Фурқат Ёркентда яшар экан, ҳаётини аъмоли — шеърият билан жиддий шуғулланди. Баркамол назмий асарлар яратди. Шоирнинг бу давр шеърияти гурбат оҳанглигининг устувор эканлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шу боис ундаги ғариб, ит (адашган, оввора ит), гул, гунча, лола (сахро юзидаги лола), булбул (бўстонидин, фиғонидин адашган булбул) каби образлар муайян бир силсилани, узвий боғлиқликни ташкил этади. Лирик қаҳрамон руҳий ҳолатини ифодалашда умумлашма воситалар сифатида алоҳида ўрин тутади.

Шу ўринда масаланинг яна бир муҳим жиҳатига эътибор қаратиш зарурати сезилади. Маълумки, шеърият илмида образлилик асосий шартлардан бири. Лекин ҳали мукаммал бадийлик учун шунинг ўзигина кифоя қилмайди. Шоир истаган образини танлаши мумкин. Лекин уни бадий тасвир воситалари орқали таъсирчан, ёрқин ифодалаб бера олмаса, бу образ рангсиз, саёз, жўн бўлиб қолаверади. Фурқат лирикасида образ ва бадийят шу даражада уйғунликка эришганки, уларни бир-биридан айри тасаввур этиб бўлмайди. Мазкур образлар силсиласи таҳлили ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди.

Манам шўрида булбул бўстонидин адашганман,
Юзи гул, қомати сарви равонидин адашганман,
Дилим ҳажри-ла қондур дилситонидин адашганман,
Ғариби кўйи гурбат хонумонидин адашганман,
Ва ё бир мурғи ваҳший ошёнидин адашганман.

“Бўстонидин адашган булбул”, “хонумонидин адашган ғариб”, “қомати сарви равонидин адашган юзи гул (ёр)” лирик қаҳрамон изтиробининг нечоғлик оғир эканлигини таъсирчан, ёрқин ифодалаган образлар. Геран мазмуннинг таносиб (булбул, бўстон), ташбиҳ (юзи гул, қомати сарви равон) ҳамда иштиқоқ (ғариб, гурбат) санъатлари билан музайян бўлганлиги мазкур образлар моҳиятини поэтик умумлашма даражасига кўтарган.

Ушбу бандда эътиборни жалб этадиган яна бир тимсол бор: “ошёнидин адашган мурғи ваҳший!” Савол туғилади: Нима учун айнан мурғи ваҳший? Ахир қушларнинг тури кўп-ку? Шоир ваҳший бўлмаган қуш образини ҳам танлаши мумкин эди-ку? Бизнингча, бунда шоир эътиборни образнинг ёрқин, таъсирчан бўлишига қаратган.

Ғариб ким? Гурбат сўзини шоир қайси маънода ишлатган? Кўп ҳолларда бу сўзларнинг биргина — ватанжудолик маъносига урғу бериб келинган. Ваҳолонки, бу истилоҳнинг маъноси анча кенг.

Тасаввуфга оид “Миръоти ушшоқ” луғатида “гурбат” — жонон ҳарамидин дилу жоннинг йироқлашуви; поклик оламидин ажралиб нафси шаррни яқин билмоқ, — деб шарҳланган. Саййид Сажжодий фикрича, бу истилоҳ уч хил маънода келади: “1. Ватандан жудолик гурбати. 2. Жоҳил ва фосиқ қавм орасида мажбуран, яъни гайриихтиёрий равишда ўтирган одам гурбати. 3. Гурбат — Ҳақ талаби бўлиб, бу — орифнинг гурбати, зеро орифнинг ҳиммати маъруфдурки, у охираат аҳли орасида ҳам ғарибдур”.

Бизнингча, Фурқат шеъриятидаги гурбат истилоҳи ҳар учала маънода қўлланган. Уни фақат ватанжудолик билангина изоҳлаш бирёқламалик бўлар эди. Муҳаммаснинг қуйидаги банди ифодалаган мазмун ҳам ушбу фикрни қувватлайди:

Маломат ўқларидин дилфигору сийначок охир,
Йиқилди нотавонлиғ бирла жисми дарднок охир,
Худога шукрим, кетдим анинг йўлида пок охир,
Муҳаббат ўтида куйгач, бўлуб бир тўда хок охир,
Фано боди тегиб ному нишонидин адашганман.

Мазкур мисралар моҳиятидан кўриниб турибдики, Фурқат шеърлятида асосан Ҳақ талабидаги орифнинг гурбати ифода этилган. Зеро, “Маломат ўқларидан дилфигору сийначок бўлган дарднок жисмнинг нотавонлиғ бирла йиқилиши. Худонинг йўлида пок бўлиб, муҳаббат ўтида бир тўда хокка айланиш, Фано боди тегиб, ному нишондан адашмоқ!” — булар тасаввуф аҳлининг орзуси. “Маломат ўқлари”, “муҳаббат ўти”, “фано боди” истиоралари ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди.

Шу боис Фурқат шеърлятидаги “ғариб” образи, “гурбат” истилоҳи серқатлам маънога эга. Шубҳасиз, унда ватанжудолик маъноси ҳам бор. Лекин, бу истилоҳни шоирнинг она-юрдан узоқда яшаганлиги билангина изоҳлаш тўғри эмас. Бинобарин, Фурқатнинг замондошлари — Камий ва Зорий Ватанда яшаган бўлсалар-да, ўзларини гурбатда деб ҳисоблаганларки, шунинг ўзиёқ бу сўзнинг маъноси кенг эканлиги, шеърят аҳли буни доимо назарда тутганлиги далилидир.

Жумладан, Камий шундай ёзади:

Аҳволими сўргудек киши йўқ,
Ўз шаҳрим аро ғариб эканман.

Зорий ижодида ҳам шунга оҳангдош мисралар мавжуд:

Бу ерда Зорийи аҳқарнинг элга эътибори йўқ,
Мусофирдек юрарман мунда, гарчи ўз диёримдур.

Фурқат поэзиясидаги ит образи, айниқса, алоҳида тадқиқотларни талаб этади. Бу образ моҳиятан “ғариб” образи билан уйғун. Мазкур мухаммаснинг яна бир бандида шундай мисралар бор:

Югурсам ҳар тарафга, айб қилманглар, бу водийда,
Мисоли телба итмен, корвонидин адашганман.

“Ватандан айрилиш зарурати, — деб ёзади Мақсуд Шайхзода, — Фурқатнинг идрок ва шуурида чинакам фожиа даражасига кўтарилади, деса янглишмаймиз. Дарҳақиқат, кишида андиша, изтироб ва чуқур галаён қай даражада мотамангиз бўлмоғи лозимки, шоир ўз дарбадарлигини овора итнинг дайдишига ўхшатиб қўйса?! Бундай бир ташбиҳга бориб етиш учун шоир нақадар маънавий мусибатга чулланган бўлиши керак, ахир!”¹

Кўриниб турибдики, Шайхзода ит образини ватанжудолик ифодаси сифатида талқин этган. Бу — тўғри. Лекин, бу фақат зоҳирий маъно, холос. Муҳаммаснинг мазкур бандида, хусусан, телба ит ташбиҳида, бундан ташқари, ботиний маъно ҳам борки, уни ҳам эътибордан соқит қилмаслик керак.

Имом Ғаззолийнинг “Дақойиқ ул-ахбор” асарида шундай бир ҳадис келтирилган: “Пайғамбар алайҳиссалом айтдилар: “Мўмин кишига лойиқ ва муносиб шулки, ани(нг) хулқи ва одати итни(нг) хулқи ва одатидек бўлғай. Итнинг беш ибратли хулқи бордур. Бири шулки, доим оч бўлур, лекин қаноат қилур. Бу тариқа очликка қаноат қилмоқ солиҳ бандалар хулқидур. Иккинчиси шулки, итни(нг) макони бўлмас ва ҳар гўшада ётур. Бу тариқа гўшанишинлик солиҳлар хулқидур. Учунчиси шулки, ит кечаси ухламас. Бу тариқа бедорлик солиҳлар хулқидур. Тўртинчиси шулки, итни(нг) авлодиға мерос қоладурғон моли бўлмас. Бу тариқа дунё муҳаббатини тарк этмоқ солиҳлар хулқидур. Бешинчиси шулки, ит ҳаргиз эгасининг эшигидан кетмас. Бу тариқада вафо қилиб, Парвардигорига итоат қилмоқ ҳам солиҳларнинг хулқидур”.

Маълум бўладикки, илдизи ислом маънавиятидан, тасаввуф маърифатидан озикланган мумтоз адабиётимиздаги, жумладан, унинг забардаст вакилларидан бири шоир Фурқат ижодидаги ит образи чуқур фалсафий мазмунга эга. Муҳаммасдаги карвонидан адашган телба ит изтиробини ҳам худди шу маънода тушунмоқ керак.

Шоир бир ғазалида шундай ёзади:

¹ Шайхзода М. Фурқат ҳақида қайдлар. — Фурқат ва Муқимий ҳақида мақолалар. Т.: Ўздавнашр, 1958, 31-бет.

Эл ухламади итлари гавғосида бир тун,
Додим унидин итлари бедор эшигида.

Куйидаги мусаббаъ мазмуни ҳам шоирнинг ўз фалсафий фикрларини ифодалашда ит образидан нечоғлик унумли фойдаланганлигини кўрсатади:

Мўътабар кўз ёш Ҳақ наздида дурри нобдин,
Ҳам либоси фақр беҳтар шол ила санжобдин,
Бистари қолинда роҳат бирла кўрган хобдин
Кўйи узлат бўреси хўбдур ҳар бобдин,
Бор эмиш бир кун азоби ваҳм қил Ваҳҳобдин,
Аҳли дунё сўхбати ичра шароби нобдин,
Ит ялоқи ичра ичган қип-қизил қон яхшироқ.

Ит — вафо тимсоли. Шунинг учун ҳам, шоир наздида, аҳли дунё — яъни, дунёпарастлар сўхбатида шароби ноб — қизил май ичгандан кўра ит ялоғидан қон ичган афзалроқ! (Ит, ялоқ, қон сўзлари ҳосил қилган таносиб бадииятни таъминлашда алоҳида ўрин туган.) Чунки аҳли дунёдан вафо қутиб бўлмайди. Уларнинг мақсади, қай йўл билан бўлмасин, дунё матоҳига эгалик қилиш. Улар манфаат йўлида ҳар қандай тубанликдан-да қайтмайди.

Мана Фурқат назарда тутган ҳаёт фалсафаси. Бу ерда “шароби ноб” ва “қип-қизил қон” — истиора. Шунинг учун ҳам уларни фақат зоҳирий маънодагина тушуниш тўғри эмас. Жумладан, “шароби ноб” да умуман дунёпарастлик, ҳирсу ҳавас маънолари мавжуд.

Бундай дунёқараш фақат Фурқатгагина хос бўлган эмас. Аслида шоир буни улғу салафларидан ўрганган. “Лисон ут-тайр”нинг “Ҳожа Баҳоуддин сўзи фаноий комил мақомида” деб номланган фаслида Навоий Шоҳ Нақшбанд номидан шундай сўзларни келтиради:

Кўрди топқоч нисбат ойинин туза,
Ит аёғининг изин туфроғ уза.
Деди: “Мен ортуғ эканму ё бу из?”
Яна ўзни деди: “К-эй инсофсиз,
Ул вафо аҳли аёғидин нишон,
Сен вафосизлик сари доманкашон”.
Хатм қилди чун бу маънига сўзин,
Ер ўшуб ул из уза қўйди кўзин.

Зеро, худпарастликдан фориг бўлиш, нафсни ўлдириш — тасаввуф таълимотининг муҳим қондаси, соликка қўйиладиган бош шарт. Шу жиҳатдан, Фурқат шеъриятидаги ит образи ҳам худди ғариб образи каби бир қанча маъно қатламларига эга. Шоир асарларини ўрганганда буни ҳар доим эътиборда тутиш зарур бўлади.

Фурқат поэзиясидаги лола, гунча, гул, булбул тимсоллари ҳам юқоридаги образларга узвий боғлиқ.

Бенгзар нечук рухинга саҳро юзида лола,
Қолгон қазо чўлида бир қон юқи шиёла.

Қарийб бир асрдан зиёдроқ вақтдирки, Фурқат лирикаси мана шу тарздаги гўзал, бетакрор ташбиҳлари, теран фалсафий мазмун-моҳияти билан шеърят муҳибларини ҳайратга солиб келмоқда. “Адашганман” радифли муҳаммасидаги мана бу мисралар мазмунига эътибор қилайлик:

Қилиб ёд ўтган умрумни чаман оби равонидин,
Муҳаббатномаларни ёд олиб савсан забонидин,
Тикан захмини англаб гунчани қонлиғ даҳонидин,
Ўқуб гул дафтарини бир варақ фасли хазонидин,
Жаҳон боғида булбулдек фиғонидин адашганман.

Ушбу банддаги поэтик ташбиҳлар Фурқат шеърятининг бадий жиҳатдан нечоғлик баркамол эканлигига яна бир далил. Чамандан оқиб ўтаётган сув шоирга ўтган умрини эслатади. Унинг назарида, табиатнинг ҳар бир зарраси — муҳаббат тимсоли. Чунки уларнинг ҳар бири жунбушга келиб ўз Ярагувчисини зикр этади.

Шу боис шоир савсан тилидан муҳаббатномаларни ёд олади. Гунчанинг “даҳони қонлиғ” эканлиги сабабини тикан етказган ярадан, деб билади. (Хусни таълил санъатининг бетакрор намунаси.) Хазон фаслини кузатар экан, ундан “гул дафтариини ўқийди”. Яъни, гулнинг хазон бўлишдан аввали ҳолини мушоҳада этади. Ўз аҳволи руҳиясини эса фиғонидан адашган (ажралган) булбулга менгзайди.

Бу ташбихдан мутаассир бўлган Мақсуд Шайхзода шундай ёзади: “Фиғонидан адашган булбул”, яъни сайраш қобилиятидан маҳрум қолиб лол бўлиб қолган булбул! Нақадар чуқур, сермаъни ва таъсирли образ!”

Дарҳақиқат, Фурқат шеърояти “чуқур, сермаъни ва таъсирли образ”ларга бой. Мазкур образлар силсиласи, биринчидан, шоир дунёқараши, эътиқодини англашда муҳим ўрин тутади. Иккинчидан, Фурқат назмий мероси поэтикасининг етакчи хусусиятларини ўзида мужассам этган. Шу жиҳатдан улар шоирнинг бадий маҳорати сирларини ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга.

II

Фурқатнинг публицистик мақолаларида замонасининг долзарб муаммолари кўтариб чиқилган. Ушбу муаммолар муолажасига оид теран фикрлар қаламга олинган. Профессор А. Абдуғафуровнинг фикрича: “Зокиржон Фурқат ўзбек адiblари ичида биринчи бўлиб замонавий маънодаги публицистикага асос солиб, айни замонда, унинг кенг тематик доирасини ҳам белгилаб, даврнинг актуал сиёсий проблемаларини илғор тушунчалар ва халқчил позициядан ёритиш соҳасини ҳам бошлаб берди”¹.

Биргина далил: “Газет муаллифиға керакким, — деб ёзади Фурқат, — инсофпеша ва ростандеша бўлғай. Нолойиқ ва номуносиб сўзларни газетга солмағай ва ёзгон каломидин газет ўқуғувчиларга нафъ ва фойда ҳосил бўлғай. Агар бир ҳикоят ёзса ҳам анинг заминиди бир фойдалиқ мазмуни бўлғай. Хорижия ва дохилия аҳволотидин ёзса, адл ва инсоф юзидин ростлиқ бирла ёзғайким, эътибор ва истиҳсонга лойиқ бўлсун”.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек матбуотчилиги эндигина шаклланаётган бир замонда айтилган бу сўзлар, орадан қарийб бир аср ўтган бўлса-да, бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини заррача бўлсин йўқотган эмас. Зотан, Фурқатнинг ўзи ушбу сўзларига ҳар доим амал қилди. Шу боис унинг публицистик мақолалари бизнинг замонимизда ҳам қимматини сақлаб келмоқда.

Фурқат публицистикасида инсон ва унинг жамиятда тутган ўрни, одоб-ахлоқ, инсоф-диёнат каби фазилатлар тарғиби, ёлгон ахборот тарқатиш, фирибгарлик, товламачилик каби иллатлар танқиди, хорижий мамлакатлардаги турли миллат ва элатларнинг турмуш тарзи, қадриятлари ҳақидаги ахборотларгача бўлган кенг қамровли масалалар қаламга олинган.

Бу хусусда сўз юритганда бир масалага ойдинлик киритиш эҳтиёжи сезилади. Устоз олимлар — А. Абдуғафуров ва Ш. Юсупов тадқиқотларида “Туркистон вилоятининг газети”да имзоси эълон қилинган “Ёқуббек марҳумнинг кўлига тушгон Қашқар вилоятининг аҳволоти хусусида” ва “Қашқар вилоятидаги сартия халқларининг зиндагончилик аҳволотлари хусусида” мақолалари Фурқатга нисбатан берилган.

Бизнингча, бу фикр мунозарали кўринади. Аввало, ҳар иккала мақола “Туркистон вилоятининг газети”да имзосиз эълон қилинган. Профессор А. Абдуғафуров тўғри қайд этганидек, “...мақола охирида қавс ичида рус тилида “Қирғиз газетасидан” (“Из кирг. газ.”) деган таъкид мавжуд”. Иккинчидан, мазкур мақолаларнинг услуб хусусиятлари ҳам Фурқат мақолаларидан кескин фарқ қилади. Улардаги жумла тузилишларида Фурқат мақолаларига хос бўлмаган гализликлар мавжуд. Учинчидан, рус мустамлакасида ҳимояланиш учун турк султони билан битим тузган ва шу туфайли ўз замонида катта шуҳрат қозонган Ёқуббекни бунчалик ерга уриш Фурқат дунёқарашига унчалик мувофиқ келмайди. Тўртинчидан, Фурқатнинг ўзи мустаҳкам эътиқод соҳиби бўлгани ҳолда динни маҳкам тутганлиги учун Ёқуббекни танқид қилиши мантиққа зид кўринади. Ҳар ҳолда, фикримизча, бу масала янада чуқурроқ ўрганилиши керак.

III

Фурқатнинг хаттотлик маҳорати, бу борадаги самарали фаолияти ҳам алоҳида тадқиқотларга мавзу бўла олади. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Фурқат хаттотлик сирларини ўрганишга болаликланоқ киришган. Шоир “Аҳволот”да

¹ А. Абдуғафуров. Зокиржон Фурқат. Т.: Фан, 1977, 169-бет.

ўзининг етти ёшга тўлган даври ҳақида ҳикоя қилар экан, шундай ёзади: "...хат машқини ўзумга лозим кўруб, эртадин қиёмгача китоб ўқуб, андин намози асрга тегру машқи хат қилур эрдим".

Демак, Фурқат етти ёшлик пайтиданоқ мунтазам равишда хат машқи билан шуғулланган, китоб мутолаа қилган. Зеро, хаттотлик санъати ҳуснихатнинг ўзи билангина камолга етмайди. Ҳам муқаммал ҳуснихат, ҳам юксак саводхонлик — хаттотликнинг муҳим шартлари. Шоирнинг тўққиз ёшлигида ёзган:

Менинг мактаб аро булдуру муродим,
Хатимдек чиқса имло-ю саводим, —

байти унинг ёшликданоқ имлода ҳам, ҳуснихатда ҳам муқаммалликка интиланлигини кўрсатади.

"Аҳволот"да таъкидланишича, Фурқат ўн ёшга тўлганида ўз "...саводи такмили учун" Муҳаммад Олим исми устозининг "хат илмида ноқис"лиги сабаб "Мулло Қамбар Али ном бир хушнавис кишида дигар бора таълим олиб" ҳуснихат борасидаги илмини муқаммаллаштиради. Натижада, ўзи ҳам замонасининг хушнавис хаттотларидан бўлиб етишади.

Фурқат чет элларда яшаган даврида ҳам хат ва хаттотликка алоҳида эътибор берди. Манбаларда бу ҳақда қимматли маълумотлар сақланиб қолган. Бир қанча муддат шўро ҳукуматининг Қошғардаги консулхонасида хизмат қилган қўқонлик Эргаш Ҳожининг Фурқат ҳақида муҳим қайдлар, шоир асарларидан намуналар кўчирилган кўлёзмасида:

Мулло Зокиржон Фурқат
Хат машқига қилди диққат, —

байти келтирилиб, унга қуйидагича изоҳ берилган: "Ёрқандда ўзи (яъни, Фурқат — Н.А.) қаламдони зарринга нақш қилгон. Шу қаламдони зарриндин ёздим. Локин, қаламдон ўгли Нозимжонда қолди, бермади".

Ушбу маълумот ҳам шоирнинг хат машқига ҳар доим алоҳида эътибор берганлиги далилидир.

Фурқатнинг хаттотлик борасидаги шуҳрати, бу соҳада шоғирдлар ҳам етиштирганлиги ҳақида Фирдавс Азизий шундай ёзади: "Фурқатнинг ҳуснихати ҳам ниҳоятда чиройли бўлгон. Унинг хаттотлик маҳоратидин завқлангон бир қанча кишилар ундан ҳуснихат ўрганган эканлар. Шулардан Фурқатнинг дўсти ва шоғирди Зайнулобидинхон Фурқат вафот этгандан йигирма тўрт йил кейин, яъни 1933 йили Ёрқандда янги мактаб — "Матлаъ ул-ирфон" қурулгонда ана шу мактабда ҳуснихат ўқитувчиси бўлгон".

Мазкур маълумотлар Фурқатнинг юксак маҳоратли хаттот ҳам бўлганлигини кўрсатади. Шу маънода, олим ва хаттот Абдулқодир Муродийнинг "Санъаткор хаттотларнинг ёзган хатлари маъно ифодаландан ташқари, кишиларни ҳаяжонга солиб, уларга эстетик завқ беради. Котиб қаламида ёзилган ҳар бир хат санъат мўъжизаси каби ўлмас асар ҳисобланарди", — деган сўзлари Фурқатга ҳам тўла тегишли деб ҳисоблаш мумкин.

Зеро, Фурқатнинг Ўзбекистон Марказий Давлат архивида, мамлакатимиздаги турли кўлёзмалар фондларида, шахсий архивларда сақланаётган дастхатлари ҳам унинг хаттотлик маҳорати нечоғлик юксак бўлганлиги далилидир.

IV

Фурқатнинг табиб-ҳаким сифатидаги фаолияти ҳам махсус тадқиқ этишни тақозо этади. Зеро, у табобат соҳасида ўз замонасининг маълум ва машҳур олимларидан эди. "Зубдат ул-ҳукамо" унвонининг соҳиби бўлганлигиёқ унинг бу борадаги юксак салоҳияти далилидир.

Хорижга кетмасидан олдин Фурқатнинг табобат билан амалда шуғулланганлиги тўғрисида маълумот бўлмаса-да, тиб илмидан яхшигина хабардор эканлигини тасдиқловчи айрим далиллар мавжуд. Хусусан, Фурқат Хўжандда яшар экан, у ердаги ҳакимларининг билим даражасидан қаноат ҳосил қилмайди. "Ул ерда мавжуд даъвийи ҳикмат қилгон ҳакимларни(нг) ҳаммасини жоҳил эътиқод қилдим, — деб ёзади у. — Бу далил бирлаким, ул халқни(нг) кўзлари хийра бўлса, қон олмоққа иштиғол кўргузурулар экан. Аларнинг бу беҳуда муолажасидин кўб кишини(нг) сихатиға нуқсон етмоқлигини мушоҳада қилдим".

Хўжандда ўзи ҳам қон-томир хасталигига учраган Фурқатни "набз ташхисини

билишда ягона” ҳаким дўсти Ҳожи Аъзам даволайди. Табиийки, зийрак, ҳар бир нарасага қизиқувчан Фурқат Ҳожи Аъзам қўлида даволаниш баробарида, ундан табобат сирларини ҳам ўрганади.

Фурқатнинг табобат билан амалда жиддий шуғулланиши унинг Ёрқентдаги фаолияти билан боғлиқ. Шоирнинг Ёрқентда ёзилган газалидан олинган қуйидаги байт ҳам ушбу фикрни қувватлайди:

Ҳайф, беш-олти танга деб, умрим ўтар дўкон очиб,
Дори ясаб ҳавончада кунда тақир-туқур қилиб.

Ҳатто бу даврда ҳаким унвони Фурқатнинг шахсий муҳрида ҳам акс этган. Жумладан, унинг Ёрқентдан 1905 йил 10 июлда йўллаган дастхат мактубига “Ҳаким Зокиржон ҳожи” битиги билан муҳр босилган.

Шинжонлик зиёлилардан Фирдавс Азизий томонидан йўлланган мактубда ҳам бу ҳақда қимматли маълумотлар берилган: “Фурқат Ёрқентга қайтиб келгондин учунчи йил, — деб ёзади у, — Ёрқентнинг шаҳар ҳокими касалга гирифтор бўлуб, бутун баданини жароҳат босиб кетди. Шу чоғларда оврушоча дўхтурхона очган эдилар. Шаҳар ҳокими аларга кўрунгон бўлса-да, касали ҳеч яхшиланмади. Амбол¹ Фурқатнинг донгини онглаб, уни ўзининг касалини даволаб қўйишга таклиф қилди. Фурқат уни симоб қўшулгон дорулар билан даволади. Уч ойдин кейин амбол бутунлай соғайиб кетди. Шунга бийик хушҳол бўлиб кетган амбол Фурқатга уч юз сар танга инъом қилгон ва шаҳар сиртидаги ҳукумат еридан 22 гектар ер кесиб берган.

Яна бир кун Фурқат шаҳар сиртидаги боққа базмга чиққонда, базм қатнашчиларидан Ниёз Ҳожим деган киши кучала қўшулгон дору еб захарланиб қолгонда, у одамини ўлимдин қутултирди. Андин бошқа дўконига келган камбағал кишиларни пул олмай даволаб қўйиш ишлари кўп кўрулгон”.

Шунингдек, мазкур мактубда Фурқатнинг хотини Раънохон табибнинг қизи бўлгани учун унинг тиббий ишларига кўп ёрдамлашгани тўғрисида ҳам қимматли маълумотлар берилган. Унда таъкидланишича, Фурқат тиб илмига оид “Иксир аъзам” (“Удуг кимё”) деган китобни доимий равишда мутолаа қилган.

Бундан ташқари, Ёрқент вилояти халқ комитети томонидан “Гулхан” журнали таҳририятига 1958 йил 18 августда йўлланган мактубдаги қуйидаги фикрлар ҳам диққатга сазовор:

“У (Фурқат-Н.А) бу орада илми нужум ва табобат илми билан шуғулланади. У Ҳиндистонда босилган “Иксир аъзам” деган китобни кўп ўқир экан. Табобатда билими ва тажрибаси бўлгач, турмушини табибчилик билан ўтказди. Камбағал касалларга яхши қараб, дори бериб соғайтиради. Лекин, пул олмайди. У вақтларда бу вилоятда докторхона бўлган. Докторхонада шифо топмаган баъзи оғир касалларни ҳам шоир соғайтирганлиги тўғрисида халқимиз ичида ажойиб гаплар юради”.

Маълумки, Фурқат Ёрқентда замонасининг машҳур шоири Тажаллий билан танишади ва яқиндан дўстлашади. Табиб сифатида ҳам шуҳрат қозонган Тажаллий Муҳйи билан мунтазам равишда хат ёзишиб турган. Шундай мактублардан бирининг ҳошиясига Тажаллий “Бу хат (яъни, Муҳйининг хати — Н.А.) “Зублат ул-ҳукамо” деб шуҳрат чиқаргон ҳўқандлик Муҳаммад Зокиржон Фурқат воситаси билан бизга тегди. Тажаллий”. — деб ёзиб қўйган.

Фурқатнинг ўз дастхати билан ёзилган қуйидаги хабар-мақола унинг тиб илми билан амалда шуғулланиш баробарида матбуотда ушбу мавзуга оид мақолалар билан ҳам қатнашиб турганлигини кўрсатади. Мақолада, жумладан, қуйидагиларни ўқиймиз: “Бир минг уч юз ўн биринчи йили ражаб ойидин бошлаб Куча ва Оқсув деган шаҳарларда вабо воқеъ бўлуб, кўп кишиларни(нг) ҳалок бўлган хабарини эшитиб турдук ва шаъбон ойида Қашқар вилоятига воқеъ бўлуб, андин Ёрқандга ўтуб, катта-кичик одамлар ҳам оғриқ бўлуб ёттилар. Ёрқанд шаҳрининг амболи фуқароарварлик юзидин раҳум шафқат қилиб, ўзига тобеъ мансабдорлар билан шаҳар ичига кириб, пиёда бўлуб, олдида мушқу анбарларни нужум айлаб ва гулобга ўхшаш хушбўй сувларни кўча ва расталарга сочтуруб юруб, фуқароларни(нг) аҳволини сўради. Рамазон ойи кечиб, шаввол ойи охирларида хийла таҳфиф тошиб, Қарғалиқ ва Хўтан шаҳарларида ҳам бир ой қадар горонлик бўлуб, алҳол ҳама ерда тинчлик ва омонликдур. Ва локин, бу ҳолисада бемор бўлгон кишилар ўлмай ва узоқ ётмай, беш-ўн кунда сиҳат топтилар. Бунда хусусан “кашқоф” деган илож кўб нафълар қилди”.

Шуларнинг ўзиёқ Фурқатнинг табобат илмида эришган камолотига далил бўла олади.

¹ А м б о л — шаҳар ҳокими.

V

Фурқат Ёркентда яшаган даврида аниқ фанлар билан ҳам жиддий шуғулланди. “Қавоиди Чин ва умуроти сиёсий” асариде ушбу фикрни қувватлайдиган айрим далиллар бор. Жумладан, асарда аносири арбаъа (ўт, ҳаво, сув ва тушроқ)нинг физик хусусиятлари ва тиббиётнинг улар билан боғлиқ жиҳатларига оид қимматли мулоҳазалар баён қилинган. Фурқат шундай ёзади:

“Ўтнинг ҳарорати ва сувнинг бурудатининг қуввати аслийсини(нг) даражаси ҳукамолар ижод қилгон асбоблар воситаси бирла маълумдур. Бул ўт бирла сув ҳар қайси ўз марказида ниҳоятда кучликдур. Тағйири ҳаво ва табдили макон бирла қуввати аслиялариға нуқсон етиб, филжумла ожиз бўлурлар. Аммо ожиз бўлмоқлари оризийдур. Ва на зотий кўрмоқ керакким, аносири арбаъаким — оташ, ҳаво, об ва хокдур. Оташнинг маркази ҳаммани(нг) устида, фалакка яқиндур. Ул оташни(нг) марказида қайдоқ бақувватлиги ҳукамоларға аёнду. Ва лекин ерда ўз марказида бўлгондек қувваи ҳарорати йўқдур. Муни(нг) сабаби табдили макондур. Ва яна қиш кунларида ёз фаслидагидек қувваи ҳарорати йўқдур. Муни(нг) сабаби тағйири ҳаводур. Ва сувнинг ҳам ўз марказида қувваи бурудати зиёладур. Ҳар гоҳ ўз марказидин интиқол қилса, қувватиға нуқсон етаду. Сабаби табдили макондур. Ва яна ёз кунларида қиш фаслидагидек қувваи бурудати йўқдур. Муни(нг) сабаби тағйири ҳаводур”.

Кўриниб турибдики, бу мулоҳазалар теран илмий тафаккур маҳсули. Бугина эмас. Фурқат бу фикрлардан оқил ва ҳушмандлар қандай хулоса чиқаришлари лозимлигига ҳам эътибор қаратади:

“Бас, оқил ва ҳушмандлар, керакким, ҳар нимарсани ўз қувваи аслий ва феъли зотийсига мулоҳаза ва фикр қилгойлар. Табдили макон ва тағйири ҳавоким, фоили оризийдур. Ва на зотий, эътибор қилмасалар керак. Чунки ўт бирла сувнинг феъли зотийсига табдили макон ва тағйири ҳаво бирла ҳақиқатан нуқсон етмайду”.

Бундан ташқари, Ёркент вилояти халқ комитетидан “Гулхан” журнали таҳририятига 1958 йил 18 августда келган мактубда Фурқатнинг табобатдан ташқари илми нужум (астрономия) билан ҳам шуғулланганлиги таъкидланади. Шарқий Туркистонда чиқадиган “Қашқар газети”нинг 1957 йил 11 сентябрь сонидеги “Машҳур ўзбек халқ шоири Пурқатнинг жасади йуткап дафн қилинди” сарлавҳали мақолада шоирнинг тарих, физика, химия ва астрономия фанлари билан шуғулланганлиги хусусида маълумот берилади.

Мазкур маълумотлар Фурқатнинг турли фан соҳаларини чуқур эгаллаганлигини кўрсатади. Унинг бу боралаги асарларини қилириб топиш, оммалаштириш эса галдаги вазифалардандир.

VI

Фурқат, гарчи умрининг охиригача жондан севган она-юртига қайта олмаган бўлса-да, бир нафас ҳам Ватанни унутмади. Унинг муҳаббати билан яшади. Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов таъбири билан айтганда, она-замин ва унинг ардоқли фарзанди ўртасидаги “ҳижрон селига” асрлар синовига дош бера олган серқирра ижод намуналари орқали “кўприк ташланди”. Натижада, бу бебаҳо мерос бугун миллатнинг бойлигига айланди. Бугун ҳар бир маърифатли зиёли томонидан севиб ўқилмоқда. Қалбларга муҳаббат уругини эсмоқда. Муҳаббат уругидан унажак ниҳоллар эса, шубҳасиз, яна неча юз йиллар давомида миллий маънавий юксалишга хизмат қилаверади.

*Нурбой АБДУЛҲАКИМ,
филология фанлари номзоди.*



Давлатчилик тарихи зарварақлари

Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Тошкент.
“Шарқ”, 2001. Масъул муҳаррир: проф. Д.А. Алимова

Мустақиллик шарофати билан тарихимизга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Тарихни бирламчи манбаларга асосланиб, ҳар томонлама холисона ва ҳаққоний ўрганиш, илмий жиҳатдан асосланган ҳақиқий тарихимизни ўқувчиларга етказиш бошланди. Шунинг учун ҳам она тарихимизни ўрганиш — ҳозирги кунда тобора авж олиб бораётган ва ривожланаётган ислохотчилик ва янгиланиш ҳаракати даврида ижтимоий заруриятгина эмас, балки ҳаётий эҳтиёжга айланган. Тақриз этилаётган китоб айнан мана шу эҳтиёжни қондиришдаги ҳаракатлардан бири ҳисобланади.

Эътироф этиш лозимки, ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон тарихини ўрганиш борасида тарихчи олимларимиз томонидан жуда кўплаб самарали ишлар амалга оширилган бўлишига қарамай, бу борадаги ечими ҳаётий зарур бўлган муаммолар ҳали анчагина. Хусусан, ўзбек давлатчилиги тарихи ушбу жараённинг асосий омиллари бўлган илк деҳқончилик маданиятининг пайдо бўлиши ва ривожланиши, дастлабки манзилгоҳлар ва шаҳарсозлик аъналарининг шаклланиши масалалари ҳали кўплаб тадқиқотлар олиб боришни талаб этади.

Тақриз этилаётган китоб ўзбек давлатчилиги тарихининг энг қадимги даврларидан то совет мустамлакачилиги давригача бўлган тарихий очерклардан иборат. Китобда ушбу катта давр хронология асосида қуйидаги босқичларга бўлинган: 1. Қадимги даврда Ўзбекистон давлатчилиги. 2. Ўрта асрларда Ўзбекистон давлатчилигининг ривожланиши. 3.

XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистон давлатлари. 4. Ўзбекистон давлатчилиги тарихининг янги босқичида.

Биринчи бўлимдан Т. Шириновнинг “Қадимги Бақтрия подшолиги”. “Катта Хоразм” (эрамизгача бўлган VII-VI асрлар), М. Филановичнинг “Кангуй давлати”, Б. Матбобоевнинг “Қадимги Фарғона давлати (Давань)” каби мақолалари ўрин олган.

Ўрта Осиёдаги илк давлат бирлашмалари ҳақидаги илмий мунозаралар XIX асрнинг охирларида бошланган бўлиб, “Авесто” маълумотлари (вилоятларнинг Арёшаёна бўйича бирлашиши), Гекатей ва Геродот асарлари (“Катта Хоразм”), шунингдек, Ктесийнинг Қадимги Бақтрия подшолиги ҳақидаги маълумотлари ушбу мунозараларга асос бўлган эди. Ўтган асрларда археологик тадқиқотлар қамрови кенгайиб, бу мунозаралар янада кучайди. Ёзма ва археологик маълумотларнинг қиёсий таҳлили берилган тадқиқотлар пайдо бўлди. Т. Ширинов ўз мақоласида ушбу тадқиқотлар натижаларини қиёсий таҳлил этиб, мухтасар фикрларини баён этган. Фикримизча, тадқиқотчи “Катта Хоразм” ҳудудларини анча кенгайтириб, яъни, “Оролдан Тажан — Херируднинг қуйи оқимларигача” деб берган. Ундан ташқари, “Авесто” да “турлар” деб тилга олинган қабилалар айнан кўчманчи сак қабилалар эканлиги ҳали тўла ўз исботини топмаган. Умуман олганда, Т. Шириновнинг мазкур китобдаги мақоласини давлатчилигимиз тарихшунослигига қўшилган муносиб ҳисса деб баҳолаш мумкин.

М. Филановичнинг мақоласи ҳам

ўқувчида катта қизиқиш уйғотади. Тадқиқотчи ўз асарини жуда кўп илмий адабиётларнинг таҳлили асосида яратган. Аммо мақолани синчиклаб ўқиган ўқувчида Ўрта Осиёдаги антик давр давлатларининг барчаси (жумладан, Кангуй ҳам) кўчманчилар давлати бўлган экан, деган фикр тугилади. Ундан ташқари, бу давлатнинг номи (Хитой солномаларида номлаши бундан мустасно) Кангуйми, Қанғуйми, Қанғми ёки Қанғами деган саволга аниқлик киритилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Б.Матбобоевнинг мақоласи қадимги Фарғона давлатчилиги масалаларига бағишланган. Эътироф этиш лозимки, Фарғона давлатчилиги ва илк шаҳар маданияти масалалари бўйича кўплаб археологик тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, тарихийлик нуқтаи назаридан кам ёритилган. Муаллиф археологик тадқиқотлар натижаларини ёзма манбалар билан қиёсий таҳлил қилиши натижасида Фарғона давлатчилиги тарихи бўйича мукамал илмий оммабоп мақола яратилган.

Иккинчи бўлим “Ўрта асрларда Ўзбекистон давлатчилигининг ривожланиши” деб номланиб, ундан Л.Баратова, Э.Ртвеладзе, А.Аҳмедов ва Б.Кочневларнинг тадқиқотлари жой олган. Л.Баратованинг мақоласи “Турк хоқонлиги ва унинг Ўрта Осиё давлатлари билан ўзаро алоқалари” деб аталган. Муаллиф бу мақоласида илк ўрта асрлар сиёсий тарихини мукамал ёритиб берган. Хоқонликдаги бошқарув тизими, ҳарбий ҳолат ва қўшинлар, жинсий қонунчилик, солиқлар ва ер эгаллиги, диний ва маданий ҳаёт, ички ва ташқи савдо масалалари ёритилган.

Кўпгина илмий адабиётларда Фазнавийлар давлати ҳақидаги маълумотлар кам учрайди. Э.В. Ртвеладзенинг мақоласи айнан Фазнавийлар давлати тарихига бағишланган. Тадқиқотчилар тангашунослик манбалари ўтмишни ўрганиш ҳақида қимматли маълумотлар беришини кўп марта эътироф этсалар-да, бундай маълумотларни кам ҳолларда илмий муомалага киритадилар. Э. Ртвеладзенинг мақоласида эса ҳозиргача мавжуд бўлган X-XII асрларга оид тангашунослик манбалари ёзма манбалар билан қиёсий таҳлил қилинади.

Б. Кочневнинг мақоласи “Қорахонийлар хоқонлиги” деб номланади. Муаллиф бу мақоласида тангашунослик ва ёзма манбалар маълумотлари-

га асосланиб, Қорахонийлар давлатининг ташкил топиши, худудий чегаралари, давлат бошқаруви, ер эгаллиги, танга зарб этиш масалаларини ёритади. Сомонийлар ва Қорахонийлар даврини ўзаро солиштириб, муаллиф шундай хулосага келадики, бу давр марказга интилиш ва марказдан қочиш тамойиллари ўртасида кураш билан характерланади, лекин Сомонийлар даврида биринчи тамойил етакчи мавқе эгаллаган бўлса, Қорахонийлар замонида иккинчиси устунлик қилди. Сомонийлар давлатида вилоятларга бўлиб бошқариш тизимининг куртакларинигина кўрсак, Қорахонийларда унинг тўла қарор топгани, феодал бўлинишнинг тантана қилганлигига гувоҳ бўламиз.

Э. Ртвеладзе ва А. Аҳмедовларнинг мақоласи “Амир Темур давлати ва унинг бошқарув механизми” деб номланади. Мақолада давлат бошқарув тизими ҳақида сўз юритилиб, қурултойлар, кенгашлар, подшоҳ қабули, саройдаги маросимлар Амир Темур даврида такомиллашиб, ўзига хос расмий мукамаллик касб этганлиги таъкидланади. Кўпдан-кўп манбаларга асосланган мақола илмий, раво тилда ёзилган.

Китобнинг “XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистон давлатлари” деб номланган кейинги бўлими Р. Муқимнова ва Г. Аъзамовалар томонидан ёзилган. Муаллифлар ўз тадқиқотларида Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонлиқларининг пайдо бўлиши, уларнинг чегаралари, ўзаро курашлари ва асосан сиёсий тарихи масалаларини ёритишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйганлар. Ушбу бўлимнинг “Ўзбек хонлиқларида давлатчилик анъаналари ва уларнинг ривожланиши” деб номланган мақоласида сўнгги ўрта асрлардаги давлат бошқаруви аппарати, сарой мансаблари ва унвонлари, ер эгаллиги, сугориш иншоотлари, солиқлар, ҳарбий қўшилмалар, ҳунармандчилик ва савдо масалаларини батафсил ёритилган. Ушбу мақола фактик маълумотларга бойлиги жиҳатидан ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади.

Китобнинг тўртинчи бўлими “Ўзбекистон давлатчилиги тарихининг янги босқичида” деб номланиб, Н.Абдурахимова, Д.Алимова, С.Аъзамхўжаев, Қ.Ражабов ва А.Головановларнинг мақолалари ушбу бўлимдан ўрин олган. Н.Абдурахимованинг мақоласи “Ўзбекистон Россия империяси таркибида” деб номланади.

Муаллиф мақолада мустамлакачилик даври Ўрта Осиё давлатларининг ҳаёти, сиёсати, иқтисодиёти, ижтимоий тузуми ва давлатчилигидаги муайян ўзгаришлар билан боғлиқлигини алоҳида таъкидлайди. Мақола давомида ушбу ўзгаришлар мустамлака хусусиятга эга эканлиги асосланади.

Д.Алимованинг мақоласи “Жадидчилик ҳаракати ва унинг ижтимоий-сиёсий моҳияти. Жадидларнинг давлатчиликка оид қарашлари” деб номланади. Муаллиф ушбу мақоласида жадидчилик ҳаракатининг пайдо бўлиши, жадид намоёндаларининг мустамлакачилик тизимига қарши маънавий-ғоявий курашлари, улар мақсадининг асл моҳияти, хусусан, Туркистон мустақиллиги учун сиёсий кураши масалаларини ёритади. Муаллифнинг таъкидлашча, жадидчиликнинг феномени шундаки, кейинги уч аср ичида бу оқим биринчи бўлиб, миллий демократик давлатчилик куришга уринди, ягона мустақил Туркистон учун курашди ва миллий мустақиллик ғоясига асос солди.

С.Аъзамхўжаевнинг мақоласи “Туркистон Мухторияти: миллий-демократик давлатчилик курилиши тажрибаси” деб номланади. Мақола демократик жамият куриш ҳаракатининг ёрқин намунаси бўлган Туркистон мухториятига бағишланган. Муаллиф мухторият тузиш учун етилган шарт-шароит, мухториятчиларнинг асл мақсадлари, ушбу давлатнинг большевикларга ва тузилажак ҳукуматнинг маҳаллий бўлмаган аҳолига нисбатан муносабати ҳақида сўз юритади. Туркистон мухторияти узоқ яшамаган бўлса-да, ўз вақтида, миллий демократик давлат барпо этиш ғояси маҳаллий аҳолининг барча тоифалари томонидан қўллаб-қувватланган эди.

Қ.Ражабовнинг “Бухоро ва Хоразм республикалари: давлатчиликнинг демократик шакли” номли мақоласида бу ҳудудларда мустақил давлатларнинг ташкил топиши, уларга нисбатан марказнинг тазйиқи, социалистик курилишнинг зўрлаб киритилиши ва унинг оқибатлари масалалари кўриб чиқилади. Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари қисқа муддатда (4-5 йил) дунёвий ислохотлар жорий қилинаётган демократик давлатга айлана

бошлади. Муаллиф афсус билан таъкидлаганидек, бу жараёнлар мустақил совет режими томонидан сунъий равишда тўхтатиб қўйилди ва нисбатан мустақил бўлган бу давлатларнинг мавжудлигига ҳам барҳам берилди.

А.Головановнинг мақоласи “Туркистонда совет давлатчилигининг қарор топиши ва унинг оқибатлари” деб номланади. Мақолада Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, коммунистик метрополиянинг ҳукмронлик мавқеини мустаҳкамлаш бўйича муҳим тадбирлари, маҳаллий раҳбарларнинг мустақил давлат тузиш ғоялари, ўлкани советлаштириш, бу эса маҳаллий аҳоли турли қатламларининг кучли ижтимоий норозилигига сабаб бўлганлиги масалалари ёритилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўзбек давлатчилиги тарихининг қадимдан босқичма-босқич ривожланиши жараёнларига бағишланган ушбу китоб давлатчилигимиз тарихига бағишланган дастлабки нашрлардан биридир. Муаллифлар ўзбек давлатчилиги тарихи билан боғлиқ турли даврлардаги тарихий-маданий, сиёсий ва ижтимоий, иқтисодий масалаларни ёритишга ҳаракат қилганлар ва фикримизча, бунинг уддасидан чиққанлар. Китобнинг кириш қисмида таъкидланганидек, айрим “масалалар келажакда эълон қилинадиган монографияда ўзининг тўлиқ аксини топади”. Шу нуқтаи назардан муаллифлар жамоаси мазкур тадқиқотни давом эттираётганларида ва кейинги нашрлари устида ишлаётганларида қуйидаги таклифларимизни инобатга олишларини истардик.

1. Давлат тушунчаси ва келиб чиқишига, дастлабки бошқарув тизимларига алоҳида тўхталиш.

2. Давлатчиликнинг асоси бўлган илк деҳқончилик маданияти, дастлабки манзилгоҳлари, илк шаҳарсозлик маданияти масалаларини ёритиш.

3. Илк давлатларни Ўрта Осиё, умуман Қадимги Шарқдаги тамаддун ўчоқлари билан қиёсий таҳлил этиш ва бу жараёнда ўзбек давлатчилигининг тутган мавқеини кўрсатиш.

4. Ўзбек давлатчилиги тарихида қадимги Сўғдиёнанинг аҳамиятини ёритиб бериш.

*Баҳодир ЭШОВ,
тарих фанлари номзоди.*

Эдгар ПО

Морг кўчасидаги ҚОТИЛЛИК

Ҳикоя

Сиреналар қандай қўшиқни куйлашарди ёки Ахилл аёллар орасида яширинар экан, ўз исмини нима деб айтарди — бу саволлар нечоғлик мураккаб бўлмасин, бунда ҳам аллақандай тахминга ўрин топилади.

Сер Том Браун. “Хокдон”

Ақл-идрокимизнинг имкониятларини таҳлил этиш мушкул. Биз бу ҳақда фақат унинг натижаларига қараб баҳо беришимиз мумкин. Лекин бизга шу нарса ҳам маълумки, мантиқ кучли бўлган инсонда таҳлил эта олиш қобилияти унга роҳат бахш этади. Енгил атлетика билан шуғулланувчи спортчи мушакларини ишлашга мажбурловчи ўзидаги куч ва уддабуронликдан нечоғлик фахрланса, бажараётган машқлари унга қанчалик лаззат бахш этса, таҳлил этиш қобилияти кучли бўлган инсон ҳам исталган бир жумбоқни ечиш ёки бирон масалага аниқлик киритиш имконияти туғилса, ўта хурсанд бўлади. Ҳатто, кўпам мураккаб бўлмаган, лекин унинг истеъдоди чархланишига ёрдам берувчи масалаларни ечиш ҳам унинг дилини хушнуд этади. У, оддий бир ақл соҳиби учун ечимини топиш ўта мураккаб туюлган турли жумбоқ, криптограммаларни жонидан ҳам яхши кўради. Ҳақиқатан ҳам, фақат унинг ўзига хос бўлган услуб асосида аниқлик киритилган масала ва жумбоқларнинг ечими олдиндан ҳис этиш, кўра билишнинг ажойиботларидек туюлади. Жумбоқни ечиш қобилияти математика, айниқса унинг таҳлил деб номланган қисми билан шуғулланиш натижасида, эҳтимол, янада ошар. Гарчанд, ҳаётда ҳисоб-китобни тўғри олиш, вазиятни тўғри баҳолай билиш, бу таҳлил эта билиш дегани эмас. Масалан, шахмат ўйновчи ҳисоб-китоб қилади, таҳлил қилмайди. Бундан шундай хулоса келиб чиқади, шахмат ўйини кишиларда мантиқ кучини оширади, ёрдам беради деган гап асоссиз. Шундай қилиб, ҳурматли китобхон, эътиборингизга ҳавола этилаётган китоб трактат эмас, бор-йўғи мен ҳикоя қилиб бермоқчи бўлган ғайриоддий ҳикоя учун муқаддима вазифасини ўташи лозим бўлган бир қанча тасодифий кузатишлар хусусидаги мулоҳазаларимдан иборат, мен имкониятдан фойдаланиб, шашка ўйини шахматга нисбатан кўпроқ мулоҳаза юритишни талаб этиши ва ақлга кўпроқ озуқа беришини айтмоқчиман. Шахмат доначаларининг турли кўринишга эгаллиги ва уларнинг мавқе жиҳатдан тенг эмаслиги, юриш йўларининг турлилиги, мураккаблиги (кўпчилик ҳолларда) шахматни қийин ўйинлардан бири деб ўйлашимизга сабаб бўлади. Ваҳолонки, бу ўринда кузатувчанлик муҳим аҳамиятга эга. Бир сонияга бўлса-да, эътиборингиз сусайса, ўйинни ютқаздингиз ҳисоб. Шахмат доначаларининг юриш йўллари турлича бўлиши билан бирга, улар кўп маъноли ҳамдир. Шу боис ютқазиш имконияти ҳам кўпроқ ва ўнта ўйиндан тўққизтасини иқтидорли ўйинчи эмас, балки

кузатувчан ўйинчи ютади. Шашка ўйинига келсак, бунда эътиборсизликка йўл қўйиш имконияти камроқ бўлиб, эътиборсизлик кўпам муҳим аҳамият касб этмайди, унинг бир неча кўринишдаги битта йўли бўлиб, муваффақият асосан ўйинчининг зукколигига боғлиқ. Мисол учун, тўртта дамка қолган шахмат ўйинини тасаввур қилайлик, бу ўринда эътиборсизлик ҳусусида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Афғидан, бу ўринда ғалаба (агар кучлар тенг бўлса) қутилмаган, оқилона йўл танлашга боғлиқ бўлади. Ўзга имконият бўлмаганида, мушоҳада этувчи рақибининг фикрини ўқишга интилади. Ўзини унинг ўрнига қўйиб кўради ва кўпинча бир қарашда мавжуд бўлган ягона бир йўлни илғаб олади, бу йўл рақибнинг эътиборини чалғитиши, ё ҳисоб-китобни ногўфри олишига олиб келади.

Вист¹ азалдан бирон нарсанинг ҳисоб-китобини олиш санъатига доир ажойиб мактаб сифатида машҳур эди. Шунингдек, маълумки, кўпчилик машҳур ақл эгалари вистга нисбатан, вақт бекорга кетган шахмат ўйинидан фарқли ўлароқ, тушунтириб бериш қийин бўлган бир мойилликни ҳис этишарди. Аслини олганда, дунёдаги бирон-бир бошқа ўйин бу қадар таҳлил салоҳиятини талаб этмайди. Жаҳондаги энг яхши шахматчи, шу вист ўйинини моҳирона ўйнаб, ақл билан ақл беллашганда ғалабага эришиш имкониятини кўлдан бермаган шахматчидир. “Моҳирона ўйин” деганимда, мен ўйинчининг, қонуний ғалабани таъминловчи ўйин барча сир-синоатини юксак даражада эгаллаганини назарда тутаман. Бу борадаги сир-синоатлар кўп бўлибгина қолмай, балки шу қадар хилма-хилдир ҳамки, у инсон қалбини чуқур билишни талаб этади, бунга эса ўртача қобилиятли ўйинчининг эришиши мушкул. Ким кузатувчан бўлса, у эсида ҳам аниқ сақлаб қолади, демак, эътибор билан ўйновчи истаган шахматчи вист ўйинида ғалабага умид қилиши мумкин, чунки Хойла қўлланмаси (оддий ўйин механикасига асосланган бўлиб) ҳамма учун тушунарлидир. Вист ўйинини яхши ўйнаш учун, ўйин “қоиласига” риоя этиш ва яхши хотира кучига эга бўлишнинг ўзи кифоя. Аммо, мушоҳада юритувчининг санъати, айнан, ўйин қоиласида назарда тутилмаган ўринларда намоён бўлади. У ўзича қандай хулосаларга келиб, қандай кузатувлар олиб бормади, дейсиз. Унинг рақибни ҳам худди шундай иш тутса керак, лекин бунда хулосаларнинг ишончлилигидан кўра, кузатувчанликнинг сифатига қараб қўл баланд келади. Нимага эътибор берилиши лозимлигини билиш муҳим, албатта. Лекин бизнинг ўйинчимиз ўзини хафа қилиб қўймайди, гарчанд унинг асосий мақсади ўйин бўлса-да, унинг эътиборидан бирон-бир нарса четда қолмайди. У рақибининг юз қарашларини ўрганади ва ҳар битта бошқа рақибининг юз қарашлари билан солиштиради, улар қўлларидаги қартани қандай тақсимлашаётганини илғайди ва кўпинча уларнинг кўз қарашларидан қўлларидаги қайси қарта кузирилигини билади. Ўйин жараёнида ўйинчиларнинг кўз қарашларини кузатиб, хулосалар чиқаради, уларнинг юз қарашларидаги тез-тез ўрин алмашиб турувчи қатъийлик ҳам, ҳайрат ҳам, тантана ҳам, афсус ҳам унинг эътиборидан четда қолмайди. У, рақибни қўлига туширилган пулларни кучоқлаб, қай йўсинда йиғиштириб олаётганига қараб, бундан кейинги ўйин қандай кечишини билади. Рақибни қартани қандай ташлаганига қараб, бу юришни у кўзбўямачилик учун юрганини сезади. Ногаҳон ё ўйламасдан айтилган сўз; қўққисидан тушиб кетган ё очилиб қолган қарта; қартани қўрқинч аралаш, пинҳона ё хотиржамлик билан бекитишларига қараб, қўлга киритилган пул ва унинг жойлаштирилиши; таҳлика, сабрсизлик ёки қўрқинч — бирон нарса бефарқ кўринган мушоҳада этувчининг назаридан четда қолмайди. Икки-уч юришдан сўнг, кимнинг қўлида қандай қарта борлиги унга маълум бўлади ва у қартани шундай ишонч билан тикадики, тўё қолган ўйинчиларда имконият буткул қолмагандек.

Мушоҳада этиш салоҳиятини оддий топқирлик билан аралаштирмаслик лозим, чунки мушоҳада юритувчи ҳаминша топқир бўлади. Лекин ҳар қандай топқир одам мушоҳада юритишга қодир бўлмаслиги мумкин. Френологлар муҳим деб топган инсондаги бу хислат, одам танасида у алоҳида абзони ҳам

¹ В и с т — карта ўйинининг бир тури.

ташқил этади, яъни инсондаги бирон нарсаларни ўйлаб топиш ва татбиқ қилиш маҳоратини, ақлий имконият даражаси бошқа масалаларда анча паст бўлган кишиларда ҳам учратиш мумкин, зеро у турмуш ва тамойилларни тасвирловчи ёзувчилар томонидан бир неча бор қайд этилган. Топқир ақл билан мушоҳада юритувчи ақл ўртасидаги фарқ хаёлот билан тасаввур ўртасидаги фарқдан анча катта, лекин бу бир нарсанинг икки томони. Ҳақиқатда ҳам, топқир одамлар бой фантазияга эга бўлишади, бой тасаввурга эга одамларда бўлса мушоҳада этиш салоҳияти кучли бўлади.

Ҳикоямизнинг давоми китобхон учун келтирилган фикрларимизга намуна вазифасини ўтайди.

18... йилнинг баҳори ва ёзининг бир қисмини Парижда ўтказдим, у ерда мосёе С.Огюст Дюпен исмли бир кимса билан танишдим. Кўпчиликка таниш, ҳатто машҳур бўлган сулоланинг ҳали ёш бу зурриёди тақдир тақозоси билан оғир аҳволга тушиб қолган бўлиб, бирон нарсага ҳаракат қилмай қўйган, бойликларини қайта қўлга киритиш хаёлининг бир чеккасига ҳам келмасди. Кредиторларнинг яхши муносабати туфайли Дюпеннинг отасидан қолган мероснинг унча катта бўлмаган қисми сақланиб қолган эди, у мана шу мерос ҳисобига зўрға яшар, шоҳона ҳаёт лаззатларига бефарқ бўлиб қолган эди. У ўзига эп билан ягона қимматли нарса — бу китоблар эди.

Биз биринчи бор у билан Монмартр кўчасидаги харобгина кутубхонада учрашган эдик. Иккаламиз ҳам ўта нодир, айнаи бир китобни қидираётган бўлганимиз сабабли, у билан гаплашиб қолдик. Кейинчалик ҳам у билан бир неча бор учрашдик. Мен унинг оиласи тарихига қизиқиб қолдим, у французларга хос самимийлик билан менга ҳаммасини бир бошдан гапириб берди. Дюпеннинг кўп нарсаларни билиши мени ҳайратда қолдирди, айниқса тасаввурининг бойлигидан лол қолдим.

Мен у кезларда Парижда ўзига хос бир қизиқиш билан яшардим ва Дюпен каби инсон билан танишиш мен учун катта бир топилма эканлигини ҳис қилиб, буни унга изҳор этдим. Тез орада иккимизда, то мен Парижда эканман, бир жойда яшаш ҳақида фикр туғилди. Менинг имкониятим Дюпенникидан бироз тузукроқ бўлгани учун, унинг розилиги билан Сен-Жерменнинг шинам бир бурчагидан ажойиб кўринишли, вақт ўтиши билан бироз тўкилиб тушган, аллақандай киришга берилганидан эгалари ташлаб кетган уйни ижарага олдим ва уни иккаламизга хос бўлган романтик дилгирлик услубида жиҳозладим.

Агар бу даҳадаги турмуш тарзимиз оламга маълум бўлганида, бизни савдойи деб атаган бўлишарди, гарчанд беозор савдойи бўлсак-да! Биз ҳаммадан ажралган ҳолда яшай бошладик. Мен дўстларимга яшаш манзилимни айтмадим. Дюпен бўлса аллақачон Париж билан алоқасини узган, Париж ҳам уни эсга олмасди. Биз фақат ўзимиз билан ўзимиз андармон бўлиб яшардик.

Дўстимдаги ажойиботлардан бири, буни бошқача аташ мумкин ҳам эмас, бу — ундаги тунга, туннинг мафгунқорлигига бўлган муҳаббат. Ундаги бу хислатни мен унинг табиатига хос бўлган бошқа ҳамма хислатлари қатори сўзсиз қабул қилдим. Гўзал тун соҳиби бизни тез-тез тарк этиб турарди ва биз ундан ажралмаслик учун кўёшнинг биринчи нурлари тушиши билан дераза пардаларини тушириб, қўланса ҳид тарқатиб, базур ёруғлик берувчи икки-учта шамчироқни ёқиб қўяр эдик. Шамчироқнинг хира нурлари остида то соатлар мили ҳақиқий Тун келганидан хабар бергунча, биз орзуларга берилар, ўқир, ёзар ва суҳбатлашар эдик. Сўнг бир-биримизни қўлимиздан ушлаб, кўчага чиқар ва кундузги суҳбатимизни давом эттирар ёки қаро тунгача бемақсад сайр этар ва катта шаҳарнинг милт-милт этиб ёниб-ўчаётган тунги чироқлари оғушида маънавий озиқ олар эдик.

Бундай дақиқаларда, гарчанд бу ундаги тажрибанинг бир кўриниши эканлигини тушуниб етсам-да, мен Дюпендаги мушоҳада этиш қобилияти билан ҳайратланмасликка иложим йўқ эди. Дюпенга ҳам ўзидаги бу хислатни тақомиллаштириш хуш ёқарди. Бунга унинг ўзи ҳам иқдор бўларди. У кўшинча мамнуният билан инсонларнинг кўпчилиги мен учун ўқилган китоб деб мақтанар ва бунинг исботи ўлароқ, менинг дилимда нималар кечаётганини

айтиб берар эди. Бундай пайтларда мен иккига ажралувчи қалб ҳақидаги ривоятларни ҳаёлимга келтирар ва яратувчи билан парчалаб ташловчи Дюенни кўз олдимга келтириб, завқ олардим.

Айтилганлардан гап қандайдир бир ғаройиботлар ҳақида боради деган фикр келиб чиқмаслиги керак, шу билан бирга мен ўз қаҳрамонимга романтик тус ҳам бермоқчи эмасман. Француз дўстимнинг характериға хос чизгилар бу шунчаки эҳгироста берилган тасаввурнинг натижаси эди. Лекин у билдирган фикрлар ҳақида келтирадиган мисолларимиз янада аниқроқ тасаввур беради.

Кўнларнинг бирида, кечқурун Пале-Роялдаги ниҳоятда узун ва ифлос кўчаларнинг бирида сайр қилар ва ҳар биримиз ўз ҳаёлларимиз билан банд эдик, шу боис, чорак соатча вақт давомида биронтамиздан садо чиқмади. Тўсатдан Дюен, шунчаки гапираётгандек:

— Бу махлуққа йўл бўлсин! Ундан кўра бахтини “Варьете” театрида синаса бўларди, — деди.

— Жуда тўғри, — дедим мен.

Мен шу қадар ҳаёлга берилиб кетган эканманки, ҳатто менинг жавобим Дюеннинг сўзларига тўғри келганини ҳам ҳис этмабман. Лекин шу заҳотиёқ ўзимга келиб, ҳайратдан ёқамни ушладим.

— Дюен, — дедим мен жиддий бир тусда, — ақлим бовар қилмаяпти, сизга тўғриси айтсам, қулоқларимга ишонмаяпман. Мен... ким ҳақида ўйлаётганимни сиз қаердан билдингиз?

... Мен ким ҳақида ўйлаганимни у биладими, йўқми, аниқ билиш учун бироз сукут сақладим.

— Шангильи ҳақида, — деди у. — Нима учун тутилиб, тўхтаб қолдингиз? Сиз уни фожеавий ролга тўғри келмаслиги ҳақида ўйлаётган эдингиз.

Ҳа, мен айнан Сен-Дени кўчасидаги этикдўз Шангильи ҳақида ўй сураётган эдим. Театр жинниси бўлиб қолган бу киши яқинда бир пардалик Кребийон трагедиясида Ксеркс ролида ўйнади ва шармандаларча сахнадан тушириб юборилди.

— Худо ҳақи, менга услубингизни тушунтириб берсангиз, агар ҳақиқатан бу услуб мавжуд бўлса ва сиз унинг ёрдамида менинг фикримни беҳато ўқиган бўлсангиз, — деб оёғимни тираб олдим. Тўғриси айтсам, ажабланганимни кўпам билдирмасликка ҳаракат қилардим.

— Бу фикрни сизда кўкат сотувчи уйғотди, — деди дўстим, — яъни бу табиб, Ксеркс ва унга ўхшашлар даражасига етмаганлиги хусусида.

— Кўкат сотувчи? Кўйсангиз-чи, мен ҳеч қандай кўкат сотувчини танимайман.

— Чорак соат олдин бу кўчага бурилганимизда сизга урилиб кетган бесўнақай-да...

Шундагина мен бошида олма тўлдирилган катта сават кўтарган кўкат сотувчини эсладим, тор кўчадан кенг кўчага чиққанимизда у беҳосдан менга урилиб кетган эди. Лекин Шангильининг бунга нима дахли борлигини мен ҳеч тушунмасдим.

Лекин Дюен рост гапираётганлигига шубҳа йўқ эди, албатта.

— Рухсат берсангиз, мен сизга тушунтириб берсам, — деди у. — Мени янада яхшироқ тушунишингиз учун, келинг, ҳаёлингиздан кечган воқеаларни то кўкат сотувчини учратганингизгача яна бир бошдан қайта эслайлик. Фикрингизнинг асосий йўналиши — Шангильи, Орион, доктор Никольс, Эпикур, стереотомиа, харсангтош ва кўкат сотувчи.

Маълум бир хулосага келган кишининг ҳаёлига бу хулосага келгунга қадар вақт оралигида ҳаёлидан кечган ўйлар бирин-бирин ўтгани турган гап. Бу жуда қизиқарли машғулот, кимки бу машғулотга берилса, хулосага келинган вақт билан унинг бошланиши оралигида анча вақт кечгани ва умуман фикрнинг бошланиши билан қилинган хулоса бир-бирига камдан-кам ҳолларда мувофиқ келишини кўриш мумкин. Мен Дюен сўзларини ўта қизиқиш билан тингладим ва унинг сўзлари ҳақиқат эканлигини тан олмасликка иложим қолмади.

Бу орада менинг дўстим гапида давом этарди.

Кўчага бурилмасдан, агар адашмасам, биз улар ҳақида гаплашаётган эдик. Суҳбатимиз шу ерга етганида гапимиз бўлиниб қолди. Бу кўчага

бурилганимизда эса қаердандир пайдо бўлган бошида олма тўла катта сават кўтарган кўкат сотувчи ёнимиздан чошиб ўтди ва сизни кўприк таъмирланаётган ерда бир тўда тошлар уюми устига итариб юборди. Сиз тошга урилиб кетдингиз, оёгингиз лат еди, жаҳлингиз чиқди, ҳар қалай, қовоғингизни уйиб олдингиз, нималардир деб вайсадингиз, яна бир бор тошлар уюмига боқиб, юришда давом этдингиз. Мен сизнинг орқангиздан пойлаганим йўқ, шунчаки сўнгги пайтларда эътибор билан кузатиш менинг касбимга айланиб қолди.

Сиз то биз шахмат тартибида бир текис терилган тошлар жойлаштирилган Ламартин номидаги кўчага бурилганимизча кўзингизни ердан узмасдингиз ва кўзингиз қири билан йўл чеккасига боқардингиз (бундан мен билдимки, сиз ҳамон тошлар уюмлари ҳақида ўйлардингиз). Сўнг биров кайфиятингиз кўтарилди ва лабларингизни қимирлашидан мен “стереотомия” деган сўзни пичирлаб айтганингизни эшитдим. Бу сўз сизни атомлар, хусусан, Эпикур таълимоти ҳақида ўйлашга даъват этишини англадим, унинг устига биз яқиндагина сиз билан бу мавзу устида гаплашган эдик ва мен сизга бу олижаноб юноннинг мулоҳазаларини, самовий туманлик қисмига доир замонавий космогониянинг хулосаларини исботлашга уринган эдим, шу боис мен нигоҳингизни Орион юлдузлари туркумига қаратишингизни кутдим. Ҳақиқатдан ҳам сиз мен кутгандек юқорига боқдингиз ва бу билан менинг мулоҳазаларим тўғри эканлигини яна бир бор исботладингиз. Дарвоқе, кечаги “Musee” даги Шантильяга қарши қаратилган чиқишда, этикдўз ўз исмини ўзгартиришга уринди дейилган ва лотин муаллифидан бир сатр келтирилган эди, биз сиз билан суҳбатимиз давомида бунга бир неча бор тўхталган эдик. Мен “Perdidit antiquum litera prima sonum”¹ деган шеър сатрини назарда тутишман.

Мен сизга бу ўринда Орион назарда тутилганини айтган эдим, бир пайтлар у Орион деб ёзилар эди, бу ҳақда сиз билан бир ҳазиллашиб ҳам олган эдик, ҳар қалай эса қоладиган воқеа бўлган эди. Мен Орион ҳақидаги ўйлар сизни Шантильяни эслашингизга олиб келишини билар эдим, лабларингиздан учун табассум мулоҳазаларининг тўғрилигини тасдиқлади. Сиз бечорани эслаб кучур нафас олдингиз. Йўл бўйи букчайиб келаётган эдингиз, шу ерга етганда қаддингизни ростладингиз ва мен сизни этикдўз ҳақида ўйладингиз деб тахмин қилдим. Ва шу ерга етганда мен, ҳақиқатдан ҳам бизнинг Шантильяга худо бўйдан бермаган, ундан кўра бахтини “Варьете” театрида синаса бўларди, деб фикрингизни бўлдим.

Шундан кейин, орадан биров вақт ўтгач, “Суд хабарлари” ҳақидаги газетанинг кечки сонини кўра туриб қуйидаги хабарга кўзимиз тушди.

ҚУЛОҚ ЭШИТМАГАН ЖИНОЯТ

Бугун эрталаб соат учларга яқин Сен-Рок кўчасида яшовчи аҳолининг тинчини қулоқни қоматга келтирувчи қичқариқлар бузди. Бирин-сирин эшитилаётган бу бақариқ-чақариқлар Морг кўчасидаги уйнинг бешинчи қаватидан келаётган эди. Маҳаллий аҳолига маълум бўлишича, бу хонадонда аллақандай Л’ Эспанэ хоним ўзининг турмушга чиқмаган қизи мадмуазель Камилла билан бирга яшар эди. Уйнинг эшигидан одатдаги йўл билан кириб бўлмагач, лом ишлатишга тўғри келди ва ўнга яқин қўшни иккита жандарм бошчилигида бинога отилиб кирди. Бақариқ-чақариқлар тинган эди, лекин бир тўда одамлар юқорига кўтарилгач, юқоридан бир-бири билан уришаётган иккита, учта бўлиши ҳам мумкин, кишининг жаҳл билан гаплашаётгани эшитилди. Учтинчи қаватга кўтарилгунча бу овозлар ҳам тинди, жимлик ҳукм сурди. Одамлар уйнинг у бошидан бу бошига хонама-хона чошиб юришарди. Навбат бешинчи қаватнинг бурчакдаги ётоқхонасига етганда (ичкари томондан беркитилган эшик қулфини ҳам синдириб киришди), кўз олдида намоён бўлган манзарадан ҳанг-манг бўлган одамлар даҳшатдан қотиб қолди.

¹ “Йўқотди биринчи ҳарф аввалги жарангдорлигин” (лот.).

Ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетган, синдирилган мебел парчалари сочилиб ётар эди. Хонада фақат битта кўрпа-тўшаксиз каравот турарди. Ёстиқ билан кўрпа ерда ётарди. Стулда тиғи қонга беланган устара турарди. Камин панжарасига, афтидан, таг-туғи билан юлиб олинган ва қонга беланган иккита-учта қалин соч толалари ёпишиб қолган эди. Полда, оёқ остида тўртта наполеондор, топаз тошли битта сирға, учта кумуш ошқошиқ ва учта мелхиор чойқошиқ, иккита умумий ҳажми тўрт юз франкка тенг бўлган тилла танга тўлдирилган халта топилиди. Бурчақдаги жовоннинг тортмалари очилиб ётар эди, афтидан, ўғрилар унинг ичини ҳам титкилашган, лекин нарсаларнинг ҳаммасини олиб кетишга улгуришмаган. Темир қутича ўрин-кўрпанинг (каравотнинг эмас) тагидан топилиди. У очик бўлиб, калити ҳамон кулфнинг оғзида осилиб ётарди, лекин унинг ичида саргайиб кетган хатлар ва қоғозлардан бошқа ҳеч нарса қолмаган эди.

Л' Эспанэ хонимдан бирон-бир из қолмаган эди! Кимнингдир каминдаги кул уюмига кўзи тушди, мўрини текшира бошлашди. Во ажаб! Қизнинг танасини сочидан тортиб чиқаришди, шўрликни бўлса оёғини осмонга қилиб, тор мўрининг ич-ичига тиқиб ташлашди. Мурда ҳали иссиқ эди. Текшириш давомида шу нарса аниқ бўлдики, мурда терисининг кўп жойлари шилиниб тушган, афтидан, мурда танасини судраб мўрига тиқишаётганида ишлатилган кучнинг натижаси бўлса керак. Юзлари тирналиб кетган, бўйнида тирноқ излари қолган, бамисоли уни бўғишган каби бўйнининг моматалоғи чиқиб кетган эди.

Уйнинг астар-пахтасини чиқариб ҳамма ерини текшириб чиқиб, бирон-бир янгилик топишолмагач, пастта, бақувват эшик томонга қараб отилишди. У ерда ўлиб ётган кампирни кўришди. Унинг бошини устара билан шундай кесишган эдики, мурдани кўтаришмоқчи бўлишганида боши узилиб тушди. Мурданинг юз-кўзи таниб бўлмас даражада тилиб ташланган, айниқса танасини таниб бўлмасди, унда инсонга хос нарсанинг ўзи қолмаган эди.

Қулоқ эшитмаган жиноят мана шундай кўринишга эга бўлиб, ҳозирча қандай воқеа содир бўлгани ечилиши қийин бўлган бир сир эди”.

Эртаси кун рўзномаларда куйидаги кўшимча хабарлар чоп этилди:

“МОРГ КЎЧАСИДАГИ ФОЖИА”

Содир этилган ақл бовар қилмас қотиллик бутун Париж аҳлини ларзага солди, бир сидра гувоҳлар сўроқ қилинди, лекин юз берган фожиа сирини ойдинлаштиришга кўмак берувчи бирон-бир нарса топилмади. Куйида нисбатан эътиборга молик бўлган кўрсатмалар келтирилди:

Полина Дюбур, кир ювувчи, кўрсатма беришчи, ўлдирилган аёлларни сўнгги уч йил ичида танир, уларнинг кирини ювган экан. Афтидан, ўлдирилган қария аёл қизи билан анча аҳил турган. Уй тўловларини вақтида тўлаган. Сўроқ қилинувчи уларнинг турмуш тарзи ва даромади борасида бирон нарса билмайди. Назарида Л' Эспанэ хоним фол очарди, тирикчилиги шу билан ўтарди. Унинг пули кўп деган гаплар юраркан. Гувоҳ кирни олиб кетган ёки тозасини уларникига олиб келган кун ичида ҳеч кимни учратмаган. Улар уй юмушларига ёрдам берувчи хизматчи тутишмаган. Билишчи, мебел фақат бешинчи қаватда бўлган.

Пьер Моро, тамаки дўконнинг эгаси, кўрсатма беришчи, у мадам Л' Эспанэга сўнгги тўрт йил ичида ҳидлайдиган ва чекадиган тамаки сотиб келган. У шу ерда туғилиб, шу ерда яшаган. Ўлдирилган аёл қизи билан олти йилдан зиёд вақт давомида уларнинг ўлиги топилган уйда яшашарди. Унга қадар бу уйда заргар яшаган, у тепа қаватдаги хоналарни ижарага берарди. Уй Л' Эспанэга хонимга қарашли эди. У бўш хоналарга одам кўювчи ижарачисидан тоза тўйган эди, шу боис тепа қаватга ўзи кўчиб чиқади ва бўш хоналарни ижарага бериш ниятидан буткул воз кечади. Бошқача айтганда, кампирнинг сал мияси айниб, ёш болага ўхшаб қолган эди. Бу йиллар оралиғида гувоҳлик берувчи киши кампирнинг қизини бор-йўғи беш-олти марта кўрган эди, холос. Бу икки аёл бировга қўшилмасдан, осуда ҳаёт кечиришарди, узун-қулоқ гапларга қараганда уларнинг пули кўп бўлган. Миш-мишларга кўра Л. хоним фол очар

эмиш, лекин у (гувоҳлик берувчи) бунга ишонмасди. Чунки бирон марта уларнинг уйига кампирнинг ўзи, қизи, баъзан дарбон ва саккиз-ўн маротабача хабар олгани кирган шифокордан бошқа бирон кимсанинг кириб чиққанини кўрмаган.

Тахминан худди шу гапларни бошқа қўшнилари ҳам такрорлашди. Уларнинг биронтаси бу аёлнинг уйига кимса кириб чиққанини кўрмаган. Уларнинг қориндош-уруғи ё дўстлари бор-йўқлигини ҳам ҳеч ким билмайди. Уйнинг кўча томонга қараган деразалари кам очиларди, ҳовли томондагиси бўлса, бешинчи қаватдаги катта уйнинг деразасидан ташқариси, умуман қоқиб ташланган эди. Уйнинг ўзи анча бақувват бўлиб, ҳали эски эмас эди.

Изидор Мюзе, жандарм, гувоҳлик беришчи, уни олиб кетгани эрталаб соат учларга яқин келишган. Уйнинг ёнида йигирма-ўттизга яқин одамлар тўпланиб туришганини кўрган. Эшикни, у бузиб очган, лом билан ҳам эмас, темир билан. Эшик икки тавақали бўлиб, осонгина очила қолган. У на паст тарафдан, на юқори тарафдан маҳкамланган эди. Эшик то очилмагунга қадар бақир-чақир эшитилиб турган, очилгач таққа тўхтаган. Бақир-чақирлар (битта одам бақиряптими, иккитами — англаб бўлмасди) бўғиқ, зуриқ-юлуқ бўлмасдан, чўзиқ ва баланд овозда эди. Гувоҳлик берувчи телага биринчи бўлиб чиққан. Иккинчи қаватга чиққач, икки кишини ўзаро қаттиқ-қаттиқ тортишаётгани қулоғига чалинган — бири бўғиқ овозда, бошқаси чийиллаган овозда, унинг устига овози ҳам ўта ғалати. Биринчи кишининг айрим сўзларини илғай олган. У француз бўлган. Лекин аёл бўлмаган. У “sacre” ва “diable” деган сўзларни эшитган, чийиллаган овозда чет эллик киши гапирган. Фақат у эркакми, аёлми ажратиб олиш қийин бўлган. Нима ҳақида гапираётганини билиб бўлмаган, испан тилида гапирган. Гувоҳ жиноят содир этилган хона ва мурдалар қай аҳволда эканлиги ҳақида гапириб берар экан, биз билган кечаги маълумотларга бирон нарса қўшимча қилмади.

Анри Дюваль, қўшни, мутахассислиги заргар, гувоҳлик беришчи, уйга биринчилардан бўлиб кирган. Мюзе берган кўрсатмаларни умуман олганда тасдиқлайди. Йўлакка киришган заҳоти, орқаларидан эргашиб келаётган одамлар тўдаси кирмасин деб, эшикларни беркитишган. Туннинг қоқ ярми бўлишига қарамасдан, одам кўп бўлган. Гувоҳнинг назарида чийиллаб гапирган овоз эгаси итальян миллатига мансуб. Француз эмаслиги аниқ. Аёл бўлиши мумкин. Гувоҳлик берувчи итальянчани билмайди, сўзларни англамаган, лекин уларни гапириш оҳангидан итальян бўлса керак деб тахмин қилмоқда. Л. хоним ва унинг қизи билан шахсан таниш эди. Иккаласи билан кўп марта суҳбатлашган. Уларнинг иккаласи ҳам чийиллаб гапирмаслигига ишончи комил.

Оденгеймер, ресторан соҳиби. Бу гувоҳнинг ўзи кўрсатма беришга ошиқди. У француз тилини билмас экан, шу боис, таржимон ёрдамида сўроқ қилинди. Ўзи асли амстердамлик экан. Бақир-чақир овозлар келаётган уйнинг ёнидан ўтиб бораётган экан. Шовқин-сурон бир неча дақиқа давом этган, аниқроғи, ўн дақиқаларча. Эшитилаётган овозлар жуда баланд, юракка ларза соладиган даражада бўлган. У биринчилардан бўлиб уйга кирган. Ўздан олдин кўрсатма берган гувоҳларнинг кўрсатмаларини тўлалигича тасдиқлади. Фақат биттасидан ташқари: у эшитган чийилдоқ овоз эркак кишиники бўлиб, унинг француз эмаслиги аниқ. Уларнинг гапларини у аниқ эшитмаган, гап нима ҳақида бораётганини билмаган ҳам, улар жаҳданми ё қурқувданми тез-тез гаплашишар, худди бўғилиб қолаётган кишидек. Овозлари чийиллашдан кўра, кўпроқ жиддий, кескин эди. Йўқ, йўқ, эшитилган овозларни чийиллаган деб айтиб бўлмасди. Бўғиқ овоз тинимсиз “жин урсин” деб қайтарар, бир сафар бўлса “э худо” деди.

Жюль Миньо, банкир, Делорен кўчасидаги “Миньо ва ўғиллари” фирмасидан. У Миньоларнинг каттаси. Л. Эспанэ хонимнинг озгина жамгармаси бор эди. Баҳор ойларининг бирида (саккиз йил аввал) бу тул аёл уларнинг банкида ҳисоб рақамини очади. Ва тез-тез унча кўп бўлмаган пул қўйиб турарди. Чек ёздирмасди, лекин ўлимидан уч кун олдин шахсан ўзи ҳисоб рақамидан тўрт минг франк пул олган. Пул тилла билан тўланиб, уни банк ходимининг ўзи уйига олиб келиб берган.

Адольф Лебон, “Миньо ва ўғиллари” фирмаси ходими, унинг кўрсатишича,

белгиланган куни соат ўн иккиларда иккита халгачага жойлаштирилган тўрт минг франк пул билан бирга Л' Эспанэ хонимни уйигача кузатиб қўйган. Эшикни Л' Эспанэ хонимнинг қизи очган ва унинг қўлидаги халгачанинг биттасини у, биттасини кампирнинг ўзи олган. Шундан сўнг у хайрлашиб жўнаб кетган. Ўша куни кўчада у бирон кимсани кўрмаган. Кўча сокин ва одам кам бўлган.

Уильям Берд, тикувчи, унинг кўрсатишича, у ўша куни ҳамма билан бирга уйга кирган. У инглиз. Парижда икки йилдан бери яшайди. Биринчилардан бўлиб зинадан кўтарилган. Икки кишининг тортишаётгани қулоғига чалинган. Бўғиқ овозлиги француз эди. Унинг айрим сўзларини илгаса бўларди, лекин эшитган гапларининг ҳаммаси эсида йўқ. “Sacre” ва “Mon Dieu” деган сўзларни аниқ эшитган. Бу сўзлар тўс-тўполон ичидан эшитилиб турарди, худди бир нечта киши бир-бири билан дўшпослашаётгандек эди. Бошқа овоз аниқ эшитиларди, бўғиқ овоздан кучлироқ эшитиларди. Лекин у инглизга тегишли эмас эди, бунга ишончим комил. Аниқроғи, овознинг эгаси немис бўлса керак, Берднинг ўзи немис тилида гапирмас эди. Бунинг устига аёл киши бўлса керак.

Кўрсатма берган гувоҳлардан тўрт киши иккинчи сўроқда ойимқиз Л.нинг жасади топилган ётоқхонанинг эшиги ичкаридан беркитилган бўлганини тасдиқлашди. Кишини даҳшатга солувчи жимлик ҳукм суларди. Эшикни синдириб киришганида, у ерда ҳеч ким йўқ эди. Ётоқхона ва биридан бирига кирувчи хоналарнинг деразаси беркитилган ва ичкаридан маҳкам қулфланган бўлиб, хоналар ўртасидаги эшик юзига ёпилган, лекин қулфланмаган эди. Йўлакка қараган хонанинг эшиги ичкаридан қулфланган эди. Ўша бешинчи қаватдаги йўлакнинг охирида жойлашган, деразаси кўчага қараган унча катта бўлмаган хонанинг эшиги қулфланмаган бўлиб, қия очик турар эди. Бу хонада каравоғлар, тортмалар ва бошқа эски-туски нарсалар ағдар-тўнтар бўлиб ётарди. Хонадаги нарсаларни олиб чиқиб, синчиклаб кўздан кечиришди. Уйни бошдан-оёқ тинтиб чиқишди. Мўри тозалувчилар мўриларни ҳам текшириб чиқишди. Томнинг тепасидаги хоналарни ҳисобламаганда, уй беш қаватлик эди. Томга чиқадиган йўл қолдирилган, лекин у миҳлаб ташланган эди, афтидан ундан анчадан бери фойдаланилмас эди.

Гувоҳлар тўс-тўполонни эшитиб, ётоқхона эшигини бузиб киргунларига қадар, ораликда кечган вақт турлича кўрсатилди. Кимдир уч дақиқа ўтди, деди, кимдир беш дақиқа, деди. Лекин эшикни бузиб кириш анча куч талаб этди.

Альфонсо Гарсио, тобутчи, Морг кўчасида яшашини айтди. Келиб чиқиши испан. Бошқалар қаторида уйга кирган. Лекин тепа қаватга кўтарилмаган. Буни асаби чатоқлиги, унга ортиқча ташвишланиш мумкин эмаслиги билан тушунтиради. Икки кишини ўзаро тортишгани қулоғига чалинган, бўғиқ овозлиси, сўзсиз, француз одамга тегишли деб билади. Нима устида тортишишганлигини англаб етмаган. Чийиллаган овозда гаплашган киши инглиз эди. Тобутчи инглиз тилини билмайди, гап оҳангидан шундай деб ўйламоқда.

Альберто Монтани, тайёр қўйлақлар сотиладиган дўкон мудирини, биринчилардан бўлиб, тепа қаватга отилиб чиққани ҳақида кўрсатма берди. Келаётган овозларни эшитган. Бўғиқ овозлиси французга тегишли бўлган. Айрим сўзларни тушуниш мумкин эди. Тортишаётганларнинг бири иккинчисини нималардир деб айблаётган эди. Иккинчи кишининг гапларини яхши англамаган. У тез-тез гапирарди, тез гапирганидан тили айланмасди. Афтидан, рус тилида гапирарди. Қолган масалалар бўйича гувоҳ ўзидан олдин кўрсатма берганларнинг сўзларини тасдиқлади. Унинг ўзи италиялик бўлиб, руслар билан гаплашишга тўғри келмаган.

Гувоҳларнинг айримлари иккинчи сўроқда тўртинчи қаватдаги мўри анча торлиги ва унга одам сифмаслигини тасдиқлашди. “Мўри тозалувчилар” дейишганда улар мўрини тозалашда қўлланадиган тозаловчиларни назарда тутишарди. Уйда ташқарига чиқадиган яна битта эшик йўқки, таъқиб қилувчилар зинадан юқорига чиққунча, қотил орқа эшикдан қочиб улгурса.

Л'Эспанэ ойимқизнинг жасади мўрига шу қадар тиқиб ташланган эдики, уни тўрт-беш киши биргалашиб базўр тортиб олишди.

Поль Дюма, шифокор, кўрсатма беришча, уни эрталаб, тонг отиши билан ўлдирилган икки аёлнинг жасадини кўриқдан ўтказиш учун олиб кетишган. Иккала жасад эски тўшак устига ётқизилган эди. Қизнинг танасини моматалоғи чиқиб кетган, тимдаланган эди. Бу қизни тор мўрига тиқишаётганида рўй берган деб тахмин қилса бўлади. Айниқса унинг бўйин қисми анча шикастланган эди. Даҳанининг остки қисми шилиниб, чуқур тирноқ ўринлари кўриниб турарди. Афтидан, бу қотил панжаларининг изи бўлса керак. Юзи кўкариб кетган, кўзлари косасидан чиқиб кетган эди. Тили бўлса, қаттиқ тишлаб олганидан узилиб тушган эди. Қорнининг пастки қисмидаги қонталашган жой, уни тизза билан босиб, эзилганидан далолат берарди. Мосье Дюманинг фикрича, Л'Эспанэ хоним бўғиб ўлдирилган, афтидан, қотилнинг шериги ҳам бўлган. Л'Эспанэ хонимнинг танаси қаттиқ шикастланган эди. Ўнг кўлининг суяклари ва оёқлари синдирилган ва қисман майда-майда қилиб ташланган эди. Болдир суяклари ва чап томондаги қовурғалари тилиб ташланган эди. Бу шикастлар қандай етказилганини айтиш қийин. Оғир таёқ биланми ё темир лом биланми?! Бу оромкурсининг оёғи бўлиши ҳам мумкин, умуман ниҳоятда кучли кишининг кўлига тушган ҳар қанақанги оғир дастак ҳам бўлиши мумкин. Бу аёл кишининг кўлидан келмайди. Жасаднинг боши танасидан узилган ва ниҳоятда абжағи чиқиб кетган эди. Ўткир устара билан бўйнидан бўғизлаб ташланган бўлиши ҳам мумкин.

Александр Этени, жарроҳ. У мосье Дюма билан биргаликда жасадни кўриқдан ўтказиш учун таклиф этилган эди, у мосье Дюманинг кўрсатмаси ва хулосаларига тўлиқ қўшилди.

Гарчанд, дастлабки тергов учун анча кишилар таклиф этилган бўлса-да, бошқа бирон-бир арзигулик нарсани аниқлаш имкони бўлмади. Парижда бу қадар ғаройиб ва ўта сирли содир этилган қотилликни эшашолмайди. Ва умуман, буни қотиллик деса бўладими? Полиция саросимада эди. Бу жумбоқни ечиш, унга ойдинлик киритишга имкон берадиган калаванинг учи топилмасди.

Кечки хабарларда Сен-Рок даҳасида аввалгидек ҳамма саросимада, қотиллик содир этилган уйни яна қайтадан тинтув этиш ишлари ҳам, гувоҳларни қайтадан сўроқ қилиш ҳам бирон-бир натижа бермагани айтилди. Яна Адольф Лебон ҳибсга олингани ҳақида хабар қилинди. Унинг айбини тасдиқловчи аввалдан маълум далиллардан бошқа бирон-бир янги далил топилмади.

Мен Дюпен тергов жараёни билан ўта қизиқаётганини сездим, лекин у изоҳ беришдан ўзини тийди. Лебоннинг ҳибс этилгани ҳақида хабар тарқалгандан сўнггина у мендан бу ҳақида қандай фикрдалигимни сўради.

Мен ҳамма парижликлар каби содир этилган бу жинойт ечиб бўлмайдиган бир жумбоқ эканлигини айтишим мумкин, холос. Қотилни топишга ёрдам берувчи бирон-бир издан дарак йўқ эди.

Сиз кўрганларингиздан келиб чиқиб, хулоса чиқарманг, деди Дюпен. Париж полицияси ҳамма нарсани айёрлик билан кўлга киритади, уларнинг фаҳм-фаросатлилиги ҳақидаги мақтов гаплар бу афсона. Уларнинг биринчи дақиқаларда аниқланган нарсаларини асос қилиб олиш одатларини назарда тутмаганда, ҳаракатларида тартиб йўқ. Улар ўтказадиган талбирлари ҳақида бор овозлари билан жар солишди, лекин уларнинг бу сабъ-ҳаракатлари нишонга тегмайди. Шу боис бехосдан Журденни эслайсан киши. У “муסיқани яхшироқ эшитиш учун” унга “халатни” беришларини сўрарди. Улар бирон-бир нарсага эришсалар, фақат ҳаракатчанлиги ва меҳнати орқасида эришишади. Лекин бу хислатлар камлик қилган ўринларда уларнинг барча ҳаракатлари пучга чиқади. Мисол учун Видокда тахмин қилиш қобилияти ва қатъийлик кучли, лекин ундаги мантиқий фикрлаш кучсизлик қиларди, оқибатда у қидирув жараёнларини олиб боришда кўп ҳолларда ноқулга аҳволга тушиб қоларди. У қидирув ишлари олиб бораётганида ҳақиқатга яқинлашгандай бўларди, лекин натижаси кўринмасди. У яхлитликка эришолмасди. Чуқур фикрлаш ҳам ҳаммавақт яхши натижа бермаслиги мумкин, бундай кезларда

оширвориш ҳеч гап эмас. Ҳақиқат ҳамиша қудуқнинг тубига яширинган бўлмайди. У юзада ётган бўлиши ҳам мумкин. Биз уни дара ичкарисидан изласак, у тоғ чўққисида бизни кутиб турган ҳам бўлиши мумкин. Бу каби хатоликларга йўл қўйишнинг сабабини ўрганиш учун осмон жисмларини кузатайлик. Осмондаги юлдузга бир зумгина боқинг, унга кўзингизнинг қирини ташланг. Шунда сиз уни нечоғлик ялтиллаб ёнишига баҳо беришингиз мумкин. Лекин сиз у томонга қайрилиб, унга тик боқсангиз, ундаги нурнинг хира тортганининг гувоҳи бўласиз. Сўнги ҳолатда кўзга нур кўпроқ тушади, аммо биринчи ҳолатда қабул қилиш имконияти анча кучлироқдир. Ўта диққат билан, нигоҳни узмасдан қараш Зухро юлдузини ҳам осмондан тушириб юбориши мумкин.

Қотиллик масаласида эса, келинг, мустақил қидирув уюштирайлик, кейин уни ҳулосалаймиз. Бундай қидирув ишлари бизга биров вақтихушлик бахш этади (вақтихушлик сўзи биров ноўрин ишлатилгани фикримдан ўтди, лекин гап қўшмадим), унинг устига бир пайтлар Лебон менга ёрдам берган, мен ҳануз ундан қарздорман. Юринг, ҳамма нарсани ўз кўзимиз билан кўрайлик, полициячи Г. — менинг эски танишим, йўқ демаса керак.

Рухсатнома олинди ва биз вақтни бой бермасдан Морг кўчасига отландик. Бу Ришелье кўчаси билан Сен-Рок кўчасини бирлаштириб турувчи тинч кўчалардан бири эди. Биз шаҳарнинг бошқа бир бурчагида яшар эдик ва фақат соат учларга яқин воқеа содир бўлган жойга етиб келаолдик. Уйни дарров топдик, чунки ҳанузгача баъзи бекорчилар кўчанинг нариги юзида туриб уйни томоша қиларди. Бу одағдаги Париж уйларидан бўлиб, ён томонида деразаси кўтарилиб очиладиган ойнабанд қоровулхонаси ҳам бор эди. Уйга кирмасдан, уни айланиб ўтдик. Дюпен синчковлик билан уйни, унинг ён-атрофини текшириб чиқди, бирон эътиборга лойиқ нарса йўқлигидан мен унинг бу ишидан ўта ҳайрон эдим.

Уйнинг кириш томонига қайтиб келиб, қўнғироқни босдик. Қўлимиздаги ҳужжатларнинг эшик тагида турган полициячиларга таъсири бўлди ва улар бизни ичкарига қўйишди. Биз зинадан кўтарилиб, Л'Эспанэ хонимнинг жасади тошилган ётоқхонага кирдик, икки жасад ҳамон у ерда ётарди. Хонада бирон нарсага, одатдагидек, тегишмаган эди ва у ерда ўша-ўша тартибсизлик ҳукм суларди. Кўз олдимда “Суд рўзномаси” да тасвир этилган манзарадан бошқа нарса йўқ эди. Аммо Дюпен ҳамма нарсани бир бошдан синчиклаб кўздан кечирди, шу жумладан, жасадларни ҳам. Биз бошқа хоналарни ҳам айланиб, сўнг ҳовлига чиқдик. Полициячи бизни нигоҳи билан кузатиб турарди. Воқеа содир бўлган жойни текшириш анча вақтни олди. Ниҳоят, ишни тугатиб, йўла тушдик. Қайтишда дўстим таҳририятлардан яна бирига ҳам кириб чиқди.

Бу ўринда дўстимга хос бўлган унинг баъзи бир хислатлари ҳақида гапириб ўтай. Мен ҳамиша у нима деса, унинг гапини маъқуллар эдим. Аммо ҳозир унинг содир этилган қотилликни муҳокама этиш нияти йўқ эди ва бу ҳақда у эртаси куни пешинларда гап бошлади. Гапни дабдурустдан бошлаб, берган саволи билан мени саросимага солиб қўйди. У мендан ваҳшиёна содир этилган бу қотилликда кўзимга бирон-бир муҳим нарса ташландими-йўқми, деб суриштирди. У “муҳим” сўзини шу қадар овозини пастлаб сўрадики, мен беихтиёр сесканиб тушдим.

— Йўқ, ҳеч нарса сезмадим. Газеталардан ўқиб билганларимиз, холос.

— Назаримда, газеталардаги хабарларда энг муҳим нарса тушириб қолдирилган, — деб эътироз билдирди Дюпен. — Бу — рўй берган воқеа замирида ақл бовар қилмас даҳшат ётанидир. Ҳай, майли. Улар нима десалар деяверсинлар. Фикримча, улар бу жумбоқни айнан ечиш имконини берадиган масалага таяниб, уни ечиб бўлмайди деб овоза қилишди. Мен қотилликни нечоғлик ваҳшийлик билан содир этилганини назарда тутяпман. Полициячиларни ҳам қотиллик эмас, балки уни содир этишдаги ваҳшийлик ҳайратта солган эди, бунинг устига, бу икки аёлни ўлдиришга ундовчи сабаб ҳам кўринмасди. Гувоҳларнинг берган кўрсатмалари бўлса бири бирини инкор этади. Улар уйнинг тепа қаватидан жанжаллашаётган одамларнинг овозини эшитишган, аслида у ерда ўлдирилган қиз, Л'Эспанэ хонимнинг жасадидан бошқа кимса бўлмаган. Қотил қочган ҳам бўлиши мумкин эмас, чунки уйдан

чиқиб кетиш учун иккинчи эшик йўқ. Агар шундай имкон бўлганда ҳам гувоҳлар зинадан юқорига кўтарилаётганида улар билан тўқнаш келган бўларди. Ётоқхонада ҳамма нарса ағдар-тўнтар қилинган эди, жасадни бўлса, кимнингдир мўрига оёғини осмондан қилиб тиқиш эсига келганига ақл бовар қилмасди. Кампирни инсонни ларзага солувчи даражада қийнашгани, юқорида қайд этилган ва яна бир қатор вазиятлар, мен уларни бу ерда санаб ўтирмайман, мана шуларнинг ҳаммаси маъмурларимизни саросимага солиб қўйган ва уларнинг мақталган донолигига шак келтирган эди. Улар ғайри-оддий нарсани тушунтириб бериш қийин бўлган нарса билан аралаштириб, ўта кўпол, лекин тез-тез учраб турадиган хатога йўл қўйишган эди. Аслида эса айнан оддий ва содда нарсадан четга оғиш ҳақиқатни излаб топишда ақлга йўл кўрсатади. Биз текшираётган ишда масалани “Нима воқеа рўй берди” деб эмас, балки шу пайтгача “ҳеч рўй бермаган қандай воқеа содир бўлди”, — деб қўйиш керак бўлади. Мен бу масаланинг ечимини топишга нечоғлик осонлик билан эришган бўлсам, полициядагилар учун бу шу қадар оғир кечди.

Мен Дюпенга ҳайрат билан қараб турардим.

— Берилган гувоҳликлардан шу нарса маълум бўлдики, — давом этарди Дюпен, — гувоҳлар зинада эшитган овозлар бу икки аёлга тегишли эмас эди. Демак, Л’Эспанэ хоним қизини ўлдириб, сўнг ўзини ўлдирган, деган тахминга ўрин қолмайди. Мени бу ҳақида гапиришимдан мақсад, бу борадаги фикрларимни баён этиш. Л’Эспанэ хоним қизининг жасадини мўрконга тиқишга журъат этолмасди, ўзининг бу қадар оғир қийноқни бошдан кечириши, уни ўз ҳаётига суиқасд қилган деган тахминни бекор қилади.

Бундан, қотиллик учинчи бир одам томонидан содир этилган ва эшитилган овозлар шу одамга тегишли деган фикр ҳаёлга келади. Энди бўлса, эшитилган овозлар хусусида берилган гувоҳликларнинг барчасини эмас, балки маълум қисмигагина эътибор берайлик. Айтинг-чи, сизни бирон нарса ҳайрон қолдирдим?

— Гувоҳларнинг барчаси, — жавоб бердим мен, — бўғиқ овоз французга тегишли, деб бир овоздан тасдиқлашди, чийиллаган ёки шиддатли овоз хусусида бўлса, фикрлари бир жойдан чиқмади.

— Сиз, умуман, кўрсатмалар ҳақида гапиряпсиз, — деб эътироз билдирди Дюпен, — ўзига хос томонлар ҳақида эмас. Сиз энг муҳим нарсага эътибор бермагансиз. Аслида, эътибор бериш керак эди! Гувоҳлар, сиз тўғри таъкидлаганингиздек, бўғиқ овоз эгаси хусусида бир фикрдалар. Чийиллаган овоз эгасига келсак, ажабланарли томони шундаки, фикрларни бир жойдан чиқмагани эмас, балки бу овозни гувоҳлар бир овоздан итальян, инглиз, испан, ҳолланд ва французга, яъни ажнабий одамга тегишли деб кўрсатишгани бўлди. Бирон-бир кимса бу чийиллаган овоз эгаси ўз ватандошига тегишли эканлигини қайд этмади. Қизиғи шундаки, гувоҳлик берувчи французга бу овоз испан одамига тегишлидек туюлган, у: “Ким гапиряётганини англаш қийин эди, лекин тили испанчага ўхшаб кетарди”, — деса, ҳолландиялик учун бу овоз французга тегишлидек туюлди. Ҳолбуки, баённомада “гувоҳ французча гапирмасди, уни таржимон ёрдамида сўроқ қилишди”, — деб қайд этилганди. Инглиз гувоҳ бу овозни олмонияликниқига ўхшатган. Ўзи эса олмонча бир сўзни ҳам билмасди. Испаниялик гувоҳ бўлса, бу овоз инглизга тегишли деган “қатъий” фикрда, ҳолбуки ўзи инглизча “бирон-бир сўзни билмайди”. Инглиз тили унга бегона тил, буни у овоз оҳангидан келиб чиқиб айтаяпти. Италиялик учун бу овоз рус кишисига тегишлидек туюлган, ҳолбуки “рус кишиси билан бирон-бир марта ҳам мулоқотда бўлишига тўғри келмаган”. Боз устига, иккинчи француз гувоҳ биринчи француз гувоҳдан фарқли ўлароқ, “овоз” италияликка тегишли эканига ишончи комил.

У худди гувоҳлик берган испанга ўхшаб, итальян тилини билмасе-да, гапириш оҳанги итальянниқига ўхшашини айтади. Ҳақиқатдан ҳам, гувоҳларнинг қулоғига эшитилган овоз ўта ғалати бўлса керакки, йирик европа мамлакатларининг беш хил миллатига мансуб вакиллардан биронтаси бу овозни ўзига таниш бўлган, она тилига ўхшатмаган. Сиз, овоз осийлик ёки африкаликка тегишлидир, деб айтишингиз мумкин. Гарчанд,

осиёлик ё африкаликлар Парижда кўпам учрамайди. Лекин бу тахминни ҳам инкор этмаган ҳолда, мен сизнинг эътиборингизни учта нарсага қаратмоқчиман. Бу, гувоҳларнинг бирига овоз “чийиллаган эмас, балки кескинроқ”дек туюлган. Қолган икки гувоҳга бўлса, овоз эгаси бир текис эмас, шошиброқ гапиргандек туюлган. Лекин бирон-бир гувоҳ аниқ бир сўзни эшитмаган.

Мен келтирган далиллар сизга қандай таъсир кўрсатишини билмайман, лекин бўғиқ ва чийиллаган овоз масаласида дадиллик билан шуни таъкидлашим мумкинки, улардан қонуний хулоса ва тахминлар келиб чиқади ва улар биз олиб бораётган текшириш ишларини олдиндан белгилаб беришга қодирдир. “Қонуний хулосалар” деган иборани мен кўпам ўринли ишлатмадим чоғи. Мен жумбоқни ечишда натижа берувчи ва тўғри йўлга бошловчи ягона имконият бу демоқчи эдим.

Тахминларим нимадан иборат эканлигини ҳозирча айтмай тураман. Лекин шуни ёдда тутишингизни илтимос қилар эдимки, тахминларим шу қадар асослики, улар менга кампирнинг хонасида олиб борган қидирув ишларимда асқотди ва йўналиш кўрсатди.

Хаёлан кампирнинг хонасига кўчайлик. Бу ўринда биз қидирув ишларини аввал нимадан бошлаймиз? Албатта, қотил қочган эшикни аниқлашдан. Биз сиз билан, албатта, ғаройиботларга ишонмаймиз. Ахир, ёвуз кучлар Л’Эспанэ хоним ва унинг қизини ўлдирган эмас-ку. Қотиллар, табиийки, маконда яшовчи жонзот, шу боис улар қочганда ҳам макон қонун-қоидасига амал қилган ҳолда қочади. Лекин қандай қилиб? Бу ўринда, бахтимизга, кўпам мураккаб мулоҳаза юритиб овора бўлмаймиз, мулоҳазаларимиз бу муаммони ечишда тўғридан-тўғри йўл кўрсатади. Қотил хонадан чиқиб кетиши мумкин бўлган йўллари бирма-бир ўрганиб чиқайлик. Маълумки, одамлар зинадан юқорига кўтарилишаётганида, қотил кампирнинг хонасида бўлган, нари борса ён хонада бўлган, демак у қочган йўлни ҳам айнан шу икки хона атрофидан қидириш керак. Полициячилар девор, шип, полнинг тагини обдон текширишди. Бирон-бир махфий йўл уларнинг эътиборидан четда қолиб кетиши мумкин эмас эди. Лекин, уларга ишонмасдан, мен яна бир бошдан хонадан чиқиб кетиш мумкин бўлган йўллари текшириб чиқдим. Хоналардан йўлакка олиб чикувчи иккала эшик ҳам ичкаридан қулфланган эди.

Мўрконларга эътибор қилайлик. Мўрининг саккиз-тўққиз фут масофани эгаллаган пастки қисми шу кенликда бўлиб, юқори қисми шу қадар торайиб борганки, ундан ўртача семизликдаги мушукнинг ҳам қочиб чиқиши амри маҳол. Шу тариқа, қотил қочиши мумкин бўлган бу имкониятни истисно этамиз. Энди, деразаларни кўриб чиқайлик. Хонанинг кўчага қаровчи деразаларини ҳисобга олмаймиз, агар қотил дераза ошиб қочганида, уй олдида тўпланиб турган одамлар уни, албатта, кўрган бўларди. Демак, қотил ётоқхонадаги дераза орқали қочган бўлиши керак. Биз шундай мантиқий хулосага келдик ва бундай бўлиши мумкин эмас, деган фикрга келиб, бу фикримиздан қайтмаслигимиз керак. Аксинча, “бўлиши мумкин эмас” деган фикрнинг “бўлиши мумкинлигини” исботлашга ҳаракат қиламиз. Ётоқхонанинг иккита деразаси бор. Уларнинг бири бирон нарса билан тўсилмаган, шу боис, бошдан-оёқ кўриниб туради.

Иккинчи деразанинг пастки тарафи залворли қаравотнинг бош томони билан тўсиб қўйилган эди. Биринчи дераза ички тарафдан маҳкамланган. Уни очиб учун беҳуда куч сарфладик. Дераза ромининг чап тарафида туйнук бўлиб, дераза ромига катта мих қоқилган эди. Иккинчи деразани текширганимизда, унинг ҳам мих билан маҳкамланганини кўрдик. Бу деразани ҳам очиб учун қилган ҳаракатимиз беҳуда кетди. Бу эса полициячиларни қотил бу йўл билан қочиши мумкин эмаслигига яна бир бор ишонтирди. Шу боис улар ромдан иккала михни суғуриб, деразани очишга ҳаракат қилишмади.

Мен, юзаки текшириш билан қаноатланмай, сабабини сизга аввал айтган эдим. Чунки мен “бўлиши мумкин эмас” деган фикрнинг аксини исботлашим лозим эди.

Мен босқичма-босқич эмас, тескари тартибда мулоҳаза юрита бошладим. Қотил, сўзсиз, иккита деразанинг биридан қочган. Лекин, бунда қотил

деразани ички тарафдан қайтадан маҳкамлаб ёпган бўлиши мумкин эмас. Деразалар бўлса ички тарафдан маҳкам беркитилган эди. Айнан мана шу ерга етганда полициячилар боши берк кўчага кириб қолгандек, қидирув ишларини давом эттиролмай қолишди.

Ҳа, ҳақиқатдан ҳам деразалар берк эди. Демак, улар автоматик тарзда ёпилади. Бундай фикрнинг келиши табиий эди. Мен олди тўсилмаган деразанинг ёнига келиб, ундан миҳни суғуриб олдим ва деразани очишга ҳаракат қилдим. Тахминим тўғри чиқди, дераза очилмади. Шунда хаёлимга бир фикр келди, деразани очишнинг кўз илғамас бир йўли бўлса керак, деб ўйладим. Деразанинг ромларини синчиклаб кўздан кечирдим ва ҳақиқатдан ҳам кўз илғамас бир пружинага кўзим тушди. Мен уни босдим, деразанинг очилиш сиридан воқиф бўлганимдан севиниб дераза ромини кўтардим.

Мен миҳни яна жойига қўйдим ва ёриққа синчиклаб разм солдим. Деразадан тирмашиб чиққан киши уни ташқаридан ёпиши мумкин, шунда деразанинг зулфи шиқ этиб, ўз-ўзидан қулфланиб қолади, лекин миҳ ўз-ўзидан жойига туриб қолмайди-ку. Бундан қуйидаги хулоса келиб чиқмоқда эди: қотиллар бошқа деразадан қочишган. Аммо, деразанинг зулфи иккала ромда ҳам бир хил, демак, гап миҳда ёки уни қандай қилиб жойига ўрнатилган бўлса керак. Мен тўшакнинг устига чиқиб, қаравотдан осилиб, иккинчи ромнинг деразасини синчиклаб кўздан кечирдим, қўлимни чўзиб, худди биринчи деразадагига ўхшаш темир пружинани топдим ва уни босдим. Сўнг миҳ билан шуғулландим. У худди ён деразадаги шериги каби жуда мустаҳкам эди ва тирқишга охиригача кирар эди.

Сиз, албатта, мени нима қилишини билмай гаранг бўлиб қолди, деб ўйларсиз. Унда сиз тафаккурнинг индуктив усули — яъни, далилдан унинг сабабига қараб хулоса чиқариш ҳақида тасаввурга эга эмас экансиз. Спортчиларнинг ибораси билан айтганда, мен тўшни беҳато урдим. Мен аниқ йўлдан кетаётган эдим. Менинг фикрлаш тарзимнинг бирон бўғинида носоз ҳалқа йўқ эди, мен уни охириги нуқтасигача ишлаб чиққан эдим ва бу охириги нуқта миҳ билан боғлиқ эди. Мен аввал ҳам айтган эдим, у худди ён деразадаги миҳга айнан ўхшар эди. Лекин, миҳ сирнинг калити эканлигига менинг ишончим шу қадар комил эдики, унинг олдида бошқа далиллар ҳеч гап эмас эди. “Демак, миҳда бир гап бор”, — деб ўйладим мен. Ҳа, ҳақиқатдан ҳам, миҳга сал тегиб кетишим билан унинг боши турумча билан қўлимга синиб чиқди. Миҳнинг танаси ҳамон тирқиш орасида қолиб, афтидан, у ўша ерда синиб қолган эди. Бу синиқ азалдан мавжудлиги темирдаги зангдан ҳам маълум эди; мен яна шунга эътибор бердимки, миҳни қоқаётганда болга унинг бошининг бир чеккасини ҳам қоқиб, ромнинг ичига киргазиб юборган.

Қўлимдаги синиқни авайлаб жойига қўйганимда, миҳ худди бутундек таассурот қолдирди. Бирон бир ёриқ сезилмади. Мен пружинани босиб, деразани кўтардим. Ром билан биргаликда дераза тирқишида зич ўтирган миҳнинг боши ҳам бирга кўтарилди. Мен деразани туширдим, миҳ яна бутундек тасаввур уйғотарди.

Шундай қилиб, жумбоқнинг дераза билан боғлиқ жойи ечилди: қотил қаравот тўсиб турган деразадан қочган. Деразанинг роми ўзи ёки бировнинг ёрдамида очилиб ёпилганида пружина уни жойига маҳкамларди, полициячилар бўлса, пружинанинг вазифасини миҳ бажарган деган хаёлга борганлари учун текширув ишларини тўхтатганлар.

Қотил қандай қилиб пахта тушди, деган савол туғилади. Бунга мен сиз билан уй атрофини айланиб чиққанимизда жавоб топдим. Биз айтган деразага беш ярим футча етмасдан яшинқайтаргич ўтган.

Бу ердан дераза томонга ўтиш, айниқса ундан ошиб тушиш қийинчилик туғдирмайди. Аммо мен бир нарсага аҳамият бердимки, бешинчи қаватдаги ромлар, парижлик дурадгорларнинг айгишича, моладан қолганига анча бўлган, лекин сиз уларни Лион ёки Борлодаги уйларда тез-тез учратиб турасиз. Бундай дераза ромлари одатдаги бир қанотли эшикларни эслатади, фақат тепа қисми очиқ бўлиб, худди панжара ёки иппалер қоқилгандек, унга қўл билан осилиб олиш қўлай. Л’Эспанэ хонимнинг уйидаги дераза-ромларининг эни уч ярим футдир. Биз уйнинг орқа томонидан қараганимизда дераза ромлари ярим очик

эди, яъни деворга нисбатан тўғри бурчак остида жойлашган эди. Полициячилар ҳам менга ўхшаб, уйни ичкари томонидан текширишган бўлишса керак. Лекин дераза ромларини ён томондан кўрганлари учун унга етарли эътибор беришмаган, яъни унинг эни ўта кенлигига аҳамият беришмаган.

Бу йўл орқали қотиллар қочиши мумкин эмаслигига ишончи комил бўлган полициячилар, табиийки, уйнинг деразаларини юзаки текшириш билан чегараланганлар. Мен бўлсам каравот томондаги дераза ромини очиб юборилса, қотиллар яшинқайтаргичдан бор-йўғи икки фут ораллиғида бўлишига дарров ақлим етди. Ўта эпчил ва қўрқмас одам ҳеч қийналмасдан, бемалол яшинқайтаргич орқали деразадан ошиб тушиши мумкин.

Яшинқайтаргични қўйиб юбориб, оёғи билан деворга тиралиб, куч билан ўзини итариши ва деразани беркитиши мумкин, агар дераза очиқ деб тасаввур қилинадиган бўлса, дераза тоқчасидан тўғри хонага сакраб тушиши мумкин.

Демак, эсда тутинг: гап ўта эпчиллик устида боряпти, чунки фақат ўта эпчиллик орқали бундай мушкул вазифани бажариш мумкин.

Мен сизга, биринчидан, айнан шундай сакраш имконияти мавжудлигини исботламоқчиман, иккинчидан бўлса, ва бу энг муҳими, бундай сакраш учун ўта ғайриоддий эпчиллик талаб этилишини тасаввур қилишингизни истайман.

Сиз, албатта, мен учун бундай ҳолларда адвокатларнинг фикрига кўра, нечоғлик эпчиллик зарурлигини исботлашдан кўра, уни сир тутиш қулайроқдир, деб айтишингиз мумкин. Адвокатларнинг одати шундайдир, лекин ақл бундай одатни ихтиёр этолмайди. Ҳақиқатта етишиш — мана менинг асл ниятим. Менинг навбатдаги вазифам сизнинг онгингизда қўйидагини таққослашга мойиллик уйғотиш: бир тарафдан, мен сизга айтган ўта эпчиллик; иккинчидан — қайси миллатта мансублигини ажратиш қийин бўлган дағал овоз; шу билан бирга бирон сўзини тушуниш қийин бўлган гўнғир-гўнғир овоз...

Эшитганларим миямда фикр уйғотгандек бўлди. Яна бир уринсам, Дюпен гапни нимага олиб келаётганини тушуниб оладигандекман. Одатда, ниманидир эслаш учун, мияни шундай ишга солинади, бу орада дўстим гапида давом этмоқда эди:

— Аҳамият беринг, ўғри қандай қилиб яширингани ҳақидаги гапдан, мен уни хонага қандай қилиб киргани ҳақидаги гапга ўтиб кетдим. Бу билан мен иккала воқеа ҳам айни бир жойда ва айни бир хил содир бўлганига эътиборингизни қаратмоқчиман. Энди хонага қайтсак, бу ерда биз нималарни кўрдик? Жавон тортмаларидан, ҳозир ҳам сочилиб ётган, кийим-кечакларнинг кўпчилиги, бизни ишонтиришларича, ўғирланган. Бемаъни гап. Бу тахмин исботсиз осмондан олингандек гап. Ким билади дейсиз, эҳтимол жавонда топилган нарсалардан бўлак бошқа нарсалар бўлмагандир ҳам. Л'Эспанэ хоним ва унинг қизи узлатда, одамлардан узилган ҳолда яшашар, кимса уйларига келмас, ўзлари ҳам бирон кимсаникига бормас эдилар. Хўш, уларга ортиқча кийим-кечакнинг нима кераги бор, деб ўйлайсиз? Топилган кийим-кечаклар бу хонимлар кийиб юрган кийимлардан ёмон эмас. Агар ўғрини кийим-кечаклар қизиқтирган бўлса, унда нима учун у кийимларни айнан яхшисини ўзи билан олиб кетмаган? Нима учун ўзи билан ҳаммасини олиб кетмаган? Ва энг муҳими, нима учун қандайдир латта-лутта деб уйдан топилган 4 минг тилладан воз кечган?

У пулга қўл ҳам урмаган. Миньо жаноблари бизни воқиф этган тиллаларнинг ҳаммаси жойида, халтачалар полда сочилиб ётар эди. Шу боис уйга келтирилган тилла ҳақидаги кўрсатмаларга асосланиб, полициячилар калласига келган аҳмоқона фикрни хаёлингиздан чиқариб ташланг. Пулни уйга келтириб берилиши ва уч кундан сўнг пул эгасини ўлдириб кетилиши каби тасодифлар кунда юз беради ва биз уларга аҳамият ҳам бермаймиз.

Тасодиф — маълум тарзда фикрловчи ва эҳтимоллик назарияси ҳақида умуман тасаввурга ҳам эга бўлмаган кишиларга панд берувчи жиҳатдир. Аслида эса, ўзининг оламшумул кашфиётлари билан шухрат қозонган фан соҳалари айнан мана шу эҳтимоллик назариясидан миннатдор бўлишлари лозим. Албатта, агар пул кам чиққанда, уни қотиллик юз бериш арафасида олиб келингани ҳақидаги ўй оддий тасодиф сирасига кирмаган бўлар эди.

Бундай ҳолда жиноятга қўл уришнинг сабаблари нима деган табиий савол туғилади. Мазкур ҳолатда жиноятнинг сабаби пул ўғирлаш деган хаёлга бориш, бу ўғрининг ландовур ва ўтакетган аҳмоқлигини тан олишдир. Чунки ўғри, уни жиноят содир этишга ундаган сабаб, яъни пулни олмаган, унутиб қолдирган эди.

Энди, уч ҳолат — яъни ўзига хос товуш, ғайриоддий эпчиллик ва ўта ваҳшийлик билан содир этилган жиноятнинг юзага келишига ундовчи сабабнинг йўқлигини эсдан чиқармаган ҳолда, эътиборни содир этилган жиноятга қаратсак. Мана, аввал бўғиб ўлдирилган, сўнг оёғини осмондан қилиб мўрига тиқилган жасад. Одатда жиноятчилар бу йўл билан ўлдиришмайди. Бунинг устига жасадни бу йўсинда яширишмайди. Кўз олдингизга қотил мурдани мўрига тиқишини келтиринг. Бунда бизнинг тасаввуримизга сизга сизга ўтакетган ваҳшийлик мавжудлигига тан берасиз, гарчанд бу ишга тубанлашиб кетган газанда қўл урган бўлса-да, шунингдек, уч-тўрт киши биргалашиб мўридан зўра юқоридан пастга тортиб туширилган жасадни пастдан туриб, юқорига итариб киргиш учун нечоғлик куч эгаси бўлиш лозимлигини ҳам тасаввур қилинг. Ва ниҳоят, бу даҳшатли куч эгаси қолдирган бошқа излар ҳам бор. Камин панжарасида ниҳоятда қалин, оқарган соч уюми топилди. Улар илдизи билан кўпориб, юлиб олинган эди. Йигирма-ўттиз дона сочни бирваракайига юлиб олиш учун қанча куч керак бўлишини ўзингиз биласиз. Бошқасини гапирмаса ҳам бўлади. Сиз ҳам мен каби бу соч уйимини кўрдингиз.

Миллионга яқин соч толалари эт билан бирга юлиб олинган бўлиб, унда қотиб қолган жон дончалари бир тортишда шунча сочни юлиб чиқариш учун қанча куч кераклигидан далоят берарди. Кампир шунчаки бўғизланган бўлмай, балки калласи бўйнидан буткул жудо этилган эди. Қотилга оддий устара қурол сифатида хизмат этган бўлиб, бу ваҳшийликни содир этиш учун нечоғлик йиртқич бўлиш кераклигини тасаввур қилинг. Л’Эспанэ хонимнинг моматалоқ бўлиб кетган аъзойи бадани ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Мосье Дюма ва унинг муносиб ҳамкасби Мосье Этьен жасад танасидаги моматалоқ бўлиб кетган ўринлар ўтмас бир дастак билан уриш натижасида юзага келган деган фикрдалар ва ҳурматли жаноблар бунда ҳақдирлар. Ўтмас қурол дастак вазифасини бу ўринда харсанг тошлар ётқизилган йўл ўтаган. Чунки жасадни каравот билан тўсилган деразадан улоқтиришган. Ахир бундан осон нарса йўқ. Лекин полициячиларнинг чегараланган ақли шунга ҳам етмаган, уларни хаёлига деразалар очилиши мумкин деган фикр келмаган ҳам.

Агар бу кузатишларни ётоқхоналарда содир этилган тартибсизликлар билан тўлдирилса, унда бўлиб ўтган фожеани нечоғлик питоб билан, инсонга хос бўлмаган куч, қонхўрлик ва ақл бовар қилмас шафқатсизлик билан овози ва шевадан қайси миллатга мансуб эканлигини аниқлаш қийин бўлган, гаплари тушунарсиз кимса томонидан бажарилганини чоғиштириш қолади, холос. Хўш, бундан қандай хулоса келиб чиқаяпти? Бу ким бўлиши мумкин?

Берилган бу саволдан мени эгим жимирлашиб кетди.

— Бу ёвузликни ақдан озган, яқин ўртадаги жиннихонадан қочган савдойи содир этган, — дедим.

— Ёмон эмас, мулоҳазангизда жон бор, — деди маъқуллаб Дюпен. — Лекин телбанинг бақир-чақирлари жазаваси тутган пайтда ҳам одамлар зинадан кўтарилаётганда эшитган овозга ўхшамайди. Ҳар қалай телбанинг миллати, тили бўлади, гапларини маъносига етилмаса, сўзларини тушунса бўлади. Бунинг устига менинг кўлимдаги соч уйими телбанинг сочига ўхшамайди. Мен уларни Л’Эспанэ хонимнинг чангак торган бармоқлари орасидан зўра тортиб олдим. Сиз бу ҳақида нима дея оласиз?

— Дюпен, — деб қичқириб юбордим мен эсанкираганимдан, — бу сочлар одамники эмас!

— Мен одамники демаяпман, — эътироз билдирди Дюпен. — Лекин бирон-бир қарорга келишдан олдин мана бу варақдаги расмга разм солинг. Бу расмда мен Л’Эспанэ хонимнинг бўйнида “қонгалашган ўринлар ва тирноқ излари” дор эди деб берилган кўрсатмага ҳамда Дюма ва Этьен жанобларнинг танадаги “бир неча кўкимтир доғлар, афтидан, бармоқ излари бўлса керак”, деган фикрига асосланиб, уни аке эгитиришга ҳаракат қилдим.

Олдимизга расмни қўяр экан, дўстимиз гапида давом этди:

— Мулоҳаза қилиб кўринг, расмдаги бармоқларнинг эгаси кучли ва чангали ўтқир эканлигидан далолат бериб турибди. Бу бармоқлар чангалидан омон чиқиш қийин. Улар қурбоннинг сўнги нафаси чиққунча кучини йўқотмаган, тирноқлари танага ботиб кетган эди. Энди бўлса, иккала қўлингизни расмдаги бармоқ излари ўрнига қўйиб кўринг.

Уриниш беҳуда эди. Менинг бармоқларим расмдагига тўғри келмас эди.

— Тўхтанг, келинг ҳаммасини қандай лозим бўлса, шундай бажарамиз, — деб тўхтатди мени Дюпен. — Варақ текис сатҳ устида ётибди, инсон бўйни бўлса, юмалоқ шаклдади. Мана инсон бўйни катталигидаги гўла. Расмни гўла устига қўйиб, яна бир уриниб кўринг.

Мен унинг айтганини қилдим, лекин уддасидан чиқолмадим.

— Афтидан, бу излар инсонга тегишли эмас.

— Энди, Кювьедан мана бу сатрни ўқинг, — деди Дюпен. — Унда — Ҳиндистонда яшайдиган кўнғир орангутангнинг батафсил умумий ва анатомик тасвири берилган. Бу сўтэмизувчилар оиласига кирувчилар тақлид этиш қобилияти кучлилиги, жиловлаб бўлмайдиган ғазаб, куч ва эпчиллиги билан ажралиб турадилар.

— Бармоқлар таърифи, — дедим мен сўзимни тугатар эканман, — айнан биз расмда кўраётган бармоқларга мос келади. Энди мен айнан тавсиф этилган орангутанг бу изларни қолдиришига ишонч ҳосил қилдим. Занглаган кўнғир рангдаги жунлар бу ўхшашликни тасдиқлайди. Лекин юз берган фожеани қандай изоҳламоқ лозим? Ахир гувоҳлар икки кишининг овозини эшитганлар, улардан бирининг овози сўзсиз французга тегишли бўлган.

— Жуда тўғри! Сиз, албатта, ҳамма француз одамнинг талаффузи, деб таъкидлаётган “топ Длеи!” деган ҳайқириқни эслаб қолансиз. Мазкур воқеага тегишли бўлган бу ҳайқириқ бир гувоҳ томонидан норозилик аломати сифатида жуда ўринли шарҳлаб берилди (дўкон соҳиби, Монтани). Мана шу икки сўз ёрдамида бу жумбоқни батамом ечиш ниятидаман. Қандайдир бир француз қотилликнинг шоҳиди бўлган. Эҳтимол, балким аниқдир ҳам, унинг ёвузларча содир этилган қотилликка алоқаси йўқ. Афтидан, маймун у кишидан қочиб кетган. Француз бўлса, уни қотиллик содир этилган жойгача кузатиб борган. Маймун тутқич бермаган, у ҳозир ҳам озодликда. Гумонларим ҳақида кўп гапириб ўтирмайман, бу шунчаки менинг фаразларим ва улар шунчалар кам асосланганки, сизни тугул мени ҳам ишонтираолмайди. Демак, буни биз фараз деб қабул қиламиз ва уни табиий баҳолай бошлаймиз. Агар бизнинг француз, менинг тахминимча, қотилликка алоқаси бўлмаса, унда мен йўлакай “Монд” газетаси тахририятига топшириб келган эълоним уни бу ерга бошлаб келади. Бу газета бизнинг кемачилигимиз манфаатларини ифодалайди ва денгизчилар орасида жуда машҳурдир.

Дюпен мента газета саҳифасини тутди. Мен ўқидим: “Саҳар пайти Булон ўрмонида (қотиллик содир этилган кун, эрталаб), ойи ва санаси кўрсатилган, Борнео оролида учрайдиган баҳайбат кўнғир орангутанг тутиб олинди. У эгасига қайтариб берилади, агар эгаси (овозларга қараганда у Мальта кемасига қарашли денгизчига тегишли) унга эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этса ва уни тугиш ва сақлаш билан боғлиқ харажатларни тўласа. Қуйидаги манзилга мурожаат этинг: уй... кўча... 5 қават.”

— Сиз у одамнинг Мальта кемасидан эканлигини қаердан билдингиз?

— Мен буни билмайман, — эътироз билдирди Дюпен. — Бунга ишончим ҳам комил эмас. Лекин мана бу тасмага эътибор беринг, уни ёғ босиб кетган. Одатда, денгизчилар сочларини бундай тасма билан турмаклашни хуш кўришади. Тасмани айнан мана шундай тугун қилиб, фақат денгизчи, аниқроғи, мальталиқ боғлаши мумкин. Мен бу тасмани яшинқайтаргич олдидан топиб олдим. Лекин мен адашаётган бўлсам ва тасманинг эгаси мальталиқ денгизчи бўлмаса ҳам, берган эълонимнинг зарари тегмайди. Агар мен адашган бўлсам, денгизчи “кимдир мени чалғитган” деб бу ҳақда кўпам ўйлаб ўтирмайди. Агар ҳақ бўлсам, бу менинг қўлимдаги энг муҳим рўкач. Француз гарчанд қотилликка шерик бўлмаса-да, унинг шоҳиди бўлган киши сифатида эълон бўйича учрашишдан олдин бир неча бор ўйлаб кўради. У тахминан мана шундай

мулоҳаза юритади: “Мен айбдор эмасман. Унинг устига мен бадавлат эмасман, орангутанглар қиммат туради, бу менинг учун яхшигина мол-дунё. Нима учун мен ундан воз кечишим керак. Мана у, шундоқ ёнгинамда. Уни қотиллик содир этилган жойдан анча наридан Булон ўрмонида топишган”.

— Бу ёввойи махлуқнинг қўлидан ажабтовур ишлар келиши мумкинлиги ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди. Бу воқеа қандай содир бўлгани полициячиларнинг хаёлига ҳам келмайди. Агар маймуннинг орқасидан қузатиб боришган тақдирда ҳам менинг бўлган воқеадан воқифлигимни исботлаш қийин. Воқеадан воқиф бўлган тақдиримда ҳам мен айбдор эмасман. Муҳими, мен ҳақимда кимнингдир хабари бор. Эълонда бу махлуқнинг эгаси мен эканлигим очиқ айтилган. Ким биледи дейсиз, бу кишига мен ҳақимда яна нималар дейишган. Агар менга тегишли мулкни олгани бормасам, ахир у қиммат туради-ку, унинг устига эгаси мен эканлигим маълум, унда маймун шубҳа уйғотади ва бу махлуқнинг шубҳа остида қолишидан менга наф йўқ. Яхшиси, мен эълон бўйича бориб, орангутангни олиб келаман ва ҳаммаси босди-босди бўлгунча, уни яшириб қўяман”.

Зинада оёқ товушлари эшитилди.

— Қурулингизни ҳозирланг, — огоҳлантирди мени Дюпен, — фақат уни ишлатманг, кўрсатманг ҳам — токи мен ишора қилмагунимча.

Пастда кўча эшик очиқ эди; У кўнғироқни чалмасдан, зинадан кўтарила бошлади. Аммо у иккиланди, шекилли, бир дақиқача жойида туриб, яна пастга туша бошлади. Дюпен эшик томон отилди. Лекин шу онда нотаниш кимсанинг яна зинадан кўтарилаётгани кулоққа чалинди. У орқага қайтишни бошқа ихтиёр этмади. Биз унинг шиддат билан зинадан юриб келаётганини эшитдик, сўнг у эшикни тақиллатди.

— Кириг! — деди хушмуомалалик билан Дюпен. Эшикдан бир эркак киши кириб келди, афтидан, у денгизчи эди. У баланд бўйли, яғриндор, ҳеч ким унга бас келолмайдиган таассурот уйғотарди кишида, умуман олганда у ёқимтой эди. Унинг соқол-мўйлови офтобда қорайган юзининг деярли ярмидан кўпини эгаллаб олган эди. У қўлига тўқмоқ ушлаб олган эди. Афтидан, бу унинг ягона қуроли эди. Денгизчи хижолатомуз таъзим қилиб, биз билан саломлашди. У француз тилида тоза гапирар эди, сезилар-сезилмас шевасини эътиборга олмаганда. Лекин у парижлик экани билиниб турарди.

— Утириг, ошна, — саломлашди у билан Дюпен. — Сиз орангутангни олиб кетгани келган бўлсангиз керак, албатта? Очигини айтсам, сизга ҳавасим келади! Ноёб нусха, унинг устига нархи ҳам қиммат бўлса керак. У неча ёшда, нима деб ўйлайсиз?

Денгизчи энгил нафас олди. Афтидан, унинг елкасидан тоғ ағдарилгандек эди.

— Билолмадим, — деди у бетакаллуфлик билан. — Тўрт-беш ёшлар чамаси, ундан кўп эмас. У шу ердами?

— Қаёқда дейсиз, бизда унга лойиқ хона топилмади, биз уни Дюбур кўчасидаги извошчи аравалар турадиган уйга топширдик. Уни олиб кетгани эртага келинг. Унга эгалик ҳуқуқингизни исботлаш сизга қийинчилик туғдирмаса керак.

— Гап йўқ, жаноб!

— Ундан ажралиш бизга қийин, — давом этди Дюпен.

— Жаноб, уринишларим беҳуда кетди, деб ўйламанг. Менда ҳам виждон бор. Имконим қадар меҳнатингиз ҳақини тўлайман. Келишамиз!

— Хўш, бу жуда олижанобликдир сиз тарафдан. Сиздан қанча ҳақ олсам экан, ўйлаб кўриш керак. Ҳай, майли, пул олмай қўя қолай, ундан кўра менга Морг кўчасидаги қотиллик ҳақида нима биласиз, шуни айтиб беринг.

Охирги сўзини у бироз паст овозда, лекин жуда бамайлихотирлик билан айтди. У худди шундай бамайлихотирлик билан эшик ёнига бориб, уни қулфлаб, калитини чўнтагига солди; сўнг ён чўнтагидан тўшпончасини олиб, шопилмасдан стол устига қўйди.

Худди бўғма касали бордек, денгизчининг юзи ўзгариб кетди.

Беихтиёр у ўрнидан сапчиб турди ва тўқмоғини маҳкам ушлаб олди. Лекин шу ондаёқ столга ағдарилиб тушди, бутун танаси титрар, ранги докадек оқариб кетган эди. У бирон сўз айтмади. Мен унга чин дилдан ачинар эдим.

— Бекорга хавфсираяпсиз, биродар, — тинчлангирди уни Дюпен. — Ишонинг, биз сизга ёмонлик қилмаймиз. Чин француз ва чин инсон сўзим: Сизга нисбатан ниятимиз яхши. Морг кўчасидаги қотилликка сизнинг дахлингиз йўқлигини мен аниқ биламан. Лекин бунга умуман алоқам йўқ дея олмайсиз, албатта. Кўриб турганингиздек, менга кўп нарса аён. Қардан билганимни тасаввур ҳам қилолмайсиз. Умуман, вазият тушунарли. Сиз ўзингизни айбдорман дея олмайсиз ва сизни жавобгарликка тортса бўладиган иш ҳам қилмагансиз. Сиз ҳатто пулга ҳам қўл теккизмагансиз. Пулларни олганингизда ҳам ҳеч ким сезмасди. Шу боис сизнинг қочиб юришингизга асос йўқ. Аммо виждон олдида бу иш бўйича билганларингизнинг ҳаммасини гапириб беришга мажбурсиз. Бегуноҳ бир одам ҳибсга олинган. Уни қотилликда айбодлашлари хавфи бор, сизга эса асл айбдор маълум.

Дюпеннинг сўзлари таъсир кучини кўрсатди: денгизчи ўзини тутиб олди, фақат ундаги сурбетлик қаерга кетди!

— Нима бўлса бўлди, — деди у бироз жим тургач. — Билганларимни сизга айтиб бераман. Худо ўзи менга ёрдам берсин! Сиз, албатта, менга ишонмайсиз — сиз менга ишонасиз деб умид қилсам, мен бирт аҳмоқ бўлган бўлар эдим. Лекин барибир бунда менинг айбим йўқ! Мени қатл этишса ҳам майли, сизга ҳаммасини қандай бўлса, шундайлигича айтиб бераман.

Яқинда унинг Индонезия архипелагида бўлишга тўғри келган экан. Бир гуруҳ денгизчилар билан Борнеода тушиб қолишга тўғри келибди ва дўсти билан орол ичкарасига айлангани жўнашибди. У дўсти билан орангутангни тутишга муяссар бўлибди. Тез орада унинг дўсти вафот этиб, денгизчи маймуннинг ягона эгаси бўлиб қолибди. У ёвузлашган маймунни то Париждаги уйига олиб келиб, қизиқувчан қўшниларининг кўзи тушмасин деб, шунингдек, маймуннинг кемада яраланган оёғи тузалиб кетгунча, жуда кўп савдоларни бошидан кечирибди. Денгизчи уни мўмай пулга сотиш илинжида экан.

Яқинда меҳмондорчиликдан қайтгач, — бу қотиллик содир этилган кечаси, аниқроғи, саҳарда юз берди, — у ўз ётоқхонасида орангутангга дуч келади. Маълум бўлишича, уни қочиб кетмасин деб қамаб қўйилган жойидан панжарани бузиб чиққан. Маймун қоидаси билан юзини совунлаб, қўлида устара билан ойна олдида ўтирарди. У худди эгасига ўхшаб, соқолини олиш тарадудиди эди. Чунки қулф тирқишидан хўжайини соқолини қандай олишини ҳар куни кўра эди. Ваҳшийлашиб кетган маймуннинг қўлида устарани кўргач, денгизчи эсанкираб қолди, чунки маймун устарани ишга солиши мумкин эди-да. Лекин у тезда ўзига келди, чунки маҳбусини қандай қилиб жиловлашни яхши биларди. Ҳатто унинг энг жазавага тушган пайтида ҳам қамчи билан савалаб, тезда ўзига келтирарди. У ҳозир ҳам қамчига ёпишди. Буни кўрган орангутанг эшик томон отилди ва зинадан пастга қараб тушди, бахтга қарши ойна очиқ эди — ундан нари кўчага отилиб чиқди.

Француз дахшатта тушиб, унинг орқасидан чопди. Маймун бўлса, қўлидан устарани қўймасдан чопар, баъзи-баъзида тўхтаб, эгасига афгини бужмайтирар, эгаси яқинлашгач, яна қочиб кетарди. У анча вақт унинг кетидан қувиб юрди. Эрталабки соат учлар эди, кўча жимжит эди. Морг кўчасининг орқа томонидаги тор кўчадаги уйнинг бешинчи қаватида ёниб турган чироқ маймуннинг эътиборини тортди. Яқинроқ келиб, яшинқайтаргични кўргач, ақл бовар қилмас тезлик билан унга тирмашиб чиқди ва очиқ турган ойнадан ўзини ичкарига урди. Бунинг учун бир дақиқа вақтнинг ўзи етарли бўлди. Хонага киргач, маймун оёғи билан дераза ромларини тепиб очиб юборди.

Денгизчи хурсанд бўлишини ҳам, хафа бўлишини ҳам билмасди. У тузоққа тушган қочоқни энди тутаман деб ўйлади, чунки у фақат яшинқайтаргич орқали ўтиши мумкин эди. Бу ерда эса уни тутиш осон кечарди. Ишқилиб, уйда бирон қор-ҳол рўй бермасин-да! Хаёлига келган бу ўй уни маймуннинг орқасидан боришга ундади. Яшинқайтаргичга тирмашиб юқорига чиқиш қийинчилик туғдирмасди, айниқса, денгизчи учун. Лекин ичкари томонда жойлашган чап тарафдаги ойнага яқинлашгач, у тўхташга мажбур бўлди. Қўлидан келганича дераза томон чўзилиб, ичкарига қаради. Ҳайратдан пастга ағабан тушай деди. Айнан шу онда Морг кўчасида яшовчи аҳолини саросимага солган қулоқни қоматта келтирувчи фарёд эшитилди.

Л' Эспанэ хоним ва унинг қизи, афгидан, юқорида тилга олинган темир сандиқчадаги қоғозларни хонанинг ўртасида кўздан кечириб ўтиришган эди.

Сандиқча очиқ, унинг ичидаги нарсалар эса полда сочилиб ётарди. Афғидан, икки аёл деразага орқаси билан ўтирган бўлгани учун, тунги меҳмонни дарров пайқашмаган. Унинг пайдо бўлиши билан хотинларнинг қичқириви орасида бир муддат вақт ўтгани боис, хотинлар дераза очилганини пайқашмаган, эшик гичирлади деб ўйлашган бўлса керак.

Денгизчи деразадан хонага қараганда, баҳайбат орангутанг Л' Эспанэ хонимнинг елкаси бўйлаб ёйилиб ётган сочларидан (у сочларини тараган эди) тутиб турарди. Ва худди сартарошга ўхшаб, унинг кўзи олдида устарани ўйнатарди. Қизи хушидан кетиб, полда чўзилиб ётарди. Кампирнинг бақирик-чақириклари ёмонлик қилиш нияти бўлмаган орангутангнинг газабини кўзгатган чоғи, у фикридан қайтиб, унинг сочини эти билан юлиб олади. Маймун ўзининг кучли қўли билан кампирнинг калласини узиб олишга сал қолди. Қонни кўрган махлуқнинг жазаваси янада кўзиб кетди. Унинг кўзлари ёнарди. Тишларини гичирлатиб, ўзини қизнинг устига отди, ўткир тирноқлари билан уни бўйнидан бўга бошлади. Қиз то жон бермагунча уни қўйиб юбормади. Газабга минган маймун ранги докадек оқариб кетган хўжайинни ойнадан қараб турганини кўради. Хўжайинининг қамчисини унутмаган маймунни тўсатдан кўрқув босади. У ўзини айбдор сезади ва жазолашидан кўрқиб, қонли қилмишини яшириш ҳаракатига тушади.

У хонада гир айланиб, ҳамма нарсани ағдар-тўнтар қилади, жиҳозларни синдириб, кўрпа-тўшакларни отиб юборади. Ниҳоят у қизнинг жасадини олиб, уни мўрига тикади, кампирнинг жасадини бўлса, узоқ ўйлаб ўтирмай, ойнадан улоқтиради. Маймун қўлидаги бурда-бурда қилинган жасад билан дераза олдида борганини кўрган денгизчи турган жойида қотиб қолади ва кўрқувдан яшинқайтаргичдан сирғалиб туши-да, маймунга эгаллик қилишни кейинги сафарга қолдириб, уйи томон қоча бошлади. Зинадан кўтарилаётган одамлар эса французга тегишли хитобларни ва жунбушга келган махлуқнинг гўнғир-гўнғирини эшитган эдилар.

Мана, бор гап шу. Эшикни бузиб киргунларига қадар орангутанг, афғидан, кампирнинг ётоқхонасидан яшинқайтаргич орқали қочиб қолган. Ромнинг деразасини ҳам ўзининг орқасидан ёпиб қолдирган бўлса керак.

Кўп ўтмай маймуннинг эгаси уни тутиб олади ва Ботаника боғига мўмайгина пулга сотиб юборади. Биз Дюпен билан маҳмадага келиб, бор гапни айтиб берганимиздан сўнг Лебонни озод қилишди. (Дюпен баъзи бир изоҳларни беришдан ўзини тиёлмади). Дўстимга муносабати нечоғлик яхши бўлишига қарамай, ўша амалдор ҳам хатога йўл қўйганидан пушаймон эканини беркита олмади ва ҳамма ўз иши билан шуғуллангани маъқул, деб бизга дашном бериб ҳам қўйди.

— Жаврайверсин, — деди Дюпен менга, амалдорнинг саволини жавобсиз қолдирар экан. — Ўзини-ўзи юпатаверсин. Одам ўз қалбини ёзиши керак-да! Менга бўлса, душманимни ўзи уйида мағлуб қилганим етарли. Шундай бўлганда ҳам, бизнинг префект жумбоқни ечолмадим деб, бекорга қайгурмадилар.

Ростини айтганда, масаланинг моҳиятига етиш учун у ўта айёрлик қилади. Масалага юзаки қараш — унга одат. Унинг худди Лаверна маъбудасига ўхшаш, фақат танасиз битга калласи бор. Нима бўлганда ҳам, ёмон одам эмас, мени у, айниқса, ўзини ақлли, билармон қилиб кўрсатишидаги усталиги ҳайрон қолдиради. Мен ундаги мавжуд нарсани инкор этиш ва йўқ нарса ҳақида оғиз кўпиртириш қобилиятини назарда тутяпман.

*Раъно ИБРОҲИМОВА
таржимаси.*

